

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Х ҲАРФИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

Ушбу китобдан фақатгина шахсий мутолаа, танишиб чиқиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Тижорий мақсадда фойдаланиш (сотиш, кўпайтириш, тарқатиш) қонунан тақиқланади.

Х — ўзбек кирилл алифбосининг ўттиз бешинчи ҳарфи. Бўғизда ҳосил бўлувчи, сирғалувчи, жарангсиз ундошни ифодалайди. Қўлланишига кўра, унча фаол эмас, асосан, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда ёзилади. Сўзнинг боши (ҳавас, химоя, хунар), ўртаси (аҳвол, моҳир, қахрамон) ва охири (гувоҳ, Оллоҳ, сулҳ)да ҳар қандай товуш-ҳарф билан ёнма-ён кела олади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган бир қанча ёзувларда (авесто, суғд, араб, лотин каби) ўзига хос белги-шаклларга эга.

ҲАБАШИСТОН - *Эфиопия*нинг Шарқда тарқалган иккинчи номи.

ҲАБАШЛАР - к. *Эфиоплар*.

ҲАББУЛ-МУЛУК, ҳаббул-малик (Сго1оп) — сутламадошларга мансуб

бир уйли бута ёки кичик дарахтлар туркуми. Иккала ярим шарнинг тропик ва субтропик ўрмонларида, асосан, Америкада 700 га яқин тури тарқалган. Бўйи 4—6 м гача (айрим ҳолларда ўт), барглари кетма-кет жойлашган, тишли, эгилган, кўпроқ кулранг-яшил ёки ялтирок. Гуллари яшилроқ, бошоқчага йиғилган, бир ёки икки жинсли. Меваси чаноқ. Жан.-Шарқий Осиёда ўсадиган, Шрилан-ка, Филиппин ва б. тропик мамлакатларда экиладиган С. И§1шт тури кичик дарахт ёки бута, уруғида 50% гача тиббиётда ишлатиладиган кротон ёғи бор. Уруғи заҳарли. Х-М.нинг С.e11eпа ва С.саксагШа турлари пўстлоғида хушбўй, аччиқ доривор каскарилла моддаси мавжуд. Ундан ликер и.ч. ва тамакини ферментациялашда фойдаланилади. Кўпгина турларининг смолали шарбаги заҳарли; айрим турларининг шар-батидан лок олинади.

ҲАБИБ Асадулло (1941, Маймана ш.) — афғон ёзувчиси, адабиётшунос. 70— 80-й.лар дари адабиётида вужудга келган «Янги шеър» оқимининг таникли намояндаларидан. Кобул ун-тининг адабиёт ф-тини тугатган (1961). Дастлабки ҳикоялар тўплами — «Уч мардикор» (1966). Асарларининг асосий мавзуси оддий меҳнаткашларнинг оғир ҳаёти ҳақида. Илмий ишлари мумтоз ва ҳоз. замон дари адабиёти тарихига бағишланган. «Оқбадан» (ёки «Ойдин», 1965), «Кишанларни пар-чаловчилар» (1975), «Тун ва қамчин» (1978), «Оқшом ила дийдор» (1982), «Қизил мактуб» (1983), «Ўроқлар ва кўллар» (1983—84), «Зулмат билан видолашув» (1985), «Сўнги орзу» (1986) ва б. асарлар муаллифи.

Ас: Ойдин, Т., 1982.

ҲАБИБ САЪДУЛЛА (тахаллуси; асл номи Саъдуллаев Ҳабибулла) (1942.5.4, Наманган) — Ўзбекистон халқ шоири (1999). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1992). Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1971). «Муштум» жур. да мусахҳиҳ (1966—67), мактаб ўқув-чилари газ.да адабий ходим (1967—68), «Наманган ҳақиқати» газ. да бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари (1968—73), Наманган вилоят Ёзувчилар уюшмасида раис (1973—90), вилоят Маданият ишлари бошқармасида бошлиқ (1990—98). Дастлабки шеърлар тўплами — «Океандан шабада» (Усмон темир билан ҳамкорликда, 1969). Шундан сўнг Ҳ.С.нинг «Баҳор билан суҳбат» (1975), «Мулоқот» (1979), «Яна остонангда» (1982), «Эҳтиром» (1984), «Боғлар юртин боласимиз» (1988), «Тазарру», «Кўчамдан жонон ўтганда» (1992), «Косонсой карвонлари» (1993), «Учкўрғоннинг уч хирмони» (1996), «Рамазон муножоти» (1997), «Нур кадри» (1998) шеърый китоблари нашр этилган. Ҳ.С. шеърларида ўзи мансуб бўлган авлоднинг ўзгариб бораётган воқеликдан

олган таассуротлари ва шу воқеликка муносабати ўз ифодасини топган. Шоирнинг уруш мавзусига бағишланган «Туғилган йиллим», «Онаизор» ва «Тирик қурбонлар» дostonлари автобиографик хусусиятга эга. Бундан ташқари, Ҳ. С. «Усмон атлас», «Замин садоси», «Еттинчи китъа», «Эътикод», «Чуст ривояти», «Адиб тақдири», «Жароҳат» сингари дostonларни ҳам ёзган. Ҳ.С.нинг «Юсуф ва Зулайҳо» (1975), «Меҳр кўеши» (1985) драмалари ва «Раҳмат, иғвогар» (1989) комедияси вилоят театрида сахналаштирилган. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2003).

Ас: Танланган асарлар, 2 ж.ли, Т., 2002. Ад.: Худойбердиев Э., Ҳабиб Саъдулла, Т., 2004.

ҲАБИБИЙ (тахаллуси; асл номи Зокиржон Холмуҳаммад ўғли) (1890, Пахтаобод тумани Қўқон қишлоғи — 1980.16.4, Тошкент) — Ўзбекистон халқ шоири (1974). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). Қўқон ва Андижондаги мадрасаларда таҳсил кўрган. Навоий, Фузулий, муқимий, Фуркат асарларини мутолаа қилиб, аруз вазнининг бадиий лато-фати ва бой имкониятларини кунт билан ўрганган. Ҳ.нинг ғазалнавислик ижоди мазкур адабий муҳитда шаклланиб борган. Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик ишлари бошланиши билан Ҳ. сафдошлари Бокий, маҳжурый, Анисий ва Сайфий билан бирга Навоий комитети томонидан таклиф этилиб, Тошкентга кўчиб келган (1938). Ғ.Фулум, Ҳ.Олимжон, С.Аб-дулла, С.Мирзаев, С.Муталлибов сингари алломалар билан бирга Навоий адабий меросини ўрганган. Ҳ. 1939 й.да Фарғона канали қурилишига шоир сифатида сафарбар этилган. Шу вақтдан бошлаб унинг ғазаллари республика даврий матбуотида эълон қилиниб, машхур ҳофизлар томонидан ижро қилина бошлаган. Ўз ғазаллари ҳамда мумтоз адабиёт ва мусика соҳасидаги билими билан хурмат қозонган Ҳ. 1940 й.да Янгийўлда

ташқил этилган вилоят мусиқали драма ва комедия театрига адабий эмакдош этиб тайинланган ва 1946 й.га қадар шу ла-возимда хизмат қилган. «Меҳнат кўшиқлари», «Янги яллалар» (1949), «Колхозчилар ашуласи» (1951), «Кўнгил тароналари» (1957), «Замон фарходлари» (1959), «Танланган асарлар» (1967), «Девон» (1971), «Наврўзи олам» (1973) ва б. шеърӣй тўпламлар муаллифи. Ҳ. ижодида севги ва вафо, ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат ҳамда садокат ғоялари устуворлик қилади. Ҳ. мумтоз ўзбек шеърӣяти ва, айниқса, мусиқасини назар-писанд қилмаслик, ҳатто фео-дал даврларнинг социализмга ёт мероси сифатида рад этиш ҳоллари авж олган замонларда Навоӣй. Муқимий сингари мумтоз шоирларнинг ҳаёт-бахш анъаналарини изчил давом эттирган. Ҳ.нинг адабий мероси мумтоз ўзбек адабиётининг ғазал, мурабба, мухаммас, мусаддас, рубоӣй, туюқ, қасида ва дoston сингари жанрларида ёзилган 40 мингдан зиёд байтдан иборат. Унинг 300 дан зиёд ғазаларига куй бастанланган бўлиб, уларнинг ак-сарӣ ҳозир ҳам ижро этилади. Ҳ. Тошкентнинг Камолон қабристонига дафн этилган. Тошкент, Андижон ш.лари ва Пахтаобод туманидаги кўчалар Ҳ. номи билан аталади. Пахтаобод туманида Ҳ. уй-музейи барпо этилган.

Ас.: Девон, 2нашри, Т., 1975.

Ад.: Носиров О., Ўзбек адабиётига ғазал, Т. 1973; Отажон У., Устозлар хотираси, Т, 1998.

Наим Каримов.

ҲАБИБИЙ (тахаллуси; асл номи Абдуллоҳиқ Охунзода ўғли) (1910, Қандаҳор ш. — 1984, Кобул) — афғон адабиётшуноси. Афғон-пушту тили ва адабиётининг йирик тадқиқотчиси. Кобул ун-тида проф. Ҳ. пушту тили ва адабиётининг қад. даврларидан то 20-а. охирларигача бўлган тараққиёт босқичлари, қад. афғон ёзма ёдгорликлари. умуман пуштунларнинг маданияти, фольклори, тарихий тараққиёти, мумтоз ва ҳоз. замон адабиёт-

ти, ундаги бадий-услубий йўналишлар, шунингдек, Афғонистоннинг тарихига оид пушту, дари, урду ва араб тилларида ёзилган китоб. рисола ва муаммоли масалаларга бағишланган мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи. 40-й.ларда афғоншунослиқда илк бор 2 ж.ли пушту адабиётни тарихининг 1-жилдини ёзган ва уни нашрга тай-ёрлаган. Кейинчалик Ҳ. 3 жилдли «Афғонистон адабиётни тарихи», 2 жилдли «Афғонистон тарихи» (дари тилида) китобини яратган. Пуштунларнинг қад. адабий-тарихий ёзма ёдгорлиги — «Яширин ҳазина» китобини топиб, илмий шарҳ ва тадқиқий материаллар билан дари тилида нашр қилдирган. Ҳ.нинг тарихий ва ватанпарварлик мавзуидаги шеър, ҳикоя, қисса ва драматик асарлари ҳам бор («Фидокорлик», «Тўрпэкэй» ва б.).

ҲАБИБОВ Муқим Азизович (1916 — Андижон — 1979.21.11) — дирижёр, бастакор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Наманган мусиқа билим юртини тугатган (1936). 1934—52 й.лар Андижондаги турли театрларда дирижёр, 1952 й.дан *Анди-жон театри*ни дирижёр, 1958—78 й.ларда бош дирижёр. «Бургутнинг парвози» (И.Султон), «Тухматчилар жазоси» (Ҳамза), «Қасоскор она» (М.Бобо-ев) каби спектаклларга мусиқа баста-лаган, бир қанча кўшиқлар ёзган, мусиқали драма спектаклларида дирижёрлик қилган.

ҲАБИБУЛЛАЕВ Пўлат Қирғизбоевич (1936.14.10, Андижон) — физик олим ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1984). СССР (1991 й.дан Россия) ФА мухбир аъзоси (1984). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1994), физика-мат. фанлари д-ри (1971), проф. (1972). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1960). Тошкент педагогика ин-тида кафедра мудири (1964—71), Андижон пахтачилик ин-ти ректори (1971—75), Ўзбекистон КП МК фан ва ўқув юртлари бўлими мудири (1975—78). Ўзбекистон

ФА Ядро физикаси ин-ти директори (1978—88), Ўзбекистон ФА Иссикпик физикаси бўлими илмий раҳбари (1977 й.дан). Ўзбекистон ФА вице-президенти (1979—84), президенти (1984—88), Ўзбекистон Олий Совети раиси (1985—88), Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1988—89), Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раиси (1994 й.дан), Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази директори (2002 й.дан). «Ўзбекистон физика журнали» бош муҳаррири (1995й.дан). Илмий ишлари акустик спектроскопия, физик ва квант акустика, нанофизика ва юмшоқ муҳитлар физикаси, ночизикли оптика ва лазер термодинамикаси, суперйон ўтказгичлар ва квант-ўлчамли системалар физикаси, ядро физикаси ва радиацион материалшунослик, ночизикли динамика ва хаос, изо-топлар физикаси ва кимёси, лазер фотосинтези ва б. йўналишларга доир. Ҳ. критик ҳодисалар ва фазавий ўтишлар соҳасини ўз ичига олган конденсирланган муҳитлар акустик спектроскопияси асосчиларидан бири.

Ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун физикадан дарсликлар муаллифи. Покистон, Ҳиндистон ва б. бир қанча хорижий ФА аъзоси. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат муко-фоти лауреати (1981). «Меҳнат шўҳрати» ордени билан мукофотланган (2000).

Ас.: Электростатистическая модель ёмких кластеров и термодинамические параметрн реакций кластерообразования, Т, 1985; Физика мягких систем, Т, 1998.

ҲАБИБУЛЛАЕВ Фулом (1938.20.5, Боёвут тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Ленинобод пед. институтини тугатган (1962). 1958 й.дан Боёвут туманидаги 5-, Оқолтин туманидаги 2-мактабларда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, 1980—98 й.ларда Оқолтин туманидаги 2-мактабда ўқув бўлими мудири, директор, она тили ва

адабиёт ўқитувчиси.

ҲАБИБУЛЛО (тахм. 1872-1919.20.2, Жалолобод яқинида) — Афғонистон амири (1901 й.дан). Ҳокимиятининг дастлабки даврида ватанпарвар кучлар таъсирида ислохотлар ўтказишга (марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иктисодиётни ривожлантириш, дунёвий таълимни жорий қилиш ва б.), мамлакатни Англиядан қарамлигини заифлаштиришга ҳаракат қилган. 1905 й. амир Абдураҳмон томонидан имзоланган инглиз-афғон битимини тан олган. Англия ва ички реакция кучлар тазйиқи остида 1919 й. *ёш афғонларта* қарши чиққан; уларнинг кўпчилиги қамокка олинган ва қатл этилган. 1-жаҳон уруши йилларида Гер-маниянинг гюк-гизлашига қарамай Ҳ. бетарафлик сиёсатини тутган. Ҳаётининг охирида инглиз-параст сиёсат юргизиб, Афғонистонда озодлик ҳаракатининг ўсишига тўғанок бўлган. Саройдаги фитна натижасида ўлдирилган.

ҲАВЗА — 1) бирон дарёга суви оқиб келадиган майдон, худуд (қ. *Дарё ҳавзаси*); 2) чўкинди фойдали қазилмалар қатламларининг узлуксиз ёки деярли узлуксиз тарқалган берк майдонлари, улар тоғ жинсларининг маълум формациялари билан боғлиқ бўлади (қ. *Фойдали қазилмалар ҳавзаси*). Ер ости сувлари Ҳ.ларидан Сирдарё, Амударё, Тошкент артезиан Ҳ.лари мавжуд.

ҲАВО — газлар, асосан, Ер атмосферасини ташкил этувчи азот ва кислороднингтабiiй аралашмаси. Ҳ. ва сув таъсирида Ер сиртида муҳим геологик жараёнлар содир бўлади, об-ҳаво ва иқлим шаклланади. Ҳ. деярли барча тирик организмларнинг яшаши учун зарур кислород манбаидир (қ. *Аэроблар, Нафас*). Ёқилғининг Ҳ.да ёнишидан одамлар ўз турмуш ва и.ч. эҳтиёжлари учун зарур иссиқлик олишда қадимдан фойдаланиб келишади. Утмишда олимлар Ҳ.ни

мавжудликнинг асосини ташкил этувчи элементлардан бири деб ҳисоблашган. Ҳ.ни мустикал модда деган тушунча 18-а. охиригача давом этиб келди. 1775—77 й. француз кимёгари А.Ла-вуазье Ҳ. таркибида азот ва кислород, 1894 й. инглиз олими У.Рамзай ва Ж.Релей аргон борлигини исботлади. Шундан кейин Ҳ. таркибида бошқа *инерт газлар* ҳам мавжудлиги аниқланди.

Ҳ. — муҳим кимёвий хом ашё манбаларидан биридир. Соф қуруқ Ҳ.нинг мол. м. 28.966, 0° да денгиз сатҳидаги босими 1013,25 ГПа; критик т-раси — 140,7°, критик босими 3,7 Мпа, ўзгармас босимдаги солиштирма иссиқлик сиғими C_p 10,045-Ю³ ж/(кг·К) (0-100° ораликда), ўзгармас ҳажмда эса

$C_{-8,3710-10^3}$ ж/ (кгК) (0-1500° ораликда); ёруқчиқ нуруни синдириш кўрсаткичи 1,00029, диэлектрик синдирувчанлиги 1,000059 (0°да). Сувда эрувчанлиги 0°да 0,036%, 25° да 0,22%. Атмосферанинг Ерга яқин қисми — тропосферада масса жиҳатдан 80% га яқин Ҳ. тўпланган. Ер юзидаги соф қуруқ ҳавонинг асосий компонентлари жадвалда кўрсатилган.

Ҳ.да жуда оз миқдорда сув Н₂О (масса жиҳатдан 0,02—4%), сульфид ангидрид §0₂, метан СН₄, аммиак МН₃, углерод (II)-оксид СО, углеводородлар, хлорид кислота НС1, фторид кислота НҒ, симоб буғлари, Н§, йод I, радон Яп, ксенон Хе, шунингдек, азот (II)-оксид ва кўпгина бошқа газлар бўлади. Тропосферада доимо маълум миқдорда тўзон ва баъзи тасодифий кўшимчалар учрайди. Ҳ.даги азот, кислород ва инерт газлар миқдори амалда ўзгармасдир. Тирик организмлар нафас олганда, ёқилги ёнганда, металллар эритилганда ва б.да сарфланадиган кислород миқдори яшил ўсимликлар фотосинтези туфайли тикланиб туради.

Вулканларнинг отилиши ва радиоактив элементларнинг парчаланиши — инерт газлар (аргон, гелий ва радон) манбаидир. Газларнинг энг енгили — гелий Не коинотга узлуксиз равишда тарқалиб

туради. Водород ҳам гелий каби фазога тарқалади. Турли жараёнлар натижасида унинг Ҳ.даги миқдори сақланиб туради. Ҳ.даги карбонат ангидрид, сув буғи ва тўзон миқдори турли шароитга қараб ўзгариши мумкин. Катта миқдордаги СО, фотосинтез жараёнларига сарф бўлади ва океан сувларига ютилади. Табиатда карбонат ангидрид ёғоч ва кўмирнинг ёниши, тирик организмларнинг нафас чиқариши, чириш ва ҳ.к. натижасида ҳосил бўлади. У карбонатли тоғ жинсларининг парчаланиши, вулкани отилишидан ҳам юзага келади.

Сўнгги 100 й.да атмосфера Ҳ.си таркибида СО, миқдори 10% га ортди. Унинг асосий қисми (360 млрд. т) ёқилги ёқиш натижасида пайдо бўлди. Агар ёқилги ёқиш суръатлари шу зайлда давом этса, яқин 50—60 й.да атмосферадаги СО₂ миқдори 2 барабар ортади ва об-ҳавонинг кескин ўзгаришига сабаб бўлиб, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ёқилги ёқиш — Ҳ.ни ифлослантирувчи газлар (СО, NO, §0₂) нинг асосий манбаидир. Сульфид ангидрид Ҳ. кислороди таъсирида сульфат ангидрид (§0₃) гача оксидланади. §0₃ сув буғлари ва аммиак билан реакцияга киришиб, сульфат кислота Н₂§0₄ ва аммоний сульфат (МН₄)₂§0₄ ҳосил қилади. Бу бирикмалар атмосфера ёғинлари билан бирга Ер юзасига тушади. *Ички ёнув двигатели*дан фойдаланиш Ҳ.ни азот оксидлари, углеводородлар ва қўрғошин бирикмалари билан ниҳоятда кўп ифлослантиради. Саноат корхоналари, иссиқлик электр станциялари, автотранспорт, ўрмондаги ёнғинлар, бўрон ва тўзонлар Ҳ.да каттик зарралар (чанг, тутун) миқдорини шу даражада кўпайтирадики, натижада катта шаҳарлардаги Ер сир-тига тушадиган куёш радиацияси анча (20—40%) камайиб кетади. Қаттиқзар-раларнинг кўп миқдорда атмосферага кўтарилиши планетада иқлим ўзгаришига олиб келади.

Ҳ.нинг ифлосланиши одам, ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаш шароитини ёмонлаштиради, алоҳида касалли-

кларнинг кўпайиши ва баъ-зан ўлимга сабаб бўладиган даражага етиши мумкин. Ҳ.нинг радиоак-тив ифлосланиши айниқса хавфли (қ. *Радиоактив чиқиндилар*). Ҳ.ни ифлосланишдан сақлаш мақсадида саноат газлари атмосферага чиқаришдан аввал тозаланади (қ. *Газларни тозалаш*).

Одамнинг нормал ҳаёт фаолияти учун Ҳ.нинг таркиби, кислород парциал босими катта аҳамиятга эга. Ҳ.даги кислороднинг денгиз сатҳидан юқори парциал босими 213,32 ГПа ни ташкил этади; агар у 186,65 ГПа гача пасайса, кишида кислород етишмаслиги сези-л&ди, на-фас олиши чуқурлашади, кон айланиши тезлашади. эритроцит миқ-дори кўпаяди ва х.к. Парциал босим 146,65 ГПа гача тушганда гипоксия аломатлари юз беради. 66,66—89,93 ГПа да ҳаёт хавф остида қолади.

Суюқ ҳаво зичлиги 960 кг/м³ (— 192° т-ра ва нормал босимда) бўлган зангори рангли суюқчик. Унинг таркиби турғун эмас, чунки кислороднинг буғланиш т-раси (—183°) азотнинг буғланиш т-раси (—196°) дан юқори бўлганидан, суюқ Ҳ.да кис-лород атмосфера Ҳ.сига қараганда бирмунча кўп. Суюқ Ҳ. таркибида тахм. 54% кислород, 44% азот ва 2% инерт газлар бўлади. Суюқ Ҳ. сақланганда азот буғланади ва натижада кислороднинг нисбий миқдори янада кўпайиб қолади. Суюқ Ҳ.нинг фракцияли буғланишидан соф азот, кис-лород, аргон ва б. инерт газлар олишда фойдаланилади. Суюқ Ҳ. пўлат баллонларда 150 атм босимда сақланади, баллон қора рангга бўялиб, устига «Сиқилган ҳаво» деб ёзиб қўйилади.

Сунъий Ҳ. (аникроғи нафас олишга ярқли газлар аралашмаси — сунъий атмосфера) дастлаб тиббиётда кислород танқислиги касаллиги билан оғриган беморларни даволашда ишлатилган (40—60% кисло-роднинг оддий Ҳ. билан аралашмаси ёки 95% кислорд билан 5% СО₂ аралашмаси). Бундай сунъий газ аралашмасидан авиацияда, кончилик-

куткарув ишларида ва б.да фойдаланилади. Сунъий Ҳ. гаввослик ишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳ. турли жараёнларда, чунончи ёқилғини ёндиришда, рудалардан металларни эри-тиб олишда (домна ва мартен печларида), кўпгина кимёвий бирикмаларни олишда кимёвий агент сифатида ишлатилади. Ҳ. кислород, азот, инерт газлар олишда муҳим саноат хом ашёсидир. Ҳ.нинг физик хос-саларидан иссиқдик ва товуш ўтказмайдиган материаллар, электр изоляция қурилмаларида, эластиклик хосса-сидан пневматик шиналарда фойдаланилади. Сиқилган Ҳ. механик ишларни бажаришда (пневматик машиналар, пуркаш ва тўзитиш қурилмалари, перфораторлар ва х.к.) қўлланади.

Ад.: Ивен М., Филлипс Л., Химия атмосфери, М., 1978; Уорк К., Уорнер С., Загрязнение воздуха. Источники и контроль, пер. с англ., М., 1980.

Рустам Маърупов.

ҲАВО АЙЛАНИШИ (ЦИРКУЛЯЦИЯСИ) — ер сиртида қалин (ўнларча км гача) *ҳаво (атмосфера)* қатламининг ўзига хос кўчиб юриши; тўхтов-сиз юз бериб туради. Кўп йиллик шамол хариталари ва атмосфера босимларининг ўртacha кўрсаткичлари бўйича Ҳ.а.нинг умумий қонуниятларини аниқлаш мумкин (қ. *Атмосфера циркуляцияси*).

ҲАВО БИЛАН ИСИТИШ - хоналар ни кизиган ҳаво ёрдамида иситиш. Ҳаво киздиргич, ҳаво айланадиган қувурлар, ҳаво ҳайдовчи ва сўрувчи қурилмалар, ҳавони очиб-ёпиш кла-панларидан ташкил топган. Ҳаво иссиқ сув, буғ, ёқилғи ва электр қув-вати ёрдамида киздирилади. Қизиган ҳаво полга, шипга ёки деворга ўрнатиладиган агрегатлар ёрдамида хоналарга юборилади.

Ҳ. билан и.нинг рециркуляцион (фой-даланилган иссиқ ҳаводан яна фойдаланиладиган) ва вентиляция билан қўшилган хиллари мавжуд. Биринчи усулда киздириладиган ҳаво исти-

лаётган хонанинг ўзидан олинади. Иккинчи усулда эса ҳавонинг бир қисми ташқаридан, қолган қисми хонанинг ўзидан олинади. Ташқи ва ички ҳавонинг ҳажмини исталган нисбатда ўзгартириш мумкин. Қиздириладиган ҳавони фақат ташқаридан оладиган тизимлар ҳам бор. Бундай тизимлар, мас, битта ҳаво киздиргич билан бир неча хонадонни иситишда қўлланилади (бундай ҳолда циркуляция орқали ҳавонинг бир хонадондан иккинчи хонадонга ўтиши мақсадга муво-фик эмас). Иш жараёнида зарарли газ ёки чанг чиқадиغان саноат биноларида ҳам циркуляциядан фойдаланилмайди. Ҳ. билан и. тизимларида ҳавонинг ҳаракати ҳаво киздиргичдан олдинги ва кейинги т-ралар ҳамда ҳаво зичлиги фарқи эвазига табиий ҳолатда ёки механик ҳайдаш туфайли содир бўлади. Кейинги ҳолда электр вентилия-торлардан фойдаланилади.

Ҳ. билан и.нинг бошқа марказий иси-тиш тизимларидан афзаллиги шунда-ки, бунда металл кам сарфланади (чунки сув ёки буғ билан иситиш тизимларидаги сингари металл иситиш жиҳозлари ва қувурларидан фойдаланилмайди). Ҳ. билан и. вентилияция билан қўшилганда бир йўла хонадаги ҳавони мўътадиллаштиради (кондицирлай-ди). Саноат бинолари цехларида, жамоат биноларида, хоналари кўп бўлган биноларда (агар қурилиш кон-струкциялари бўшлиқларидан ҳаво канали сифатида фойдаланишнинг имкони бўлса) Ҳ. билан и. кўпроқ самара беради. Ҳ. билан и., асосан, жамоат ва саноат биноларини иситишда қўлланади. Россия, АҚШ ва б. ривожланган давлатларда Ҳ. билан и. тизими турар жой биноларида ҳам қўллана бошлади.

ҲАВО ВА ҚУЁШ ВАННАЛАРИ
-даво ва чиникиш мақсадида ҳаво ҳамда қуёш нурунинг шифобахш хосасидан фойдаланиш. Ҳ. ва қ.в. санаторий ва курортларда даволанишнинг муҳим қисми ҳисобланади, ундан кундалик шароитда

ҳам (врачнинг тавсияси бўйича) фойдаланиш мумкин.

Ҳаво ванналари турларидан бири — пешайвонда даволаниш, бунда даволанувчилар очик пешайвонда маълум вақт бўладилар; беморлар мавсумга мувофиқ кийиниб олишлари лозим (совук пайтларда иссиқ адёл, ётоқ копидан фойдаланилади). Ҳаво ваннаси қабул қилаётганда эркин ҳаракатланаётган ҳаво теридаги нерв учларини кўзгагиб, унинг нафас олишини ва қоннинг кислородга тўйинишини таъминлайди. Бунда оксидланиш жараёнлари ва моддалар алмашинуви жадаллашади, мускул ва нерв системасининг қуввати ошади, организмдаги *терморегуляция* системаси чиниқади, иштаҳа очилади, уйқу яхшиланади. Ҳавосининг таркибида кис-лород кўп бўлган жойларда ҳаво ваннаси айниқса, фойдали, бундай ҳаво денгиз тупари, енгил аэроионларга бой бўлади.

Ҳаво ваннаси ва муддатини врач белгилайди. Ҳаво ваннаси организмни, айниқса, болалар организмни чиниктиришда, организмнинг ташқи муҳит таъсирларига қаршилигини кучайтиришда (қ. *Организмни чиниктириш*), шунингдек, бир қатор касалликларда, жумладан, ўпка сили, камқонлик, нерв системасининг функционал касалликларида, юрак-то-мир системаси касалликларида тавсия этилади. Ўткир иситма, ревматизм, бўғимларнинг сурункали яллиглани-шида, неврит ва миозит касалликларида ҳаво ваннаси буюрилмайди.

Ҳаво ванналари иссиқ (22° дан юқори), салқин (17—20°) ва совук (17° дан паст) бўлиши мумкин. Даво курси 20° дан юқори т-рада бошланади; биринчи кун 10—15 мин. қабул қилиб, кейин кун сайин 10—15 мин. дан қўшиб борилади ва 1,5—2 соатгача етказилади. Салқин ҳаво ван-налари бошланишда 3—7 мин. қабул қилинади, кейин кун сайин 3—5 мин.дан узайтириб бориб, 1 соатга етказилади. Ҳаво т-раси 17° дан паст бўлганда совқотмаслққ мақсадида енгил жисмоний машқлар ҳам қилиш ке-

рак.

Совуқ ҳаво ванналари чиникқан кишиларгагина буюрилади ва унинг вақти 7—20 мин.дан оширилмайди. Ҳаво ванналарини эт жунжикиб, «бадан туқлари тиккайдиган» даражагача қабул қилмаслик лозим.

Куёш ванналари. Куёш нурининг таркиби ва одам организмга таъсири бир хил эмас. Куёш нурлари кўзга кўринадиган (ёруглик) ва кўзга кўринмайдиган инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурлардан иборат. Инфрақизил нурлар организм тўқималаридан ўтаётганида иссиқлик эффекти ҳосил қилади ва терининг нурла-наётган қисми трасини оширади.

Куёш ванналари кўрсатмасига мувофиқ бир қатор тери ва бўғим касалликларида, радикулит, неврит ва б. касалликларда қабул қилинади, ундан чиниктирувчи муолажа сифатида грипп, ангина, юкори нафас йўллари катари каби касалликларни олдини олишда фойдаланилади. Айрим касалликларнинг ўткир даври, ўпка ва меъ-да-ичак касалликларида куёш ваннаси тавсия этилмайди.

Куёш ванналари умумий (бутун баданни нурлантириш) ва маҳаллий (баданнинг бир қисмини нурлантириш) бўлиши мумкин. Баданни нурлантиришда куёшнинг умумий радиациясидан фойдаланилади. Куёш ваннасини кушеткада ётиб ёки ўти-риб баданнинг ҳар томони-ни куёшга тоблаб қабул қилинади. Куёш ваннасидан аввал ҳаво ваннасини қабул қилган маъқул. Тўғри радиацияли куёш ваннасини қабул қилишда бошни соябон ёки тўсиқ билан пана қилиб олиш, кўзга қора кўзойнак тақиш керак, уни наҳорга, овқатланишдан олдин ва овқатланган заҳоти қабул қилиш тавсия этилмайди. Куёш ван-наси сояда дам олиш билан тугалланади, шундан кейин чўмилиш ёки душ қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Болаларнинг куёш ваннаси қабул қилишларида алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади. Уларни дарров яланғоч

қилиб ечинтириб қўймаслик, бошига соябонли шляпа кийдириш лозим. Баданнинг жуда қизиқ кетишига ва ультрабинафша нурларнинг ортиқча таъсир этишига йўл қўймаслик учун вақт-вакти билан сояда дам олиб туриш зарур.

Ортиқча куёш нури организмга ёмон таъсир этиб, терининг куйиши (баъзан некроз кузатилиши), *офтоб уриши*, яллиғланиш, чар-чаш, бош оғриши, уйқусизлик, иситма кўтарилишига ва баъзи касалликларнинг зўрайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ҳ. ва қ.в. ёз фаслида пляжларда, парклар, денгиз ва сув ҳавзалари кирғокларига қурилган солярийлар, аэросолярийларда махсус айвонларда қабул қилинади.

ҲАВО ВИНТИ, пропеллер -учиш аппарати (дирижабль, самолёт, вертолёт, аэроҷана ва б.)да кураклари радиал жойлашган ҳаракатлантир-гич. Айланганида ҳавони ирғитиб ташлаши ҳисобига тортиш кучи ҳосил қилади. Двигатель валиги жойлашган втулка, кулочи бўйича кўн-даланг кесими турлича шаклда бўлган паррақлардан иборат. Кураклар ёғоч, дуралюминий, пўлат ва б. материаллардан тайёрланади. Учиш аппаратининг илгарилама ҳаракат тезлиги, айланишдаги чизиқли тезлик ва винтнинг айланишидан ҳосил бўладиган қўшимча ҳаво оқими тезликларининг қўшилишидан ҳосил бўлган куч таъсирида куракларга қандайдир *атака бурчаги* остида ҳаво оқими келиб урилади. Шунда куракларнинг барча кесимларидан ҳосил бўлувчи йиғинди аэродинамик куч Ҳ.в.нинг тортиш кучини ва унинг айланишига қаршилик кучини вужудга келтиради. Двигатель қувватига қараб, Ҳ.в. кураклари сони турлича (2, 3, 4) ва қарама-қарши томонга айланувчи ўқдош (қувватни тежаш учун) бўлиши мумкин (расмга қ.). Учиш вақтида двигателни мажбурий тўхтатиш (флюгерли режим) ёки кўниш вақтида тормозлаш мақсадида тескари тортиш (реверсив режим) ҳосил

килиш учун учиш вақтида қадамини ўзгартирадиган *Х.в.дан* фойдаланилади.

ҲАВО ЁСТИҒИ — машина (мас, автомобиль, тепловоз ва б.)нинг асоси (таг сирти) билан таянч сирт (мас, ер сирти, сув сирти) орасида, механизмларнинг кўзгалмас ва кўзгалувчан элементлари орасида ҳосил қилинадиган юқори босимли ҳаво соҳаси. Ўзаро туташувчи икки сирт орасидаги ишқаланиш кучини камайтириш ва тезликни ошириш учун қўлланади. *Х.ё.ни* ҳосил қилишнинг статик ва динамик усуллари мавжуд. Статик усулда *Х.ё.* вентилятор ёки компрессор ёрдамида, динамик усулда ҳаво оқимининг нисбий тезлиги ҳисобига ҳосил қилинади. *Х.ё.* ҳосил қилишнинг турлитуман схемалари яратилган. Шуларнинг ичида камерали, соплони, тирқишли ва қанотли схемалар кўпроқишлатилади (расмга қ.). *Х.ё.ли* кемалар, поездлар (мас, Японияда), *экраноплан* ва б. яратилган, лекин ҳали кенг расм бўлганича йўқ.

ҲАВО ЖАНГИ — қирувчи авиациянинг душман самолётлари ва учувчи-сиз ҳужум воситаларини ҳавода тор-мор қилишга қаратилган жанговар ҳаракатининг асосий тури. *Х.ж.* ҳужумкорлик ва мудофаа, якка ҳолда ва гуруҳ тарзида бўлади. Ҳужумкорлик тарзидаги *Х. ж.ни* қирувчи самолётлар ва қисман қирувчи-бомбардимончи авиация олиб боради. Қирувчи самолётларнинг *Х.ж.* ҳаводаги нишонга яқинлашиш, бир ва бир қанча шиддаткор ҳужум ва манёврлардан иборат. Ҳужум қилиш *Х.ж.*нинг ҳал қилувчи босқичидир. *Х.ж.* да душман самолётларининг ҳужуми қайтарилибгина қолмасдан, улар уриб ҳам туширилади.

ҲАВО ЙЎЛИ, авиалиния — қ. *Авиатрасса*.

ҲАВО МАССАЛАРИ - атмосфера-нинг қуйи қатлами — *тропосферанж таркибий* қисмлари. Бир-биридан

атмосфера фронтлари деб аталадиган оралик зоналар билан ажралади. *Х.м.*нинг совуқ, илиқ ва маҳаллий турлари бор. Траси юқорироқ ерларга бо-раётган ҳаво совуқ, ўз трасига нисбатан совуқроқ ўлкаларга ҳаракатланаётган ҳаво илиқ, узоқ вақт бир жойда туриб қолган ҳаво маҳаллий *Х.м.* дейилади. Географик ўрнига кўра, *Х.м.* 4 зонал типга бўлинади: ер шарининг совуқ табиатли юқори географик кенгликларида таркиб топган арктика ҳавоси, ўртача географик кенгликларда таркиб топган кутбий (мўътадил) ҳаво, тропик ва қисман субтропик кенгликларда таркиб топган тропик ҳаво, қуйи географик кенгликларда (экватор атрофида) таркиб топган экватор *Х.м.* Ҳар бир типнинг ўзи яна денгиз ва қуруқлик *Х.м.*га ажратилади.

*Х.м.*ни янада майда (мураккаб) таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Ер шарининг турли ҳудудлари учун *Х.м.*нинг статистик маълумотлари аниқланган. *Х.м.* тушунчаси иқлимшунослик ва синоптик *метеоро.юғиянинг* асосий тушунчаларидан ҳисобланади.

ҲАВО НАВИГАЦИЯСИ - учиш апаратлари (вертолёт, самолёт ва б.) парвозини ташкил қилиш, учуриш ва учиш жараёнини бошқариш; шу билан боғлиқ назарий ва амтгий масалаларни талқин қилиш, назарий ва амалий усулларни ишлаб чиқиш билан шугулланадиган фан. Космик кемаларни бошқаришнинг назарий асослари ва амалий усулларини ишлаб чиқиш билан шугулланадиган соҳа космик нав и г а ц и я деб аталади (қ. *Навигация*).

ҲАВО НАМЛИГИ — ҳаводаги сув буғи миқдори. Об-ҳаво ва иқлимнинг асосий хусусиятларидан бири. Қуйидаги кўрсаткичлари билан ифодаланади: 1) ҳаводаги сув буғлари эластиклиги *e* (парциал босим) *мм* ёки *мб* да ўлчанади; 2) мутлақ намлик; 1 г/см^3 ҳажмдаги ҳавода мавжуд бўлган сув буғлари миқдори; г/м^3 билан ўлчанади; 3) нисбий намлик

z — ҳаво таркибидаги сув буғи эластиклигининг худди шу т-радаги тўйинган сув буғи элас-тиклигига нисбатини ифодалайди, яъни $z \sim y-100\%$; % билан ифодаланади; 4) намлик етишмовчилиги a' — маълум т-радаги тўйинган сув буғи эластиклиги E билан ҳаво таркибидаги мавжуд сув буғи эластиклиги e айирмасига тенг, яъни $a' = E - e$; 5) шуд-ринг нуқтаси t — ўзгармас босимда ҳаво таркибидаги сув буғларининг тўйингунига қадар совитиш учун ло-зим бўлган т-ра.

ҲАВО ПУФАГИ, сузгич пуфак — балиқлар ичагининг олдинги қисмида пайдо бўладиган орган. Сони тоқ ёки жуфт; девори капилляр қон томирлари тўри билан қопланган. Ҳ.п. ичидаги газ таркиби атмосфера ҳавоси таркибига ўхшаш ёки ундан бир оз фарқ қилади. *Икки хи. 1 нафас олувчилар,* кўп шуълалилар. суякли ганоиддиларда Ҳ.п. қўшимча нафас олиш органи функциясини бажаради. Кўпчилик суякли балиқларда (қ. *Суякли балиқлар*) гидростатик орган ҳисобланади. Ҳ.п. кенгайиб ҳаво билан тўлганда тана зичлиги камайиши туфайли балиқ сув зюсасига кўтарилади; сузгич пуфагидан ҳаво чиқарилганида аксинча тана зичлиги ортади ва балиқ сув тубига шўнғийди. Баъзи балиқтарда Ҳ.п. ички қулоқ билан тутшиб, товуш тўлқинларини қабул қилади. Айрим балиқлар Ҳ.п. ёрдамида паст частота-пи товуш чиқариши ҳам мумкин. Ҳ.п. фаолиятини марказий нерв системаси бошқариб туради. Ҳаракатланиш мускуллари кучли ривожланган йирик ва сув тубида яшовчи балиқлар (мас, акулалар, чўртанлар, скатлар, кам-балалар)да Ҳ.п. ривожланмаган.

ҲАВО ТРАНСПОРТИ, авиация трансорти — йўловчилар, почта ва юкларни ҳаво йўллари орқали ташишни амалга оширадиган транспорт тури. Унинг афзаллиги шундаки, юқори учиш тезлиги ҳисобига ташиш вақтини жуда тежайди, ер ва сув йўллари бўлмаган

манзиллар билан бевосита транспорт алоқасини йўлга қўйиш имкониятларини яратади.

Дастлабки Ҳ.т. 1-жаҳон урушидан кейин Европа ва Америка давлатларида вужудга келди. Германия ва Францияда транспорт тури сифатида 1920—21 й.ларда ривожланди. Ўзбекистонда биринчи ҳаво йўли 1929 й. 12 майда очилди. Уз. 800 км бўлган Тошкент—Авлиёота (Тароз) — Пиш-пек (Бишкек) — Олмаота маршрутида Россия кўнгилли ҳаво флотги жамияти («Добролёт»)нинг Урта Осиё бўлими (Когон ш.)га қарашли Германиядан сотиб олинган «Юнкерс—13» самолётларида дастлабки йўловчилар ташиш рейси амалга оширилди. Шу йили уз. 450 км бўлган Когон—Оқ-тўқай—Дарғонота—Хива ҳамда Бухоро—Термиз—Душанба ҳаво йўллари очилди. 1924 й.да Ҳ.т.да жами 1000 йўловчи, 200 кг почта жўнатмалари, 5 т юк ташилди. 1930-й.лар бошидан Ўзбекистон ҳаво транспортгида юк ва йўловчилар ташиш оммавий тус олди, 1930 й.дан Тошкент—Мос-ква йўлида самолётлар мунтазам қат-най бошлади. Тошкент (1932), нукус ва Урганч (1939), Термиз (1940), Наманган (1941) ш.ларида аэропортлар қурилиб ишга туширилди.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда Ил—12, ЙЛ—14. ли2 ва турли дификациядаги АН—2 самолётлари т. паркларига берилди. 1957—58 гсарда ҳаво йўлларида ТУ—104, П—18, АН-24, ЯК-40 самолётлари, ми1, ми2, ка26 вертотлари ўзлаштирилди, маҳаллий ҳаво келарида АН—24, ЯК—40 самолётлари қатнай бошлади. Айни вақтда дала-ларга минерал ўғитлар ва зараркунанда ҳашаротларга қарши препаратлар сепиш-да, ғўзани дефолиация қилиш ишларида авианиядан кенг фойдаланилди. Кўкон (1947), Самарқанд (1948), Қарши (1955), Бухоро (1963) ва Тошкент яқинидаги Сергели (1961) да янги аэропортлар қурилди. 1974 й.дан ИЛ-62, 1977 й.дан ТУ—154 самолётлари, 1982 й. дек.дан ИЛ—86 аэробуслари республика ҳаво йўлларида

уча бошлади.

1980 й.га келиб Ўзбекистон ҳаво транспорти ҳаво йўлларининг уз. 155 минг км дан ортиқ бўлди (шу жумладан, маҳаллий ҳаво йўллари уз. 60,1 минг км ни ташкил этди).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға мувофиқ, 1992 й. 28 янв.да собиқ Иттифоқ Фуқаро авиацияси вазирлиги тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси негизида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Ҳ.т. Ўзбекистон иқт. неодиётларида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади, мамлакатнинг ташқи дунё билан халқаро, иқтисодий, дипломатик, маданий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андижон, Фарғона, Навоий ш.ларида замонавий жиҳозланган аэровокзал (аэропорт)лар ишлайди. Тошкент аэропорти Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик халқаро аэропорт ҳисобланади. Бухоро, Самарқанд, Урганч аэропортлари ҳам халқаро аэропорт мақомига эга. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мунтазам ҳолда 20 та халқаро рейсларни амалға оширади. Европа, Америка, Жануби-Шарқий Осиё, МДҲ давлатлари шаҳарларида унинг 44 та ваколатхоналари очилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёрдамида авиация тармоғиға 1 млрд. 200 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилди ва ривожланган замонавий инфратузилма барпо этилди.

Барча халқаро рейслар «Боинг» 767/757, А-310, Ю-85 русумли самолётларда бажарилади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Европадаги йирик «Эрбас Индастр», АҚШнинг «Боинг» компаниялари, Россиянинг «Ильюшин» конструкторлик бюроси, Германия, Франция фирмала-

ри билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилади. Шундай ҳамкорлик натижасида 1993 й.дан миллий авиакомпания соғиб олган «Эрбас» А—310— 300 аэробуслари, «Боинг» лайнерлари халқаро рейсларда йўловчиларға хизмат қўрсата бошлади. 2004 й.да «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 3 та «Боинг 757» ва «Боинг 767» самолётларини соғиб олди ва Фарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган самолётлари сони 16 таға етди.

Республика Ҳ.т. учун учувчилар, техника хизмати таркиби, ердаги хизмат ходимлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учиш ўқув-техника маркази (1943 й. 15 майда ташкил этилган), *Тошкент авиация институт* тайёрланади. 2003 й.да Ўзбекистон Ҳ.т.да 0,8 млн. йўловчи, 5,9 минг т.юк ташилди, йўловчи айланмаси 3956,5 минг йўловчи км ни, юк айланмаси 95,3 минг т км ни ташкил этди.

Чет мамлакатларда Ҳ.т. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва б. давлатларда ривожланган. Бу мамлакатлардаги авиакомпанияларда 300 ва ундан ортиқ йўловчиға мўлжалланган фуқаро самолётлари, оғир юк транспорт самолётлари кенг қўлланади.

ҲАВО ХАЛТАЛАРИ

умуртқалиларда нафас йўллари, оғиз бўшлиғи ёки халқум билан боғланган ҳаво сақловчи бўшлиқ. Ҳ.х.да газ алмашинуви содир бўлмайди. Ҳ.х.га думсиз сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг овоз халтаси, судралиб юрувчиларнинг ўпка халтаси қиради. Қушлар Ҳ.х.нинг ҳажми нафас олиш ва нафас чиқаришда ўзгариб туради; ўпка аэрацияси, организм терморегуляцияси, сузиш ёки шўнғишда тана зичлигини ўзгартириш вазифасини бажаради; Ҳ.х. ўсимталари найсимон суяклар бўшлиғиға ҳам ўтиб, суяклар пневматикасини таъминлайди. Сут эмизувчиларнинг Ҳ.х. бўғиз халталаридан, *Евстахий* нашжинг бўйин олдидаги кисмиға тушиб турадиган халтасимон

ўсимтадан (тоқ туёқлилар, ламанлар), трахеядан (йўл-йўл тюлень эркагида) ёки кизилўнгачдан (моржлар эркаги-да) кетувчи халталардан иборат.

Ўсимликларда Ҳ.х. чанг зарра-чаларидаги экзин қаватларининг бир-биридан ажралиши туфайли пайдо бўлади. Ҳ.х. шамол ёрдамида чангланадиган кўпчилик ўсимликлар, ак-сарият игнабарглилар учун хос.

ҲАВО ШАРИ — эркин аэростатнинг эскича номи. Дастлабки аэростатлар шар шаклида бўлгани учун шундай аталган (к. *Аэростат*).

ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДО-ФЛАА душманнинг ҳаводан қиладиган ҳужумларини қайтариш ҳамда кўшинлар, саноат р-нлари, маъмурий-сий марказлар ва аҳолини ҳаводан бериладиган зарбалардан ҳимоя қилиш учун амалга ошириладиган тад-бирлар мажмуи ва жанговар ҳаракатлар. Зенит ракета кўшинлари, зенит артиллерияси, қирувчи авиация ва б. куч ва воситалар ёрдамида амалга оши-рилади. Ҳ.х. м.нинг асосий вазифаси душман ҳаво ҳужуми бошланишини аниқлаш, у ҳақида огоҳлантиришдан ҳамда душманнинг зарбдор кучлари ва воситаларини ҳавода йўқ қилишдан иборат. Бундан ташқари, душманнинг ҳаво разведкаси воситаларига. ҳаво десантларига қарши пар-воз чоғида кураш олиб боришга, ҳавода ҳукмронликни қўлга киритишда қатнашишга қодир. Ана шу вазифаларни бажариш учун Ҳ.х.м. кўшинлари тинчлик даврида жанговар навбатчиликда туради. Уруш даврида эса қуруқликдаги кўшинларнинг ҳаво ҳужумига қарши кўшинлари ва қисмлари ҳамда ҳарбий-ҳаво кучлари билан биргаликда респу-блика ва Қуролли Кучларнинг Ҳ.х. м. ягона тизимини ташкил этадилар (яна к. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари*).

ҲАВОДА ПАРВОЗ ҚИЛИШ -

учиш аппарати (вертолет, самолёт, ҳаво шари ва б.)да атмосфера (ҳаво)да учиш. Кўзланган мақсадга қараб, спорт, фуқаро ва ҳарбий Ҳ.п.к. фарқланади. Космик учиш аппаратлари (КК)да космик фазога учиш космик парвоз деб аталади. Космик парвоз қилиш учун космонавтлар тайёр-лаш марказида махсус тайёргарликдан ўтишлари лозим.

ҲАВОНИ КОНДИЦИРЛАШ,

ҳавони мўътадиллаш — махсус қурилмалар ва воситалар ёрдамида хоналарда оптимал т-ра. намлик ва соф ҳавони таъминлаш. Инсоннинг соғ-лиги ва кайфияти, санъат асарлари ва ашёлари яхши сақланишини таъминлаш, техноло-гик жараёнлар, жиҳоз ва асбобларнинг ишини бошқаришда энг қулай шароит яратиб бериш учун қўлланади. Ҳ.к.да ав-томатик бошқа-риладиган тизимлар мав-жуд. Ҳар бир тизим қуйидагилардан таш-кил топа-ди: датчик (узаткич) буюрувчи асбоб, ижрочи механизм, алоқа воситаси. Датчик атроф муҳитдаги ўзгаришларни қайд этади ва бу ҳақда буюрувчи асбо-га ахборот узагади. Буюрувчи асбоб, ўз навбатида, ижрочи механизмга импульс беради. Ижрочи механизм берилган им-пульсга мувофиқ тегишли манбалар (сув, ҳаво ва б.) ни ҳаракатга келтиради.

Ҳ.к. тизимлари баъзан оқимли вен-тиляция вазифасини ҳам бажаради: иссиқ даврларда ҳавони совитади ва қуритади, совуқ даврларда эса иситади ва намлай-ди. Ҳ.к., кўпинча жамоат ва маъмурий биноларда, поезл, самолёт, автомобиль ҳамда кемаларда қулай шароит яратиш; саноат биноларида қулай иш шароити ташкил этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш; уй-жойларда, кран, трактор, комбайн, экскаватор- ва б. машиналар кабиналарида меҳнат шароитини енги-лаштириш; кутубхона, архив, музей расм галереяларида — китоблар, ҳужжатлар ва санъат дурдоналарини авайлаб-асраш каби мақсадларда қўлланади.

Ҳ.к. дастлаб 19-а. охирида тўқимачилик саноатида технологик

мақсадлар учун ишлатила бошланган. 1897 й.да АҚШда Х.к.га патент олинган; 1906 й.да ҳаво намлигини ростлаш усули таклиф этилган. 1922 й.да биринчи марта кинотеатрларда ишла-тилган. Х.к. тизимлари учун кондици-онер ва унга тегишли жиҳозлар 20-а. ўрталаридан 3-дларда ишлаб чиқарила бошлаган.

Х.к.нинг марказий ва маҳаллий тизимлари бор. Марказий тизимда бир неча бинони, маҳаллийси битта бино ёки унинг бир қисмини ҳаво билан таъминлайди. Марказий тизимлар ташқаридан келтириладиган иссиқлик элтувчи (иссиқ сув, буғ, газ ёки электр орқали) ва ҳайдаш насослари, вен-тиляторлар, компрессорларнинг дви-гателларини ҳаракатлаштириш учун электр энергияси билан таъминланади. Маҳаллий тизимларга хусусий совуқ билан таъминлаш манбалари қурилиши мумкин. Қуруқ ва иссиқ иқлимли худудларда сувнинг бугланиши ҳисо-бига ҳаво совуткичлари ишлатилади. Вентиляторлар ҳосил қиладиган ҳаво оқими босимга кўра, паст (1 кН/м²), ўртача (1—3 кН/м²) ва юқори (3 кН/м² дан юқори) босимли тизимлар бўлади. Марказий ва маҳаллий тизимлар бир ва икки каналли бўлади. Бир канал-ли, паст босимли тизимга (расмга қ.) ҳаво тайёрлаш қурилмаси — кондици-онер, кондицияланган ҳавони ҳайдаш ҳамда ишланган ҳавони чиқариб юбориш канали ва қурилмаси, автоматик ростлаш, узоқдан туриб назорат қилиш ҳамда бошқариш асбоблари қиради.

Кўп қаватли маъмурий бинолар ва меҳмонхоналарда ўртача босимли, бир каналли тизим кенг тарқалган. Икки каналли тизимда бир каналдан совуқ, иккинчисидан иссиқ ҳаво келиб, ҳар қайси хонага ўрнатилган аралаштир-гич уларни аралаштириб беради. Т.й. вагонлари, автобус, автомобиль, самолётларга бир каналли тизим, кемаларга бир ва икки каналли тизимлар ўрнатилади. Х.к. қурилмалари бинолар қурилиши ва реконструкцияси ҳаражатларини оширади, лекин sanoat биноларида бу ҳаражатлар

меҳнат унумдорлигининг ортиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва б. ҳисобига тезда қопланади. Кўпгина sanoat корхоналари (мас, тўқимачилик, тамаки, аниқ асбоблар, фар-мацевтика ва б.) да Х.к. тизимсиз ишлаш мумкин эмас. Х.к. борган сари тараққий этади. Ҳаво параметрларини мунтазам ушлаб туришни талаб қиладиган и.ч.нинг янги соҳаларининг ривожланиб бориши; sanoat корхоналарини, и.т. ва конструкторлик ташкилотларини тўғри ва тўхтовсиз ишлаши учун маълум т-ра ва намлик талаб қиладиган аниқ асбоблар, механизмлар ва компьютерлар билан жиҳозланиши; кўплаб одамлар узоқ вақт туриши (ўтириши) мумкин бўлган катта жамоат бинолари ҳажмининг ортиб бориши ва улардан йил давомида самарали фойдаланиш зарурияти; биноларда катта юзага эга бўлган ойнабанд сиртларнинг қўлланиши; баъзи sanoat биноларида де-раза ва фонарларнинг йўқлиги Х.к. тизимининг янада кенгайишига олиб келади.

ҲАВОНИ ТОЗАЛАШ - уй-жой, жамоат ва sanoat биноларидаги ҳавони техник воситалар ёрдамида чанг ва б. зарарли моддалардан тозалаш; ҳаво вентиляция ва *ҳавони кондицирлаш* тизимлари ёрдамида тозаланади. sanoat корхоналарида технологик жараёнлар вақтида ажралиб чиқадиган ва ифлосланган ҳаво атмосферага чиқаришдан олдин тозаланади.

Ҳ.т. воситалари ҳавонинг ифлослик даражасига ва тозалашга қўйиладиган талабга қараб танланади. Биноларга бериладиган ҳавони тозалашда кўплаб қўлланадиган қурилмалардан бири — ҳаво филтрларидир. Бундай қурилмалар вентиляция ва кондицирлаш тизимлари таркибига қиради. Улар ёрдамида бинолардан атмосферага чиқариб юбориладиган (рециркуляция) ҳавони ҳам тозалаш мумкин. Рецирку-ляция ҳаво таркибида чанг кўп бўлса, у аввал чанг юткичларда тозаланади.

Sanoat биноларида технологик жара-

ёнлар натижасида ифлосланган ҳавони тозалаш ва зарарсизлантириш учун турли фильтрлар, чанг ва газ туткичлар, чанг чўктиргич камералар, цик-лонлар ва б. ускуналар қўлланади. Иф-лосланган ҳаво таркибидаги қаттиқ зар-ралар (мас, учувчи куллар)ни тутиш учун механик кул туткичлар — цик-лонлар, мульти-циклонлар ҳамда нам кул туткичлардан фойдаланилади. Цик-лонларнинг фойдали иш коэффициентини (ф.и.к.) 40—70%, қаршилиги 70—80 мм сув устунига тенг, тузилиши сода, ишлашни кулай, бироқ бироз кўполрок. Мультициклонлар анча ихчам, иши ҳам самарали. Нам кул туткичлар ҳавони яхши тозалайди, аммо иш жараёнида кўп сув талаб қилади.

ҲАВОНИНГ ТУРБУЛЕНТЛИГИ - *атмосферадаги* ҳавонинг тартибсиз, гирдоб тарзида ҳаракатланиши. Турли тезликда ҳаракат қилувчи ҳаво қатламлари орасидаги ички ишқаланиш туфайли вужудга келади. Атмосферада намлик ва иссиқликни вертикал ҳамда горизонтал бўйича текис тақсимлайди ва маълум қатламларда атмосфера таркибининг бир хил бўлишига олиб келади. Ҳаво қатламининг ҳаракат тезлиги ўртача 4 м/сек бўлади. Ҳ.т. эркин атмосферада (2—3 км) катта ўлчамдаги *циклон* ёки антициклон вужудга келган вақтларда авж олади. Бунда, асосан, ҳаво ва ундаги сув буғи, ҳар хил қаттиқ ва суёқ заррачалар ҳара-қатланади. Ҳ.т. интенсивлигини қор уч-қунларининг тартибсиз ҳаракатида, тру-балардан ҳавога кўтарилаётган тунларда, булут турларида, хусусан яшин ва дўл ҳосил қиладиган қора булутларда ҳамда ўқтин-ўқтин эсиб турувчи кучли шамолларда кузатиш мумкин. Ҳ.т. ҳосил бўлишида, асосан, динамик ва термик омиллар муҳим роль ўйнайди.

Динамик турбулентликнинг пайдо бўлишига ҳаво оқими билан ер юзаси орасидаги ҳамда ҳаво қатламлари орасидаги ички ишқаланиш сабаб бўлади. Тоғ тизмалари, қирлар, водийлар, ўрмонлар, ҳар хил иншо-отлар устидаги Ҳ.т. дина-

мик турбу-лентликка киради.

Термик турбулентликнинг пайдо бўлишида ер юзаси ва ҳавонинг айрим қисмларининг Қуёш нури таъсирида турлича исиши сабаб бўлади. Йилнинг илик фаслида, кунду-зи, ҳаво очик бўлган кунларда шундай бўлади. Ҳ.т.да ҳаво массаси жуда катта тезликка эга бўлади ва натижада ҳавода уюрмалар ҳосил бўлиб, ер юзасидаги чангларни ҳавога учуриб чиқаради ва эркин атмосферадаги кучли оқимга қўшади. Шу йўл билан ҳавонинг ифлосланиши рўй беради. Атмосферада содир бўлган динамик ва термик турбулентлик ер юзасига ютилган иссиқликни атмосферага ўти-шида муҳим омил ҳисобланади.

ҲАВО-КОСМИК САМОЛЁТ - атмосфера (ҳаво) ва космик фазода учуришга мўлжалланган, ҳам самолёт, ҳам космик учуш аппарати хусусиятларига эга бўлган реактив учуш аппарати. Худди самолёт каби аэродромдан учурилиб, космик кема каби тезлиги орбитал тезликкача етказилиб, космик фазода парвоз қилиш ва яна аэродромга қўндиришга мўлжалланади. Асосий вазифаси — узок муддат орбитада парвоз қиладиган экипажни орбитал ст-яларни зарур нарсалар (озик-овқат, ускуналар) билан таъминлаш ва экипажни алмаштириш. Ундан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланиш кўзда тутилади. Ҳ.-к.с.нинг экспериментал лойиҳалари (мас, АҚШ да «Астро», Англияда «Мустард») яратилган, лекин бирор самара бермаган.

ҲАВО-РЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЬ - ёнилгини ўт олдириш учун атмосфера ҳавоси кислородидан фойдаланиладиган *реактив двигатель*. Тортиш кучи ёниш газларининг реактив соплодан отилиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади. Газларнинг соплодан катта тезликда отилиб чиқиши учун Ҳ.-р.д.нинг ёниш камерасига келувчи ҳаво сиқилади. Ҳавони сиқиш усулига қараб, Ҳ.р.д. турбокомпрессорли (ТРД), пульсацияланувчи (Пу

ВРД) ва тўғри оқимли (ПВРД) хилларга бўлинади. Ҳ.-р.д.дан учирш аппаратлари (самолёт, вертолёт, самолёт-сна-ряд)ни ҳаракатлантириш учун фойдаланилади.

ҲАВОРИЙЛАР — исломга кўра, Исо Масихнинг энг яқин издошлари. Хри-стианларда *апостоллар* деб ата-либ, христиан динининг тарғиботчилари ҳисобланади. Янги аҳдда 12 апостол тил-га олинади.

ҲАДИС (араб. — хабар, гап, янги-лик) — Муҳаммад (сав) айтган сўзлари, қилган ишлари, иқролари тўғрисидаги ривоят. Исломи динида Қуръ-ондан кейин 2-манба ҳисобланади. Ҳ. 2 қисмдан иборат бўлади: матн ва *иснод*. Ҳ. 2 турга — Ҳ.и қудсий (маъноси Аллоҳ таолоники, айтилиши расулulloҳ томонидан бўлган Ҳ.лар) ва Ҳ.и набавийга бўлинади. Ҳ.лар эъти-борга олиниши жиҳатидан 3 қисмга бўлинади: 1) саҳиҳ (ишончли); 2) ҳасан (яхши); 3) заиф.

Қуръонда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад (сав) ўз Ҳ.ларини айтарди. Бу Ҳ.ларни пайғамбарларнинг саф-дошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Пайғамбар вафотидан сўнг Ҳ.ларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат билан бир гуруҳ мусулмонлар уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Биринчи Ҳ. китобини Ибн Шихоб аз-Зухрий ёзди. Ундан кейин бирин-кетин Ҳ. тўпламлари тасниф этила бошлади. Лекин бу тўпламлар муайян тартибга солилмаган, болларга ажратилмаган бўлиб, уларда пайғамбар Ҳ.лари билан саҳобалар ва тобеъинларнинг фатволари чалкаштириб юборилган эди.

Ҳижрий 3-а.да Ҳ. таълиф этиш соҳасида «муснад», «саҳиҳ», «сунан» деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди. «Муснад» йўналишида тас-ниф этилган тўпламларда турли мавзудаги Ҳ.лар бир жойда келтирилиб, улар Ҳ. ривоят қилувчи саҳобаларнинг ислом

динини қабул қилган вақтига кўра ёки алифбо тартибда жойлаштирилган. Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг Ҳ. китоблари шу йўналишга мансуб. «Саҳиҳ» йўналишига тўғри, ишонарли Ҳ.лар киритилган. Бу йўналишга Имом *Бухорий* асос солган. «Сунан» йўналишидаги тўпламга эса, тўғри, ишонарли Ҳ.лар билан бир қаторда «заиф» Ҳ.лар ҳам киритилган. Абу Довуд, Абу Исо атТермизий, Насоий, Ибн Можа тўпламлари шу йўналишга мансубдир.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий Ҳ. тўпламини таълиф этган. Бундан ташқари Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ал-Марвазий, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Барақотий, Иброҳим ибн Маъкул ан-Насафий ва бошқалар Ҳ. тўпламларини тасниф этишган. Кейинчалик, миллий-сиёсий ихти-лофлар натижасида, пайғамбар номидан ёлғон Ҳ.лар тўқиш, фикҳ ва калом илми соҳасидаги зиддиятлар, амир ва ҳокимларга ҳушомадгўйлик оқибатида кўплаб ишонарсиз, тўқима Ҳ.лар юзага келган.

Давр ўтиши билан Ҳ.лар танланиб, муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошлади. 9— 10-а. бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб танилган Ҳ.нинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: «*Саҳиҳи Бухорий*», «*Саҳиҳи Муслим*» (қ. *Муслим ибн Ҳажжож*), «*Саҳиҳи Термизий*», «*Сунани Абу Довуд*», «*Сунани Ибн Можа*», «*Сунани Насоий*». «Саҳиҳи Бухорий» кўпроқ эъзозланади. Бу 6 та Ҳ. тўпламини тузган муҳаддислардан 2 таси мовароуннаҳрлик, 4 таси эса хуросонлик бўлган. Ҳ.лар тўплами *сунна* деб ном олган. Ҳ.ларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган.

Исломи қабул қилган халқлар маданий ва ғоявий меросининг кўп унсурлари исломга Ҳ. шаклида ўтган. Ҳ. йиғиш ўрта аср мусулмон маданиятининг муҳим хусусияти бўлиб, билим излашнинг асосий

мазмуни ҳисобланган. Ҳ. ҳар қандай илмий асарни асослашнинг муҳим қисми бўлган; ундан ҳикматли сўз ва матал сифатида ҳам фойдаланилган. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» асари ислом олами олий ўқув юртлирининг шариат ф-ларида асосий ўқув кўлланмаси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» Ҳ.лар тўплами 4 жилдда (1-ж. — 1991, 2-ж. - 1996, 3-ж. - 1994, 4-ж. -1992), 2нашри эса 1997 й.да Тошкентда нашр этилди. Абу Исо Муҳам-мад Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» Ҳ.лар тўплами 1-жилдининг ўзбекча таржимаси 1999 й. Тошкентдачоп этилди. Булардан ташқари «Минг бир ҳадис» таржимаси, «Қудсий ҳадислар» таржимаси ҳам нашр этилди.

ҲАДЯ (фукаролик ҳукукида) — бир шахснинг ўз мулкини 2-шахсга бепул бериши ҳақидаги шартнома. Ўзбекистон Республикасида қонун бўйича бирон бир шахсга ашёни ёки мулк ҳукукини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (Ҳ. этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳукуки текинга бериш ёки уни мулк-кий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, Ҳ. шартномаси деб тан олинади. Ашё, мулк ҳукуки ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида Ҳ. нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкини ёки мол-мулкнинг бир қис-мини Ҳ. этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Ҳ.ни ҳада олувчига Ҳ. қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутовчи шартнома ҳам ҳақиқий бўлмайди.

Ҳ. қилиш, айти пайтда Ҳ.ни ҳада олувчига топшириш (оддий совға тарзида) оғзаки ёки ҳукуки белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан ёзма шаклда амалга оширилади. Кўчмас мулк ва автомо-транспорт воситаларини Ҳ. қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан

ўтказилиши лозим.

Умумфойдали мақсадларда қилинган Ҳ. хайр-эҳсон ҳисобланади. Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий химоя, хайрия, илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва б. маданият масканларига, жамоат бирлашмалари ва б. фука-ролик ҳукуки субъектларига қилиниши мумкин. Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фукарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб кўйиши лозим. Ҳ. билан боғлиқ ҳукукий меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг ФКда белгиланган (502— 511-моддалар).

ҲАЁ — ахлоқшунослик тушунчаси. Муҳим ахлоқий меъёр, айти пайтда хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан бири. Ҳ. уят ҳисси билан ўхшаш бўлса-да, аслида *андиша* ва ибога яқин фазилат тарзица намоён бўлади, у нафосат билан уйғунлашиб кетади. Уят ҳиссида инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-ҳара-катларидан ноқулай вазиятга тушиш, ўнғайсизланиш ҳолати пайдо бўлади, бу ҳолат хатти-ҳаракат содир этгандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобини кўзғатади. Ҳ.да эса мазкур ҳолатлар соф маънавий характерга эга бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтагина юзга чиқади.

Ҳ.нинг инсоний сифат тарзидаги мавжудлиги ҳаёлилик бўлиб, кишининг маънавиятли, маърифатли, номусли, очик кўнгилли эканини англатади, унинг зиди — беҳаёлик (ҳаёсизлик) эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мойиллик, қалби қаттиқлик, виждонсизлик каби иллатлар билан характерланади. Ҳоз. кунда турли нивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омухталашуви, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ижтимоий ҳодисалар Ҳ.лиликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айтикса хотин-қизлар ва ёшларнинг ўзини тутиши-да, муома-

ласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин. Оиладаги ва мактабдаги тарбияда Ҳ.ли бўлишлик — хулқий гўзаллик, назо-кат экани, беҳаёлик — хулқий хунуқлик ва кўполлик эканини уқтириш, шахс эркинлиги доимо ўзгалар олдидаги масъулият билан боғлиқлигини тушунтириб бориш муҳим вази-фалардан биридир.

Абдулла Шер.

ҲАЁТ, тириклик, тирик организмлар — материянинг энг юксак шакли. Замонавий қарашларга биноан Ҳ. ташқи муҳитдан олиналган энергия ҳисобига ўз-ўзидан бошқариладиган ва ўз-ўзини бунёд этиш хоссасига эга бўлган ўзига хос структуралардан иборат. *Молекуляр биология*. *биофизика*, *биокибернетика* (қ. *Кибернетика*) ва б. фанлар соҳасида олиб борилган гаджикотлар натижасида Ҳ.нинг моддий асослари *биополкмерлар* эканлиги аниқланди. Улардан *оқсиллар* ва *нуклеин кислоталар* барча тирикликнинг доимий таркибий қисми ҳисобланади. Биополимерлар Ҳ. намоён бўлишининг молекуляр жараёнларида иштирок этади. Ҳаётий жараёнларда оқсилларнинг аҳамияти улар кимёвий тузилиши ва биологик функциясининг хилма-хиллиги билан белгиланади. Ҳар қандай ге-нетик информация оқсил молекуласида аминокислоталарнинг кетма-кет жойланиши орқали намоён бўлади. Генетик информацияни нуклеин кислоталар (ДНК ёки РНК) ўзида сақлайди ва ирсиятга ўтқазади. Оқсиллар биосинтезида (қ. *Биосинтез*) бу информация хужайранинг генетик аппарати (*геном*) дан цитоплазмага ўтиб, оқсил молекуласига *аминокис.юталар* қолдиқлари кетма-кетлигидан иборат узун занжир шаклида ёзиб олинади, Оқсиллар синтезининг амалга ошири-лиши орқали нуклеин кислоталар хужайрада кечадиган моддалар алма-шинуви тавсифини белгилаб беради. Моддалар алмашинуви эса ўзаро мувофиқлашган ва динамик боғланган *ассимиляция* (пластик алмашинув) ва

диссимляция (энергия алмашинуви) жараёнлари яхлит системасидан иборат. Бу жараёнлар туфайли тирик организмлар ҳаётий функцияларининг бажарилиши учун зарур бўлган шарт-шароит вужудга келади, яъни улар таркибининг ўз-ўзидан янгиланиши содир бўлади ва бу таркибнинг нисбий тургунлиги сақланиб қолади.

Умумий маънода Ҳ. ўзига хос структураларнинг ташқи муҳитдан олинган энергия сарфи орқали ўз-ўзини бошқариш ва бунёд этиши тари-қасида талқин қилинади. Бу тавсифдан моддалар ва энергия алмашину-ви орқали организм билан ташқи муҳит ўртасида доимий боғланиш бўлиб туриши тўғрисидаги тушунча келиб чиқади. Организмда моддалар атма-шинуви *ассимиляция* жараёнлари маж-муидан иборат. Ассимиляция хужайра молекуляр компонентларининг, жумладан тур учун хос бўлган моддалар (оқсил, нуклеин кислоталар) синтези ва *диссимляциясини*, яъни ишлатиб бўлинган моддаларнинг пар-чаланиши ва организмдан қараёнли-шини ўз ичига олади. Мазкур жараён энергиянинг қайта тақсимланиши орқали содир бўлади. Бу жараёнда автотроф фотосинтезловчи организмлар (яшил ўсимликлар, фототроф бактериялар) куёш энергиясини ўзлаштириб, уни кимёвий боғлар энергиясига айлантиради (мас, АТФ синтези, фосфорланиш). Хемо-синтезловчи автотроф (темир ва ол-тингургурт бактериялари) кам оксидланган аорганик бирикмалар энергиясидан, гетеротрофлар (кўпчилик бактериялар, хайвонлар, замбуруғлар) эса автотрофлар ёки б. гетерот-рофлар синтезлаган органик моддаларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган энергиядан фойдаланади. Метаболитик ўзгаришлар давомида энергиянинг кўп қисми иссиқлик шаклида йўқотилиши натижасида организм — муҳит системаси энтро-пияси ошади.

Ҳ.га моддалар алмашинуви жараёни сифатида қараш ўз аҳамиятини йўқотмаган, лекин бу қарашлар янги маъ-

лумотлар билан бойиб бормокда.

Моддалар алмашинуви — ҳаёт учун зарур бўлган тузилмаларнинг сақланиб туриши ва ҳосил бўлишининг зурур шарти сифатида ҳар бир организм тури учун ўзига хос бўлади. Ҳ.нинг замонавий тавсифига кўра, унинг асосий хоссаларига моддалар алмашинуви билан бир қаторда ўз-ўзини яратиш (репродукция), ирсийланиш ва ўзгарувчанлик намён қилиш, ўсиш ва ривожланиш, таъсирланиш ва таъсирга жавоб бериш, ўз-ўзидан бошқарилиш, ритмлик, энергияга муҳ-тожлик ва б. хусусиятлар ҳам кирди. Муайян тузилган структураларнинг бузилиши билан Ҳ. ҳам тўхтайди. Структураларнинг ўзига хос хусусиятлари матрица усулида кўпаядиган генетик программада мавжуд бўлган ахборот билан боғлиқ. Матрица синтези жараёнида генетик программадан хато нусха олиниши (мутация) мумкин. Бунинг натижасида олинган программа нусха-лар ўртасида фарқ (конвариант репликация) пайдо бўлади. Мутацияларнинг асосий қисми эволюциянинг дастлабки даврларида содир бўладиган репарация механизмлари орқали йўқотилади, лекин сақланиб қолган ирсий ўзгаришларнинг ўзи организмларнинг хилма-хил бўлиши ва уларда ташқи муҳит шароитига ҳар хил мосланишлар вужудга келиши учун етарли бўлади. Организмлар белгиларининг хилма-хиллиги табиий танланиш учун шарт-шароит яратади; бу эса, ўз навбатида, яшаш шароитига қараб организмларнинг мукамаллашуви (прогресс) га ёки улар тузилишининг содда-лашуви (рефесс)га олиб келади. Шундай қилиб, Ҳ. ўз моҳиятига кўра ўз-ўзини яратадиган жараён сифатида эволюциянинг шарт-шароитларини белгилаб беради. Ер юзасида Ҳ. молекуляр, ҳужайра, организм, популяция, тур, биогеоценез (экосистема) ва биосфера даражаларида намён бўлади. Биология фанларининг 20-а.да эришган ютуқлари асосида ишлаб чиқилган Ҳ.нинг замонавий тавсифлари уни табиатан моддий эмаслиги

тўғрисидаги ғайри-табиий назарияларга ўрин қолдирмайди. Шунинг билан бирга бу тавсифлар Ҳ.ни фақат физик-кимёвий қонуниятлар билан боғлаб қўйишга имкон бермайди. Моддалар алмашинуви асосида амалга ошириладиган матрица синтези ва ундан келиб чиқадиган биологик эволюция нотирик табиат учун хос бўлмайди. Моҳиятига кўра Ҳ. нотирик табиатга нисбатан материя ҳаракатининг анча юксак даражадаги шакли ҳисобланади.

Лд.: Энгельгардт В.А., Познание явлений жизни. М., 1984; Югай Г.А. Общая георияжизни, М., 1985;Гибор Г. Жизнь и ее происхождение, пер. с венгерского, М., 1984; Умумий биология, Т., 2004;Мавлонов О., Биология, Т., 2003.

Очил Мавлонов.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ - ҳаётнинг мазмуни, мақсади, кадр-қиммати ҳақидаги муаммоларни тадқиқ ва талқин этувчи фалсафий оқим. 19-а. охири — 20-а. бошларида Германия ва Францияда пайдо бўлган. Ҳ.ф.нинг ибтидосида *А.Шопенгауэр* туради, асосчиси эса *Ф.Ницше* ҳисобланади. Оқим вақиллари фикрича, ҳаёт — биринчи ўриндаги воқелик, кейинчалик маънавият ва моддиятга, онг ва борлиққа бўлинадиган узвий яхлитлик. Ҳаёт Ҳ.ф.нинг асосий тушунчаси ҳисобланади. Ҳ.ф. ҳаётнинг моҳиятини унинг ўзидан англаб олишга интилади. У ҳис-туйғулар ва инстинктларни улуғлайди, ақли танқид ва инкор қилади. Ҳ.ф. тарафдорларига кўра, ҳаёт тушунчаси мураккаб, кўп маъноли, ўзининг аниқ талқинига эга эмас. Шу сабабли уни табиий-биологик (Ф.Ницше, А.Клагес), маданий-тарихий (В.Дильтей, Г.Зиммель, О.Шпенглер, Х.Ортега-и-Гасет) тушуниш мавжуд. Табиий-биологик талқинда қаёт биологик маънода тушунилиб, биологик хоссалар бутун воқеликка татбиқ қилинади. Ҳаёт табиийлик билан қиёсланади ва ҳар қандай сунъийликка қарши қўйилади. Бу йўналиш тарафдорлари куч-қудратни

улуғлайдилар, ҳар қандай ғоянинг рўёбга чиқишини кишилар ёки ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғлайдилар. *К.Бергсон* фикрича, ҳаёт — фазовий ҳаётий шиддат, у дастлаб ягона марказда туғилиб, кўп жиҳатлардан бир-биридан фаркланадиган қатор портлашлар, сифатли сакрашлар орқали параллель равишда ривожланиб боради. Унинг моҳияти ички кечин-малардан келиб чиқадиغان, қалбдаги жараёнлар воситасида фаҳмлаб олиннадиган онг ёки аъло онг. Дильтей, Зиммель ҳаётнинг моҳиятни ички рухий кечинмалардан излайди. Ортега-и-Гасет инсон ҳаётини табиатга қиёс-лаб ўрганишга интилган ақлнинг бунлай тадқиқот учун заифлик қилишини таъкидлайди. У ҳам инсон билан олам яхлитлигини, инсон ҳаётининг ташқи таъсирлардан холи, ўз-ўзича ибтидога эга эканини ҳисобга оладиган, ақлнинг нисбатан кенг маънодаги тушунчасини ишлаб чиқишга уринади. Нуктаи назардаги бундай фикрларга қарамай, уларда ҳаёт механик, тартибсиз тузилмаларга. Барча қатъий белгилаб қўйишларга, қотиб қолишларга қарши турадиган ижодий шаклланишнинг узвий жараёни сифатида намоён бўлади.

Ижод, айниқса, бадий ижод Ҳ.ф. учун ниҳоятда муҳим, у ҳатто ҳаётнинг ўзи. Шу нуктада Ҳ.ф. норац-онал интуитивизмга, унинг билиш назариясига яқинлашади. Чунончи ҳаёт динамикасини, нарса-ҳодисанинг индивидуал табиатини умумий тушунчаларда ифодалаб бўлмаслиги, уни бевосита фаҳмлаш, интуиция орқали англаш мумкинлиги ҳар иккала оқимга хос. Ҳ.ф. фан билан фалсафанинг оламга ёндашувидаги кескин фарқни кўради. Фан оламни эгаллаш ва ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилади, фалсафага эса мушоҳадакорлик хос, шу хусусияти билан у санъатга яқин. Ақл ўз табиа-тига кўра ҳаётдан узилиб қолган; ақлий билиш ва унга асосланадиган фан нарсаларни эмас, нарсалар ўртасидаги муносабатларнигина англаб етиши мумкин. Рационал билиш соф амалий манфа-

атларни қондиришга, фойда келтирадиган мақсадга мувофиқликка қаратилган. Илмий билишга ноинтеллектуал, интуитив, ҳаётни англаб етишнинг тимсолли-рамзий усуллари қарама-қарши қўйилади. Санъат асари, айниқса, шеър, мусика ҳаётни англаш ва нисбатан айнан ифодалаш воситасидир.

Ҳ.ф. учун замон — ижод, тараккиёт ва ташкил топишнинг моҳияти сифатида муҳим аҳамиятга эга. Тарих эса Ҳ.ф.да туғилишдан то ўлимгача бўладиган биологик даврийликка ўхшаш жараёнларни бошидан кечирадиган ноёб ва такрорланмас «маданий организмлар» сифатида намоён бўлади. Тарихий жараён, сабабият қонуни ҳукмронлик қилган табиатдан фарқли ўларок, тақдирга бўйсунди. Тарих фақат табиат дунёсидагина ҳаракат қиладиган объектив қонуниятлар исканжасидан чиқиб кетади. Ҳ.ф. тарафдорлари (айниқса Ницше) тил муаммосига катта аҳамият беради. Уларнинг фикрича, тил реал ҳаётни изоҳлаб беришга ожизлик қилади, чунки тил истиоралар ва тимсоллар шаклида асл, келиб чиқиш жараёнидаги маъноларини йўқотади: индивидуал иборалар умумий тушунчаларга айланади, бу тушунчалар орқали ифодаланган олам асл оламга мос келмайди. Ҳ.ф.да кейинчалик «омма жамияти» тушунчаси пайдо бўлди; у индивидни эркинликка, ижоддан маҳрумликка, бегоналашувга олиб келади. Бу қарашлар ўша пайтларда пайдо бўлаётган демократия, тенглаштирувчилик ғояларидан «сара одамлар» маданиятини ҳимоя қилишга даъват сифатида ўзини кўрсатади. Шу сабаблар туфайли Ницше умум қабул қилинган қадриятларни, меъёрларни «табиий» ҳаёт нуктаи назаридан қайта баҳолашга, асл «ҳаётий» қадриятларнинг ифодачиси бўлмиш комил одамга эргаштишга чорлайди. Шпенглер фикрича, маданият гуллаб-яшнаган даврдан кейин, маданий организмларнинг аста-секин таназзулга учраши рўй беради, унда халқлар ўз хулқ-атвори ва фаолиятига кўра оммага айланади. Ҳ.ф. 20-а. боши-

да Бергсон, Зиммель, Дильтей, Кейзерлинг ва Клагес тимсолида ўзининг юксак чўққисига етди. Ҳ.ф.нинг айрим ғоялари кейинчалик персонализм, экзис-тенциализм, фалсафий антропология томонидан ўзлаштирилди.

Абдулла Шер.

ҲАЁТТИЙ ЦИКЛ, ривожланиш цикли — барча ривожланиш даврлари мажмуи. Ҳ.ц., одатда, зиготадан бошланади ва ўзидан насл қолдириш қобилиятига эга бўлади. Ҳ.ц. нинг давомийлиги йил давомида ривожланадиган насл (генерация) сони ёки бир Ҳ.ц. давом этадиган йиллар сони, шунингдек, Ҳ.ц. давомида содир бўладиган тиним, яъни диапауза даврининг давомийлигига боғлиқ.

Ҳайвонларда Ҳ.ц. оддий ва мураккаб бўлади: оддий Ҳ.ц. бевосита (ўзгаришсиз) ривожланадиган (мас, ўргимчаксимонлар, кам тукли чувалчанглар, курукликда яшовчи умуртқасизлар), мураккаб Ҳ.ц. — метаморфоз орқали ривожланадиган ҳайвонлар (кўпчилик ҳашаротлар, бўшлиқчиликлар, ясси чувалчанглар, денгиз ҳал-қалилари ва моллюскалари) учун хос. Метаморфоз ривожланишида Ҳ.ц. 1 индивиднинг ривожланиши билан бел-гиланади (мас, капалакларда: тухум—қурт—ғумбак — вояга етган капалак; бақада: тухум—итбалиқ—вояга етган бақа). Насл галланиб ривожланишида ёки галланиб кўпайишида Ҳ.ц. ҳар хил авлодларга мансуб бир неча ин-дивидларда дастлабки форма пайдо бўлгунча давом этади. Мас, сцифо-ид медузалар (*бўшлиқчиликлар*) *т:* тухум—планула—эфира—медуза; ўсимлик шираларида: тухум—асос қўювчи урғочилар—мигрантлар—жинс хосил килувчилар—эркаклар ва тухум қўядиган урғочилар. Шундай қилиб, Ҳ.ц. ни ўрганиш бирлиги битта онтогенез ёки бирин-кетин борадиган бир неча онтогенез бўлиши мумкин. Бир ҳужайрали ҳайвонлардан споралилар (мас, қон споралилари, кокцидиялар) Ҳ.ц.и айникса мураккаб бўлади.

Ўсимликларда ёпиқ уруғлилар учун бир йиллик, 2 йиллик ва кўп йиллик Ҳ.ц. хос Тубан ва спорали юксак ўсимликлар Ҳ.ц.ида гамето-фит ва спорофит бўтимлари алмашилиб туради. Паразит замбуруғлар Ҳ.ц.и мураккаблиги жиҳатидан ҳужайин ал-машилиш орқали ривожланадиган паразит ясси чувалчангларникига ўх-шайди. Мас, занг замбуруғлар Ҳ.ц. да эцидиоспоралар, уредоспоралар, телейтоспоралар, шунингдек, базидиал босқич ҳосил қиладиган даврлари бўлади.

ҲАЁТТИЙ ШАКЛ, ўсимликларда биоморфа — ўсимликларнинг муҳит шароитларига мосланишини акс эттирувчи ташки қиёфаси (габитус). «Ҳ.ш.» атамасини фанга Дания бота-ниги Э.Варминг киритган (1884). Ҳ.ш. ўсимлик вегетив танасининг ўсимлик урудан униб чиққанидан то ҳазон бўлгунча ўтган яшаш даврида ташки муҳитга мосланиши, ўсимликларнинг экологик тасниф бирлиги, яъни мосланувчанлик структураси бир-бирига ўхшаш ўсимликлар гуруҳи. Бу ўхшашлик қариндошликка боғлиқ бўлмай, кўпинча конвергент бўлиши мумкин (мас, пояли сукку-лентлар Ҳ.ш.ини ҳосил килувчи как-туслар ва баъзи бир сутламадошлар). Ҳ.ш., асосан, ўсимликларнинг ер ости ва ер устки вегетив органлари структурасига боғлиқ, уларнинг ривожланиш ритмига ва узок яшашига қараб ўзгаради. Ҳ.ш. эволюция жараёнида турли иқлим, тупроқ ва биоценотик шароитларда *табиий танланиш* натижасида вужудга келади.

Ҳар бир ўсимлик (дарахт, бута, лиана ва б.)нинг конкрет Ҳ.ш.и улар онтогенезида ўзгаради. Айни бйр тур ҳар хил шароитда турли Ҳ.ш.да бўлиши мумкин. Мас, ўрмон зонаси ва тоғ-ўрмон минтақасида баланд ўсадиган эман, қорақайин, қорақарағай, тилоғоч ва б. шим. ва баландлик зоналарида бута шаклида ёки ер бағир-лаб ўсади.

Ўсимликлар жой ландшафтини белгилувчи ташки қиёфасига тегишли асо-

сий шаклларининг биринчи физиономик таснифини немис табиат-шуноси А.Гумбольдт шарҳлаб берган (1806). У ўсимликларнинг 19 хил Ҳ.ш.ини ажратган. Кейинчалик ўсимликларнинг ўзига хос мослашув аломатларига қараб таснифлавиши пайдо бўлди. Даниялик ботаник К.Раункиер ўсимликларнинг кишлашга мосланиши ҳақидаги кўпчиликка ман-зур бўлган таснифида Ҳ.ш.ни 5 тип-га: фанерофитлар, хамефитлар, ге-микриптофитлар, криптофитлар, терофитларга бўлган.

Бир қатор назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда Ҳ.ш.ни ўрганишнинг аҳамияти муҳим. Мас, раункиер иқлим тавсифи учун у ёки бу ҳудуд флорасининг Ҳ.ш. процент таркибидан фойдаланган.

Ҳайвонларда Ҳ.ш. — муайян бир хил ҳаёт муҳотида яшайдиган, ўзаро қариндошлигидан катъи назар ўхшаш мосланиш белгиларига эга бўлган ҳайвонлар гуруҳи. Битта Ҳ.ш.га ҳар хил, ҳатто турли хил систематик гуруҳларга мансуб турлар (мас, ерқазар ва кўреичқон) кириши мумкин. *Метаморфоз* орқали ривожланадиган турлар онтогенезда Ҳ.ш.ини ҳам ўзгартиради (мас, ҳашаротлар курти, ғумба-ги, во-яга етган даври). Битта турнинг морфологик жиҳатдан кескин фарқ қиладиган ҳар хил индивидлар (мас, термитлар ва чумолиларнинг ургочилари, ишчилари, навкарлари), шунингдек, кенжа турлар ва ирқлар (мас, дарё ва кўл мой балиғи)ни мустақил Ҳ.ш. дейиш мумкин.

Ҳайвонлар гуруҳини экологик тасниф қилишда ҳар хил критерийлар (мас, ҳаракатланиш, озиқ топиш усуллари, озиқнинг хусусияти, фаоллик даражаси, муайян ландшафтга боғлиқлиги, онтогенез даврларидаги фарқ ва б.)дан фойдаланилади. Мас, денгиз ҳайвонларини озиқ топиш усули ва озиғи хилига биноан ўсимликхўрлар, йиртқичлар, ўлаксахўрлар, детритхўрлар (фильтрловчилар ва балчикхўрлар)га; ҳаракатланиш хусусиятига биноан сузувчилар, ўрмаловчилар, ўтроқ яшовчилар Ҳ.ш.га аж-

ратиш мумкин. Морфоэкологик белгилар комплексига кўра Ҳ.ш.нинг иерархик системаси тузилади. Мас, озиқланиш усулига биноан визил-доқ кўнғизлар ҳар хил яруслар бўйича таксимланадиган Ҳ.ш. — зоофаглар ва миксофитофаглар трофик гуруҳларига ажратилади.

Ҳ.ш.ни ўрганиш орқали яшаш муҳитининг ўзига хос хусусиятлари ва организмлар мосланишининг ўзгариши тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Зоологияга «Ҳ.ш.» атамаси ботаникадан кириб келган бўлиб, фақат 20-а.дан қўлланила бошланди.

Очил Мавлонов.

ҲАЁТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ - тирик организмларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги қарашлар мажмуи. Ҳаётнинг табиати (қ. *Ҳаёт*), унинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд. Ило-ҳий китобларда тирик жонзотларни муайян макон ва замонда маълум режа асосида олий Яратувчи томо-нидан яратилганлиги таъкидланади. Қуръонда дунё 6 кунда яратилганлиги ёзилган. Ирландиялик архиепис-коп Ашер дунё мил. ав. 4004 й. октябрда яратилганини ҳисоблаб чиққан. *Креационизм* таълимотига асосан ҳаёт гайритабиий ҳодиса натижасида бир марта пайдо бўлган ва ўшандан буён ўзгармасдан қолган. Қад. Хитой, Рим, Бобилда пайдо бўлган назарияларга биноан ҳаёт табиатда «авжуд бўлган нарсалардан ўз-ўзидан (спонтан) ву-жудга келган. Юнон файласуфи Эм-педокл (мил. ав. 490—430 й.) тириклик ҳаво, тупроқ, олов ва сувдан; *Демокрит* (мил. ав. 460—370 й.) ҳаёт лойдан; Фалес (мил. ав. 625—547 й.) ўсимлик ва ҳайвонлар балчикдан пайдо бўлган, деган фикр билдиришган. *Аристотель* фикрича, модданинг муайян заррачаси «ҳаётгий куч»га эга; бу куч қулай муҳитда тирик организмни пайдо қилади: Ван Гельмонт (1577—1644) ифлос кийим, қоронги шкаф ва буғдой донидан 3 ҳафта давомида сичқон пайдо бўлганлигини ёзади. Аммо Италия врач

ва биологи Франческо Реди оғзи ёпилган идишда сақланган гўштда пашшалар пайдо бўлмаслигини исбот қилади. Шу тарика тириклик фақат тирикликдан пайдо бўлиши тўғрисидаги *биогенез* концепцияси вужудга келди. *А.Левенгук*ни микроскопик организмларни кашф этиши билан микроорганизмларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши тўғрисидаги қарашлар авж олди. Аммо италян табиатшуноси Спалланцани (1765) оловда пишиб турган гўшт ва сабзавот қай-натмаси солиниб, оғзи кавшарланган идишни бир неча вақт кузатади ва қай-натмада ҳеч қандай ҳаёт изини тополмайди. Лекин ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши ғоясининг тарафдорлари оғзи кавшарланган идишга ҳаётгий куч тутп-маганлигини ваз қилиб кўрсатишади. Ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини исботлаш учун *Л.Пастер* (1860) тажрибада оғзига Г) шаклида эгилган най уланган қолбада қайнатилган гўштнинг айнимаслигини исбот қилди. Лекин *Л.Пастер* тажрибаси Ҳ.п.б. муаммосини ҳал этиб беролмади; ак-синча ҳаётнинг абадий мавжудлиги тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳ.п.б. тўғрисидаги *панспермия* тарафдорлари фикрича, ҳаёт Галактика ёки коинотнинг турли қисмларида бир неча марта қайта пайдо бўлган; ерга эса метеоритлар ва космик заррачалар билан бирга келиб қолган. Бу назарияни дастлаб немис олими Г.Рихтер (1865) тақлиф этган, сўнгра *С.А.Арпениус* (1895) шакллантирган. Панспермия тарафдорлари ўз қарашларини исботлаш учун номаълум учар объектиларнинг ерга кўп марта ташриф буюрганлиги, қояларга чизилган расмлар ва ўзга планеталиклар билан учрашувлар тўғрисида шов-шув кўтаришади. Бироқ космик кемаларда олиб борилган тадқиқотлар коинотда ҳаёт нишонаси борлигини исботламади.

1924 й.да рус биокимёгари *А.И.Оиарин*, кейинроқ англия биокимёгари ва генетики *Ж.Холдейн* (1929) томонидан табиатшунослик фанлари тўплаган далил-

ларни умумлаштириш асосида Ҳ.п.б.ни углевод бирикмаларининг узоқ давом этган эволюцияси тариқасида талқин қиладиган гипотеза-за тақлиф этилди. Бу гипотеза Ҳ.п.б. тўғрисидаги ҳоз. тасаввурларнинг асосини ташкил этади. Бу гипотезага биноан Ерда Ҳ.п.б. жараёнини шартли равишда 4 даврга бўлиш мумкин: бирламчи атмосфера газлари ҳисобидан паст молекулали органик бирик-малар мономерларининг синтези; мономерлар полимерланиб, оқсил ва нуклеин кислоталар занжирини ҳосил қилиши; ташки муҳитдан мембраналар билан ажралиб турадиган системаларнинг ҳосил бўлиши; тирикликка хос бўлган хусусиятлар, жумладан кимёвий ва метаболитик хоссаларнинг келгуси наслларга ўтказилишига имкон берадиган репродуктив апаратга эга бўлган содда хужайранинг пайдо бўлиши. Дастлабки 3 давр Ҳ.п. б.даги кимёвий эволюция, охириги 4-давр эса биологик эво-л юция и я дейилади.

Ҳ.п.б.даги кимёвий эволюция даври. Моддаларнинг кимёвий эволюциясини америка олимлари *С.Миллер* ва *Г.Юри* 1953 й.да модели экспериментлар орқали тасдиқлаб беришди. Улар метан, аммиак ва сув бутлари аралашмасидан иборат газга электр заряди таъсир эттириб, бир қанча оддий органик бирик-малар ҳосил қилишди. Улар бу билан Ернинг бирламчи атмосферасини имитация қиладиган системаларда органик молекулалар синтезланиши мумкинлигини кўрсатиб беришди.

Тахмин қилинишича Ернинг бирламчи атмосфераси таркиби сув буғлари, эркин водород, карбонат ан-гидрид, қисман метан, водород сульфид, аммиак ва б. газлардан иборат бўлган. Атмосферанинг қайтарилиш хусусияти бирламчи органик бирик-маларнинг • абиоген синтезида катта аҳамиятга эга. Чунки қайтарилиш хос-сасига эга бўлган бирикмалар ўзидан водородни чиқариб, кимёвий реакцияларга осон киришади. Қуёшдан келадиган ультратрабинафша

ва рентген нурлар, чакмоқнинг кучли электр заряди, чакмоқ чакқанда, метеорит тушганда ва вулқон отилганда ҳосил бўладиган юкори ҳарорат таъсирида газлардан бирмунча мураккаб бирик-малар синтезланган. Шу тарзда анорганик бирикмалар: углеводлар, ами-нокислоталар, азотли асослар ва органик (сирка, чумоли, сут) кислоталар ҳосил бўлган. Ер аста-секин совий бошлаши билан атмосферадаги сув буғлари конденсацияланиб борган. Ер юзига тинмасдан ёққан жала жуда катта сув ҳавзаларини ҳосил қилган. Сувда аммиак, углерод кўшоксид, метан ва атмосферада ҳосил бўлган органик бирикмалар эриган. Сув муҳитида органик моддалар конденсацияланиб, полимерларни, худди шу йўл билан аминокислоталар пептид боғлар орқали ўзаро бирикиб оксилларни, нуклеотидлар полинуклеотидларни ҳосил қилган. Мураккаб полимерларнинг синтезланиши оддий моддаларга нисбатан осон кечишини қайд этиб ўтиш лозим. Мас, аминокисло-талар 1000° да синтезланса, улардан полипептид занжири эса 160° да син-тез бўлади. Конденсация реакциялари тасодифий тартибда жойлашган мономерлардан иборат ҳар хил узунликдаги чизикли полимерлар — полипеп-тидлар ва полинуклеотидларнинг син-тезланишига олиб келади. Полинуклеотидлар матрица вазифасини бажариши ва шу тариқа янги поли-нуклеотидлар занжирида нуклеотидларнинг жойланиши тартибини бел-гилаб бериши мумкин. Полинуклео-тидларнинг матрицалик хусусияти улар молекуласидаги нуклеотидларнинг комплементарлик асосида жуфт-жуфт бўлиб (аденин қаршисида урацил, гуанин қаршисида цитозин) жойлашиши билан боғлиқ. Матрицадан нусха олишнинг комплементарлик механизми биологик системалар орқали информация ўтказиш жараёнларида марказий ўрин тутади. Ҳар бир ҳужайранинг генетик информацияси нуклеотидларнинг кетма-кетлиги шаклида кодлашган бўлиб, бу инфор-мация комплементар-

лик (жуфт-жуфт бўлиб жойлашиш) асосида наслдан-наслга ўтказилади. Лекин бу жараён ферментлар иштирокисиз секин боради. Тасодифан синтезланадиган поли-пептидлар орасида каталитик фалликка эга бўлган, полинуклеотидлар синтезини тезлаштирадиган хиллари ҳам бўлган. Шундай қилиб, кимёвий эволюциянинг навбатдаги поғонаси полинуклеотидларнинг ўз-ўзидан кўпайишини тезлаштирадиган фер-ментларнинг синтезланиши бўлди. Синтезланадиган полипептид тўғрисидаги ахборот нуклеин кислоталар молекуласида жойлашган. Информациянинг ДНК занжиридан РНК га ўтказилиши эса полипептид занжири синтезини енгиллаштиради. Табиий танланиш орқали нуклеотидлар трип-лети билан аминокислоталар ўртасидаги мувофиқликни ифода этувчи генетик код, яъни «луғат» пайдо бўлган. Нуклеотидлар кетма-кетлиги поли-нуклеотид занжири функцияси ва унинг физик структурасини белги-лаб беради. Ўз-ўзидан репликацияланадиган, ахборот сақланадиган ва функционал хоссага эга бўлган молекуланинг пайдо бўлиши ҳаётнинг бундан кейинги эволюцияси асоси ҳисобланади.

Абиоген йўл билан пайдо бўлган полипептидлар каталик хоссага эга бўлиб, РНК молекуласидан нусха олиш жараёнини аниқлаштирган ва тезлаштирган бўлиши мумкин. РНК га ўхшаш поли-нуклеотидлар вақт ўтиши билан оксил молекуласи синтезини бошқариш хусусиятига; оксиллар эса, ўз навбатида, РНК нинг янги нусхалари синтезланишини катализилаш хусусиятига эга бўлган. Эволюция жараёнида фақат муайян полипептидлар синтезини бошқарувчи полинук-леотидлар табиий танланиш таъсирида сақланиб қолган. Нуклеин кислоталар бошқариб борадиган оксил биосинте-зининг юзага келиши Ерда ҳаёт пайдо бўлишида энг муҳим ҳодиса ҳисобланади.

Ерда ҳаёт пайдо бўлишининг бир канча жабҳаларини аниқ тасаввур қилиш

мумкин бўлса-да, бундай эво-люцион ўзгаришнинг мураккаб механизми ҳозиргача аниқланмаган. Тах-мин қилинишича, нуклеин кислоталар билан оксиллар ўртасида аста-секин ўзаро ихтисослашув юз берган. Натижада оксиллар янги нуклеин кислоталар, оксиллар ва б. моддалар синтези реакцияларини, шунингдек, бошқа жараёнларни таъминлайдиган энергиянинг қайта тақсимланиши, яъни генетик информациянинг фенотик намоён бўлишини бошқарган; нуклеин кислоталар эса бу жараёнларни зарур ахборот билан таъминлайдиган воситага айланган. Кейинчалик генетик ахборотни ташиш вазифаси РНКдан ДНК га ўтган. ДНК нинг қўш занжирдан тузилганлиги генетик ахборот тургун бўлишини ва репликация механизмининг амалга оширилишини таъминлайди. РНК эса ахборотни ДНК дан оксилга олиб келишга ихтисослашган. Ҳоз. мавжуд бўлган барча организмларда ахборот оқими худди шу йўналишда боради. А.И. Опарин ва С.Фокс тажрибаларида ҳар хил полимерлар сувда аралаштирилганда, улар бирлашиб турли хил молекулалардан иборат мураккаб агрегатлар — коацерват томчилар ҳосил қилиши аниқланган. Органик молекулаларнинг бундай комплекси ҳозирги хужайраларга ўхшаш хоссаларга эга бўлиб, кўпинча липидлардан иборат сиртки мембранани ҳосил қилади. Бу мембрана моддаларни агроф муҳитдан танлаб ўтказиш, ички муҳитнинг доимийлигини таъминлаш, айрим кимёвий реакцияларни катализлаш хусусиятига эга. Коацерватлар муай-ян ўлчамга етгандан сўнг, майда қисмларга бўлиниб кетади. Бу тажри-балар ҳаётий жараёнларга ўхшаш ҳоди-саларни материянинг физик-кимёвий хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Лекин кўрсатиб ўтилган коацерват томчиларни тирик организмлар дейиш мумкин эмас. Кооцерватлар тўхтовсиз ҳосил бўлиб ва пар-чаланиб турган. Бундай ҳар хил хусусиятларга эга бўлган молекулаларда агрегатлардан иборат коацерватлар-

нинг муҳит билан ўзаро таъсири табиий танланиш учун шарт-шароит яра-тиб берган. Табиий танланиш туфайли энг қулай тузилишга эга бўлган ва парчата-нишдан сўнг ҳам кўпайиш хусусияти-ни йўқотмайдиган агрегатлар сақтаниб қолган.

Ҳ.п.б. тўғрисидаги юқорида баён этилган таълимотни кўпчилик олимлар эътироф этган. Тирик организмларда ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятининг пайдо бўлиши бу таълимотнинг энг қийин, ишонарли тарзда тушунтирилмаган қисми ҳисобланади. Аме-рикалик астроном Фред Хайл фик-рича, ҳаётнинг юқорида кўрсатиб ўтилганидек молекулаларнинг ўзаро тасодифий таъсири туфайли пайдо бўлишини худди темир-терсақлар уюми устидан ўтган тўфондан сўнг, Боинг-747 самолётининг пайдо бўлиб қолишига ўхшатиш мумкин.

Ҳ.п.б.даги биологик эволюция даври. Коацерватларда уларни ташқи муҳитдан ажратиб турадиган парда — мембрананинг ва редупликация механизмининг пайдо бўлиши билан моддалар алмашинуви ва ўз-ўзидан кў-пайиш учун қулай имконият яратилди. Пайдо бўлган бу содда организм пробионт деб ата-лади. Пробионтларнинг пайдо бўлиши билан ҳаёт пайдо бўлишининг биологик эволюцияси бошланади. Пробионтлар гетеротроф бўлиб, озик моддалар синтез-ламаган. Улар бирламчи океан сувидаги органик бирикмаларни ўзлаштирган. Гетеро-троф пробионтларнинг ҳоз. ана-эроб прокариотларга ўхшаганлиги тах-мин қилинади. Гетеротроф организмлар бирламчи океан сувидаги органик би-рикмаларни ўзлаштирган. Гетерот-роф организмларнинг кўпайиши билан бир-ламчи океан сувидаги органик моддалар камайиб борган. Ана шундай шароитда анаэроб пробионтларда атмосферадаги карбонат ангидрид (CO_2) ва азот (N_2) ни кимёвий ва қуёш нури энергияси ёрдами-да ўзлаштириш хусусияти пайдо бўлган. Ана шу тариқа хемосинтез ва фотосин-тез килувчи организмлар келиб чиққан.

Дастлабки фотосинтетик организмлар цианобактериялар — кўк-яшил сувўтлар бўлган. Цианобактерияларнинг бу хусусияти туфайли ҳоз. ҳам атмосферадаги CO_2 ва M_2 газлари анча кўп микдорда органик бирикмалар шаклида биосферага ўтади.

Эркин молекуляр кислороднинг пайдо бўлиши атмосферанинг юқори қатламларида озон экранининг ҳосил бўлишига олиб келган. Озон экрани барча тириклик учун зарарли бўлган ультратрафинаш нурларнинг Ер юзасига ўтишига йўл қўймайди. Атмосферада эркин кислороднинг пайдо бўлиши организмларнинг бундан кейинги эволюциясида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо эркин кислород анаэроб прокариотларга жуда захарли таъсир кўрсатади. Прокариотларнинг бир қисми анаэроб муҳитда тупроқ ва сув қатламига, организм ва тўқималарга ўтиб сақланиб қолган; бошқалари эса қисман ортикча кислороддан озик моддаларни оксидлашда фойдаланишга мослашган. Озик моддаларнинг кислород ёрдамида оксидланиши анаэроб парчаланишга нисбатан жуда самарали бўлади ва кўп энергия ажратиб чиқаради. Бунинг натижасида тез ўсиб, тез кўпаядиган аэроб прокариотлар пайдо бўлган. Оксидланиш жараёнида охириги алмашинув маҳсулотлари — сув ва карбонат ан-гидрид ҳосил бўлган; хужайраларда жуда кўп энергия АТФ ҳолида тўпланган. Бирламчи муҳитда озик моддаларнинг камайиб кетиши анаэроб прокариотлар ўртасида бир-бирини ёйиш хусусияти — фагоцитознинг келиб чиқишига олиб келган. Тахмин қилинишича, фагоцитозда айрим анаэроб прокариотлар уларни ютган аэроб хужайралар билан симбиоз яшашга мослашган. Ютилган хужайралар ҳазм бўлмасдан сақланиб қолиб, органик моддаларни ўзлаштиришга мослашган. Ана шу тарика хужайра органоидлари шаклланган.

Эукариотларнинг келиб чиқиши. 19-а. охири ва 20-а. бошларида олим-

лар дастлаб хлоропластлар, кейинчалик митохондрияларнинг хужайра ичида мустақил кўпайишини кузатиш асосида бу органоидларни хужайра ичида яшашга ўтган бир хужайрали сувўтлар бўлиши мумкин, деган фикр билдиришган. Дастлаб бунга ҳеч ким эътибор қилмаган. Фақат 20-а.нинг 50—60-й.ларида биокимёвий текширишлар натижасида хлоропласт ва митохондриялардаги ДНК прокариотларникига ўхшаш халқасимон бўлиши аниқланди. Бундан ташқари, хлоропластлар ва прокариотлардаги рибосомалар ҳам ўхшаш бўлади. Митохондриялар ва хлоропластлардаги оксиллар биосинтезининг айрим томонлари, улар мембранасида фосфолипид — кардиолипиннинг бўлиши билан ҳам прокариотларга ўхшаб кетади. Аммо биокимё, молекуляр ва хужайра биологияси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар туфайли бу гипотезани инкор қилувчи бир қанча далиллар ҳам тўпланди. Бу далиллардан энг асосийлари митохондрия ва хлоропластларнинг кам автономлиги, уларда ўзларининг шаклланиши ва функцияси учун зарур бўлган ферментларнинг фақат кичик бир қисми синтезланишидан иборат. Аммо америкалик олима Лин Маргелис эукариотлар хивчинлари ва цитоскелети тузилишининг спирохета-бактерияларга ўхшашлигига асосланиб, хивчинлар ҳамда цитоскелетнинг спиралсимон прокариотлардан келиб чиққанлигини тахмин қилади. Яқинда ачитқилар вакуоласидан ажратиб олинган АТФ архейларникига ўхшашлиги аниқланди. Ана шу асосда тубан эукариотлар вакуолали қад. прокариотлар бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Эукариот хужайралардаги органоидларнинг прокариотлардан келиб чиққанлигига энг яхши далил сифатида америкалик биолог К.Воз ишини кўрсатиш мумкин. Олим ва унинг ходимлари ўсимлик хлоропластларидан олинган рибосомалар цитоплазмадагига ўхшамасдан айрим цианобактерияларникига ўхшашлигини аниқлаган. Бун-

дан ташқари, ҳар хил зука-риотлар митохондрияларидан олинган рибосомал РНК ҳам хужайра цитоп-лазмасидаги рибосомал РНК га эмас, балки айрим бактериялар рибосомал РНК сига жуда ўхшашлиги аниқланди. Энг қизиғи шундаки, бу бактери-яларнинг нафас олиш ферментлари тўплами ҳайвонларникига жуда ҳам ўхшайди. Эндосимбиоз ходисаси таби-атда анча кенг тарқалган. Мас, анаэ-роб бактерияларнинг бир тури хужайраси ичида митохондрия функция-сини бажарадиган аэроб симбионт бак-терия бўлади. Айрим денгиз балиқлари, коралл полиплар, погонофоралар ва б. ҳайвонлар танасида ҳам симбионт бакте-риялар яшайди.

Юкорида келтирилган далиллар зукариот хужайраларнинг эндосимбиоз келиб чиққанлигини кўрсатади. Лекин у холда ўзига прокариот хужайраларни сингдириб олган хўжайин ху-жайра табиати қоронғу бўлиб қолади, чунки зукариотларда мембрана билан ўралган ядро бўлади, прокариотларда бўлмайди. Маргелис бундай хужайра бактериялар аждоди ҳисобланган при-митив мико-плазмалар бўлганлигини тахмин қилади. Кейинги даврда япон олими Т.Ошима кўпчилик покари-отлар ва зукариотлар рибосомал РНК сини ўрганиш асоси-да хўжайин хужайра ҳоз. архейлар аж-додларидан бири бўлганлигини тахмин қилади. Чунончи архейлар ва зукариот-ларнинг био-кимёвий ва молекуляр био-логик хусусиятлари ўхшаш бўлади.

Ад.:Опарин А.И., Возникновение жизни на Земле, 3-изд., М., 1957; Грин Н., Стаут У., ТейлорД., Биология в 3-х томах, перевод с английского, М., 1990; Фокс С.Дозе К., Молекулярная эволюция и воз-никновение жизни, пер. с англий-ского, М., 1975;Гантн Тибор, Жизнь и ее проис-хождение, пер. с венгерского, М., 1984.

Очил Мавлонов.

ХАЖ (араб. — зиёрат) — исломнинг 5 асосий рукнидан бири. Ҳ. қилиш эс-

хуши бутун, соғлом, балоғат ёшига етган ва оиласи нафақасидан ташқари сафар харажатларига кифоя қилгудек маблағи бўлган ҳар бир мусулмонга (умрида бир марта) фарз қилинган. Ҳ. қилувчи киши-лар мийкот (эхромни боғлаш учун ол-диндан белгилаб қўйилган махсус жой) дан бошлаб тозаланиб, сочларини олиб ёки қисқартириб Маккага бориш учун ҳозирлик кўрадилар. Сўнгра *эхромга* ки-риб 2 ракаат намоз ўқилади. Ҳ.да Каъба 7 марта тавоф қилинади. Зиё-ратчилар ҳажар ал-асвад (*қора тош*)ни ўпиб, кей-ин Сафо ва Марва тепаликлари орасида 7 марта югурадилар, сўнгра *замзам* су-видан ичадилар. Арафа куни (зул-ҳижжа ойининг 9-куни) Ҳ.нинг асосий мароси-ми — *Арафот* водийси ва тоғида туриш (вукуф) бошланади. Зиёратчилар у ерда *хутба* эшитадилар, ибодат қила-дилар ва намоз ўқийдилар. Бу туриш кун ботгунча давом этади. Сўнгра ҳожилар Муздалифа водийсига йўл оладилар. У ерда тонгга қадар ибодат билан машғул бўлинади. Зул-ҳижжа ойининг 10-куни (қурбон ҳайити) дан бошлаб 3—4 кун Мино во-дийсида шайтонларга тош отилади ва жонлиқ сўйиб *қурбонлик* қилинади. Ма-динага бориб Муҳаммад (сав) қабрини зиё-рат қилиш ҳам Ҳ. вақтида бажарила-диган амалга айланган. Бир киши бошқа одам учун Ҳ. арконларини адо этиши ҳам мумкин. Бу ҳажжи бадал деб аталади. Вафот этган одам ҳамда моддий таъмин-ланган, аммо саломатлиги ёки қарилиги туфайли Ҳ. зиёратига бора олмайдиған-лар учун ҳажжи бадал қилиш мумкин бўлади.

Ҳадисга кўра, Ҳ. қилишнинг асосий қоидалари Муҳаммад (сав) томо-нидан 632 й. «Видолашув Ҳ.и» (Ҳаж-жат ал-вадоъ)да белгилаб берилган. Кейинчалик асосий ҳуқуқий мазҳаб намояндalари Ҳ. зиёрати қоидаларини ислом манбалари асосида батаф-сил ишлаб чиққанлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимиз мусулмонларига Ҳ. амалини адо этиш учун имкониятлар яратиб бе-рилди. 1991 й.да Ҳ.га борувчилар 1500

кишини ташкил этган бўлса, 2004 й.да бу рақам 4000 дан ортиқни ташкил этди. Мустақиллик даврида 53056 киши Ҳ. ибодат-тини адо этди (2005).

ҲАЖАР АЛ-АСВАД - к. *Қора тош.*

ҲАЖВИЯ — бадиий адабиёт турларидан; *сатира* ва *юмор*. Ҳажвий асарлар танқидий руҳда бўлади. Ўтмишда Шарқ халқлари, шу жумладан, ўзбек адабиётида, асосан, шеърят ва фольклорда мустақил жанр сифатида ривожланган. Уларда жамият ҳаётининг, шунингдек, айрим гуруҳ ёки шахсларнинг аксарият ёмон томонлари тасвирланади. Ҳ.да танқид қилинувчи объектга қаратилган киноявий масхараловчи ёки фош этувчи кулги асарнинг ғоявий мундарижасини ва бадиий воситаларини белгилайди. Ҳ. турли жанрларда ёзилиши мумкин. Мас, «Ўлик жонлар» (Н.В.Гоголь) ҳажвий роман шаклида, «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Сўнги нусхалар» (А.Қаҳҳор) ҳажвий пьеса шаклида, «Ёвуз ниятли кишилар» (А.Че-хов), «Судхўрнинг ўлими» (С.Айний), «Қабрдан товуш» (А.Қаҳҳор) ҳажвий ҳикоя шаклида, «Тўйи Иқон бачча» (Муқимий), «Ҳажви йикчи эшон» (Завкий) ҳажвий шеър-шаклида, «Бизнинг мулоҳазаларимиз» (А.Қаҳҳор) ҳажвий фелъетон шаклида ёзилган.

Ҳажвий асарларда воқеани бўрттириб тасвирлаш, муболаға ва фанга-зиядан кенг фойдаланиш характерли. Ҳ. жамият ҳаётидаги айрим иллатларни йўқотишга, камчиликларни туза-тишга, олдини олишга хизмат қилади (яна қ. *Сатира*).

ҲАЖЖОЖ ибн ЮСУФ, ал-Ҳаж жож ас-Сақафий (660, Тоиф — 714, Восит) — *умавийларнинг* Ҳижоз (692—694) ва Ироқдаги (694 й.дан) ноиби, хатиб. Тоифда дарс бериш билан шуғулланган, сўнгра Дамашқда халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг ноиби Рух ибн Зинбоънинг шахсий кўриқчилари бошлиғи. 691—692 й.ларда Маккада исён кўтарган

Аб-дуллоҳ ибн аз-Зубайрга қарши курашган умавийлар қўшини кўмон-дони. Халифа уни Ҳижоз, Яман, Ямома волийси этиб тайинлаган, кейинчалик унга Ироқни ҳам берган. Умавийларнинг сиёсий муҳо-лифларига нисбатан шафқатсизлиги билан шухрат қозongan. 700 й.да молия ва солиқ ислоҳоти ўтказган, Восит ш.га асос солган, Фурот ва Дажла дарёларининг куйи оқими бўйларидаги ботқоқликларни қури-тиб, қ.х. экинлари эктирган, суғориш каналларини қайта тиклаган. Бу тадбирлар нағижасида Умавийлар ҳокимияти мустаҳкамланган, Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда босқинчилик сиёсати олиб бориш имконияти туғилган. Босқинчилик юришлари Ҳ. ибн Ю. раҳбарлиги остида, унга тобе араб саркардалари томонидан олиб борилган (қ. *Кутайба ибн Муслим*). Араб ёзувида нукта ва ҳаракат белгилари қўйилиши жорий қилинишини Ҳ. ибн Ю. номи билан боғлайдилар.

Маҳфуза Алимова.

ҲАЖМ (математикада) — гео-метрик жисмларнинг сонли характеристикаларидан бири. У чекли сондаги бирлик кубларга ажратиш мумкин бўлган жисмлар учун шу кубларнинг сонига тенг. Қадимда призма шаклли тўсинлар, цилиндр, тўлик ҳамда кесик пирамида ва б.нинг Ҳ.ларини ҳисоблашни билишган. *Архимед* ихтиёрий юза ва Ҳ.ни аниқлаш мумкин бўлган умумий усулни топган. Архимед ғоялари *интеграл* ^сқсқобнинг асосини ташкил этган. У ўзининг усуллари ёрдамида кўҳна мат.да ўрганилган деярли ҳамма жисмларнинг юзалари ва Ҳ.ларини аниқлаган. Жисм Ҳ.ига математик жиҳатдан таъриф бериш ва уни ҳисоблаш формуласининг яратиш масаласи ясси фигура юзига доир муҳокамалардан фарқ қилади; хар қандай (ясси) фигурани тўғри чизиклар кесиб, уни квадратчаларга ажратиш мумкин, ammo ихтиёрий кўп ёқликда бу усул билан куб ҳосил қилиш мумкин эмас. *Евклид* уч ёкли пирамида Ҳ.ига таъриф

бериш ва уни ҳисоблаш учун пирамида-га чексиз ички призмалар чизиш усулини қўллаган. Уч ўлчамли жисмлар X и куйидаги хоссаларга эга: 1) номанфий; 2) аддитив, яъни умумий нуқтага эга бўлмаган P ва $\xi >$ жисмлар учун $\setminus(P)$ ва $U(\xi >)$ ҳажмлар аниқланган бўлса, бу жисмлар бирлашмасининг ҳажми, X лар йиғиндисига тенг:

$\setminus(P \wedge O) = \setminus(P) + \setminus(O)$; 3) ҳаракатга нисбатан инвариант: P ва $\xi >$ жисмлар учун ҳажмлар аниқланган бўлиб, улар конгруэнт бўлса, $U(P) = \setminus(O)$ бўлади; 4) бирлик кубнинг ҳажми бирга тенг.

Юқоридаги хоссалардан X нинг монотонлиги келиб чиқади: P ва $\xi >$ жисмлар учун $P \subset C?$ бўлса, у ҳолда $U(P) < U(O)$ муносабат бажарилади. Ўхшаш жисмларнинг ҳажмлари нис-бати ўхшашлик коэффициентининг кубига тенг.

Уч ўлчамли жисмнинг ҳажми тушунчаси ихтиёрий n ўлчамли евклид фазоси K нинг қисм тўплами учун умумлаштирилади. n ўлчамли X ни ҳисоблаш n карали интегрални ҳисоблашга келтирилади. E параллелепипед $a_1, a_2, a_3, \dots, a_n$ векторлардан ясалган бўлса, унинг ҳажми $\setminus(E) = L \text{ ёе! } \parallel d, a \parallel$ формуладан топилади (бу ерда илдиз остидаги ифода Грам детерминантининг мутлақ қийматига тенг). Ўлчов тушунчаси X тушунчасининг умумлашмасидир. Баъзи ҳолларда ҳажм ва ўлчов тушунчалари синоним сифатида ишлатилади.

ҲАЖМДОР ИП — табиий ва сунъий тўқимачилик толаларидан ҳажмийроқ ва чўзилувчанроқ қилиб бўшгина йиғирладиган (текстурланган) ип. Бир неча яқка толани қўшиб йиғириш йўли билан ҳосил қилинади. Оддий тўқимачилик ипидан момиқроқ структураси, катта со-лиштирма ҳажми, бурамадорлиги, эластик чўзилувчанлиги билан фарқ қилади. Ипларининг таркиби бўйича бир жинсли (мас, пахта, жун, ипак, вис-коза ва б.) ва аралаш (мас, зигир ацетат-лавсан, вискозани бураб йиғирилган) бўлиши мумкин. X и.дан ҳавони яхши ўтказадиган, ги-

гроско-пиклиги юқори, осонгина букла-нувчан газлама ва трикотажлар, пайпоқ, сунъий мўйна ва б. тайёрланади.

ҲАЖМИЙ АНАЛИЗ — аниклана-ётган модда концентрацияси (миқдори) ни унинг ҳажмига қараб аниқлашга асосланган миқдорий анализ усуллари мажмуи. Лаб. амалиётида қўлланадиган титриметрик анализ (вазний бюреткалардан фойдаланиладиган усулдан ташқари) ҳам X .а.га қиради. X .а.га, шунингдек, газ анализининг кўпгина усуллари кири-тиш мумкин. Чўкма ҳажмини ўлчашга асосланган X .а. методи ҳам бор, мас, чўяндаги олтин-гугурт миқдорини гра-дусларга бўлинган центрифугавий про-биркада ҳосил бўлган барий сульфат ҳажмига қараб аниқлаш мумкин. Ультра-микрометрвий анализда ҳосил бўлган чўкма (тор-тиб кўриш кийин ёки иложи бўлмаган жуда кичик миқдордаги модда) ҳаж-мига қараб аникланади.

ҲАЗИНИЙ ХЎҚАНДИЙ (тахаллу-си; асл номи Зиёвуддинхон Кат-тахожо ўғли Ҳазиний тўра) (1867 — Қўқон яқинидаги Катта Кена-гас қишлоғи — 1923) — шоир ва шайх. Қўқондаги Жо-меъ мадрасасида таҳсил олган. Қуръон, тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, адабиёт илмларини чуқур ўзлаштирган. Тасаввуф таълимоти билан изчил шуғулланган. 30 ёшида муршидидан иршод (та-риқат раҳнамолигига руҳсат) олиб, «Ҳазиний тўра» ва «Эшонбува» номлари билан халқ орасида эъзозланган, уз даврининг етук кодирия тарикати шайхи сифатида эътироф этилган ва «Муршиди Фарғона» номига мушарраф — валий зот бўлиб танилган. Деҳқончилик билан кун ке-чирган. Боғлар барпо қилган, бинолар қурдирган. Қабри ўз қишлоғи-да. Бу қабр — макбара ва унинг атрофидаги обида-лар меъморий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

19-а. 2-ярми ва 20-а. бошларида кўчирилган кўплаб қўлёзма баёзлар ва мажмуалардан X .Х. шеърлари ўрин

олган. 1910—15 й.ларда Тошкентнинг Орифжонов, Порцев ва Лахтин матбааларида «Баёзи Ҳазиний» тўпламлари бир неча бор нашр этилган.

Ҳ.Х. мумтоз шеърят жанрларидан ғазал, мураббаъ, мухаммас ва мусаддаслар ёзган. Адабий мероси 4.000 мисра атрофида. Шоир асарларини ғоявий мавзуи бой. Унинг тасаввуф руҳидаги асарларида соф сўфиёна маъно ва мазмун тараннум этилса, ахлоқий мавзудаги битикларида поклик, одабийлик, саҳоватпешалик каби юксак инсоний фазилатлар улуғланган.

Ҳ.Х.нинг ўндан ортик ғазалларига мухаммас боғланган ва назиралар қилинган.

«Баёзи Ҳазиний»нинг тошбосма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 12665, 14850, 15197). Фарғона ш.да уй-музейи ташкил қилинган, Ҳ.Х. номида жамоа хўжалиги, боғ, мактаб, кутубхоналар бор.

Ас: Тасаддуқ, ё Расулulloҳ [Шеърлар], Т., 1992; Девон, Т., 1999.

ЛЛ.Жўрабоев в О.Р., Ҳазиний Хўкашши ҳаёти ва ижодий мероси, Т., 2003.

Отабек Жўрабоев.

ҲАЗИРА (араб.) — 1) атрофи ихоталанган жой; қабристондаги хилхона (бирор уруғ-авлод, оила, маҳалланинг ўзига тегишли одамни дафн этилиши учун махсус ажратиладиган жой); 2) бир неча одам кўмилган турбат тағхонаси. Мас: *Амир Темури мақ-барасидат* Ҳ.

ҲАЗОРАЛАР — Афғонистон (1,7 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари) ва Эрон (220 минг киши)даги халқ. Эрон тиллари гуруҳига мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — шиа мусулмонлари. Ҳ.нинг асосини мўғул тилида сўзлашувчи кўчманчилар ташкил қилган, лекин уларнинг этногенезида туркий ва эроний кўчманчилар ҳам иштирок этган. Ҳ. Чингизхон давридан қолган мўғул аскарларининг авлодлари бўлса керак. 19-а. охирида афғон амири Аб-дурахмон кўчманчи афғонлар (пуш-тунлар) ёрда-

мида Ҳазоражатни эгал-лаб олган ва бу ерни уларга ёзги яй-лов қилиб берган. Асосий машғулот — дехқончилик, чорвачилик ва хунар-мандчилик.

ҲАЗОРАСП — *Ҳазорасп туманидаги* шаҳарча, туман маркази. Хоразм вилоятининг шарқида, Тошкент — Урганч автомагистрали ва т.й. ёқасида жойлашган. Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Урганч ш.) дан 56 км жан.-шарқ-да. Аҳолиси 16,7 минг киши (2005). Ҳ. худудидан ўтган Ҳазорасп, Ҳассаёп, Оталиқ, Сипои канал ва ариқларидан сув олади.

Ҳ. *Хива билан* бирга Хоразм воҳасининг энг қад. қалъа ва аҳоли манзилларидан биридир. Ҳ. номининг келиб чиқиши тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Тарихчи, тилшунос ва топонимист олимлар (Я. Ғуломов, С.П.Толстов, Ф.Абдуллаев, О. Мадрахимов ва б.)нинг таъкидлашича, «Ҳазорасп» қад. хоразмий тилида минг от (ҳазор — минг, асп — от) ёки минг отлик диёри маъносини билдиради. Ўтмишда муаррихлар уни «Қалъаи Сулаймон» деб ҳам атаганлар. Тарихчи олим М. Исоқов тахминига кўра, «Ҳазорасп» атамаси «Атураспенд» — «Мукаддас олов манзили», «Оташгоҳ» маъносини билдиради. Шаҳар топонимияси ҳақида маҳаллий ривоят ва афсоналар ҳам мавжуд. Баёзи тарихий маълумотлардан маълум бўлишича, Ҳ. Хоразмнинг чеккасидаги ҳимоя истех-коми бўлиб, бу ерда мингга яқин отлик қўшин Хоразмни шарқдан келиши эҳтимол тутилган душмандан муҳофаза этган. Шаҳарда Рашидуддин Вафот, Минглисулвоним, Жавҳарий, Саккокий, Ҳусайн Хоразмий, Жаъфар Ҳазораспий, Ҳаёлий, Уми-дий, Искандар Маҳмуд каби буюк сий-молар, шоир, олим ва табиблар етишиб чиққан.

Археологик казишмалар натижасида Ҳ.нинг ву-жудга келиши илк антик даврларга оидлиги аниқланди.

Кейинги даврда Ўзбекистон ФАнинг Самарқанд, Нукус ва Хоразм регионал археология бўлимларининг 1996—2005

й.ларда ўтказган қазिश ишлари нагнжасида шаҳарнинг 2700 й. аввал бунёд бўлганлиги тўғрисида материаллартопилди. Шаҳар тўғрисида илк ёзма маълумотлар 9—10-а. Эрон тарихчиси ва филологи *Табарий*, 10-а. тарихчи ва географлари *Истахрий* ва *Муқадда*-сийларнинг асарларида учрайди. Сайёҳ географ, адиб ва тарихчи *Ёқут Ҳамавий*нинг ёзишича, Ҳ. мустаҳкам қаль-али катта шаҳар бўлган. Шаҳар ер юзасига чикиб қолган табиий грунт суви ҳалқаси билан ўралган. Қальга фақат биригина ғарб томондаги махсус йўл олиб борган. *Хондамир* ва *Мирхонд*, Абулғозий Баходирхон, Мунис, Ога-ҳийлар асарларида Ҳ.нинг тарихига оид кўп маълумотлар берилган. Ҳ. тўғрисида сайёҳ, шарқшунос *А.Вамбери* ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. 19-а. охирида шаҳарда 8 масжид, мадраса, мактабхоналар фаолият кўрсатган.

Ҳ.да 50 дан зиёд корхона ва ташкилот, шу жумладан, пахта тозалаш, гишт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, таъмирлаш устахоналари, маҳаллий саноат корхоналари, тўқимачилик, палос ф-калари бор. Ўзбекистон — Германия «Унихо» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. Бутун Қуйи Амударё регионида машҳур бўлган «Қо-зоқбозор» деб аталувчи бозор мавжуд. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар ишлаб турибди. Шунингдек, савдо, маданий ва маи-ший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори бор. 4 умумий таълим мактаби, иқтидорли болалар лицейи, қ.х., иқтисодиёт, тиббиёт, пед. касб-хунар коллежлари ва б. ўқув муасса-салари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ваунинг тармоқлари, маданият уйи, клуб муассасалари, хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғи, «Истиклол» стадиони, спорт заллари, футбол майдонлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Каратэ ва тэквондо спорт клублари фаолият кўрсатади.

Туман марказий касалхонаси, кат-

талар ва болалар поликлиникалари, шошилич тиббий ёрдам бўлими, туғруқхона, хусусий поликлиника, касалхона, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Ҳ.дан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Денов ва б. шаҳарларга, Хоразмнинг бошқа туманларига, қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Беруний ш.ларига автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган. шаҳарда тарихий ва меъморий ёдгорликлардан қалма қолдиқлари (мил. ав. 7—6-алар), Жума масжиди (18-а.) ва б. сақланиб қолган.

Ж.Маньковская Л., Булатова В. Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978 Қурбонниёзов Р., Хоразм географияси Урганч, 1996; Нуржа нов К. ва бошқалар, Ҳазорасп тарихи, Урганч, 1998; «Древности Южного Хорезма» (ХАЭЭ-ХУ1), М., 1992.

ҲАЗОРАСП ТУМАНИ - *Хоразм вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Жан.дан Туркменистон, жан.-шарқдан Бухоро вилояти, шим.дан Қорақалпоғистон Республикаси, ғарбдан Боғот тумани билан чегарадош. Майд. 2,06 минг км². Аҳолиси 188,5 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Питнак), 1 шаҳарча (Ҳазо-расп), 11 кишлоқ фуқаролари йиғини (Бешта, Бўстон, Карвак, Ов-шар, Пичокчи, Саноат, Юқори муҳамон, Питнак, Саримой, Тупроққалъа, Янгибозор). Маркази — *Ҳазорасп* шаҳарчаси.

Табиати. Ҳ.т. Хоразм воҳасининг жан.-шарқи ва Қизилқум чўлида жойлашган. Ер юзаси пасттекислик, шарқдан ғарбга бир оз қия. Ургача бал. 150—200 м. Туман ғарбий қисмининг шим. чеккаси ва шарқий қисмининг жануби Амударё террасаларидан иборат. Жан. чегараси Қорақум чўлига туташ. Бу ерларда чўл рельефига хос кум тепалари, қолдик қўллар (Ҳажжалиқўл, Шўркўл, Кепак, Узункўл, Қурванак ва б.) бор. Питнак атрофида қирлар жойлашган. Туманнинг шарқий қисмини Қизилқум чўли эгал-

лаган. Иқлими кескин континентал, янв. нинг ўртача т-раси — 4,1°, энг паст т-ра — 32°. июлники 27°, энг юқори т-ра 44°. Йиллик ёғин 100—110 мм. Вегетация даври тахм. 200—210 кун. Туманнинг шим. ва жан. дан Амударё оқиб ўтади. Туман экинзорлари Амударёдан сув оладиган Тошсоқа, Ҳазорасп каналлари ва бу каналлардан чиқарилган Пит-накарна, Янгиёп, Ҳассаёп, Картиби-чар, Овшарёп, Муҳамонёп ва б. ариқлардан сугорилади. Тупроқлари аллювиал ўтлоки, ботқоқ ва шўрхорлардан иборат. Сизот сувлари 1—3 м чуқурлик-да, қиш ва баҳорда ер юзасига кўтарилди ва натижада тупроқ юза қатламида туз тўпланади. Қиш ва баҳорда тупроқ ювилиб оқава сувлар туманнинг жанлан ўтган Каттакўл коллекторига бориб тушади. Туман жан. да Амударёда Ўзбекистонда энг йирик *Тўямў-ийн сув олбори* қурилган. Ёввойи ўсимликлардан саксовул, рўвак, туранғил, тол, терак, жийда, буғдойик, ажриқ, шувок, семизўт, шўра, окбош, юлғун, янтоқ, қамиш, кўға, якан ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, куён, тулки, бўрсиқ, нутрия, юмрон-козиқ, ондатра, калтақесаклар, илонлар; қушлардан тустовуқ, биркозон, ўрдак, ғоз ва б. учрайди. Туманнинг энг жан. да, Амударё бўйида Қизилқум давлат кўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, татар, козок, корейс, рус, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўргача аҳоли зичлиги 1 км² га 91,5 киши. Шаҳар аҳолиси 32,9 минг киши, қишлоқ аҳолиси 155,6 минг киши.

Хўжалиги. Туман иқтисодиётида к.х. етакчи ўринда. Пахтачилик, ғал-лачилик (шу жумладан, шолитчилик) ривожланган. Чорвачилик, пил-лачилик, боғдорчилик, полизчилик ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳ.т.да дехкон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туманда жами экин майд. 26,3 минг гектарга яқин, шундан, 11,3 минг га ерга пахта, 11,7 минг га ерга дон, 71 га ерга картошка, 752 га ерга сабзавот, шунингдек, озуқа экинла-

ри ҳам экилади (2004). Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликлариди 51,2 мингдан зиёд қорамол (шу жумладан, 23,8 мингдан зиёд сизир), 39,5 мингга яқин қўй ва эчки, 100,8 минг парранда боқилади. Пахта тозалаш, гишт з-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, таъмирлаш устахоналари, маҳаллий саноат қорхоналари, тўқимачилик, палос ф-калари ва б. бор. Бутун Хоразм воҳаси ва ундан ташқарида Ҳазорасп шаҳарчасидаги «Қозоқбозор» машҳурдир. Тумандаги фаолият кўрсатаётган жами 1200 дан зиёд қорхона ва ташкилотдан 105 таси йирик, 14 таси ўрта, 76 таси кичик қорхона, 1034 таси микрофирмадир. Қўшма қорхоналардан Ўзбекистон — Германия «Унихо», Ўзбекистон — Туркия «Хо-размшакар» қорхоналари фаолият кўрсатади. Туман худудида Амударё устига халқаро аҳамиятдаги кўприк қурилган. Кўприқдан суткасига 14 поезд, 1000 та автомобиль ўтиши мўлжалланган.

49 умумий таълим, болалар мусика ва спорт мактаблари, Ҳазорасп тиббиёт, к.х., иқтисодиёт, пед. касб-хунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси ва унинг 47 та тармоғи, 35 клуб муассасаси, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, 2 стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. 660 ўринли 4 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), поликлиника, дорихоналар, 1 участка касалхонаси, 5 қишлоқ амбулаторияси, 12 қишлоқ врачлик, 16 фельд-шер-акушерлик пунктлари, 14 тиш даволаш поликлиника пункти ва б. тиббий муассасаларда 421 врач (ҳар 10 минг кишига 22,6 врач), шунингдек, 1850 ўрта тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсатади. Ҳ.т. худудидан Урганч — Тошкент т.й. ва автомагист-рали ўтади. Туман марказидан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Денов ва б. шаҳарларга, Урганч ш. ва Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл, Беруний ш. ларига автобус ва маршрутли таксилар

қатнайди. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Ҳазорасп қалъаси (мил. ав. 7—6- а.лар), Хумбузте-па, «Сартарош», Учўчоқ, Дошқалъа, Жума масжиди (18-а.), Шайх Ҳусайн-ин бобо мақбараси (19-а.) ва б. сақланган. 1935 й. 21 майдан «Ҳазорасп-нома» газ. чоп этилади.

Комил Нуржонов.

ҲАЗОРАСПИЙ, Жаъфархўжа ибн Насриддинхўжа ал-Ху-сайний ал-Карвакий (18-а. охири — 19-а.нинг 1-ярми, Ҳазорасп ш.) — шифокор-табиб, олим. Ҳазорасп ш. яқинидаги Карвак қишлоғида табиб оиласида туғилган. Ҳазорасп, Хива ва Бухоро мадрасаларида ўқиб, мудар-рис бўлиб етишган. Ибн Сино, Абу Бакр арРозий, Ибн Хаммор, Абулғозий Баҳо-дирхон асарларини ўрганиб, табибликни эгаллаган. «Алтабобат ул-мажмуа» («Табобат масалалари тўплами») асари муаллифи. Асарнинг турли вақтларда кўчирилган нусхалари Хива, Тошкент, Истанбул, Британия (Лон-дон) музей қўлёзмалар фондида сақланади. Асарда қон томирлари ва бош мия тузилиши, ташхис қўйишнинг бир неча турлари, овқатланиш меъёри, пархез, доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланиш йўллари баён этилган. Наслдан-наслга ўтувчи сурун-кали сарамас касаллиги, жигар ва ошқозон ости безларининг яллиғланиши каби хасталикларни даволаш усуллари кўрсатиб берилган. У бепуштлиқ, аёллар жинсий аъзоларидаги касалликларнинг пайдо бўлиши ва уларни даволаш усуллари тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар берган. Ҳ. Ҳазорасп туманининг Карвак қишлоғидаги Шайх Ҳусайн бобо қабристонига дафн қилинган.

Ад.: Абдуллаев А., Очерки истории развития медицины в Хорезме. Т., 1980; Дўсчанов Б.. Ҳазорасп тарихи. Урганч. 1998.

ҲАЗОРБОҒ — Сурхондарё вилоятидаги канал. *Тўполондарёишнт* ўнг сохилидан бошланади. 1929—38-й.лар-

да қурилган. Илгариги уз. 36,5 км, сув ўтказиш имконияти 18 м³/с. Кейинги реконст-рукциялар (1953—1967) натижасида каналнинг сув ўтказиш имконияти 70 м³/с гача оширилди; уз. 56 км га етказилди. 3-км да бош гидроузели бор. Канал камсув Тўполондарё, Сангардак, Хўжаипок дарёларини бирлаштиради. Ҳ. трассаси жан.-ғарбий йўналишда кўп майда ариklarни кесиб ўтади. Денов ва Шўрчи туманларидаги 40 минг га га яқин экин майдонларини суғоради. Ҳ. Дефез сув омбори (сиғими 12,8 млн. м³)га сув беради.

ҲАЗРАТИ БАШИР ОТА МАСЖИДИ — Шахрисабздаги меъморий ёдгорлик (15-а. 2-ярми); Улуғбекнинг дўсти олим Башир ота (Саид Аҳмад, вафоти 1461—62) номи билан боғлиқ. Масжид катта хонақоҳ ва мақбарадан иборат. Башир ота қабри устидаги сағана сақланган. Сағана 2 поғонали асос устига ўрнатилган, ўйма нақшлар билан безатилган. 18-а.да унинг устига синчли, деворлари лой сувокти, 4 та ёғоч устунга ўрнатилган шифти ясси тоқили масжид қурилган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ - к. *Қафқол Шоший*.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИ, Ҳастимом — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (16—20-а.лар); мажмуа имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил *гш-Қафқол Шоший* қабри атрофида шаклланган. Қабр ва унинг атрофида вужудга келган қабристон ва меъморий ёдгорлик мажмуаси Ҳазрати имом номи билан аталади. Дастлаб *Бароқхон мадрасаси*, кейинроқ *Қафқол Шоший мақбараси*, 16-а. охирларида Суюнчхўжахон ва номаълум мақбара, 1579 й.да Абдуллахон II маблағига қўш услубида Шайх бобохожи мақбараси қурилган (сақлан-маган). 16-а. да мажмуа таркибида сайроғоҳ боғ барпо этилган, айвонлар қурилган, ҳовуз атрофи кўкаламзорлаштирилган, халқ сайил-

лари ўтказилган. 19-а. ўрталарида Тошкент намозгоҳи (Тиллашайх масжиди), Мўйи Муборак мадрасаси, Жоме масжиди (сақланмаган) бунёд этилган. 20-а. бошларида Тиллашайх масжиди қайта қурилган. *Эшон Бобоҳон* ҳам шу жойда дафн этилган. Ҳ.и.м.да Ўзбекистон муслмонлари идораси жойлашган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЙИН (МУИН) МАЖМУАСИ — Қашқадарёдаги меъморий ёдгорлик (11 — 19-а.лар). Ҳазрати Имом Майин мақбараси атрофида бунёд этилган. Мақбара олди айвонли, нақшинкор 6 устунга таянган. Мажмуа девор билан ўралган кичик (ташқи) ва катта ҳовлидаги турли даврларда қурилган бинолардан ташкил топган. 11 — 14-а.ларда мақбара (тарҳи 5x5 м), зиёратхона ва масжид (7x7 м) қурилган, мақбара ҳовлисида мурабба тарҳли (10x10 м) ҳовуз бор, ҳовузнинг шаркида қудуқ мавжуд. Мақбара 16 қиррали кулоҳий гумбаз билан ёпилган, ёғоч сағана ўйма нақшлар билан зийнатланган. Масжид гумбазли хонақоҳ ва 2 томонли айвондан иборат, айвон шифти ва устунлари нақшлар билан безатилган; масжид ёнида чиллахона жойлашган. 19—20-а.ларда хонақоҳга туташ 2 хона қурилган. 2004 й.да таъмирланган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАҚБАРАСИ -Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (14-а.). *Дорус-сиёдат* меъморий ёдгорлиги таркибидаги Жаҳонгир Мирзо мақбараси Ҳ.И.м. номи билан машҳур. Дастлаб сардоба, кейинроқ устига тўртбурчак тарҳли зиёратхона тикланган, ташқи томонда кичик пештоқ ҳам бўлган. Ҳ.И.м. янги мадраса пеш-тоғи бағрида қолиб кетган, мақбара қаддини ростлаш учун зиёратхона тепаси қўшимча девор орқали анча баланд кўтарилган ва устига янги кулоҳсимон чўкки гумбаз ўрнатилган. Археологик тадқиқотлар вақтида мақбарадан 3 та жасад топилган. Шаррафуддин али Яздий «За-фарнома»сида Кешда яшаган Бухоро ва Самарқандлик

машҳур имомлар орасида Ҳазрати Имом номи билан машҳур Абу Муҳаммад ал-Қашшийни тилга олган. Амир Темуражодлари хилхонаси яқинида шу имомнинг қабри бўлган (лекин қабр сақланмаган). Ҳазрати Имом номи янги бунёд этилган олий мадраса — Дор уссиёдат қолдиқларида кўчиб қолган.

ҲАЗРАТИ СУЛТОН МАҚБАРАСИ -Қашқадарё вилоятидаги меъморий ёдгорлик (12~13-а.лар). Мақбаранинг қад. қисми узун гўрхона бўлиб, кенг равоқли йўлак орқали гумбазли зиё-ратхонага ўтилади. Зиёратхонага 3 та гўрхона туташ. Мақбара 16—18-а.ларда қайта тикланган.

ҲАЗРАТИ СУЛТОН ЧЎҚҚИСИ -Сурхондарё вилоятидаги чўкки, бал. 4688 м. Ҳисор тизмаси сувайирғич қисмининг жануброғида. *Киштут* дарёсининг бошланиш қисмида жойлашган. Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси. Атрофидаги ҳудудлардан тик қурумли қоялар ҳосил қилиб кўтарилган. Ёнидан оқиб ўтувчи ва шу ҳудуддан бошланувчи дарёлар ҳавзасида абадий қор ва музликлар мавжуд.

ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (19-а. ўрталари); афсонавий ўлмас шахс Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ. Бино *Шоҳизинда Ж* мажмуаси қаршисидаги тепалиқда жойлашган қад. масжид пойдевори устига қурилган (меҳробдаги ёзувга кўра 1855 й.). Масжид хонақоҳ, унинг 2 ёнида ҳужралар, қўшимча хоналар, омборхона, минорадан иборат; кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899), дарвозахона (1919) қурилган. Бош тарзидаги тик зинапоядан дарвозахонага чиқилади, ундан унча катта бўлмаган хонага кирилади. Дарвоза пештоқ-гумбазли, пештоқнинг 2 бурчагига куббаси қовурғали гулдаста-миноралар ишланган; пештоқнинг чап томонида равоқли, ўймақори безатилган 5 та ёғоч

устунли пешайвон жозибадор нақшлар билан серҳашам безатилган, кирма усулидаги ганч безаклар маҳорат билан ишланган. Пешайвондан баланд гумбаз билан ёпилган хонақоҳга утилади. Ташқариси пилтавор гумбаз 8 киррали пойгумбазга ўрнатилган, оралиғи муқарнаслар билан зийнатланган. Пештоқ ҳамда қафасали минора кошинкори безатилган, пештоқ пой-гумбазига равоқли дарчалар ишланган. Бино 20-а. 90-й.ларида қайта таъмирланди.

ҲАЗРАТИ ШАЙХ МАЖМУАСИ - к. *Шамсиддин кулол мақбараси.*

ҲАЗРАТИШОХ - Тожикистон Республикаси жан.даги тоғ тизмаси. Хат-лон вилоятида, Дарвоз тизмасининг ғарбий қисмига ёндош. Уз. 55 км. Конгломератлардан ташкил топган. Энг баланд жойи 4088 м. Ён бағирлари дашт ўсимликлари ва ярим ксеро-фил бутазорлар билан қопланган.

ҲАЗРАТҚУЛ БАХШИ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳазратқул Ҳудойбердиев) (1920, Қамаш тумани Қорақўтон қишлоғи) — Қамай дostonчилик мактабининг вакили. Душанба пед. ин-ти тарих-географик ф-тини тугатган (1958). Ёшлигидан халқ дostonларини куйлашга кизикқан. Репертуарида «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғли билан Юнуспари», «Авазхон», «Авазнинг арази», «Нурали ва Ойхумор», «Алпомиш» каби дostonлар бор. Ундан айрим сеҳрли фантастик эр-таклар («Мадҳия» номли), замонавий мавзуда дoston ва термалар ҳам ёзиб олинган, грампластинкага кўчирилган.

ҲАЗРАТҚУЛОВ Абдукарим (1895-1976) — шахрисабзлик кулол, кошинкор уста; устазода. Ҳунарни отаси уста Ҳазратқул ва амакиси уста Рус-там Эгамбердиевдан ўрганган; ғижду-вонлик уста Муроддан сопол буюмларга нақш ишлаш усулларини, меъ-морий кошинлар

тайёрлашни ўзлаштирган. Ҳ. Шахрисабз кулоллиги анъаналарини ўз ижодида давом эттирди: енгил гулли хошия билан ўралган йирик (2—6 та) айланаларда «ол-малардан туп (дарахт)» яратади; майин сариқ, оқ, яшил ранг туслари билан сополнинг табиий ранги уйғунлигида жўшқин, айни пайтда нафис тасвирлар ишлайди. Ифодалилик ҳамда шаф-фоф енгил окувчан бўёқлар устанинг ўзига хос услубини белгилайди. Ҳ. ишларидан намуналар республика музейларида сақланади.

ҲАЗРАТҚУЛОВ Муртазокул (1943.17.7 — Жиззах тумани — 2002.2.12) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Фарғона пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Жиззах туманидаги 10-мактаб, 1981—2002 й.ларда 16-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси, мактаб ўқув бўлими мудири.

ҲАЙБАР ДОВОНИ - Сафедкўх тизмасидаги доvon, Афғонистон билан Покистон чегарасида. Уз. 53 км, эни 15—130 м. Энг баланд жойи 1030 м. Т.й. (Покистон худудида) ва автомо-биль йўли ўтган.

ҲАЙБАТСОҚИ (1846 - хоз. Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти — 1906) — соқи. Ҳ. кўплаб дoston, тер-ма, кўшиқларни ёддан билган, дўмбирани турли усулларда черта билган ва жарангли овоз сохиби бўлган. Ҳ. машхур *Қундузсоқининг* шогирди сифатида анъанавий лақай соқиччилик мактабига хос бўлган «Гўрўғли» туркумидаги дostonлардан «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг Гур-жистонга бориб, Авазхонни олиб келиши», «Аҳмаднинг Гўрўғлига даъ-воси», «Гўрўғлининг қошига икки элчининг келиши», «Кўктемир сав-догарнинг Авазхонга дори бериши», «Гўрўғлининг Райхонараб билан уру-ши», «Гўрўғлининг Санам ва Гавҳар номли кизлари», «Авазхон ва қорақўз», «Авазнинг Гирдоб кўлига са-

фари», «Гулойимпари», «Нурали» каби дostonлар ва халқ кўшиқларини ижро этиб, ўзига хос мактаб яратган. Ҳ.нинг ўғли Тўласоқи (1886—1968) ҳам йирик гўрўғлихон сифатида мин-тақада шухрат қозонган.

ҲАЙВОНЛАР, хайвонот дунё-с и (АштаНа) — органик олам системасидаги йирик бўлимлардан бири. Ҳ.нинг бундан 1 — 1,5 млрд. йил илгари океан сувида микроскопик, хло-рофиллсиз амёбасимон хивчинлилар шаклида пайдо бўлганлиги тахмин қилинади. Ҳ.нинг энг қад. қазилма қолдиқлари ёши 0,8 млрд. йилдан ошмайди. Кўп хужайрали Ҳ. — *бўшлиқ-иччилар*, *чувалчанлар*, тубан *бўғим-оёқлиларнинг* дастлабки қолдиқлари сўнгги кембрий қатламларидан бошлаб (мил.дан 690—570 млн. йил ав.) учрайди. Кембрий даври бошларида (мил.дан 570—490 млн. йил ав.) ташки минерал скелетли (чиғанокли ёки хитинли) денгиз умуртқасизларининг кўпчилиги гуруҳлари (*трилобитлар*, *жабраоёқлар*, *моллюскалар*, *археоциатлар*) ривожланган. Кембрийнинг охирида ташки скелетга эга бўлган умуртқасизлар (*тўғарак оғизлиларнинг* қадимги аждодлари) келиб чиққан. Силурда (мил.дан 445—400 млн. йил ав.) Ҳ. ўсимликлар билан бир вақтда қуруқлик юзасини эгаллай бошлайди. Силурнинг кейинги даврида, дастлабки чаёнлар, девон охиридан бошлаб (мил.дан 400—345 млн. йил ав.) дастлабки қуруқликда яшовчи умуртқа-лилар — сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар ривожланган. Карбон даврида (мил.дан 345—280 млн. йил ав.) қуруқликда умуртқасизлардан хашаротлар, умуртқалилардан тубан тузилишга эга бўлган судралиб юрив-чилар ва сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар, Мезозойнинг триас, юра ва бўр даврларида (мил.дан 230—66 млн. йил ав.) судралиб юривчилар ҳукмронлик қилган. Триас ўрталарида (мил.дан 230—195 млн. йил ав.) ди-нозаврлар, бу давр охирида сут эми-зувчилар келиб чиққан.

Қушлар юра даврининг охиридан (мил.дан 195—136 млн. йил ав.) маълум. Бўр даврининг охирига келиб (мил.дан 136—66 млн. йил ав.) кўпчилик денгиз умуртқасизлари, денгиз ва қуруқликда яшовчи судралиб юривчилар, жумладан. динозаврлар қирилиб кетади; улар ўрнини қушлар ва сут эмизув-чилар эгаллайди.

Ҳ. — гетеротроф организмлар, яъни улар тайёр органик моддалар билан озиқланади. Ҳ.да метаболизм фаол кечиши туфайли уларнинг ўсиши чекланган. Эволюция жараёнида ҳар хил органлар функционал системаси: мус-қул, айириш, нафас олиш, қон айланиш, жинсий ва нерв системаларининг шаклланиши Ҳ. учун хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Ҳайвонлар хужайраси қаттиқ цел-люлоза қобикнинг бўлиши билан ўсимликлардан фарқ қилади. Бироқ Ҳ. билан ўсимликлар ўртасидаги фарқ нисбий. Мас, бир хужайрали хайвонларнинг мускул, нерв ва б. системалари бўлмайди; кўп хужайрали хайвонлар орасида ҳам ўтрок яшайдиганлари кўп (мас, ғовактанлилар, бўшлиқичлилар, мшанкалар, асцидиялар, кўп тукли чувалчанлар). Айрим организмларни озиқланиш усули (фотосинтез) ва ҳаракатланишига биноан бир вақтнинг ўзида Ҳ.га ҳам, ўсимликларга ҳам киритиш мумкин (мас, эвгена-симонлар, вольвоклар ва б.). Ҳ. билан ўсимликлар ўртасида кескин чегаранинг бўлмаслиги уларнинг келиб чиқишидаги умумийлик билан боғлиқ. Ҳ. ва ўсимликларнинг хужайралардан тузилганлиги, улар танасида борадиган моддалар алмашинуви жараёнининг умумийлиги, ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятларининг ўхшашлиги ва б. ана шундан далолат беради.

Ҳ. хужайравий тузилишга биноан бир хужайра ва кўп хужайралиларга ажратилади. Бир хужайралиларда битта хужайранинг ўзи тирик организм учун хос бўлган деярли барча хусусиятларга эга. Тубан кўп хужайралилар — пластин-

касимонлар танаси бир неча функцияни (ҳаракатланиш, қоплаш, озикланиш) бажарадиган, кам ихтисослашган хужайралардан иборат. Фовактанлилар, бўшлиқичлилар, тароқлилар танаси 2 қават (эктодерма ва энтодерма) бўлиб жойлашган нис-батан ихтисослашган хужайралардан иборат, лекин тўқима ва хақиқий органлар шаклланмаган; бирмунча мураккаб тузилган. Ҳ. тўқима ва органлари онтогенезда 3 та муртак варақлари (эктодерма, энтодерма ва мезо-дерма) ҳисобидан ҳосил бўлади. Мас, эктодермадан нерв системаси, сезги органлари, тери ва унинг ҳосилалари; энтодермадан ичак, нафас органлари, секретция безлари; мезодермадан суяк, мускул, қон айланиш, айириш системаси органлари шаклланади.

3 қаватли Ҳ. бирламчи оғизлилар (ҳалқали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқдилар) ва иккиламчи оғиз-лилар (игнатаналилар, хордалилар)га ажратилади. Анъанага кўра барча Ҳ. умуртқасизлар (кўпчилик Ҳ.) ва умуртқалилар (хордалилар)га бўлинади. Тузилиши ва ўзаро филогенетик боғланишига биноан ҳайвонот дунёси кенжа дунё, тип, синф ва б. таксонларга ажратилади. Одатда, ҳайвонот дунёси 16—25 (баъзан 10—33 та) типга ажратилади. Айниқса тубан тузилган умуртқасизларни системага солишда кўп чалқашликлар мавжуд. Мас, 20-а.нинг 60-й.ларигача бир хужайралилар фақат битта тип сифатида ўрганилган бўлса, ҳоз. даврда бир неча (5—7 та) типга ажратилади. Барча кўп хужайралилар типлари (қ. *Tun*) битта кўп хужайралилар кенжа дунёсига, бир хужайралилар эса бир хужайралилар кенжа дунёсига киритилади. Ҳ.нинг 1,5 млн. (бошқа маълумотларга кўра 3—4,5 млн.) тури маълум. Ер юзида Ҳ. яхши ўрганилмаган. Ҳар йили тўғарак чувалчанглар, ҳашаротлардан юзлаб янги турлар кўрсатиб берилмоқда. Аниқланган Ҳ.нинг $\frac{2}{3}$ қисмини ҳашаротлар ташкил этади.

Табиатда ва одам ҳаётида Ҳ. катта

аҳамиятга эга. Ҳ. — барча экосистемаларда озикланиш занжирининг асосий таркибий қисми. Ҳ. ўсимликлар билан озикланиб, ўзлаштирган моддаларининг яна тупроққа қайтарилишига, бинобарин ўсимликларнинг ўсишига имкон беради. Ўсимлик ва Ҳ. қолдиги билан озикланадиган Ҳ. Ер юзини органик қолдиқлардан тозалаб, табиий санитарлик вазифасини бажаради. Йиртқич Ҳ. табиатда зараркунанда Ҳ.нинг сонини чеклаб туришга ёрдам беради. Ҳ. одам ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга. Улардан бир қанча турлари овланади; уй ҳайвонлари гўшт, сут, жун, тери ва бошқа к.х. маҳсулотлари олиш мақсадида ва транспорт воситаси сифатида боқилади. Ҳ. орасида қ. х., одам ва Ҳ.га зиён келтирадиган паразит турлари ҳам кўп. Одам фаолиятининг табиатга таъсири тобора кучайиб бориши бир хил турлар сонининг кескин қисқариб кетишига олиб келди. Айрим маълумотларга кўра ҳоз. даврда ҳар куни Ҳ.нинг битта тури йўқолиб бормоқда. Ҳ.ни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш мақса-дида деярли барча мамлакатларда қонунлар қабул қилинган; махсус кўриқхоналар ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 184 ҳайвон тури киритилган.

Ад.: Жизньживотных, т. 1—6, М., 1968—1971; Мавлонов О., Хуррамов Ш., Умуртқасизлар зоологияси, Т., 1998.

Очил Мавлонов.

ҲАЙВОНЛАР ЁҒИ — баъзи ҳайвонларнинг ёғ тўқималаридан ёки сутидан олинадиган маҳсулот. Мол, кўй ёғи ва б. Ҳ.ё. озик-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Мас, сигир сутидан олинadиган ёғдан сариёғ тайёрланади. Денгизларда яшайдиган сут эми-зувчилар ва балиқлар ёғи тиббиёт-да, атир-упа сано-атида, маргарин и.ч.да ва б. мақсадларда қўлланади (Қ. Ёғ).

ҲАЙВОНЛАР МИГРАЦИЯСИ (лот. *gallop* — кўчиш, кўчиб ўтиш) — бир-биридан узокда жойлашган ва ўзаро

кескин фарқ қиладиган яшаш муҳитлари ўртасида ҳайвонларнинг қонуний кўчиб юриши. Ҳ.м. яшаш жойида муҳит шароитининг ўзгариши ёки ривожланишнинг ҳар хил даврларида ҳайвоннинг яшаш муҳити шароитига талабининг ўзгариши (онтогенетик миграция) билан боғлиқ. Ҳайвон яшайдиган жойда яшаш шароитининг ўзгариши таъсирида содир бўладиган Ҳ.м. даврий (мавсумий, суткалик) ёки нодаврий бўлиши мумкин. Ҳайвонлар, одатда, аждодлари ўтган йўл орқали миграция қилади.

Даврий (циклик) миграция ҳар хил: вертикал (сут эмизувчилар, қушлар ва ҳашаротларнинг тоғнинг вертикал минтақалари бўйича, умуртка-сизларнинг тупроқ ва сув қатламлари бўйича миграцияси), анадром (ўткинчи балиқларнинг денгизлардан дарёларга ўтиши), катадром (ўткинчи балиқларнинг дарёлардан денгизларга ўтиши) хилларга ажратилади. Денгиз тошбақалари ва сут эмизувчиларининг океанларда, туёқли, йиртқич ва кемирувчи сут эмизувчиларнинг қуруқликда, кўпчилик қушлар, кўршапа-лаклар ва ҳашаротларнинг ҳаво орқали миграциясини ҳам даврий дейиш мумкин.

Даврий бўлмаган, яъни спорадик миграция — ўтроқ яшовчи ҳайвонлар (олмахонлар, лемминглар ва б.) яшаш муҳитининг ёмонлашуви (қурғоқчилик, ёнғин, тошқин ва б.), индивидлар сонининг ошиб кетиши натижасида содир бўладиган оммавий кўчи-ши. Бу хилдаги миграция тартибсиз содир бўлади ва кўп ҳолларда ҳайвонларнинг яппи қирилиб кетишига олиб келади.

Онтогенетик миграция — ривожланишнинг ҳар хил даврларида ҳайвонларнинг яшаш муҳити шароитига талабининг ўзгариши билан боғлиқ. Бундай миграция личинкалик (ўтроқ яшовчи асцидиялар, коралл полиплар, ғовактанлилар, қалқондорлар ва б.) ёки жинсий вояга етган даврда содир бўлиши мумкин. Фаол миграция қилиш учун ҳайвонлар вақт ва йўналишни биологик

сезиш қобилиятига эга бўлиши керак (қ. *Бионавигация*). Миграция ҳайвонларни тамғалаш ва эксперимент орқали ўрганилади.

ҲАЙВОНЛАР МОРФОЛОГИЯСИ (лот. тогрпе — шакл ва ...логия) — ҳайвонлар организми шакли ва гузилишининг хусусий (*онтогенез*) ва тарихий (*филогенез*) ривожланиши тўғрисидаги таълимот (қ. *Ҳайвонлар солиштирма анатомияси, Гистология, Цитология, Эмбриология*).

ҲАЙВОНЛАР ОРИЕНТАЦИЯСИ (франц. ориеШажюп — шарқ томонга йўналиш), б и о о р и е н т а ц и я, мўлжал олиш — ҳайвонларнинг ўз мавқеи ёки ўрнини фазода, ўз тури индивидлари ёки бошқа турлар ўртасида аниқлаш қобилияти. Ҳ.о. — ташқи муҳит тўғрисида рецептор системаси орқали ахборот олиш, уни марказий нерв системасида қайта ишлаш, солиштириш ва жавоб реакциясини шакллантиришни ўз ичига оладиган мураккаб жараён. Сигналларни қабул қилиш ва қайта ишлаш образни таниб олиш ва сигнал манбаи ҳолатини аниқлашдан иборат. Ориентация усуллари — муайян экологик шароитга нисбатан морфофи-зиологик мослашиш натижаси. Оптик ориентация фоторецепторлар билан боғлиқ. Кўпчилик ҳашаротлар қутбланадиган ёруғликни, айримлари ультраби-нафша нурларни қабул қилади. Қушлар ва сут эмизувчилар ердаги объектларга, шунингдек, Қуёш, Ой ва юлдузлар ҳолатига қараб мўлжал олиш қобилиятига эга. «Уй инстинкти» ландшафт хусусиятлари ва *бионавигация* механизмлари билан боғлиқ. Кўпчилик ҳайвонлар озиқ қидириш, ўз жуфтини топиш, *миграция* ва тарқалишда хид ёрдамида мўлжал олади. Айрим капалаклар (то-вускўз. пилла ўровчилар) эркаги урғочисини 10 км масофадан топади.

Акустик ориентация — кўриш чекланган сув муҳити ва қалин ўтлар ўсган биотоплар учун қулай. Кўпчилик

йиртқичлар ўз ўлжасини товуш орқали топади. Бойўгли шитир-лаган овоз ёрдамида ўз ўлжасининг ўрнини 15—20 м масофадан Г аникликгача билади (пассив локация). Кўршапалак ва дельфинлар эколокациядан фойдаланади.

Терморцепция — иссиқ нурланишни қабул қилиш хусусияти инлардаги кемирувчиларни овлайдиган, тумшугида ҳаво ҳароратининг мингдан бир градусгача ўзгаришини сезадиган махсус боғиқ орган — терморцептор бўлган қалқонтумшук ва бўғма илонлар учун ҳос.

Кўпчилик тубан умуртқасизлар (мас, планариялар), ҳашаротлар (пашшалар, қўнғизлар, термитлар), эҳтимол қушлар ва сувда яшовчи сут эмизувчилар Ер магнит майдониға қараб мўлжал олади. Балиқлар ён чизиклар ёрдамида сув оқимиға қараб, электр органлари ёрдамида электр майдониға қараб мўлжал олади.

Ҳ.о. — ҳар хил алоқа воситалари орқали олинган ахборотларни солиштириш натижаси, яъни интеграл реакция. Бу жараёнда вазиятға қараб у ёки бу рецептор система асосий аҳамиятға эға бўлиши мумкин. Бундай механизм мўлжал олишининг аниқлигини, унинг мосланувчанлик хусусиятини оширади. Ҳайвоннинг ориентацион хатти-ҳаракатиға популяция, пода, гала ёки колониядаги бошқа индивидлар томонидан тегишли тузатиш киритилади. Миграцияда, қўпайиш ёки ёш индивидларнинг ўсиши даврида Ҳайвонларнинг гуруҳ бўлиб яшашининг афзалликлари ҳам ана шундан иборат.

ҲАЙВОНЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

-қ. Зоопсихология.

ҲАЙВОНЛАР СИСТЕМАТИКАСИ

-систематикаикт бир бўлими. Ҳ.с. ни илк бор Аристотель (мил. ав. 4-а.) ишлаб чиққан. У Ҳайвонларнинг 252 формасиға тавсиф бериб, уларни 2 та қатта гуруҳ: конлилар (ҳоз. умуртқалилар) ва консизлар (ҳоз. умуртқасизлар)ға ва 8 та

кичик гуруҳларға ажратган. Аристотелдан сўнг 2 минг йил давомида Ҳ.с.да деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Фақат инглиз биолоғи Ж.Рей (1693) систематиканин асосий бирлиғи — тур тушунчасини фанға киритади.

Ҳайвонот дунёсининг замонавий системасини швед натуралисти *К.Линней* яратган. У «Табиат системаси» (1735) асарида 4200 турдан ортиқроқ (жумладан 1222 тур умуртқали ва 1936 тур умуртқасиз) Ҳайвонларға тавсиф берган. К.Линней Ҳайвонларни ўзаро тобе таксономик категориялар: тур, уруғ, туркум ва синфға бўлишни, турни 2 ном: уруғ ва тур номи билан аташ (бинар номенклатура)ни таклиф этди. Лекин Линней ишлаб чиққан система мукамал эмас эди. Мас, у содда Ҳайвонлар, бўшлиқичлилар, игнатерилилардан иборат бир-биридан узоқ Ҳайвонларни зоофитлар — Ҳайвон-ўсимликлар гуруҳиға бирлаштирган. Француз олимлари Ж.Кювье ва Ж.Ламарк К.Линней системасини такомиллаштиришди. Ж.Ламарк «Умуртқасизлар системаси» (1801) ва «Зоология фалсафаси» (1809) асарларида Ҳайвонларни умуртқасизлар ва умуртқалиларға, умуртқасизларни инфузориялар, полиплар, нурлилар, чувалчанглар, ҳашаротлар, ўргимчаксимонлар, қисқичбақасимонлар, ҳалқалилар, мўйловоеқлилар ва моллюскалар синфларига ажратган. Ж.Кювье «Ҳайвонот дунёси ва унинг классификацияси» (1817) асарида Ҳайвонларни 4 та асосий шохға ажратган. Кейинчалик бу шохларға француз зоолоғи А.Бленвиль (1825) тип (нурлилар, бўгимлилар, моллюскалар, умуртқалилар) номини берган.

Ж.Ламарк ва Ж.Кювье системасини инглиз зоолоғи Р.Грант (1826) янада такомиллаштириб, нурлилар типидан ғовактанлилар типини ажратиб чиқарди. Немис зоолоғи К.Зибольд эса нурлилар типини 3 та мустақил: энг содда Ҳайвонлар, зоофитлар ва чувалчанглар типларига ажратади. У зоофитларға кўпчилик нурлиларни, чувалчанглар

ларга ҳалқалиларни киритади. Бошқа ҳал-қалилар эса бўғимоёқлилар типига киритилди. Немис олими К.Фохт (1825) чувалчанглр типини ясси, тўгарак ва ҳалқали чувалчанглрга ажратади. Инглиз анатоми Э.Рей Ланкестер (1877) бу гуруҳларни тип номи билан аташни таклиф этади. Немис зоологи К.Клаус (1874) ҳайвонларни 9 типга бўлади. Бу система анча узоқ вақт сақланиб қолди. Вақт ўтиши билан олимларнинг фақат типлар сониға эмас, балки уларнинг таркибий қисмиға нисбатан ҳам тушунчаси ўзгариб борди. Мас, умуртқалилар (кейинчалик хордалилар) типига қобиклилар (19-а. охиригача моллюскаларнинг бир хили сифатида қаралган) ва ичак билан нафас олувчилар киритилган. Ҳайвонот дунёси ўрганилган сари фақат янги турлар, уруғлар, оилалар эмас, ҳатто анча юқори таксономик даражадаги гуруҳлар (туркум, синф, ҳатто тип)лар ҳам кашф этилди. Мас, 1955 й.да рус олими А.В.Иванов пого-нофоралар типини кашф этди.

Ҳайвонот дунёси, одатда, 2 кенжа олам: бир хужайралилар ва кўп хужайралиларга; кўп хужайралилар эса паразойлар ва ҳақиқий кўп хужайралиларга ажратилади. Паразойларга ғовактанлилар, ҳақиқий кўп хужайралиларга бошқа барча типлар киритилади. Ҳақиқий кўп хужайралилар ўз навба-тида нурлилар (бўшлиқичлилар, тароқлилар) ва икки томонлама (била-терал) симметри-ялилар ҳамда бирламчи оғизлилар (чувалчанглр, моллюс-калар, эхиуридлар, бўғимоёқлилар, сипункулидлар, пайпаслагичлар) ва иккисламчи оғизлилар (чала-хордалилар, игнатерилилар, хордалилар) га бўлинади. Айрим зоологлар паразойлар ва ҳақиқий кўп хужайралилар билан бирга уларга тенг мавқега эга бўлган фагоцителласимонлар гуруҳини ҳам таклиф этишади. Охириги гуруҳ энг тубан тузилган кўп хужайралилар — пластинкасимонлар типини ўз ичига олади.

Ҳайвонот дунёсининг турли хил системасида типлар сони 10 дан 33 гагача,

ҳатто ундан ҳам кўпроқ кўрсатилади. Кўпчилик зоологлар маъқул-лаган ва ўқув адабиётларида келтириладиган систематикаға асосан бир хужайралилар кенжа дунёси 5 тип: сар-комастигофоралар, микроспоридиялар, микоспоридлар, споралилар, инфузорияларга бўлинади. Қолган ҳайвонлар пластинкасимонлар, ғовактан-лилар, бўшлиқичлилар, тароқлилар, ясси чувалчанглр, тўгарак чувалчанглр, немертиналар, тиканбошлилар, ҳалқали чувалчанглр, моллюскалар, бўғимоёқлилар, игнатерилилар, чала-хордалилар, погонофоралилар ва хор-далилар типларига бўлинади. Ҳайвонот дунёси ўрганилган сайин кўплаб янги турлар кашф қилинмоқда. Ер юзида ҳайвонларнинг 1,5 млн. (айрим маълумотларга кўра 3,0—3,5 млн.)га яқин тури маълум.

Ад.: Мавлонов О., Хуррамов Ш., Умуртқасизлар зоологияси, Т., 1998.

Очил Мавлонов.

ҲАЙВОНЛАР СОЛИШТИРМА АНАТОМИЯСИ, солиштирма мор-фология — морфологиянинг орган ва улар системасининг тузилиш қонуниятларини турли хил систематик гу-руҳга мансуб ҳайвонларни солиштириш орқали ўрганадиган бир бўлими. Органлар тузилишини улар функци-яси билан бирга солиштириб ўрганиш организмларнинг яшаш муҳитига мосланишини, шунингдек, ҳар хил гу-руҳларнинг келиб чиқиши ва эволюция йўлини тушуниб олишга ёрдам беради.

Ҳ.са.га Аристотель (мил. ав. 4-а.) асос солган. Лекин ўрганишнинг солиштирма анатомик методи фақат 18-а. да кенг қўлланила бошланди. 19-а.да Ж.Кювье бир қанча ҳайвонларнинг тузилишини батафсил ўрганади ҳамда ҳоз. ва қазилма ҳайвонларнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради; у ўзи ишлаб чиққан органлар корреляциясига асосланиб, ҳайвонларнинг алоҳидалашган 4 «шохи» (типи) тўғрисида таълимот яратди. Э. Жоффруа

Сент-Илер эса барча ҳайвонларнинг ягона тартибда тузилганлиги, уларга ташки муҳит шароитининг таъсири тўғрисидаги тушунчани ривожлантириб, органлар гомологияси тўғрисидаги таълимотга асос солди. К.М.Бэр муртақ ўхшашлиги қонунини яратди, Р.Оуэн архетип метафизик концепцияни ишлаб чиқди. Ҳ.с.а. соҳасида тўпланган катта материаллар Ч. Дарвин яратган эволюцион таълимот орқали ўз тасдиғини топди; бу фан эмбриология ва палеонтология билан бир қаторда эволюцион таълимотнинг асосий таянчига айланди. Немис олимлари К.Гегенбаур аналогия ва гомология тушунчаларига эволюцион тамойилларни киритди, Ф. Мюллер (1864) ва Э.Геккель (1866) рекапитуляция ва асосий биогенетик қонунни асослаб берди. Рус олимлари А.О.Ковалевский, И.И.Мечников, А.Н.Северцов, И.И.Шмальгаузен, В.А.Догель, В.Н.Беклемишев ва б.нинг ишлари туфайли эволюциянинг морфологик қонуниятлари ишлаб чиқилди. А.Н. Северцов ва б. органлар ва улар функциясининг эволюцион ўзгариш усулларини таҳлил қилиб, прогрессив эволюция йўналишлари концепцияларини асослаб берди. И.И.Шмальгаузен эволюциянинг морфобиологик назариясини ривожлантирди. В.А.Догель гомологик органлар полимеризацияси ва олигомеризацияси принципларини яратди. В.Н.Беклемишев умуртқасиз ҳайвонлар солиштирма анатомиясини ишлаб чиқди.

Ҳ.с.а.нинг ҳоз. вазифаси — ҳайвонот дунёси табиий системасини тузиш ҳамда анатомия, эмбриология ва палеонтология далиллари асосида эволюциянинг морфологик қонуниятларини аниқлаб беришдан иборат. Ҳайвонлар тузилишини, уларнинг яшаш муҳити ҳамда бажарадиган вазифасини ўрганиш билан ҳайвонлар экологик морфологияси ва ҳайвонларнинг функци-онал морфологияси шуғулланади (яна қ. *Прогресс, Регресс, Идиоадаптация*).

ҲАЙВОНЛАРНИ ТАСВИРЛАШ

УСЛУБИ — ибтидоий давр санъат намуналаридаги услуб. Осиё ва Европанинг қад. амалий безак санъатида кенг тарқалган. Айрим ҳайвонлар (буғу, от, айиқ ва б.), уларнинг тана қисмлари (кўз, бош, шох ва б.) тасвири, шунингдек, бир неча ҳайвонлар тас-виридан иборат мурраккаб композициялар яратиш санъати жез даврида юзага келган, темир даврида кенг тарқалган. Услубнинг келиб чиқиши ҳайвонларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ бўлиб (қ. *Тотемизм*), кейинчалик бу тасвирлар шартли безаккагина айланган. Ибтидоий санъат намуналари — майда ва маҳобатли ҳайкаллар ушбу услубнинг илк намуналаридир. Ҳ.т.у. дастлаб қуроллар ва от аб-заллари безагида, кейинчалик заргарлик санъатида кўп учрайди. Энг қад. намуналари Месопотамия (мил.ав. 3-минг йиллик), Ғарбий Осиё (мил.ав. 2-минг йиллик)да маълум; Ўрта Осиёда мил.ав. 1-минг йилликда юзага келган. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, энг ривожланган ҳолати *скифлар, сақлар*, фракияликлар ва б. санъа-тидир. Жумладан, Эрон ва Ғарбий Осиё санъати (Қора денгиз бўйларида юнон санъати) таъсирида шаклланган *скиф маданиятига* табиатни нозик хис этиш, ҳайвон шакли ва ҳаракатларини аниқ бериш хос: уларда ўсимликхўрлар, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар, афсонавий махлуклар (грифонлар) тасвири кўп учрайди. Металларни ўйиб, қуйиб ишлаш, ёғоч ва суяк ўймакорлиги, тери ва кигизлардан *қуроқ* (аппликация) қилиш усуллари қўлланилган. Мил. 1-минг йилликда ушбу услуб ўз аҳамиятини йўқота борди, бунга айниқса Ғарбда христиан дини, Шарқда ислом динининг тарқалиши кучли таъсир кўрсатди. Ўрта асрлар амалий санъатидагина ҳайвонларни тасвирлаш давом этди.

Ўзбекистон ҳудудида, айниқса амалий санъатда ушбу услуб таъсирини, заргарлик ва қандакорлик буюмлари безакларида, рўзгор идишлари безаклари (айрим қисмлари)да ҳайвонлар шакллари ишланганини кўриш мумкин (яна қ. *Ани-*

малистика).

ХАЙВОНЛАРНИ ХОНАКИЛАШ-ТИРИШ — к. Уй хайвонлари.

ХАЙВОНЛАРНИ ЎРГАТИШ, дрессировка — хайвонларнинг маълум бир услуб ва мунтазам равишдаги машқлар натижасида ҳамда шартли рефлекс ёрдамида ўргатувчининг муайян сигналига жавобан ҳар хил ҳара-катлар бажаришига асосланган усул; цирк санъатининг қад. жанрларидан бири. Ўргатилган хайвонлар томошаси цирк майдони ёки сахнада намо-йиш этилади.

Х.ў. қадимдан маълум бўлиб, Хитой, Ҳиндистон, Қад. Миср, Юнонистон, Қад. Рим, Византияда кенг тарқалган. Мас, Қад. Римдаги «Колизей» сингари циркларда йирткич хайвонлар иштирокида ўйинлар уюштирилган. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида сайёҳ актёрлар — гистрион, жонглёр, буф-фон, скоморохлар ўргатилган ёввойи ва уй хайвонлари билан ярмаркалардаги майдонларда ҳамда кўча томошахона — балаганларда ўйин кўрсатишган. 12-а.да аввал Италия, сўнг Европанинг бошқа мамлакатларида от ўрга-тиш мактаблари очилиб, чавандозлик ва от устида акробатика машқлари бажариш йўлга қўйилди.

18-а.нинг 2-ярмидан бошлаб йирткич хайвонлар томошаси махсус кафас — вагонларда намоёйиш этиладиган бўлди. 19-а.нинг ўрталаридан ўргатилган хайвонлар цирк майдонидан ўрин олди, цирк санъатининг таркибий қисмига айланди. 20-а.нинг ўрталаридан хайвонлар ижросидаги томошалар кўча зооциркларда ҳам кўрсатила бошлади. Бу жанрнинг ривожланишига Ф.Астлей (Англия), Л. Франкони (Франция), К.Гагенбенк (Германия), Кни сулоласи (Швейцария), В. ва А.Дуровлар, Н.Гладильщиков,

И.Бугримова, В.Филатов (Россия), С.Исаакян (Арманистон) ва б. салмоқли ҳисса қўшишган.

Х.ў. бир неча усулга бўлинади. Оғриқ сезгиларини акс эттирувчи усул

циркада йирик хайвон ва йирт-қичларни ўргатишда қўлланади.

Механик усулда оғриқ сезгиларини акс эттирмай, кўзғовчилардан фойдаланилади. Бу усул қ.х. хайвонларига нисбатан қўлланади. Таклид усули ёш хайвоннинг бошқа хайвонга таклидидан, яъни инстинктга асосланади. Х.ў.нинг рағбатлантирувчи усулида зарур малакалар (кўпроқ натурал реф-лекслар) рағбатлантириш (озиқ-овқат бериш, эркалаш, инстинктларни қондириш) билан амалга оширилади. Ҳосил бўлган рефлексларни мустаҳкамлаш учун ўргатилган хайвонлар мунтазам равишда машқ қилдириб турилади. Турли уй хайвонларидан тортиб ёввойи хайвонларгача ўргатилади.

Х.ў. ўзбек циркида ҳам қадимдан мавжуд бўлган. Халқ сайиллари ва байрамларида ўргатилган айиқ, маймун, эчки, илон ва б. хайвонлар ҳамда қушлар билан томошалар кўрсатилган (к. *Айиқ ўйин*, *Илон ўйин*, *От ўйин*).

Ёзма манбаларга кўра, Амир Темур саройида турли рангларга бўялган фил, туя, отлар иштирокида томошалар кўрсатилган.

15-а.да туя, эчки ва қушлар билан Бобо Жамол исмли хайвон ўргатувчи шуҳ-рат қозонган. 1828 й.да бухоролик хайвон ўргатувчи Шокир Москвада 11 туя ва 2 эшак иштирокида томоша кўрсатгани маълум. 19-а.нинг 2-ярмида бухоролик Икром бобо ўргатилган айиқ ва 2 маймун билан кўрсатган томошалари билан шуҳрат қозонган.

20-а.да Х.ў. бўйича Раҳмоновлар, Хўжаевлар, Зарифовлар сулолалари, Акром Юсупов, Роман Беллей, Али-шер Тошканбоев ва б. танилган.

Ҳоз. кунда йирткич ва экзотик хайвонлар билан Фурқат Юнусов, Рустам Матчонов, Фарход Ражабов, Фозилжон Эгамбердиев, Тўлқин Галимовлар чиқишлар қилмоқдалар. 2002 й. Тошкентдаги «Сахнадаги цирк» бирлашмаси қошида «Зооцирк» ўз фаолиятини бошлади. Унда дунёнинг турли китъаларидан

келтирилган 20 дан ортиқ хайвон ва қушлар иштирокида театрлаштирилган томошалар намой-иш этилмоқда. 2002 й. Тошкент цирки қошида 1-халқаро кучуклар театри фаолият кўрсата бошлаб, «Золушка» спектаклини сахналаштирди.

Ўргатилган айиқ, маймун, илон ва б. хайвонлар иштирокидаги ўйинлар цирк гуруҳларининг дастурига ҳам киритилган.

Пўлат Тошканбоев.

ХАЙВОНОТ БОҒЛАРИ — илмий-маърифий муассаса. Намойиш қилиш, ўрганиш, кўпайтириш мақсадида ёввойи хайвонлар тутқунлик (қафас, вольер) ёки ярим тутқунлик (табиий яшаш шароитига ўхшаш майдонлар)да боқилади. Баъзи Ҳ.б.да уй хайвонлари, айримларида ботаникага оид коллекциялар ҳам (мас, Париж, қозон ва б. жойлардаги зооботаника боғларида) сақланади. Ҳ.б.да хайвонлар ўрганилади, табиий-илмий билимлар, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш масалалари тарғиб қилинади, хайвонларнинг «Қизил китоб» га кирган турлари сақланади ҳамда кўпайтирилади (мас, *зубр, пржевальский оти* ва б.), хайвонларни иклимлаштириш, касалликларини ўрганиш, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва б. устида и.т. ишлари олиб борилади. Ўқувчилар учун экскурсиялар, зоологияга оид мавзуларда лекция, биологик кўргазмалар уюштирилади ва б.

Ҳ.б. Мисрда мил.дан тахминан 1500 й. оддин мавжуд бўлган. Бутун дунёда 720 дан ортиқ Ҳ.б. бор. Ўзбекистонда 2 та хайвонот боғи (қ. *Тошкент хайвонот боғи, Термиз хайвонот боғи*) мавжуд.

ХАЙДАЛМА ЕР, экин ер — мунтазам ҳайдаладиган ва фойдаланиладиган, одатда турли экинлар экиладиган к.х. ерлари (қ. *Ер фонди*). Суғорма деҳқончилик минтақасида Ҳ.е. доимий суғориладиган, шартли суғориладиган ва лалмикор ерларга бўлинади. Доимий суғориладиган Ҳ.е. да экиннинг сувга та-

лаби вегетация мобайнида тўла таъминланади. Шартли суғориладиган Ҳ.е.да ўсимликларнинг сувга бўлган талаби қисман (70% гача) қондирилади. Лалмикор ерлар ёғинлардангина таъминланади. Ўзбекистонда сув таъминотининг яхшиланиши ва ерларни ўзлаштириш ҳисобига суғориладиган Ҳ.е.лар майдони ортиб, шартли суғориладиган ҳамда лалмикор ерлар майдони камайиб бормоқда. Суғориладиган Ҳ.е. партов, фойдаланилмайдиган ва б. ерларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам кўпайди. Турли мақсадлар, айниқса, к.х.га боғлиқ бўлмаган эхтиёжлар учун к.х. ерларидан ер ажратиш Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси (1998, 30 апр.) билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида жами к.х. ерлари 26753,6 минг га, шундан Ҳ.е. майдони 4056,6 минг га ни ташкил этади (2005). 2004 й.да барча тоифадаги хўжаликларда к.х. экинлари 33691,5 минг га майдонга экилди.

ХАЙДАЛМА ҚАТЛАМ ОСТИ ГОРИЗОНТИ, тупроқнинг ҳайдалма қатлам ости горизонти — кўп йиллар давомида ерга ишлов бериш ва суғориш натижасида тупроқнинг ҳайдалма қатлами остида ҳосил бўладиган зич қават. У, асосан, қумоқ ва соз механик суғориладиган (баъзан лалмикор ерларда) тупроқларни кўп муддат (камида 15—20 йил) мобайнида бир хил чуқурликда ҳайдаш оқибатида шаклланади; унинг зичлиги ва қалинлиги ерни ўзлаштириш ҳамда суғориш муддатлари (даври)га боғлиқ ҳолда орта боради. Бу қават, одатда, ўта зичлашганлиги, йирик палаҳса кесакли тузилиши, жуда майда коллоид лойқали заррачалар микдорининг кўплиги ва сувга чидамли агрегатларнинг деярли йўқлиги билан тавсифланади. Баъ-зан уни тупроқ «плугтовони», «плуг ости зич қатлами» деб нотўғри аташади. Ҳ.к.о.г. «плугтовон» (12—15 см)га қараганда анча қалин (18—25 см) бўлади. Тупроқ «плугтовони» Ҳ.к.о.г.нинг энг устки қисми бўлиб, юқори ҳажм массаси (1,45—1,65 г/см³)

ва кам умумий говакликка (40—45%) эга. Айниқса чўл зонасидаги механик таркиби оғир ва шўртоб суғориладиган тупрокларнинг зичлиги юқори, бу қатлам сувнинг шимилиши ва сизиб ўтишини кескин камайтиради, экинлар илди-зининг ўсиши ва ривожланишига, шунингдек шўрнинг ювилишига салбий таъсир этади.

Ҳ.к.о.г.нинг салбий таъсирини бар-тариф этиш учун ҳар 4—5 й.да бир марта шудгорлашда ерни чуқурроқ ҳайдаб, шу қатламини ҳам юмшатиб туриш ёки ҳайдалма қатлам қалинлигини аста-секин ошириб бориш зарур.

ХАЙДАМАКЛАР, гайдамаклар (туркийча — ҳайдалмоқ) — Ўнг соҳил Украинада 18-а.даги халқ-озодлик ҳаракати қатнашчилари. Тарихий ман-баларда 1717 й.дан Ҳ. ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳ. поляк ва украин шляхтичлари (зодагонлари) мулкларини талон-тарож этишган. Ҳ. отрядлари украин деҳқонлари, Запорожье казакларининг энг камбағал қатлами, ёлланма батраклар, хунармандлардан таркиб топган. Чор Россияси Ҳ. ҳаракатини бос-тиришда фаол қатнашган, 1734, 1750 ва 1768 й.ларда бу ҳаракат йирик халқ кўзғолонига айланган. Ҳ. ҳаракатининг энг юқори нуқтаси 1768 й.даги кўзғолон бўлган. Ўнг соҳил Украина Россия таркибига киргач (1793), ўлкадаги кураш бошқача тус олган.

1918—20 й.лардаги Фуқаролар уруши даврида қизил армия билан курашган украин кўзғолончилари ҳам ўзларини Ҳ. деб аташган.

ХАЙДАР, Амир Ҳайдар, Амири Саййид (1778— Бухоро — 1826.6.10) - Бухоро амири (1800— 26), *мангитлардан*, Амир *Шоҳмуроднинг* ўғли, *Дониёлбий* оталикнинг не-вараси. Унинг онаси *аштархонийлардан Абулфайзхони* кизи Бону Шамс бўлган. Бухоро мадрасаларида 10 й. таҳсил олиб, Қуръони карим шарҳи ва ҳадис илмларини пухта эгалла-

ган. Амир Шоҳмурод Ҳ.ни Қарши вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган. Шоҳмурод вафот этгач, Бухоро амирлиги тахтига ўтирган ва «амир ал-мўминин» унвонини олган (1800.2.12). Бухоро амирлигида вужудга келган кескин сиёсий вазиятни юмшатишга ҳара-кат қилган. Ҳ. айирмачилик кайфиятларни намоён қилаётган Шаҳрисабз, Китоб, Ургут бекликлари, Миёнқол ва Самарқанд ҳокимларига қарши жанглар олиб боришга мажбур бўлган.

Ҳ. Хуросонга ҳам ҳарбий юришлар қилиб, Балх (1817), Бадахшон, Қундуз ва Майманани Бухоро амирлигига қайтарган.

Марв ҳокими Дин Носирбек (Ҳ.нинг укаси) Хива хони Элтузархон қутқусига учиб, акасига қарши бош кўтаради (1804) ва мағлубиятга учрайди. Шу аснода Хива хони Элту-зархон бир неча марта Бухорога ҳарбий босқинлар уюштирган. Ана шундай юришларнинг бирида Ниёзбек парвоначи бошчилигида 20 минг кишилик Бухоро кўшини хоразмликлар кўшинини мағлубиятга учратган. Элтузархон Амударёдан қочиб ўтаётганда дарёда ғарк бўлиб ўлган. Элтузархоннинг 3 биродари ва кўплаб хиваликлар асир тушишган. Амир Ҳ. Элтузархоннинг кичик биродари Қутлуғмуродхонни 400 асир билан озод қилиб, Урганча жўнатган.

1821—25 й.ларда амир Ҳ.нинг солиқ сиёсатига қарши хитой-кипчоқлар кўтарган *Миёнқол кўзғолони* ҳам қатта қийинчилик билан бостирилган.

Аҳмад Донишнинг ёзишича, Ҳ. хукмронлик қилган даврда Бухорода илм-фан, хусусан, тарих ва ислом илмлари ривожланган. Ҳ. мадрасаларда таҳсил олиб бориш учун Истан-бул, Кобул ва б. шаҳарлардан кўплаб қўлёзма китобларни олдирган. Унинг ўзи мунтазам равишда сабоқ берган, мадрасаларда дарс ўтган. Ҳ. «ал-Фа-воид ал-алфийа» номли фикҳнинг ханафия мазҳабига оид асар ҳам ёзган.

У хукмронлиги даврида Бухорода

Чор минок ва Халифа Ниёзкул мадрасаси (1807), масжидлар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қурилган, *Халфа худойдод мажмуаси* қурилиши давом эттирилган. Бухорода Ҳ. онасига атаб махсус мадраса, Қаршида Али мадрасаси ва Мир Муҳаммад мадрасасини ҳам қурдирган. Ҳ. Бухородаги Жўйбор мавзеидаги Эшонни Имло қабристонига отаси Шохмурод ёнида дафн этилган.

Ад.: Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ХАЙДАР АЛИ (1722-1782.7.12) -Ҳиндистондаги Майсур давлатининг ҳукмдори (1761 й.дан); инглиз босқинчиларига қарши ҳаракат ташкилотчиси. Дастлаб харбий отряд бошлиғи бўлган. Мулкдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар (1758—60 й.лар)дан фойдаланиб ҳокимиятни эгаллаган. *Рожа* номигагина ҳукумат бошлиғи ҳисобланган. Солиқларни кўпайтириш ҳисобига армияни қайтадан еврорача тузган, *жогир* тизimini бекор қилган, аскарларга маош белгилаган ҳамда артиллерияни кучайтирган. 1761—64 й.ларда Майсур ҳудудини қўшни давлатлар ҳисобига кенгайтирган.

1-инглиз-майсур уруши даври (1767-69)да инглизлар билан сулҳ тузган. *Маратҳалар* ва Ҳайдаробод султонлигининг ҳужумларини муваффақият билан қайтарган. 1780 й.да улар билан Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлигига қарши курашиш мақсадида иттифоқ тузган. 2майсур-инглиз уруши даври (1780—84)да Ҳ.А. дастлаб бутун Карнатикни инглизлардан тозалаган, аммо иттифоқчиларининг хиёнати туфайли енгилган.

ХАЙДАР БОЙЧА ЎҒЛИ, Ҳайдар санновчи (1882 — Янгикўрғон тумани Ғовзон қишлоғи — 1970) — ўзбек халқ бахшиси, эртақчи. Амаки-ваччаси Чўлибой Кўшал ўғлига шогирд тушган. Ҳ.Б.ўдан «Қундуз билан Юлдуз»,

«Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг Авазни олиб келиши», «Авазнинг арази», «Юсуф ва Аҳмад» каби достонлар, кўпгина халқ эртақлари ва *термалар* ёзиб олинган. «Бузоқ, эчки ва кўзи», «Эчкининг ўч олиши», «Тулки билан товус», «Ҳийлакор бедана», «Оч бўри», «Тулки билан бўри», «Илон пари» каби эртақлари «Ўзбек халқ эр-тақлари» тўпламида нашр этилган.

ХАЙДАР МИРЗО - қ. *Муҳаммад Ҳайдар.*

ХАЙДАР САБУҲИЙ (15-а. - Ҳирот -1498) — шоир. *Алишер Навоий*нинг жияни, тоғаси Мир Саид Кобулийнинг ўғли. Тоғу тахт учун курашда Ҳусайн Бойқаро томонида туриб урушгани сабабли Абусаид Мирзо отасини тутиб қатл этгач, унинг тарбияси билан Навоий шуғулланган. «Сабуҳий» (та-савуфий маънода поклик, ҳақиқат нури) тахаллуси билан шеърлар ёзган. Навоий кўпинча уни ёнида олиб юрган. Астрободда ҳам у Навоийнинг хос мулозимларидан бўлган. Навоий уни баъзи расмий топшириқлар билан Ҳиротга юборганида, бир даврда Навоийга суиқасд қилингани, ошпаз унга захар қўшилган таом бермоқчи бўлгани, бундан хабар топган шоир ғазабга миниб, Ҳусайн Байқарога қарши исён кўтармоқчи эканлигини айтади. Бу гап Ҳиротда овоза бўлиб кетади. Ҳусайн Бойқаро дарҳол Навоийга мактуб йўллаб, бу ишдан мутлақо хабари йўқлигини маълум қилади. Шу воқеадан кейин Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради. Навоий ўз жавобида бу гапни рад этади ва жиянининг хатосини кечиршини илтимос қилади. Ҳусайн Бойқаро гарчи кечирганлигини айтиб, дўстини хотиржам қилса-да, ўз хонадонини шаънига қилинган бу тухматни унутмайди. Ҳ.С. барча хизматлардан четлатилади. У Бадахшонга кстиб, бир неча йил ўша ерда хизмат қилади. 1498 й.да Бадахшондан Ҳиротга элчи бўлиб келганида, Ҳусайн Бойқаро уни тутиб, қатл

этиради.

Ҳ.С. шеърларининг тақдири маълум эмас. «Мажолис ун-нафоис»да Навоий унинг бир байтини мисол тариқасида келтирган:

Май аст лаъли ту ё шахди ноб: аз ин ду кадом аст?

Хай аст бар рухи ту ё гулоб: аз ин ду кадом аст?

Мазмуни: Лаъли лабинг майми, ё тоза асалми — бу иккисидан қайси бири? Юзингдаги терму ё гулобми: бу иккисидан қайси бири?

Ад.: Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис [МАТ, 13-а.], Т, 1997; Ўзбек адабиёти тарихи, 2-ж., Т, 1977.

ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ (14-а.нинг охири — Хоразм — 15-а.нинг 1-ярми) — шоир. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндalarидан бири. Ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарлари ҳамда ўзининг «Маҳзан ул-асрор» дос-тонида берилган. Ҳ.Х. асосан Хоразмда яшаган ва огир ҳаёт кечирган. Бирмунча вақт Ҳиротда темурийлардан Умар-шайхнинг ўғли Султон Искандар (15-а.) саройида яшаган. Туркий ва фор-сийда шеърлар ёзган, девон тузган. *Ни-зомий Ганжавийнинг* «Маҳзан ул-асрор» асарига «Гулшан ул-асрор» номи билан туркий тилда жавоб ёзиб (1409—14), Султон Искандарга бағиш-лаган. Асар сюжети ва ғоявий йўналиши жиҳатидан ҳам Низомий достонига яқин, вазни ҳам бир хил — арузнинг сарёф баҳрида ёзилган. Ҳажми 639 байт. Асар Низомийникидан фарқ қилиб, аввал ҳикоя, сўнг шу ҳикоядан келиб чиқадиган хулоса ва фикрларни умумлаштирувчи боб билан таъминланган. Ҳ.Х. бу асари билан ўзбек адабиётида шеърый ҳикояни ривожлантирган. Кўпчилик ҳикояларида олижаноб инсоний фазилатлар тарғиб қилинган, меҳнат ва меҳнат аҳли улуғланган. Достонда марказлашган давлат ва одил ҳукмдор

ғояси илгари сурилган; ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик, саҳийлик, ростгўйлик тарғиб этилган.

«Гулшан ул-асрор» ўзбек эпик шеърини тарихида муҳим ҳодиса ва туркий тилдаги ахлоқий-фалсафий достончиликнинг йирик намунаси бўлиб, туркий тилнинг бойлиги, қудрати ва кўркини намойиш қилди ҳамда ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Асарнинг кўлёма нусхалари Лондон, Париж, Вена, Қозон кутубхоналари-да, фотонусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақтанади.

Ад.: Бертельс Е.С., Низами и Физу-ли, М, 1962; Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.ли], 1-ж., Т, 1977.

ҲАЙДАРАЛИЕВ Ҳамдам (аслида Тош-хўжа Расулхўжаев) (1887, Наманган — 1922, Шаҳрихон) — ўзбек халқ профессионал артисти, раққос, ашулачи, чавандоз. Саҳнада катта ашула, рақс билан лапар ижро этган. «От ўйин» томошасида отнинг буйини ва қорнидан айланиш, эгар устида чарх уриш, от устида тик туриб отни чоптириш, 2 — 3 от устидан бир-бирига сакраб ўтиш, маймун ўйнатиш ва б. ўйинларни намойиш қилгач. Рус, форс, араб, турк тилларини яхши билган, шу тилларда ашула айтган, рақслар ижро этган. «Кўп эрди», «Бир келиб кетсун», «Нома ёздинг» каби катта ашулаларни тақсимча тутиб отаси билан айтган. Ўзи ёзиб ижро этган «Ноз ўзга-чаю, ситам бўлакча» ашуласи эл орасида машҳур.

ҲАЙДАРКОН СИМОБ КЕНИ -Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги кен. Олай тоғларининг шим. ён бағридаги Фарғона симоб-сурма минтақасининг шарқий қисмида. Фарғона вилояти Сўх ш.дан 19 км шим.-шарқда. Кен 1926 й.да топилган. Гео-логик жиҳатдан Ишметов тоғининг марказида шаклланган антиклиналь структуранинг гумбаз қисмида жойлашган. Унинг ядросидаги оҳақтошлар автохтон

ва аллохтон қумтош-сланецли қатламлар билан қопланган. Рудаларнинг асосий қисми оҳақтошлар ва уларни қопловчи сланецларнинг чегара қисмларида ривожланган метасома-тоз маҳсули бўлган кварц-карбонат таркибли жаспероидларда мужассамлашган. Кондаги рудалар мажмуали таркибга эга бўлиб, асосан, симоб-сурма-флюоритлардан иборат. Асосий саноат минераллари — киноварь, баъ-зан антимонит, флюорит, халькопирит, марказит. Сурма, симоб, кўрғо-шин сульфатузлари учрайди. Улардан ташқари реальгар ва аурипигмент ҳам бор. Нору-да минераллардан кварц, кальцит, анкерит ва б. мавжуд. Коннинг жан. қисмида (Жан. структура) 1500—4000 м² ли мувофиқ ётган май-донларда қалинлиги 2—11 м ли кино-варли қатламсимон руда таналари тарқалган. Коннинг шим. қисмида (Шим. структура) тик ётган, кесишган ва қатламсимон мувофиқ ётувчи руда таналари ривожланган, рудалар мавжуд.

Руда тўпламлари қатламсимон, линза ва уясимон, кўзикорин-устунсимон шаклларда. Линза, уяларнинг уз. 30 м, қалинлиги 2—11 м, ётиш бўйича уз. 10—100 м. Конда 24 та мустақил май-дон разведка қилинган ва фойдаланишга тайёрланган. Симобнинг умумий захиралари ва башоратли ресурслари метал-лнинг 0,165%ли таркиби билан 20,9 минг т ни ташкил қилади. Сурманинг йиғинди захиралари ва башоратли ресурслари 11,3 минг т га баҳоланади, унда сурма-нинг ўртача таркиби 1,728%, флюорит 13,26%ли таркиби билан 1143 минг т. Кондан хоз. кунда фойдаланилмоқда.

ҲАЙДАРОБОД - Покистоннинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Аҳолиси 1,16 млн. киши (1998). Транспорт йўллари чоррахаси. Ҳинд дарёси бўйидаги порт. Мамлакатнинг муҳим сав-до-саноат мар-казларидан. Ип газлама, тикувчилик, це-мент, кўн-пойабзал, кимё, ойна-шиша, озик-овқат, тамаки саноати корхоналари мавжуд. машинасозлик ва металлсоз-

лик корхоналари ишлаб турибди. Қ.х. ва электро-техника буюмлари ишлаб чиқарилади. Хунармандчилик ривож-ланган: қўлда гилам, матолар тўқилади. Қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюм-лари тайёрланади. Синдх ун-ти бор.

ҲАЙДАРОБОД — Ҳиндистондаги шаҳар, Декан ясситоғлигининг марказий қисмида, Муси ва Уси дарёлари қўшилган ерда жойлашган. Анд-хра-Прадеш шта-тининг маъмурий маркази. Аҳолиси 3,04 млн. киши (2001). Ҳиндистон жан. қисмининг муҳим иқтисодий, тарихий ва маданий маркази. Тўқимачилик, озик-овқат, кимё-фармацевтика, тамаки, қоғоз, ойна-шиша саноати корхоналари мав-жуд. Транспорт, энергетика, электротех-ника машинасозлиги ривожланган. Ави-ация жихрзлари, курол-яроғлар ишлаб чиқарилади. Хунармандчилик ривожлан-ган, қўлда уй-рўзғор буюмлари, бадий буюмлар тайёрланади, матолар тўқилади. Марказий геофизика бошқармаси, музей-лар (археология, Европа ва Шарқ санъа-ти) бор.

Шаҳарга 16-а. охирларида асос со-лингган. 1924—56 й.ларда Ҳайдаробод рожалигининг пойтахти, кейинчалик Ҳайдаробод штати, 1956 й.дан Андхра-Прадеш штатининг маъмурий маркази. Меъморий ёдгорликларидан Чор-Минор Зафар арки (1591), Макка Масжид (17-а.), Голконда қалъаси қолдиқлари (16—17-а.лар), Усмония ун-ти мажмуаси (20-а.) бор.

ҲАЙДАРОБОД СУЛТОНЛИГИ -Ҳиндистондаги султонлик (1724—1950). Унга телугу, маратҳа, каннара ва б. халқлар яшайдиган худудлар кирган. Бо-бурийлар давлати таназзулга учраб, май-да султонлик, князлик ва б.га бўлиниб кетгач, вужудга келган. 1724 й. Бобурий-ларнинг Бижопур ва Гол-кондадаги низо-мулмулк унвонига эга бўлган ноиби Асаф Жаҳ ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон этган ва Ҳ.с.га асос солган. Султонлик-нинг кейинги ҳукмдорлари ҳам низо-мул-

мулк деб атаган. Англиянинг Ост-Индия ком-панияси 1798 й. Ҳ.с.ни тенг ҳуқуқли бўлмаган шартнома тузишга мажбур этган. Натижада султонлик ўзини ҳимоя қилиш, мустақил дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Султонликка инглиз резиденти тайинланган. 1947 й. Ҳиндистонда мус-тақиллик эълон қилинган, низоумул-мулк Ҳ.с.нинг Ҳиндистон иттифоқига қўшилишига қаршилик кўрсатган, аммо султонлик аҳолисининг тазйиқи остида (Телингана кўзғолони) итти-фоққа қўшилиш тўғрисидаги шартно-мага имзо чеккан. 1950 й.да Ҳ.с. штатга айлантирилган. Низоумулмулк ҳокимияти чекланган; аммо у ражпрамуққ (иж-роия ҳокимият бошлиғи) сифатида штатни бошқарган. 1956 й.ги маъмурий ислохотдан сўнг Ҳайдаробод штати тугатилиб, унинг ҳудуди Андхра-Пра-деш, Майсур ва Бомбей (1960 й.дан Гужарот ва Маҳараштра штатларига бўлинган) штатларига қўшилган. Ни-зомулмулк қўлида фақат унга тегишли кўчмас мол-мулк, ҳазина қолган; унга нафақа тайинланган.

ҲАЙДАРОВ Акбар, Акбаркори хофиз (1893.1.5, Марғилон — 1964.13.2, Тошкент) — хонанда ва созанда (танбур, дутор), Ўзбекистон халқ хофизи (1939). Дастлаб хонандалик йўлларини ҳамда дутор чертишни отаси Ҳайдар хофиздан ўрганган; қорихонада кироатни ўзлаштирган, кейинчалик катта ашула йўлларини танбур чалиш сирларини ўрганган. Тошкентда яшаб, Тўйчи хофиз, Шораҳим Шоумаров, Аб-дусоат Ваҳобов, Рўзқи ва Юнус ражабийлар ва б. билан бирга «Шарқия» кечалари, турли концертларда қатнашган. 1927 й.дан Ўзбекистон радиоқўмитасида ашулачи ва созанда. Москвада ўтказилган ўзбек санъати декадаси қатнашчиси, Катта Фарғона канали, Фар-ход ГЭС, Чирчик, Ангрэн шаҳарлари, Каттақўрғон сув омбори қурувчиларига, 2- жаҳон уруши даврида жанг-чиларга маданий хизмат қилган. 1930 й.ларда Қаяом Шобаратов

билан Тошкент Ўрдасида «Нафосат» чой-хонасини ташкил қилиб, бу ерда машхур хофиз, созанда ва кизикчиларнинг чиқишларини уюштирган.

Ҳ. кенг диапазонли, баланд, нафис ва тиник «тенор» овозга, равон ижро услубига эга бўлиб, репертуаридан катта ашула («Бир келиб кетсун», «Ёввойи Ушшоқ», «Адашганман», «Эй, чехраси тобоним» ва б.), ашула («Ё, ҳаёт ан-наби», «Сувора», «Гиря»), Фарғона-Тошкент мақом йўллари («Баёт», «Ушшоқ», «Фарғонача Шахноз») ва б. ўрин олган И.Ик-ромов Ҳ. учун «Муножот», «Чўли Ироқ» каби ашула йўлларини яратган. У кўп йиллар давомида Турғун *Кари-мов билан* ҳамнафаслик қилган. 1919 й. Ҳ. ижросидаги «Поездингни жилдирган» кўшиғи, 1930—50 й.ларда ашула ва яллалари грампластинкага, 1940 й.ларда катта ашулалари В. Успенский томонидан нотага ёзиб олинган.

Баҳриддин Насриддинов.

ҲАЙДАРОВ Аҳад Холиқович (1911.20.4, Самарқанд - 1971.11.11) — хирург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1950). Тиббиёт фанлари д-ри (1960), проф. (1960). СамТИни тугатгач (1936), Бухоро вилояти Кизилтепа туман касалхонасида врач (1936—37), Самарқанд вилояти Ургут туман касалхонасида бош врач (1937—39), СамТИ оператив хирургия кафедрасида ассистент (1940—41), уруш қатнашчиси (1941—45), СамТИ госпитал хирургия кафедрасида ассистент (1946—50), умумий хирургия клиникасида доцент (1950—55). СамТИ госпиталь хирургия кафедраси мудири (1958—71). Илмий ишлари аортанинг коарктациясига ва қуйишни операция йўли билан даволашга оид.

ҲАЙДАРОВ Борий Азизович (1909.23.12 - Тошкент — 1986.21.5) — актёр, дубляж реж.и. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Ленинград сахна санъати ин-тини тугат-

ган (1932). Фаолятини «Ўзбеккино»да бошлаб (1928—29), сўнгра «Ленфильм», «Ўзбекфильм», «Туркманфильм», «То-жикфильм» студиялари фильмлари-да актёр сифатида қатнашган. 1946 й.дан «Ўзбекфильм»да дубляж реж.и бўлган. «Менинг Ватаним», «Ер кони», «Ум-бар», «Волочаев кунлари», «Аза-мат», «Унинг номи Сухэ-Батор», «Ўлим кудуғи», «Жаррох», «Дўстлар қайта уч-рашадилар» каби фильмларда турли ха-рактердаги роллар ижро этган. «Развед-качи жасорати», «Қишлоқ ўқитувчиси», «Бир йилнинг тўққиз кун», «Тинч окар Дон», «Она Ҳиндистон», «Очилган кўриқ» сингари 250 дан ортиқ филь-мнинг дубляж реж.и бўлган.

ҲАЙДАРОВ Нуриддин Усмонович (1957.1.8, Оққўрғон тумани — 2004.3.10, Тошкент) — эстрада хонан-даси. Ўзбекистон халқ артисти (2003). Ширали ва жозибатор овоз соҳиби. Фарғона педа-гогика ин-тини тугатган (1978). Фарғона вилояти (1980-1986) ва Ўзбек давлат (1986—1993) филармонияларида якка-хон хонанда. Тошкент Ҳарбий техник би-лим юрти қошидаги ансамблнинг бадий раҳбари (1994—2002), Тошкент ш. Ички ишлар Бош бошқармасида Маънавият марказининг директори (2002—04).

Репертуаридан ўзбек мумтоз ва эстрада кўшиқлари («Юлдузим», «Наси-бам») ҳамда ўзи басталаган кўшиқлар («Ўзбекистон полвонлари», «Она», «Сенга», «Қизлар», «Сехри бор» каби) ўрин олган. «Дўлана», «Юр, муҳаб-бат», «Давлатим» сингари кўшиқлари ҳам оммалашган. Ҳ. ижролари Ўзтелера-диокомпаниясининг фонотекасига ёзил-ган. Европа, Осиё ва Америка мамлакат-ларида гастролда бўлган. Ҳ. хотирасига бағишлаб «СЭ—Профи» компанияси «Айрончи қиз», «Дўлана», «Юр, муҳаб-бат» аудио альбомлари ва «Кузги кай-фият» видео альбомини чиқарган (2004).

ҲАЙДАРОВ Холикул Ҳайдарович (1933.16.3, Сарιοғоч, Чимкент вилоя-

ти) — Ўзбекистон халқ рассоми (1977). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1954). Тошкент вилояти Калинин (ҳоз. Зангиота) тумани-даги 15-ўрта мактабда расм ўқитувчиси (1954—60), Ўзбекистон КП МК Бирлаш-ган нашриё-тининг босмаҳонасида рас-сом (1960—67), Тошкент чинни 3-дининг бадий лаб.да етакчи рассом (1967—93). Ҳ.газ. ва жур.ларда асарлари билан қатнашган. Ҳ. Тошкент чинни 3-дида са-марали ижод қилди: «Ўзбекистон», «Оқ олма», «Наманганнинг олмаси» каби чиннилар тўпламларини яратган; бирин-чилардан бўлиб чинни буюмлар (асосан кўза, лаган ва б.)га тасвир (пор-трет) лар ишлашни бошлаб берган. беруний, Улуғбек, Навоий каби мутафак-кирлар, турли илм-фан, давлат арбоблари вакил-ларининг сиймоларини чин-нига иш-лаган. Ҳайкалтарошлик асарлари ҳам яратди (жумладан, «Тўлебий», мис, 2002, Сарιοғоч ш.да). «Ҳайдаров ҳаёти ва ижо-ди» номли хужжатли фильм ишланган (1991). Ҳ. ишларидан намуналар респу-блика ва чет эл кўргазмаларида намойиш этилади, музей ва хусусий тўпламларда сақланади.

ҲАЙДАРОВ Эшмат (1897, Қўкон - ?) — хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи (1944). Кучли ва жозибали овоз соҳиби. 12 ёшидан қатта ашула йўлларини *Ҳамроқулқоривян* ўрганган. Кейин-чалик Қўкон, Фарғона, Тошкент тўй-сайилларида қатнашган. 1927 й.дан Тошкентда. Ўзбек давлат филармонияси (1936—45), Ўзбек радиоси (1946 й.дан), Ўзбек давлат эстрадаси (1947—53) да як-кахон хонанда. Репертуаридан Фарғона —Тошкент мақом йўллари, қатта ашула, ашула ва айрим ял-лалар ўрин олган.

ҲАЙДАРОВ Ўткирбек Абдужали-лович (1974.25.1, Андижон ш.) — бок-счи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2000), «Ўзбекистон ифтихори» (1999). 75 ва 81 кг вазн тои-фаларида Ўзбекистон (1996, 1998, 2000),

Осиё (2002, Серембан), Осиё ўйинлари (2002, Пусан) ва Афро-Осиё ўйинлари (2003, Ҳайдаробод) чемпиони. Жаҳон чемпионатининг олтин (1999, Хьюстон), кумуш (2001, Белфаст) ва бронза (2005, Хитой) медали совриндори, Яхши ният ўйинлари (2001, Брисбен) ва олимпиада ўйинлари (2004, Афина)нинг бронза медали соҳиби. Андижон ун-тини тугатган (2002), «Динамо» спорт жамиятида бокс бўйича йўриқчи (1996—2000). 2000 й.дан Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси ходими. «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2004).

ҲАЙДАРОВ Қодиржон (1899, Қўқон — 1983.15.12) — ёғоч ўймаkori, Қўқон ёғоч ўймакорлик мактабининг йирик вакили, устазода. Ўзбекистон халқрассоми (1963). Ўймакор уста Ҳаи-дар *Нажмидиновнинг* ўғли. Хунарни отаси билан бирга ишлаб ўрганган. Отаси билан Қўқон хунармандлик мактабида дарс берган (1919—20-й.лар), 1923 й.да Москвадаги халқ хўжалиги кўргазмасида ишлади; 1925—29 й.ларда Қўқондаги Наримонов номидаги ин-тернатда, 1929—31 й.ларда Қўқон ш.даги ёш дурадгорлар тўгаракларига бошчилик қилди. 1931—33 й.ларда раб-фақда ўқиди. «Янги маъдан» артелида уста (1936—54), Қўқон музейида таъмирловчи уста (1954—57). Ҳ. устун, курси, стол, хонтахта, кути, эшик, панжара, каравот ва б. буюмларни жо-зибадор безаб шуҳрат қозонди. 1958 й.дан Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ва Ўзбекистон БА Марказий кўргазмалар зали эшиклари, Тошкент цирки биноси учун намоёнлар ва б. кўпгина ўймаkori асарлар яратди, анъанавий нақш мужас-самотларини янги оҳанглар билан бойитди. Ҳ.нинг Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактабининг миллий анъаналарини сақлаб қолиш ва уни ривожлантиришда хизматлари катта; кўплаб шогирдлар (Х. Умаров, С. Эргашев, У. Умаров, А. Абдуллаев ва б.) тайёрлаган.

Ҳ. асарларидан намуналар республика ва чет мамлакатлар музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади. Ҳам-за номидаги Ўзбекистон Давлат муко-фоти лауреати (1970). Ўзбекистон БА Қўқон тасвирий ва амалий санъат кол-лежига Ҳ. номи берилган.

Ад.: Тоқтош Р., Уста Қодиржон Ҳайдаров. Т., 2003.

ҲАЙДАРОВА Умия Камоловна (1946.9.4, Фориш тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Сирдарё пед. институтини тугатган (1978). 1978 й.дан Нурота тума-нидаги 32-мактабда, 1983—2003 й.ларда Бекобод туманидаги 31-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ҲАЙДЕГГЕР Мартин (1889.26.9 — Мескирх, Баден -1976.26.5) — немис файласуфи-экзи-стенциалист. 1928—45 й.ларда Фрей-бург, кейин Брейсгау ун-тларида проф. *Гуссерлнинг* шогирди ва издоши бўлган бўлса-да, аста-секин ундан узоклаша борди. Борлиқ ҳақидаги таълимот («фундаментал онтология») ни ривожлантирди; бу таълимот асосида ҳақиқий мавжудлик (экзистенция) билан кундалик. оддий дунёни қарама-қарши қўйиш ётади; Ҳ. фикрича, борлиқнинг маъносини англаб етиш инсон мавжудлигининг бебақолигини фаҳмлаш билан боғлиқдир. Ҳ.га кўра, борлиқнинг, инсон шаклининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат борлиқнинг бошқа кўринишларини, балки ўзини ўзи билишга ҳам қодир. Шунингдек, инсон борлиқнинг бошқа шакллари билан турли муносабатлар ўрнатиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам бундай борлиқ, яъни инсон экзистенцияси — онтологиянинг пой-девори бўлмоғи керак. Ҳ. таълимоти ва у яратган ўзига хос атамалар ҳоз. замон тафаккури, хусусан Европа фал-сафаси учун кучли туртки бўлди.

Асосий асарлари; «Борлиқ ва замон» (1927), «Кант ва метафизика муаммоси» (1929), «Замон олам манзарасида»

(1938), «Бурилиш» (1949), «Техника хакидаги масала» (1953), «Метафизи-кага_кириш» (1953).

ХАЙЗ, хайз цикли, ой кўриш, менструация — балоғатга етган қиз болада ва бола туғиш ёшидаги аёлларда ҳар 26—29 кунда, баъ-зан 21—24 кунда (қиска цикл) содир бўладиган биологик жараён; Ҳ. циклида асосан тухумдон ва бачадонда ўзгариш рўй бериб, бачадондан маълум микдорда қон кетади. Ҳ. кўриш марказий нерв системаси (бош мия пўстлоғи, гипоталамус, гипофиз) томонидан бошқарилади.

Гипоталамус — бош мианинг асосий қисми, ички аъзолар ишини бошқариб, тартибга солиб туради, у ажратган нейроргормонлар гипофиз функциясини кучайтиради. Гипофиз ҳам, ўз навбатида, ички секреция безлари, хусусан жинсий безлар (тухумдон) функциясини кучайтирадиган гормон ишлаб чиқаради. Тухумдонда гипофиздан ажраладиган гормонлар таъсирида тухумхужайрали фолликула (Грааф пуфакчаси) ўсади ва ривожланади. Фолликула етилаётганида бачадонга бевосита таъсир этадиган махсус жин-сий гормонлар (эстрогенлар) ажратади. Фолликула етилгач ёрилиб, ундан етилган тухумхужайра чиқишига ову-ляция жараёни дейилади. Ёрилган фолликула ўрнида сариқ тана — ички секреция беzi хосил бўлади; сариқ танадан прогестерон ажралади.

Прогестерон ва эстрогенлар таъсирида бачадон шиллик қавати қалинлашади, унинг қон томирлари кенга-йиб, қон билан тўлади. Агар аёлнинг бўйида бўлмаса, сариқ тана нобуд бўлади, бачадон шиллик қаватининг функционал қисми парчаланиб кўчади ва Ҳ. кўрилади. Кейинчалик шил-лик қават юзаси аста-секин битиб, асли ҳолига келади. Шундай қилиб, тухум-хужайра етилиши даврий равишда (ҳар 21—25 кун, кўпроқ 28 кунда) такрорланиб туради.

Қиз боланинг биринчи Ҳ. кўриши, унда иккиламчи жинсий белгилар

(мас, кўкрак беzi тўлишиб, қов усти ва қўлтиқда тук ўсиши ва б.) етилганидан кейин бошланади (қ. *Балоғатга етиш*). Биринчи Ҳ. кўриш муддати қиз боланинг соғлиғи ва турмуш тарзига, шунингдек, турар жойи ва иқлимга боғлиқ

Қизларнинг Ҳ. кўриши кечикса (15—16 ёшгача), албатта, аёллар маслаҳатхонасига учрашиши ва тегишли мас-лаҳат олиши лозим. Ойлик қон келиши аёл организмининг (қиз боланинг) хусусиятларига боғлиқ. Ҳ. кўриш муддати бошида ўзгарувчан бўлиб, кейинчалик аниқ бир вақтга тўғри келади. Кўпчилик аёлларда Ҳ. маълум кунларда бошланиб, доим бир текис, оғриқсиз кечади, аёлнинг умумий аҳволи деярли ўзгармайди, улар одатдаги юмушларини бажараверишлари мумкин, аммо ортиқча толиқмасликлари, жисмонан зўриқмасликлари, гигиена қоидаларига риоя қилишлари керак. Ҳ. кўриш вақтида баъзи аёлларнинг кайфияти бузилиб туради, бўшашади, сут безлари дағаллашади. Ҳ. кўриш циклининг ўзгариши организмда бирор-бир касаллик борлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳар бир аёл махсус хайз календари (ойномаси) тузиши ва унга Ҳ. куни, муддати ва б. маълумотларни мунтазам қайд қилиб бориши лозим, шундай қилинса, Ҳ. кўриш циклининг бузилишини ўз вақтида аниқташ мумкин. *Ҳомиладорлик* ва баъзан бола эмизиш даврида аёл Ҳ. кўрмайди. Аёлнинг бўйида бўлмаган даврида қон кўрмай қолиши (аменорея) ёки аҳёнда бир оз қон келиши (гипоменструал синдром), бир неча кун кўп қон келиши (менор-рагия), унинг оғрикли бўлиши (аль-гоменорея), шунингдек, Ҳ. қонидан ташқари бачадондан қон кетиши (мет-роррагия) бирор касалликдан дарак беради, уни ўз вақтида аниқдаб даволаш талаб этилади. Бундан ташқари, айрим аёлларда Ҳ. кўриш олди ҳолати кузатилади; бунда аёл бўшашади, кай-фияти ўзгаради, сут безлари дағаллашади, боши айланади, уйқуси бузилади, юраги ўйнайди, баъзан юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлади. Аёл организмининг нор-

мал функционал ҳолати турмуш тарзининг бекаму кўст бўлишига, қизларни ёшлигидан бошлаб тўғри тарбиялаш ва парвариш қилишга боғлиқ. Бу гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, *организмни чиниқтириш*, яхши овқатланиш, меҳнат ва дам олишни тўғри йўлга

қўйиш, жисмоний машқларни бажариш, инфекцион касалликлардан сақланиш, агар касаллик рўй бергудек бўлса, ўз вақтида даволатишдан иборат. Шунинг назарда тутиш керакки, қиз бола организмни Х. кўргунча унга аста-секин тайёрланиб боради, бунда организмнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган аъзо ва системалари (ички секреция безлари, юрак-томир, нерв системаси ва ҳ.к.) иштираётганда, бу мураккаб жараённинг ҳаммаси Х. циклининг нормал кечишида муҳим роль ўйнайди. Қиз бола организмни балоғатга етиш даврида ҳиссиётга тўла, турли нохуш омилларга нисбатан ўта таъсирчан бўлади.

Асабий ва руҳий бузилишлар, турмушдаги нохушликлар, жисмоний ва ақлий жиҳатдан толиқиш, шунингдек, айрим инфекцион касалликлар Х. циклининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу даврда қиз бола билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш, жанжаллашмаслик, ўта толиқишга йўл қўймаслик зарур. Қизлар биринчи бор Х. кўрганида (бу ҳақда тасаввурга эга бўлмаса) жуда ҳаяжонланади. Шунинг учун қиз болани Х. кўришига олдиндан тайёрлаб бориш лозим. Х. функциясининг бузилиши ва б. гигиенологик касалликларнинг олдини олишда Х. кўриш вақтидаги гигиена қоидаларига амал қилиш зарур. Ванна қилиш, чўмилиш тавсия этилмайди, гигиеник душ қабул қилиш мумкин. Жисмонан зўриқтирадиган машқлар билан шуғулланмаслик керак.

ҲАЙИТ (араб. ийд — байрам) — мусулмонларнинг диний байрами. Ислом анъанасида иккита Х. расман диний байрам сифатида нишонланади: катта Х.

ёки қурбон Х.и (араб. ийд ал-қабир, ийд ал-адҳо) ва кичик Х. ёки рўза Х.и (араб. ийд ас-сағир, ийд ал-фитр). Қур-бон Х.и ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш б-н, рўза Х.и эса рамазон ойи ниҳоясида оғиз очиш билан боғлиқ. Қур-бон Х.и ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10-қунида, рўза Х.и эса шаввол ойининг 1-қунида байрам қилинади. Х.да масжидда эрталаб Х. намози ўқиш, рўза Х.ида фитр-садақа бериш (Х. намозидан олдин), қурбон Х.ида эса қурбонлик қилиш ва ш.к. ислом билан боғлиқ маросимлар юзага келган. Х.даги бу маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари — арафа қуни ош улашиш, янги кийим кийиш, «ҳайитлик» бериш, сайил қилиш, яқин одамларини кўриш ва ҳ.к. ҳам қўшилиб кетган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қурбон Х.и ҳам, рўза Х.и ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

ҲАЙИТ ЗИЛЗИЛАСИ - 1949 й. 10 июлда Тожикистоннинг Ҳайит, Жирғатол, Гарм, Қалъаи-Дабиоб каби аҳоли пунктлари ва атрофдаги ҳудудларда содир бўлган. Зилзила ўчоғи 16 км чуқурликда жойлашган, кучи 10 балл, магнитудаси 7,5 бўлган. Ҳисор тоғ тизмасининг жан. этакларини лар-зага келтирган бу зилзила тўсатдан катта зарб билан бошланган, натижада 150 дан ортиқ қишлоқ бир зумда хароб бўлган. 9 балли эпицентр зонаси ғарбдан-шарққа чўзилган бўлиб, уз. 60—65 км ва эни 6—10 км ли май-донни ўз ичига олган. Зилзила пайтида Чоқурак тоғининг катта қисми Оби-Дара-Ҳовуз дарёси дарасига қулаб тушган. Тошутупроқ аралаш бўлган бу қатлам дарё суви билан катта тезликда пастга қараб водий томон ҳаракат қилган. натижада уюмлар бал. 700 м, уз. 5 км ва эни 1 км келадиган баҳайбат кўчки ҳосил қилиб, Ҳайит қишлоғини бутун аҳолиси билан кўмиб юборган. Қўшни Сурхоб ва Ясман дарёлари ён атрофларида ҳам бир қанча катта, кичик кўчкилар ҳаракатга кел-

ган, баъзи жойларда ер ёриқлари пайдо бўлган. Бу ёриқлар бўйича тоғ жинслари қатламларининг бир-бирига нисбатан силжишлари қузатилган. Дастлабки асосий зилзиладан кейин бу жойларда тебранишлар яна бир неча марта такрорланиб кучи 8 баллга етган. Зилзила натижасида жами 33 та қишлоқ тоғ жинсларидан хосил бўлган уюмлар остида қолган ва 12000 киши ҳалок бўлган.

ҲАЙИТМЕТОВ Абдуқодир Ҳожиметович (1926.27.5, Данғара тумани Қиёлиқум қишлоғи — 2005.7.5, Тошкент) — адабиётшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978), Филол. Фанлари д-ри (1965), проф. (1970). Ўрта Осиё ун-тининг шарқшунослик ф-тини тугатган (1949). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик (1953-57), катта илмий ходим (1957—67), директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва бўлим мудирини (1967—70; 1971—98), илмий маслаҳатчи (1998—2003), етакчи илмий ходим (2003 йдан).

Ҳ.нинг адабий-илмий фаолияти 50-й. ларда ҳикоя ва мақолалар ёзиш билан бошланган. Кейинчалик у фақати. т. ишлари билан шуғулланган ва унинг илмий фаолияти, асосан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини ўрганишга бағишланган. Ҳ. «Алишер Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари» (1959), «Навоий лирикаси» (1961), «Навоийнинг ижодий методи» (1963), «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан», «Навоий даҳоси» (1970), «Ҳаёт-бахш чашма» (1974), «Навоийхонлик суҳбатлари» (1993) каби асарлари билан навоийшунослик фанини янги бос-қичга кўтарган.

Ҳ. илмий фаолиятининг муҳим қисмини ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратиш билан боғлиқ ишлар ташкил этади. Унинг илмий раҳбарлиги ва бевосита иштирокида ўзбек тилида 5 ж.ли (1977—80), рус тилида 2 ж.ли (1991-92) «Ўзбек адабиёти тарихи» яратилган. Бундан ташқари, олим 4 ж.ли «Ўзбек адабиёти» мажмуаси, 3 ж.ли «Ўзбек поэзияси

антологияси», Алишер Навоийнинг 15 ва 20 ж.ли асарлар тўпламларини тузишда фаол иштирок этган. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» ҳамда «Фарҳод ва Ширин» дос-тонларининг насрий вариантларини тайёрлаб нашр этган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967, 1992). «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган (2003).

Ас: Табаррук излар изидан, Т., 1979; мерос ва ихлос, Т., 1985; Навоийхонлик суҳбатлари, Т., 1993; Темурийлар даври ўзбек адабиёти, Т., 1996.

Ад.: Абдуқодир Ҳожиметович Ҳайитметов (биобиблиография), Т., 1986; Воҳидов Р., Навоий қалбила сирлашган инсон, Т., 1999.

ҲАЙИТОВА Олмаҳон (1940.6.3, Хонка) — хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1993). Ашула айтишни дастлаб Ў.Саидов, кейинчалик К.Отаниёзовдан ўрганган. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1974). Аёллар орасида тор чалиб қуйлашни расм қилганлардан бири. Янгийул театри (1958-59), «Хоразм» (ҳоз. «Лазги») ансамбли (1959 й.дан)да яккахон хонанда. «Ўзбекнаво» бирлашмасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари (1995 — 2003), Тошкент маданият ин-тида проф. (2003 й.дан). Ҳ. барча пардаларда жарангдор. кучли ва кенг диапазонли овоз соҳибаси. Репертуаридан оммабоп кўшиқлар, мумтоз ашулалар («Феруз — 1», «Тошкент Ироғи» ва б.), Хоразм халқ дoston кўшиқлари («Ошиқ Ғариб ва Шохсанам»дан «Озод қил», «Било-билмадим», «Хатингни» ва б.), бастакор ва композиторлар асарлари (Ҳожабдулазининг «Гулузорим», «Самарқанд Ушшоғи», К. Отаниёзовнинг «Найлайн», С. Ҳайитбоевнинг «Ўзбекистон гуллари» ва б.), шунингдек, туркман, озарбайжон халқ кўшиқлари ўрин олган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фонотекасига (жами 250 дан ортик), бир неча грампластинка («Ўзбекистон

гуллари», 1976 ва б.) ва аудиокассетага ёзилган. Ҳ. ижодига бағишланган «Олмахон Ҳайитова куйлайди» телефильми ишланган (1982). Бир қатор мамлакатларда гастролда бўлган.

ҲАЙКАЛ (араб. — катта, улуг шакл) — 1) *тасвирий санъат* асари; *ҳайкал-тарошлиқ* тош, ёғоч, суякни йўниб, ўйиб, металл (асосан, бронза, зангламайдиган пўлат), бетон, гипсни қолипга куйиб, қотириб, сопол, чинни ҳайкалчалар тайёрлашда лойга шакл бериб, кейин қиздириш ишланади. Мону-ментал (очик ҳавода), даст-гоҳли (бино ичида), безак (меъморлик, боғ-паркда), жуда кичик ҳажмда ишланадиган (уй ичида безак вазифасини ўтовчи) хиллари бор; 2) заргарлик буюми; қорақалпоқ аёлларининг мураккаб кўкрак такинчоғи. Ҳайкел деб ҳам аталади. *Зебисардоннинг* энг қад. ва аниқ номи. Ҳ. асосий турунж ва бўйинга осиладиган занжирли қисмлардан иборат: юзаси босма нақшлар билан безатилган турунж қисми ҳажмдор бўлиб, йирик маржонли кўзлар қадалган япалоқ найча ва унинг устки ва остки томонига кунгурадор («она — маъбуда» тасвирини ифода-ловчи) шакллар ишланган қисмлардан иборат; куйи қисми япроқча, ду-малоқ куббачалар, зиғирақлар осилган занжирли шокилалар билан хошияланади. Қаддан ҳосилдорлик ҳомийси (тумор) сифатида кадрланган. Ҳ.ни раққосалар миллий кийимнинг таркибий қисми сифатида тақадилар.

ҲАЙКАЛ Муҳаммад Ҳусайн (1888. 10.8, Кафрғаннам — 1956.8.12, Қоҳира) — араб ёзувчиси, адабиётшунос ва давлат арбоби (Миср). Қоҳира ҳуқуқшунослик билим юртини тугатган (1909). Францияда сиёсий иқтисод ва ҳуқуқ фанларини ўрганган (1909—12). Консти-туцион-либералистлар партияси муас-сиси — «Сиёсат» жур.ни бошқарган (1922—33). 1943—52-й.ларда шу парти-янинг раиси. Маориф вазири (1937— 44), давлат ва-

зири ва сенат раиси (1945-50). Дастлабки «Зайнаб» (1914) романи билан миср насри ривожига янги босқични бошлаб берган. «Муҳаммаднинг ҳаёти» (1929), «Миср сиёсати ҳақида хотиралар» (1—2-ж., 1951—53), «У шундай яратилган» (1955) каби асарларида мамлакат тарихи, адабиётнинг таракқиёти, сиёсий ҳаёт ва б. мавзуларга мурожаат қилган.

ҲАЙКАЛТАРОШ (лот. *Zenitplog*) - осмоннинг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузи 4-юлдуз катталигида. Галактиканинг жанубий қутби Ҳ.да жойлашган. Ўзбекистонда сентябрь, октябрь ойларида яхши кўринади.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК - *тасвирий санъат* тури; борликни ҳажмли шаклларда, маконда уч ўлчамда тасвирлашга асосланади. Тасвир объекти, асосан, инсон; шунингдек, ҳайвонлар (*анима-листика*), табиат (*манзара*) ва нарсалар (*натюрморт*). Ҳ.нинг 2 асосий кўриниши — айланиб кузатиш имкони-ни берувчи думалоқ *ҳайкал* ҳамда фақат бир томондан кўришга мўлжалланган бўртма (қабарик) тасвир *рельеф* тури фарқланади. Рельеф, ўз навбатида, юзага нисбатан бир оз бўрттириб ишланадиган *барельеф* ҳамда тасвир юзага нисбатан анча бўрттириб ишланадиган *горельефта* бўлинади; шунингдек *нурсоя* ўйини ҳисобига тасвир кўзга ташланадиган текис юзага ишланадиган яна ўйма кўриниш мавжуд.

Ҳ. бажарадиган вазифаси ва мазмунига кўра бир неча турларга бўлинади: *монументал ҳайкалтарошлиқ*, *безак ҳайкалтарошлиғи*, дастгоҳҲ. (к. *Дастгоҳ санъ-ати*), майда ҳайкалтарошлиқ турлари ўзаро яқин алоқада ривожланади ҳамда ўзига хос хусусиятларга эга. Меъморлик санъати билан боғлиқ бўлган монументал Ҳ.ка муҳим тарихий воқеалар, атоқли шахслар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган монумент, ёдгорликлар, Ҳ. ансамбллари киради, улар ўзида катта мазмунни ифодалайди

хамда мустақил аҳамиятга эга; бироқ Ҳ.нинг бу тури бевосита муҳит, меъморий иншо-отлар ҳамда табиат билан уйғун бўлиши лозим, бу унга янада улуғворлик ва таъсирчанлик бахш этади. Мону-ментал Ҳ.ка хос бўлган хислатлардан бири қахрамонларни кўтаринки руҳда тасвирлаш-дир. Монументал Ҳ. асарлари узокдан кўришга мўлжалланганлиги сабабли, катта-катта яхлит шакллардан кенг фойдаланилади; одам юзидаги майда унсурлар, кийимдаги буклинишлар, майда қисмлар кўрсатилмаслиги мумкин.

Безак Ҳ.га истироҳат боғлари, хиё-бонлар, кўча ва боғлар, шунингдек, меъ-морий биноларнинг деворларини безаш учун ишланадиган турли безак ҳайкаллар киради; асарларида рамзий образлар, ҳайвонлар шакли кенг ишлатилади. Би-ноларнинг деворларига ишланадиган бўртма тасвирлар, амалий санъат буюм-лари юзасига ишланадиган безаклар, фаввора, панжа-ра, бадиий дарвозалар ҳам шу Ҳ. нинг кўринишидир.

Дастгоҳ Ҳ.га мустақил мазмунга эга бўлган, санъатнинг бошқа турла-рига тобе бўлмаган асарлар киради; улар кўрғазмалар, музей хоналарига ва уйларнинг интерьерига қўйиш учун мўлжалланади. Бу тур асарларда воқелик ўзининг бутун борлиғи билан акс этти-рилади ҳамда инсон руҳиятидаги нозик узгаришлар, унинг ички кечин-малари, кайфиятини очиб бериш имконияти кат-та. Дастгоҳ Ҳ. асарлари *бюст* (белга-ча бўлган портрет), *торс*, *ҳайкал* (одам гавдасининг натурал кат-талиқда иш-ланган кўриниши), *ҳайкалча* (натурал катталигидан кичик бўлган ҳайкаллар), *колосс* (ҳаддан ортиқ катталиқда иш-ланган ҳайкаллар, мас, Родос колосси), жанрли *ҳайкал* (муайян муҳитда тас-вирланган одам ёки одамлар гуруҳи) ва б. кўринишда бўлади. Кичик шакллар Ҳ.ги ўз харак-терига кўра амалий безак санъатига яқин туради. Бунга стол устига қўйиладиган сопол, чинни ва б. хом ашё-лардан ишланадиган ҳайкаллар киради. Энг кўп тарқалган турларидан бири *тер-*

ракота; *медаль ясаш санъати* ва *глипти-ка* ҳам шу турга мансуб.

Ҳ.да ижодкор нурсоя ўйинидан фой-даланиш орқали асарнинг таъсир кучини оширишга эришади (нур тушиши билан ҳайкал жонланади, нур йўналишининг ўзгариши билан ундаги нур-соя товлани-ши ҳам ўзгаради, натижада ундан томо-шабин оладиган таассурот ҳам ўзгариб боради). Бу айниқса мону-ментал ва безак Ҳ. асарлари учун кўл келади, чунки май-дон ёки хиёбонга ўрнатилган ҳайкалга эрталабки куёш нурлари бир жозиба бер-са, кечки кун ботиш пайтидан куёш нур-лари бошқача бир фойз киритади. Ҳ.ла инсоннинг ташқи кўриниши, сокин ёки ҳаракатдаги ҳолатини акс эттириш би-лан унинг имконияти тугамайди, асарда кечин-малар, ҳаяжон, ғамгинлик ва б. ҳам ўз ифодасини топади. Ҳайкалтарош маҳорати, тўғри топилган ҳаракат, юз-даги мимик ҳолат асарнинг таъсирили бўлишида муҳим ўрин тутуди. Ҳ. асар-лари учун тош, гранит, бронза, мрамор, ёғоч, металл (олтин, кумуш, пикель каби қимматбаҳо металллар) цемент, гипс каби турли материаллар ишлатилади. Ҳ.да танланган хом ашё унинг рангини белги-лайди. Халқ Ҳ.да-гина ҳайкалларни бўяш ҳоллари учрайди. Ҳ. асарлари яратишда юмшоқ моддалар (махсус лой, мум, пла-стилин ва б.), каттиқ моддалар (турли нав тошлар, ёғоч ва б.)дан кесиб (йўниб) ёки ўймакорлик билан кераксиз қисмларини олиб ташлаш йўли билан яратилади; суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтиш ху-сусиятига эга бўлган моддалар (турли металл, гипс, бетон ва б.)дан қолип ёрда-мида куйиб ишланади; керамика Ҳ. асар-лари гайёрашда махсус лой навларидан фойдаланилади, шакл бўяма иакш ёки рангли сир билан копланди ва махсус печларда куйдирилади. Ҳ. асари тагликка (постамент ёки пьедесталга) ўрнатилади; баъзан ҳайкалтарош мақ-садини юзага чиқаришда бир неча тагликка ўрнатилган ҳайкаллар, рельефлардан фойдаланиши мумкин.

Ҳ. қадимдан — ибтидоий жамиятда

инсоннинг меҳнат фаолияти ва диний тушунчаларнинг пайдо бўлиши билан шаклланиб, яшаш жараёнида Ҳ.га хос услуб (йўниш, ишлов бериш, юмшоқ лойдан шакллар яшаш) билан ўз хиссиёти, кечинмаларини тасвирлай бошлаган. Ҳайвонларнинг думалок, ғор ёки тош юзасига ишланган бўртма ҳайкаллари ибтидоий кишилар қарашларининг ифодасидир. Бўртма тасвирлар юмшоқ тош, суяк ва ёғоч юзасига ишланган, меҳнат ва ов қуролларини безашда ҳамда тумор сифатида ҳам фойдаланилган. Олтин ва б. қимматбаҳо материаллардан бўртма тасвири амалий санъат буюмлари, лойдан ҳайкалчалар яшашда катта муваффақиятларга эришилди (*скифяар маданияти*, Африка қитъасининг Нок манзилидаги сопол ҳайкаллар ва б.).

Кулдорлик тузуми давридан Ҳ.да янги боскич бошланди, бу давр услуб ранг-баранглиги, мавзу ва турларининг кўлами билан ажралиб туради. Бу жиҳатдан Ҳ.да Қад. Шарқнинг алоҳида ўрни бор: илк бор маҳобатли ҳайкаллар, дастгоҳ портретлари, жўшқин, ҳаракатга тўла бўртма тас-вирулар яратилди. Шумер ва Аккад, Бобил ва Оссурия ёдгорликлари, Мисрдаги маҳобатли ҳайкаллар, нафис бўртма тасвирлар шу даврнинг нодир ёдгорликларидир. Ўрта Шарқ, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яра-тилган Хоразм, Суғд, Бактрия ёдгорликлари, Тупроққалъа, Варахша, Аф-росиёб, Холчаён, Далварзинтепа, Куванинг маҳобатли ҳайкал ва бўртма тасвирлари, майда ҳайкалчалар, амалий санъат буюмларини безашда ишланган турли бадий шакллар даврнинг бой маданиятидан далолат беради.

Антик даврда воқебанд рельеф, портрет ўз ривожининг юқори боскичига кўтарилди, одамнинг руҳий ҳола-тини ифодалаш борасида катта ютуқларга эришилди. Юнонистон ва қис-ман қад. Римда яратилган Ҳ. асарларида инсоний туйғулар, унинг камолоти етакчи ўринни эгаллади, тасвирлашда ҳаққонийлик ҳукм сурди, жисмоний бақувват ва маъ-

навий гўзал инсон обра-зини яратиш юнон Ҳ.нинг бош мақсади бўлди (*Фидий* ва *Мирон*, *Поликлет* ва *Праксител*). Рим ҳайкалтарошлари портрет санъатида катта ютуқларга эришдилар, уларнинг асарларида ин-соннинг мураккаб кечинмалари кучли реализмда тасвирланди, шахснинг жисмоний ва маънавий ҳолати очик кўрсатилди; Римда илк бор отлик кўмондон ҳайкали ишланди, бўртма тасвирда ҳам катта ютуқларга эришилди: муҳим тарихий воқеаларга бағишлаб ўрнатилган устун ва зафар тоқилари воқебанд бўртма тасвирлар билан безатилди.

Ўрта асрлар Шарқ мамлакатларида Ҳ. ҳамма жойда бир хил ривожланмади. Жан., жан.-шарқий Осиё мамла-катлари (Ҳиндистон, Индонезия ва Ҳиндихитой мамлакатлари)да маҳо-батли, ишланиши нафис ажойиб ёдгорликлар яратилган бўлса, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Ҳ. амалий безак санъатининг Ҳ. билан чатишиб кетган тош ўймакорлиги, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, заргарлик ва кандакорлик асарларида ўз ифодасини топди, рўзгор буюмлари, тақинчоқлар тайёрлашда, бинолар безаги (намоёни)да кенг қўлланди. Европа мамлакатларида христиан дини Ҳ.ни ривожлантирувчи асосий куч бўлди: соборлар қошида Ҳ. устахоналари ташкил этилди, бу ерда бўлажак ҳайкал-тарошлар тайёрланди, ибодатхоналар учун думалок ҳайкал ва рельефлар яратилиб, улар диний ғояларни тарғиб қилишга хизмат қилди.

Ҳ. роман ва готика услубида қурилган бинолар композициясининг ажрал-мас қисмига айланди. 13-а. 2-ярми — 14-а. бошларида Европа реалистик Ҳ. наму-налари кўзга ташлана бошлади (Н.Пи-зано ва б.), дунёвий ғоялар (ёркин инсоний характерлар, ҳаётга муҳаббат руҳи)ни акс эттириш Ҳ.нинг бош вазифасига айлан-ди (Донателло, А.Верок-кьо ва б.), кўп планли рельефлар яра-тилди; бронзадан ҳайкал қуйиш санъ-аги мукамаллашди, майолика (қошинкорлик), кандакорлик амалиётда кенг ишлатила бошланди. *Ми-*

келанжело ижоди *Уйғониш даври* санъатининг юксак бир чўққиси бўлди. 17—19-а.лар Х. ҳам бой ва ранг-баранг; бу давр Европа Х.да *барокко, классицизм, реализм* услублари рақобатда бўлди. Уйғониш даври Х.га хос хотиржамлик, салобатлилик ўрнига барокко услуби билан шижоат, жўшқинлик кириб келган бўлса, клас-сицизм аксинча яна Уйғониш даври хотиржамлигига қайтишга, ҳамма нарса-ни ақл билан тартибга солишга ҳаракат қилди. Ўз мавқеини мустаҳкамлаб борган реализм услуби борлиқни тўлақонли акс эттиришга, инсон ҳис-туйғуларини чуқурроқ ифодалашга интилди (Л.Бернини, А.Канова, Ж. Гудон ва б.). 19-а. 2-ярмидан Х.да демократик тамойиллар ортиб борди, маиший ҳаёт, меҳнат мавзуси санъаткорларни ўзига жалб этди. Европа Х.да турли натуралистик оқим ва йўналишлар шаклланди, аввалги санъатлар синтезидан чекиниш юзага келди; бу даврда *импрессионизм, символизм* оқимлари ҳам Х.да ўз ифодасини топди. 19-а. охири — 20-а. бошидаги Х. ривожига даврнинг янги оқимлари таъсир этди. Бу жараёнда француз хайкалтароши *О.Роден* ижоди муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг таъсирида нафақат француз, балки кўпгина замонавий европалик ва б. хайкалтарошлар ижоди шаклланди. 20-а. Х. санъати қарама-қарши омилларга асосланган. Бир томондан реалистик санъат йўналиши ўз бадий кўламини кенгайтиришга, ифода воситаларининг таъсирчанлигини оширишга интилган бўлса, иккинчи томондан *авангард* санъати ўз имкониятларини кенг намоён эта борди. 20-а. бадий услублари (*кубизм* — П.Пикассо, А.Архипенко, А.Лоран; *конструктивизм* — А.Кольдер; *поп-арт* ва авангарднинг бошқа вакиллари) таъсирида Х. янги кўриниш ва анъанавий бўлмаган услуб ва материаллар билан бойиди. 19-а. ўрталарида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Х.да жонланиш бошланди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Х. асарлари яратила бошлади, унинг думалок ва бўртма тас-

вир-рельеф турида асарлар пайдо бўлди. Фавворалар ишга тушди, безак Х. асарлари билан дам олиш ва хор-диқ чиқариш масканлари, хиёбонларни безатиш одати кенгайди. Шу даврда ишланган қурбақа, кийик, ит, шер ва б. хайкаллар бир қанча (Тошкент, Бухоро каби) жойларни безаб турибди. Бухородаги Ситорай Моҳи Хосадаги мрамрдан ишланган шер хайкаллари, ислимий, гириҳ нақшлар, чиройли ёзувлар б-н ўйиб жило берилган сув новлари диққатга сазовор. Тош ва мрамар ўймакорлиги намуналари Хива меъморий ёдгорликларида кўп учрайди (жумладан, рельефли тош ва мрамар пой-ус-тунлар).

20-а. бошларидан халқ анъанавий амалий санъати усуллари кенг қўлланди ҳамда ривожлантирилди: Муқимий театри (1943) ҳамда Навоий театри (1948) биноси ва б. Х.нинг бошқа турлари ҳам кенг ривожлана бошлади. Анъ-анавий майда хайкалтарошлик ҳам янги мазмун ва мавзулар билан бойиди (*У.Жўрақулов, Х.Раҳимова, А.Мухто-ров* ва б.). Шу даврдан реалистик Х.нинг ҳамма турларида дастлабки намуналари яратилди. Монументал ва безак Х.ги бевосита меъморлик санъати билан боғлиқ ҳолда ривож топди: Э.Руш, Я.Кучис, Я.Страздин, О.Коржинская асарлари шу санъатининг дастлабки намуналари эди. Дастгоҳ Х.гида порт-рет ва жанрли композициялар пайдо бўлди (А.Иванов, Ф.Гришченко ва б.). Ўзбек хайкалтарошлигининг янги бос-кичи 20-а.нинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу даврга келиб хайкалтарошлар сафи кенгайди. Х.да академик тизим шаклланди. А. *Бойматов*, А. Аҳме-дов, Д.Рўзибоев, *А.Шоймуродов*, Э.Алиев, Х.Хус-ниддинхўжаев, *Я.Шаниро*, *Л.Рябцев*, *Д. Рябичев* ва б. Х.нинг барча тур ва жанрларида ижод қилиб, унинг равнақиға ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Монументал ва монументал-безак Х. борасида қатор асарлар яратишда тош, металл, шамот, сопол ва б. қат-тиқ материаллардан кенг фойдаланилди. Ўзбекистондаги ҳар бир меъморий маж-

муа санъатлар син-тези заминда шакллантирилиши Ҳ. ривожда муҳим ўрин эгаллади. Тошкент ш., вилоятлар ва туманлар марказларида бош майдон, йирик хиё-бон, кўчалар ва б. марказларда майдонлар ташкил этилди, уларда давлат ва фан, маданият арбобларига ёдгорликлар ўрнатилди: Тошкентдаги Пушкин (М.Аникушин), Самарқанддаги Алишер Навоий ва Жомий (Ҳ.Ҳуснид-динхўжаев ва В.Лунев) ҳамда Мирзо Улуғбек (М.Мусабоев) ва б. ҳайкаллар. Безак Ҳ.да афсонавий аждаҳо, кийик ва кўзичоклар ҳайкаллари яратилиб, маданий, маъмурий биноларнинг май-донларига ўрнатилди (Тошкентдаги Ўзбекистон БА Марказий кўргазмалар зали олдидаги ҳайкаллар ва б., Самарқанд музейи олдидаги аждаҳо, Бухоро Интурист меҳмонхонаси учун ишланган рельеф ва ҳайкаллар), февраларда Ҳ. кўринишлари ўз ифодасини топди.

Дастгоҳ Ҳ.нинг портрет ва анима-листика жанрларида А. Бойматов, А.Шоймуродов, А.Аҳмедов, ака-ука П. ва М.Ивановлар, Т. Қосимов, Д.Рўзиев, кейинроқ Ў.Жабборов, Т.Тўлахўжаев ва б., қорақалпоқ Ҳ.да Ж.Қуттимуродов, Тўраниёзов ва б. изланишлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. 1960—80 й.ларда даст-гоҳ Ҳ.нинг портрет, жанрли ҳайкал ва майда пластика (ҳайкалтарошлик)да жонланиш сезилди, услуб ва йўналишлари кенгайди. А. Ҳотамов, Т.Эсонов, М. Абдуллаев, Ф. Аҳмедзя-нов, М.Авакян, М.Раҳмонбердиев, М.Бородина, Л. Нестерович, М. Поруб, Т.Ёрқулов ва б. шу йўналишда ижод қилиб танила бошладилар.

Мустақиллик йилларида Ҳ.да йирик бадиий ёдгорлик ҳайкаллар барпо этилди, уларда аждодларнинг ёрқин киёфаларини яра-тишга эришилди. Бу даврда Ҳ.да яратилган асарнинг илк намунаси *Ўзбекистон миллий богинит* сўлим гўшасига ўрнатилган *Алишер Навоий* ҳайкали бўлиб (ҳайкалтарошлар Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дег-тяров,

1991), у атроф-муҳит билан уй-ғунликда; рамзий маънода барпо этилган меъморий қисм (айвон) шоирнинг маҳобатли киёфасини янада жонлантиради. Монументал Ҳ.да сермахсул ижод қилаётган И.Жабборов, Ж. *Мир-тожиев* ва б. асарларида санъатлар син-тезига асосланган асарлари юзага келди. Тошкент, Самарқанд, Шахрисабзда қад кўтарган Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкалларида соҳибкирон образи гавдалантирилди; саркарда «Жа-лолиддин Мангуберди» (2000), буюк аллома «ал-Фарғоний» (1998, Фарғона ва Кува ш.) «Заҳириддин Муҳам-мад Бобур» (1993, Андижон ш.да), «Абдулла Қодирий» (1994, Тошкент ш.да), «Чўлпон» (1997, Андижон ш.да), «Она» (Жиззах ш.да) каби йирик ёдгорлик асарларида тарихий шахслар киёфаси, «Алпомиш» рамзий ҳайкалида (1999, Термиз ш.да) халқ қаҳрамонининг бадиий талқини яра-тилди.

Дастгоҳ Ҳ.да замонавий ва миллий анъаналар ўзаро уйғунликда ривожланмоқда, бунда бадиий тасвирийлик етакчи ўрин тутади. Ҳ.да ўзига хос ижодий услубга эга бўлган Т.Тожиҳўжаев («Алишер Навоий», «Улуғбек», «Машраб», «Фурқат» каби буюк сиймолар ҳамда «Кураш», «Ракс», «Чавандоз» каби романтик асарлар), Д.Рўзиев («Наврўз маликаси», 2000), Ж.Қуттимуродов («Аёл», «Амударё», «Оккуш», «Авесто» туркуми ва б.), Ж. Мирто-жиев («Бобур — Ватан соғинчи», «Сайёҳ Бобур», «Темур Малик», «Бехзод») ва б. ҳайкалтарошлар самарали ижод қилмоқда. Майда Ҳ.да ҳам катта муваффақиятларга эришилди, сопол (терракота), шамот, чинни, фаянс, ёғоч ва б.да асарлар юзага келди. *Ш.Мўминовнинг* чинни ва сопол шакллари нозик ҳамда тасаввурининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради, *Н.Қодиров*, В. Шурков ва б.нинг сопол ҳайкалчалари ишланиши халқ ижодиётига яқинлиги, енгил юмори билан диққатни ўзига тортади.

Ж: Кепинов Г.М., Технология скульп-

птурн, М., 1936; Голубкина А.С., Несколькo слов о ремесле скульптора, М., 1963; Апухтин О.К., Тасвирий санъат асослари, Т., 1967; Ўзбек санъати, Т., 2000.

Неъмат Абдуллаев.

«ХАЙРАТ УЛ-АБРОР» («Яхши кишиларнинг хайратланиши») — *Алишер Навоий* «Хамса»сининг биринчи достони (1483). Панд-насихат руҳидаги таълимий-ахлоқий, фалсафий дoston. 3988 байтдан иборат бўлиб, 64 боб, 29 мақолатдан ташкил топган. *Арузини*т сарёф баҳрида ёзилган. Асар анъанавий муқаддима — ҳамд ва наът билан бошланади. Навоийнинг дунё ҳақидаги қарашлари мана шу муқаддидада ўз аксини топган. Унингча, дунёнинг боши ҳам, охири ҳам, яратувчи ҳам, кузатувчи ҳам Аллоҳдир:

Аввал ўзунг, мобайн ўзунг,

Барчага холик, бориға айн ўзунг.

Асарда шоир Аллоҳ, борлик, инсон ҳақида шундай фикрлайди: бир вақтлар бу жаҳон пинҳон (яширин) эди. На ер, на кўк, на кун, на тун — ҳеч нарса йўқ эди. Сендан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса йўқ эди. Нозир ҳам, манзур ҳам ўзинг эдинг. Ишқингдан маст, ҳуснингдан масрур эдинг, ҳуснинг жилвасига чеку чегара йўқ эди. Сенга кўзгу керак бўлди ва шу мақсад билан дунё майдонга келди. Демак, дунё сенинг жамолинга ойнадир. Сен дунёни ғоят гўзал (латиф) қилиб ярат-динг, лекин ҳаммасидан инсонни улуғ (шариф) айладиңг. Бинобарин, Аллоҳ ҳар нарсадан улуғ ва яқин тутган инсон ҳам табиатнинг, ҳам жамиятнинг гултождир. Навоий дунёни Аллоҳнинг намоён бўлишидир, деб билади. Инсон эса унинг марказий сиймоси.

2 боб устозлар таърифига бағишланган, 2 боб сўз ва ундаги маъно ҳақида. Сўнг Хусайн Бойқарога, улуғ пирлар: Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрорга бағишловлар келади. Ниҳоят, 22-бобдан мақолатлар бошланади. 1-мақолат иймон, 2-мақолат ислом,

3-мақолат шоҳлар ҳақида. Унда шоир бевосита шоҳга мурожаат қилади: «Эй, дабда-баси оламни тутган султон, сенга ҳақ ҳукмфармолик берди, қўлингни баланд қилиб, эл-халқни, не-не буюқларни қошингда паст этди. Лекин шуни билки, сен ҳам уларнинг кўпидан ожизроқ бир бандасан... Ҳақ сенга вазифа топширган. Биринчи вазифа — берган неъматига шукр қилмоқ, иккинчиси — халқни хуррам тутмоқ, ҳақини ҳақлаб бермоқ, асрамоқ. У сенга омонат берилган. Агар сен элнинг бир синиқ игнасини тортиб олсанг, охи-ратда олмос ханжар бўлиб, бағринга қадалади. Ингичка бир ип каби зарар етказган бўлсанг, уни сени ҳалок қилувчи илон деб билавер... Беайб Парвардигор, лекин айб қилдингми, тавба қил. Адолатсизлик қилдингми, адолат қил». Шу тариқа ҳар бир мақолат бир мавзуга бағишланган. Шоир дастлаб мавзу билан таништиради. Унга муносабат билдиради, яъни тасдиқ ё инкор этади, айни мавзуга муносиб бирор ибратли ҳикоя келтиради.

Навоий дostonда умр, унинг мазмуни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир саволлар қўяди ва кейинги дostonларда муайян тақдирлар, воқеалар мисолида уларга жавоб беради. Дostonда ўша давр ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган (яна қ. *Алишер Навоий*).

Бегали Қосимов.

ХАЙСАМ ибн КУЛАЙБ аш-ШОШИЙ, Имом аш-Шоший (тўлиқ исми Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (Шурайх) ибн Маъқил аш-Шоший ал-Бинқатий атТуркий ал-Адиб) (? — 947) — йирик муҳаддис. Шош вилоятининг маркази *Бинкатаа* туғилган. У 9-а.нинг 2-ярми — 10-а. бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳадис илми ривожланган олтин даврда яшган. Илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда бўлиб, буюқ муҳаддис

Абу Исо Муҳаммад атТермизий ва б.дан сабоқ олган. Шунингдек, хорижий мамлакатларга ҳам сафар қилиб, Балхда Закариё ибн Яҳё ибн Асад ал-Марвазий, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Бағдодда Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Яҳё ибн Жаъфар аз-Забаркон каби машхур олимлардан таълим олган ва кўплаб шогирдлар етиштирган. Аллома илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқандда кечган, Бин-катда вафот этган. Ҳадисларга оид «ал-Муснад» («ал-Муснад ал-Кабир») асари бор. Мазкур асар 1992 й. доктор маҳфуз арРаҳмон Зайнуллох томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилди мадинада нашр этилган.

ҲАЙЪАТ (араб. — шакл, кўриниш) — 1) одамлар мажмуи, таркиби. Мас, мажлис, кенгаш ва ш.к.ни бошқариш учун сайланган кишилар гуруҳи (*қ.Президиум*); бирор нашрни тайёрлашга жамоа раҳбарлик қилувчи муассаса (мас, *Тахрир ҳайъати*); 2) осмон ва ундаги жисмларнинг шакл ва ҳаракати тўғрисидаги фан.

ҲАКАМ (спортда) — спорт мусобақасини назорат қилувчи, унинг белгиланган қоидалар асосида ўтишини таъминловчи, қатнашчи спортчиларнинг натижаларини баҳоловчи, учра-шув пайтида юзага келадиган низоларни барараф этувчи, умуман мусобақанинг аниқ меъёрлар асосида ўтишига масъул шахс. Ҳ.лар спорт турлари мусобақаларида бажарадиган вазифаларига қараб қуйидагича номланади: комиссар, назоратчи Ҳ., бош Ҳ., катта Ҳ., иккинчи Ҳ., ёрдамчи Ҳ., дарвоза ортидаги Ҳ., учрашув соф вақтини ҳисобловчи Ҳ., тўр олдидаги Ҳ., чизикдаги Ҳ., котиб Ҳ. ва х.к. Мусобақадан кейин тузилган Ҳ.лар қарори ташкилотчилар томонидан якуний ҳулоса учун қабул қилинади. Баъзи ҳолларда Ҳ.лар қаро-рига аниқлик киритиш учун электрон ускуна кўрсаткичлари, фототасвир ва видеоёзувлардан фойдаланилади. Ҳ.лар халқаро, миллий (респуб-

блика), I, II ва III тоифаларга бўлинади.

ҲАКАМ II, ал-Мустансир биллох (? — 976) — *умавийлар*дан бўлган *Қуртуба халифа*, *теги* халифаси (961 й.дан). Отаси *Абдураҳмон III* нинг сиёсатини давом эттириб Испаниянинг христиан қиролликлари — Леон ва Наварра билан муваффақиятли кураш олиб борган; 966 й. уларни халифалик учун манфаатли бўлган сулҳ шартномаси тузишга мажбур қилган. Шу йили Ҳ. II қўшини *норманлар* ҳужумини даф қилган. Ҳ. II мусулмон Испанияси маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, бу йўлдаги саъй-ҳаракати билан шухрат қозонган. Унинг ҳукмронлиги даврида Қуртуба Ғарбий Европанинг энг йирик маданий марказига айланган.

ҲАКАМЛАР СУДИ - фуқаролар билан фуқаролар ва ташкилотлар билан ташкилотлар ўртасида келиб чиққан баъзи фуқаролик ҳуқуқий характердаги ни-золарнинг учинчи шахс ёки шахслар (хोलислар) томонидан кўрилиши. Ман-фаатдор тарафларнинг фуқаролик ҳуқуқлари фақат умумюрисдикция суди томонидангина эмас, балки Ҳ.с томонидан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин. Ҳ.с низолашувчиларнинг алоҳида келишуви билан бир ёки бир неча (тоқ сонли) шахслар таркибида фуқаролик ҲУҚУҚий характердаги низони ҳал этиш учун ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида Ҳ.с низоли ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларига ва низонинг предметига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

фуқаролар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун тузиладиган Ҳ.с; ташкилотлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун тузиладиган Ҳ.с; ташки савдога оид низоларни кўрадиган ва денгиз ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларни ҳал қилиш учун тузиладиган ҳакамлар судлари.

Фуқаролар ўртасидаги низолар

ҳакамлар (холислар) суди томонидан Ҳ.с. тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳал қилинади. Бу ҳужжатнинг 1—20-моддаларида кўрсатилишича, фуқаролар (меҳнат ва оила муносабатларига доир низолардан ташқари) ўз ўрталарида келиб чиққан ҳар қандай ни-зони Ҳ.с. нинг кўриши учун топширишлари мумкин. Ҳ.с. ҳар сафар ни-зонинг ҳамма иштирокчиларининг алоҳида келишуви билан ташкил этилади ва ҳар қайси тараф томонидан баравар миқдорда сайланган бир ёки бир неча судья таркибида тузилади. Ҳ.с.да ишлар жамоатчилик асосида, хизмат ҳақи олинмасдан кўрилади. Ҳ.с.нинг ҳал қилув қарори ихтиёрий равишда ижро этилмаса, туман (шаҳар), туманлараро суди берадиган ижро варақасига асосан мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин.

Хўжалик ташкилотларининг айрим мураккаб ишлари бўйича бўлган низоларнинг Ҳ.с.да кўрилиши мақсадга мувофиқ деб топилган. Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик ни-золари ўзаро келишувга биноан ҳар бир кон-крет иш бўйича сайланадиган Ҳ.с.га кўриш учун топширилиши мумкин. Ҳ.с.нинг ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг 5 кун ичида иш кўрилган жойдаги хўжалик судига сақлаш учун топширилади. Бирлашмалар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари Ҳ.с. то-мо-нидан аниқланган камчиликларни баргараф этиш учун чоралар кўришга ва иш сақланиб турган хўжалик судига бу ҳақда 1 ой ичида маълумот беришга маж-бурдирлар. Ҳ.с.да кўриладиган ишлар бўйича давлат божи олинмайди.

Ташқи савдога оид битимлардан келиб чиқадиган низоларни, жумладан хорижий фирмалар билан Ўзбекистон Республикаси хўжалик ташкилотлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун Савдо палатаси қошида ташқи савдо ар-битраж комиссияси ташкил этилган. Бу комиссиянинг ваколати ташқи савдо ар-битраж комиссияси тўғрисидаги Низом

билан белгиланган.

Денгиз ҳуқуқи билан тартибга со-линадиган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси савдо палатаси қошидаги денгиз арбитраж комиссияси томонидан кўрилади. Бу комиссия Денгиз арбитраж комиссияси ҳақидаги Низомга мувофиқ иш олиб боради.

Шоакбар Шораҳметов.

ҲАКИМ (985-1021) - *Фотимий-лар* сулоласидан бўлган халифа (996 й.дан). Ҳ. даврида *Фотимийлар хали-фалиги* ниҳоятда кучайган. Ҳ. ички си-ёсатида фуқаролар (айниқса христиан ва яҳудийлар) оммавий равишда таъкиб этилган; баъзан сунний-муслмонлар ҳам қувғин қилинган. Ҳ. ҳукмронлиги охирида саройда шиаларнинг роли ош-ган, уларнинг таъсири остида Ҳ. (1017 ёхуд 1018 й.) ўзида Аллоҳ мужассам этилганини эълон қилган; буни эъти-роф этган қавмлар *друзлар* фирқасини ташкил этган. 1021 й. 13 фев. да Ҳ. сай-ил қилиб юрган чоғида сирли равишда ғойиб бўлган.

ҲАКИМ ат-ТЕРМИЗИЙ - қ. *Терми-зий.*

ҲАКИМ БУХОРИЙ - қ. *Сирож*
Ҳаким.

ҲАКИММУЛЛА МИРХОНАҚОҲИ — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги меъморий ёдгорлик (16-а.). Халқ ораси-да «Ҳазрати Эшон» номи билан машҳур бўлган Шайхулислом Амир Ҳусайн мулла Мир томонидан қурилган; бош пештоқ олдидаги қабртошига унинг исми ва вафот этган сана (1587) ўйиб ёзилган. Хонақоҳ тўртбур-чак тарҳли (17,5x21,5 м, бал. 20 м), пештоқ-гумбазли (3 томо-ни пештоқ-ли), марказий гумбазли жа-моатхона (тарҳи 8,5x8,5 м) ҳамда бур-чаклардаги хона (хужра)лардан иборат. Бино 2 қаватли, асосий тарзи улуғвор, 2 ёнига гулдасталар ишлаган. Гумбаз 8

киррали пойгумбазга ўрнатилган, пойгум-базда равокли дарчалар бор; гум-баз ости равокли бағалларидаги ироки мукарнаслар косалари зангори, қизил ранглар билан пардозланган. Гулда-сталар ичидаги айланма зина орқали равокли қафа-сага чиқилади (кафасадаги бир очик равок орқали хонақоҳ томига ўтиш мумкин).

ҲАКИМ НАЗИР (Назаров Ҳаким назирович) (1915.15.10, Тошкент) — болалар ёзувчиси. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1984). Тошкент кечки пед. ин-ти (1941) ва Москвада Олий адабиёт курсини (1956) тугатган. Ёшлар газ. ва жур.ларида (1933-41), Ўзбекистон радио кўмитасида (1942— 53), Бадиий адабиёт ва санъат нашриётида (1956—61) ишлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1953—54), адабий маслаҳатчи (1954—78). Илк ҳикоялар тўплами — «Қишлоқдаги жиянларим» (1948)да қишлоқ болаларининг ҳаёти ва меҳнати тасвирланган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва б. ижодидан маҳорат сирларини ўрганган. «Кўкорол чироқлари» қиссаси (1954; қайта ишлангани — «Сўнмас чироқлар», 1958)да меҳнат жараёнида ёшлар характеридаги ижобий фазилатлар шаклланиши тасвирланган. «Сув гадоси...» (1962), «Ёнар дарё» (1965) қиссаларида чўлга оби-ҳаёт келтириш, газ конини очиш учун курашаётган ёшлар образи яратилган. «Лочин қанотлари» романида (1973) 2-жаҳон уруши даври воқеалари акс этган. «Кўктерак шабадаси» қиссаси (1968) катта ёшдагиларга бағишланган. «Кенжатой» қиссаси, «Чиранма ғоз—хунаринг оз» пьесаси, очерклар, ҳикоя ва мақолалар муаллифи. А.Гай-дар, П.Павленко, Л.Кассиль, В.Ка-таев ва б.нинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

Ас: Танланган асарлар [5 ж.ли], Т., 1977-81; Ветрм Кок-терака. Повесть и рассказ-зн. М., 1961; Сабир-внук. Надира, Повесть, М., 1979.

Ад.: Норматов М., Ҳаким Назир. Ижодий йўли. Т., 1973.

ҲАКИМЖОНОВ Абдумажид (1904-Тошкент — 1990) — график rassom, Ўзбекистон халқ rassomi (1950). Ҳаваскор болалар тўғаракларида расм чизишни ўрганиб, Туркистон rassomлик техникумида ўқиган (1920—23). 1921 й.дан «Болалар дунёси» журна-ли саҳифаларида расмлари босилган. 1923—26 й.ларда Ленинградда кўп рангли мат-баа бўйича малака ошириб, Тошкентга қайтгач, 1964 й.гача рангли магбаа соҳасида ишлаб, кўпгина шо-гирдлар етиштирган. Республика газе-та ва жур-наллари, айниқса «Муштум» саҳифаларида сатирик руҳдаги расмлари, пла-катлари босилган.

ҲАКИМОВ Акбар Абдуллаевич (1949.9.8, Термиз ш.) — санъатшунос, Ўзбекистон БА акад. (1997), санъат-шунослик фанлари д-ри (1993), проф. (1996). Тошкент театр ва rassomлик санъати ин-тини тугатган (1972). 1969 й.дан *Санъатшунослик* ин-тида катта лаборант, илмий ходим (1979—82), бўлим му-дири (1982— 92), директор ўринбосари (1992— 97; 2000-05 йларда директор ва-зи-фасини бажарувчи); 2005 й.дан етакчи илмий ходим. Айни пайтда Ўзбекистон БА бош илмий котиби (1997—2005). Ҳ.нинг илмий ишлари Ўрта Осиё ба-диий хунармандлиги масалаларини ўрганишга бағишланган. Ҳ. бир қанча халқаро илмий анжуманлар катнашчиси, кўргазмалар лояихаси ва уларга тузилган каталоглар ҳаммуаллифи («Орол фожи-аси», «Ўзбекистон — Амир Темур вата-ни» ва б.) «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган (2000).

Ас: Искусство Центральной Азии, Л., 1987; Современное декоративное искусство Цент-ральной Азии, Т., 1988; Современная декора-тивная пластика респу-блик Средней Азии, Т., 1999; Искусство наций, М., 2000.

ҲАКИМОВ Жалил (1920. 16.5 - Тошкент — 1980.29.10) — наққош. Тошкент наққошлигининг йирик вакили; Ўзбекистон халқрассоми (1969). Тошкент бадиий ўқув-ишлаб чиқариш к-тида Олимжон Қосимжоновнинг таълим олган (1935—38). 1948 й.гача умумий таълим мактабларида ўқитувчи, 1948 й.дан Островский номидаги пи-онерлар саройида тўғарак раҳбари, 1951 й.дан Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида нақ-қошликдан дарс берган. Ҳ. қоғоз, ёғоч, ганчга бўяма нақш ишлаш санъати (ай-ниқса ҳандасий нақшлар ечими)ни пухта эгаллаган, уста ижодида гулли гирихни кўп қўллаб ажойиб безаклар ишлаган; у яратган нақшлар, мужас-самотлар аниқлиги, майда қисмларга бойлиги, ўзига хос ёрқин яшил рангли колорити, ранглар уйғунлиги ҳамда нафосати билан диққатга сазовор. Тошкентдаги «Мовий гумбазлар» чойхонаси (1970); Тошкент марказий универ-маги (1971), Тошкент вокзали (1978) ва б. жамоат биноларидаги нақшин безаклар устанинг маҳоратидан дарак беради. Ҳ., шунингдек, меъморий оби-далар (Амалий санъат музейи биноси ва б.)ни таъмирлашда қатнашган. Ҳ. беазаган хонтахта, курси, кутича ва б. буюмлар республика ва чет мамлакатлардаги кўрғазмаларда намоиш этилиб, юқори баҳоланган. Ишларидан намуналар республика музейларида сақланади. Ҳ. кўплаб шогирдлар (А. Илҳомов, К. Каримов, М.Тўраев ва б.) етиштирган.

ҲАКИМОВ Малик Ҳақимович (1921.25.10 - Тошкент- 1980.12.5) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972). Юридик фанлари д-ри (1965), проф. (1967). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1939—1942). Тошкент юридик ин-тини тугатган (1945). Бутуниттифоқ сиртки юридик ин-ти Тошкент филиа-лининг директори (1949—50). Тошкент юридик ин-тида катта ўқитувчи (1950-53). ВЦСПСнинг Тошкент олий мактабида кафедра муди-

ри ва директор ўринбосари (1953—56). Партия тарихи ин-тида сектор мудири (1956— 57). 1958 й.дан умрининг охиригача Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти сектор мудири. Ҳ.нинг илмий ишлари давлат ҳуқуқи, ўзбек давлатчилиги тарихига бағишланган. Тошкент ш. Мирзо Улуғбек туманидаги кўчалардан бири унинг номи билан аталади.

Ад.: Эзгуликка бағишланган умр, Т., 2001.

ҲАКИМОВ Неъматжон (1924 й., Анди-жон ш. — 1944.28.1, Волинь вилоятининг Маневичи тумани) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, катта сержант. 1943 й. сент.дан фронтда. 115-отлиқ аскарлар полки (1-Украина fronti 13-армия 6-гвардиячи отлиқ аскарлар корпусининг 8-гвардиячи отлиқ аскарлар дивизияси) взвод командири ёрдамчиси. 1944 й. 28 янв.да Козлинич кишлоғи (Волинь вилояти, Маневичи тумани) яқинидаги Стирь дарёси ёнидаги жангда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган. Ўлимидан сўнг Қаҳрамон унвони берилган (1965 й. 6 май). Маневичи туманидаги баландлик ёнида, Андижон ш.даги майдонда ва 32-,37-мактаблар олдида бюсти ўрнатилган. Волинь вилоятининг Луцк ш.даги кўчалардан бирига унинг номи берилган.

ҲАКИМОВ Олим (1919.12.5 -Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла кишлоғи — 2003.20.11) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, майор. 1939 й.дан армия-да. 1941 й. Ленинград харбий сиёсий билим юртини тугатган. 487-ўқчи полки батальони (1-Белоруссия fronti 47-армиянинг 143-ўқчи дивизияси) офицери. 1945 й. 16 янв.да Польшанинг ломна аҳоли пункти ёнида Висла дарёсини кечиб ўтиб, плацдармда бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қаҳ-рамон унвони берилган (1945 й. 27 фев.). Урушдан сўнг турли раҳбар ла-возимларда ишлаган.

ҲАКИМОВ Хожи Акбарович (1909.15.5 — Тошкент — 2001.23.11)

— хирург, гематология ва трансфузиология хизмати ташкилотчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1944). Тиббиёт фанлари номзоди (1959). Ўрта Осиё тиббиёт ин-тини тугатгач (1933), шу ин-т хирургия клиникасида ординатор (1933—37), Оҳангарон туман шифохонаси бош врач (1937—38), Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи (1938—39), Соғлиқни сақлаш халқ комиссари ўринбосари (1939—40), уруш қатнашчиси (1941—45), 1946 й.дан республика соғлиқни сақлаш вазири муовини. Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш и.т. институти директори (1961—84), 1985 й.дан илмий маслаҳатчи.

Илмий фаолияти гематология ва қон қуйиш масалаларига оид.

ҲАКИМХОНТУРА, Хўжа муҳаммад Ҳақимхонтўра бин Сайид Маъсумхон (1802, Қўқон — ?) — тарихчи олим, маърифатпар-вар. Ҳ. она томондан Қўқон хони *Нор-бўтабийнинг* набираси, *Олимхоннинг* жияни; ота томондан машҳур сўфи шайхлардан Аҳмад Хожаги Косоний (*Маҳдуми Аъзам*) авлодидан бўлган. 1822 й.да Ҳ. Тўрақўрғонга, сўнгра наманган ва Косонга ҳоким қилиб тайинланган. Кейинчалик хоннинг ғазабига дучор бўлиб хонликдан кетказилган. 1824 й.да Ҳ. Оренбургда рус императори *Александр I* билан учрашган. У Россиядан кейин Туркия, Сурия, Фаластин, Миср орқали Макка ва Мадинага борган. 7 й. Миср, Ара-бистон ва Эронда, 1830 — 31 й.лар Бухорода яшаган. Умрининг сўнгги йилларида Шаҳрисабзда яшаб, «Мун-тахаб аттаворих» («Йилномалар тўплами») номли тарихий асар ёзган. Бу асар Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги тарихига оид муҳим манбалардан ҳисобланади. Унда пайғамбарлар ҳақидаги ривоятлар, қад. Эрон, Араб халифалиги, сомонийлар, сал-жукийлар, хоразмшоҳлар, мўғуллар, теурийлар ва бобурийлар даври тарихидан қисқача маълумотлар берилган. Шунингдек, Бухоро ва Қўқон хонли-

қларининг ташкил топишидан бошлаб 19-а.нинг 40-й.ларигача бўлган тарихи батафсил тасвирланган. Унда Россия, араб мамлакатлари ва Эронга қилган саёҳатлари натижасида олган таассуротлари ва шу жумладан, мазкур мамлакат халқларининг турмуши, урф-одатларига оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Асарнинг ўзбек ва форс тилларидаги вариантлари мавжуд.

Ҳайдарбек Бобобеков.

ҲАКИМХЎЖА КОЗИКАЛОН (1802 — Тошкент — ?) — Тошкентнинг сўнгги козикалони. 1865 й.да Россия қўшинлари Тошкентни қамал қилганида шаҳар мудофааси раҳбарларидан бири. Шаҳар рус қўшинлари томонидан эгаллангач, Ҳ.қ. Абулқосим эшон, домла *Солиҳбек охунд* сингари нуфузли кишилар билан *М.Т.Чер-няев* қароргоҳига бориб Тошкент ш.ни идора этиш хусусида у билан музокара олиб борган (1865 й. 12 июль). Ҳ.қ. ҳамма масалада ўз халқи манфаатлари сақланган ҳолда амниятнома тузилишига сабабчи бўлган. 1866 й. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори генерал Романовский номига лаганбардорлар муҳри босилган тавсифномага имзо чекмагани туфайли генерал билан муносабати ёмонлашган.

1867 й.да фон *Кауфман* Тошкентга келганида Ҳ.қ. хусусидаги таърифларни эшитиб, унинг уйига боради. У билан суҳбатлашиб муаммоли масалаларда унинг маслаҳатларига муҳтож эканлигини билдирган. Кауфман уста дипломат бўлгани учун Ҳ. қ.дан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади. Бу ҳийлани пайқаган қози-калон ўз аризасига биноан вазифасидан бўшатилади. Қозикалон мансаби бекор қилинганч. Ҳ.қ.нинг ўғли *муҳиддинхўжа қози* Себзор қозилигига сайланади ва 25 й.ча бу вазифани адо этади.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-ж. [Тур-кистон чоризм мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

Ҳамдам Содиқов.

ҲАККА — қ. *Зағизгон*.

ҲАЛ (араб.) — эритилган олтин, кумуш ва б. металллар кукуни: 1) *заргарликда* бирор металл юзасига (кумушга олтинни, металлга эса кумушни) югуртириш учун ишлатилади ҳамда шундай эритмани бирор буюмга ёпишгани ҳам Ҳ. деб аталади; 2) *наққошлик* (жумладан, *меъморлик*)*аа* нақшни бўяшда кенг қўлланади. Бунда олтин, кумуш, бронза кукуни *лок*, алиф ёки елим билан аралаштирилиб бўёқ тайёрланади, шу бўёқда нақш бўялади, *зарҳалланади*. Баъзан безак юзасига лок суртиб устига Ҳ. пуркаб пардоз берилади. Ҳ.га тухум (тиллага сариғи, кумушга оқи) кўшилса, бўёқ ялтироқлик хусусиятини яхши сақлайди. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий обидалар Ҳ. аралашмани бўёқлар билан пардозланган (мас, *Амир Темури мақ-бараси*, *Тиллакори мадраса* ва б.).

ҲАЛАБ, Алеппо (қад. номи Беройя) — Суриянинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳалаб муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,6 млн. киши (1994). Иқтисодий ва маданий аҳамияти бўйича мамлакатда Дамашқ ш.дан кейин 2-ўринда. Транспорт йўллари чорраҳаси. Қ.х. (чорвачилик, дон, пахта, зайтун, узум) районининг савдо маркази. Тўқимачилик, кўн-пойабзал, це-мент, озиқ-овқат саноати корхоналари, трактор 3-ди мавжуд. Хунармандчилик ривожланган: турли бадий ва уй-рўзгор буюмлари тайёрланади. Гилам, шойи тўқилади. Ун-т, миллий музей бор. шаҳар мил.ав. 20-а.дан маълум. Меъморий ёдгорликлардан 12—16-а.ларга оид бинолар (қалъа, шаҳар девори қолдиқлари, масжид-мадрасалар, бозор расталари ва б.) сақланган.

ҲАЛИМ — буғдой ва мол гўштидан тайёрланадиган қадимий таом, ўзбек пазандалигида тансиқ таомлардан бири. Узоқ кайнатиб пиширилади. Бухоро

ва Самарқанд вилоятларида «ҳалиса» деб ҳам номланади. Ҳ. тайёрлаш учун кайроқи буғдой бир оз намланиб, ёғоч кели (ўғир)да туйилиб, совуқ сувда ювилади, сўнг 5 — 6 соат давомида илиқ сувда ивителиди.

Ўсимлик ёғи қиздирилган қозонда лўнда-лўнда тўғралган қўй ёки мол гўшти кизаргунча қовурилади, сўнг тайёрлаб қўйилган буғдой солиниб, дарҳол сув қуйилади ва 2—3 (дош-қозонларда 9—10) соат давомида милдирагиб қайнатилади. Таом тўхтовсиз қовлаб турилиши лозим. Агар буғдой пишмай туриб суви буғланиб кетса, оз-оздан қайноқ сув қуйиб турилади.

Ҳ.нинг буғдойи эзилиб, гўшти эса хил-хил пишиб, буғдойга толасимон бўлиб аралашиб кетгач тузи ростланади ва олови пасайтирилиб, 2—3 соат давомида «дам берилади». Тайёр таом лаган, тақсимчаларда дастурхонга тортилади (айрим жойларда сузилган таомга долчин ёки шакар сепилади). Ҳ. кўпроқ Наврўз байрами-да, маърака-маросимларда, ҳайит, улуг ёшни нишонлаш ва б. да тайёрланади.

ҲАЛИМОВ Олимжон (1912, Бухоро — 1984, Нукус) — композитор, созанда (ғижжак). Ўзбекистон (1957) ва Қорақалпоғистон (1982) халқ артисти, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1949). Ўзбекистон мусиқа меросини отаси *Домла Ҳалим Ибодовдан* ўзлаштирган. Самарқандда Ўзбекистон мусиқа ва хореография инти (1932), Консерватори (1958)ни тугатган. Тошкент вилояти к-з-совхоз театри (1941), Фарғонада ашула ва рақс ансамбли (1942—43)да мусиқа раҳбари, Қорақалпоғистон мусиқали театрида дирижёр ва мусиқа раҳбари (1944—68), Нукус санъат билим юр-тида педагог (1960 й.дан), Ўзбекистон Композиторлари уюшмасининг Қорақалпоғистон бўлими раиси (1967 -77).

Ҳ. 20 дан ортиқ мусиқали драма ва комедиялар, «Қирқ қиз» вокал-сим-фоник

поэмаси, «Қорақалпоғистон» кантатаси, сюита, қорақалпоқ халқ куйлари асосида фортепиано учун «Рапсодия», хор ва б. асарлар муал-лифи. Ижодида кўшиқ жанри ҳам муҳим ўрин тутади. Қорақалпоқ халқ кўшиқлари, чолғу куйлари ва айрим бахшиларнинг асарларини тўплаб, нотага олган («Ўзбек халқ мусикаси», 8-жилд, Т., 1959).

ҲАЛЛОЖ Хусайн ибн Мансур (858—922) — *тасавуфяати* ўта сўл оқимнинг йирик вакили. Гоявий жиҳатдан *қарматларта* яқин бўлган. Тур, Байдо, Басра, Бағдод ш.ларида билим олган. Му-сулмонларнинг айрим одатларига ва ша-риятнинг баъзи қоидаларига зид фикрлар айтган. исломнинг Аллоҳ тўғрисидаги тавҳид ақидасига зид равишда худо ин-сонда намоён бўлади, инсон ва умуман моддий олам худонинг жилоланиши, «Мен ҳақ (худо) ман («Ана-л-ҳаққ»), менинг ўзлим — худонинг ўзлиги-дир, деган фикрни илгари сурган ва бу фикр билан ваҳдати-вужуд таълимотига йўл очган. Х. ўз ғояларини Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Ироқ ва б. мамлакатларда тарғиб қилган ва мух-лислар орттирган. Шариат пешволари Х.ни бидъатчилик-да ва шаккокликда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарганлар.

ҲАЛОВАРД — ўрта асрлардаги Вахш вилоятининг маркази. *Кофирқалъа* ш. харобаси ўрнида жойлашган. 10-а. да Х. Хулбукдан катта бўлган. Шаҳар атрофида кўплаб боғ-роғлар, ҳосилдор ерлар бўлиб, аҳоли дехқончилик билан шуғулланган. Шаҳар аҳолиси моҳир ка-монбоз бўлишган. Х. Вахш дарёсидан махсус чиқарилган (6—7-а.лар) Кофир каналидан сув ичган. Илк ўрта асрда-ги Х. аркида будда саждагоҳи топил-ган, унда ҳоким ва унинг оила аъзолари ибодат қилишган. Саройда ўтказилган қазималар натижасида брахми ёзу-ви билан битилган 50 га яқин қўлёзма парчалари топилган. Араблар истилоси натижасида (750 й.) Х. вайрон бўлиб,

шаҳар янги ҳудудда, Кофирқалъадан 12 км шим.-ғарбда Вахш дарёси бўйида қайта барпо этилган. У ҳоз. Лағмон ш. харобасига тўғри келади. Унинг умумий майд. 100 гага яқин бўлиб, мудофаа де-вори билан ўралган; 4 та дарвозаси, ку-затув миноралари бўлган. Шаҳар айрим ерларда 2 қатор мудофаа девори билан ўралган. 10—13-а. бошларида рав-нак топган. Шаҳардаги деярли барча турар жойлар пишиқ ғиштдан ишланган, кўча ва майдонларга тошлар ётқизилган. Х.да Вахшнинг зарбхонаси жойлашган. Шаҳар мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлган.

Ад.: Камал иддинов Ш.С.. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв.. Т., 1996.

ҲАЛОЛ (спортда) — ўзбек кураши атамаларидан бири. Х. беллашув пайтида соф ғалабани билдиради. курашчи усул ишлатиб рақибнинг иккала курагини гиламга тегизса, иккита «ёнбош» баҳосини олса, «ёнбош» олган курашчининг рақибига «дакки» берилса, рақибнинг кўпол ҳаракатлари «ғирром» билан жазо-ланса ёки рақиб 3 мин. давомида гиламга чикмаса Х. эълон қилинади.

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ - ижобий ёки салбий деб баҳоланадиган диний, ахлоқий-ҳуқуқий нормалар. Ҳалол («эркин», «боғланмаган») — шариат-да мусулмонлар учун руҳсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлар, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлар. Қуръ-он ва ҳадисга кўра, сув, сут, нон, мева ва унинг шарбатлари, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар ва ҳалол килинган таомлар, кийишга рух-сат берилган кийимлар ҳалолдир. Ҳалол меҳнатдан топилган мулк, мерос, ҳадя қилинган нарса, икки томон розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга киритилган маблағ ҳалол бўлади. Шариатда ҳалол ҳисобланган нарсани ҳаром деган одам кофир ҳисобланади.

Харом («ман қилинган», «тақиқланган») — шариатда мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-харакатлар, ишлар, ейиш ман қилинган озик-овқатлар. Ҳалолнинг зидди. ислом динига кўра, ноҳақ одам ўлдириш, арақ ва б. маст килувчи ичимликлар ичиш, чўчка гўшти ейиш, ўлимтик ҳайвонлар гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, қимор, ўғирлик, ёлғон гапириш, бировнинг ҳаққини ейиш, одамларни ҳақорат қилиш, уларга ёмон ном кўйиш, орқасидан ғийбат қилиш, тухмат, гирромлик, фоҳи-шалик, зинокорлик, ўз сўзини, ичган қасамини бузиш, судхўрлик, порахўрлик, шариат ман қилган йўл билан қилинган савдосотикдан топилган ҳар қандай мол-мулк ва ш.к. ҳаромдир. Фойдаланиш ҳаром этилган, истифода қилган кишига фақат зарар берадиган ўсимликларни экиш, парвариш қилиш (у нарсадан ўзи фойдаланмаса ҳам) ҳалол бўлмайди. шариатда ҳаром ишларга одатланган одам гуноҳкор бўлиш билан бирга ҳаётда хорлик, шармандалик, қашшоқлик ва тузалмас оғир касалликка гирифтор бўлиши таъкидланади.

Кенг маънода — ахлоқшуносликнинг тушунчалари бўлиб, жамият аъзолари зиммасига юклатилган ахлоқий-ҳуқуқий талабларнинг виж-донан бажарилишини ёхуд шахсий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб ошқора ё пинхона бузилишини анг-латади.

ҲАЛҚА — заргарлик буюми; Ўзбекистон худудида кенг тарқалган *исирга* тури. Ҳ. олтин ёки кумуш симлан айлана шаклида ишланади. Амалий безак санъатида кўпинча Ҳ.нинг куйи қисми ранг-баранг қилиб безатилади, 2 тарафига зиғирак ва най-чалар ишланади. Энг содда Ҳ. панжа-рали қилиб безатилади, баъзан пан-жарага зиғирак, мураккабларида мар-жон, дурлар қадалади; бир хил ёки турли узунликдаги 3—5—7 оёқ (шоки-ла)лар билан безатилади. Ҳ. Ўрта Осиёда қадимдан кенг тарқалган (яна қ.

Бол-доқ, Қашқарболдоқ).

ҲАЛҚАЖАР — Сурхондарё вилоятидаги дарё (қ. *Хўжаипок*).

ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР (АппелПайа) — умуртқасиз ҳайвонлар типи. 8 мингга яқин тури маълум. Гавдаси бир неча мм дан 3 м гача (тро-пик ёмғир чувалчанги). Сегмент (ҳал-қа)ларга бўлинган танаси икки томонлама симметрияли. Ҳар бир сегментда қилли ўсимта — параподиялар бор. Қон ўтказиш системаси ёпик. Тери, баъзилари жабра орқали нафас олади. Чиқариш органи нефридиялардан иборат. Бош мия, ҳалқум ости ганглияси ва қорин нерв занжирлари нерв системасини ташкил этади. Айрим жинсли ёки гермафродит (қ. *Гер-мафродитизм*). 4 синфи: *кўп тукли чувалчанглар, камтукли ҳалқалилар, зулуклар ва эхиуридлар* бор.

ҲАЛҚУМ, ютқин — оғиз бўшлиғини қизилўнғач билан туташтирувчи меъдаичак йўлининг олдинги қис-ми; шакли эгри найсимон; орқа юзасига қараб яссиланган, пастки қис-мига қараб торайган бўлади. Ютиниш вазифасини бажаради ва нафас олишда иштирок этади. Ҳ. деворларидан ўпка, шунингдек, айрисимон, қал-қонсимон без, қалқонсимон без олди безлари ривожланади. Ҳ.нинг уз. 15 см ча. Ҳ. бурун ва оғиз бўшлиғининг давоми бўлиб, пастдан ҳиқилдоқ ва Евстахий найлари орқали ўрта қулоқдаги ноғора бўшлиғи билан туташади. Ҳ.нинг олд девори деярли йўқ; Ҳ.дан олдин бурун, оғиз бўшлиғи ва *ҳиқил-доқ* жойлашади. Шунинг учун Ҳ.нинг юқориги — бурун ёки бурун-ҳалқум қисми, ўрта — оғиз қисми ва пастки — ҳиқилдоқ қисми ажратилади. Бурун-ҳалқум қисми бурун ва ўрта қулоқ бўшлиғи б-н; оғиз қисми томоқ тешиги орқали оғиз бўшлиғи б-н; ҳиқилдоқ қисми эса ҳиқилдоқ билан туташади. Ҳ.нинг ҳиқилдоқ қисми ҳиқилдоқнинг орқа томонида жойлашган, унинг олдинги ва орқа деворлари фақат овқат ёки

суякликни ютиш пайтида бир-бирдан узоқлашади, бошқа вақтда эса бир-бирига тегиб туради. Ҳ. орқа деворининг юқори қисмида, ўрта чизик бўйлаб лимфа тўқимасидан тузилган ҳалқум муртаги жойлашган. бурун-ҳалқум қисмининг ҳаракатсиз ён деворларидан ўрта кулоққа олиб борувчи эшитув найи бошланади. Шу жойда эшитув найи тешиги билан юм-шоқ танглай чодирини оралиғининг ўнг ва чап томонида лимфа тўқимасидан тузилган най муртаги бор. Ҳалқум муртаги, 2 та най муртақ, 2 та танглай ва тил муртақлар бир-галикда Ҳ.нинг кириш қисмида ҳал-қага ўхшаб жойлашади. Ҳ. деворининг хусусий пластинкаси сийрак бириктирувчи тўқимадан иборат бўлиб, жуда кўп эластик толалар туттади. Бу пластинка калла суягининг ташқи асосига туташади, шу сабабли, Ҳ. бурун қисмининг орқа ва ён деворлари бир-бирига яқинлаша олмайди ва ҳаво бурундан бевосита Ҳ.нинг бурун қисми орқали ҳикилдоққа ўтади.

ҲАМАВАРОН — илк ўрта асрларда *Охарун* вилоятининг маркази (6—10-а.). *Г.А.Пугаченкованнит* фикрича, хи-той манбаларида (Сюань Цзань) уч-райдиган хору-мо мулки Ҳ. шаҳри билан айнан бўлган ва у ҳоз. Шахринав шаҳар харобаси ўрнида жойлашган. 9—10-а.ларда Ҳ. шаҳри савдо маркази бўлиб, унда қончилар ва металлурглр ўз маҳсулотларини шаҳарга келган қарвонлардаги савдогарларга сотишган. 10-а.да қончилар ва металлурглр манзилгоҳларида ҳаёт сўнганлиги боис шаҳар ўз аҳамиятини йўқотган. Ҳ. *қорахонийлар* даврида Қоратоғ деб номланган.

ҲАМАДА — Шим. Африка (*Сахрои Кабир*)*наги* тошлоқ чўлларнинг арабча номи. Қад. кристалли туб жинслар ер юзасига чиқиб қолган жойларда ҳароратнинг кескин ўзгариши натижасида тоғ жинсларининг нурашидан ҳосил бўлади. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда сийрак. Дунёнинг бошқа жойлари-

да учрайдиган бундай тошлоқ чўллар ҳам Ҳ. деб юритилади.

ҲАМАДОН — Эроннинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳамадон остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 483,8 минг киши (2004). Автомобиль йўллари чорраҳаси. Мамлакат ғарбий қис-мининг муҳим савдо маркази. Озик-овқат, ёғочсозлик, тўқимачилик саноати қорхоналари мавжуд. Ҳунар-мандчиликда гилам ва матолар тўқилади, мис ва теридан турли буюмлар тайёрланади. Ун-т бор.

Шаҳар мил. ав. 11-а.дан маълум. Ҳ. номи дастлаб Осурия миҳхатларида Аматана, қад. форс тилида Ҳаг-матана, юн. Агбатана ёки Эқбатана шаклида учрайди. Мил. ав. 7—6-а.ларда Мидия пойтахти, мил. ав. 550—549 й.лардан кейин Ахоманийларнинг ёзғи қароргоҳи. Салавкилар, парфияликлар ва сосонийлар даврида Месопотамиядан Шарқнинг бошқа мамлакатларига ўтувчи савдо йўлининг муҳим марказларидан бири. 7-а.дан Араб халифалиги таркибида. 11-а.да шаҳарни ўғзулар эгаллади. 1118—94 й.ларда Ғарбий Эрондаги Салжуқийларга тобе бўлган Ироқ султонлигининг пой-тахти. 1220 й.да Ҳ.ни мўғуллар босиб олиб, вайрон қилганлар. 16—18-а.да Сафавийлар давлати таркибида. Эрон—Туркия урушлари даврида (16—18-а.лар) бир неча бор турклар қўл остига ўтган.

ҲАМАДОНИЙ Юсуф Абу Яъқуб (1048, Ҳамадоннинг Бузанжирд қишлоғи — 1141, Афғонистоннинг бомиён ш.) — тасаввуфнинг йирик намояндаси, олим. Бағдодда Абу Исҳоқ Шерозийдан таҳсил олган. Исфохон, Самарқанд, Бухорода билимини оширган. Тасаввуфни Абу Али Фор-мадий, Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симнонийдан ўрганган. Замоначининг етук алломалари Абдулқодир Гилоний, Ғаззолий, Ҳамидуддин Мултоний билан мулоқотда бўлган. 30 марта ҳаж зиёратига борган.

Ҳ. Бухорода узоқ муддат яшаб, Аҳмад

Яссавий ва *Абдухолиқ Ғиждувоний* ва б. йирик машойхларга устозлик қилган. У кейинчалик хожа-гон-нақшбандия тарикатининг айрим қондаларини ишлаб чиққан. Хожа Аб-дуллох Барракий Хоразмий, Хожа Ҳасан Андокий Бухорий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний Ҳ.дан сўнг унинг халифалари сифатида муридларнинг тарбияси б-н шуғулланганлар. «Рутбат ул-ҳаёт» («Ҳаёт мезони»), «Кашф», «Ри-сола дар одоби тариқат», «Рисола дар ахлоқ ва муножот» каби асарлар ёзган. «Ҳаёт мезони» рисоласи ўзбек тилида нашр қилинган (Тошкент, 2003). Хоки Бомиёндан Марв ш.га олиб келиниб, қайта дафн этилган. Абдухолиқ Ғиждувоний, Фари-диддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарларида Ҳ. ҳақида маълумотлар бор.

ҲАМАЛ (араб.) — Зодиак юлдуз турқумларидан бири. Белгиси у. *Баҳорги тенгқунлик* нуктаси шу белги билан белгиланади. Осмоннинг Шим. ярим шарида *Персей*, *Учбурчак*, *Хут*, *Кут* юлдуз турқумлари орасида жойлашган. Ўзбекистонда ёз, куз ва қиш ойларида кўринади.

ҲАМД (араб. — улуғланиш, таъриф-тавсиф, мадҳ) — бирор кимса шаъ-нига мактов шеър. Шарқ мумтоз адабиётида Аллоҳни мадҳ этувчи Ҳ.лар кўп яратилган, улар одатда дoston муқаддимасининг махсус боби бўлган. Мас, Алишер Навоий, Машраб, Мунис, Огаҳий ва б. шоирлар девонлари Ҳ. ғазаллар билан бошланади. Ҳ. ғазаллар 2 хил бўлади: тавҳид Ҳ.лар, муножот Ҳ.лар. Али-шер Навоий ижодида ҳар икки кўринишдаги Ҳ. ғазаллар кўп учрайди. айникса унинг «Хамса» сидаги дostonларда Ҳ.нинг гўзал намуналари бор. Ўтмишда насрий асарлар ҳам қисқача Ҳ. билан бошланган. Шунингдек, қадимги туркий, араб ва форс адабиётида пайғамбарлар, шоҳлар ва б. шаънига ҳам Ҳ.лар битилган.

Ад.: Ғаффорова З., Навоийнингҳамд

ва наът ғазаллари, Т., 2001.

ҲАМДАМИЙ Баҳром (1910, Тошкент — 1942, фронтда ҳалок бўлган) — rassом, Ўзбекистон rassомлари уюшмасининг ташкилотчиларидан. Тошкент rassомлик техникумида *А.Волковдан* таълим олган (1930— 36); Москва, Ленинградда ижодий сафарда бўлиб малакасини оширган. Ҳ. асарларида куннинг долзарб воқеаларини, халқ ҳаётини тасвирлади: «Колхозчилар» (1933), «Колхоз чойхонаси-да» (1936) -Шарқ музейида; «Автопортрет» (1939, 1941); «Иш тугади» («Лангар канали курувчилари», 1939), «Бобом—шоир Музтариб портрети» (1939) — Ўзбекистон санъат музейида. Навоий асарлари асосида «Фарҳод саҳ-рода» (1940), «Фарҳод Хусрав асири» (1941) каби асарлар юзага келди. «ЎзТАГ ойнаси» гшақатларини тайёрлашда қатнашган (1941—42). *Р.Аҳмедов*, 3. *Иноғомов* ва б.га дарс берган.

Ад.: Такташ Р.Х., Баҳрам Ҳамдами, Т., 1969.

ҲАМДАМОВ Эргаш Абдусатторович (1948.6.3, Гулистон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Сирдарё пед. институтида, 1972 й.дан Гулистон туманидаги 22-мактабда инглиз тили ўқитувчиси.

ҲАМДОНИЙЛАР - Сурия ва месопотамияда ҳукмронлик қилган араб сулоласи (905—1004). Асосчиси Ҳамдон халифаликка қарши курашда *хорижийлар билан* бирлашган. Унинг *Аббосийлар* хизматига кирган ўғилларидан бири Мосул ш.га ноиб этиб тайинланган (905). Носи-руддавла даври (929—969)да Сури-ягача бўлган ҳудудлар Ҳ. давлатига қўшиб олинган. Карвон савдоси йўлига жойлашган Ҳ. давлати анча ривож топган. 968 й. Ҳ. *бувайҳийлар билан* бўлган жангда енгилдилар. 944 й. Ҳ.дан Сайфуддавла Суриядаги ихшидийлар суло-

ласи билан урушиб, Ҳалаб, Химс ва б. шаҳарларни эгаллади ва Сурияда Ҳ.нинг янги сулоласига асос солди (944). Унинг ўғли Саъдуддавла даври (967—991) да Ҳ. давлатига қўшни Византия давлати бир неча марта ҳужум қилиб, Ҳалаб, Химс ш.ларини эгаллади. Ҳ. юнонларга тобе бўлиб қолди. Ҳ.нинг охириги шоҳи қатл этилгач (1002), уларнинг давлати таназзулга учраган. 1004 й. *Фотимийлар* Суриядаги Ҳ. давлатини ўзларига тобе этдилар.

ҲАМДЎСТЛИК (1947 й.гача Британия миллатлар ҳамдўстлиги) — Буюк Британия ва унинг собиқ кўпгина доминионлари ҳамда мустамлакаларидан иборат бирлашма. Ҳ.нинг ҳуқуқий мақоми 1931 й. Вестминстер статuti билан белгилаб берилган (1947 й. аниқлик киритилган). Унда Ҳ.га аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамда Британия билан муносабатлари, уларнинг ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам мустақил ва тенгҳуқуқли давлат сифатида фаолият юритиши ўз ифодасини топган. 1971 й. Сингапурда имзоланган Ҳ. принциплари тўғрисидаги Декларация Ҳ. кон-сенсус тамойиллари асосида иш олиб борувчи ихтиёрий бирлашма эканли-гини тасдиқлади. Ҳ. 30 республика ва 21 монархиядан ташкил топган. 16 монархия давлат бошлиғи сифатида Буюк Британия киролини тан олади, бу мамлакатларда генерал губернатор кирол номидан иш қўради; 5 монархия ўз киролига эга. Буюк Британия монархи Ҳ. бошлиғи ва унинг рамзи ҳисобланади. Ҳ. мамлакатлари ҳар йили конференция ўтказадилар. Ҳ. Котибияти мавжуд. Буюк Британияда ҳукумат таркибида Ҳ. ишлари бўйича вазир бор.

ҲАМЗА Ҳақимзода Ниёзий (1889.6.3, Қўқон — 1929. 18.8, Фарғона вилояти Шохимардон қишлоғи) — шоир, ёзувчи, педагог, театр арбоби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1926). Солка-шон маҳалласидаги эски мактаб ва мадрасада (1896—1906), кейин қисқа муддат

Наманган мадрасасида (1908) таҳсил кўрган. 1909 й. да Когонда мат-баада ишлаган. Сўнгра Тошкентга келиб, усули жадид мактабларининг ўқув дастури билан танишган ва шундай мактабларни дастлаб Қаш-қардарвоза маҳалласида (1910), кейин Қўқон ш.нинг Ҳожибек гузариди (1911) ва Марғилонда (1914) очган. Ҳ. кейинги ҳаёти ва фаолияти давомида қисқа муддат Қўқондаги рус-гузем мактабида ўқитувчи, «Шўрои ислом» ташкилотининг озука шўъбасида мирза, «Кенгаш» ва «Хуррият» жур.ларида муҳаррир (1917), Фарғона вилояти маданий-маориф бўлимида ходим (1918), Туркистон фронти сиёсий бошқармаси ихтиё-ридаги Ўлка мусулмон сиёсий труппасида режиссёр (1919), «Дор ушшафақ» мактабида мудир (1920), Бухоро вилояти маориф ва ҳарбий тарғибот-ташвиқот шўъбаси қошидаги театр труппасида раҳбар (1921), Хоразм вилоятидаги қасаба союзларининг маданий-маърифий муассасаларида мудир (1921—24), Фарғона маориф кўмитаси қарамоғидаги онг-билим шўъбасида мудир ўрин-босари (1924) сингари турли лаво-зимларда хизмат қилган. 1926 й.дан эркин ижод билан шуғулланган. Аммо раҳбар идораларнинг топшириғи билан 1928 й. авг.дан Шохимардонда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борган ва сўнгги сафари чоғида ҳалок бўлган.

Ҳ.нинг адабий ижоди 1905—06 й.ларда бошланган. Ҳ. 1908 й. қўшни ўлкаларда нашр этилган илғор газ.лар ва улардаги тараққийпарварлик ғоялари билан танишган. Маърифатли кишилар таъсирида «миллий шеърлар» ёза бошлаган. Ҳ. шу йили «эски подшолар турмушидан» олинган «Ҳақиқат кимда?» деган «роман» ҳам ёзган (бу асар ўша вақтдаёқ йўқолган). Ҳ. 1905 й.дан мумтоз шоирларга эргашган ҳолда ғазаллар ёза бошлаган. 1914 й.да тартиб берилган қўлёзма девонига шоирнинг 1905—14 й.ларда «Ниҳоний» таҳаллуси билан ёзган 214 та шеъри киритилган.

1908—10 й.ларда Ҳ. адабий ва ижти-

мой фаолиятини жадидчилик ҳаракати билан узвий боғлаган. Ҳ. янги усулдаги мактаблар очиш ва бу мактаблар учун янги типдаги ўқув қўлланмалари яратиш йўли билан халқни маърифатлаштириш мақсадида Қўқон ва Марғилонда очган мактаб ўқувчилари учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» (1914) ва «Қироат китоби» (1915) ўқув қўлланмаларини тайёрлаган.

Ҳ. катта ёшдаги кишилар учун «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» умумий номи остида «гул» тўпламларини эълон қилган (1915—19). Ҳ. мазкур мажмуалари (8 бўлимдан иборат) билан ўзбек шеърятига янги мазмун ва янги ғоялар олиб кирган ва, айниқса, жадид адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган.

Ҳ. ижодининг мазкур 2-даврида наср ва драматургия соҳасида ҳам жиддий изланишлар олиб борган. Унинг «Янги саодат» (1914, нашри — 1915) асари айрим олимлар томонидан ўзбек адабиётидаги роман жанрининг илк намунаси сифатида талқин қилиниб келинган. Лекин бу асар аслида маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган қисса бўлиб, унда камбағал йигит (Олимжон)нинг илм туфайли оилавий бахт-саодатга эришганлиги маҳорат билан тасвир этилган.

Ҳ. 1914-16 й.ларда «Ўч» (1914), «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» (1915), «Илм ҳидояти», «Мулла Нормухаммад домланинг қуфр хато-си», «Очлик қурбонлари» (1916), «Мухториёт ёки автономия» (1917) сингари кичик саҳна асарларини ёзган.

Ҳ. совет мафкураси ҳукмронлик қилган даврда «ўзбек совет адабиёти»нинг, театрнинг асосчиси сифатида қўққа кўтарилган. Ҳ. номи билан боғланиб келинган Ўлка сайёр драма труппаси аслида Скобил (Фарғона) сайёр труппаси деб аталиб, унга Ға-фур Мусахонов раҳбар бўлган. Ҳ. шу труппада драматург, режиссёр ва суфлёр бўлиб хизмат қилган. Шу вақтда у «Ким тўғри?», «Тухматчилар жазоси», «Бой ила хизмат-

чи», «Иш-чилар ҳаётидан» (1918), «Лошмон фо-жиаси» (1916—18, 3 бўлимли), «Фарғона фожиаси» (1918—20, 4 бўлимли), «Қизил қон ичида ёш гўдаклар», «Маҳбус тўранинг холи» (1919) сингари пьесаларни ёзган (бу асарларнинг аксари бизгача етиб келмаган). Агар Ҳ. «Заҳарли ҳаёт» драмасида шу даврдаги томошабин дидини инобатга олиб, ҳатто фожиали ҳолатлар тас-вирида ҳам мелодрама ва сентимен-тализмдан кенг фойдаланган бўлса, «Тухматчилар жазоси», айниқса, «Бой ила хизматчи» сингари пьесаларида реализм томон яқинлашган. Аммо Ҳ. кўп ўтмай, тарғибот ва ташвиқот йўналишидаги «Пастки шўролар сайлови муносабати ила ёзилган Чўпчарлар», «Пастки шўролар тузмасида сайловга киролмаган бир эшон ўпкасига жавобан», «Бурунги сайловлар» (1926) сингари пьеса ва инсценарийларни ёзишга катта эътибор берган. Ҳатто Совет давлатининг жаҳон инқилоби тўғрисидаги сохта ғоясига ишониб, «Жаҳон сармоясининг энг охириги кунлари» (1927) пьесасини ёзган. Ҳ. шу даврда жадидчилик ғоялари ва жадид адабиёти мезонларидан узоқлашгани сайин аввал эришган бадийят марраларини ҳам бой бера бошлаган. Бироқ 1926й. Ҳ. ўзбек драматургиясида муайян из қолдирган 2 асар: «Майсаранинг иши» комедияси ва «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши» драмасини яратган.

Синфийлик ва партиявийлик адабий асарнинг қимматини белгиловчи асосий мезон ҳисобланган даврларда Ҳ.нинг «Бой ила хизматчи» пьесаси бутунлай қайта ёзиб чиқилган. Социалистик реализм методи талаблари асосида «қайта тикланган» бу асар узоқ йиллар давомида Ҳ. драматургиясининг юксак намунаси сифатида тақдим этилиб келинган.

Ҳ. ҳақида дoston (Ойбек асари, 1948), роман (К.Яшин асари, 1989), театр спектакли (К.Яшин ва А. Умарий асари, 1941), кинофильм (сценарий муаллифлари К.Яшин ва С.Мухамедов, режиссёр З.Собитов, 1960), 16 серияли бадий

фильм (сценарий муаллифлари К.Яшин, Б.Привалов ва Ш.Аббосов, режиссёр Ш.Аббосов, 1975—84) ва ҳужжатли фильм (сценарий муаллифи Л.Қаюмов, режиссёр Н.Отауллаева, 1960) лар яратилган. Тошкент ва Қўқон ш.лари ҳамда Фарғона водийсидаги театр, мактаб, кўча ва ширкат хўжаликларига, Тошкент ш.даги метро ст-ясига шоир номи берилган.

Ас: Тўла асарлар тўплами [5 ж.ли], Т., 1988—89; Ҳамза архиви каталоги [2 ж.ли], Т., 1990-91.

Ад.: Султонов Ю., Ҳамза, Т., 1973; Қаюмов Л., Ҳамза, Т., 1973; Раҳмонов М., Ҳамза ва ўзбектеатри, Т., 1959; Ҳамза замондошлари хотирасида, Т., 1979; Қаюмов Л., Сайланма, 1—2-ж.лар, Т., 1983; Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари, Т., 1988.

Наим Каримов.

ҲАМЗА (1963 й.гача Ванновский посёлкаси) — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги шаҳар. Қўқон — Андижон т.й. даги станция (т.й. посёлка ёнидан 1890 й.да ўтказилган). Вилоят маркази (Фарғона ш.) гача 36 км, туман маркази (Олтиариқ шаҳарчаси) гача 7 км. Аҳолиси 13 минг кишига яқин (2005). Шаҳар ўртасидан Катта Фарғона каналиқибўтади. Ҳ.да нефтни қайта ишлаш, минерал сувни кадоқлаш з-длари, нефть цистерналарини буғлаб ювиш ст-яси, нефть маҳсулотлари таъминоти ва дон маҳсулотлари корхоналари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 3 умумий таълим мактаби, иқтидорли болалар гимназияси, касб-хунар колле-жи, кутубхона, маданият уйи, ста-дион мавжуд. Шаҳарни Фарғона ҳамда Марғилон ш.лари билан бирлаштирувчи республика аҳамиятидаги авто-магистраль кесиб ўтади ва Қўқон ш. билан боғлайди. Ҳ.дан Фарғона, Марғилон, Қўқон ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксиларқатнайди.

ҲАМЗА ал-ИСФАҲОНИЙ, Абу Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан (тахм. 893—961 ва 971 й.лар оралиғи) — Эрон тарихчиси ва адиби. Араб тилида ижод қилган. 12та асаридан 3 таси бизнинг давримизгача етиб келган. Олимнинг «Умумий тарих» асарида Эрон тарихига оид ноёб фактик материаллар жамланган. Ҳ. ал-И. араб манбаларидан ташқари, бизгача етиб келмаган ўрта форс манбаси «Хвадайнамак» ва исломгача Эронга оид бошқа ёзма ва оғзаки (зардуш-тгий коҳинлари айтганларидан ёзиб олинган) ахборотлардан фойдаланган. Асар 961 й.гача воқеаларни камраб олган.

ҲАМЗА ТЕАТРИ - қ. *Ўзбек миллий академик драма театри.*

ҲАМЗА ШИНВОРАЙ Абдумурод (1907—Пешовар ш. — 1994) — афғон шоири. Ижоди 1923 й.дан бошланган. Лирик ғазалнавис шоир сифатида танилган; ҳофизона ишқий ғазаллари билан катта шухрат қозонган. Асарларида пуштун халқининг орзу-умидлари, ғам ва ҳасратлари, озодлик учун курашларини юксак бадий савияда қўйлаган («Уйғониш», 1352). Ҳ.Ш. 50-й.ларда илк бор шоир *Хушхалхон Хат-так* (17-а.) шеърятининг маъно ва бадий олами ҳақида йирик тадқиқот ишларини олиб борган. 6 жилдли асарлар тўплами чоп этилган. Уларнинг асосий қисмини ғазал, рубоий, қитъ-алар ҳам у ёки бу муносабат билан ёзилган маснавий, муҳаммас, қасида ёки бошқа жанрлардаги шеърлар ташкил этади. Ҳ.Ш.нинг «Нидо», «Илм толибига», «Ўзлик», «Суфийга хитоб», «Ёш афғон кўшиғи», «Пуштунга», «Дард», «Зуғум», «Комил инсон», «Миллат бирлиги» ва б. шу каби шеърлари шоирнинг ватан ва миллат дар-дига ҳамоҳанг ижодининг ёрқин намуналаридир.

ҲАМЗАТОВ Расул Ҳамзатович (1923. 8.9, Доғистон Республикаси, Хун-

зах тумани Цада кишлоғи — 2003.3.11) — аварчи, кўчма авар театрида режиссёр ёрдамчиси, республика газ. тахририяти ва радио кўмитасида адабий ходим бўлиб ишлаган (1940 — 45). Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт ин-тида тахсил кўрган (1945-50).

Илк шеърлар тўплами — «Илҳом-бахш муҳаббат, оловли нафрат» (1943). «Бизнинг тоғлар» (1947), «Менинг юртим» (1948), «Тоғлик ўлкаси», «Туйғилган йилим» (1950), «Катта оға шаънига» (1952), «Доғистон бахори» (1955), «Қалбим менинг тоғларда» (1959), «Юксак юлдузлар» (1962), «Битиклар» (1963), «Юлдуз юлдуз билан сўзлашар» (1964), «Йиллар ортидан йиллар» (1968), «Ўчок боши-да» (1969), «Чегара» (1972), «Муҳаб-батнома» (1974), «Сўнгги нарх» (1976) ва б. шеърий китоблар муал-лифи.

Ҳ. ижоди Шарқ ва Ғарб шеърияти анъаналари ўзаро туташган нуқтада пайдо бўлган бетакрор ходисадир, Ҳ.нинг Шарқ таровати билан йўғрилган ва тоғли ўлка кишиларининг ўзига хос рухий олами ақс эттирган шеърлари 50-й.ларда миллийлиги, самимийлиги, лирик ҳис ва туйғуларнинг бокиралиги билан китобхонлар ва танқидчилар эътиборини қозонган. Ҳ. шеърларининг лирик қаҳрамони кишилардаги яхши фазилатларни қадрлай билувчи, ўзи ҳам бошқаларга меҳр-муҳаббатини аямайдиган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, рухий олами бой ва гўзал инсондир. Ҳ. шеърларида ана шу лирик қаҳрамон қалбининг таманнолари ёрқин ифода этилган. Ҳ., ўз табиатига кўра, лирик шоир. Шунга қарамай, у дoston жанрида ҳам ижод қилиб, «Отам билан суҳбат» (1953), «Тоғ кизи» (1958), «Оналарни асранг» (1978) каби баркамол дostonларини яратган. Унинг ҳаёт ва адабиёт, она-ватан ва замондошлар ҳақидаги «Менинг Доғистоним» (1—2-китоблар, 1967—71) лирик қиссаси 60-й.ларнинг 2-ярмида қардош халқлар адабиётида сохта ватан-парварлик гоёлари ўрнига миллий гоё ва миллий ғурур туйғусининг шаклланиши-

да муҳим роль ўйнаган. Ҳ. нинг шеърий ва насрий асарлари, бошқа халқлар адабиёти қатори, шу давр ўзбек адабиётига ҳам таъсир ўтказган. Хусусан, Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи» лирик қиссаси Ҳ.нинг «Менинг Доғистоним» асари таъсирида майдонга келган.

Ҳ. асарлари жаҳоннинг кўплаб тил-ларига, шу жумладан. ўзбек тилига таржима қилинган. Ҳ. Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Шук-рулло, Абдулла Орипов сингари ўзбек шоирлари билан ижодий алоқада бўлган.

Ас: Юксак юлдузлар, Т., 1964; Мой Дагес-тан, М., 1977; Собрание сочинений, т. 1—5, М., 1980—82; Остров женшин. Новне стихи и поэмм, М., 1983; Суди меня по кодексу любви, М., 2003.

Ад.: Деме нтёев В.В., Расул Гамзатов, М., 1984.

ҲАМИД ИБН БАҚОХЎЖА, Ҳамид Бақоев (тахм. 1880 — Бухоро — тахм. 1935) — тарихчи олим, шоир. Икки тарихий асар: «Танзил ал-амсал фи зикр байан ал-аҳвол» («Ҳоллар баёни зикридаги мисоллар ифодаси»); қисқача: «Танзил, 1928) ва «Мунта-хаби тарих-и Амирон-и манғит» («Манғит амирларининг қисқача тарихи»; қисқача: «Мунтахаб»; 1931 — 32) муаллифи.

Ҳ. ибн Б.нинг «Танзил» асари 4 қисмдан иборат бўлиб, унинг дастлабки 3 қисми Бухоронинг манғитлар давридаги тарихини ақс эттирган. Муал-лиф дастлабки манғит амирлари тўғрисида қисқача маълумот бергач, асосий эътиборни Самарқанд чор Россияси томонидан босиб олингач, бу ерда юз берган сиёсий воқеаларга қаратади. Вобентлик савдогар Сайидбойнинг савдо-сотик ишлари билан Россияда бўлиши, Бухоро амирлигидаги иқтисодий ва сиёсий қолоқлик сабаблари, амир Музаффарнинг рус босқинига қарши туриш учун ҳарбий ёрдам сўраб Усмонли турк султонлиги, Франция ва Англияга мурожаат қилиши (мак-тублар юбориши) асарда кенг ёритилган. Асарнинг 4-қисмида Бу-

хоро бос-қини оқибатлари ва БХСР тарихи баён қилинган.

«Мунтахаб»да амир Музаффар давридан бошлаб 20-а.нинг 1-чорагигача Бухоро амирлигида юз берган муҳим воқеалар тасвирланган. Бу асарларнинг қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН (Олимжонов Ҳамид) (1909.12.12, Жиззах -1944.3.7, Тошкент; «Форобий» кабристонига қайта дафн этилган) — шоир, публицист, адабиётшунос ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943). Самарқанддаги билим юр-тида (1923—28), Педагогика академи-ясининг ижтимоий-иктисодий фанлар ф-тида (1928—31) ўқиган ва айни пайтда «Зарафшон» газ.да бўлим мудири (1926—27). Ёшлар газ.да (1931), «Қурилиш» ва «Совет адабиёти» жур. ларида масъул котиб, Маданий қурилиш илмий тадқиқот ин-тида катта илмий ходим (1932—34), Тил ва адабиёт ин-ти (1934—37) ва Ўқув-педагогика нашриётида бўлим мудири (1938—39), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1939-44).

Ҳ.О.нинг сўз санъатига қизиқиши онаси Комила аянинг эртаклари ҳамда бобоси Мулла Азим хонадонига келиб турувчи *Фозил Йўлдош ўғли/т* дoston ва термалари асосида шаклланган. Дастлабки асарлари — «Кўклам» (шеърлар, 1929), «Тонг шабадаси» (ҳикоялар, 1930). «Олов сочлар» (1931), «Пойга», «Ўлим ёвга» (1932), «Дарё кечаси» (1936), «Шеърлар» (1937), «Ўлка», «Ойгул ва Бахтиёр» (1939), «Бахт» (1940), «Қўлингга қурол ол!», «Она ва ўғил» (1942), «Ишонч» (1943) шеърӣ тўпламлари муаллифи.

Ҳ.О. ижодининг 1-даврида ҳикоялар ёзган бўлса-да, унинг истеъдоди кўпроқ лирик шеърӣят табиати билан уйғун бўлган. Дастлабки шеърларида янги адабиёт ва янги адабий шакллар яратиш ғояси ҳукмронлик қилган. 30-й.ларнинг ўрталарига келиб, ҳаётӣй ва ижодӣй тажрибаси ошиши билан Ҳ.О. она-юрт та-

би-атидан, жамият ва халқ ҳаётидан олган бой таассуротларини лирик шеър доирасида ёркин бадӣйӣй ифо-далаш санъатини эгаллай бошлаган («Куйчининг ҳаёли», «Офелиянинг ўлими», «Ҳолбуки, тун...», «Ишим бордир ўша охуда» ва б.). 2-жаҳон урушигача бўлган ижодида 20-а. ўзбек лирикасининг яхши намуналари ҳисобланган «Ўрик гул-лаганда», «Севги десам...», «Тиним-сиздир ёлғиз шабодода...», «Шодликни куйлаганимнинг сабаби», «Ўзбекистон» сингари лирик шеърларини ёзган. Бу шеърлар ғоявий мундарижаси, шакли, гўзал тили ва услуби билан эътибор қозонган.

1916 й. Жиззах кўзғолонининг шафқатсизлик билан бостирилганини кўрган шоир 30-й.ларда совет мамлақатида олиб борилган қурилишлар, рўй берган иктисодӣй ва маданий ўзгаришларни кўриб, кела-жаққа катта умид билан қараган. Ҳ.О. калби ва шуурини эгаллаган шундай некбин туйғу ва ҳаёллар унинг ижодида романтик тасвир методининг шаклланишига сабабчи бўлган. Шоир фақат лирик шеърларидагина эмас, балки шу даврда яратган «Икки кизнинг ҳикояси» (1937), айниқса, «Зайнаб ва Омон» (1938) дostonларида ҳам воқеликни шу метод ёрдамида тасвир этишга ин-тилган.

Ҳ.О. «Ойгул билан Бахтиёр» (1937) ҳамда «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» (1939) дostonларини халқ эртаклари мотивлари асосида яратган. Бу асарлар эрксеварлик ғоялари, ўз тақдирини халқ ва мамлакат тақдири билан боғлаган қаҳрамонлари ҳамда бадӣйӣй жозибаси билан китобхонлар эътиборини қозонган. 2-жаҳон урушининг дастлабки йилларида Ҳ.О. ўзбек фольклори учун характерли бўлган она ва ўғил образларидан, шунингдек, халқ оғзаки ижодига хос тасвир усули ва воситаларидан яна ҳам кенг фойдаланиб халқни курашга, мардлик ва жасоратга илҳомлантирувчи шеърлар ёзган («Қўлингга қурол ол!», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга», «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой»

ва б.). Айни пайтда у романтик тасвир усулидан фойдаланган ҳолда «Севги», «Сен туғилган кун», «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» сингари шеър ва балладаларини яратган. По-годин, Уйғун ва Собир Абдулла билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қиличи» (1942) драмасини ёзган, фронт сафари (1943 й., фев.) таассуротлари асосида эса публицистик мақола ва очеркларини эълон қилган.

Ҳ.О.нинг «Муқанна» (1943) трагедияси ҳам уруш даврининг ижтимоий буюртмаси асосида майдонга келган. Ҳ.О. ушбу асарнинг марказий қаҳрамонлари — Муқанна, унинг севгилиси Гулойин ва б. қаҳрамонлар образлари орқали ҳар бир мамлакатнинг мустақиллиги масаласи халқ тақдири. шу халқнинг озодлиги, фаровонлиги ва келажаги билан боғлиқ ғоят муҳим ижтимоий ва сиёсий масала эканлигини кўрсатиб берган.

Ҳ.О. адабий ижод билан бирга и.т. ишлари билан ҳам машғул бўлган. Аммо у шу даврда ёзган мақолаларида вულгар социологизм таъсиридан чиқиб кета олмай, айрим миллатпарвар ёзувчилар ижодини қоралаган. 30-й.ларнинг 2-ярмида эса Ҳ.О. «Атпо-миш» халқ эпосини нашрга тайёрлаш ва Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан унинг адабий меросини ўрганиш жараёнида мумтоз ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодига катта меҳр билан ёндашган ва маданий меросимизнинг бу олтин саҳифаларини тўғри илмий позициядан туриб талқин этган. У навоий комитетининг масъул котиби сифатида улуғ шоир меросини ўрганиш ва асарларини рус тилига таржима қилиш ишига катта ҳисса қўшган. Ҳ.О. томонидан нашрга тайёрланган «Алпомиш» достони (Фозил Йўлдош ўғли) эса узоқ йиллар давомида халқ оғзаки ижоди асарларини ўрганиш ва илмий нашрини тайёрлаш ишида асос бўлиб хизмат қилган.

Ҳ.О. адабий ижодининг муҳим қис-мини бадий таржима ташкил этган. У А.С.Пушкиннинг «Кавказ

асири» ва «Сув париси» достонлари, М.Ю.Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» қиссасидаги «Бэла» ва М.Горькийнинг «Челкаш» ҳикоялари, Н.Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романи, А.Корнейчукнинг «Платон Кре-чет» пьесаси, шунингдек, Байрон, Пушкин, Шевченко, П.Тичина, М.Безименский, М.Светлов, К.Симонов, В.Инбер каби шоирларнинг айрим шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳ.О. 35 ёшида автомобиль ҳалокати натижасида вафот этган. Тошкент метрополитени бекатларидан бири, Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйи, Самарқанддаги вилоят театр-рига Ҳ.О. номи берилган. Тошкент ш.да шоир номи билан аталган май-донда унга ҳайкал ўрнатилган (1990).

Ас: Асарлар [5ж.ли], 1—5-ж.лар, Т., 1970—72; Мукаммал асарлар тўплами [Юж.ли], 1—10-ж.лар, Т., 1979-84.

Ад.: Ази мов С. Ҳамид Олимжон абадияти. Т., 1967; Сен элимнинг юрагида яшай-сан [Ҳ.Олимжон ҳақида хотиралар], Т., 1973; Мамажонов С, Шоир дунёси, Т., 1974; Каримов Н., Гўзалликнинг олмос катралари [Ҳ.Олимжон лирикаси], Т., 1979; Кари-мов Н., Ҳамид Олимжон. Шоир ҳаёти ва ижодидан лавҳалар. Т., 1979.

Наим Каримов.

ҲАМИД ҒУЛОМ (Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919.25.4 — Тошкент — 2005.21.8) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Ўрта Осиё индустриал ин-тининг ишчилар (1933) ва тоғ ф-тларини, Педагогика ин-тининг рус тили ва адабиёти ф-тида Москвадаги Олий адабиёт курсида таълим олган. «Қизил Тожикистон» газ.да адабий ходим (1938-41), ЖЧМ Ўзбекистон давлат нашриётида муҳар-рир (1941—42), республика радио комитетида су-хандон ва муҳаррир (1943—44), «Қизил Ўзбекистон» газ.да бўлим мудири ва масъул котиб (1944—54), «Литератур-

ная газета»нинг Ўзбекистон бўйича махсус мухбири (1956—58), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хайъатида котиб (1958—65), «Шарк юлдузи» жур.да бош муҳаррир (1965—71), Фафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директор (1971—81).

Илк шеърлар тўплами — «Қасосим бор» (1942). «Ҳайкал» (1943), «Салют» (1945), «Ватан куйлари» (1949), «Янги боғ» (1951), «Даламизга келинг» (1954), «Қитъалар уйғок» (1960), «Ошиқ кўнгил» (1974) сингари шеърий тўпламлар ҳамда «Ҳаёт ишқи», «Лола кўл», «Амазонка кўшиғи» сингари дostonлар муаллифи. Ҳ.Ғ. шеърлятига хос асосий хусусият шунда-ки, у лирик қахрамоннинг руҳий ола-мини очиш, унинг туйғу ва кечин-маларидаги изтироб ва ички курашни тасвирлашга эмас, балки умуминсоний фикр ва ғояларни куйлашга кўпроқ ургу берган. Кўпинча танта-навор оҳанглар ёрдамида воқеликка бўлган муносабатини ифодалашга, китобхон билан мулоқотда бўлишга интилган.

Ҳ.Ғ. «Олмос кизи» (1956) илк қиссасидан кейин насрий жанрларда кўпроқ ижод қилган. 2 китобдан иборат «Машъал» (1958—61) романида ўтган асрнинг 20-й.ларида Ўзбекистонда социалистик тузумнинг барпо этилиши билан боғлиқ воқеаларни акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур романдаги бир неча қахрамонлар (Ботирали, Эъзозхон ва б.) образи маҳорат билан тасвирланганига карамай, мураккаб ва ҳатто фо-жиали тарихий давр унда ўзининг бир ёклама ифодасини топган. Ёзувчи «Сенга интиламан» (1963) романида 50-й.ларда кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши мавзуга мурожаат этган, «Тошкентликлар» (1967) романида эса хамшаҳарларининг 2-жаҳон урушидан аввалги ва уруш йилларидаги фидоко-рона меҳнатини тасвирлаш асосида ўзбек халқига хос жасорат ва қахрамонликни бадий мужассамлантиришга интилган. Ҳ.Ғ.нинг «Бинафша атри» (1976) романи ҳам Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши мав-

зуда. Ҳ.Ғ. тарихий-инқилобий мавзудаги «Мангулик» (1978) романидан кейин мумтоз ўзбек адабиётининг машҳур намояндаси Машраб ҳаётига бағишланган навбатдаги романини яратган.

Ҳ.Ғ. мусиқали драма театри учун «Фарғона ҳикояси», «Ўғил уйлантириш» (1963), «Дил кўзгуси», «Тош-болта ошиқ» (1965), «Ажаб савдолар» (1968) ва «Муҳаббат навоси» пьесалари ҳамда опера театри учун «Хо-разм кўшиғи» (1964) либреттосини ёзган. Комик роллар устаси С.Хўжаев ижро этган Тошболта ошиқ тўғрисидаги комедияси Муқимий театрида сахналаштирилган.

У.Шекспирнинг «Ўн иккинчи кеча», Лопе де Веганинг «Кўзи булок» пьесалари, Фирдавсий «Шоҳнома»сига кирган айрим дostonлар, шунингдек, А.Пушкин, М.Лермонтов, Т.Шев-ченко, М.Горький ва б. ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

«Эл-юрт хурмати» (1988) ва «Меҳнат шухрати» (2004) орденлари билан мукофотланган.

Ас.Танланган асарлар [3 ж.ли], 1—3-ж.лар, Т., 1962—72; Лола кўл, Т., 1973; Асарлар, 4 ж.ли, Т., 1978—79; Вафонинг узун йўли, Т., 1988.

Ад.Владимирова Н., Султонова М., Қахрамоннинг шаклланиши, Т., 1968; Бой-қобилов Б., Шермухамедов П., Ижоднинг юлдузли онлари, Т., 1979.

ҲАМИДОВ Абдусалом (1885-Бухоро—1940) — кандакор уста. *Бухоро кандакорлик мактабининг* йирик вакили. Ҳ. анъанавий нақш мужассамо-тига янги рамз ва оҳангларни олиб кирган; юлдуз, герб, бугдой бошоғи, ғўза чаноғи, одам тасвирлари ва б. Ҳ. кўплаб шоғирдлар тайёрлаган (шо-ғирдлари орасида ўғли Салимжон *Ҳамидов* ҳам бор). Ҳ. ишларидан намуналар республика музейларида сақланади.

ҲАМИДОВ Жаҳонгир Ҳакимович (1930.20.6. Тошкент) — молекуляр биол. ва хужайра биол.си соҳасидаги

олим, Ўзбекистон ФА акад. (1987), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), биол. фанлари д-ри (1964), проф. тути патогистология лаб. да (1960—61), Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти радиацион цитология лаб.да (1961—65) катта илмий ходим, Ўзбекистон ФА Зоология ва паразитология ин-ти цитоги-стокимё (1965—67), Биокимё ин-ти цитокимё ва электрон микроскопия (1967—70; 1984-87) лаб. мудири, 1998 й.дан ҳужайра биол.си лабора-ториясида бош илмий ходим, шу ин-т директори (1970—79); Ўзбекистон ФА Президиуми биол. фанлари бўлими академик котиби (1979—84, 1987-89, 1991—97), Ўзбекистон КП МК котиби (1989—91). Илмий ишлари эндокрин системаси органларининг нурланиш касаллигига бағишланган. Унинг раҳбарлигида тирео-ид гормонлар фаоллигини генетик бошқариш механизми ишлаб чиқилган; радиоактив нурларнинг кичик дозада ривожланаётган организмда қалқонсимон без функциясини ошириши аниқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати (1990—94). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1992).

Ас: Реакцияэмбриональньктканей на дей-ствие гормонов, Т., 1976 (в соавторстве); Кровь и кроветворение позвоночных, Т., 1978 (в соавторстве); Электронно-микроскопический атлас элементов гемопоэза, Т., 1986; Умуй биологиядан амалий машғулотлар, Т., 1970 (ҳамкорликда); Гиббий биология ва генетика (дарслик), Т., 2005 (ҳамкорликда).

ҲАМИДОВ Жума Ҳамидович (1931.15.1, Хатирчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Тошкент пед. институтини тугатган (1959). 1959 й.дан Кармана туманидаги 3-мактабда, 1963—2000 й.ларда Навоий ш.даги 5-мактабда геогр. ўқитувчиси. Дарсада муаммоли дарс, саёҳат дарслари усулларида унумли

фойдаланган.

ҲАМИДОВ Рустам Муҳсинович (1949.15.7, Тошкент) — реж., Ўзбекистон халқ артисти (1992), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1985). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1972). 1972-93 й.лар Ҳамза театрида реж., бош реж., 1993-97 й.лар Байрамлар ўтказиш дирекцияси раҳбари, 1997-2005 й.лар Тошкент ш. маданият бошқармаси бошлиғи. «Кўрмайин босдим тиконни» (И.Сул-тон) спектакли унинг дастлабки ютуғи бўлди. «Қиёмат қарз», «Шошма, қуёш», «Кузнинг биринчи куни», «Аризасига кўра», «Курорт» (ҳаммаси Ў.Умарбековники), «Ўгрини қарокчи урди» (Шукрулло), «Куёв» (С.Аҳмад), «Оловни ташлама, Про-метей» (М.Карим), «Баланд қоядаги аёллар» (Вуоллийоки), «Ғийбат» (А.Салинский), «Алла» (Т.Минул-лин), «Ҳазрати аёл» (О.Жаҳонова) каби спектакллари сахнага қўйган. Андижон театрида қўйилган «Шоҳона ишрат» (В.Гюго) спектакли реж. нинг жаҳон мумтоз драматургияси соҳасидаги дастлабки изланиши бўлди, 1984 й. Е.Симоновга «Отел-ло» спектаклини қўйишда ҳамкорлик қилди ва 1988 й. мустақил «Ко-риолан» (У.Шекспир) ни сахналаштирди. Ҳ. сахналаштирган спектакллари романтик кўтаринкилиги, мавзулар хилма-хил ва долзарблиги, юморга бойлиги, ҳажвий ўткирлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда театрлашган оммавий томошалар тури ривожланишида Ҳ.нинг ўрни алоҳида. 1992 й.дан буён ўтказилаётган «Мустақиллик», «Наврўз» каби байрамларнинг сценарий муаллифларидан бири, реж.и, бош реж.и. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Меҳнат шухрати» ордени билан муко-фотланган (1998).

ҲАМИДОВ Салимжон Саломович (1920.29.12 - Бухоро - 1973.19.8) -кан-

дакор, сулола давомчиси; Ўзбекистон халқрассоми (1972). Хунарни отаси — кандакор уста Абдусалом Ҳамидовдан ўрганган. Ҳ. металл ва мрамарга ўйиб нақш ишлашни пухта эгаллаган; ёшлигидан отасининг шоғирдлари қаторида мураккаб ўйма нақшларни ишлай бошлаган; металл буюмлар безак мужассамотларини янги мавзулар билан бойитди (мас, патнисга ишланган «Ўзбекистоним» мужассамоти, 1969 ва б.), безакларда Бухоро меъ-морий ёдгорликларини акс эттирди. Металл ва мрамарга ўйиб нақш ишловчи кўллаб шоғирдлар етиштирди, унинг ташаббуси билан Бухорода кан-дакорлик мактаб-устахонаси ташкил этилган (яна қ. *Бухоро кандакорлик мактаби*).

ҲАМИДОВ Ҳалим (1937.22.8, Ғиждувон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1959). 1959 й.дан Қизилтепа туманидаги мактабда тарих ўқитувчиси. 1962 й.дан Ғиждувон туманидаги 1-мактабда, 1965 й.дан 2-интернат мактабда директор ўринбосари. 1970 й.дан Ғиждувон туман халқ таълими бўлимида йўриқчи ва методик кабинет мудири, 1982 й.дан 3-мактаб, 1993—98 й.ларда 6-гимназия директори.

ҲАМИДОВ Хусниддин (1935.5.1, Чимбой тумани) — қорақалпоқ тилшуноси. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби(1993), филол. фанлари д-ри (1990). Қора-қалпоғистон педагогика ин-ти рус тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1955). Чимбой тумани мактабларида ўқитувчи (1955 — 59). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимининг Н. Довқораев номидаги Тил ва адабиёт ин-тида кичик, катта илмий ходим (1960—71; 1983— 86), бўлим бошлиғи (Шарқ кўлёмалари бўлими, 1971—83; Мумтоз қора-қалпоқ адабиёти ва Шарқ кўлёмалари бўлими, 1986—89; қорақалпоқ тили тарихи, диалектологияси ва кўлёмалар бўлими, 1989 й.дан).

Ҳ.нинг илмий ишлари асосан қорақалпоқ тилининг тарихига — унинг тарихий лексикологияси, грамматикаси, сўз ясалиши масалаларига бағишланган. Ҳ., шунингдек, Шарқ кўлёмаларини тўплаш, изохлаш ва нашрга тайёрлаш ишлари билан ҳам шуғулланиб келади.

Ас: Қорақалпоқ тили тарихи ҳақида очерклар, Нокис, 1974; Ески қорақалпоқ тилининг жазба естеликчери, Нокис, 1985; Қарақал-пақский язmk XIX — начала XX вв. по дан-ным письменных памятников, Т., 1986; рукописное наследие Бердаха, Нукус, 1995.

ҲАМИДОВА Манзура (1914.8.3 -Тошкент — 1998.4.10) — Ўзбекистон халқ артисти (1969). Дастлаб Тошкентдаги ишчи-ёшлар театри (1934—36), Термиз театри (1936—41), Муқимий театр (1941—43)ларида ишлаган. 1943 й.дан умрининг охиригача Ёш томо-шабинлар театрида актриса. Муқимий театрида яратган «Аршин мол олон» (У.Ҳожибеков) даги Гулчехра, «Фар-ход ва Ширин» (Хуршид)даги Моҳин-бону, «Номус ва муҳаббат» (К.Яшин) даги Онахон, «Гулсара» (К.Яшин)даги Ойсара каби ролларида унинг мусикий қирралари намоён бўлди. Ёш томошабинлар театрида, асосан, оналар ролларига ихтисослашган. Оналар ва бувилар қалбини, меҳр-муҳаббатини чуқур очиб бериш, ўткир психологик таҳлил, кучли драматизм, ишонарли ва ҳаётий талкин Ҳ. ижодига хосдир. «Ёрилтош» (Ш.Саъдулла), «Сирли сандиқ» (О.Толипов)да ўғай она, «Абдулла Набиев» (Р.Раҳмат)да она, «Ким айбдор» (И.Аҳмедов)да буви-жон, «Чип-полино» (Родари)да Ол-чаой, «Қовоқвой ва Чанқовкой» (П.Мўмин)да Қовоқ хола, «Оккема» (Ч.Айтматов)да Она буғу, «Ўз уй-ингдасан» (М.Бобоев)да Меҳри хола, «Зумрад ва Қиммат»да ўғай она сингари роллари билан танилди.

Ўзбекистон телевидениесининг «Оталар сўзи — ақлинг кўзи» кўрсатувининг доимий қатнашчиси бўлиб, мушфиқ оналар тимсолини турли кўринишларда гав-

далантирган. «Мех-нат шуҳрати» ордени билан мукофотланган (1997).

ҲАМИДОВА Манзура Ҳамидовна (1921.19.1, Тошкент) — терапевт, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), тиббиёт фанлари д-ри (1965). ТошТИнинг даволаш ф-тини тугатгач (1940), Тошкент вилояти Бўка тумани Керовчи қишлоқ врачлик участкаси мудири (1940—42), ТошТИ ф-т терапия клиникасида ординатор (1942—46), Ўрта Чирчик р-н касалхонасида бош врач (1946—49), ТошТИ ф-т терапия кафедрасида аспирант (1949—52), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти терапия кафедрасида ассистент (1953-58), доцент (1958-65), проф. (1965—67), кафедра мудири (1967—92); 1-шаҳар клиник касалхонаси ички касалликлар бўлимида проф.-консультант (1992—2000). Илмий ишлари жигар, юрак, ўпка касалликлари, ревматизмни даволаш ва диагностикаси ҳамда юрак-ўпка етишмовчилигининг ривожланиш механизмларини ўрганиш, даволаш ва б. масалаларга оид.

Ас: Язвенная болезнь желудка и 12ти пер-стной кишки, 1984; Жигар касалликлари, Т. 1987.

ҲАММОМ — чўмилиш, ювиниш ва покланиш учун қурилган махсус бино. Асосий хонасида иссиқ суи ва иссиқ ҳаво (турк, фин, Рим Ҳ.ларида), иссиқ сув ва буғ (рус, татар Ҳ.ларида) таъсирида терлаб, ювиналади. Ин-сон саломатлигида Ҳ.нинг акамияти катта.

Шарқ мамлакатларида ўзига хос меъморий Ҳ.лар қадимдан маълум. Ёзма манбалар, археология маълумотлари 10—12-а.ларда Ўрта Осиё (Бухоро, Тароз, Нисо ва б. шаҳарлар) да Ҳ.лар иссиқликни сақлаш мак-садида ерни чуқур казиб, деярли ер остида, ярим ер тўла тарзида қурилганини кўрсатади. Бухорода 16-а.да қурилган Мисгарон, Сарро-фон Ҳ.лари сақланган. Архитектураси бир-бирига жуда ўхшаш бўлган бу Ҳ.ларнинг ечиниш хонаси, чой ичиб ҳордик чиқариладиган

катта (ёғоч устунли) хона, ўртада асосий уқалаш хонаси, унинг атрофида ювиналадиган хоналар бўлиб, улар катта ва кичик гумбазлар билан ёпилган. Ғишт, тош териб ишланган ҳовузак (бак) ларда иссиқ ва қай-ноқ сувлар, хоналар остидан қайноқ ҳаво билан иситилган. Хоналардан хоналарга ўтилган (хоналар ичкарига томон тобора исий борган). Оқава сувлар учун ариқчалар қазилган, хушбўй моддалар ва кул сув (иш-қорли сув) учун мўлжалланган ҳовузчалар сирти сувга чидамли махсус қоричмалар («қир») билан қопланган. Деворлар ганч билан сувалган, сирли сопол парчинлар билан безатилган. Шаҳрисабз, Қарши, Хива (Ану-шон Ҳ.и) каби шаҳарларда қад. меъморий Ҳ.лар сақланган. Туркияда 15—17-а.ларда қурилган улғвур Ҳ.лар сақланган. Уларнинг кўпчилиги аёллар ва эркаклар учун икки қисмдан иборат симметрик қилиб қурилган. Боязид ҳаммоми (1501), меъмор *Хўжа Синон* лойиҳаси билан қурилган Чиннили (1545), Хасеки (1556) Ҳ.лари муҳим жамоат бинолари қаторида серхашамлиги билан диққатни тортади.

Замоनावий Ҳ.ларнинг турли-туман шакллари мавжуд; сузиш бас-сейнлари, дезинфекция камералари, физиотерапия тадбирлари учун хоналари, ваннали ва душли, алоҳида хоналари душлардан иборат ёзги павильонлари бўлган Ҳ.лар бор. Ҳ.ларнинг тарҳи уларнинг вазифасига қараб белгиланади.

Киши Ҳ.да ювинганида унинг барча организми таъсирланади. Иссиқхонада баданнинг иссиқтик чиқариши қисман тўхтайдиган, унинг т-раси 38—39° гача кўтарилади. Организмда оксидланиш жараёни ва моддалар алмашинуви кучаяди. Бадандан кучли тер чиқиши туфайли организмнинг моддалар алмашинувида ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг чиқиб кетиши зўраяди, буйракнинг иши енгиллашади. Иссиқ ҳаво таъсирида тери капилляр қон томирлари кенгайиб, қон айланиши яхшиланади. Юрак касаллиги, атеросклероз, аневризма, ги-пертония

билан оғриган кишилар, шунингдек, болаларнинг иссиқхона (буғхона)дан фойдаланишлари ярамайди.

ҲАММУАЛЛИФЛИК - адабиёт, илм-фан ёки санъат асарларига бўлган *муаллифлик ҳуқуқининг* ёхуд бирор-бир кашфиётга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг икки ёки ундан ортиқ шахсга барабар алоқадорлиги. Муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланиш ҳаммуаллифларнинг ўзаро келишувига биноан амалга оширилади. Мукофот берилиши ҳам шу келишув асосида ёки мавжуд қонунчилик асосида кўриб чиқилади. Ўртадаги келишмовчилик ёки низоли муносабатлар суд орқали ҳал қилинади.

ҲАМО — Суриянинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Ал-Аси водийсида. Ҳамо муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 265 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қ.х. (дон, пахта, мевалар) р-нининг савдо маркази. Тўқи-мачилик, озик-овқат, цемент, металлургия саноати корхоналари мавжуд.

ҲАМРАЕВ Шаҳоб Шамсиевич (1935. 10.5, Шофиркон тумани) — ортопед-травматолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1999), тиббиёт фанлари д-ри (1974), проф. (1976). ТошТИнинг педиатрия ф-тини тугатгач (1958), Бухоро вилояти Жондор тумани марказий шифохонаси хирург, бўлим мудири (1958—59). Травматология ва ортопедия и. т. ин-ститутида клиник ординатор (1959— 61). Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида аспирант (1961 — 64), ассистент (1964—74). Шу ин-т хирургия ф-ти декани ва айна чоғда шу ин-т травматология ва ортопедия кафедраси мудири (1974—85). ТошТИ ўқув ишлари бўйича проректор (1985 — 87). Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (1987— 90), республика бош ортопед-трав-матологи (1975-87). 1990 й.дан Республика ихтисослаштирилган бўғин ва панжалар жарроҳлиги

маркази директори. Илмий фаолияти кўл бар-моғи жароҳати ва касалликлари, сунункали остеомиелит, сунъий бўғимлар ўрнатиш (эндопротезлаш), ревматоид артритларни ортопед-хирургик усулда даволаш, шунингдек, суяк, тоғай ва мушкулларнинг пластик операциясига ва б. масалаларга оид.

Ас: Проводниковое обезболивание нервных стволов и сплетений при операции на конечностях, Т., 1990; Кафт ва бармоқларнинг жароҳатдан кейинги контрактураларини аппарат-жарроҳлик усулида даволаш, Т., 1996; Комп-лексное лечение ишемической контрактурм пальцев и кистей, Т., 2004.

ҲАМРО ПОЛВОН Шодиев (1892, Ромитан туманидаги Работарак киш-лоғи — 1942.4.8, Бухоро) — *Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат* раҳбарларидан бири, полвон. Ёшлигидан бошлаб полвон сифатида ном чиқарган, бухороча курашнинг моҳир устаси ҳисобланган. С. *Айниининг* ёзишича, Ҳ.п. Бухорода ўтказилган Гули сурх сайли — Наврўз байрамида барча рақиблари курагини ерга теккизиб, Бухоро амирлигининг бош полвони деб топилган (1911 й. март). У кейинчалик *юзбоши* унвонига сазовор бўлиб, Амир Саид *Олимхон* саройида хизмат қилган.

Бухоро босқинидан сўнг Ҳ.п. бошчилигидаги ҳарбий тўда Бухоро ва унинг атрофида кизил аскарларга қарши курашган (1920 — 23). Сўнгра у қуролли курашни тўхтатган ва тинч ҳаётга қайтган (1924).

20-а.нинг 20|-й.лари ўрталаридан бошлаб Бухоро воҳасидаги *Жилвон* мавзесини ўзлаштиришга киришган. Совет режими томонидан у 3 марта қамокка олинган. Бухоронинг Ғозиён мадрасасида махсус қамокхонада очликдан вафот этган. 1992 й. 30 мартда оқланган. Хоки Шофиркон туманидаги Окмозор қабристонига қайта дафн этилган (2004 й. май). Ҳ.п. фаолияти ҳақида ёзувчи Дилшод Ражаб «Жил-вон ўғлони» тарихий

эссесини ёзган (2001). Шофиркон тумани Жилвон мавзесидаги ўзи асос солган қишлоққа Х.п. номи берилган. Ҳар йили бу ерда Х.п. хотирасига атаб республика миқёсида ёш курашчилар мусобақаси мунтазам ўтказилмоқда.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т, 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

ҲАМРОБОЕВ

Иброҳим

Ҳамробоевич (1920.05.05, хоз. Қирғизистон Республикасининг Уш вилояти, Узган ш. — 2002.29.06, Тошкент) — геолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1973), Ўзбекистонда (1970) ва қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Ўрта Осиё давлат ун-ти геология ф-тини тугатган (1942). Чорухдайрон геол.-қидирув парти-яси ва Помир экспедициясида геолог (1942-1948); Ўзбекистон ФА Геол. ва геофизика ин-тида катта илмий ходим (1947—49), лаб. ва бўлим мудири (1949—2002), фан бўйича директор ўринбосори (1958—1959), шу ин-т директори (1960—1992) ва консултанти (1992—2002). Ўзбекистон ФА Ер ҳақидаги фанлар бўлими раиси (1994—1996). Илмий ишлари, асосан, Ўрта Осиё магматизми, айрим мажмуали формацияларнинг геокимёвий ва металлогеник хоссаларига бағишланган. 1950-й.ларда Ўрта Осиёда олтин билан маргимушнинг узвий парагенезисини аниқлади. Шу асосда янги олтин конлари (Чормитон, Мурунгов, Том-дитов ва б.) топилди. Х. олтинли руда конлари ҳосил бўлишида Ер ички тузилишининг аҳамияти ҳақидаги ғояни ривожлантирди, Ўзбекистонда олтин ва б. муҳим рудаларни қазиб чиқариш саноатини ривожлантириш билан шуғулланган. Ғарбий Ўзбекистоннинг металлогеник харитасини тузган.

Халқаро геологик конгресслар (Дания — 1960, Ҳиндистон — 1964, Фран-

ция — 1959, Чехословакия — 1963, Норвегия — 1966, Италия — 1974) катнашчиси. Х. номига янги топилган минерал (*ҳамробоевит*) кўйилган. Геология ва геофизика ин-тида Х.нинг хона музейи ташкил қилинган. Давлат мукофотлари (1960, 1966), Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1989). «Шуҳрат» медаллари (1994) билан мукофотланган.

Ас: Экспериментальное моделирование процессов магматогенного породо- и рудооб-разования, Т, 1976 (в соавторстве); Петро-графия асослари (дарслик), Т., 1964, 1984 (хам-муаллифликда); Природа слоев и границы-тосфери Средней Азии, Т, 1988 (в соавторстве); Эволюция магматизма в Средней Азии, М., 1986 (в соавторстве); Магматические, метасоматические формации и связанные с ними оруденения, Т., 2005.

Ад.: К 85-летию академика И.Х. Хамрабаева. Воспоминания, Т., 2005.

ҲАМРОБОЕВИТ - титаннинг V ва Fe аралашмаси билан биргаликдаги табиий карбиди. 1984 й.да топилган. Арашон тоғларидаги базальтгли порфирлар ва Зарафшон тизмасидаги кварцланган гранитоидлар таркибида учрайди. минерал И.Х. *Ҳамробоев* шарафига Х. деб аталган. Унинг эталонли намунаси Москвадаги А.Е.Ферман номидаги минераллар музейида сақланмоқда. Қаттиклиги 9 дан ортиқ. Куб сингонияда кристалланади. Шаффоф эмас, металлдек ялтирайди. Ранги тўқ кулранг. Таркибида Х. бўлган базальтгли порфирлар қуйи пермь даврига мос бўлган трахиандезит-трахибальтгли формациянинг субвулканли жинсларига тааллуқли.

ҲАМРОЕВ Али Эргашевич (1937.19.5, Тошкент) — кинореж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Эргаш *Ҳамроевнинг* ўғли. Москва кинематография ин-ти (ВГИК)ни тугатган (1961). 1961 й.дан «Ўзбекфильм»да реж. «Болалар ҳақида

кичик ҳикоялар» унинг биринчи фильми. «Ёр-ёр», биринчи ўзбек фильм-операси «Дило-ром», «Лайлак келди. ёз бўлди», «Қизил кум», «Фавкулудда комиссар», «Шижоат», «Еттинчи ўқ», «Мухлис», «Инсон қушлар ортидан боради» (Дехли фестивалида «Энг яхши режиссура учун» совринини олган, 1977), «Ме-вазорлик аёл» каби фильмлари билан танилган. Шунингдек, «Салом, Баҳор!», «Туркистон», «Ўзбекистон», «Тошкент жасорати» ва б. хужжатли фильмларга ҳам реж. лик қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971).

ҲАМРОЕВ Жавлон Раззоқович (1934.10.7, Наманган - 1997.18.10, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1989). Раззоқ *Ҳамроевнинг* ўғли. Театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1966). 1962—97 й.лар «Ўзбек-фильм» қошидаги «Киноактёр студияси»да актёр. 40 дан ортик фильмда суратга тушган: Шофёр («Виждон амри билан»), Фарход («Фарходнинг жасо-рати»), Анвар (««Фарходнинг жасо-рати»), Оловли йўллар», Қароқчи («Алибобо ва қирқ қароқчи»), Арсло-нов («Жазирама куёш остида») ва б. Кучли драматизм, психологик теранлик, давр қарама-қаршиликларини ифодалашда катта истеъдод, фикр ва ҳиссиётлар тўлқини Х. ижо-дига хос.

ҲАМРОЕВ Иброҳим (1916.25.12, бухоро — 1999.17.1, Тошкент) — композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975), Ўзбекистон халқ артисти (1988). Тошкент консерваторияси (А.Ф. *Козловский* синфи, 1945)ни тугатган. 1939 й.дан Тошкент консерваториясида педагог (1977 й.дан доцент). Тошкент мусиқа билим юрти директори (1950-57). Опералар («Ойжамол», 1969; «ЧўЛ чақ-моғи», 1973), мусикаткдрама ва комедиялар («Шоир-нитхг орзуси», «Мели хоббону Наби товон», «Бир ғунча очилгунча»), вокал-симфоник асарлар («Ўзбекистон хотин-қизлари» кантата-

си ва б.), оркестр жўрлигида чанг учун, фортепиано жўрлигида рубоб учун концертлар, қўшиқлар («Тингланг мени, сай-ёралар», «Ўзбекистоним менинг» ва б.), шунингдек, болалар учун мусиқа-қали спектакллар, хорлар муаллифи. Мусиқа ўқув юртлари учун дарслик ва методик қўлланмалар ёзган (2 қисмли «Сольфежио», Т., 1971, 1978 ва б.). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1959, 1970).

ҲАМРОЕВ Комил Мўминович (1944.9.8, Жондор тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Жондор туманидаги 5-мактабда мат. ўқитувчиси, ўқув бўлими мудири, 1970—2004 й.ларда 6-мактабда ўқув бўлими мудири, мактаб директори, мат. ўқитувчиси.

ҲАМРОЕВ Муродбек Каримович (1936.1.1, Олмаота — 1983.14.2, Тошкент) — адабиётшуно олим, филол. фанлари д-ри (1964), проф. (1975). СССР Педагогика ФА мухбир аъзоси (1979). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1959). Қозоғистон ФА Адабиёт ва санъат ин-тида, академиянинг уй-ғуршунослик бўлимида ишлаган (1961—74), Қозоғистон ФА Педагогика фанлари и.т. институтида (1975—76), Ўзбекистон Педагогика фанлари и.т. институтида директор ўринбосари (1976), директор (1977— 83). Асосий илмий иши туркий шеър тузилиши асослари мавзуида. Асарлари туркий халқлар мумтоз ва ҳоз. замон шеърятининг қиёсий таҳли-лига, унинг умумий қонуниятлари ва асосий хусусиятларини кўрсатишга бағишланган. Ҳ. «Уйғурча-русча адабиётшунослик терминлари луғати» (1974), «Асарлар оша сўнмас сўз» (1969), «Асарлар саҳифаси» (1972), «Навоий ва уйғур адабиёти» ва б. асарлар муаллифи.

Ас: Основн тюрского стихосложения, Алма-Ата, 1963; История, теория, мастерство, Алма-Ата, 1964; Расцвет культуры! уйгурского народа, Алма-Ата,

1967; Очерки теории тюркского стиха, Алма-Ата, 1969; Уйгурская литература (Учебник), 2 изд., Алма-Ата, 1977.

ХАМРОЕВ Нажим Раҳимович (1933.10.1, хоз. Навоий вилояти Кармана ш.) — муҳандис гидротехник-мелиоратор олим, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси акад. (1991), ВАСХНИЛ (1983), 1991 й.дан Россия Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси мухбир аъзоси, техника фанлари д-ри (1983), проф. (1991). Мехнат Қахрамони (1981). Ўзбекистонда (1983), Тожикистонда хизмат кўрсатган ирригатор (1979), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган курувчи (1977). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1957). «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестида муҳандис (1958), Хиш-ров ГЭС қурилиши бош муҳандиси, қурилиш бошлиғи (1959-60), Ўзбекистон Министрлар Совети Ишлар бошқармаси қурилиш бўлимида катта реферант (1960—62), Бухоро вилояти ижроия қўмитаси раиси ўринбосари (1962-63), *Аму-Бу-хоро машина канали* қурилиши бошқармаси бошлиғи (1963—65), ЎзССР министрлар Совети Сув қурилиши бош бошқармаси бошлиғи (1965—71), СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши бош бошқармаси («Глав-средазирсовхозстрой») бошлиғи (1971—85); Ўзбекистон ФА ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш Кенгашида бўлим мудири (1985—90), Ўзбекистон Сув қурилиши давлат қўми-таси раисининг биринчи ўринбосари (1990—91). Ўзбекистон ФА Сув муам-молари ин-ти директори (1991—96), бош илмий ходим (1998—2002), илмий маслаҳатчи (2002 й.дан), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий-и.ч. маркази бош директори (1997-98).

Илмий ишлари чўл ва чала чўл мин-тақаларини суғориш ва комплекс ўзлаштириш, агросаноат мажмуаларини барпо этиш, сув хўжалиги ва мелиоратив

системалар ва ишоотлар қурилишини ташкил этиш ҳамда уларни ишлатиш, йирик ер массивларини ўзлаштиришнинг илмий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларига бағишланган.

ХАМРОЕВ Раззок (1910.30.11 - шофиркон тумани, Тезгузар қишлоғи — 1981.5.5, Тошкент) — актёр, реж., педагог. Ўзбекистон халқартисти (1951). Халқартисти (1973). Тошкентдаги ўлка эрлар билим юртини (1930), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954). Наманган театри асосчиларидан (1931). Наманган театрида актёр, реж., бош реж., бадий раҳбар (1931—45). 1946 й.дан Муқимий театр-рида актёр, реж., бош реж. (1959—76), 1977 й.дан реж. Айни вақтда, 1954 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида дарс берган, проф. (1978 й.дан). «Тоҳир ва Зухра» (С. Абдулла)даги Нозим, «Рустам» (У. Исмоилов)даги Рустамлар Ҳ.нинг саҳнада яратган илк образларидир. Ҳ. саҳна ва экран навоийномасининг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшган. Хуршиднинг Навоий достонлари асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин» мусикали драмасида Хусрав, Ҳокон ролларини, «Навоий» (Ойбек) драмасида Навоий ролини ижро этган. Шунингдек, унинг театр саҳнасида яратган Фердинанд (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Панталоне (К.Ғоцци, «Маликаи Турондот»), Арслон (К.Яшин, «Тор-мор»), Муқимий (С.Абдулла, «Муқимий»), Ҳамза (К.Яшин, А.Умарий, «Ҳамза»), Труфальдино, Кавалер (К.Ғольдони, «Икки бойга бир малай»), «Мусофирхона бекаси»), Мальволио (У.Шекспир, «Ўн иккинчи кеча»), Меливой (Ҳ. Фулом, «Тошболта ошиқ») каби образлари ҳам машҳур.

Ҳ. ўзбек киносида ҳам чуқур фалсафий, ҳажвий, мазмунли образлар яратди: Нозим («Тоҳир ва Зухра»), Навоий («Алишер Навоий»), Хўжа Насриддин («Насриддиннинг сарғу-заштлари»), Беруний («Абу Али ибн Сино»), Муқимий («Фуркат»), Мир-закарим

кутидор («Ўтган кунлар»), Тоға («Ёр-ёр»), Тоштемир дорбоз («Дорбозлар»), Ибн Ироқ («Абу Райҳон Беруний»), Жаъфарбек («Жай-хун»), Раҳимжон мироб («Мирзачўл»), Усмонбой («Хоразм афсонаси»), номозов («Командирнинг қайтиши»), Гофир («Сени кутамиз, йигит») ва б. шулар жумласидан. Актёр экранда яратган Алишер Навоий образи санъаткор ижодида алоҳида ўрин тутади. Навоийни мутафаккир шоир, халқпарвар давлат арбоби, содиқ дўст сифатида ёрқин гавдалантирди, унинг ички кечинмаларини томошабинга моҳирона етказди, давр қарама-қаршиликларини ифодалашда катта истеъдодини намойиш қилди. 1968 й. Муқимий театрида шоирнинг 525 йиллиги муносабат билан Ҳ. «Навоий Астрободда» (И.Махсумов; Ю.Ражабий, С.Жалил) мусикали драмасини сахналаштириб, ўзи бош ролни ижро этди. Навоийнинг байтуғазалларини ажойиб талаффузда маъноли, жарангдор, юксак маҳорат билан ва таъсирчан ўқши билан образнинг таъсир кучини янада оширди.

Унинг реж. сифатида айниқса, мусикали драма жанри тараққиётида хизматлари алоҳида. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Олтин кўл», «Нурхон», «Мақр ва муҳаббат», «Муқимий», «Гули сиёҳ», «Фарғона тонг отгунча», «Тошболта ошиқ» каби Ҳ. режиссёрлик қилган драма, коме-дия, мусикали драма каби турли жанрдаги спектакллар чуқур ҳаётийлиги, юксак ижро савияси ва теран ғоявий мазмуни билан ажралиб туради. У нафақат Муқимий театрида балки республикамизнинг вилоят театрларида ҳам кўпгина спектакллар сахналаштирган.

Давлат мукофоти (1948), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари (1964, 1970) лауреати. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2003).

Моҳина Аширова.

ҲАМРОЕВ Рашид Ҳамидович (1937.27.8, Бухоро - 1985.5.9, Тошкент)

— композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984). Тошкент консерваториясини тугатган (1961). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида кафедра мудири (1961—76), Тошкент маданият ин-ти доценти (1974 й.дан). Йирик мусиқий-сахнавий ва симфоник мусика жанрларида ижод қилиб, «Зулматдан зиё» (1965), «Тонг олдидан» (1972), «Шайх Санъон» (1980) опералари, 4 симфония (1965-85), фортепиано (1961), скрипка (1973) ва оркестр учун кон-цертлар, «Абу Али ибн Сино» вокал-симфоник поэмаси, шунингдек, торли кватрет, турли камер мусика асарлари, мусикали драмалар каби миллий оҳанглар билан суғорилган, драматик ва лирик жозибадор асарлар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1966).

ҲАМРОЕВ Эргаш (1909, Фарғона, Риштон қишлоғи — 1942.15.2, Смоленск) — миллий кино асосчиларидан, кинодраматург, актёр. Ленинград сахна санъати техникумини тугатган (1930). «Юксалиш» (Йўлдош), «Ажойиб иш» (Эргаш), «Рамазон» (Темур), «Йигит» (Пўлат) каби биринчи ўзбек фильмларида бош ролларни ижро этган. «Тоҳирнинг ханжари» номли пьеса, «Оталар», «Хизматчи» номли сце-нарийлар ёзган. 2-жаҳон урушида қалок бўлган.

ҲАМРОЕВА Бўритош (1950.9.7, Қарши ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Қарши пед. институтини тугатган (1972). 1972 й.дан Қарши ш.даги 4-, 1977—2002 й.ларда 5-мактабда кимё фани ўқитувчиси.

ҲАМРОЕВА Гули Раззоқовна (1946.2.12, Тошкент) — балерина, балет-мейстер, педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1983). Раззоқ *Ҳамроевнинг* қизи. 1966 й. Тошкент хореография билим юртининг «балет артисткаси» ихтисослиги, 2001 й. Тошкент давлат миллий ракс ва хореография Олий мактабининг

«балетмейстер-режиссёр» ихтисослиги бўйича тугатган. 1966 й.дан Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида аввал балет раққосаси, 2000-2002 й.лар балет директори, 2002 й.дан педагог-репетитор. 2002 й.дан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактабининг рек-тори. «Боқчасарой фаввораси» (Заре-ма), «Дон Кихот» (Китри), «Эсмераль-да» (Эсмеральда), «Спартак» (Эгина), «Севги тумори» (Чундари), «Жизель» (Мирта), «Оққуш кўли» (Оққуш ва испанча рақс), «Золушка» (Угай она), «Испан миниатюралари» (Испан киз), «Кар-мен» (Кармен), «Корсар» (Гулнора), «Насриддин саргузаштлари» (Насрид-диннинг хотини), «Клеопатра» (Кле-опатра), «Жонланган миниатюралар» (Канизак) каби спектаклларда асосий ролларни ижро этган. Лиризм, психо-логик теранлик, нафис ҳаракат, хореографик имо-ишора ва ҳаракатларда у ноёб уйғунликка эришди. Раққо-санинг инсон ҳиссиётлари, ички кечинмаларини рақс ҳаракатларида моҳирона етказишида ўзига хос таҳлили кўзга ташланади. «Дилором» (Ди-лором), «Семург» (Пари-зод) каби фильмларда суратга тушган. Ҳ. ҳаёти ва ижодига бағишланган «Болеро» хужжатли фильми ишланган (1995).

ҲАМРОЕВА Ойдиннисо (0952.30.7, Каттақўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси[^]алқўқитувчиси (1995). СамДУни тугДтган (1978). 1972 й.дан Каттақўрғон туманидаги 35-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 4995 й.дан мактаб директори ўрин-босари.

ҲАМРОҚУЛОВ Нуриддин (1946.18.6, Андижон) — хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1987). Жарангдор, лирик овоз соҳиби. Тошкент театр ва рас-сомлик санъати ин-тида таълим олган (1971—73). Ижодий фаолиятини *Анди-жон театри*ш бошлаб (1967 — 73), Ҳайдар («Нурхон»), Равшан («Равшан ва Зулхумор») каби образларни яратган. Анъанавий ва замонавий хонан-

далик йўлларини *Ў.Нуралиев*, Турсунбой Қодировлардан ўрганган. Андижон вилояти филармониясида яккахон хонанда (1983—93). Кейинчалик, асосан, концерт ижрочилиги билан шу-ғулланган. Репер-туаридаги мумтоз («Самарқанд Ушшоғи», «Тошкент Ироғи»), замонавий бастакорлар ашулалари («Талкинроз», «Оқ қуш», Р.Юсупов ва б.) ҳамда ўзи ба-сталаган («Оламини сақланг», «Раъно», «Сой кўрдим», «Ширинлигинг», «Қулди баҳорим» каби) кўшиқлари таъсирчан ва ёқимли. Европа ва Осиё мамлакатларида гастролда бўлган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фо-нотекаси, грампластинка (1968, 1971, 1972) ва компакт дискларга ёзилган.

ҲАМРОҚУЛҚОРИ Муҳаммадрасул ўғли Тўракулов (1872 — хоз. Бешарик тумани Шоберди қишлоғи — 1943; 1967 й. Бешарикқа қайта дафн этилган) — ҳофиз, созанда (дутор); Қўкон (Бешарик) ҳофизлик мактабининг йирик вакили, Фарғона — Тошкент мумтоз мусиқа йўлларининг билим-дони. Жарангдор, ўткир, кучли ва ширадор тенор овози соҳиби. Дастлаб Тўракул бобосидан дутор, отасидан доира чалиш кўникмаларини ўзлаштирган. Кейинчалик Холикқори (Хол-кори)дан кироат ҳамда хонандаликни, марғилонлик Матҳолиқ ҳофиздан эса мумтоз ашула намуналарини ўзлаштирган. Фарғона водийси ва Тошкентда халқ сайиллари, «бозори шаб»ларда катнашиб шуҳрат қозонган. Репер-туаридан мумтоз ва замонавий ашу-лалар, айниқса, Навоий, Мискин. Хислат, Муқимий, Ҳазиний, Фуркат, Фазлий, Қорий, Камий, Хуршид, Чархий шеърларига, шунингдек ўзи тўқиган ғазалларга айтган катта ашула намуналари кенг ўрин олган («Инна фатахно», «Ё ҳаёт ан-наби», «Бевафо дунё», «Хароб этма», «Суво-ра». «Чаман безанди», «Бу гул-шан», «Ёввойи Ушшоқ», «Мунча ҳам», «Бир келсун», «Эй, дилбари жо-ноним» ва б.). Айниқса, «Патнус Уш-шоғи» билан

сухрат қозонган. 1900-й.ларда «Пишущий Амур» (Рига) фирмаси томонидан Х. ижросидаги ашу-лаларни граммофон пластинкаларига ёзиб олинган.

Х. ижро анъаналарини *Б.Ражабов, Ж.Султонов, А. Ҳайдаров, М.Узоқов, Б. Мирзаев, Р.Мамадалиев, Т. Каримов, Ш.Бойқўзиёв, М.Аҳмедов* каби хонан-далар давом эттиришган.

ҲАМШИРА — ўрта маълумотли тиббиёт ходими. Даволаш-профилактика муассасаларида Х. врач ёрдамчиси бўлиб, у билан ҳамкорликда иш олиб боради. Х. беморларни парвариш қилиш, ҳароратни ўлчаш, дори тарқатиш, даволаш муолажалари (ком-пресс, горчичник қўйиш ва ҳ.к.) ва б. вазифаларни бажаради. Х.лар турли тиббиёт муассасалари (касалхона, поликлиника, диспансер, санаторий ва б.) да, шунингдек, ясли ва болалар боғчасида хизмат қилади. Ҳамшираликка тиббиёт коллежларида ўқитилади. Тошкент тиббиёт академиясида алоҳида ф-т мавжуд бўлиб, унда олий маълумотли Х.лар тайёрланади.

«ҲАМШИРА» — ҳамширалар, фельд-шерлар ва б. тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган илмий-амалий, тиббий-маърифий журнал. 1997 й. 10 фев. дан Тошкентда нашр этилади. 1 й.да 4 марта чиқади. Муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси МК, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. Жур.нинг вазифаси ўрта тиббиёт ходимлари билимини ҳамда маънавий ва маърифий савиясини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш; уларни шифобахш табиат ва тиббиёт тарихи билан таништириш, шунингдек, касбга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда инсон саломатли-гига оид барча масалаларни кенг кўламда мунтазам ёритиб боришдан иборат. Бундан ташқари жур.да соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилаётган ўрта тиббиёт ходимларининг вазифалари, ҳуқуқ ва жавоб-

гарликлари, уларни жаҳон андозасига мос фаолият юритишлари, унда республикамиз ўрта тиббиёт ходимларининг хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлиги ҳамда улар олдида турган энг долзарб муаммоларга оид материаллар асосий ўрнини эгаллайди. Адади 26000 (2005). Мухаррири Фарход Оқилов (2000 й.дан).

ҲАНАФИЙЛИК — *суннийлик* вят диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (қ. *Имоми Аъзам*) асос солган. Х. қоидалари Абу Юсуф Ёқуб (795 й. в.э.), Муҳаммад аш-Шайбоний (804 й. в.э.), Қудурий (1036 й. в.э.) ва б. асарларида ишлаб чиқилган. Бу мазҳаб тарафдорлари фикҳнинг 4 асосий манбаини эътироф этиш билан бирга бошқа мазҳаблар вакилларида нисбатан фикҳ талабларига риоя этишнинг *қиёс* ва *ижтиҳод* усулларида кенгрок фойдаланади. Бу мазҳабнинг асосий хусусиятлари қуй-идагилардан иборат: Қуръони каримдан ҳукм олишда оятларнинг носих ва мансухларини обдон аниқлаб олиш; ҳадиси шарифлардан ҳуқуққа доирларини шаръий ҳукмларга асос қилиб олишда ҳар бир ҳадиснинг саҳиҳли-гига катта эътибор бериш ва уларнинг носих, мансухлигини чуқур аниқлаш; саҳобаларнинг иттифоқлик ила чиқарган қарорлари (ижмоъ) ҳамда қиёс ва ижтиҳод усулларида биноан ҳуқуқий хулоса чиқаришдан ташқари истихсон деб аталувчи қўшимча манбадан ҳам фойдаланиш.

Х. мазҳаби оддий ҳуқуқ (урф-одат) дан ҳам ҳуқуқнинг кенг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида фойдаланади, бу ҳол ҳаётий эҳтиёжларни ва маҳаллий одатларни ҳисобга олиб ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш имко-нини беради. Бу мазҳаб қоидалари мўътадиллиги, бирмунча юмшоқли-ги, қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли 11-а.дан бошлаб шимол ва шарққа кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болкон, Шим. Кавказ, Қора денгиз, Волга бўйилари, Ўрта Осиё мамлакатлари, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойнинг

олис худудларига тарқалган. Ҳоз. даврда дунё мусулмонларининг қарийб ярми, шу жумладан, юртимиз мусулмонлари Ҳ. мазҳабига амал қилган ҳолда мусулмончилик қонун-қоидаларини бажариб келмоқда.

Абдулазиз Мансур.

ҲАНБАЛИЙЛИК — *суннийлика-аш* диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. *Ибн Ҳанбал* асос солган. Ҳ. тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шарият аҳкомларига риоя этишда қатъий туришлиги билан ажралиб туради. Ҳ. тарафдорлари Куръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам (эу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат 9-а.нинг 2-ярмида араб халифалигида *муътазиллийларнинг* ва илоҳиёт-еоҳасидаги хурфикрлиликнинг таъкиб остига олиниши туфайли Ҳ. таъсири бирмунча кенгайган ва 12-а.да мустақил мазҳабга айланган. 10-а.да Эрон-да, 11-а.дан 15-а.гача Сурия ва Фаластинда Ҳ. издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда Ҳ. тарафдорлари яна камайиб кетган. Ҳозирда Ҳ. Саудия Арабистонда расман эътироф этилган, бошқа мамлакатларда кам учрайди.

ҲАНГАРОНСОЙ — Сурхондарё вилоятидаги дарё, *Сурхондарёнинг* ўнг ирмоғи, уз. 82 км, ҳавзасининг майд. 55,8 км². Ҳисор тизмасининг жан. тармоқлари бўлган Кетмончопти тоғларининг жан. этакларидаги булоқлардан бошланади. Бошланиш қисмида (Авлуд қишлоғигача) Қўрғондара, кейинроқ Кофрун қишлоғигача — Ҳ. номи билан маълум. Бойсун қишлоғидан қуйроқда дарё ўзани иккига бўлинади; ўнг ўзани Олақўтон (уз. 35 км) деб аталади. Ботмабулоқ қишлоғи ёнида ерости грунт сувларининг қўшилиши натижасида суви нордон-шўрроқ. Бандихон тангиси ёнида иккита ўзан яна бирлашиб

дарё Коф-рун номи олади. Қорақат тангисидан қуйроқда дарё кўп сонли сойларга бўлиниб кетади. Улардан энг каттаси, қуруқ ўзанли Тақир дарёси қуйроқда Тақирқўлсой деб аталади. Дарёни сув билан таъминлашда қор сувларидан ташқари, унга юқори қисмида қуйиладиган кўп сонли булоқлар катта аҳамиятга эга. Шу боис Ҳ.даги сув оқими йил давомида деярли бир текис тақсимланган. Дарёнинг ўртacha кўп йиллик сув сарфи Бойсун қишлоғи ёнида 0,64 м³/сек. Ўртacha йиллик сув сарфи 1,67 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 0,190 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгариб туради. Тўлинсув даври март — авг. ўрталарида бўлади. Энг кўп суткалик сув сарфи апр. — июлда кузатилади. Йиллик энг кам сув сарфи окт. — февраль ойлари.

ҲАНДАЛАК (Melo спапдалак) — ковокдошлар оиласига мансуб энг эртапи-шар қовун тури. Ўзбекистонда Ҳ.нинг Кўкча Ҳ.-14 (П.Н.Дудко), сариқ Ҳ., Замча, Кўк Каллапўш, Босволди, Оби Новот ва б. на&тари кўп экилади. Кўкча Ҳ.-14 навининг шакли ялпоқ, кичик, оғирлиги 0,7 — 2,5 кг. Юзаси силлиқ ёки билинар-билинемас тилимли. Тўри тўлик. Тўни энли (1,5 см) қорамтир-яшил тасма кўриниши-да. Меваси пишиш арафасида яшил, пишганда сариқ рангда бўлади. Узок жойларга ташишга чидамсиз. 1946 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экиш учун давлат реестрига киритилган. Сариқ Ҳ.нинг шакли бироз ялпоқ, ўртacha катталиқда, оғирлиги 1,2—2,3 кг. Юзаси қисман тилим-ли, тўри тўлик, майда каталик. Ранги сариқ. Пўсти ярим қаттиқ, эти сар-ғиш-оқ, қалинлиги 3,5—4 см, тиғиз, юмшоқ, бироз ширинроқ, ҳидли. таркибида қанд миқдори 4—5% (1,5 —

2,4% сахароза), қуруқ модда 6,1—7,8%. Ниҳоли униб чиққанидан сўнг меваси 60—65 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 200—230 ц/га. Ўзбекистоннинг жан. р-нларида, айниқса Самарқанд вилоятида кўп экилади.

Ад.: Ермохин В.Н., Каримов К.К.,
Ўзбекистон қовунлари, Т., 1969.

Абдулазиз Аббосов.

ХАНИФЛАР — ислом дини вужуд-га келмасдан илгари араблар орасида яккахудолик ғоясини тарғиб қилган шахслар. Мусулмонлар ривоятига кўра, улар исломгача Арабистонда қабила худоларига сиғинишни рад этган, яккахудога астойдил ишонган, лекин христианликка ҳам, яхудийликка ҳам қўшилмаган. Муҳаммад (сав) ҳам ўз тарғиботини Х.дан бири сифатида бошлаган. Қуръонда *Иброҳим* ҳам ханиф деб номланган, унинг чинакам як-кахудоликка асосланган динини Муҳаммад (сав) тиклаган, деб ҳисобланади.

8—9-а.лардан бошлаб мусулмон адабиётида Х. кўпинча «мусулмонлар», ислом эса «ханифлик дини» маъносида ишлатилган. Суфийлар ҳам ўзларини Х. деб аташарди.

ХАНСИРАШ, ҳарсиллаш -қ. *Нафас қишиши.*

ХАРАКАТ — *борлиқнинг* ажралмас хусусияти бўлган ўзгарувчанликни (қ. *Барқарорлик* ва *ўзгарувчанлик*) ифодаловчи фалсафий категория. Х. тушунчаси имкониятларнинг воқеликка айланишини, рўй бераётган ҳодисаларни, оламнинг бетўхтов ангиланиб боришини акс эттиради. Оламдаги ҳар қандай жараён Х. туфайли содир бўлади. Ҳар қандай ўзгариш — Х.дир. Ўзгаришлар фақат моддий объектларга эмас, балки маънавий, ғоявий объектларга ҳам хосдир. Ҳар қандай (моддий ёки ғоявий) объектнинг мавжудлиги ундаги Х. ва ўзгаришлар туфайли намоён бўлади. Шу сабабли Х. борлиқнинг асосий мавжудлик шаклидир. Фалсафий адабиётларда моддий борлиқнинг қуйидаги Х. шакллари ажратиб кўрсатилади: 1) механик Х. — жисмларнинг фазодаги ўрни вақт ўтиши билан бошқа жисмларга нисбатан ўзгариши. Барча жисмларнинг Х. и нисбийдир, чунки Х. Ерга нисбатан

(кенг маънода) ва атрофдаги жисмларга (мас, йўл четидаги дарахтга) нисбатан қаралади. Кузатилаётган жисмнинг Х. и қайси жисмга нисбатан ўрганилаётган бўлса, ўша жисм санок жисм деб аталади, агар Х. Ерга нисбатан бўлса, у ҳолда Ер — санок жисм, агар Ернинг Куёш атрофидаги Х.и ҳақида гапирилса, Куёш санок жисм бўлади. Х.нинг айланма, илга-рилама, илгариллама-қайтма (мас, поршеннинг Х.и), тўғри чизиқли, эгри чизиқли, уярма, тўлқинсимон ва б. турлари фарқланади. 2) физик Х. (элементар зарралар, атом ядроси ва атомнинг Х.дан тортиб, оламнинг фундаментал кучлари, иссиқлик, электр ва майдон Х.игача, ёруғликдан тортиб коинотнинг гравитация кучигача барчаси шу Х. шаклига мансубдир); 3) кимёвий Х. (бунга моле-куларларнинг ассоциацияси ва диссоциацияси, ионлар Х.и, модданинг музлаши ва кристалланиш жараёнлари, кимёвий реакциялар, кимёвий синтез ва парчаланиш, ёниш ва ок-сидланиш ва б. кимёвий жараёнлар қиради); 4) биологик Х. (ҳаётий жараёнлар). Айрим манбаларда кимёвий Х.дан кейин моддий объектларнинг прогрессив ва регрессив йўналишда ривожланишига қараб, юксакликка — биологик Х.га ва қуйи йўналишга, инкирозига қараб — геологик Х. ҳам кўрсатилади, чунки, ер юзида жонли организмларнинг ҳалок бўлиши оқибатида қатта-қатта материклар, маржон ороллар вужудга келади. Улар геологиянинг тадқиқот объектига қиради; 5) ижтимоий Х. (жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг намоён бўлиши). Булардан ташқари, инсон ақл-заковати ҳамда ахборот жараёнлари билан боғлиқ бўлган ғоявий, маънавий кўринишдаги Х. шакллари ҳам мавжуд. Тафаккур — фикрнинг Х.и, информацион Х., ғоянинг Х.и, маънавий Х., ҳаёлий Х. ва боиқалар шулар жумласига қиради. /Х.нинг энг содда шакли механик Х. бўлиб, унинг ман-баи ташқи таъсирда, Х. мураккаб шаклларининг маябаи эса ички алоқадорликларда-

Қадимдан Х. ва унинг манбалари

хақида турли концепциялар илгари сурилган. Ҳ.ни оламнинг асосий моҳияти деб қараш *Авестовя* таъкидланган. Қад. Миср, Бобил, Хитой, Ҳин-дистон, Юонистон олимлари Ҳ.нинг моҳиятига оид махсус асарлар ёзишган. Улар Ҳ.нинг хусусиятлари, шакллари, манбаи хақидаги илк ғояларни ишлаб чиқишган. Айрим файласуфлар эса Ҳ.нинг мавжудлигини ҳам инкор этган. Элейлик Зенон Ҳ.нинг йўқли-гини ўзининг «Ахилл ва тошбақа», «Дихатомия», «Учаётган камон ўқи» каби машхур *апориялар*да исботлашга уринган.

Шарқ фалсафасида эса Форобийнинг фалсафий рисолаларида бу муаммо мукаммал асослаб берилган. Янги давр фалсафасида *Гегель* Ҳ.нинг моҳиятини формал мантиқ воситасида ифодалаш мумкин эмаслиги, уни фақатгина диалектик мантиқ доирасидагина изохлаш мумкинлигини таъкидлаган. Ҳ.ни тушунтиришда Ҳ.нинг моддий ташувчиси, манбаи хақидаги ғоялар муҳим аҳамиятга эга. Инглиз олими Ж. Толанд (1670—1722) Ҳ.ни материя билан боғлаб тушунтиради. Унинг фикрича, Ҳ.сиз материя бўлмаганидек, материя ҳам Ҳ.сиз бўлиши мумкин эмас. Бу фикр материалистик фалсафанинг асосий тамойилига айланди.

Ҳ.нинг моддий ташувчиси тушунчаси Ҳ. ўз-ўзича мавжуд эмас, у хар доим «ниманингдир» Ҳ.и, «ниманинг-дир» ўзгариши деган маънони билди-ради. Ўша «нима» Ҳ.нинг моддий ташувчиси бўлади (у Ҳ. шакллари ажратиб кўрсатишда таъкидлаб ўтилди). Ғоявий шаклдаги Ҳ.лар тўғрисида гап борганда «Ҳ.нинг моддий ташувчиси» тушунчаси ўз маъносини йўқотади. Унинг ўрнини «ҳаракатланувчи система» тушунчаси эгаллайди. Бундай система моддий ёки маънавий шаклда бўлиши мумкин. Инсон тафак-кури, ахборотлар системаси, маънавий система, ғоявий система ва ш.к. маънавий шаклдаги ҳаракатланувчи системага мисол бўлиши мумкин. Ҳ.нинг манбаи хақида гапирганда мутафаккир-

лар қадимдан *зиддиятлар*ни назарда тутишади. Ички зиддиятлар Ҳ.нинг ички манбаидир. Айрим олимлар ташқи турткини ёки дастлабки турткини Ҳ. манбаи деб билишади. Уларнинг фикрича, оламда абадий сокинлик ҳукмрон бўлиб, кейин дастлабки туртки туфайли у Ҳ.га келган. Аслида. воқелик Ҳ.сиз бўлиши мумкин эмас, у доимо Ҳ.да, ўзгаришда. Бу ўзгаришлар ички ва ташқи зиддиятлар туфайли амалга ошади. Ибн Сино жисм бир жойда ва бир пайтнинг ўзида Ҳ.да ҳам, сукунатда ҳам бўлмайди, Ҳ. зид-диятлидир ва унинг натижасидир, деб кўрсатган эди. Зиддиятлар жисми Ҳ.га келтиради, шу маънода хар қандай Ҳ.нинг манбаи зиддиятдир. Ҳ. шакллари борлиққаги ўзаро алоқадорликларнинг намоён бўлишидир. Ўзаро алоқадорлик моддий ва маънавий шаклларда бўлади ва оламнинг яхлитлигини таъминлайди. Моддий дунёнинг асосида 4 хил — гравитацион, электромагнит, кучли ва кучсиз ядровий ўзаро алоқадорликлар ётади. Алоқадорликлар эса қўшилиб *фазо ва вақт* структурасини ташкил этади. Ҳ. ёки ҳаракатланувчи система хоҳ моддий кўринишда, хоҳ маънавий кўринишда бўлишидан қатъи назар, оламнинг ўзгариши ва ривожланиши асосида ётади. Ҳ. — мавжудлик бўлса, ҳара-катсизлик-сокинлик — йўқликка мос келади. Шу сабабли Ҳ. борлиқнинг адабий ва мутлақ хусусияти, сокинлик эса ўткинчи ва нисбий хусусияти деб ҳисобланади. Қуйидан юқорига бўладиган Ҳ. *ривожланиш* дейилади, акси регрессив Ҳ.дир.

Ад.: Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик, Т., 2001; Ибн Сина, Избранне философов-кие произведения, М., 1980; Файзуллаев А.Ф., Принцип устойчивости и изменчивости в природе, Т., 2000.

Бахтиёр Тўраев.

ҲАРАКАТ МИҚДОРИ (механикада) — к. *Имтульс*.

ҲАРАКАТ НОМИ — феълнинг

ишҳаракат номинигина билдирувчи, замон, шахс-сон, майл каби маъноларга эга бўлмайдиган функционал шакли. Фейлнинг бу шакли -(и)ш, -(у)в, моқ аффикслари ёрдамида ҳосил бўлади; ўқиш, ёзув, айтмоқ каби.

Ҳ.н. шакллари ишҳаракатнинг бажа-рилиши ёки бажарилмаслигини ва улар билан боғлиқ маъноларни билдирмайди, балки ҳаракат-ҳолатнинг ўзини атайди, яъни ҳаракат-ҳолатнинг атамаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар отга хос грамматик кўрсаткичларни қабул қила олади, гапда отнинг синтактик вази-фаларини бажаради. У рус тилидаги феълнинг ноаниқ шакли ва ғарб тилларидаги инфинитив шаклига эквивалентдир. -ш/-иш ва моқ кўрсаткичлари билан ҳосил қилинувчи шакллар баъзан лик аффикси билан қўлланиши мумкин: боришлик, бормоқлик. Бироқ бу адабий тил учун мейёрий ҳолат эмас. -в /-ув аффикси билан ясалувчи шакл нисбатан кам қўлланади. У қўшилганда, феъл ўзаги муайян ўзгаришларга учрайди: ўқи— ўқув, ишла— ишлов. Бу шаклдаги кўплаб феъллар отга кўчган: сайлов, қистов, танлов, ўқув. Ҳ.н.нинг ҳар уч шакли ҳам феълларнинг бўлишсизлик кўрсаткичи ма аффиксини қабул қилмайди. Ҳ.н.нинг бўлишсиз шакли -маслик аффикси ёрдамида ҳосил қилинади: бормаслик, келмаслик, айтмаслик. Бўлишсизлик шаклининг ҳар учала кўрсаткич учун умумийлиги уларнинг маънога кўра жиддий фарққа эга эмаслигини кўрсатади.

Илҳомжон Мадраҳимов.

ҲАРАКАТСИЗЛИК — шахснинг нор-матив ҳужжатларда бажариши шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармасликда ифодаланган ижти-моий хавфли, онгли ва суест хулқ-атво-ри. Муайян тарзда ҳаракат қилиш ло-зимлиги бир қатор ҳолатларга кўра юзага келиши мумкин. Шахс бажариши шарт қилиб белгиланадиган ҳаракатлар аввало бевосита қонун ёки қонун асосида чиқарилган ҳужжатларда кўрсатилади.

Мас, автотранспорт воситасини бошқараётган шахс йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт. Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажармаслик ҳам жиноий Ҳ.ни келтириб чиқариши мумкин. Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён еткази-лишига сабаб бўлса, тегишли жазо белгиланади. Ўзбекистон ЖКда бу хилдаги жиноятлар учун жазо белгиланган (ЖК, 208, 301-моддалар).

ҲАРАМ (араб. — ман қилинган ҳудуд) — 1) мусулмонларда муқаддас деб ҳисобланадиган, қон тўкиш, қурол олиб юриш тақиқланадиган жой, Каъба атро-фи; 2) мусулмон мамлакатларида ҳукм-дор, амалдор ва бойлар хонадонининг аёллар яшайдиган қисми; мажозий маънода мазкур хонадон соҳибининг хотин ва қанизлари. Ҳ.га хонадон соҳиби ва унинг ўғилларидан бошқа эркакларнинг кириши ман қилинган, уни «ҳарам оғалари» (бичилган қуллар) кўриқтаган. Аксарият мамлакатларда кўп хотинли-ликнинг ман этилиши, хотин-қихпарнинг эркаклар билан ижтимоий ҳуқуқда тенглаштирилиши, и(ғисодиёт ва маданият таракқиёти, демократик ҳаракатларнинг ўсиши натижасида Ҳ.лар деярли барҳам топган.

ҲАРБИЙ АКАДЕМИЯ - Ўзбекистон Қуроли Кучлари учун юқори мала-кали командирлар таркибини ва илмий кадрларни тайёрлаб берувчи олий ўқув юрти (қ. *Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари академияси*).

ҲАРБИЙ АСИРЛАР (халқаро ҳуқуқда) — урушаётган томон қуроли кучлари (шу жумладан қўнгилли партизан отрядлари, Қаршилиқ кўрсатиш

ҳаракати қатнашчилари ва б.)га мансуб бўлиб, душман қўлига тушиб қолган кишилар. Ҳарбий мухбирлар, савдо флоти ва фуқаро авиациясининг экипаж аъзолари ва б. ҳам Ҳ.а. бўлиши мумкин. Ҳарбий асирлик мақоми қуруқликда уруш олиб бориш қонун-қоидалари ҳақидаги Низом (1907 й.ги 4-Гаага конвенциясига илова) ва Ҳ.а. билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева кон-венцияси (1949) га биноан тартибга солиб турилади. Ушбу Конвенциянинг 4-моддасида қимлар Ҳ.а. бўлиши мумкинлиги ва уларнинг ҳуқуқий мақоми кўрсатилган. Ҳ.а.га нисбатан уру-шаётган томонлар инсоний муносабатда бўлишлари лозим. Уларни ўлдириш, жисмоний зиён етказиш, улар устида илмий ёки тиббий тажриба ўтказиш ман этилади. Ҳ.а. вақтинча душман қўлида ҳисобланиб, душман томони уларнинг тақдирига тўлиқ жавоб беради. Ҳ.а. фақат ўзининг исм-шарифи, унвони, туғилган вақти ва шахсий рақамини айтишга мажбур, улар қандайдир маълумотлар олишга мажбур қилинмаслиги лозим. Ҳ.а. ўз меҳнатига ҳақ олиши, ҳаёт учун хавфли ва кадр-қимматни пастга урувчи ишларга жалб этилмаслиги керак. Ҳ.а. ўзлари учун махсус мўлжалланган ла-герларда жойлаштирилиши мумкин. Улар озик-овқат, кийим-кечак ва тиббий ёрдам билан таъминланишлари лозим. Ҳ.а.га яқка тартибда интизомий ва жинсий жазо қўлланиши, лекин фақат бир қилмиш ёки жиноят учун битта жазо белгиланиши мумкин. Ҳ.а.нинг қочиб кетиши жинсий хат-ти-ҳаракат эмас, агар у муваффақиятли амалга ошмаса, Ҳ.а. фақат интизомий жазога тортилади. Уруш тугагандан сўнг давлатлар барча Ҳ.а.ни махсус келишувлар асосида умумий *репатриация* тартибида доимий яшаш жойларига қайтаришлари лозим. Қис-ман репатриация уруш тугагунга қадар ҳам ўтказилиши мумкин.

«Халқаро қуроли моjarолар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқ-ли» (1949 й. 12 авг.) Женева конвенцияларига 1977 й. 8 июндаги I Қўшимча протоколда

Ҳ.а. тушунчаси уруш олиб бориш усуллари ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилган (43-модда) ҳамда Ҳ.а. мақоми берилишининг қафолатлари мустаҳкамланган (44, 45 ва 77-моддалар).

Ўзбекистон Республикаси 1949 й.ги Женева конвенциялари ва 1977 й.ги уларга қўшимча Протоколларга 1993 й.да қўшилган. Мамлакатимизнинг мазкур халқаро шартномаларни ратификация қилиши барча фуқаролар зиммасига халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига риоя этиш, шунингдек, ана шу шартномаларга амал қилинишини таъминлаш масъулиятини юклайди.

Ад.: Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева кон-венциялари туплами, Т.. 2002; Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Инсонпарварлик ва хайрихоҳлик муаммолари институти (масъул муҳаррир А.Х. Саидов), Т., 2000.

ҲАРБИЙ БАЗА — махсус жиҳозланган, стратегик жиҳатдан қулай худуд; ундаги жанговар ва кундалик фаолият учун зарур қурол, ўк-дори, озик-овқат захиралари ва б. моддий воситалар билан жойлашган қўшинлар.

Ҳ.б.лар ракета, авиация, ҳарбий денгиз ва умумий мақсаддаги базаларга бўлинади. Бугунги кунда кўпгина йирик давлатлар турли мамлакатларда ўз Ҳ.б.ларига эга.

ҲАРБИЙ БИЛЕТ - Ўзбекистон Республикасида Мудофаа ишлари бошқармалари томонидан ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган ёки захирага ўтказилган (истеъфога чиқарилган) фуқароларга бериладиган ҳужжат. Ҳ. б. ҳарбий хизматда бўлган оддий аскар, матрос, сержант шахсини тасдиқловчи, че-кланмаган муддатли ҳужжат ҳисобланади. Унда захирадаги фуқароларнинг ҳарбий хизматга алоқаси кўрсатилган. Ҳарбий хизматда бўлган офицерлар ва генералларга шахсий гувоҳнома берилади. Уларга захирага ўтказилганда ёхуд истеъфога чиқишганда офицерлик (гене-

раллик) Ҳ. б.и берилади.

ҲАРБИЙ БЛОК — давлатларнинг умумий сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий вазифаларни ҳал этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида тузган ҳарбий-сиёсий иттифоқи ёки шартномаси. Ҳ.б.лар тузиш жаҳоннинг икки кут-бга бўлиниши шароитида авж олганди. АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан *Шимолӣ Атлантика шартномаси ташкилоти* (НАТО) тузилган бўлса, собиқ СССР ва унинг иттифоқчилари Варшава шартномаси ҳарбий блокинни ташкил қилгандилар (1955 й. 14 май). Бу ҳол ўша пайтда ҳар 2 кутб орасида зиддиятнинг кескинлашишига олиб келди. Социалистик тизим емирилиши билан СССР, Албания, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия ва Чехословакия давлатлари аъзо бўлган Варшава шарт-номаси ўз-ўзидан барҳам топди (1991 й. 1 июль). Жануби-шарқий Осиё давлатларининг бир қисмини бирлаштириш мақсадида 1954 й. Манила (Филиппин) ш.да АҚШ, Буюк Британия, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Таиланд, Филиппин ва Покистон вакиллари томонидан имзоланган СЕАТО (Жануби-шарқий Осиё шарт-номаси ташкилоти) ҳарбий блокинни эса 1975 й. сент.да тарқатиб юборишга қарор қилинган. Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳарбий сиёсий ташкилот — СЕНТО (Марказий шартнома ташкилоти) тузилганда (1955) унга Буюк Британия, туркия, Ироқ, Эрон ва Покистон аъзо бўлиб қирган эди. Бу ташкилот 1979 й. авг.да ўз фаолиятини тўхтатган.

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАР ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар. Бундай жиноятлар бўйсунмаслик, яъни буйрукни бажаришдан очикдан-очик бош тортиш, шунингдек, буй-рукни бошқа тарзда қасддан бажармаслик, бошликка қаршилиқ

кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш, бошлиқни кўркитиш, уни ҳақорат қилиш ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақоратла-ши, мародёрлик, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, дезертирлик, ҳарбий мулкни сакдаш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш каби шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг ЖКда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятни содир қилганлик учун тегишли жазо белгиланган (279—302-моддалар).

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАР халқаро ҳуқуқда қарбий жиноятларнинг, тинчлик ва инсониятга қарши қаратилган жиноятларнинг ташкилотчилари, воситачилари, раҳбарлари, ижро-чилари ва иштирокчилари. Бу жиноятларнинг турлари ва таркиби ҳамда жазо чоралари халқаро ҳарбий трибу-налларнинг уставларида белгилаб берилган. Ҳ.ж. учун индивидуал жиноий жавобгарлик бир қанча халқаро шарт-помалар ва битимлар б-н, ҳарбий жиноятларнинг баъзи турлари учун эса айрим мамлакатларнинг жиноят қонунлари билан белгиланади. Ҳ.ж. учун жиноий жавобгарликка тортишнинг ҳеч қандай муҳлати қўлланмайди, бошпана ҳуқуқи ҳам берилмайди. Ҳ.ж. тутиб берилиши керак.

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ — барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун. ҳарбий низомлар, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этиши. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида Ҳ.и. ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган ҳарбий бурчи ва шахсий масъулияти, ўз халқига мисл-сиз садоқатини ҳис қилишга асосланади. Ҳ.и. ҳарбий хизматчидан ҳарбий қасамдга содиқ бўлишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституциясига қатъиян бўйсуннишни; ўз ҳарбий бурчини моҳирлик ва жасорат билан бажаришни;

харбий ишни сидқидилдан ўрганишни; харбий ва даатат мул-кини асрашни; харбий хизмат кийинчиликларини мардонавор енгишни, харбий бурчни бажариш учун ўз жонини ҳам аямасликни; сергак бўлишни, харбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни; харбий хизматчилар ўртасидаги харбий низомларда кўрсатиб берилган ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлашни, жанговар биродарликни мустаҳкамлашни; командирларга (бошлиқларга) ва бир-бирига хурмат кўрсатиш, харбий салом-алик ва хушфэълик қоидаларига риоя қилишни; жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни, номуносиб хатти-харакатлардан ўзини ва б.ни тийиб қолишни ва фуқароларнинг ор ва номусини ҳимоя қилишни талаб этади.

Ҳ.и. ҳар бир харбий хизматчининг хизмат вазифаларига онгли равишда муносабати, юксак ҳуқуқий маданияти асосида шаклланади. Ҳ.и.нинг умумий ва аниқ қонун-қоидалари 1996 й. 9 окт.да Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларининг интизом Низоми» асосида белгилаб берилган. Интизом Низоми талабларининг бажарилишини назорат қилиш командир (бошлиқлар) зиммасига юклатилган.

ХАРБИЙ КИЙИМЛАР - харбий хизматчиларнинг харбий кийим формалари. Ҳ.к.га (белгиланган намуналарига кўра) одатда куйидагилар киради: устки кийимлар (шинель, пушлат, плашч, мундир, китель, калта пахтали камзул, тузурка. шим ва б.); бош кийимлар (теплак, попок, соябонли ва соябонсиз фуражка); устки кўйлак, галстук, шарф. қўлқоп; пойабзал (этик. ботинка); камар. аслаҳа-анжомлар. Харбий унвон белгилари харбий кийим формаларининг мажбурий элементи ҳисобланади.

Ҳ.к. элементлари дастлаб қад. дунё (Миср. Оссурия. Эрон. Юнонистон) армияларида пайдо бўлган. Қад. Рим арми-

яларида Ҳ.к. бирмунча такомиллашган. Ўрта асрларда Европада Ҳ.к. вужудга келмаган. 15—17-а.ларда мунтазам армиялар юзага келиши билан бир хил рангдаги Ҳ.к. пайдо бўла бошлаган.

Ўрта Осиё халқларининг харбий кийимлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил. ав. 6—5-а.ларга оид бўлиб, археологик, адабий (мас, Аве-сто) ва тасвирий санъат манбаларида учрайди. Ҳ.к. ўша даврда кундалик кийимлардан деярли фарқ қилмасдан, асосан, тиззага тушадиган узун энгил кўйлак, чакмон, узун чолвор, камар (кўпинча металл қопланган) ва тел-пақдан иборат бўлган. Мил. ав. 4-а.гача Ўрта Осиё халқлари ўзларининг кўшнилари (сарматлар, хунлар ва б.) каби форслар, скифлардан фарқ қилиб, металл қопламали кийимлардан кам фойдаланишган. Мил. ав. 3-а.ларда жангчилар тўғри бурчакли металл пластинкалардан қилинган узун совут, думалоқ шаклла, кўз атрофи ёйсимон кесилган дубулға кийишган. отларга майда металл пластинкалар тикилган ёпинғичлар ёпилган.

Кушон подшолигининг энгил қуролланган кўшинлари жангда энсиз узун энгли, тиззага тушадиган кўйлак. кенг чолвор. чакмон, паст пошнали юмшоқ этик кийишган, камар тақиб, бошига боғич боғлаб олишган. Бу даврда узун совутлар ва этиклар терига металл пластинкалар тикиб тайёрланган. Кейинчалик тангасимон металл парчаларидан юмшоқ нарсага тикилган ёки ўзаро бирлаштириб тайёрланган энгил совут кенг тарқалган. Кушон дубулғалари бўлақларга бўлиниши. соябони ва кулоқпўши билан ўзидан олдингилардан фарқ қилган.

Турк хоқонлиги вужудга келгач (6-а.), Ҳ.к. кенг ёқали узун чопон, кенг қўнжли этик, турли тақинчок/шр тақилган камар, камзул типидagi ёқали совут, намаг қалпоқлар пайдо бўлди. 6—8-а.ларда Ўрта Осиёда Ҳ.к.нинг ўзига хос комплекси: ёқаси белигача очилган узун кўйлак, энги тирсақкача бўлган энсиз узун чопон, чолвор, баланд пошнаги этик. тур-

ли куруллар тақилган камар, елкалари кенг совут ва бўйин, елка. баъзан юзни \ ам ёпиб турадиган сим тўрли. учи ўткир дубулга юзага келган.

Амир Темур давлатида (14-а.нинг 2-ярми — 15-а. бошлари) Ҳ.к. Ҳар жиҳатдан мукаммаллаштирилди: олд н>мони 2 кош ўртасидан бурун устигача туширилган учи ўткир қулоқчинли дубулга, тирсақкача кирилган қўл қалпоқчалари. қавима чопон кенг расм бўлган. 15-а.да тутмачали. олди очик калта енгли камзул Ҳ.к.нинг асосий тури бўлган, 16—17-а.ларла у катгалаштирилиб. камзул холига келтирилган рангдор кенг чолвор, баланд пошнаги қора этик кийилган. 18—19-а.нинг 1-ярмида ўзбек хонликларидаги анъанавий Ҳ.к. ялтироқ чопон, қимматбаҳо материалдан тикилган чолвор, саллали қалпоқ, юмшоқ телпак, турли металл тақинчоқлар тақилган камар, баланд пош-нали этик ва б.дан иборат бўлган. Хива хонлигида қора чопон билан чугурма ҳам кийилган. Булардан ташқари, баъзан, безатилган совут, дубулга, тирсақкача кирилган қўл қалпоқчаси, қалқон ҳам кийишган. 19-а.нинг 50-й.ларидан Бухоро хонлигида мунтазам қўшинлар бир хил шаклда узун қайтарма енгли, жиякли калта қизил камзул, жевачилар оқ саллали қалпоқ кийишган. 19-а.нинг 80-й.ларида хонликларнинг эски анъанавий ҳарбий кийимлари сақланиб қолган эди: пиёда ўқчилар қайтарма енгли қизил чакмон, кенг зангори чолвор, тўпчилар қизил ёқали зангори мундир кийишган; барча қўшинларда салла қора телпак билан ал-маштирилган. Армиядаги ҳарбий бошлиқлар (офицерлар) тиззага тушадиган жиякли чакмон, жиякли чолвор кийишган, қумушдан ясалган тақинчоқлари бўлган қимматбаҳо камар тақилган. Олий қўмондонлик таркиби қора духобадан қилинган камзуллар кийган. Камзул зар ип билан тикилган.

Ўрта Осиё ҳудудининг анча қисми Россия империясига қўшилган, Бухоро ва Хива хонликларида маҳаллий

Ҳ.к. элементлари бирмунча сақланган ҳолда чор армияси ҳарбий кийимлари жорий қилинган. Бухоро амирлиги армиясида оддий пиёда аскарниқидан тўқ-сабоникигача бўлган Ҳ.к. чор қўшинлари Ҳ.к.ига ўхшаш бўлган. Олий қўмондонлик таркибининг анъанавий қўриниши (кенг чолвор, тилла ранг безаклар тикилган духоба камзул, тил-ла, қумуш тақинчоқлар ва попуқлар тақилган камар)ни сақлаб қолган бўлса-да, камзулларининг бичими чор армияси мундирига ўхшаш бўлган, погонлар, эполетлар тикилган, орденлар тақилган. Хива хонлиги чор армиясидан фақат погонларнигина қабул қилган. Ҳ.к. эса маҳаллийлигини сақлаб қолган.

Шўролар даврида (1917—91) Ҳ.к. мафкуравий тамойилларга асосланган ҳолда бўлган. Мас, Қизил армия аскарлари юлдузчали мовут шлем, шинель, яшил рангли қўйлак кийишган. 1972 й. январдан Совет курулли кучлари янги кийим формасига ўтган (сол-дат ва сержантларга парад-чиқиш Ҳ.к.и — қўйлак ва галстук билан очик мундир, шим ва ботинка); гимнастёрка ёпиқ дала кители билан алмаштирилган.

Қуруқликдаги қўшинлар маршаллари, генераллари, офицер ва прапоршчикларига тўқ зангори рангдаги ягона анъанавий Ҳ.к. тасдиқланган. Ҳарбий-денгиз флоти офицерлари, мичманлари ва прапоршчикларига ёпиқ оқ ва қора-қўқ китель ўрнига оқ қўйлак ва қора галстук билан кийиладиган оқ тужурка ва қўқ куртка белгиланган. 1972 й.даги ҳарбий парад иштирокчилари — ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, фахрий қоровул роталари шахсий соста-виге ва Москва гарнизони йиғма оркестрига аксельбантлар тақилган рух-саг берилган.

ЎЗР Курулли Кучлари шахсий таркиби киши (пальто, плашч, этик, телпак), кундалик кийим (китель, тўғри бичимли шим, мош рангли қўйлак, галстук, фуражка, туфли), байрам кийими (китель, тўғри бичимли шим, оқ қўйлак, қора галстук, фуражка), дала кийими (пахтали

калта камзул, куртка, шим, кепка, калта этик) билан таъминланган.

ХАРБИЙ КОМИССАРЛИК - шўро лар даврида ҳарбий сафарбарлик ва умумий ҳарбий хизматга чақириш, захи-радаги ҳарбийларни ҳисобга олиш ишлари билан шуғулланувчи маҳаллий ҳарбий бошқариш органи. Ўзбекистон Республикасида Х.к. ўрнига Мудофаа ишлари бошқармаси (вилоят) ва бўлимлари (шаҳар ва туман) тузилиб, унинг асосий вазифаси: ҳарбий сафарбарликка тайёрлаш ва ўтказиш, аҳоли ва халқ хўжалиги ресурсларини ҳисобга олиш, ёшларни ҳарбий хизматни ўташга тайёрлаш ва б. мудофаа тадбирларини амалга оширишдан иборат. Унга Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби ва ҳарбий округ кўшинлари қўмондонлари раҳбарлик қилади.

ХАРБИЙ МУСИҚА — кўшинларнинг ҳарбий машқ ва тарбия жараёнлари, тантанали (парад, кўрик) ва б. тадбирларда қўлланадиган мусиқа асарлари. *Ҳарбий оркестр* ҳамда айрим ҳарбий созанда (асосан, *фанфара, труба, барабан* ижрочи)лар томонидан чалинади. Ўтмишда жанговар ҳаракатларда, кўшинларни бошқариш, сигнал бериш мақсадида ҳам қўлланган. Ўрга Осиёда карнай, сурнай, ноғораларда зарбулфатх (ғалаба усули)да куйлар, «Сарбозча», «Усмония», «Аскарый» каби чолғу куйлар чалинган. Асосий жанрлар таркиби — қўмондонларни қарши олиш, саф тортиш, юриш ва мотам маршлари, соқчиларни кўриқдан ўтказиш учун ва б. чолғу куйлар, шунингдек, ҳарбий (сафда айтиладиган) кўшиқ ва б.дан иборат.

Х.м. — мусиқанинг қад. тури бўлиб, Қад. Миср, Оссурия, Бобил, Хитой, Юнонистонда кенг ривож топган. Х.м. нинг замонавий турлари Европада 16—17-а.ларда мунтазам (ёлланма ас-карлардан иборат) кўшинлар кенг ривож топиши муносабати билан қарор топган. Ўзбекистонда Х.м. намуналаридан П.Макаровнинг

«Саф марши», «Ёш мусиқачилар марши», «Ватан марши», «Соқчиларни кўриқдан ўтказиш учун мусиқа»си (С.Юдаковнинг «Жон Ўзбекистон» кўшиғи асосида), Р.Абдулла-евнинг «Шодлик» марши, шунингдек, «Танкчилар марши» (С.Чернецкий), «Ғалаба» марши (Н.Иванов-Радкевич), «Юлдуз марши» (Ж.Ф.Суза), «Танта-нали марш» (П.Чайковский), «Шаҳри-зоданинг марши» (В.Рунов) каби асарлар машҳур. Саф кўшиқларидан Ш.Да-дажоновнинг «Қасамёд», «Ўзбекистон посбонлари», «Ўзбекистон Қуроли кучлар кўшиғи» ва б., А.Назаровнинг «Сержант», П.Макаровнинг «Аскарлар кўшиғи», ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги асарлардан «Халқим», «Юртим» (Ш. Дадажанов), «Туркистон фарзанди-миз» (К.Раҳматов), «Йигитлар» (Д.Қар-шиев) каби кўшиқлар оммалашган.

ХАРБИЙ НИЗОМ, Ҳарбий Устав — қуроли кучлар ва кўшин турларининг кўшилма, қисм ва бўлинмаларидан жанговар ҳаракатларда фойдаланиш тамойиллари, уларнинг мақсадлари, вазифа ва усуллари, ҳарбий хизматчиларнинг мажбуриятларини, улар орасидаги ўзаро муносабатларни, кундалик турмуш фаолиятини, ҳарбий хизматни ташкил этиш, ўташ йўл-йўриқларини изга солувчи ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини ва ҳарбий низоми мустаҳкамлаш асосини белгилаб берувчи расмий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат.

Х.Н. жанговар ва умумҳарбий турларга бўлинади. Жанговар Низоми қуроли кучлар қисм ва бўлинмалари турларининг жанговар тайёргарлик асослари ҳамда жанговар ҳаракатларни олиб боришни белгилаб беради. Умумҳарбий Низоми ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг умумий ва лавозимга оид мажбуриятлари, ҳуқуқлари, ички, гарнизон ва қоровуллик хизматларини ўташ тартиблари ва б.ни белгиловчи қуроли кучларнинг ҳамма турлари учун умумий мажбурий қоидалардир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат, интизом, гарнизон ва қоровуллик хизматлари Низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 й. 9 окт.даги фармони б-н, Саф низоми Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1996 й. 14 окт.даги 238-сонли буйруғи билан жорий этилган.

ҲАРБИЙ ОКРУГЛАР - операцион йўналишларда мамлакатнинг хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор-стратегик худудий бирлашмаси. Ҳ.о. тарифи Ўзбекистон Республикасининг 2001 й. 11 майда қабул қилинган «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида белгилаб берилган.

Ҳ.о. зиммаларига юкланган вазифаларни бажарадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қиладилар. Ўзбекистон Республикаси худудида 5 ҳарбий округ бўлиб, улар: Шим.-ғарбий Ҳ.о. (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти худуди), округ штаби Нукус ш.да; Жан.-ғарбий махсус Ҳ.о. (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), округ штаби Қарши ш.да; Марказий Ҳ.о. (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари), округ штаби Жиз-зах ш.да; Тошкент Ҳ.о. (Тошкент ш. ва Тошкент вилояти), округ штаби Тошкент ш.да; Шарқий Ҳ.о. (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари), округ штаби Марғилон ш.да жойлашган.

ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ, ҳарбий амалиёт — оператив(тезкор) ёки стратегик топшириқларни бажариш учун қуролли кучларнинг бир ёки бир неча турларидан тузилган оператив бирлашмалар томонидан ягона режа асосида амалга оширадиган, мақсади, вақти ва амалга ошириладиган жойи келишиб олинган ўзаро боғлиқ зарбалар, жанглар мажмуи. Қуруклик, денгиз, ҳаво ва ҳаво-десант операциялари (амалиётлари), ҳужум ва мудофаа операциялари, стратегик, фронт

(армиялар гуруҳи), армия, флот, флотилия операциялари фарқланади.

ҲАРБИЙ ОРКЕСТР - ҳарбий қисмлардаги *пуфлама созлар оркестри*. таркибининг асосини мис-пуфлама чолғулар (*корнет, альт, тенор, баритон* ва &гс)лар ташкил этади. Кенгайтирилган ҳолатда ёғоч-пуфлама, шунингдек, *валторна, труба, тромбон, бара-банлар* ва б. чолғулар киритилади. Ўрта Осиёда ўтмишда карнай, сурнай, ноғора, довул ва б.дан иборат Ҳ.о. бўлган. 19-а. нинг 2-ярмидан европача турдаги Ҳ.о. қўлланилмоқда. Ўзбекистонда Қуролли Кучлар, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, ҳарбий ўқув юртлари ва штаблари қошида жами 30 га яқин Ҳ.о. фаолият кўрсатади. Улар фаолияти (репертуари ва б. масалалари) ни ЎЗР мудофаа вазирлиги Ҳарбий оркестрлар хизмати назорат қилади. Ҳ.о. репертуаридан *ҳарбий мусиқа* намуналари, айни пайтда, Ҳ.о. учун махсус яратилган турли жанрдаги асарлар (увертюра, симфония ва б.) ўрин олган. Ҳ.о. учун Ф. Ш. *Госсек*, Э.Мегюль, Л. Керубини, Т.Берлиоз, Р.Вагнер, Н.Римский-Корсаков, 20-а.да Р.Глиэр, С.Василенко, Н.Иванов-Радкевич, К.Хачатурян, Ўзбекистонда В.Лейсек, П.Холиқов, Ҳаб. Раҳимов, П. Макаров ва б. композиторлар махсус асарлар яратишган.

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА (ЎЗРда) -Ўзбекистон Республикаси прокуратура тизимининг Қуролли Кучларда, бошқа ҳарбий тузилмалар, ҳарбий қорхоналар, ҳарбий ўқув муассасалари, ҳарбийлаштирилган бўлинмаларда про-курор назоратини олиб борувчи ихти-сослашган органлари. Ҳ.п. нинг асосий вазифаларига давлат хавфсизлиги, худудий дахлсизлик ва қўшинлардаги ҳарбий тайёргарлик бўйича қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбийларнинг ҳамда уларнинг оилалари ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, Қуролли Кучларнинг қонуний манфа-атларини касбий

хукукбузарликлардан ҳимоя этиш ва бундай хукукбузарликларнинг олдини олиш киради. Ҳ.п. органлари қонунда белгиланган тартибда фуқароларнинг, ҳарбий хизмат-чиларнинг ва юридик шахсларнинг ариза ҳамда шикоятларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш юзасидан тегишли чораларни кўрадилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳ.п.сига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий про-курорини республика Президенти лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

ҲАРБИЙ САНЪАТ — куруклик, денгиз, ҳавода ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга тайёргарлик кўриш ва уни олиб бориш назарияси ва амалиёти; Ҳ.с. — *ҳарбий фанниит* бир қисми. Замонавий Ҳ.с.нинг таркибий қисми ўзаро узвий боғлиқ бўлган *ҳарбий стратегия, оперативлик санъати* ва *тактика*ят иборат. Ҳ.с. ишлаб чиқаришнинг тарақ-қиёт даражаси ва ижтимоий тузум характери билан белгиланиб, мамлакатнинг ривожланиш тарихи хусусиятлари, миллий хусусиятлар ва анъаналар, гео-график шароит ва б. омилларга боғлиқ суратда ривожланади.

Қадимда қўллар меҳнатига асосланган иктисодиёт шароитида бир неча ўн минг жангчидан иборат армия тузиш имкони бўлган. Аксарият мамлакатларда қўшиннинг асосий турини *пиёда аскарлар* ташкил қилган. Қад. Шарқдавлатларида пиёда аскарлар ва отлик қўшиндан ташқари жанг аравалари, филлар ва туяларда жанг қилувчи қисмлардан ҳам фойдаланилган. Қуролли кучлар таркиби, уларнинг қурол-яроғи стратегия ва тактикасини белги-лаган. Қад. Шарқ давлатлари, Ҳиндистон ва Хитойда стратегия дастлаб нисбатан қисқа масофаларга қилинган, қисқа муддатли ҳарбий юришлар билан чекланган. Юнонистон

ва Қад. Римгаҳос бўлган қўшинлар таъминоти яхшиланиши, забт этилган давлатларнинг моддий ресурсларидан фойдаланишни йўлга қўйиш билан ҳарбий юришларнинг муддати узая бошлаган.

Антик давр стратегияси, асосан, урушга тайёргарлик кўриш, жанг майдони ва вақтини танлаш, асосий зарба бериладиган ерни белгилаш, қўшинларга раҳбарлик қилишда намоён бўлган. Тактиканинг тараққиёти жанговар тартибнинг энг содда шаклларидан қўшинларни юзма-юз тўқна-шувидан, жанг майдонида қўшинларни мураккаб манёврларни амалга оширишлари билан белгиланган. Юнонистон бошқа Қад. Шарқмамлакатларига нис-батан яхши қуролланган ва таълим олган қўшинга эга эди; юнонларнинг асосий ҳарбий кучини оғир қуролланган пиёдалар (*гоплитлар*) ташкил этган, улар шамшир, найза билан қуролланиб, темир совутлар кийишган. Жангдан олдин қўшинлар фаланга бўлиб саф тортганлар (қ. *Марафон жан-ги*). Марказда оғир қуролланган пиёдалар тўғри тўртбурчак шаклида жипс бўлиб саф тортган, қанотларда отликлар, олдинги қаторда бўлса ёйма саф бўлиб енгил пиёдалар жойлашган. Фаланганинг бир қанча устунликлари бўлган. Унинг кучи сафнинг жипсли-гида бўлиб, қарши томондан унга деярли шикаст етказишнинг имкони бўлмаган. Шу билан бир қаторда унга эп-чиллик етишмаган. У таъкиб этишга мутлақо яроқсиз бўлиб, зарба кучини ошириши учун қўшимча кучи йўқ эди. Юнон фалангаси фақатгина Шарқ мамлакатларининг (мас. *Ахоманийлар давлати*) кўпол, ёмон таълим олган қўшинлари билан бўлган урушлардагина ғалаба қилган. Аммо уларга ўнқир-чўнқир ерларда жанг қилишга мослашган Рим қўшини билан тўқнашишга тўғри келганда улар мағлубият аламини тортганлар.

Рим империяси қўшинининг (мил. ав. 4—2-а.лар) ташкилий шакли *леги-он* эди, у манипулаларга бўлинган (ҳар бир манипулада 10 қатор, ҳар қаторда 12 тадан

жангчи), 3 манипула когортани ташкил қилган. Когорта бир, кейинчалик 3 қатор бўлиб саф тортган. Легион қанотларида енгил қуролланган пиёда аскарлар ва отлик қўшин турган; бу Рим қўшинининг манёвр қилиш имкониятларини оширган. *Кар-фаген* давлатининг саркардаси *Ганнибал* мил. ав. 216 й.даги *Канна жангит* бир пайтнинг ўзида ҳар 2 қанотдан зарба бериш усулини қўллаб оз сонли кучлар билан римликларнинг йирик қўшинини тўлиқ қуршовга олиб тор-мор келтиришга эришган. Мил. ав. 1-а.да Рим сар-кардаси Юлий *Цезарь* штаб тузган, жанг майдонида қўшинлар манёврени моҳирона амалга оширган, рақиб қўшини қаноти ва олд томонига қарши ҳал қилувчи зарба бериш учун когортанинг 3 қаторидан фойдаланган, бу билан захира барпо этилишини бошлаб берган. Қад. мисрликлар, оссурияликлар, хитойлар ва б. халқлар мустақкам истехкомлар, йўллар ва кўприклар қуришга моҳир бўлишган. Қад. дунёнинг айрим мамлакатлари олиб борган урушларда денгиз флоти муҳим роль ўйнаган, у қуруқликдаги қўшинга ёрдам бериб, баъзан мустақил ҳаракат қилган.

Қад. Шарқ, Юнонистон, Рим давлатларида аста-секин ҳарбий назария вужудга кела бошлаган. чунончи, Хитой саркардаси ва мутафак-кири *Сунь Цзи* «Ҳарбий санъат ҳақида рисола»сида ҳарбий кучларни давлатнинг мустақкамлигига боғлиқ эканлигини, вақт ва географик шароит омилларнинг ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга таъсири, саркарданинг роли, урушга пухта тайёргарлик кўриш ва рақибнинг заиф ва кучли томонларини ўрганишнинг аҳамияти ва б.ни келтириб ўтган. Юнон тарихчилари *Фу-кидид*, *Ксенофонт* ва б. ўз асарларида урушнинг боришини баён қилиб, уни таҳлил этишга ҳаракат қилганлар. Қад. Римда Юлий Цезарь «Галлия уруши ҳақида хотиралар» ва «Гражданлар уруши ҳақида хотиралар» асарларида уруш ва жанг олиб бориш усуллари баён этган.

Рим империяси 5-а.да қулагач, ви-

зантияда Осиё ва Африканинг кўпгина мамлакатларида илк ўрта аср давлатлари вужудга келган. Улар қўшинининг асосий кучини халқ лашкарлари, унинг негизини эса зодагон дружи-наси ташкил этган. 8—9-а.ларда Ғарбий Европада (Франк давлати) асосий ҳарбий куч оғир қуролланган отликқўшин (*рицарлар*) дан иборат эди; пиёдалар қўшинининг ердамчи турига айланган. Ғарбий Европада 11—15-а.ларда Ҳ.с. ниҳоятда секин ривожланган. Ҳарбий ҳаракатлар нисбатан оз сонли қўшин билан аниқ режасиз ва маълум бир жанг-овар сафга тизилмай олиб борилган. Фақат диний-рицарлик орденлари қўшинлари «пона» ва б. жанговар саф турларини қўллаб анча тартибли равишда жанг қилганлар. Бу даврда қалъақасрлар, мустақкамланган шаҳарлар ва монастырлар катта ҳарбий аҳамият касб этган.

Мўғуллар қўшини (13—14-а.лар) енгил ва оғир қуролланган отлик аскарлардан иборат бўлиб, узоқ масофага ҳарбий юриш қилиб, жанг майдонида кўпчилик бўлиб ҳаракат қилган. Қўшин илғор қисм, сўл ва ўнг қанот ва захирадан ташкил топган.

Марказлашган илк йирик давлатларнинг барпо этилиши, ҳунармандчилик ва мануфактураларнинг ривожланиши армиянинг ташкил этилиши ва қуролланишида тубдан ўзгаришларга олиб келди. Армия таркиби эндиликда уруш паитида тўпланадиган елланма аскарлар ҳисобига тўлдириладиган бўлган. 16-а.нинг 2-ярмидан мутлақ монархия давлатлари мунтазам ёлланма армиялар туза бошлашган. Армияларни ўтсочар қурооларга, жумладан, артиллерияга эга бўлиши туфайли жанг олиб боришнинг янги усули — линияли тактикани пайдо бўлишига олиб келди. Унда қўшинлар фронт бўйлаб бир текисда тақсимланиб, узун қаторларда саф тортиб урушганлар. Линиялардаги қаторлар (шеренга) миқдори милтикларнинг тез отарлиги билан бел-гиланган. Жангнинг тақдирини пиёдаларнинг ўқ отиш

қуввати ҳал қилган. 17-а.даги армияларнинг стратегияси хусусияти монархик давлатлар томо-нидан олиб борилаётган урушларнинг чекланган мақсадларини кўзлашида эди.

18-а. охири — 19-а. бошларидаги Буюк француз инқилоби ва миллий озодлик урушлари натижасида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усулларида чуқур ўзгаришлар рўй берган. 19-а.да Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатларида армиялар таркиби умумий ҳарбий мажбурият асосида тўлдирила бошлаган. Армияларнинг ташкилий тuzилмаси ҳам жиддий ўзгаришларга учраган: доимий қўшин бирлашмаларда — мураккаб жанговар вазифаларни мустақил ҳал эта оладиган дивизиялар ва корпуслар барпо этилган. қуrolли кучларнинг сони бир неча марта ошган. Уруш олиб бориш усуллари ва характерига қарашлар ҳам ўзгарган; жанговар ҳаракатларнинг асосий мақсади душман ҳудуди, алоқа йуллари ва қалъаларини босиб олиш эмас, балки унинг армиясини тор-мор келтириш бўлган. Чунки душманнинг асосий кучлари устидан ҳал қилувчи жангда ғалаба қозониш ғалаба қилган томонга ўзи учун манфаатли сулҳ тузиш имконини берган.

Тактикада ҳам туб ўзгаришлар бўлган. Жанговар тартибда батальонлар колоннаси ҳал қилувчи аҳамият касб этган, батальонлар олдида сочма саф тортган пиёдалар қисми (егерлар) борган. Пиёдалар ҳужумини артиллерия ва отлик қўшин қўллаб-қувватлаб турган. 18-а. охири — 19-а. бошидаги ҳарбий ҳаракатлар олиб боришнинг янги усулларини тако-миллаштиришда француз саркардаси *Наполеон I* ва рус саркардаси *М.И. Кутузов* паринх хизмати катта бўлган. Мас, Наполеон I артиллерия ва отлик қўшинни ялписига қўллашни жорий этган ва жанг тақдирини ҳал этишда захиралардан мохирона фойдаланган.

19-а.да темир йўллар қурилиши, электр телеграфи, тутунсиз порох, қирқма тўп, қирқма милтиқларнинг кашф

этилиши ва бу воситаларни ҳарбий ишда кенг қўлланиши (19-а.нинг 2-ярми) стратегия ва тактикада муҳим ўзгаришларга олиб келган. Қирқма қуrolларнинг пайдо бўлиши ўт очиш тезлиги, узок масофадаги нишонни аниқ олиш имконини берган, бу қўшинларни катта талафотлар бераётган колонна бўлиб сафга тизишдан воз кечиб, пиёдаларни занжир сафда ҳара-кат қилишига олиб келган. Бирок, *Биринчи жаҳон урушигача* зан-жир саф жуда қалин бўлиб, бу ҳолат оғир талафотларга сабабчи бўлган.

20-а. бошида армияларнинг сони кескин ошган, уларни катта миқдордаги тез отар тўп-зам-бараклар, пуле-мётлар, милтиқлар билан қуrolлантириш имкони туғилган. Қўшинларни бошқаришда техник воситалардан фойдаланила бошланган, алоқа йўллари ривожланган ва манёвр қилиш имкониятлари кенгайган. Жанговар ҳаракатларнинг янги шакли — операция шакллана бошлаган. Операция — қўмондонликнинг ягона мақсади йўлида бирлашган бир ёхуд бир неча армиялар томонидан олиб борилган жанглар мажмуи. биринчи жаҳон уруши даврида ҳарбий операция тушунчаси амалий ва назарий жиҳатдан шаклланган. Янги стратегик бирлашмалар — фронтлар пайдо бўлди; фронт операциялари ўтказила бошланган. Артиллериянинг тез суръатлар билан ривожланиши, авиация, танклар ва захарловчи моддаларнинг пайдо бўлиши натижасида тактика соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берган. Тактик вазифалар пиёдалар, артиллерия, танклар ва муҳандислик қўшинларининг биргаликда, умумий ҳаракатлари билан ҳал этилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳ.с. янада тараққий этган. Германия уруш бошида танк ва механизациялашган қўшинлардан унумли фойдаланган, уларни авиация қувватлаб турган; қўшинларни бошқариш яхши йўлга қўйилган, бу дастлабки даврда фашистлар армияларининг йирик ғала-баларига сабаб бўлган. Бирок Москва остонала-

рида фашистлар совет кўшинларидан биринчи бор йирик мағлубиятга учраганлар.

Урушдан кейинги иқтисодий ривожланиш, фан ва техника ютуқлари ҳарбий техника соҳасида янги кашфиётларга олиб келди. 1953 й.дан ядро куроли ва ракеталар бир қанча мамлакатларнинг курулли кучларига кенг жорий этила бошланди; кўшинлар электрон ва б. техника билан жиҳозланадиган бўлди. Ҳарбий-десант кучлари янада ривожланди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари курул-аслаҳалари ва ташкилий тuzилиши кескин ўзгарган. Ҳарбий-ҳаво кучларида поршенли само-лётлар, реактив самолётлар билан алмаштирилган. Булар Ҳ.с.нинг барча соҳалари: стратегия, оперативлик санъати ва тактикасида туб ўзгаришларга олиб келган. Ядро курулидан фойдаланиш эҳти-моли уруш характериға қарашларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Туркий қавмлар жаҳондаги энг қад. халқлардан саналиб, улар яшаган ҳудуд фақат ҳоз. Ўрта Осиёни қамраб олмасдан балки шарқда Тинч океани, ғарбда Днепр ва Дон дарёларига қадар бўлган улкан ҳудудни қамраб олган.

Улар ўзаро маданий, иқтисодий ва баъзан ҳарбий-сиёсий алоқада бўлганлар. Турон заминида яратилган каш-фиётлар, жанг қилишнинг янги усуллари барча туркий халқлар томонидан тезда ўзлаштириб олиниб, янги босқичға кўтарилган. Мил. ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йилликда Шарқдаги кўчманчи халқларда отлик кўшин пайдо бўлган. Дастандан ундан алоқа, разведка ва кўриқлаш ишларида фойдаланилган. Аммо чавандозлик маҳора-тининг ўсиши билан отлик кўшиннинг аҳамияти ошиб борган. У жанг араваларини сиқиб чиқариб кўшиннинг зарбдор ва ҳаракатчан кучи бўлиб қолган. Туркий халқлар Ҳ.с. тарихида биринчи бўлиб суворийлар сафини жорий этганлар (ҳар бир отлик аскар орасидаги масофа 20 м, 'жанговар қаторлар сони 10 та) ва бу

билан душман кўшини устидан яққол устунликка эришганлар (қ. *Отлик аскарлар*). Турон фарзандлари 2 — 3 ёшидан от миниб, ов қилиб, кичик камондан ўқ узишни, парранда, кичик ҳайвонларни ов қилишни, улғая боришлари билан қилич, найза ва б. жанг куруллари билан муомала қилишни ўрганганлар.

Урушлар дастлаб кўшни ерларға чопкун қилиш ва асир олиш характерида бўлган. Бироқ давлатнинг кучайиши, кўшин миқдорининг ўсиши, тажрибанинг ошиши ва чопкун қилишдан кўшни мамлакат ва халқларни босиб олишға ўтилиши билан оддий уруш олиб бориш санъатға айлана бошлаган. Стратегия уруш олиб бориш санъати сифатида, асосан, Шарқда вужудға келган. Қад. Шарқ кўшинларининг уруш олиб бориш санъати, асосан, сон жиҳатдан ортиқ кўшин билан душманни тор-мор этишға қаратилган. Кўчманчи халқлар (скифлар, саклар, масса-гетлар ва б.) кучли душман ҳужум қилганда кўпинча мамлакат ичкариси томон атайин чекинганлар. Улар йўлларида учраган жойларни вайрон қилиб, кичик отлик қисмлар билан душманға бетўхтов ҳамла қилиб уни ҳолдан той-дирганлар, сўнгра қарши ҳужумға ўтганлар. Стратегик мудофаа (чекиниш) ва стратегик ҳужум (қарши ҳужумға ўтиш)нинг шундай турини биринчи бўлиб Қора денгиз бўйи скифлари мил. ав. 512 й.да *Доро!* босқини даврида қўллаганлар. Саклар ҳам Доро 1 га қарши рақибни чўл-биёбонларға хийла билан бошлаб бориш такти-қасини қўллашган (қ. *Широқ*). Улардан ўрнақолиб мил. ав. 53 й.да парфияликлар римликларнинг М.Красс бошчилигидаги кўшинини *Карри жангит* яқсон қилганлар.

Жаҳон Ҳ. с.и тараккиётида туркий халқлар мумтоз ўринни эгаллаганлар. Машҳур араб адиби Жохиз (775—868) нинг «Манокіб ал-атроқ» («Туркий халқларнинг хислатлари») асарида «Сосоний форслар барча халқлардан давлатни бошқариш санъатида, хитойликлар — хунармандликда, юнонлар — илм-фанда

ва туркийлар ҳарбий ишда устундир», деб ёзади.

Қадимда сак жангчиларининг қалин кигиздан тикилган, чўкки қалпоқлари бўлган. Улар ўзлари тайёрлаган камон ва ханжар (акинак) б-н, шунингдек, ойболталар (сагарислар) билан қуроолланганлар. Саклар моҳир тирандоз эдилар. Сак суворийларининг довроти бутун Шарқда машҳур бўлган. Юнон-форс урушида, хусусан, *марафон жангида* (мил. ав. 490 й.) сак отлик жангчилари алоҳида жасорат кўрсатганлар. Қўшиннинг марказида форслар билан ёнма-ён туриб урушган саклар афиналикларнинг қаторини ёриб ўтиб, уларни мамлакат ичкарасига қадар таъкиб этиб борганлар. Бироқ форс қўшинининг қанотлари заифлиги туфайли қуршовга тушиб қолиш хавфи тутилган. Шу сабабли орқага чекинилган. Сак суворийлари жанг пайтида орқага ўгирилиб ҳам бехато отар эдилар.

Мил.ав. 329—327 й.ларда Спитамен Александр (Искандар)га қарши партизан уруши тактикасини қўллаган.

Мил. ав. 3-а. охирида *хунлар* ҳукмдори *Моде хоқон* ҳарбий ислоҳот ўтказган. У анъанавий энгил отлик қўшинни оғир қуроолланган отлик қўшинга айлантиради. *Геродот* массагетлар қўшинидаги отлик жангчиларнинг оғир қурол-аслаҳалари бўлганини қайд этган. Шуниси характерлики, кейинчалик бундай қуроолланиш одати Орол бўйларидан сармат-аланлар орқали Шарқий Европага тарқалган. *Парфянлар* римликларга қарши Карри жангида уни илк бор кенг қўллашган (қ. *катафрактлар*). Массагетлар юртидан Мўғулистон, Хитой ва Сибирь (Ол-той)га оғир қуроолланган суворийга мўлжалланган баланд бўйли ажойиб жанговар отлар тарқалган. Хунларнинг ҳарбий тартибига биноан ҳар бир минг кишидан иборат бўлган қўшинга мингбоши, 100 кишидан иборат қўшинга юзбоши, 10 жангчига — ўнбоши бошчилик қилган. Қўшин, асосан, отлик аскарлардан иборат бўлган. Хунлар қўшини 4 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм жангчила-

ри маълум рангдаги отларни минган суворийлардан иборат бўлган. Қўшиннинг ғарб томонида саф тортган суворийлар оқ от, шарқий қисмида — бўз от, шим. да — кора от ва жан.да сариқ (саман) от миниб сафда турганлар. Хунларнинг отлик қўшини, асосан, камон билан қурооллангани учун ҳарбий тактика ва манёврларни усталик билан олиб борган. Душманга ўзларини чекинаётган қилиб кўрсатиб, уларни алдаб, узоқ масофага-ча орқаларидан эргаштириб борганлар. Душман уларни таъкиб этиб чар-чаган пайтда хунлар рақибларига қўққисдан ҳамла қилиб уларни тор-мор этганлар. Мабодо энгилиб қолсалар, хунлар ҳар томонга тарқалиб кетганлар. Хунларни таъкиб этувчилар қочаётганларнинг қайси бирини орқасидан қувишни билмай саросимага тушиб қолган пайтлар кўп бўлган. айнан хунлар даврида Осиё чўл минта-қаларида Ҳ.с.нинг ҳарбий-техникавий ва ташкилий соҳаларида бир қатор муҳим янгиликлар тарқалган: суяк қоплагичли мураккаб таркибли камон, хуштак товушини берувчи кўп парракли пайконлар, қўшин тузилишининг марказлашган тизими, масофа жанги олиб боришнинг самарали тактикаси, мудофаа иншоотлари (ҳарбий истех-комлар) қуриш анъаналари вужудга келди. Урта Осиёда *Кушон подшолиги* даврида салтанат сарҳадларида мустах-кам қалъалар (жумладан, Хоразмдаги Аёз қалъа, Тупроққалъа ва б.) қурилиши кенг ривожланган. Шаҳарлар буржли қалин деворлар билан ўраб олинган. *Қанг давлати* қўшинининг асосини энгил отликлар ташкил этган, қўшин сафарда эканлигида разведка мақсадида олдинга илғор қисм жўна-тилган. Ўтмишда ҳар бир қабиланинг ўзига хос ўрони бўлган. Бир неча қаби-лалар бирлашиб, душманга қарши қурашаётган пайтда қабила саркардаси ўзига тегишли қабила жангчиларини чақирмоқчи бўлса қабила ўронининг номини айтиб чақирган. Ўрта асрларда ўронлардан жуда кенг фойдаланилган. *Эфталлийлар* даврида жанг

килишнинг асосий усуллари билан бири, кучли ракиб билан юзма-юз жанг қилмасдан унинг 2 қанотига бетўхтов зарбалар бериш йўли билан уни ҳолдан тойдириш бўлган.

Турк хоқонлиги даврида Ҳ.с. янада ривожланган. Жанг тақдирини оғир қуролланган суворийларнинг ёйма ҳолда галалашиб қилган ҳужуми ҳал этган. Суворийлар орасидаги масофа шу қадар сезиларли бўлганки, амалда ҳар бир жангчи ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Демак, жангнинг муваффақиятли бўлиши ҳар бир жангчининг шахсий тайёргарлигига боғлиқ. Якка-ма-якка олишув жангнинг муҳим қисми бўлган. Баҳодирлар қўшиннинг зарбдор қисми бўлиб уларнинг ўлими одатда қўшин орасида саросималик туғдириб, мағлубиятга олиб келган. Бироқ жанг қилишнинг бундай содда усуллари билан бошқа, манёвр қилиш — ёнбошдан айланиб ўтиш усули ҳам бўлган (мас, Тўнқуқ бошчилигидаги қўшиннинг қирғизларга қарши найза баландлигидаги қор қоплаган тоғдан ошиб тўсатдан қилган ҳужуми ва Қора Иртишдан ўтиб турғашлар ух-лаб ётганда қўққисдин ҳужум қилиб уларнинг тормор қилинганлиги).

Турк саркардалари ракибни гафлатда қолдириш усули билан кенг фойдаланганлар. Араблар истилоси даврида Суғдга ёрдамга келган туркашлар кичик уруш тактикасини қўллаганлар. Уларнинг энгил отлик қўшини арабларга қўққисдан ҳамла қилиб уларга тинчлик бермаган. Бундай тактика араб гарнизонларини доимо ўта хушёр ҳолатда туришга мажбур қилган. Арабларга фақат жанг билан олинган шахарлар ва водийлардаги химоясиз қишлоқлар бўйсунган. Турк хоқонлигида қўшин зарбдор қисмлардан — камон билан қуролланган энгил отликлар ва оғир қуролланган отликлардан, шунингдек, кўп сонли ёрдамчи қисмлардан: пиёдалар, уғруқ, хизматкорлар, таъминот хизмати ва б.дан иборат эди. *Ибн Халдуinning* ёзишича, инсоният вужудга келгандан бери ер юзида урушлар 2 йўл билан олиб

борилган: бири — саф тортиб ҳужум қилиш (би-л-захф суфуфа), иккинчиси — ал-карр ва-л-фарр (айнан, «ҳужум ва чекиниш») усули, яъни шиддатли ҳужум қилиш ва ракибини тузоққа тушириш мақсадида ёлғондакам чекиниш тактикаси. Бу усуллarning биринчисига «со-сонийлар усули», иккинчисига «туркийлар усули» деб ном берилган. Урушга туркий қабилалар тинчлик пайтида турли спорт ўйинлари ва айниқса ов қилиш қабилардан фойдаланиб тайёргарлик кўришган. *Табарийнинг* таъкидлашича, «хоқонга тегишли ўтлоқ ва тоғ қўруғлари бўлиб, уларга ҳеч ким яқинлаша олмаган, ҳеч ким ов қилишга журъат этмаган, зеро улар уруш қилиш учун холи қолдирилган. Бу ўтлоқ эгаллаган ер уч кунлик йўл эди». Бирор мамлакатга босиб киришда ва айниқса жангга тайёргарлик кўришда туркийлар айғоқчилик ва разведкага катта эътибор берганлар, бунинг учун жосуслар ёхуд турли микдордаги махсус ҳарбий қисмлар (талиа) олдинга юборилган. Хоқон сафарда ўзининг шахсий кўриқчилари (шурта), бир хил кийимдаги гвардияси (харис), туркий қабилалардан ташкил топган лашкарлар, баъзан ёлланма қўшин билан чиққан. Жанг бошланишидан олдин хоқон 2—3 саркарда билан биргаликда қўшиндан ажраб теварак-атрофни текшириб чиққан, агарда химояланмаган ерни кўрса, ўша ердан ҳужум қилишни буюрган. Жанг пайтида хоқон тепаликка ўрнатилган олтин тахтада ўтириб жангни кузатган. Жангни ракиб жангчилари билан яккама-якка олишувчи баҳодирлар бошлаб берган.

Туркийлар ўз шахар-қалъаларини ҳам тадбиркорлик билан мудофаа этганлар. 722 й. араблар Баланжар қалъасини камал қилганида *хазарлар* 300 дан ортиқ арава (а'жала) тўплаб, уларни бир-бирига боғлаб қалъаларнинг атрофида мудофаа халқаси сифатида қўйиб чиқиб, бу билан ракибнинг қалъага киришига тўсқинлик қилганлар.

Туркий халқларда 9—10-а.ларда

Ҳ.с. янада юкори босқичга кўтарилган. жаҳонда бу даврда отлик кўшиннинг роли ошган. Яқин ва Узоқ Шарқ ҳукмдорлари туркийларни ўз хизматларига олишга ҳаракат қилишган. Улар орасида туркий гуломлар (қуллар) муҳим ўрин тутган. Туркийларнинг жанговарлик сифатлари Шарқда муносиб баҳоланган. Чунончи, 10-а. бошида Визан-тия императорларининг ва Аббосий халифаларнинг шахсий гвардияси туркийлардан иборат бўлган.

Туркий халкларнинг Ҳ.с.и, айниқса, *Ачир Темур* ва *темурийлар* даврида ўзининг юсак босқичига етган (қ. *темурийлар ҳарбий санъати*).

15 — 16-а.лардан эътиборан Европа мамлакатларидаги иқтисодий юксалиш, Буюк географик кашфиётлар, ўт сочар қуроллар, артиллериянинг кенг тарқалиши билан Ҳ.с.да туб ўзгаришлар содир бўлган. Лекин шу билан бирга Урта Осиё минтақасининг турли ижтимоий-сиёсий вазиятларга кўра қарвон йўлларида, Европа мамлакатларидан узилиб қолганлиги, ўзаро ички низолар Ҳ.с. тараққиётига салбий таъсир қилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳарбий соҳага алоҳида эътибор берилди. 1995 й. авг.да Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий док-тринаси қабул қилинди, у мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги сиёсатини белгилаб берди. Минтақадаги ҳарбий сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда 2000 й. 3 фев.да Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири сон жиҳатидан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуролланган армияни, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай босқинчи кучларга қарши курашга ҳамда зарба беришга қодир бўлган тезкор ҳарбий қисмларни яратишдан иборат (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари*).

Ад.: Қаримов И., Миллий армиямиз

— мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир, Т., 2003; Каримов И., Армия — давлатга янчи ва тинчлик кафолати, Т., 2005; Разин Е.А., История военного искусства, т.1—3, N4., 1955—61; Д ел ьбрюк С., История военного искусства, т.3. М., 1983; Военное дело древнего и средневекового населения Северной и Центральной Азии (Сб. науч. трудов), Новосибирск, 1990; Абулғозий, Шажарайи турк, Т., 1992; Д адабое в Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий мақорати, Т., 1996.

Фахриддин Ҳасанов.

ҲАРБИЙ СИР — ошкор қилиниши мамлакат мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва қуролли кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий йўсиндаги маълумотлар. Ҳ.с.ни ошкор қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жазо чоралари белгиланган.

ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯ - *ҳарбий санъ*-шлнинг энг олий соҳаси. Мамлакат ва қуролли кучларни урушга тайёрлаш назарияси ва амалиёти, урушни режалаштириш ва олиб бориш масалаларини ўз ичига олади, уруш қонуниятларини тадқиқ қилади, стратегик операцияларни тайёрлаш ва ўтказиш усуллари ҳамда шакллари ишлаб чиқади, фронт, флот ва армияларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради, кучларни ҳарбий ҳаракатлар майдонлари ва стратегик йўналишлар бўйича тақсимлайди. Ҳ.с. давлат сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳарбий доктрина талабларидан келиб чиқади. Сиёсат Ҳ.с. олдида вазифалар қўяди. Ҳ.с. эса уларнинг бажарилишини таъминлайди. Ҳ.с. иқтисод билан жамиятнинг иқтисодий тузуми, и.ч., фан ва техниканинг тараққиёт даражаси билан ҳисобланиб, тавсияларини бажариш унинг барча турлари учун мажбурийдир. Ҳ.с. оперативлик (тезкорлик) санъ-

ати ва тактикага нисбатан дастурий роль ўйнайди ва айни вақтда уларнинг имкониятларини ҳисобга олади.

ҲАРБИЙ СУДЛАР (УзРда) - Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларида иш олиб борувчи ва Ўзбекистоннинг суд ҳокимияти тизимига кирувчи умумий юрисдикция судлари. 1992 й. 28 фев.да қабул қилинган «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги Президент фармони билан республика қурулли кучларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий трибуналлар Ўзбекистон Республикаси номидан одил судловни барча ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, стратегик ва умумий йўналишдаги бирлашмалар, ҳарбий-ўқув даргоҳлари, муассасалар ва б. ҳарбий тузилмаларда амалга оширадиган бўлди. Мазкур фармон билан бир вақтда собиқ Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий трибунали асосида Ҳ.с.лар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ҳ.с.и тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий Ҳ.сдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Ҳ.с.и; республика Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг, Миллий хавф-сизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматлари, шунингдек, ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўради. Шунингдек, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчи-

ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни; алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини; давлат сирларига тааллуқли ишларни; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

Ҳ.с.нинг фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди назорат қилади, Олий суд раиси Ҳ.с. ишларининг ташкил этилишига оид буйруқ ва фармойишлар чиқаради. Ҳ.с.нинг моддий-техник таъминоти, уларни молиялаштириш, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасидадир.

Зумрад Иноғомжорова.

ҲАРБИЙ ТАРИХ - 1) ҳарбий ишнинг кад. замонлардан ҳозирга қадар бўлган ривожланиш жараёни; 2) ўтмишдаги урушлар ва қурулли кучларни ўрганувчи, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб берувчи фан. Ҳ.т. тарих фанининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга ҳарбий фаннинг бир қисми бўлиб, ўтмишдаги урушларнинг стратегия ва тактикаси назариясини ўрғанади.

Ҳ.т.нинг энг муҳим соҳалари: урушлар тарихи — конкрет урушларнинг мақсади, сабаблари ва характерини, уларнинг бориши, натижалари ва тарихий жараёндаги аҳамиятини очиб беради; қурулли кучларнинг қурилиши тарихи — қўшин турлари ва қурулли кучларнинг ҳар хил турларининг яратилиши, тайёрланиши, тузилиши ва техник алоқалари жараёнини ўрғанади; ҳарбий санъат тарихи — ҳарбий ҳаракатларнинг бориш шакли ва усулларининг алмашиши ва ривожланишини текширади; ҳарбий тафаккур тарихи — уларнинг табиати ва харак-терига қараб ҳарбий-назарий қарашлар ривожини, урушларни тайёрлаш ва уларни олиб бориш, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат масалаларини

ҳал қилишни ўрганади. Ҳарбий тарих-шунослик, ҳарбий манбашунослик ва ҳарбий археография ҳарбий тарихнинг махсус бўлимлари ҳисобланади.

Ҳ.т. мавзусида турли давлатларда олиб борилган ишларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида 1938 й.да ҳарбий тарих бўйича халқаро комиссия (ICMH — Interallied Committee for the Study of Military History) ташкил этилган ва у ҳарбий тарихчилар учун фикр алмашиш платформаси сифатида фаолият юритмоқда. ICMHга аъзо бўлган давлатларда миллий комиссиялар ташкил этилган бўлиб, ICMH курултойлари 1980 й.га қадар ҳар 5 й.да бир марта, кейинги даврда эса ҳар йили ўтказиб келинган.

Ҳоз. даврда ICMHга Туркия, Германия, АКШ, Албания, Аргентина, Австралия, Австрия, Бельгия, Бразилия, Болгария, Хитой, Чехия, Дания, Мароқаш, Финляндия, Франция, ЖАР, Жан. Корея, Нидерландия, Буюк Британия, Ирландия, Испания, Исроил, Швеция, Швейцария, Италия, Япония, Канада, Венгрия, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Россия, Словакия ва Греция каби давлатлар аъзо бўлиб кирган.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ — қуролли кучлар ва қўшин турлари учун кадрлар тайёрлаш. Ҳ.т.нинг пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳарбий фан ва ҳарбий санъат тараққиёти билан узвий боғлиқ. Мустақил таълим сифатида Европа мамлакатларида 17-а. охири — 18-а. бошида вужудга келган; бир қатор мамлакатларда махсус ҳарбий ўқув юртлари тузилган.

Ўзбекистон Республикасида Ҳ.т. қуролли Кучлар қўшин турлари учун кадрлар тайёрлаш, аҳолига бошланғич таълим бериш тизими. Ҳ.т. 3 босқич (бошланғич, олий ва академик олий таълим)да амалга оширилади. Бошланғич Ҳ.т. умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва ўрта касб-хунар таълими муассасаларида, ҳарбий лицейларда, Ўзбекистон Республикаси мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар»

ташкilotининг ўқув муассасаларида амалга оширилади. Олий Ҳ.т. Мудофаа вазирлиги тизимидаги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти, Жиз-зах авиация олий ҳарбий билим юрти ҳамда Тошкент ахборот технологиялар университетининг махсус ф-тида амалга оширилса, Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти ҳамда Ёнгиндан сақлаш олий техник мактабининг, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида, Олий Академик таълим *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси* ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Ички ишлар академиясида амалга оширилади.

Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган курсантларга «лей-тенант» офицерлик унвони ҳамда соҳасига мувофиқ олий маълумотини тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом ва кўкрак нишони топширилади.

ҲАРБИЙ ТРАНСПОРТ АВИАЦИЯСИ — қуролли кучлар таркибига кирувчи ҳарбий ҳаво кучларининг бир тури. Ҳаво десантларини ташиш,

қўшинларнинг ҳаводаги манёврини таъминлаш, тезкор қўшинлар ҳаракатини таъминлаш, разведка, ретрансляция, бомбардимон қилиш, қурол-аслаҳалар, ёкилғи, озиқ-овқат ва б. моддий воситаларни ташишга мўлжалланган.

ҲАРБИЙ УНВОНЛАР - қуролли кучларнинг ҳар бир ҳарбий хизматчиси ва захирадаги ҳарбий мажбуриятли шахсга уларнинг хизмат мавқеи, ҳарбий ва махсус тайёргарлиги, ўтаган хизмати муддати, қайси қўшин ёки хизмат турига мансуб эканлигига, шунингдек, кўрсатган хизматларига кўра бериладиган унвон. Ҳ.у. ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларидаги мавқеларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 й. 16 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлар штат тузилишини такомиллаштириш ҳақида»ги фармони мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида қуйидаги ҳарбий унвонлар жорий этилди:

Қўшин ва кема таркибидаги унвонлар:

I. Оддий аскарлар таркиби

оддий аскар

матрос

II. Сержантлар ва старшиналар таркиби

кичик сержант

2-даражали старшина сержант

1-даражали старшина

катта сержант

бош старшина

III. Офицерлар таркиби

Кичик офицерлар таркиби

лейтенант

катта лейтенант

капитан

Катта офицерлар таркиби

майор

3-даражали капитан

подполковник

2-даражали капитан

полковник

1-даражали капитан

Генераллар таркиби

генералмайор

генерал-лейтенант

генерал-полковник

армия генерали

Қуроли Кучлардаги олий ҳарбий унвон армия генерали бўлиб, бу ун-вон (уруш даврида) Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Олий Бош Қўмондонига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига берилди.

Юридик ёки тиббий йўналишдаги ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хиз-

матга мажбурият ҳарбий унвонига тегишли «адлия» ёки «тиббий хизмат» сўзлари қўшилади.

Офицерлар Ҳ.у.ида мавжуд бўлган «кичик лейтенант», шартно-ма-контракт асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларда мавжуд бўлган «прапорщик» унвонлари бекор қилинди.

ҲАРБИЙ ФАН— урушга тайёрланиш ва уруш олиб бориш ҳақидаги билимлар тизими. Ҳ.ф.нинг энг муҳим таркибий қисмлари: *ҳарбий санъат* назарияси; қуроли кучлар қурилиши назарияси; қуроли кучлар ҳарбий ихтисодиёти ва фронт орти назарияси; ҳарбий таълим-тарбия назарияси ва бошқалар. Ҳ.ф. ижтимоий, табиий ва техникавий фанларнинг махсус соҳалари билан боғлиқ.

Ҳ.ф. узоқ тарихий давр мобайнида ташкил топган ва ривожланган. Илк ҳарбий-назарий билимлар Қад. Миср, Эрон, Хитой, Юнонистон ва Римда пайдо бўлган; уруш тажрибалари умумлаштирилиб, ҳарбий-тарихий маълумотлар тўпланган. Ўрта асрларда про-фессинал армияларнинг пайдо бўди-ши, янгича ўт сочар қуроолларнинг жорий этилиши уруш олиб бориш усулларига ҳам ўзгартиришлар киритди. Бу эса, ўз навбатида, Ҳ.ф.га таъсир кўрсатади. Бу даврда яратилган асарлар ҳарбий-тарихий баён характерида бўлса ҳам Ҳ.ф.нинг келгуси тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. 18-а. урушларида тўпланган ва умумлаштирилган амалий жанговар тажрибалар ҳарбий-назарий фикрнинг ривож топишига сабаб бўлди. Хусусан, Буюк француз инқилоби (18-а. охири) Ҳ.ф. асосларининг ташкил топишида муҳим роль ўйнади. 19-а.да Ҳарбий Ев-ропада Ҳ.ф. янгича моддий-техника базаси асосида ривожланди. Қурол-яроғ ва жанговар техника (айниқса артил-лерия) такомиллашди, кўпгина мамлакатларда ҳарбий хизмат мажбурияти жорий этилди, армиянинг сони ўсди. Қуроли кучлар қурилиши, қўшин таълими ва тарбияси

масалаларини ишлаб чиқишга киришилди. *Наполеон I* Франция қуроли кучларини қайта қуриб, уруш олиб боришнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан *Х.ф.* тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. 19-а.нинг 2-ярмида вужудга келган бош штаблар ҳарбий и. тларни ташкил этиш марказларига айланди.

Россияда ҳарбий ишнинг тубдан қайта тузилиши *Пётр I* номи билан боғлиқ. У стратегия ва тактиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшди, қатор йирик ҳарбий ислохотлар қилди, ҳарбий таълимнинг самарадор усулларини ишлаб чиқди. Рус *Х.ф.*нинг тараққиётига *П.А.Румянцев*, *А.В.Суворов*, *М.И.Кутузов*, *Ф.Ф.Ушаков* ва б. йирик саркардалар салмоқли ҳисса қўшдилар.

*Иккинчи жаҳон уруши*дан кейинги даврда фан-техника тараққиёти туфайли ҳарбий ишда туб ўзгаришлар рўй берди. Ракета-ядро қуроллари ва б. янги уруш воситаларининг пайдо бўлиши ва ривож топиши қуроли кучлар тузилишида, мамлакатни эҳти-мол тутилган урушга тайёрлашнинг характерида янги сифат ўзгаришларига олиб келди. *Х.ф.*нинг хулосалари ва илмий асосланган тавсияларидан жаҳоннинг етакчи давлатлари ўз мудро-фаа қудратларини янада ошириш йўлида фойдаланмоқдалар.

Ўрта Осиё халқлари тарихида ҳам *Х.ф.* муҳим ўрин тутган. *Урхун-Енисей* битиктошлари, *Низомулмулк*нинг «*Сиёсатнома*», *Юсуф Хос Ҳожиб*нинг «*Кутадғу билиг*» каби асарларида ҳарбий ишга доир қатор пандномаларни учратиш мумкин. Уларда жангга тайёргарлик кўриш, жанггоҳни танлаш, қўшинни сафлаш, қўшин таъиноти ва б.га оид қўплаб маълумотларни учратиш мумкин. *Амир Темур* ва *темурийлар* даврида ҳарбий санъатнинг юксалиши билан *Х.ф.* соҳасида ҳам назарий асарлар пайдо бўлди. Улар орасида «*Темур тузуклари*» мумтоз ўринни эгаллайди. Асарда қўшин бошлиқларини танлаш, армиянинг тузилиши ва жанг олиб бо-

риш қоидалари, еиполийларнинг маоши, қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, уларнинг алоҳида хизматларини тақдирлаш ва б. қайд этилган. Бу асар кейинги давр кукмдорлари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилган. Ўзбекистонда *Х.ф.* турли олий ва ўрта ҳарбий билим юртларида ўқитилиб келинмоқда (қ. *Ҳарбий таълим*).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — фуқароларнинг қуроли кучлар ҳарбий қисмлари ва муассасаларида ҳарбий мажбуриятни бажаришдан иборат давлат хизмати тури (қ. *Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат*).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МАЖБУРИЯТИ — ахрлининг қонунга биноан ўз мамлақати қуроли кучлари сафида хизмат қилиш (одатда 18 ёшдан) мажбурияти. Дастлаб 1798 й. Францияда жорий қилинган. 19-а.да бошқа давлатлар ҳам оммавий армиялар тузиш мақсадида *Х.х.м.* тартибига ўтишган. Ўзбекистон Республикасида *Х.х.м.* *Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат* тўғрисидаги ЎЗР қонуни асосида амалга оширилади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН БОШ ТОРТИШ (ЎЗРда) — фуқароларнинг мамлакат конституциясида назарда тутилган ўз фуқаролик бурчини бажаришдан бош тортиши. Бу, аввало, чақирилувчининг узрли сабабларсиз чақирик комиссиясига етиб келмаганлигида ифодаланади. Расмий хужжатлар билан тасдиқланган турли ҳолатлар чақирик жойига келмаслиқнинг узрли сабаблари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга чақирилувчининг яқин қариндошларидан бирининг саломатлиги оғирлашган ёки вафот этган ҳолатлари, чақирилувчига боғлиқ бўлмаган тарзда унинг чақирик комиссиясига боришига монелик қилган табиий ёки бошқа сабаблар киради. Чақирик ёшидаги шахснинг конституцияда

назарда тутилган ўз фукаролик бурчини бажар-маслик учун турли усуллардан фойдаланиши ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳисобланади. Бўйин товлаш узрли сабабларсиз, *ҳужжатларни қалбақлаштириши*, алдаш ва б. йўллар билан чақирик пунктига белгиланган вақтда етиб келмасликда ифодаланади. Бу усулларнинг ҳаммаси *Ҳ.х. б.т.ни* англатади ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1992 й. 3 июль)ни бузганлик учун жавобгарликни келти-риб чиқаради.

ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

-қуролли кучларнинг барча турлари, кўшин турлари ва махсус кўшинлар учун кадрлар тайёрловчи ўқув муасса-саси. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ўқув юртларига ҳарбий академия, олий ҳарбий билим юртлари, ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейлар, фу-қаролик олий ўқув юртларининг ҳарбий ф-тлари қиради. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси*, Ички ишлар вазиригининг ака-демияси, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль билим юрти, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти, Тошкент ахборот технологиялар ун-тининг махсус ф-ти, Тошкент техника билим юрти, Ёнғин хавф-сизлиги олий техника мактаби, сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳамда фукаролик олий ўқув юртларининг ҳарбий ф-тлари фаолият кўрсатмоқда.

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД - қуролли кучлар сафига қираётган ҳар бир фукаронинг Конституция ва қонун талабларига биноан Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас бурчни бажаришга берадиган тантанали ваъдаси (қасами). Аксарият давлатлар қуролли кучларида қадимдан мавжуд. Хусусан, *Ҳ.к.* қабул қилиш ўтмишда Маҳмуд Ғазнавий,

Амир Темур армияларида ҳам бўлган. *Ҳ.к.* мазмуни халқнинг урф-одаглари, анъаналари билан боғлиқ.

Ҳ.к. давлат нуқтаи назаридан Ватанни муносиб ҳимоя қилиш бўйича ҳарбий хизматчига қўйиладиган асосий талабларни мужжасам этадиган ҳукукий ҳужжатдир. *Ҳ.к.* қуролли кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, уюш-қоқлик ва ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик ҳиссиётларини уйғо-тишда катта роль ўйнайди.

Ҳукукий нуқтаи назардан *Ҳ.к.* ҳарбий хизматчи асосий мажбуриятларининг қисқача, лўнда ифодаси. Бу — мустақил Ватанимиз, унинг сувере-нитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича ҳақиқий жанговар ҳара-катлар жараёнида ёки тинчлик даврида турли шароитлардаги жанговар ўқувларда аскар руҳияти, ватанпар-варлик ҳиссиёти, Ватан олдидаги бурчларининг ўзига хос жамланган ифодасидир. Ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан у жангчиларни Ватанга фидокорона хизмат қилишга, ҳарбий бурчга садоқатли бўлишга ўргатади ва ўзида халқимизнинг энг олий фази-латларини, юксак ватанпарварлик туйғуларини, буюк аждодлар анъаналари ҳамда васиятларига содикликни мужжасам этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари *Ҳ.к.* матни республика Олий Кенгашининг 1992 й. 3 июлдаги 12-чақирик 10-сессиясида қабул қилинган. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ҳарбий низомлар талаблари, қурол-яроғлар билан муомала қилиш тартиблари, *Ҳ.к.*, ҳарбий қисм бай-роғи ва ҳарбий интизомнинг аҳамия-тини ўқув дастурлари орқали ўргангач, тантанали вазиятда *Ҳ.к.* қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 1-марта ҳарбий хизматга қабул қилинган ёхуд ҳарбий хизматни ўтамаган ва 1-марта йиғинларга чақирилган фукароси ҳарбий қисмнинг жанговар байроғи олдида ҳарбий қасамёдни қабул қилади. Бунда қасамёд қабул қилувчи

сафдан чиқиб матни овоз чиқариб ўқийди ва махсус рўйхатдаги фамилияси қаршидаги бандга имзо чекади ва ўз ўрнига бориб туради. Қисм командири шахсий тартибни Х.к. қабул қилиниши билан табрик-лагач, оркестр Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этади ва ҳарбий қисм тантанали марш билан юриб ўтади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий гувоҳномаси ва ҳисоб-китоб варақасида ҳарбий қисм штабининг бошлиғи томонидан Х.к. (кун, ой, йил) қабул қилгани қайд этиб қўйилади.

ҲАРБИЙ ҲОЛАТ — конституциявий ҳуқуқда фавқулодда вазиятларда ўрнатиладиган ва давлат мудофааси ёки жамоат тартиби, давлат хавфсизлигини таъминлаш учун фавқулодда чоратадбирларни қўллаш билан ажралиб турадиган алоҳида ҳуқуқий режим. Х.х. уни жорий этишга ваколатли давлат органининг қарори билан алоҳида ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар бошланганда, оммавий тартибсизликлар рўй берганда ва ҳ.к.) ўрнатилади. Х.х. айрим жойларда ҳам, бутун мамлакат ҳудудида ҳам эълон қилиниши мумкин. Х.х. пайтида ҳарбий идораларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва жамоат муассасалари ва ташкилотларига фармойишлар бериш ҳуқуқи берилади. Ҳарбий маъмурларнинг буйруқ ва фармойишларига бўйсунмаганлик учун ҳарбий давр қонунлари бўйича кучайтирилган жавобгарлик белгиланади. Фуқароларнинг бир қанча ҳуқуқлари чекланиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 18-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини 3 кун ичида Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни (1992 й. 3 июль) бўйича Олий Бош қўмондоннинг вазифалари Х.х. эълон қилиниши биланок Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юкланади. Унинг хузурида Мудофаа Кенгаши тузилади. Кенгаш ҳарбий даврда қуролли Кучларга ва халқ ҳўжалигига раҳбарлик қилади. Х.х. тартиби қонунлар билан белгиланади.

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ,

Ҳар бий-Денгиз Кучлари — океан ва денгиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонида стратегик ва оператив вазифаларни бажаришга мўлжалланган қуролли кучлар тури. Х.-Д.Ф. сув ости кемалари, Х.-Д.Ф. авиацияси, сув усти кемалари, қирғоқ ракета-артиллерия қўшинлари ва денгиз пиёдалари каби кучлар тури (мас, Тинч океан флоти, Болтиқ флоти, Каспий флотилияси ва б.)дан иборат. ЎЗР Қуролли Кучларида чегара қўшинлари таркибига кирувчи Амударё флотилияси мавжуд.

ҲАРБИЙ-ҲАВО КУЧЛАРИ - қуролли кучларнинг оператив-стратегик топшириқларни ҳал этишда мустақил ёки қуролли кучларнинг бошқа турлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун мўлжалланган тури. Замонавий Х.-Х. К. жанговар имкониятларига кўра душман авиацияси, ракета қўшинлари, қуруқлик ва денгиздаги ҳарбий группировкаларга, муҳим ҳарбий объектларга қақшатқич зарба беришга қодир. Х.-Х. К. қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий-денгиз флотида ўтказиладиган жанговар операциялар, ҳаво разведкаси ва ҳаво десантини амалга ошириш, қўшинларнинг манёвр қилишига ва уларнинг таъминланишига кўмаклашади. Х.-Х. К. қуролли кучларнинг асосий турларидан бири бўлиб, муҳим хусусиятлари кенг миқёсда ва юксак даражада манёвр қилиш, бир

йўналиш ва бир объектдаги жанговар хара-катни зудлик билан бошқасига кўчириш, шунингдек, душманнинг орқа томонига таъсир ўтказиш, уларнинг йирик стационар ва ҳаракатдаги объектларини яқсон этиш учун ҳаводан туриб кўкқисдан зарба беришдан иборат.

Ўзбекистон Ҳ.-Ҳ.К. Куролли Кучларнинг энг юқори манёврланган кўшин турларидан бири ҳисобланади. Улар курукликдаги кўшинларни авиацион жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳаво десантчиларини ташлаш, кўшин ва моддий воситаларни ҳаво орқали ташиш, ҳаво разведкасини ўтказиш, жанг майдонида бўлаётган йирик опе-рацияларнинг бориши ва яқунлани-шига таъсир қилиш, республика ҳаво чегараларини мустаҳкам кўриқлаш, каби имкониятга эга.

Ҳ.-Ҳ.К.га ҳаводан туриб душманнинг авиация, курукликдаги кўшинларини яқсон қилиш, давлат ва ҳарбий бошқарув тизими, фронт ва ҳарбий-иктисодий кудратига молик объектлар, транспорт коммуникацияларига зарба бериш вази-фаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳ.-Ҳ.К. бомбардимончи, қирувчи-бомбардимончи, қирувчи авиациядан, хужум, разведка ва транспорт авиациясидан, шунингдек, турли мақсадларга мўлжалланган вертолётчи қисмлардан иборат. Мамлакатимиз Ҳ.-Ҳ.К. замонавий қурол-аслаҳалар, навигация воситалари, радиоэлектрон қурилмалар, жанговар самолётлар, вертолётлар билан таъминланган.

ҲАРОМ — к. *Ҳалол ва ҳаром.*

ҲАРОМ ҚОРАВой — қоравойлар оиласига мансуб қуш. Шарқий ярим шарнинг Шим.-Шарқий Европа ва Сибирдан бошқа ҳамма жойларида кенг тарқалган. Оғирлиги 3 кг гача, қаноти 33—38 см. Етук индивидлари яшил-бинафша металлдек ялтиради. Бошининг пастки қисмида ярим-ойсимой оқ доғи бор. Урчиш даврида энсасида

узун ингичка патлар пайдо бўлади. Ҳ.к. — моногам қуш. Колония бўлиб, сув хавзалари қирғоғидаги қояларга, қамишлар орасига ва дарахтларга уя қуради. 5—6 та тухум кўйиб, нари ва модаси навбат билан 28—30 кун босади. 12—13 ҳафтадан сўнг ёш қушлар мустақил ҳаёт кечира бошлайди. Асосан, балиқлар билан озиқланади. Балиқчилик хўжаликларига зиён етказди. Овчилик аҳамиятига эга эмас.

ҲАРФ — алифбо сирасида бўлган, ёзувда нутқ товушларини (фонемаларни), уларнинг вариантлари ва баъзи бир қўшилмаларини ифодалаш учун хизмат қиладиган босма ёки ёзма график белги. Одатда ҳар бир Ҳ, бир товуш (фонема)ни билдиради, лекин ёзилган сўзнинг Ҳларга ажралиши ва тегишлича талаффуз этилувчи сўзнинг фонемаларга ажралиши идеал ҳолатдагина ўзаро мос келади. Амалда бундай мослик деярли учрамайди: баъзи Ҳлар (графемалар) 2 товушни ифо-далаши мумкин: ё (й+о), ю (й+у), я (й+а), ц (т+с) каби. Шунингдек, бир товуш (фонема) бирдан ортик Ҳ. билан ҳам ифодаланади. Мас, ўзбек лотин алифбосидаги [п§] Ҳ.лари қўшилмаси 1 та бурун товушини, немис алифбосидаги [кн 1 Ҳ.лари қўшилмаси шовқинли сирғалувчи (ш) товушини билдиради. Баъзан немисча матнда бир Ҳ. (5) нинг ўзи, қаерда келишига қараб, 3 хил товушни (з, с, ш ундошларини) ифодалайди. Ўзбек алифбосидаги [о] ҳарфи эса ёзувда 4 та ҳар хил товушни: соф ўзбекча сўзларда бир хил, рус ва европа тилларидан ўзлашган сўзларда ургули ҳолатда яна бир хил, ургу-сиз ҳолатда эса а, и унлиларини билдиради.

Ҳ.лар ҳажм-шакл жиҳатдан 2 хил бўлади: бош Ҳ. ва кичик Ҳ. Бош Ҳ. — айримлари ҳажми б-н, айримлари эса шакли билан ҳам кичик Ҳ.лардан фарқланадиган ва имло қоидалари асосида тегишли ўринларда ишлатиладиган Ҳ.; к и ч и к Ҳ. — имло қоидаларига кўра бош Ҳ. ёзиладиган

ҳоллардан бошқа ҳар қандай ҳолатда қўлланадиган Ҳ. Бош ва кичик Ҳ.ларнинг расмий қўлёзма шакллари махсус ўқув қўлланмалари — «Ҳуснихат»ларда кўрсатилади; уларни қўллаш қоидалари имлода белгилаб берилди. Бош Ҳ. ва унинг амалда қўлланиши нис-батан кейинги ҳодиса ҳисобланади. Мас, бош Ҳ.лар лотин ёзувида ми

лоднинг дастлабки асрларида, руски-рилл ёзувида эса 18—19-а.ларда барқарорлашган. Бош Ҳ. асосан юнон, лотин ва кирилл алифболарига ҳамда улар асосида шакланган бошқа алиф-боларга хосдир. Араб, ҳинд алифболарида, иероглифик ёзувларда Ҳ.лар катта (бош) ва кичик хилларга ажралмайди [бирок араб алифбоси (ёзу-ви)да аксарият Ҳ.лар алоҳида, сўз бошида, ўртасида ва охирида тури-шига қараб шаклан фарқланади]. Шунингдек, услуб талабига кўра Ҳ.ларнинг қора (йўғон) ва курсив (қия ва ёзмачага ўхшаш) шакллари ҳам фарқланади.

Лй..Истрин В.А., Развитие письма, М., 1961;Дирингер Д., Алфавит, пер. с англ., М., 1963;Щепкин В.Н., Русская палеография, М., 1967;Фридрих И., История письма, пер. с нем., М., 1979; Ам ирова Т.Д., Функциональная взаимосвязь письменного и звукового язка, М., 1985; Зиндер Л.Р., Очерк общей теорий письма, Л., 1987.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

ҲАРФ ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ

-матбаа босма қолипи матн қисмини тайёрлаш учун мўлжалланган машиналар. Биринчи Ҳ.т.м. 19-а. бошларида яратилди ва матн сагрларини айрим литер (харф) лардан теришни механизациялашга имкон берди. 1822 й.да инглиз ихтирочис У. Чёрч клавиатурали литер териш (литера-набор)машинасини ясади. 1866— 67 й.ларда рус ихтирочис П.П.Кня-гинский перфолентали дастур асосида бошқариладиган литер териш машинасини яратди. 19-а. охирида *линотип* ва *монотип* яратилганидан

кейингина Ҳ.т.м. кенг қўлланила бошлади. Фотонабор машиналарининг яратилишидаги дастлабки кадамлар ҳам худди шу даврга тўғри келади.

Ҳ.т.м. асосан уч хилга: териш-қуй-иш, териш-ёзиш ва фотонабор машиналарига бўлинади. Буларнинг ярим автомат ва автомат турлари бўлади. Ярим автомат машинада ҳарф терувчи ишчи ҳарфларни асосан клавиатура ёрдамида теради. Автомат машина эса перфолента ёки бошқа бирор ахборот элтувчига ёзилган дастур асосида бошқарилади. Ҳозир қўлёзма матнлари ва расмлари асосан *компьютерна* терилиб ва саҳифаланиб и.ч.га топширилади. У ерда контакт усулида плёнкага ўтказилиб, монтаж қилинган (са-ҳифаланган), металл қолипга кўчи-рилади ва босма машинага ўтказилади.

ҲАРФ-ТОВУШ ЁЗУВИ, ҳарфий ёзув — ҳар бир график белги (ҳарф) алоҳида бир товушни (фонемани) ёки унинг вариантыни (аллофонни) ифодалайдиган ёзув тури; фонографик ёзув ривожидagi дастлабки *силлабик* (*бўгинли*) ёзув босқичдан кейинги ушбу ёзув баъзи манбаларда а л и ф -боли ёзув деб ҳам аталади.

Ҳ.-т.ё., ўз навбатида, маълум кетма-кетликдаги 2 хил кўринишга эга: 1) консонант, яъни ҳарфлар фақат ундош товушларни ифодалайдиган ёзув; 2) вокаллашган, яъни ҳарфлар ҳам ундош, ҳам унли товушларни ифодалайдиган ёзув. Консонант ёзув кад. сом (финикий) алиф-босининг яратилиши билан мил. ав. 2-миг йилликнинг 2-ярмида; вокаллашган ёзув (ҳақиқий маънодаги Ҳ.-т.ё.) эса юнонлар томонидан финикий ёзувининг ўзлаштирилиши ва унга унлиларни ифодаловчи қўшимча белги (ҳарф)лар киритилиши билан мил. ав. 1-миг йилликнинг бошларида пайдо бўлган. Ҳ.-т.ё. бошқа ёзув турларига қараганда жуда кўп афзалликларга эга. чунончи, бошқа ёзув турлари (мас, хитой иероглифик ёзуви, япон аралаш ёзуви) юзлаб, минглаб, ҳатто ўн минглаб

белгилар билан иш кўргани ҳолда Ҳ.-т.ё.га асосланган алиф-болар бир неча ўн белги (харф)дан иборат бўлади. Айни пайтда бу ёзув тури саводга ўрганишда ҳам қатор афзалликларга, қулайликларга эга.

Ҳ.-т.ё. бошқа ёзув турларидан мутлақо ажралган, «соф» ҳолда мавжуд бўла олмайди. Унда маълум маънода идеографик-логографик, бўғинли ёзувларнинг ҳам баъзи унсурлари учрайди. Мас, Я ҳарф-белгиси 2 товуш (й + а)ни ифодалаб, бўғинни ташкил этса, С ҳарф-белгиси халқаро миқёсда кимё, математика, физика соҳаларидаги алоҳида терминлар ва тушунчаларнинг рамзи бўлиб хизмат қилади.

/(Л.Фридрих И., История письма, пер. с нем., М., 1979; Реформатский А.А. Вве-дение в азбуку арабов, М., 1998.

ҲАСАЙНИ - халқ селекциясида чиқарилган маҳаллий хўраки узум нави. Морфологик “ва биологик хусусиятларига кўра *Хусаини* & n ажралиб туради. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи кучли ўсади. Барглари қисман кертикли, 3 — 5 бўлмали, йирик (18x20 см), тўқ-яшил, ялтироқ, туксиз. Гули 2 жинсли. Узум боши ўртача, оғирлиги 380—500 г. Меваси йирик (ўртача 5—6 г), чўзинчоқ, цилиндрсимон, тўлиқ пишганда оч сарик. Таркибида 22—25% канд бор, нордонлиги 4—3 г/л, эти зич, карсиллайди. Ҳосили фаол ҳарорат йиғиндиси 3410° да 143 кунда—авг. охири-сент. бошларида пишиб етилади. Ҳосилдорлиги нисбатан паст (90 — 100 ц/га). Кул касаллигига чидами суст. Узуми юқори кадрланади. Янгилгида истеъмол қилинади, юқори сифатли майиз тайёрланади. Фарғона водийсида кўп экилади.

ҲАСАН ибн Али (625-669) - Али ибн Абу Толибнинг (*Фотимадан* туғилган) ўғли, Муҳаммад (сав)нинг набираси,

2-шиа имоми. 661 й.да Али ўлдирилгандан кейин унинг тарафдорлари Ҳ.ни Ироқца халифа деб эълон қилган ва *Муовия I* ҳокимиятига қарши курашни янгитдан бошлашга даъ-ват этган. Лекин, Ҳ. Муовия I билан музокаралар олиб бориб, у билан келишган, ўзига инъом этилган катта маб-лағ ҳисобига ҳокимиятга даъво қилишдан воз кечиб, Мадинага кўчиб кетган ва у ерда вафот этган (шиалик ривоятлари бўйича заҳарлаб ўлдирилган).

ҲАСАН БАСРИЙ, Абу Саид Абул Ҳасан Йасор (642—728)—илхисломнинг йирик илоҳиёт олими. Мадинада туғилган, 657 й.дан Басра ш.да яшаб, шу ерда вафот этган. 663—665 й.ларда ҳоз. Афғонистон ҳудудидаги ҳарбий юришда қатнашган. Халифа Умар ибн Абдулазиз (681—720) даврида Басрада қозилик қилган. Ҳ.Б. атрофида илоҳиёт олимлари тўпланиб, улар умавийлар давлати маънавиятини белгилаган. Ҳ.Б.ни аҳли сунна намояндалари ҳам, *муътазиллийлар* ҳам, суфийлар ҳам ўз устози ҳисоблаган. Ҳ.Б. қарашлари ҳақида маълумотлар жуда оз. Уларга кўра, Ҳ.Б. ирода эркинлиги (ихтиёрийлик) масаласида *қадарийлар* нуқ-таи назарида турган ва инсон бу дун-ёдаги қилмишлари учун ўзи масъул эканлигини таъкидлаган. Ҳ.Б. муътадил сиёсий қарашларга мос мавқеда турган: умма бирлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, мусулмонлар ўртасидаги ҳарбий можароларни қора-лаган.

ҲАСАН ДЕҲЛАВИЙ, Амир (1253, Бадаюн, Шим. Ҳиндистон — 1327, ҳоз. Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод штати Давлатобод ш.) — ҳиндистонлик форсигўй шоир. 1280—85 й.ларда Мўлтон ш.даги адабий тўғарак аъзоси бўлган, сўнг дўсти Амир *Хусрав Деҳлавий билан* бирга Деҳлига келган. Ҳ.Д. бу ерда аввал хур фикрли шеърлар ёзган бўлса-да, кейинчалик суфийликнинг Низомиддин Авлиё (1236—1325) бошчилигидаги чиш-тия тариқати хизматида киради. мутасаввиф

лирик шоир бўлган Ҳ.Д. асарларида *Саъдийнинг* кучли таъсири сезилади. Ҳ.Д. ижодида лирик шеърлар девони, «Ишқнома» дос-тони ва «Фавойид ул-фуод» («Самимий фойдалар») насрий асари муҳим ўрин эгаллайди. «Фавойид ул-фуод» шайх Низомиддин Авлиёнинг ҳикматлар мазмунини қамраб олган бўлиб, чиштия тариқати мафкурасини ўрганишда ишончли манбалардан ҳисобланади. Шоирга унинг ғазаллари кўпроқ шуҳрат келтирган ҳамда кейинги даврдаги Эрон ва Ўрта Осиё шоирлари ижодида сезиларли таъсир кўрсатган. **ҲАСАН ИБН СОҲИБ** аш-Шоший (Абу Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз ал-Шоший) (? — 986) — муҳаддис, ҳофиз. Шошда туғилиб ўсган. Илм талабида Хуросон, Ирок, Шом, Ҳарамайн (Макка ва Мади-на), Яман, Мисрдаги алломалардан ҳадислар эшитган. «Тарихи Бағдод» асарида Ҳ. ибн С. Хуросон шаҳарлари, Ирок, Ҳижоз, Шом ҳақида маълумотлар ёзганлиги қайд этилган. 983 й. Бағдодга келиб Али ибн Хаш-рам, Исҳоқ ибн Мансур, Абу Зуръа арРозий, Амир ибн Абдуллоҳ ал-Удий, Муҳаммад ибн Авф ал-Хим-сий, Абдо ибн Сулаймон ал-Басрий, Исо ибн Ғийлон, Хубайра ибн ал-Ҳасан аз-Зоҳид, Муҳаммад ибн Абдулазиз аддайнурий ва б.дан ҳадис ривоят қилган. Ўз навба-тида Ҳ. ибн С.дан Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Жуъабий, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Варроқ, Абу Бакр Қаф-фол аш-Шоший, Абу али ал-Ҳофиз, Муҳаммад ибн ал-Музаффар ва б. ҳадис ривоят қилишган. «Тарихи Бағ-дод» («Бағдод тарихи»), «Табакот ал-хуффоз» («Ҳофизлар табақалари»), «Тазкират ал-хуффоз» («Ҳофизлар таз-кираси»), «ал-Ансоб» («Насабнома»),

«Сийар аълом ан-Нубалд» («Олижаноб алломалар сийратлари»), «ал-Иршод» («Тўғри йўл») каби араб манбаларида Ҳ. ибн С. «Ҳофиз» дея хурмат билан тилга олиниб, ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган.

ҲАСАН ПЎЛАТ (Пўлатов Ҳасан; 1911, Самара вилояти Бариш тумани — 1942.7.9, Тошкент) — шоир. Дастлаб Тошкент ва Қўқондаги мактабларда ўқиган. Намангандаги болалар уйида тарбияланган ва у мактаб таҳсилини Наманганда давом эттирган. Боту 1929 й.да болалар уй-ида тарбияланаётган Ҳ.П.нинг машқ шеърлари билан танишиб, унинг 1930 й.да Самарқанддаги педагогика ин-тига кириб ўқишига ва дастлабки шеърларининг ўзи муҳаррирлик қилган «Аланга» жур. да эълон этили-шига қўмаклашган. Ҳ.П.нинг «Кунлар кулганда» (1931), «Зарбачи кун» (1932), «Тоза нафас» (1933) шеърий тўпламлари талабалик йилларида нашр этилган. Ҳ.П., шунингдек, «Постда» (1934), «Юрак садоси» (1942) шеърий тўпламлари, «Пол-вон» (1934), «Қобил», «Донгдор пахтакор» (1936), «Меҳрибонлар» (1939) дostonлари муаллифи. Ҳ.П. шеърий истеъдоди эндигина барқ ура бошлаган вақтда фожиали равишда ҳалок бўлган. Вафотидан кейин «Танланган шеърлар» (1950) ва «Танланган асарлар»и (1956) *Ойбекнинг* сўзбошиси билан нашр этилган.

ҲАСАН ХУДОЙБЕРДИ ЎҒЛИ (1890 — Наманган — 1938) — ўзбек халқ эртақчиси. Ёшлигида отаси вафот этиб, бойлар эшигида қароллик қилган. Наманганлик уста Эсондан эр-таклар ўрганиб, халқ орасида айтиб юрган. 1917 й.дан Наманган т.й. бошқармасида ишчи бўлиб ишлаган. Ҳ.Х.ў. дан «Булбулигўё», «Маликаи Хусно-бод», «Камбағал киз», «Камбағал қашшоқ», «Уч ёлғонда қирқ ёлғон», «Озода чехра» ва б. машҳур эртақлар ёзиб олинган ва нашр этилган. Ҳ.Х.ў. айтиш усули, маҳорати, эртақларининг ижтимоий ва бадиий-эстетик ахамияти жиҳатидан мумтоз эртақчилар қаторида туради.

ҲАСАН ҚАЙҒИ, Асан Қайғи (тўлиқ исми Ҳасан Собит ули) |тахм. 1370—

1465, Сариарқа (Улитов)] — козоқ шоири, уста жиров. Ижоди Хоразм ўзбеклари, коракалпоқ ва козоқлари орасида кенг тарқалган. Олтин Ўрда хонларидан Улуғ Муҳам-мад саройида хизмат қилган. Улуғ Муҳаммад вафотидан сўнг Дашти Қипчоққа қайтган. Ҳ.Қ.нинг шеър-тўлғовлари ҳозиргача халқ орасида машхур. Уларнинг аксарияти сўнгги даврларда ёзиб олиниб, баъзи бирлари эълон қилинган («Кўлда юрган қўнғир ғоз, қир кадрини не билсин», «Оқ билагинг бўлмаса, билагузук солмоқ не фойда» ва б.). Асарларида шоир халқ тақдири, аҳволи ҳақида кўп ўйлаб, қайғуриб, ғам чеккан (Қайғу — «Қайғи» тахаллуси ҳам шундан). Шеърлари фалсафий-дидактик мазмунда бўлиб, турли тўплам, антология, баёзларга кирган. Дастлаб Тўғалоқ Молда унинг шеърларини «Ҳасан Қайғи сўзи» номи билан нашр эттирган (1938). Халқ орасида «Ҳасан Ҳофиз» номи билан машхур.

ҲАСАНБЕК РУМЛУ (1530/31 - ?) -тарихчи олим. Кум ш.да туғилган. Румлу қабиласига мансуб бўлган. *сафавийлар*лрн *Тахмасп I* ва Муҳам-мад Худобанда (1577—87) саройида хизмат қилган. Умумий тарихга оид «Аҳсон аттаворих» («Тарихларнинг аълоси») асари муаллифи. Асар 12 жилддан иборат бўлиб, 1572—77 й.лар орасида ёзилган, бизгача сўнгги 2 жилди сақланиб қолган. Уларда Эрон, шунингдек, унга қўшни мамлакатлар: Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон ва Грузиянинг 1404—1577 й.ларга оид тарихи йил-майил баён этилган. Сўнгги, 12-жилдда сафавийлар давлатининг ташқи сиёсатида рўй берган асосий воқеалар ёритилган. Асар Ўрта Осиё хонликлари билан Эрон ўртасидаги сиёсий алоқалар тарихини ўрганишда муҳим манбадир. «Аҳсон аттаворих» қўлёзмалари Санкт-Пе-тербург, шунингдек, Англия, туркия ва Эрондаги кутубхоналарда сақланади.

ҲАСАНМУРОД ҚУШБЕГИ МАСЖИДИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (18—19-а. бошлари); *Ичан қалъа* таркибида. Амир тўра мадрасаси қаршисида. Масжид турар жой биноларига хос кичик, мурабба тархли, бир устунли айвон, икки устунли хонакоҳ ва шим.дан унга туташ қўшимча хоналардан иборат, шим.-шарқий бурчагига минора ишланган. Безаклари оддий. Бино тарзлари ғиштлардан терилган, безаксиз; бино ичи ва текис шифти қизил, қора, мовий ва оқ рангларда нақшланган.

ҲАСАНОВ Абдурашид (.1950.14.3, Гиждувон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчи (1995). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1972). 1972 й.дан Гиждувон туманидаги 18-, 27-, 4-мактабларда, 1996 й.дан 62-иктидорли болалар ин-тернат мактабида француз тили ўқитувчиси, 2002 й.дан 4-мактаб ҳузуридаги иктидорли болалар интер-нат мактабида директор ўринбосари, 2004 й.дан 63-иктидорли болалар ин-тернат мактаби директори.

ҲАСАНОВ Боки (1937.1.7 - Китоб тумани — 2001.10.9) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Қарши пед. институтини тугатган (1962). 1962 й.дан Китоб туманидаги 29-, 54-мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси. 1972—2000 й.ларда 54-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси.

ҲАСАНОВ Мўйидин Юнусович (1917.9.10 — Фарғона вилояти, Кува тумани — 1947.4.10) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, сержант. 1939 й.дан армияда. 1941 й. июлдан фронтда. 195-Новороссийск тоғ-миномёт полки 4-ба-гареяси (Шим. Кавказфронтини 18-армиянинг 318-тоғ-ўқчи дивизияси) миномётчиси. 1943 й. 1 нояб.да Керчь ш. ёнидаги Эльтиген шаҳарчаси (ҳоз. Героевское)ни озод қилишда кўрсатган

жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган(1943й. 17 нояб.). Фаргона ва Кува ш.лари кўчаларига ва Кува туманидаги мактабга номи берилган ҳамда Тошхў-вуз кишлоғидаги мактаб олдида бюсти ўрнатилган.

ҲАСАНОВ Набижон Азимович (1913, Самарқанд — 1972.28.8, Тошкент) — бастакор, созанда (ғижжак), Ўзбекистон халқ артисти (1967). Дастлаб, Т. Содиковдан най ва ғижжак чалишни, ўрганган. Андижон театрида созанда (1927—29), Самарқанд театрида созанда (1930—32), мусиқа раҳбари (1932-35, 1938—39) ва бош дирижёр (1945—47), Ўзбек давлат мусиқали театри (1936—37), Навоий театри халқ чолғу асбоблари ансамбли (1939—44)да мусиқа раҳбари, Ўзбекистон радиокўмитаси халқ чолғу асбоблари оркестрида концертмейстер (1947—52, 1957—72), Ўзбекистон давлат эстрада-даси ашула ва рақс ансамблида созанда ва бадий раҳбар (1952—55). Ҳ. «Ғунчалар» (Т.Содиков б-н), «Ўзбекистон киличи» (М.Бурҳонов, Т. Жалилов ва б. б-н) каби асарларнинг муаллифларидан. Бастакорнинг истеъдоди кўпроқ ашула ва кўшиқларда намоён бўлди. Айниқса унинг «Салламно», «Кўрдим», «Айланай», «Жафо қилма» ашулалари, «Жона-жон ўлкам», «Она Самарқанд», «Ги-лос» каби оммавий ва «Интизор», «Гулчехралар», «Чарос» каби лирик кўшиқлари, ялла намуналари («Бахт ялласи», «Яйра, гўзал» ва ҳ.к.) машҳур. Айрим («Салламно» ва б.) асарлари «Нола» каби эстрада гуруҳлари томонидан янгича талқин топган.

ҲАСАНОВ Обид (1902, Марғилон — 1976.25.8, Тошкент) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1973). 1919—25 й.ларда Қўқон драма труппасида, 1925—27 й.лар Самарқанд мусиқали театрида актёр. 1927—44 й.лар Ҳамза театрида, 1945—46 й.лар Тошкент ёш томошабинлар театрида, 1946—56 й.ларда Қўқон театрида, 1958 й.дан Ҳамза номидаги

академик драма театрида ишлаган. Ҳ. кичик, эпизодик ролларнинг мохир ижроچиси сифатида танилган, Эшон (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Амир Музаффар (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), деҳқон чол (С.Азимов, «Замон драма-си»), жарчи (М.Шайхзода, «Мирзо Улугбек») ва б. роллари шулар жумласидан. Бир қанча фильмларда ҳам суратга тушган.

ҲАСАНОВ Пўлат Фаттоҳович (1937.15.12, Тошкент вилояти) — назарий электротехника соҳасидаги олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), техника фанлари д-ри (1975), проф. (1977). Ўрта Осие политехника ин-тини тугатган (1960). Шу ин-тда лаборант, лаб. мудири (1960—64), катта ўқитувчи (1965—72), кафедра мудири (1972—95). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлим, кейин бошқарма бошлиғи (1996—99). Давлат Тест маркази директори маслаҳатчиси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида илмий маслаҳатчи (1999 й.дан). Илмий ишлари ахборот-ўлчов техникаси, электрон занжирлар назарияси, роботлар техникаси, ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги ва масофавий таълим тизи-мига доир.

Ас: Фигурно-точечные модели и диаопределители матриц, Т., 1975; Преобразование схем электрических и электронных цепей, Т., 1978; Робот техниксининг формал моделлари, Т., 1994.

ҲАСАНОВ Ўринбой Ҳасанович (1928.27.11, Ўш) — биолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), биол. фанлари д-ри (1971), проф. (1983). Ўрта Осие ун-тини тугатган (1954). Ўзбекистон ФА Ботаника ин-тида аспирант (1954—57), кичик (1958—

60) ва катга илмий ходим (1960—65), лаб. мудири (1965 — 93), 1993 й.дан Ўсимликлар экологи-яси лаб.да етакчи илмий ходим. Илмий тадқиқотлари Марказий Осиё ҳудудларида тарқалган озуқабоп ёввойи бедалар ва 10 дан зиёд бошқа ёввойи ўсимликларни ўрганишга бағишланган. Ҳ. беданинг 22 ёввойи, 11 кенжа тури ва 68 экологик шакллари аниқлади.

Ас: Дикорастушие люцернн Средней Азии, Т., 1972; Биология и экология растений вво-диммх в культуру в адыфной зоне (в соавтор-стве), Т., 1973; Эфф-ктивности использования адыфных земель (в соавторстве), Т., 1979; Адаптация кормовых растений к условиям аридной зонн Ўзбекистана (и соавторстве), Т., 1983; Маданий усимликларнинг келиб чиқи-ши. Т., 1986.

ҲАСАНОВ Ҳамидулла (1919.19.01 -Тошкент — 1985.22.05) — географ олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ароби (1980), геогр. фанлари док-тори (1968), проф. (1970). Ўрта Осиё давлат ун-ти геол.-тупроқшунослик-география ф-тининг геогр. бўлимини тугатган (1941). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—46). «Қизил Ўзбекистон» газ.да адабий ходим (1946—47), Ўзбекистон Пед. фанлари илмий тад-қиқот ин-тида географ-методист (1948—50). 1954 й.дан ТошДУ геогра-фия ф-ти доценти, 1968—70 й.ларда ф-т декани, 1970 й.дан табиий геогр. кафедраси проф., 1983 — 85 й.ларда табиий геогр. кафедраси мудири. Илмий ишлари «Ўрта Осиё олимларининг географик мероси», Ўрта Осиё топонимиси, геогр. тарихи, транс-крипция, терминология, дунё табиий геогр.си, геогр. ўқитиш методикаси, илмий асарлар таржимасига бағишланган. Кўпгина мамлакатлар (Афғонистон, Ҳиндистон, Мьянма, Япония, АҚШ, Европа мамлакатлари ва б.)га саёҳат қилган. Тошкентдаги кўча ва мактаблардан бири Ҳ. номи билан аталади.

Ас: Маҳмуд Қошғарий, Т., 1963; Гео-график номлар имлоси, Т., 1964; Гео-график терминлар луғати, Т., 1964; Ўрта Осиелик географва сайёҳлар, Т., 1964; Ўрта Осиё жой номлари тарихидан, Т., 1965; Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Т., 1966; Ер тили, Т., 1977; Сайёҳ олимлар, Т., 1979; Географик номлар сири, Т., 1985.

ҲАСАНОВА Робия (1949.20.8, Жиззах ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Сирдарё пед. инсти-тутини тугатган (1970). 1968 й.дан Зомин туманидаги 25-, 50-, 56-, 15-, 39-, Жиззах туманидаги 16-мактаблар-да, 1992 й.дан Зомин туманидаги 65-мактаб-да бошланғич синф ўқитувчиси.

ҲАСАНОВА Шамсирўй (1917 - Тошкент — 1956) — илк ўзбек аёл рассоми. Тошкент рассомлик техникумида таъ-лим олган (1933—38), А.Волков, П.Ган ва б.дан тасвирий санъат асосларини ўрганган. Ўзбекистон давлат санъат му-зейида дастлаб экскурсовод, 1945 й.дан директор бўлиб ишлаган. Ҳ. ижоди даво-мида Шарк ва Ғарб санъ-ати услублари-нинг уйғунлигига ин-тилган, Ўрта Осиё *мишиятюра* мактаблари ва маҳобатли рассомлиги анъ-аналарини Европа ре-алистик санъати анъаналари билан уйғунлаштириб ўзига хос янги пластик ечимга эришган. Ҳ. портрет жанрида асарлар яратган; «Бог-бон қиз», «Скрип-качи қиз», «Автопортрет» ва б.; ўзбек тасвирий санъ-атида биринчилардан *натюрморт* жан-рини бошлаб берган: «Копток гул», «Хитой чинниси», «Ме-валар» ва б. Алишер Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик даврида турмуш ўртоғи Чингиз *Аҳмаров билан* Навоий те-атри биносининг фойеси учун ишланган расмларда иштирок этган. Айниқса та-рихий портретлари («Зебуннисо бегим», «Но-дирабегим», «Увайсий», «Мутриба» ва б.)да унинг нозик шарқона услуби ўз ифодасини топган. Ҳ. асарлари республи-ка ва чет мамлакатлардаги кўргазмаларда намоиш этилган; асарлари республика

музейларида сақланади.

«ҲАСАНХОН» — «Гўрўғли» туркумидаги дostonлардан бири. Гўрўғлидан кейинги иккинчи авлод ҳисобланган. Ҳасанхон тўғрисида яратилган мустақил асар. Эл-юрт мудофааси, мамла-катлар ўртасида тинчлик-осойишталик ўрнатиш, мардлик ва дўстлик дostonнинг асосий ғоясини ташкил этади. Унда Ҳасанхоннинг Чамбил (халқ поэтик ижодида афсонавий юрт номи; халқ афсоналарида Арманистон, Гру-зия, Озарбайжон, Туркменистон, Ўзбекистон худудларида бўлган дейилади)га олиб келинишига оид воқеалар тасвирланган. Дoston кўпчилик бах-шилар репертуаридан ўрин олиб, Пўлкан шоир (1968, 1976) ва Зоҳир Кўчкор ўғли (1967) дан ёзиб олинган вариантлари нашр қилинган.

ҲАСБИ ҲОЛ (араб. — аҳвол баёни, хол-аҳвол тасвири) — шоир ёки ёзувчи томонидан муайян вазиятдаги ҳол-аҳволи баёнига бағишлаб ёзилган асар. Ҳ.х. кўпинча *маснавий* шаклида ёзилиб, бирор шахсга (ҳукмдор ёки яқин кишисига) қаратилган мактуб тарзида (мас, Алишер Навоийнинг Сайй-ид Ҳасан Ардашер номига ёзган мас-навийси) ёки шоирнинг ўз аҳволидан шикоят, норозилиги баёнидан иборат бўлиши мумкин (Мужрим Обиднинг «Ҳасби ҳол»и, Шукриий маснавийлари ва б.). Ҳ.х. ёзувчи биографиясини, у яшаган даврни ўрганиш учун қимматли манба қисобланади.

ҲАСИП — сўйилган қўй ёки қорамолнинг тозаланган ичагига қийма гўшт ва гуруч солиб, сувда қайна-тиб пиширилган таом. Ичакни ағда-риб илиқ сувда туз ишқаб бир неча бор ювилади, бир неча соат қатик, зардоб ёки лавр япроғи қайнатмасига (2 соат) бостириб қўйилади. Иви-тилган ичак яна бир неча бор яхши-лаб ювилади, бир учи ипда боғланади ва ичига тайёр қийма солинади. Ҳ. учун лаҳм гўшт, ўпка (талок) гўшт қиймалагичдан ўтказилади, унга

майда чопилган пиёз, ювилган гуруч, туз ва мурч сепиб, сув қуйиб, яхшилаб аралаштирилиб суюқ қийма тайёрланади. Ичакнинг очик томонига воронка қўйиб, суюқ қийма ичакка қуйилади, тўлғач учи боғланиб, қозондаги совуқ сувга солинади, паст оловда қайнатилади. Қайнаб чиқиши билан Ҳ.нинг бир неча жойига игна урилади (акс ҳолда ёрилиб кетиши мумкин) ва 1 соатга қайнатилади. Тайёр Ҳ.ни совитиб, эни 2—3 см парракларга, яхши қот-маган бўлса сал узунроқ (6—8 см ли) бўлақларга бўлиб лаганда ёки ликопларда зираланган пиёз билан бирга дастурхонга тортилади.

ҲАФИЗОВ Иброҳим (1870-1940) -бухоролик меъмор. Ҳунарни отаси билан бирга ишлаб, уста Халилга шогирд тушиб (1880—88) ўрганган. 1888 й.дан мустақил уста. Ҳ. муқарнасли шарафа ва намоёнларга хандасий ва ислимий услубида нақш ишлаш санъатини пухта эгаллаган. Қўшмадраса яқинидаги Қози Бақоҳон уйи, Кармандаги Абдулаҳадхон саройи, Сарим Султон, Хайро-бод, Чорбоғ Чаримгари, Чорбоғгул саройлари ва уйларини қуришда қатнашган. Хон саройида гилкорлик қилган. Арк саройини қайта тиклашда, Бухоро ш.дан Ситораи Моҳи Хосагача бўлган йўлга тош ётқизишда, фка қуришда (1928— 34) ва б.да иштирок этган. Ҳ.нинг 100 дан ортиқ лойиҳалари Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади.

ҲАФИЗОВ Наби (Уста Наби Ҳафизов, 1893— Бухоро — 1959) — наққош ва мусаввир, биринчи ўзбек плакатчиси. Бухородаги биноларни нақшлар билан безаган. Ҳ. рассомлик билан ҳам шуғулланган, замонавий мавзуларни тасвирлашда *миниатюра* санъати анъаналарини кенг қўллади. Матбуотда фаол иштирок этди, плакатлар яратди. Тош-босма усулида чоп этилган плакатларида ғоя ва мазмун содда, тушунарли ҳамда оммабоп қилиб ифодаланган. Ҳ. плакатларидан намуналар бухоро вилоят ўлкашунослик

музейида сақланади.)

ҲАФИЗОВА Флюра (1948.4.1, Чуст ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Наманган пед. инсти-тутини тугатган (1970). 1970 й.дан Чуст ш.даги 1-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси.

ҲАФТА (форс.-тож.) — вақт ўлчов бирлиги. Етти сутка (душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба) дан иборат. Ҳ. деярли барча халқларда қадимдан мавжуд. Етти кунлик Ҳ. дастлаб Шарқда қўлланган, мил. 1-а.дан Римда ишлатилган. Қадимда халқлар назарида 7 рақами ғайри табиий «муқаддас» сон ҳисобланган. Астрономик жиҳатдан эса Ҳ. ой фазаларига қараб белгиланган. Мас, қадимги бобиликлар. ой фазасининг тахм. 29,5 кунда ўзгариб туришини аниқлаганларидан сўнг ой деб аталган вақт ўлчови бирлиги бўлганлиги учун 1 ойнинг ҳар бири 7 кунга тенг чо-ракка бўлинган. Баъзи халқларда беш кунлик ва ўн кунликдан иборат Ҳ. бўлинишлари бўлган; мас, ўн кунлик Ҳ. (декада) қадимги мисрликларда, кейинчалик француз буржуа инкилоби қалендариде мавжуд бўлган (қ. *Календарь*).

ҲАФТИЯК (форс. — еттидан бир) — Қуръони қаримнинг еттидан бир қисми битилган китоб. Ёш қориларга қулай бўлсин учун Қуръон сураларидан бир нечтаси (13—14 та) танланиб, қироат китоби шаклига келтирилган. Ўтмишда Туркистондаги *мактабхо*-яаларда хрестоматия вазифасини ўтаган биринчи қўлланма ҳисобланади. Боалар араб алифбосини ўзлаштирганларидан сўнг ўргатилган. Одатда, Ҳ. 1—2 й. ўқитилган. Ҳ.дан сўнг Қуръони қаримни ўқишга ўтилган. Ёш талаба кичик сураларни маълум миқдорда ёд олгандан кейин Ҳ.ни ўқишга киришиш маросимини ўтказиш одатга айланган. Кейинги пайтда Ҳ. ўрнига бир йўла Қуръони қаримнинг тўлиқ нусхасини ўқиш ва ўқитиш расм бўлган.

ҲАФТОН — 1) найза, ўқ ва тиф зарбидан муҳофаза қиладиган зирхли махсус ҳарбий кийим. Ҳ. одатда, совут остидан кийилган. Ҳ. аксарият пахтадан тикилган; 2) зодагон шахслар томонидан устдан кийиладиган зарбоф тўн.

ҲАШАР — ўзбеклар, айрим бошқа туркий халқлар орасида удумга айланган ижтимоий ҳамкорлик ва беғараз ёрдам шаклларидан бири. Асосан, тезкорлик билан бажариш зарур бўлган ишлар (ҳосилни зудлик билан йиғиб олиш) ва катта меҳнат талаб иншо-отларни бунёд этиш (канал қазиш, йўл ва кўприклар қуриш)да қўлланган. Ҳ. ариқ қазиш, иморат қуриш каби ишларда бир неча кун ҳам давом этган. Мас, Ўзбекистондаги *Катта Фарғона канали* умумхалқ Ҳ. воситасида бунёд этилган. 1966 й. 26 апр.да Тошкентда рўй берган зилзила оқибатлари ҳам умумхалқ Ҳ. орқали тугатилган. Ўзбекистон истиқ-лолидан сўнг Ҳ. янгича мазмун касб этиб, Рўза ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ёки муҳим саналар олдидан умумхалқ хайрия Ҳ.и ўтказиш анъанага айланди.

ҲАШАРОТЛАР (шесла) - бўғимоёкли умуртқасиз ҳайвонлар синфи. Ер шарида 1,5 млн.га яқин тури маълум. Турларининг кўпчилиги ва шакллари хилма-хиллиги жиҳатидан биосферада 1-ўринни эгаллайди. Ҳ. синфи *оёқдўмдилар*, *қўшдўмдилар*, *қўнғизлар*, *туябўйинлар*, *тўрқанотдилар*, *капалаклар*, *бургалар*, *термитлар*, *қандалалар* каби 34 туркумга бўлинади. Танасининг узунлиги 0,2 мм — 33 см, одатда ташқи скелетни ташкил қилувчи зич кутикула билан қопланган. Танаси бош, кўкрак ва қорин қисмлардан иборат. Бошида бир жуфт мураккаб кўз ва кўзчалари, бир жуфт мўйловлари (ҳид туйиш ва сезги орга-ни) ҳамда оғиз аппарати жойлашган. Оғиз аппарати юқори лаб, юқори ва пастки жуфт жағлардан ташкил топ-

ган. Кемирувчи оғиз аппарати барча тўғриқанотлилар, қўнғизлар, чумолилар ва б.га хос. Сўрувчи Ҳ.да эса хартум бор. Гулшира билан озикланувчи *асаларитр* хартумида кемирувчиларнинг асосий белгилари сақланган, капалакларда хартум спиралсимон бураладиган найдан иборат; пашшаларда у фақат сўришга эмас, балки қаттиқ озуқани киришга ҳам мослашган. Қандалалар, *ўсимлик битлари*, трипслар, *кокцидлар*, қон сўрувчи чивинлар ва б. санчиб сўрувчи оғиз аппарати ёрдамида ўсимликларнинг хужайра шираси ҳамда ҳайвон қонини сўриб озикланади. Кўкрак қисми олд, ўрта ва орқа кўкракларга бўлинади. Ҳар бир скелет ҳалқаси елка (ус-тидан), кўкрак (пастки томондан), плевралардан (биқиндан) ташкил топган. Кўкракнинг ҳар бир бўғими (сегменти)да бир жуфт оёқлари жойлашган. Оёқлар тосча, кўст, сон, болдир ва 2 тирноқпи бўғимларга бўлинган панжалардан тузилган; қанотли Ҳ.нинг ўрта ва орқа кўкракларидан бир жуфтдан қанотлар бор. Урғочиси қорнининг учида 11 бўғимдан иборат тухум қўйғич, эркакларидан эса бир жуфт ўсимталар мавжуд. Овқат ҳазм қилиш йўли озуқани механик ҳамда кимёвий қайта ишлайдиган ичаклардан ташкил топган. Ҳ.нинг индивидуал ривожланиши бир неча босқичли (фазали) тўлиқ ёки чала ўзгариш (метаморфоз) билан кечади. Чала ўзгариш билан ривожланиш 3 фаза (босқич)да: тухум, личинка (имагога ўхшаш) ва вояга етган ҳашарот — имаго орқали амалга ошади. Тўлиқ ўзгариш билан ривожланишда эса личинка (одатда чувалчангсимон) билан имаго оралиғида *лумбаклик* даври ҳам кузатилади. Ҳ.нинг ҳаёт цикли бўғин (авлод)лар сони, мавсумий динамика (ўзгариш)нинг ўзига хослиги ва дивергенция хусусиятлари билан белгиланади.

Табиатда Ҳ. турли-туман ва катта аҳамиятга эга. Улар бутун қуруқликни эгаллаган; айниқса сернам субтропик ерларда кўп тарқалган. Кўпчилиги ерда, қатор турлари сувда яшайди, баъзиларининг ҳаёти тупроқ билан боғ-

лик. Ҳ. хилма-хил маҳсулотлар билан озикланиб, табиатда моддалар алма-шинувида иштирок этади. Ҳ.нинг жуда кўп турлари *ўсимликлар зарар-қундалари*; ҳайвонлар ва одамларга зарар келтиради. Ўсимликларни чанг-латиш, зарарқунанда ҳашарот ва бегона ўтларни йўқотишда ҳам Ҳ.нинг роли катта (қ. *Энтомофаглар*); фойдали ҳашаротлардан асалари, ипак қуртлар, лак берувчи червецлар қиммат-баҳо маҳсулот беради; айримлари овланадиган ҳайвонлар учун озуқа ман-баи. Ҳ. хилма-хиллиги ва уларнинг оламини *энтомология* фани, фойдали Ҳ.дан амалиётда фойдаланиш ва зарарқунанда Ҳ.ларга қарши кураш усулларини *қишлоқ хўжалиги энтомологияси* фани ўрганади.

Ад.: Вредные и полезные насекомые хлопчатника и других сельскохозяйственных культур Узбекистана. Т., 1977; Сельско-хозяйственная энтомология. М., 1983; муродов С.А., Умумий энтомология курси, Т., 1986.

ҲАШАРОТЛАР ИНТРОДУКЦИЈАСИ — ҳашаротларни ўзи яшаб турган жойдан бошқа, янги ҳудудларга келтириб агробιοценоз энтомофаунасини сунъий бойитиш. Муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Ўсимликларни *биологик ҳимоя усули*да Ҳ.и.дан кенг фойдаланилади. Одатда, бир тур зарарқунанда ҳисобига яшашга ихтисослашган энтомофаг ва акарифаглар интро-дукцияси яхши самара беради. Ўзбекистонда 24 тур энтомофаг ва акарифаг интродукция қилинган бўлиб, шундан 11 тури яхши иқлимлашган; улар зарарқунанда ҳашаротлар миқдорини хўжалик учун сезилмайдиган даражада сақлаб туради. Жумладан, *қонли бит* паразити афелинус (1931), *қомсток қурти* паразити псевдафикус (1945) яхши иқлимлашди. Иқлимлашмаган турлардан эса мавсумий далага қўйиш усулида фойдаланилади. Ўзбекистонда 1967 й.дан иқлимлаштирилган *трихограмма* ғўза ҳамда сабзаёт экинлари зарарқунандаларидан — *тунламларга*

қарши муваффақиятли қўлланмоқ-да. Иссиқхоналардаги ўргимчакканаларга қарши йиртқич кана — фито-сейюлюсни (Ўзбекистонга 1969 й.да олиб келинган) қўллаш яхши самара бермоқда.

ҲАШАРОТХҲҲР ҲЎСИМЛИКЛАР

-одатдаги озикланишдан ташқари яна айрим ҳашаротлар (баъзан майда жониворлар)ни тутиб еб қўшимча озик манбаи сифатида фойдаланадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар гуруҳи. Ер шарининг барча қисмида учрайди. 500 га яқин тури (7 оиласи) маълум. Чучук сув ҳавзаларида, ботқоқ ўтлоқларда, ботқоқликларда, асосан, азотли бирикмалар, калий, фосфор кам-чил тупроқларда ўсади. Шу сабабли ҳашаротлар билан озикланади. Ҳ.ў.да ҳашаротларни тутиш учун махсус мосламалар бор.

Баъзи бир Ҳ.ў.нинг барглари эпипшоқ суюклик ажратувчи кўп сонли безчалар билан қопланган. Бошқалариники ҳашаротларни тутувчи қутича (непен-тес, дарлингтония) ёки тез ҳаракатланувчи (тутувчи) қопқонлардан (ди-онея, альдровандан) иборат. Ушланган ҳашаротлар барг безчалари ажратган махсус суюкликда эриб, ҳазм бўлади.

ҲАШАРОТХҲҲРЛАР (Insectivora)

-сут эмизувчилар туркуми. Энг қад. ва тубан тузилган *йўлдошлилар*. Бўр даврида пайдо бўлган. Ҳ. барча йўлдошлиларнинг аждодлари бўлиши ҳам мумкин. Кўпчилик Ҳ. беш бармоқ-да, товонда юради. Тишлари яхши ихтисослашмаган, бош миясининг ҳидлов бўлаклари кучли ривожланган. 6 оиласи: типратиканлар, тенреклар, тилла кротлар, *ёриқтишчилар*, ерка-зарлар, сакровчилар мавжуд. Айрим зоологлар вихухолсимонлар, видрасимон ерказарлар, тупайясимонларни ҳам ана шу туркумга киритишади. Австралия, Жан. Американинг кўп қисми, Антарктида ва Гренландиядан ташқари барча қитъаларда тарқалган. Ўзбекистонда *типрати-канлар* ва ерказарлар оилаларига ман-суб 6 тури: қора игнали типратикан,

қулоқдор типратикан, митти октиш, ола путарак, кичик октиш, оқ қорин октиш тарқалган. Кўпчилик Ҳ. шомда фаоллашади. Ҳ. ўрмон хўжалигига зиён келтирадиган умуртқа-сиз ҳайвонларни қириб фойда келтиради. Айрим турлари овланади. 8 тури Халқаро Қизил китобга қири-тилган.

ҲАШШОШҲЙЛАР (араб. - ҳашиш чекувчилар, гиёҳвандлар) — *исмоилийлар* ичидаги яширин террорчилик билан шуғулланган фирқа тарафдорлари. 11-а. охирида Эронда исмоилийлар ҳаракатининг бўлиниб кетиши натижасида пайдо бўлган. Асосчиси — Ҳасан ибн Саббоҳ(1124 й.в.э.). Эроннинг шим.-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламут қалъаси Ҳ. жамоасининг маркази бўлган. Ҳ. ҳара-кати Сурия ва Ливанда, кейинчалик Ҳиндистонда ҳам тарқалган. У Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги қарматлар ҳаракати билан узвий боғлиқ. Ҳ. халифалик ва салжукийларга қарши курашган. Ҳ.нинг раҳбарлари ўздуш-манларини ўлдиришни сиёсий курашнинг асосий воситаси деб билган. Ҳ. ғоят яширин ҳолда иш кўрадиган ва тармоқланган террорчилик ташкилотини вужудга келтирган. Ўз мақсадларини амалга ошириш (ҳукмдорлар, подшолар, қироллар ва йирик намояндаларни ўлдириш)да фидойилар (қашшоқ деҳқон ва шаҳарлик ёшлар)дан фойдаланган. Террорчи (фидойи)ларга гиёҳ-ванд моддаларни истеъмол қилди-риб, ўлса шубҳасиз жаннатга тушишига ишонтирган. Бирмунча давр Ҳ. кўп ҳукмдорларга даҳшат солиб турган, улардан кўплари (жум-ладан айрим Европа мамлакатлари императорлари ва қироллари ҳам) ўз жонини сақлаш учун Ҳ.га тўлов тўлаб турган. 1256 й. мўғул истило-чилари Аламутни босиб олиб, Эронда Ҳ. жамоасига барҳам берган. 1273 й.да мамлуклар қўшини Сурия ва Ливандаги Ҳ.нинг охириги ташки-лотларини тугатган.

ҲАҚБЕРДИЕВ Абдурахимбек Асад-бек ўғли [1870.16(28).5, Шуша - 1933.12.12, Боку] — озарбайжон ёзувчиси. Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1928). Петербург ун-тини тугатган (1899). 1906 й.дан «Мулла Насриддин» жур.ида ишлаган. Илк асари — «Бузилган хонумон» (1896). «Бахтсиз йигит» трагедияси (1900) ва «Оға Муҳаммад шоҳ Кажар» (1907) тарихий драмасида 18-а.даги Эрон ҳукмдорининг фожиаси орқали адо-латсиз тузумнинг ҳалокати тасвирланган. «Мамади Музаланбекнинг саёҳати», «Дўзахдан мактублар», «Менинг маралларим», «Дарахт сояси-да», «Хотин-қизлар байрами», «Подшоҳнинг муҳаббати» ва б. асарлар муаллифи. «Озарбайжон театри тарихидан» (1924) очерки ва «М.Ф.Охундовнинг ҳаёти ва ижоди» (1918) монографияси (1918) ҳам бор. «Бузилган хонумон», «Бахтсиз йигит» каби пьесалари Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон театрларида ҳам кўйилган. Ҳ. ижоди ўзбек драматургиясининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

ҲАҚБЕРДИЕВ Худойберди (1949.1.6, Самарқанд) — кулол, Ўзбекистон БА акад. (1997). Уста Умарқул *Жўрақуловга* шогирд тушиб ҳунар ўрганган. 1968 й.дан мустақил уста: Бадий фонд устахонасида; 1978 й.дан «Усто» бирлашмасида. Ҳ. ижоди маданий, тарихий анъаналар билан узвий боғлиқ, асарларида ўзига хос мавзули мужассамотларида нафис шакл ечимига эришган: «Аждарҳо» (1972), «Босим» (1990), «Сўғдиёна» (1991—92), «Ур-гут—Самарқанд» (1991—92), «Сара-тон» (1996), «Самарқанд» (2002), «Буюк ипак йўли» (2004) ва б.

Ҳ. 1967 й.дан асарлари билан республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади. Жумладан, 2002 й.дан Голландия шаҳарларида йилига 2 марта уюштирилаётган кулоллар ассоциацияси кўргазмаси қатнашчиси. Асарлари республика ва хорижий давлатлар музейлари ва тўпламларда сақланади.

ҲАҚИРИЙ — қ. *Боситхон Зоҳидхон ўғли*.

ҲАҚИҚ, ақиқ — заргарлик буюми, аёллар тақинчоғи. Йирик ҳажмдаги Ҳ. ва б. қимматбаҳо тошларга Бухородаги хинд, эронлик усталар хуснихат б-н араб ёзувида матнлар (муҳр, Қуръон оятлари)ни ўйиб битганлар. Йирик ҳажмдаги тошлар сайқалланган, турли мужассамотлар (асосий майдон — турунж, хошия ва б.) ҳосил қилиб ўймақори безатилган ҳамда металл (кумуш ва б.) гардишларга ўрнатилган; гардиш атрофи кунгурадор бўлиб, юқорисига илгак ишланган, қуйи қисми баргак, маржонли шокилалар билан безатилган. Баъзан тайёр безатилган Ҳ.лар келтирилиб, Бухорода гардишга ўрнатилган. Ҳ. асосан кўкрак, курак ва б. жойларга осилиб, одатда *тумор ва зифа* сини бажарган.

ҲАҚИҚАТ — воқеликнинг киши онгида тўғри акс этиши, билимларимизнинг объектив реалликка мос келиши. Ҳ. инсоннинг борлиқни билишдаги асосий мақсадларидан бири. У асосан инсон билимлари билан борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабат масаласини ўз ичига олади. Антик давр мутафаккирлари (Эпикур, Демокрит, Лукреций) Ҳ.ни билимларимизнинг нарса ва ҳодисалар моҳиятини ифодалашга мос келиши сифатида тушунганлар. Бундай тушуниш янги давр файласуфларига (Ф.Бэкон, Б.Спиноза, К.Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, М.В.Ломоносов, Л.Фейербах) ҳам хосдир.

Ҳ.нинг объектив, мутлақ, нисбий шакллари бор. Амалиёт тасдиқлаган ҳар қандай билим объектив Ҳ.дир. Бунда оламдаги нарса ва ҳодисалар моҳияти инсон онгига боғлиқ эмас (Ҳ. мазмунан объектив, лекин шаклан инсон тафаккури фаолиятининг натижаси сифатида субъективдир). Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тўлиқ, аниқ, мукамал билимлар мутлақ Ҳ.дир. Нисбий

Ҳ. объектив Ҳ.нинг баъзи томонини, бўлагини, қисмини акс эттирувчи билимдир, у объектни тўла, мукамал акс эттира олмайди. Билиш нисбий Ҳ.лардан мутлақ Ҳ.лар томон ривожланиб боради. Ҳар қандай мутлақ Ҳ. нисбий Ҳ.ларнинг чексиз ривожланиб боришидан вужудга келади, ҳар бир нисбий Ҳ.да эса мутлақ Ҳ.нинг зарраси мавжуд бўлади. Илмфан тараққиётида ҳар бир янги босқич нисбий Ҳ.лар сифатида мутлақ Ҳ.нинг мазмунига янги-янги зарралар қўшиб боради. Борлик бепоён ва чексиз бўлгани каби, инсоннинг уни билиши ҳам чексиз давом этади. Ҳ. ҳамиша кон-кретдир, мавҳум Ҳ. йўқ. Ҳар бир билимнинг ҳақиқатлиги маълум жойга, вақт ва вазиятга, киши били-шининг имкониятига ва даражасига боғлиқ.

Билиш жараёнида нисбий ва мутлақ Ҳ.лар нисбатини тўғри тушунмаслик, Ҳ.нинг конкретлигини ҳисобга олмаслик билиш назариясида 2 та янглиш қараш — *догматизм* ва *релятивизмга* олиб келади.

Ҳ. тушунчаси фақат гносеологик масала эмас, балки аксиологик жиҳатга эга. У «адолат», «яхшилик», «гўзаллик» тушунчалари каби умуминсоний қадрият ҳисобланади.

Абдулла Аюпов.

ҲАҚИҚИЙ СОНЛАР - ҳар қандай мусбат, манфий сон ёки ноль. Ҳ. с. тўплами *рационал сонлар* ва *иррационал сонлар* тўпламининг бирлашмасидан иборат. Ҳ.с. тўплами сон ўқи деб ҳам аталади ва *Я билан* белгиланади. *К* чизиқли тартибланган тўплам ва, кўпайтириш, қўшиш амалларига нисбатан майдон ташкил қилади. рационал сонлар *К* нинг ҳамма ерида зич жойлашган. Ҳ.с. тўплами билан тўғри чизиқ нуқталари ўртасида, тартибланганликни сақлаган ҳолда, ўзаро бир қийматли мослик ўрнатиш мумкин. Ҳ.с. тўпламининг муҳим хусусиятларидан бири унинг узлуксизлигидир. Узлуксизлик принципи турли шаклларда баён қилиниши мумкин. Ҳ.с. назарияси мат.нинг муҳим ма-

салаларидан бири бўлиб, бу назария 19-а. нинг 2-ярмида Вейерштрасс, *Р.Дедекинд*, Г.Кантор томонидан яратилган. Барча физик катталикларни ўлчаш натижалари Ҳ.с. билан ифодаланади.

ҲАҚИҚИЙ ТАСВИР - к. *Оптик тасвир*.

ҲАҚНАЗАРОВА Ханифа (1944.11.6, Шаҳрисабз тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қарши пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Шаҳрисабз туманидаги 32-мактабда она тили ва адабиёт, 1970—94 й.ларда бошланғич синф ўқитувчиси.

ҲАҚНАЗАРХОН, Ҳақназар Султон (?—1580) — қозоқлар хони (1538 й.дан). Отаси *Қосимхон* каби ҳокимиятини мустаҳкамлаш, хонлик ҳудудини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Нўғай ўрдасидаги ўзаро ички низолардан фойдаланиб ўрдага тобе қозоқ уруғларининг бир қисмини ўзига бўйсундирган. *Мўъулстон* хонлари билан узоқ муддат кураш олиб борган. 50-й.ларнинг охирида Ҳ. Сирдарё бўйидаги савдохунармандчилик марказла-, ри ва Тошкентни босиб олиш учун шайбонийлардан Бобо султон ва *Аб-дуллахон II билан* курашган. 1573 й. рус ҳукумати Ҳ. билан ўзаро алоқа боғлашга уринган. Ривоятларга кўра, қозоқларнинг 3 та жузга ажралиши Ҳ. номи билан боғлиқ бўлган.

Ад.: Материалм по истории казахских ханств XV-XVIII веков, Алма-Ата, 1969.

ҲАҚОРАТ (жиноят ҳуқуқида) — шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш. Беодоб муомалада бўлиш турли хилдаги хатти-ҳаракатларда, чунончи ҳақоратли сўз ва ибораларни айтиш, бино, деворлар ва фотосуратларга ҳақоратловчи ёзувлар ёзиш, беодоб қилиқлар қилиш, юзига тарсаки уруш, тупуриш ва х.к.да намоён бўлади.

Ҳ. қилиш Ўзбекистон Республи-

касининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарлик сирасига киритилган. Ушбу кодекснинг 41-моддасига кўра, Ҳ. қилиш энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 40 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта Ҳ. қилган шахслар, агар уларнинг қилмишлари жиноий жазолашга тегишли бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ҳ. қилиш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда, ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали Ҳ. қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 1 йилдан 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ҳ. қилиш жабрланувчи ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда; хавфли рецидивист томонидан ёки тухмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси ЖК, 140-модда).

Ҳ. қилиш ҳар доим муайян бир шахсга қаратилган бўлади. Муайян бир шахсга қаратилмасдан айtilган уятсиз-беодоб сўзлар ва ш.к. хатти-ҳаракатлар *безорилик* деб баҳоланиши мумкин.

ҲАҚҚУЛОБОД - Наманган вилояти *Норин туманидаги* шаҳар (1974 й.дан), туман маркази. Вилоятнинг шарқида. Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Наманган ш.) гача 40 км. Аҳолиси 27,5 минг кишидан зиёд (2005). «Но-ринтола» пахта тозалаш 3-ди, нон маҳсулотлари

и.ч. корхоналари, йигирув-тўқув, тикувчилик ф-калари, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кичик, ўрта бизнес корхоналари, мик-рофирмалар, савдо, маданий ва маи-ший хизмат кўрса-тиш шохобчалари бор. Тўқимачиликка ихтисослашган Ўзбекистон—Литва «Клайна-Текстил», «Ҳаққулбод-ПИК» қўшма корхоналари ишлаб турибди. Миллий хунармандчиликнинг қосибчилик, зардўзлик ва б. соҳалари ривожланган.

6 умумий таълим мактаби, аниқ фанлар ва инглиз тилига ихтисослашган интернат мактаби, 2 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 4 шохобчаси, болалар кутубхонаси, клуб муассасалари, «Шодлик» стадиони мавжуд. Туман марказий касалхонаси, болалар касалхонаси, катталар ва болалар поликлиникалари, ўсмирлар стоматология поликлиникаси, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Шаҳар ҳудудидан Андижон — Тошкент т.й. ўтади. Ҳ.дан Наманган, Андижон, Марғилон, Учкўрғон ва вилоятнинг б. йирик шаҳарларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҲАҚҚУШ — қарқаралар оиласига мансуб қуш. Жан. Европа, Осиё, Африка, Шим. Ва Жан. Америкада тарқалган. Ўзбекистоннинг Амударё ва Сирдарё воҳаларида учрайди. Танасининг уз. 60 см га яқин. Каноти 26—30 см; қора-оқиш ёки қулранг, металлдек ялтирайди. Етук Ҳ.нинг бошида 3—4 та узун, ингичка патдан иборат қоқили бор. Дарё, кўл ва б. сув ҳавзаларининг қирғоғида яшайди. Асосан, тунда фаол; колония бўлиб, дарахтларга уя қуради. 4—5 та тухумни нари ва модаси навбатлашиб 21—22 кун босади. Балиқ, бақа, майда умуртқасиз ҳайвонлар б-н озикланади.

ҲЕЗЛИК, ҳезалаклик — эркакларнинг эндокрин касаллиги (қ. *Евнуходизм*).

ХЕРИРУД — *Тажан* дарёсининг Афғонистон ва Эрон худудидан оқувчи қисми.

ҲЕЧ НАРСА, ҳеч нима — ҳар қандай сифатнинг, муайян объектнинг ва умуман бор бўлган нарсаларнинг йўқлигини, мавжуд эмаслигини ифодаловчи фалсафий тушунча. У мавжудлик, борлик, нимадир деган тушунчаларнинг қарама-қаршиси. У — йўқликдир. Йўқлик — Ҳ.н.дир. Борлик тушунчаси ниманингдир мавжудлигини ифодаласа, йўқлик тушунчаси эса ўша жойда ниманингдир мавжуд эмаслигини аниқлаб, ниманинг акси бўлган Ҳ.н.ни ифодалайди. Йўқликдеб ўтмишдаги ва келажакдаги ҳодисаларнинг ҳоз. замонда (айнан шу вақт-да) йўқ эканлигига қўллаш мумкин. Бугунги ҳодиса кеча йўқ эди, аммо потенциал (имкониятдаги) борлик сифатида мавжуд эди. Эртанги ҳодиса ҳам ҳозирча йўқлик, аммо потенциал борликдир. Биз ўтмишни бугунги кунда қолдирган изига қараб, келажакни эса бугунги ҳодисалардаги ўзгариш суръатига ва тенденцияларига қараб фарз қиламиз. Бугунги воқелик эртага эса йўқликка айланади, бугун тирик бўлган кўпгина жониворлар эртага ўлик бўлади. Мутлақ йўқликнинг ўзи йўқдир. Ҳ.н. ни гносеологик маънода ҳам тушуниш мумкин. Биз йўқ деб ҳисоблаган объектлар ҳозирча бизнинг фикр доирамиздан (билиш чегарасидан) четда қолган бўлиши ҳам мумкин. Ўтган асрларда электромагнит май-донининг, кўпгина элементар зар-раларнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлар йўқ эди. Аниқроғи, биз уларнинг мавжудлигини билмас эдик. Улар биз учун «йўқлик» ҳисобланар эди.

Ҳ.н. тушунчаси ҳақида қадимдан мутафаккирлар фикр юритиб келишади. Демокрит ҳаракат ва ўзгаришлар бўлиши учун борлик (атомлар) ва бўшлиқ (Ҳ.н.) бўлиши лозим, деб таъкидлаган. Софист Горгий Ҳ.н. бор-лиқнинг тескари томонидир дейди. Платон ва Аристотель фикрича, Ҳ.н. ўз-ўзича имконият, пас-

сив боғлиқлик бўлиб, бу сифатлар ҳар бир конкрет нарсада мужассамлашган бўлади. Пто-тин фалсафасида Ҳ.н., яъни йўқлик ёмонлик билан айнанлаштирилади. Шарқ фалсафасида, калом таълимотида, Форобий ва Ибн Сино асарларида Ҳ.н. азалий борлиқдан ташқаридаги ирода сифатида талқин этилади ва у ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интихосидир деб таъкидланади. *Ҳаёнг фалсафасица* ҳамма балолар йўқликдан келиб чиқади, дейилади.

Гегель «Мантӣқ фани» асарида Ҳ.н. соф борлиқнинг қарама-қаршиси, категориялар ҳаракатининг дастлабки босқичидир деб ҳисоблаган. 19-а. охири — 20-а. бошларига келиб анъанавий метафизика таълимотининг сусай-иши туфайли Шопенгауэр, Ницше, Бергсон томонидан Ҳ.н. маъносиз тушунча сифатида фалсафий истъомдан чиқариб ташланди. Аммо, замонавий космологик концепцияда ҳамма нарса ўша Ҳ.н.дан вужудга келган дейилади. Шундай экан, Ҳ.н. аслида ҳамма нарсанинг ибтидоси ва инти-ҳоси, асоси ва давомчиси, сабабчиси ва оқибати, ярагувчиси ва йўқотувчиси.

Ад.: Ал ь-Фараби, *Философские трактаты*, Алма-Ата, 1970; Тураев Б.О., *Содержание пространства и времени в прошлом и настоящем*, в кн. *Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация*, Т., 2000; Подольный Р., *Ҳеч ни-манинг ўзи нима?*, Т., 1987; Тураев Б.О., Каримов Б.Р., *Ҳозирги замон фанларида имконият муаммолари*, Т., 1993.

ХИД БИЛИШ — одам ва ҳайвонлар бурун бўшлиғининг юқори қисмида жойлашган махсус сезги аъзолари (хид билиш рецепторлари) орқали хидларни сезиш. Ҳайвонларда Ҳ.б. овқат кидириш, йўл топиш, аниқ жойни белгилаш, қарама-қарши жинсни излаш, шунингдек, билиш воситаларидан бири ҳисобланади ва х.к. Одамларда Ҳ.б.нинг аҳамияти ҳайвонлардагига қараганда камроқ,

бирок Ҳ.б.нинг йўқолиши одам учун азоб хисобланади (каттик *тумов* бўлганда овқатнинг қанчалик бемаза туйилиши-ни эслаб кўрайлик). Ҳид билмайдиган одамлар кўпинча овқатдан заҳарланиши мумкин, чунки бирор овқатнинг сифатлигини хиддан била олмайдди. Ҳар бир одамда кўпгина ҳиссиётлар хидни сезишга боғлиқ бўлади. Ёмон хид кайфиятни бузиши, яхшиси кўтариши мумкин.

Ҳидларни буруннинг шиллиқ пардасида жойлашган махсус рецепторлар сезади (к. *Бурун*), у ерда бор-йўғи 5—10 см² жойда тахм. 50 млн алоҳида хид сезувчи рецепторлар бўлади. Бунда ҳар бир рецептор юзаси ниҳоятда майда ўсимталар ҳисобига кўп марта ортади.

Шиллиқ парда юзасида жойлашган Ҳ.б. рецепторлари шу хужайралар ажратадиган шиллиқ модда билан доимо намланиб туради. Ҳидли моддалар ҳаво билан бурун бўшлиғига тушади, шиллиқда эрийди ва рецепторларни таъсирлайди, у ердан хид ҳақидаги ах-борот *хид билиш нерви* орқали бош мияга ўтказилади, бош мияда эса бизнинг хид ҳақидаги (унинг ўткирлиги, сифати ва б.) таассуротимиз шаклланади. Ҳ.б. анализаторлари хил-ма-хил хидли моддалар турларини фарқлай олади. Изқувар ит, мас, хидга қараб кўпчилик одамлар ичидан маълум биттасини топа олади, яъни ҳар бир одам, ҳар бир ҳайвон фақат ўзига хос хидга эга. Ҳ.б. хусусан баҳорда ва ёзда, айникса иссиқ нам ҳавода, шунингдек, ёруғликда коронғидагига қараганда ўткир бўлади. Рецепторларнинг хидли моддалар билан узок вақт таъсирланиб туриши шу хидга ўрганиб қолишга олиб келади, кейин одам бу хидни сезмайдиган бўлиб қолади. Бир хидга бошқаси таъсир қилгандан кейин хидлар аралашиб, ўзгача хидга айланиши натижасида одам хидга ортиқча сезгир бўлиб қолиши мумкин.

Ёш ўтиши билан Ҳ.б. ҳам сусаяди. Ҳ.б. нинг бузилиши — хид билмаслик (*аносмия*), турли хидларга сезувчанликнинг ортиши (*гиперосмия*), бурун шиллиқ

пардалари касалликлари (тумов), бош мия айрим бўлақларининг ўсмаси ва шикастланиши баъзи бир психик касалликларда уч-райди (бундай ҳолларда Ҳ.б.га одатда хидларни сезиш галлюцинацияси кўшилади). Баъзи ҳомиладор аёлларда ҳам хид билмаслик ҳолати кузатилади.

Ҳ.б. пасайганда ёки йўқолганда дарҳол врачга мурожаат қилиш ва саба-бини аниқлаш зарур.

ҲИД БИЛИШ АЪЗОЛАРИ - одам ва ҳайвонларнинг хид сезиш аъзолари. Одамда бурун бўшлиғининг юқори — орқа қисмида жойлашган. Талайгина сут эмизувчилар бурнидаги хид билиш қисми бурун бўшлиғи суяк деворининг қўшимча чиганоғи ҳисобига кенгайган. Судралиб юрувчилар, баъзан сут эмизувчилар бурун тўси-ғида Ҳ.б.адан бошқа яқобсон аъзоси ҳам бор. Баллиқларда Ҳ.б.а. жуфт бурун ўйиғи ёки копчикларидан иборат бўлиб, бошида — оғиз тешиги ёнида жойлашган. Ҳашаротлар хидни антенналаридаги сенсиллалар билан сезади. Ҳ.б.а.нинг специфик функциясини улардаги урчуксимон хужайра — рецепторлар таъминлайди. Ҳар бир хужайрада 2 ўсимта бор: ўсимтанинг узун ва ингичка маркази *хид билиш нерви* таркибига киради; иккинчи ўсимта — периферик қисмдир |пери-ферик қисм умуртқали ҳайвонларда хид билув эпителийси юзасида тўғно-ғичсимон йўғонлашиб тугайди; буларда бир тутам ингичка (0,25—0,3 мкм) туклар (узунлиги бир неча ўн мкм) бўлади|. Қурукликда, сувда яшовчи умуртқалилар ва ҳашаротларнинг хид билув туклари без хужайралари ажратган шилимшиқ модда билан қопланган. Ҳидли моддалар молекуласи дастлаб сув ёки ҳаводан шу модда — оралик муҳитга тушади. Шу тукларда хужай-ранинг хидли моддалар молекуласи билан бирламчи ўзаро таъсири амалга ошади.

ҲИД БИЛИШ НЕРВИ [пегуш о1Ғас-1огш8] — бош мия нервларининг 1-жуфти. Ҳидлов рецептор хужайраларининг

ўсимталари (аксонлар)дан ҳосил бўлади (қ. *Ҳид билиш аъзолари*). Бу ўсимталар ўта нозик нерв толаларига киради. Сут эмизувчиларда (бошқа умуртқалилардан фарқли) Ҳ.б.н. яхлит бир тутам бўлмай бир нечта ҳидлов ипчаларини ҳосил қилади. Бу толалар ғалвирсимон суяк қўндаланг (илма-тешик) пластинкасининг тешикларидан ўтиб, бурун бўшлиғига киради ва шиллиқ каватга тарқалади. Ҳ.б.н.нинг хид қабул қилувчи рецеп-торлари буруннинг шиллиқ каватида жойлашган.

«ҲИДОЯ» (араб. — йўлланма; тўла номи «Ҳидоя фи фуруъ ал-фикх» — «Фикҳ соҳалари бўйича йўлланма») — *ҳанафийлик*я кенг тарқалган шариат қўлланмаси (кодекси). Уни *Бурҳониддин Марғинович* 13 й. давомида ёзган. Қўлланмани яратишда Куръон оятларига, дастлабки 4 халифа, саҳобалар ва тобеъинларнинг ривоятлари, ҳадислар, суннийликдаги 4 мазаҳб асосчиларининг асарларига таянган. «Ҳ.» 4 жилд, 57 китоб, 165 боб, 152 фаслдан таркиб топган. «Ҳ.»нинг 1-жилди 5 китобдан иборат бўлиб таҳо-рат ва амалий ибодатлар (нлмоз, рўза, закот ва ҳаж)га бағишланган. 2-жилдга никоҳ, талок, қулни озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниқлаш, бедарак йўқолганлар, ше-рикчилик, вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. 3-жилдда олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, ваколат, даъво, сулҳ, қарз бериш, совға, ижара, волийлик (патронат), ҳомийлик каби масалалар ўрин олган. 4-жилдда меросни тақсимлаш, васият, шартно-ма, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш каби масалалар ёритилган. Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳ.» асари ёзилиш услуги бўйича ажралиб туради. Унда ҳуқуқий муаммоларнинг ечими даст-аввал машхур факихларнинг фикр-хулосаларини баён қилиш ва унга бошқа фикҳ олимларининг эътирозлари ва қўшилишларини изҳор қилиш йўли

билан берилган. Худди шундай умумэътироф этган обрўли факихлар нуқтаи назаридан келиб чиқ-қан ҳолда муайян ҳуқуқий муаммонинг энг маъқул ечимини танлаб олиш мумкин бўлган. Шу йўл билан «Ҳ.»да шариат қоидаларининг айнан ўзигина эмас, балки уларнинг мукамал асос ва далиллари ҳам асл равишда берилган. «Ҳ.» бир неча аср давомида кўп мусулмон мамлакатларида ҳуқуқшунослик бўйича асосий манба ҳисобланган. «Ҳ.» судлов бўйича қўлланма сифатида Ўзбекистонда 20-а.нинг 20-й.ларигача — қозилар суди бекор қилиниб, шўролар суд тизими жорий қилингунча амалда бўлди. У баъзи мусулмон мамлакатлари олий ўқув юртларида ўқитилади. «Ҳ.» бир неча тилга таржима қилинган. «Ҳ.»нинг 1-жилди ўзбек тилида Тошкентда 2001 й.да чоп этилди.

ҲИДОЯТ (араб. — тўғри йўл) — ҳақиқий эътикод йўлидан юриш. Ҳ.нинг қарама-қаршиси залолат (тўғри йўлдан озиш)дир. Ҳ. Аллоҳ ўз бандалари учун кўрсатган энг тўғри йўл ҳисобланади. Куръоннинг Ҳ. тўғрисидаги оятларида таъкидлани-шича, Аллоҳ таоло Ҳ. йўлига ҳам-мани ҳам бошламайди, балки ўзи хоҳлаган, танлаган кишиларнигина бу неъматга мушарраф этади. Аллоҳ Муҳаммад (сав) га хитоб қилиб: «Сен хоҳлаган кишингни Ҳ.га эриштира олмайсан, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаганига Ҳ. ато қилур» — деган мазмунда оят нозил қилган. Ҳ. ҳақида бир неча ҳадис ҳам ривоят қилинган.

«ҲИДОЯТ» — ойлик диний-ижтимоий, илмий-адабий жур. Муассиси — Ўзбекистон мусулмонлари идораси. 1999 й. авг.да ташкил этилган. Аввал «Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари» (1946—1968), «Совет Шарқи мусулмонлари» (1968—91), «Мовароуннаҳр мусулмонлари» (1991—95), «Ўзбекистон мусулмонлари» (1995—99) номларида нашр этилган. Жур.да Куръон оятларининг тафсиллари, ҳадиси шариф

шарҳлари, ибодат ва кундалик турмушга оид турли масалалар, илм эгаллаш, оила ва фарзандлар тарбияси, масжид ва мадрасалар ҳаёти, маънавий мерос ва тарихий қадриятларни ўрганишга оид мавзулар, дунё мусулмонлари ҳаётидаги янгиликлар, хабарлар ёритилади. «Ақида», «Фикҳ», «Амри маъруф», «Наҳйи мункар», «Тафсир», «Ҳадис илми», «Олисларга саёҳат», «Имомларимиз», «Илм масканларида», «Гиббиёт бурчаги» каби рукнлари бор. Жур. 2001 й.дан «Ҳидоят кутубхона-си» силсиласида китоблар ҳам нашр этмоқда.

ХИДОЯТОВ Аброр (1900.31.12 - Тошкент — 1958.3.10) — Ўзбекистон халқ артисти (1937). Дастлаб эски мактабда ўқиган. 1919 й.дан Маннон *Уйғур бошчилик* қилган «Турон» труппасида ишлаган. 1920—24 й.лар Неъмат (Ғ.Зафарий, «Ҳалима»), драма студиясида ўқийди. Студияда яратилган Гарпагон (Ж.Мольер, «Хасис»), Боб (Билль-Бе-лоцерковский, «Акс садо»), Насриддин (Чўлпон, «Яна уйланаман»), шаҳар ҳокими (Н.Гоголь, «Ревизор»), Калаф (К.Гоцци, «Маликаи Туран-дот») Ҳ. камолотида муҳим роль ўйнади. 1927—35 й.ларда миллий ва таржима асарларда бир туркум образлар яратди: Саримсоқ (К.Яшин, «Ёндираимиз»), Рустам (У.Исмоилов, «Рустам»), Шопур (Хуршид, «Фар-ход ва Ширин»), Фрондосо (Лопе де Вега, «Кўзибулоқ кишлоғи») ва б. Ижобий қаҳрамонлар образларини яратар экан, асосан қаҳрамонона романтик воситаларни ишга солди. Салбий ролларда ҳам эътиборли ижодий ютуқларга эришди: Кукумбой (Д.Фурманов, С.Поливанов, «Исён»), Орипов (З.Саид, Н.Сафаров, «Тарих тилга кирди») ва б. Ҳ.нинг актёрлик маҳорати Ҳамлет (У.Шекспир, «Ҳамлет», 1935), Ғофур (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», 1939) ва Отелло (У.Шекспир, «Отелло», 1945) образларида ёрқин намён бўлди.

Ҳ.нинг ўзбек тарихий драмаларида яратган Муқанна (Х.Олимжон, «Му-

қанна»), Темур Малик (М. Шайхзода, «Жалолiddин»), Навоий (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий») образлари ҳам етукдир.

Ҳ. номи Ўзбек давлат драма театрига (1991) ҳамда Тошкент кўчаларидан бирига (1986) берилган. Ҳ. ҳаёти ва ижодига бағишланган хужжатли фильм ишланган (реж. Бобо Хўжаев, 1967). Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2000).

Ад.Дейч А., Абрар Хидоят, М.-Л., 1948; Авдеева Л., Абрар Хидоят, Т., 1960; Қод и ров М., Сақнамиз лочинлари, Т., 1986; Раҳмонов М., Ҳамза Ўзбек Даалат академик драма театри тарихи, Т., 2001.

Муҳсин Қодиров.

ХИДОЯТОВА Замира (1909.5.1 - Тошкент — 1998.28.2) — Ўзбекистон халқ артисти (1944). Москва ўзбек драма студиясида ўқиган (1924—27). 1927 й.дан ишчи-сайёр турппаси, 1932 й.дан Ҳамза номидаги театрда ишлаган. Об-разлари серкирралиги, ёрқинлиги, туйғулар ва ички кечинмаларнинг кучли талқини, ҳаққонийлиги ва халқ-чиллиги билан ажралиб туради. Ёркиной (Чўлпон, «Ёркиной»), Ортиқова (З.Фатхуллин, «Никоб йиртилди»), Мильфордхоним (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Меланья (М.Горький, «Егор Буличёв ва бошқалар»), Каба-ниҳа (А.Островский, «Момақалдирак»), Гулсум (Ойбек, «Қутлуғ кон»), Ҳамробиби (А.Қаҳҳор, «Шоҳи сўза-на»), Ҳожи она (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Хадича (Уйғун, «Навбахор»), Ҳосият (К.Яшин, А.Умарий, «Ҳамза»), Рисолат (И.Султон, «Имон») каби турфа роллари билан ўзбек театри санъати ривожига муносиб хисса қўшди. Шунингдек, Ҳ. телевизион спектакллар («Ғалати одамлар»да Зеби хола, «Тарихдан бир мезон»да А. Қодирийнинг онаси, «Ёдгор»да она ва б.) ҳамда кинода («Асал», «Шоҳи сўзана», «Ўн уч терак кўчаси», «Кониёт ғорининг сири», «Бой ила хизматчи»), «Пахта шумғиялари» ва

б.) ҳам образлар яратган. Радиопостановкалар, дубляжнинг энг фаол иштирокчиларидан бўлган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1979). «Шухрат» медали билан мукофотланган (1994).

ХИЁЛ — томатдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик тури. Фарғона водийси, Олой тизма тоғининг шим. ён бағирлари, Сўх ва Шоҳимардон дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Бўйи 50 см, илдизи 200 см гача чуқурликда жойлашган. Барглари кенг, тухумсимон, уз. 6—10 см, эни 4—7 см. Гуллари тўпгулларга йиғилган. Меваси кўсакча. Апр.май ойларида гуллаб, июнда уруғлайди. 2200—2500 м баландликдаги арчазорларда, қоялар тагидаги сернам жойларда, баъзан очик ялангликларда ўсади. Захарли. Таркибида гиосциамин, скополамин, белладонин ва тиббиётда қўлланиладиган алколоидлар бор.

ХИЖО (араб. — бўғин) — шеърий нутқнинг ритмик бирлиги, яъни сўзнинг бир нафас зарби билан айтиладиган қисми. Ҳ. кўпинча, тилшуносликдаги бўғин тушунчасига тўғри келади, баъзан бўғиндан фаркли ўлароқ ундош товушнинг ўзидан ҳам тузилиши мумкин. Мас,

Васл боғи / ичра сендек / шоҳи золим/
кўрмадим,

Ишқ куйи/да ўзимдек/ нотавоне топмадим. (*Алишер Навоий*)

байтидаги васл, ишқ сўзларидаги л ва к. ундошлари мустақил Ҳ.ни ташкил этади. Ҳ. талаффузига кетган вақт ва тузилишига кўра иккига бўлинади; чўзик (—) ва қисқа (V) Ҳ. Чўзик Ҳ. унли билан тугаса, қисқасига нисбатан чўзикроқ талаффуз қилинади ёки ундош билан тугайди (чунончи, юқоридаги: Вас-л боғи каби).

Ҳ.лар рукнларни ташкил этади (юқоридаги байтда 8 та рукн бор). Аруз вазнидаги шеърлар учун қисқа ва чўзик Ҳ.ларнинг муайян бир тартиб — нисбатда келиши ва бундан ҳосил бўладиган рукнлар асос бўлса, бармоқ вазнидаги

шеърлар ритмида бўғинларнинг сони ва туроклар асос бўлади (яна қ. *Бармоқ тизими, Шеър тузилиши, Шеършунослик*).

ХИЖОЗ — Саудия Арабистонининг Шим.-Ғарбида жойлашган тарихий вилоят. Ҳ.нинг асосий шаҳри — Макка жоҳилият даврида ҳам Арабистоннинг савдо ва маданий маркази бўлган. 7-а.нинг бошларида Ҳ.да Муҳаммад (сав) янги дин — исломни тарғиб этиб, мусулмон жамоасига асос солди. Халифаликнинг пойтахти Мадина, Макка ш. қаторида Ҳ. мусулмонларнинг муқад-дас зиёратгоҳ жойига айланган. Хали-фалик пойтахтни Сурияга, сўнгра Ироққа кўчирса ҳам, Ҳ. муқаддас шаҳарлар туфайли ўзининг мумтоз диний аҳамиятини сақлаб қолган. Халифалик парчалангач, Ҳ. турли мусулмон давлатлари (Фотимийлар, Айюбийлар, Мамлуқлар) таркибига кирган. 1517 й. Мисрни турклар босиб олгандан кейин Ҳ. муқаддас шаҳарлари билан бирга Усмонийлар империясига кўшиб олинган. 1811 — 18 й.да Муҳаммад Али пошо бошчилигидаги Миср кўшинлари Ҳ.ни эгаллаб олган.

1840 й.дан уни турк губернатори бошқарган. 1916 й.да Ҳ.да турк ҳукмронлигига қарши (Макка шарифи Ҳусайн ибн Али бошчилигида) кўзғолон бошланган. 1912—25 й.ларда Ҳ. номигагина мустақил киролик бўлган. 1925 й.да Нажд ҳокими Ибн Сауд Ҳ.ни эгаллаб олган. 1932 й.дан Ҳ. Саудия Арабистонининг кирол ноиблари бошқарадиган вилоятлардан бирига айланган.

ХИЖРА, ҳижрат (араб. — кўчиб ўтиш) — *Муҳаммад* (сав) ва тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши. Ўз диний тарғиботини Маккада бошлаган Муҳаммад (сав) кураш мушрикларининг унга нисбатан душманлиги кучайиши, вазиятнинг оғирла-шиши натижасида 622 й. сафдошлари билан Мадинага кўчишга мажбур бўлди. Кўчиш бир неча ой давом этган, 638 й.да халифа *Умар* буйруғи билан мусулмонлар

ўртасида Ҳ. билан боғлиқ тақ-вим амалга киритилган, яъни 622 й. мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинган (қ. *Ҳижрий йил ҳисоби*).

ҲИЖРИЙ АШРАФХОН (1634, пешовар вилояти Ақурай қишлоғи — 1697, Ҳиндистон) — афғон-пушту мумтоз адабиётининг таниқли вакиллари-дан. *Хушҳолхон Хаттакнинг* ўғли. 12 ёшидаёқ отаси ва амакилари билан ўзроқ қабилавий урушларда иштирок этган. Тасаввуф шеърлатини яхши билган. 1664 й. отаси Хушҳолхон Хат-так ҳибсга олинган, қабиласининг мустақиллиги учун жангларга бошчилик қилган. Аммо Ҳ.А. 1683 й. Пешо-варда соткин укаси Байрамхоннинг кўрсатмаси билан ҳисбга олинган ва умрининг охиригача асирликда яшаган.

Ҳ.А. «Ҳижрий», «Рухий», «Ақрам» тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Асарларини камокда яратган. Ҳ.А. шеърлари «Девони Ҳижрий»да тўпланган бўлиб, бу девон Пешоварда бир неча бор чоп этилган. Девон 2 дафтардан иборат: 1 -дафтарга шоирнинг пушту тилидаги қасида, ғазал, рубоий, китъа ва мухаммаслари жамланган. 2-лафтардан эса шоирнинг форс-дарий тилида ижод қилган шеърлари жой олган. Шоир шеърларида Хушҳолхон Хаттакнинг бевосита таъсири сезилади. Ҳ.А.нинг ғазаллари ва б. турдаги шеърларида суфиёна ишқ, мажозий тимсоллар, ҳар хил рамзий истиоралар кўп рақ учрайди. Лирикасида анъанавий ишқи ило-ҳийнинг йўналишлари, кўринишлари устун. Ҳ.А.нинг тасаввурда илоҳий ишқдан бўлак ҳақиқий ишқ йўқ. Дунёвий ишқ мавзудидаги шеърлари ҳам бор.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ - мусулмонлар йил ҳисоби. *Муҳаммад* (сав) нинг Маккадан Мадинага кўчиши (қ. *Ҳижра*) билан боғлиқ. Қамария (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсия (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади.

Қамария бўйича йил ҳисоби 622

й.нинг 16 июли жума кунидан бошланиб, Ойнинг кетма-кет келган икки бир хил фазаси орасида ўтган вақт — синодик ой (29,530588 кун) даврига асосланган. 12 ойдан иборат бир қамарий йил 354,3671 кундан иборат. Қамарий йилда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11-ойлар 30 кундан, қолганлари 29 кундан бутун қилиб олинган. Ойлар тартиби билан муҳаррам, сафар, рабиул аввал, рабиул охир, жумодул аввал, жумо-дул охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввал, зулкаъда ва зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил *тропик йилдан* 10— 12 кун қисқа. Қамарий йилнинг баъзилари кабиса йил бўлишига сабаб йилнинг қаср қисми (0,3671 кун) ҳар 30 й.да 11,013 кунни ташкил этишидир. Унинг 19 йили оддий (354 кунлик), 11 йили кабиса (355 кунлик), 38-й.лик арабча циклнинг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26 ва 29-й.лари кабиса деб қабул қилинган. Қамария ҳисоби Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўп давлатлари ва б. баъзи давлатларда қўлланади.

Шамсия 622 й.нинг *бахорги тенг кунлик* куни — 21 мартдан бошлаб ҳисобланади; кейинги йил бошлари эса 20, 21 ёки 22 мартга тўғри келади. Давомийлиги *Григорий календаридат* каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсия бўйича ойларнинг номлари ҳут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жадди ва далв бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг маълум бир вақтларида келади.

Ўрта Осиёда янги услуб кенг оммавийлашгунга қадар қамария ҳисоби ҳам, шамсия ҳисоби ҳам ишлатилиб келинган; Шамсия ҳисоби бўйича йилнинг дастлабки кунларида *Наврўз бай-рами* ўтказилган.

Ҳ.й.х.нинг саналарини янги услуб (Григорий календари)га айлантиришда махсус формулалар ва жадваллар қўлланади. Мас, Григорий календарининг 1980 й. қамариянинг 1399/1400 й.ларига ва Шамсиянинг 1359/1360 й.ларига тўғри келади (яна қ. *Буржлар, Календарь*).

«ХИЗБУТ ТАХРИР» (тўлиқ номи «Хизб ат-тахрир ал-исломий» — «Ислом озодлик партияси») — сиёсийлашган диний ташкилот (оқим). Фаластинда Такиюддин Набхоний (1909—1979) асос солган. У «*Мусулмон биродарлар*» гуруҳининг Фаластин бўлинмасида фаолият юритиб, 1953 й. маслакдошлари билан мазкур бўлинма аъзоларини янги диний-сиёсий партия — «Х.т.»га бирлаштирган.

«Х.т.» таълимоти Такиюддин Набхоний ва унинг издоши Абдул Қадим Заллумнинг «Ислом низоми», «Ислом давлати», «Халифалик», «Исломий оламга қайноқ нидолар», «Хизбут тахрирнинг тушунчалари», «Демократия — куфр низоми» ва «Сиёсий онг» каби китобларида баён этилган. Уларда дунёвий давлат тамойиллари қораланган, демократия, конституция, сайлов каби сиёсий тартиб-қоидалар инкор қилинган ҳамда диний мутаассиблик ғояларини тарғиб қилиш, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ва халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш йўллари ифода этилган.

«Х.т.» мафкураси 3 босқичдан иборат амалиёт орқали сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олишни назарда тутди: 1. Марҳалатут-таскиф — тушунтириш ишлари. Сиёсий ва маънавий онги заиф шахсларни ўз томонига оғдириш орқали ташкилотнинг яширин бўлинмаларини тузиш. 2. Марҳалатут-тафо-ул — уммат билан бирлашиш. Тарғибот-ташвиқот йўли билан ўз тарафдорлари — «уммат»ни шакллантириш. 3. Марҳ-алатут-талабун — нусрат (ғалаба, ҳокимият) талаб қилиш. Мавжуд «уммат» кучи билан давлат тўнтаришини амалга ошириш ва сиёсий ҳокимиятни эгаллаш.

Ташкилот пирамида шаклидаги тузилишга эга. Унинг қуйи поғонасини 5 кишилиқ «халқа» (тўғарак)ларга бирлашган «дорис» (дарс олувчи)лар ташкил этади. Халқага «мушриф» (дарс берувчи) раҳбарлик қилиб, 4—5 мушрифдан иборат «маҳаллий жиҳоз» (таъминот бошқармаси) «накиб» (нойиб)

га, накиблар вилоят даражасида «мусоид» (ёрдамчи)га бўйсундилар. мусоидлар фаолияти минтақавий раҳбар — «муътамад» (ишончли) томонидан бошқарилади. Ташкилот раҳбари — «ал-Амирул-аъзам» (бош бошқарувчи) ташкилотнинг олий бўғини — «Қиёдат» (бошқарув раёсати) орқали муътамадларнинг фаолият йўналишини белгилаб туради. Бундай тузилиш ташкилот фаолиятини мумкин қадар яширин олиб бориш имконини беради.

«Х.т.» ўз раҳбарияти, қароргоҳи ва молия манбаларини қатъий сир тутди. Маълумотларга кўра, Набхонийнинг вафотидан сўнг, 1979—2003 й.ларда ташкилотга фаластинлик Абдул Қадим Заллум (1923—2003) раҳбарлик қилган. 2003 й.дан бошлаб эса «Х.т.» га Иордания фуқароси Ало Абу Рушта («Абу Ёсин») етакчилик қилади. У ўз мамлакатида экстремистик фаолияти учун бир неча марта қамоқ жазосини ўтаган.

Набхоний даставвал мақсад сифатида Фаластинда шариат асосидаги давлат қуришни эътироф этган. Кейинчалик эса у партиянинг асосий мақсади — мусулмон дунёсини бирлаштирувчи ягона халифалик давлатини қуриш, деб эълон қилди. «Х.т.» фаолияти 1950—60 й.ларда Яқин Шарқда, 1970—80 й.ларда Жан. Осиёда, 1990-й.ларда Марказий Осиёда ва МДХга аъзо бўлган баъзи мамлакатларга тарқалди. Ташкилот Ғарбий Европадаги бир неча мамлакатларда ҳам ўз бўлинмаларига эга. Маълумотларга кўра, ташкилотнинг Буюк Британияда жойлашган бўлинмаси мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажаради.

«Х.т.» ташкилоти сиёсий ғаразларини Қуръон ва ҳадисларни нотўғри талқин қилиш орқали оқлашга уринади. Шунинг учун ислом дунёсининг таниқли диний намояндалари, жумладан, Саудия Арабистонининг собиқ бош муфтийси, мархум шайх Бин Боз, Юсуф Қарзовий (Қатар) «Х.т.» ни «исломни бузувчи» ташкилот сифатида баҳолаганлар. Марказий Осиёнинг етук уламолари Абдулазиз Ман-

сур, Алоуддин Мансур, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва б. ўз чиқишларида «Х.т.» иддаоларини рад этганлар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг 1999 й. 16 июндаги «Дин ниқоби остидаги динбузарлик ҳақида»ги фатвосида «Х.т.» ва бошқа бузғунчи тоифалар фаолияти қаттиқ қораланган.

«Х.т.» раҳбарлари ўз чиқишларида гўёки фақат ғоявий кураш усулларидан фойдаланишларини эълон қиладилар. Бирок, ташкилот мафкурасини ифодаловчи хужжатлар, шунингдек, «Х.т.» аъзоларининг қатор мусулмон давлатларида амалга оширган террорчилик ҳаракатлари бунинг аксини кўрсатади.

1989 й. АҚШнинг Миссури штатида «Мусулмон талабаларнинг байналмиал алоқалари» номи остида ўтган анжуманда «Х.т.» вакили «мусулмон бўлмаган ҳукуматларга қуролли жиҳод эълон қилиш зарур», деган мазмунда маъруза қилган. Ушбу маъруза бир неча тилларда «Х.т.» аъзоларига тарқатилган. Ташкилотнинг «ал-Ваъй» («Онг») жур. да ҳам диний мутаассиблик ва экстремизм руҳидаги мақолалар мунтазам бериб борилади. Хусусан, жур.нинг 2001 й. июнь, 170-сонида халифалик қуриш йўлида барча воситаларни қўллаш, жумладан, қотиллик қилиш оқланган ҳамда бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлувчи террорчи-худкуш (камикадзе) лар «шаҳидлар» қаторига киритилган.

«Х.т.» аъзолари қатор мусулмон мамлакатларида қуролли хуружларни амалга оширганлар. Бундай амалиёт 1960—70 й.ларда Иорданияда, 1974 й. Мисрда, 1999 й. Ливанда кузатилган. 2000 й. Сурия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳукуматга қарши қуролли ғалаён кўтаришга ҳозирлик кўрган 800 нафар «Х.т.» аъзосини қўлга олган. 2002 й. Филиппинда қўлга олинган «Х.т.»га мансуб шахслардан кўп миқдорда портловчи моддалар ва ўқотар қуроллар топилган. 2003 й. апр. ойида Исроилнинг Тель-Авив ш.даги кафеларнинг бирида «Х.т.»нинг

Буюк Британиядаги бўлинмаси аъзоси Умар Шариф ва «ал-Муҳожир» экстремистик гуруҳи вакили Осиф Ҳаниф ўзларини портлатиб юборишлари натижасида кўплаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмган. «Х.т.» вакилларининг 2004 й. март-апр. ойларида Тошкент ва Бухорода, июль ойида Тошкентда амалга оширилган террорчилик хуружида иштирок этганлиги суд жараёнларида ўз тасдиғини топди.

«Х.т.» раҳбарияти ҳар сафар қуролли амалиёт муваффақиятсизликка учраган заҳоти гўёки ушбу ҳаракатлар ташкилотнинг «ажралиб» чиққан қисми томонидан амалга оширилди, деган даъво билан айбни бўйнидан соқит қилишга интилиб келган.

«Х.т.» бошқа террорчи гуруҳлар учун жангарилар тайёрлаб берувчи «конвейер»га айланган. Ўзини «ал-Қоидани»нинг Ироқдаги бўлими деб, кўплаб бегуноҳ ироқликларнинг ҳаётига зомин бўлаётган террорчи гуруҳнинг раҳбари Абу Мусо Зарқовий даставвал «Х.т.» аъзоси бўлган. 2005 й.нинг 13 май куни Андижонда қатор кўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширган «акромийлик» оқимининг асосчиси Ақром Йўлдошев ҳам ўз фаолиятини «Х.т.»да бошлаган.

Экстремистик моҳияти фош бўлган «Х.т.» деярли барча мусулмон мамлакатларида, шунингдек, Россия, Германия ва б. давлатларда террорчи ташкилот сифатида тақиқланган.

«Х.т.» ўзининг фаолиятини аҳолиси таркибида йирик мусулмон жамоалари мавжуд бўлган МДХ мамлакатларида кенгайтиришга интилмоқда. Ушбу ҳудудда «Х.т.» аъзолари ўз ғоялари ифодаланган варақаларни маҳаллий тилларга таржима қилиб, яширин босмаҳоналарда чоп этмоқдалар. Ташкилот аъзоларининг жангарилик амалиёти учун зарур ашёларни тўплаши уларнинг кўпоровчилик фаолиятини амалга оширишга ҳозирлик кўраётганидан далолат беради. 2004 й. Татаристонда қўлга олинган «Х.т.» аъ-

золаридан ўқотар курол ва портловчи модда юкланган нимча, Бошқирдистонда ушланган «Х.т.» аъзоларидан эса гранаталар, ўқ-дори ҳамда Уфа ш.даги ҳукумат идоралари белгиланган харита олинган. Ҳибсга олинганларнинг баъзилари Афғонистонда жанговар тайёргарлик ўтаб келган. 2000-й.лардан буён «Х.т.» фаолиятида ўз тарафига давлат бошқаруви, ҳуқуқни сақлаш идоралари ходимларини жалб қилиш ва стратегик объектларга суқилиб киришга ҳаракат қилиш ҳамда аҳоли ичида тарафдорларнинг сонини кўпайтириш учун хайрия ишларини фаоллаштириш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

«Х.т.» ташкилоти Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда сиёсий ғараз мақсадлари сари амалга оширилаётган зўравонлик ҳаракатлари манбаларидан бирига айланди. Ушбу ташкилотнинг фаоллашувини соғлом сиёсат юритаётган дунёвий давлатларга нисбатан халқаро террорчилик томонидан эълон қилинган «жиход» нинг бир унсури сифатида баҳолаш лозим.

Исломи тарихида ўтган ва муайян вақтдан сўнг барҳам топган турли бузғунчи оқимлар каби «Х.т.»нинг идаолари ташқи кўринишдан гўёки, ислонни қайта тиклаш, динни тозалаш, ҳақиқий мусулмонликни қарор топтириш бўлса-да, бу ташкилотнинг пайдо бўлганидан то ҳозирги кунга қадар олиб борган фаолияти, унинг асл мақсади содда, ишонувчан, аксарият диндан беҳабар ёшларни ўз ғоясига эргаштириш, одамлар орасига фитна солиш йўли билан сиёсий ҳокимиятни эгаллаш эканини яққол кўрсатди.

Ад.: Абдуллажонов О., Диний ақида-парастиликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши, Т., 2005; Ақидада адашмайлик [Нашрга тайёрловчи: Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши], Т., 2005; Гударзи А., Хизб ут-Тахрир аль-ислами; мифы и реальность, Т., 2005; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг

маънавий-маърифий асослари, Т., 2005; Закурлаев А., Ғоялар кураши, Т., 2000; Исломи маърифати, Т., 2004; Каримов А., Дунёвийлик даҳрийлик эмас ёхуд «Ҳизбут-таҳрир»нинг даъволари хусусида мулоҳазалар, Т., 2005; Лукмонов А., Халифалик нима? Наманган, 1999; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Дин насихатдир, Т., 2004; Ражапова М., Диний экстремизм ва террорчилик, Т., 2000; Раҳматов О., Огоҳлик — муқаддас бурч, Т., 2000; Юнусов А., Динимиз душманлари, Т., 2000; Хусниддинов З.М., Исломи: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАР, афоризмлар — тугал фикрни англатувчи, ўткир мазмунли қисқа ва лўнда ибo-ра, байт, жумла. Халқ мақолларидан фарқли равишда Ҳ.с. келиб чиқиши жиҳатидан маълум бир шахс (ёзувчи, шоир, публицист, файласуф, олим, давлат арбоби ва б.)га мансуб бўлиб, индивидуаллигини сақлаб қолади. Ҳ.с. нинг мустақил жанр шаклидаги намуналари билан бирга илмий, фалсафий, тарихий ҳамда бадний асарлар таркибида учрайдиганлари ҳам бўлади. Баъзан асар бошдан-оёқ Ҳ.с.дан иборат бўлиши ҳам мумкин (Форобий ва б.). Алишер Навоийнинг айрим асарлари Ҳ.с.га бой («Назм ул-жавоҳир», «Арбаин», «Маҳбуб ул-қулуб» ва б.). Шарқ халқлари адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида Ҳ.с.нинг кўп қисми панд-насихат, ўғит, танбех шаклларида бўлади. Мас:

Дўстлик, садоқатга белингни боғла,
Гина, маломатдан тилингни боғла.

(*Саъдий Шерозий*)

Халқ жонли тилига, мақолларга яқин Ҳ.с. ҳам кўп учрайди. Мас, «Ўқсиз солдат — қилчсиз қин» (Ой-бек), «Тиши чиққан болага чайнаб берган ош бўлмас» (А.Қаҳҳор). Баъзи Ҳ.с. шаклан қуйма ҳолга келиб, ом-мавий қўлланишга ўтгач, мақолга айланиб қолади. Мас:

Билмаганин сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

(Алишер Навоий)

Ўзбек ёзувчиларидан Ҳамза, А.Қодирий, Ғ.Ғуллом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Шайхзода каби санъаткорлар ўз асарларида Ҳ.с.нинг замонавий намуналарини яратиб, ўзбек адабий тилининг ривожига самарали ҳисса қўшдилар.

Ад.: Ҳакимов М., Ёзувчи ва халқ тили, Т., 1971; Ҳакимов М., Навоий ҳикматларининг ўзбек халқ донишмандлигини бойи-тишдаги роли, Т., 1977.

Наишр: Навоий, Афоризмлар, Т., 1941, 1947, 1948, 1961, 1968; Мингбир ҳикмат [Тузувчи Ш.Шомухамедов], Т., 1965; Ҳикматлар гулдastasи [Тўпловчи М.Азаматов], Т., 1982; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш., Маънолар махзани [Нашрга тайёрловчилар: Д. Шораҳмедов, М. Аминов], Т., 2001.

ҲИКМАТОВ Омон (1929Л.5, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистон ҒА акад. (2000), иқтисод фанлари д-ри (1970), проф. (1971). Ўзбекистонда ҳикмат кўрсатганган (1953). Ўрта Осиёнинг қатор тоғ-геология, кончилик корхоналарида муҳандис бўлиб ишлаган (1953—61). Ўзбекистон ҒА Иқтисодиёт ин-тида илмий ходим (1959—61). Ўрта Осиё Давлат режа кўмитасининг бош муҳандиси (1963—66), Ўзбекистон Давлат режа кўмитаси (Госплан) бўлим бошлиғи (1966—68), шу кўмита ҳузуридаги Иқтисодиёт и. т. институтида бўлим мудири (1968—74), директор (1974—75). Ўзбекистон ҒА Иқти-содиёт ин-тида директор (1975—2004). 2004 й. дан шу ин-тда илмий масла-ҳатчи. Илмий ишлари инвестициялар (капитал кўйилмалар) ва янги техника самарадорлигини ошириш, шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва б. масалаларга бағишланган.

Ад.: Материалн к биобиблиографии уче-нь[х Ўзбекистана. Аман Хикматович Хикматов, Т., 1989.

ҲИКОЯ — бадий адабиётда кичик эпик жанр, ҳаёт ходисалари ихчам

ифода этиладиган насрий асар. Жаҳон адабиётида Ҳ. қадим анъаналарга эга. Ўтмишда Ҳ. фольклор асарлари таркибида баён унсури бўлиб иштирок этган. Мустақил жанр сифатида фақат ёзма адабиётда шаклланган. Европа адабиётда Ҳ.чиликнинг ривожланишига итальян ёзувчиси Бокаччо «Декамерон» асари билан катта ҳисса қўшган. Асарда 7 киз ва 3 йигитнинг 10 кун давомида айтган 100 та ҳикояси берилган. Ги де Мопассан (Француз), ОТенри (Америка), А.П.Чехов (рус), А.Қодирий, Чўлпон (ўзбек) Ҳ. жанрининг асосчилари ҳисобланади. Европа адабиётда Ҳ. новелла деб ҳам аталади.

Ўзбек адабиётда Ҳ. жуда қадимдан бошланган. Илк ёзма адабий ёдгорликлар — Култегин ва Тўноқуқ битиктошларида баён қилинган воқеалар иштирок этувчилар томонидан ҳикоя қилинган. Носириддин Рабғуз-змйнинг «Қисаси Рабғузий» асарида ҳам ахлоқий характердаги Ҳ.нинг яхши намуналари бор. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг 5-мақолотидаги «Ҳотами Той ҳикоя-ти», 20-мақолотидаги «Ул кул ҳикояти», «Сабъаи сайёр» достонидаги етти мусофир Ҳ.лари ҳам бу жанрнинг илк намуналари ҳисобланади. 16-а.да яратилган Пошшоҳожанинг «Гулзор» ва «Мифтоҳ ул-адл» асарлари ўзбек Ҳ.чилигининг ривожланишига асос бўлган.

Ўзбек адабиётда реалистик Ҳ. жанри 20-а. бошларида шаклланди (Чўлпон, «Қурбони жаҳолат», «Дўхтур Муҳаммадёр, 1914; А.Қодирий, «Улоқда», 1915 ва б.). 20-й.ларда Ғ.Ғуллом, А.Қаҳҳор, Ойдин ва б. бу жанрда баракали ижод қилдилар. 30-й.ларда А.Қаҳҳор Ҳ. устаси сифатида танилди. 50—60-й.ларда С.Аҳмад, 60—70-й.ларда Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаевлар бу жанр тараккиё-тига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Ҳ.» атамаси кенгрок маънода бирор воқеани гапириб беришни ҳам англатади. Сўзлаб берилган бундай воқелик ўз қамрови, ҳажми, ранг-баранглиги билан қисса ёки романга хос бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бу атама

жанр маъносида тушунилмайди. Мас, Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи 9 персонажнинг 49 та ҳикоясидан ташкил топган. Ш.Холмирзаев «Олабўжи» асарини «романдан катта ҳикоя» деб атайди. Ҳоз. ўзбек Ҳ.чилиги О.Мухтор, Н.Аминов, С.Сиёев, Ф.Мусаёнов, Х.Султонов, Э.Аъзамов, Н.Эшонқулов, Ш. Бўтаев ва б. ёзувчилар билан бойиди.

Ҳ. инсон ҳаётида юз берган ихчам воқеани лўнда ифодалашга мўлжалланган. Унда шу воқеага қадар пер-сонаж ҳаётида нима бўлган, қандай рўй берган, ким билан — булар тўғрисида маълумот бериш шарт эмас. Жуда зарур бўлса, айрим деталлар орқали ишора қилиниши мумкин. Мас, А.Қаҳҳорнинг «Ўғри» Ҳ.сида Қобил бобонинг кечаги куни ҳақида лом-мим дейилмайди. Эгамберди пахта-фурушдан кичкина шарт эвазига иккита ҳўкиз олган Қобил бобонинг эртаси тўғрисида «Бу шарт кузда маълум бўлади», деб хабар беради, холос. Ғ.Ғулום эса «Менинг ўғригина болам» Ҳ.сидаги ўғрининг кечаги кунини лўнда деталлар орқали тўлди-ради. Уйдан бирон нарса олмай чиқиб кетган йигитнинг эртанги куни ҳақида ҳеч қанақа маълумот бермайди.

Ихчамлик Ҳ.нинг муҳим белгиси, лекин унда персонаж ҳаётидан бир-гина лавҳа, узок даврлик воқеалар, персонажларнинг бутун умр йўли, бир эмас, бир неча одамлар тақдири, характернинг шаклланиш жараёни, руҳий ҳолатларнинг алмашилиб туриши, муҳим фазилат бўлиб қолиши мумкин. Бироқ ҳар қандай кўринишда ҳам тасвир сиқик тарзда берилади.

Ҳ. мазмунига кўра лирик, психологик, фалсафий, илмий-фантастик, сатирик, юмористик йўналишларда бўлиши мумкин. Шунингдек, очеркка яқин воқеий Ҳ.лар (Н.Фозиловнинг «Устозлар даврасида») ҳам бўлади. Ўзбек адабиётида бир мавзу, битта қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ бир неча ёзувчи томонидан ёзилган «ҳашар Ҳ.лар» ҳам учрайди.

Ад.: Владимирова Н., Султонова М., Узбекский рассказ, Т., 1968; Норма-тов У., Жанр имкониятлари, Т., 1970; Адабиёт назарияси, 2 ж.ли, Т., 1978—79; Адабиёт назарияси [Дарслик], Т., 1986; Ааабий турлар ва жанрлар, 3 ж.ли, Т., 1991—92.

Йўлдош Солижонов.

ҲИКОЯТ - Шарқ ва Жан.-Шарқий Осиё халқларидаги адабий термин. Ҳар қандай шеърий ва насрий асарни, кўпинча воқеабанд асарни англатади. Тор маънода муаллифи йўқ ёзма насрий эпос.

ҲИЛМАНД — Афғонистондаги дарё, қуйи қисми Эронда. Уз. 1150 км. Ҳавзасининг майд. 500 минг км² (катта қисми чўл). Ҳиндукуш тоғларидан бошланиб, Дашти Марғо ва Регистон текисликларида оқади. Дельта ҳосил қилиб, Систон ботиғидаги Ҳомун кўлига қуйилади. Бош ирмоғи — Арғандоб. Ўртача сув сарфи 400—500 м³/сек. Суви баҳор ва ёз ойларида кўпаяди. Сувидан суғоришда фойдаланилади. Ҳ. тармоқларида тўғонлар қурилган (энг каттаси Систон).

ҲИЛОЛ, кечки ҳилол — ҳилолдошларга мансуб кўп йиллик ўт тури. Пояси яқка, ўткир, уч қиррали. Бўйи 30—100 см. Барглари ясси, тўпгули соя-бонсимон, ўзаро тенг бўлмаган нурлардан ташкил топган, кўпгулли, тўпгулининг остида кенг гулолди барглари бор. И юн ь- и юлда гуллаб, авгда уруғлайди. Чўл ва адирлардаги нам ва ботқоқ ерлар, дарё водийлари, ариқ бўйлари, шопипоялар ва суғориладиган экинлар орасида ўсади.

ҲИЛОЛДОШЛАР (Сурегасеae), бар-дидошлар — кўп йиллик, баъзан бир йиллик бир уруғпаллали ўсимликлар оиласи, асосан ўтлар. 85 туркум 3500 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Ер шарининг ҳамма минтақаларида уч-райди. Кўпроқ Шим. яримшарнинг мўъта-дил ва совуқ минтақаларида тарқалган. Асосан, зах,

боткоқ ерларда, ариқлар бўйида, бир канча тури чўл, адир, тоғ ва яйловларда ўсади. Ҳ.га *барди, қамиш, папирус, сало-малайкум* ва б. қиради.

ҲИЛОЛИЙ (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Мавлоно Бадриддин Ҳилолий Чигатой) (тахм. 15-а. 70-й.лари, Астробод — 1529, Ҳирот) — форс шоири. 1491 й. Ҳиротга келиб, Жомий ва Навоий ҳомийлигида илму ижод билан шуғулланган. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий унинг келиб чиқиши туркий қавмга мансублигини қайд этади. «Тухфаи Сомий» («Сомий тухфаси») асарида Соммирзо ҳам унинг аждодлари чигатой туркларидан бўлиб, Астрободга бориб муқим бўлиб қолганлиги ҳақида маълумот беради. Дастлаб Ҳилолий (ҳилол — янги ой) тахаллуси билан ижод қилган, унинг шеърий салоҳияти юксаклигини кўрган Навоий унга Бадрий (бадр— тўлин ой) тахаллусини таклиф қилган. Шундан кейин у хар иккала тахаллусда ижод қилиб, Бадриддин Ҳилолий номи билан машҳур бўлган. Шеърларида ҳақиқий ва мажозий маъноларни маҳорат билан омухта қилгани, илоҳий ва дунёвий ишқни ҳассослик билан қуйлагани учун ўз даврининг Ҳофиз Шерозийси деб ном чиқарган. *Убайдуллаҳон* Ҳиротни босиб олганда, халққа, илму адаб аҳлига жаб-ру зулм ўтказганини кўрган Ҳ. унга қарши 2 та ҳажвий рубоий ёзган. Бундан хабар топган хон уни қатл эттирган.

Ҳ.нинг бизгача шеърий девони, 3 достони ва қофия илмига оид рисоласи етиб келган. Девондан шоирнинг 421 ғазал, 4 қасида, 11 қитъа, 32 рубоий, биттадан мухаммас, чистон ва соқийномаси ўрин олган. «Шоҳ ва дар-веш» достонида мажозий ишқ босқичлари рамзу тимсоллар воситасида тал-қин этилган. Лекин шоҳни — маъшук, дарвешни — ошиқ сифатида тасвир-лагани учун Бобур бу асарни «Бобур-нома»да танқид қилган. «Сифот ул-ошиқин» («Ошиқлик сифатлари») достони ахлоқий-таълимий мазмунда бўлиб, «Хамса»ларнинг илк

достонлари — Низомийнинг «Махзан ул-ас-рор», Дехлавийнинг «Матлаъ ул-анвор», Жомийнинг «Тукфат ул-аҳрор», Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонларига татаббуъ тарзида ёзилган ва у ҳам салафлари асарлари каби 20 бобдан иборат. «Лайли ва Мажнун» достони ҳам ушбу ҳамсанависларнинг шу номли достонларига татаббуъ ҳисобланади.

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бой-қаро вафотидан кейин Ҳиротда вазиятнинг ёмонлашуви, тожу тахт талашлари, шаҳарнинг *сафавийлар* ва *шайбонийлар* томонидан истило қилиниши, вайронгарчиликлар, халқ бошига тушган оғир кулфатлар, илму хунар эгаларининг тўрт томонга тарқаб кетиши шоир шеърларида чарху фалақдан, тақдирдан, замондан, одамлардан шикоят, норозилик кўринишида ўз аксини топган. Шеърлари анъанавий мавзуларда бўлиб, уларда ишқу муқаббат авж пардаларда тараннум этилган, ин-соний камолот масалалари бадиий талқинини топган. Ҳ. Шарқ шеърляри-тида мавжуд бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланиб, шеърларининг бадиий гўзал ва таъсирчан бўлишини таъминлаган.

50 дан ортик ғазаллари «Шашма-қом» таркибидан жой олган. *Огаҳий* унинг «Шоҳ ва дарвеш» достонини ўзбек тилига таржима қилган.

ЛЛ.Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис [Мукамал асарлар тўплами], 13-ж., Т., 1997; Ҳомидий Ҳ., Кўхна Шарқдар-ғалари, Т., 1999.

Эрғаш Очилов.

ҲИМОЛАЙ (санскритча ҳималая — қорлар макони) — Ер шаригаги энг баланд тоғ системаси, Ҳиндистон, Хитой, Непал, Бутан ва Покистон ҳудудларида, шим.да Тибет тоғлиги билан жан.да Ҳиндганг текислиги оралигида жойлашган. Уз. 2400 км дан зиёд, эни 350 км гача. Тизмаларининг ўртача бал. 6000 м, энг баланд жойи 8848 м (қ. *Жомолунгма* чўққиси). 11 та чўққисининг бал. 8000 м дан зиёд. Ҳ. аниқ морфологик ва табиий

географик чегараларга эга: шим.да Хинд ва Цангпо (Брахмапутра) дарёлари юқори оқимларининг кўндаланг тектоник водийлари, шим.-ғарбида Хиндураж тизмасы, шарқида Брахмапутра дарёси дараси. Ҳ. — Марказий Осиё чўллари ва Жан. Осиё тропик ланд-шафтлари ўртасидаги йирик орографик, иқлим ва флора тўсиғи хисобланади.

Ҳ. Ҳиндганг текислигидан 3 йирик поғона шаклида тик кўтарилган. 1-поғона дарёлар даралари билан кучли парчалаб юборилган *Сивалик* (Олд Ҳ., ўртача бал. 900—1200 м) тизмасидан иборат. 2-поғонадаги алоҳида тоғ мас-сивлари ва тизмалардан иборат Кичик (Паст) Ҳ. тоғлари 3-поғонадаги Катта (Баланд) ёки Бош Ҳ. тизмасидан тоғ оралиғи ботиклари ва қад. музлик сойликлари (Катманду, Сринагар ва б.) билан ажралган. У ҳам ўз навбатида Ас-сом, Непал, Панжоб тизмаларига ажралади. Музлик кўп (майд. 33 минг км²). Ҳ. альп орогенези даврида шаклланган бўлиб, жан. тоғолди қисми қум-тош ва конгломератлардан, туб ён бағир ва ўқ қисми гнейс, кристалли сла-нец ва метаморфик жинслардан тузилган. Фойдали қазилмалардан Кичик ва Катта Ҳ.да магматик ва метаморфик жинслар мажмуи билан боғлиқ равишда мис, олтин, хромит, сапфир конлари бор. Ҳ. тоғолди букилмасида нефть ва газ конлари аниқланган.

Ҳ. Ҳиндистоннинг экваториал муссонлари билан Марказий Осиёнинг кон-тинентал ўлкаси ўртасидаги кескин иқлим чегарасидир. Ҳ. ғарбий сектори иқлимига т-рнинг кескин тебраниши, кучли шамоллар хос. Қиши совуқ, янв. нинг ўртача т-раси —10°, —18°, 2500 м дан баландда қор бўронлари бўлади. Ёзи илиқ, июлнинг ўртача т-раси 18° атрофида, қуруқ. Ёғин миқдори цик-лонларга боғлиқ бўлиб (йилига тахм. 1000 мм), водий ва сойликларда тоғ ён бағирларига нисбатан 3—4 марта кам ёғади.

Ҳ. ғарбида 1800—2200 м баландликда Ҳиндистоннинг кўплаб иқлим қурортлари жойлашган. Шарқий қисми

муссон режимли нисбатан иссиқ ва нам иқлимли. Ёзда 1500 м дан баланд ён бағирларда т-ра 35°, водийларда 45° гача кўтарилади. Ёмғир деярли тўхтамай ёғади. Жан. ён бағирларнинг ғарбида 2500 мм дан шарқида 5500 мм гача, ички р-нларда 1000 мм чамасида ёғин тушади. Ҳ.нинг шим. ён бағирларига совуқ тоғ-чўл иқлими хос. Т-рнинг суткалик амплитудаси 45° гача, йиллик ёғин 100 мм чамасида.

Дарё ва сойлар, асосан, Ҳ.нинг жан. ён бағирларида кўп бўлиб, юқори қисмида қор ва музликлардан, қуйи қисмида ёмғир сувларидан тўйинади. Водийлари чуқур ва тор, шаршара ва остона кўп. Тектоник ботикларда ёки пасткам жойларда музликларнинг эришидан ҳосил бўлган кўллар, асосан, Ҳ.нинг ғарбий қисмида жойлашган. Энг узун музликлар Жомолунгма ва Канчен-жангада. Музликларнинг қуйи чегараси Кашмирда 2500 м, марказий қисмида 4000 м.

Ҳ.нинг ландшафти турли-туман. Баландлик минтақаси аниқ кўринади. Тоғ этаклари ботқоқлашган чангалзор — тераялардан, 1000—1200 м баландликкача шамолга рўпара ён бағирларда ва дарё водийларида доим яшил сернам тропик ўрмонлар, 1200—1500 м да доим яшил кенг баргли ўрмонлар минтақаси, 2200 м дан юқорида мўътадил минтақанинг барг тўқувчи ва игна баргли ўрмонлари, 2700—3600 м да игна баргли ўрмонлар, 3600-5000 м, баъзи жойларда 6000 м гача субальп ва альп ўтлоқлари мин-тақалари мавжуд. Ғарбий ён бағирларида сийрак ксерофит ўрмонлар ва бутазорлар, барг тўқувчи муссон ўрмонлари, 1200—1500 м дан Ўрта денгиз бўйига хос субтропик турлар тарқалган. Шим. ён бағирлари тоғ-чўл ландшафтлари — сийрак қуруқ ўт ва буталар, дарё водийларида тераклар ўсади. 5000 м дан юқориси гляциал-ниваль минтақа. Тупроқлари қорабалчиқли ботқоқ, қизил-кўнғир, ўрмон-кўнғир, кўнғир-чала подзол ва тоғ ўтлоқи тупроқлар. Тоғ ён бағирларининг қуйи қисмида, тераяларда йирик сут эмизув-

чи хайвонлар — фил, каркидон, буйвол, қобон, антило-па; йиртқичлардан йўлбарс, қоплон; маймунлар яшайди. Қуш турларига бой. Шим. ён бағирларида тибет фау-наси — ҳимолай айиғи, ёввойи эчки, архар, кўтос ва кемирувчи кўп. Ён бағирларида 2500 м гача дехқончилик қилинади. Плантация хўжалиги ривожланган. Суғориладиган террасаларда шоли экилади. Шим. Ҳ.да 4500 м баландликкача арпа экилади. Аль-пинизм (асосан, Непалда) тараккий этган.

ҲИМОЛАЙ ОЛДИ ТОҒЛАРИ - қ.
Сивалик.

ҲИМОЛАЙ ТИЛЛАРИ — Непалда ва Ҳиндистоннинг унга қўшни ҳудудларида тарқалган, ягона гуруҳ бўлиб ташкил топмаган бир қанча тилларнинг умумлашма номи. Ҳ.т.да 3,4 млн. дан ортиқроқ киши сўзлашади. Непалнинг жан.-ғарбидаги деярли ўлик тилга айланган қусунда тилининг бирор тил оиласига қариндошлиги аниқланмаган, қолган. Ҳ.т. эса хитой-тибет тиллари оиласининг тибет-бирма тармоғига мансуб (қ. *Хитой-тибет тиллари. Тибет-бирма тиллари*).

Ҳ.т. ғарбий ҳимолай ва шарқий ҳимолай гуруҳларига ажралади. Ҳиндистонда, Непал чегарасидан ғарброкда, 60 мингдан ортиқроқ киши ғарбий ҳимолай гуруҳига кирувчи кана-ури, канаши, лахўли, манчати, бунан, рангкас тилларида сўзлашади.

Қад. тибет диний китоби ёзилган (ўлик) жанг-жунг тилининг ҳам шу гуруҳга кириши тахмин қилинади. Непалнинг ғарбий қисмида магар V* (300 мингдан ортиқ киши сўзлашади), че-панг (15 минг киши) ва кхам (45 минг киши) тиллари алоҳида гуруҳчани, Непалнинг марказий қисмидаги гу-рунг (500 мингга яқин киши) ва таманг (570 мингга яқин киши) тиллари тибет гуруҳидаги айрим гу-руҳчани ташкил этади. Катмандудан жан.роқда Непалда ўз ёзуви ва адабиётига эга бўлган Ҳ.т.дан *невар тили* (1 млн.

га яқин киши) тарқалган.

Непал шарқидаги кўплаб тилларда 800 мингга яқин киши сўзлашади ва бу тиллар шарқий ҳимолай гуруҳини ташкил этади. Бу гуруҳ, ўз навбати-да, бир-биридан жиддий фарқ қилувчи 2 гуруҳчага ажралади: уларнинг бирида лимбу (260 минг киши), яқхо, кхамбу тиллари, иккинчисида эса сунвар (25—27 минг киши), бахинг, раи тиллари кенгрок қўлланади. Ҳин-дистоннинг Секким штатида ронг (лепча) тили (35—40 минг киши) асосий тил ҳисобланиб, у 17-а. охи-рида яратилган ўзига хос ёзувга эга. Янада жан.роқда дхимал тили тарқалган.

Аксарият Ҳ.т.нинг асосий типологик белгиларидан бири — кучсиз ол-мошлик белгисига эга бўлган суффиксларнинг, баъзан префиксларнинг феълга кўшилиб келиб, ҳаракат субъектининг шахси ва сонини ифо-далашидир. Аффикслар нафақат субъектни, балки объектни ҳам кўрса-тиши мумкин. Бу тилларда, шунингдек, от туркумидаги сўзлар жонли ва жонсизликни билдирувчи шакллар билан фарқланади. Ҳ.т.нинг *мунда тиллари*га алоқадорлиги бор, деган тахминлар учрайди.

ҲИМОЯ АСЛАҲАЛАРИ - жанг-чилар жангда фойдаланадиган ҳимоя воситалари. Қадимда чарм кўкракпўш, ду-булга, қалқон, совет, зирх, жавшан, жубба, ҳафтон, бактар ва бошқалар Ҳ.а. ҳисобланган. Отлар устига маҳсус ёпғич — *баргуствон* ёпилган. Оғир Ҳ.а. 16—17-а.ларгача қўлланган. 18—19-а.ларда Европа армияларида энгил Ҳ.а. (каскалар, кирасалар ва б.) удум бўлган. 1-жаҳон урушидан бошлаб пўлат каска ва шлёмлар, коллектив ҳимоя воситаси сифатида тўп қалқони, танк бронялари ва б. қўлланадиган бўлди. Баъзи замонавий армияларда пўлат, нейлон ва б. кўкрак «жилет»лари мавжуд.

ҲИМОЯ ҚОПЛАМАСИ - радиоактив (кишиларнинг соғлиги учун зарарли) моддаларни вақтинчалик сақлаш ёки

ташишда хизмат кўрсатувчи ходимларни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ҳосил қилинадиган қатлам. Мас, оммавий қирғин қуроқларининг чиқиндиларини вақтинчалик сақлашда қалин бетон қопламалар — саркофаглари қилинади. Атом бомбаси портлаганда аҳолини ҳимоя қилиш учун қалин (бир неча м гача) деворли бомбапаналар қурилади. Радиоактив моддаларни вақтинчалик сақлаш ва ташиш учун пўлат Ҳ.қ.ли кўрғошин камера ёки пўлат камералардан фойдаланилади. Радиоактив модда нурланганда кўрғошиндан ажраладиган иссиқликни ютиш учун сув ёки ҳаво билан совитиш тизими кўзда тутилади. Кенг маънода — кишилар, жиҳозлар ва маҳсулотларни атроф-муҳитнинг зарарли таъсирларидан, т-ра ўзгаришлари туфайли пайдо бўладиган нохуш омиллардан ас-раш учун қилинадиган муҳофаза конструкциялари — қалин бетон деворлар, керамзит томлар ва б. Барча Ҳ.қ.лари вақтинчалик муҳофаза қилиш хусусиятига эга бўлиб, радиоактив моддаларнинг зарарли таъсирларидан бутунлай муҳофаза қилолмайди. Ишончли ва узоқ муд-датли Ҳ.қ.лари ва воситалари яратиш инсоният олдида турган муҳим юмушлардан бири ҳисобланади.

ҲИМС — Суриянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳимс муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 558 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари чорраҳаси. Ҳ. орқали Ироқ ва Суриянинг нефть конларидан Тартус ва Баниёс портларига қувурлар, дамашк, Ҳалаб ва Латакияга озиқ-овқат қувурлари ўтказилган. Нефтни қайта ишлаш, кимё, пўлат прокати, це-мент, шакарқанд, тўқимачилик ва б. саноат корхоналари мавжуд. Қ.х. (ҳўл мева, дон, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Ўрта асрларда қурилган девор қолдиқлари, Нуриддин масжиди (12-а.) ва б. меъморий ёдгорликлар сақланган.

ҲИМЪЯРИЙЛАР ПОДШОЛИГИ - Жан. Арабистондаги давлат. Мил. ав. 1-а.да вужудга келган. Мил. 1-а.дан Жан. Арабистонда ҳукмронлик мавқеига эга бўлиш учун Саба билан курашга киришган. 4-а. бошида Жан. Арабистоннинг бутун худудини бўйсундирган. 6-а. бошида эфиоплар (ҳабашлар), 6-а.нинг 70-й.ларида *Сосонийлар* томонидан босиб олинган.

ҲИНД (санскритча Синдху, пушту тилида Абба-Син — дарёлар отаси) — Хитой, Ҳиндистон ва Покистондаги дарё. Уз. 3180 км, ҳавзасининг майд. 980 минг км². Қайлас тизмаси (Тибет тоғлиги) дан, 5300 м баландликдан бошланади. Юқори оқимида чуқур тектоник водийда қояли даралар ҳосил қилиб, ўрта ва қуйи қисмида Ҳиндганг текислигининг ғарбий қисмидаги кенг водийда ирмоқларга бўлиниб оқади ва Арабистон денгизига дельта (майд. 8 минг км²) ҳосил қилиб қуйилади. Асосий ирмоқлари: ўнгдан — Гилгит ва Кобул, чапдан — Сатлаж. Ҳ. тоғларда эриган қор-музлик сувларидан, қолган қисмида муссон ёмғирларидан тўйинади. Баҳор ва ёзги тўлинсув даврида сув сатҳи тоғларда 10—15 м, текисликларда 5—7 м гача кўтарилади. Сув тошқинларидан ҳимоя қилиш мақсадида дарё ўзани катта масофада марзалар билан ўралган. Ҳайдаробод ш. яқинида сув сарфи 3850 м³/сек., энг юқориси 30 минг м³/сек. дан зиёд. Қуйи оқимида сугоришга кўп сув сарфланиши ва буғланиши натижасида суви камаяди. Қурғоқчил йиллар қуйи оқимида Арабистон денгизигача етиб бормай, баъзан қуриб қолди. Дарё йилига 450 млн. т оқизик келтиради. Ҳ. ҳавзасида 11 млн. га ер суғорилади. Кўплаб тўғон ва б. ирригация иншоотлари қурилган. Кобул дарёси қуйилган жойдан бошлаб вақт-вақти билан кема қатнайди. Ҳ. бўйида Ҳайдаробод, Суккур ш.лари, дельтаси яқинида Карочи денгиз порти жойлашган.

ҲИНД АДАБИЁТИ, хиндий ада биё-

ти — Ҳиндистондаги ҳинд тили (ҳиндий) ва унинг лаҳжаларида яра-тилган адабиёт. Ҳ.а. санскрит тилида яратилган қад. адабиёт асосида мил. 1-минг йилликлар охиридан ривожлана бошлаган. Дастлаб диний-фалсафий мазмундаги адабиёт бўлиб, вишну-изм, шиваизм, буддизм ва жайнизм мазҳаблари ғояларини баён этган. 10—14-а.ларда ҳиндий лаҳжаларда қаҳрамонликни мадҳ этувчи назм тараккий этди. Сарой шоирлари ўз ҳомийларининг қаҳрамонликларини улуғлаб, дostonлар ёздилар [Чанд Бардаининг «Притхвираж расо», «Кхуман расо» (12-а); Нарпати Налхнинг «Бисалдев расо» (тахм. 13-а.) dostonлари ва б.]. 15—17-а.ларда Шим. Ҳиндистонда бҳактий диний-ислохотчилик ҳара-кати авж олди. Бу ҳаракат табақаланишга қарши норозилик кураши бўлиб, Ҳ.а.га ижтимоий тенглик, демократик ғояларни олиб кирди. Бҳак-тий ҳаракати халқ оммасини бир томондан динга, иккинчи томондан эса адабиётга яқинлаштирди ва адабиётда янги адабий шаклларни юзага келтирди. Бу давр бҳактий шоирлари: Кабир (1440-1518), Нанак (1469-1539), Сурдас (1483-1563), Мирабаи (1499-1547), Тулсидас (1532-1624), Даду-даял (1544—1603), Сундардас (1596—1689), Расхан (16—17-а.), «Аштакчап» (Саккиз шоир иттифоқи, 16—17-а.лар) ва б. шоирлар назмда асосан дўхӣй (иккилик), чаупаи (тўртлик), винаи (қофиясиз) каби жанрларда ижод этдилар. Мазмунан эса улар қад. 2 эпосни маҳаллий ҳинд тилларида (бҳактий ғояси билан суғорилган ҳолда) назмда яна қайта яратдилар (Сурдас бошчилигидаги «Аштакчап» шоирлари «Махабхарата»ни браж лаҳжасида, Тулсидас эса «Рамаяна» эпосини авадҳӣй лаҳжасида). Айнан шу даврда тасаввуф адабиёти ҳам ривожланди. Суфӣй шоир шоҳ Муҳаммад Банданавознинг «Мираж ул-ашиқин» (14-а.), Бурҳониддин Жанамнинг «Калимат ул-Ҳақайқ» (14-а.), мавлоно Додунинг «Чандаян» (14-а.), Кутубаннинг «Мригавати» (16-а.), Малик Муҳаммад Жаясийнинг «Пад-мават»

(16-а.), Манжҳаннинг «Мад-ҳумалти» (16-а.) каби асарларида форс ва ҳинд лирикаси анъаналари ўзаро чапишиб кетди. Бу даврнинг бҳактий ва суфӣй шоирлари ижодида ҳаётӣй масалалар фольклор ёки эпос қаҳрамонлари образи воситасида акс эттирилди. 17-а. ўрталаридан Ҳ.а.даги диний-мистик ғоялар ҳам, демократик руҳ ҳам сусайиб, у арис-тоқратларнинг диди ва талабига мослаша борди. Асарларнинг асосий мавзуси кўпроқ инсон муаммосига, аёллар гўзаллигини тараннум этишга қаратилди.

19-а.нинг 1-ярмида қҳари бўлий диалектида насрий асарлар юзага кела бошлади. Санскрит ва инглиз тилидан диний ва дунёвий адабиёт намуналари таржима қилинди, ҳинд тилида матбуот пайдо бўдди. Таниқли маъри-фатҳпарвар Бҳаратенду Ҳаришчандра (1850—85) публицистикаси ва пьесаларида халқ миллий онгининг ўсиши, мустақилликка интилиш ғоялари акс этди. Унинг ижоди ҳоз. замон Ҳ.а. тараккӣёти учун замин бўдди. 19-а.нинг 2-ярмида Ҳ.а.да оригинал қисса ва романлар яратилди, кейинроқ ҳикоячилик, адабий танқид ва адабиётшунослик ривож топди.

20-а. бошларида миллий озодлик ҳаракати таъсирида Ҳ.а.да ватанпарварлик, ватан озодлиги учун кураш ғоялари тобора ёрқин акс эта борди (Майтхилишаран Гупта, 1886—1964; Макҳанлал Чатурведӣй, 1889—1968; Балкришна Шарма Навин, 1897—1960; Рамдҳари Синх Динкар, 1908 ва б. шеърлари). 20—30-й.лардаги Ҳ.а.да романтик йўналиш таъсири кучли бўлди (Сумитранандан Пант, 1900; Жайшанкар Прасад, 1889—1937 ва б.). 30-й.ларда Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатининг ва чет эл тараккӣй-парвар адабиёти таъсирининг кенг ёйилиши натижасида Ҳ.а.нинг барча жанрларида долзарб ижтимоий мавзу томон бурилиш кўзга ташланди. 1936 й.да *Премчанд* иштирокида Ҳиндистон тараккӣйпарвар ёзувчилар ассоциаци-яси ташкил этилди. Ҳиндистон халқлари миллий адабиёти

кейинчалик ана шу ассоциация таъсирида тараккий этди. 40-й.ларнинг охирида *фрейдишининг* ҳамда Фарбдаги субъективистик назарияларнинг таъсирида Ҳ.а.да *модернизм* таркиб топди. Модернизмга хос бўлган бу кайфиятлар 50—70-й.лар хиндий насри ва назмида ҳам ўз таъсирини сақлаб қолди (Илачандра Жўший, 1902; Жайнендра Кумар, 1905 ва б. ижоди). Кейинчалик Сумит-ранандан Пант, Вриндаванлал Варма (1889-1969), Манмўҳан Гупта (1908), Бҳишам Сахний (1915), Амритлал Нагар (1916) ва б. ижодида реалистик анъаналар ривожланди, инсонпарварлик ғоялари, хинд халқининг ижти-мойи ва маънавий таракқиётига ишонч туйғулари акс эттирилди. Ҳ.а. вакилларида *Премчанд*, *Яшпал* ва б.нинг айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Баранников А.П., Индийская филология. Литературоведение, М., 1959; Серебряков И.Д., Древнеиндийская литература, М., 1963; Челншев Е.П., литература хинди, М., 1968.

Улфатхон Муҳибова.

ХИНД ЁЗУВИ - Жан. ва Жан.-Шарқий Осиёда тарқалган, келиб чиқишидаги умумийлик ва алифболари тузилишидаги ягона (фонетик) тамойилга кўра ўзаро боғлиқ кўплаб ёзувлар гуруҳи. Ҳ.ё. кўринишлари Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Непал ва Шри Ланканинг ўзидан ташқари уларга қўшни худудларда — Тибет ва Марказий Осиёда, Бирмада, Ҳиндихитой ярим ороли ҳамда Индонезияда ҳам тарқалган. Ҳ.ё.нингасосан мил. 1-минг йилликда Ҳиндистонга чегарадош мамлакатларга кириб келиши бу худудларга будда дини ва адабиётининг тарқалиши билан боғлиқ. Ҳ.ё.нинг кўринишлари сони 20—30 та оралиғида бўлиб, жадвалда уларнинг баъзи муҳимлари-гина кўрсатилди.

Ҳиндистонда ёзув камида 5 минг йиллик тарихга эга. Дастлаб ўқилган ёдгорликлар (мил. ав. 3-а.га мансуб) кейинги ёзувлар учун асос бўлган бўғинли *браҳми*

ёзувида битилган бўлиб, бу ёзув чапдан ўнгга қараб ёзилган. Ҳиндистоннинг шим.-ғарбида мил. ав. 3-адан мил. 5-а.гача браҳми билан бир қаторда қхарўштҳи ёзуви ҳам мавжуд бўлган, лекин кейинчалик секин-аста браҳми томонидан сиқиб чиқарилган. Браҳми ёзувининг илк ёдгорликларидаёқ унинг маҳаллий кўринишлари ажрала бошлайди. кейинчалик улар асосида Ҳ.ё.нинг 3 асосий; шим., жан. ва жан.-шарқий тармоғи шаклланади.

Алифбо ҳарфлари қатъий вертикал ва горизонтал чизиклардан бурчак ҳосил қилиб ёзиладиган шим. тармоққа куйидаги ёзувлар киради: 1) 6—10-а.ларда Марказий Осиёда санскрит, сак ва б. тиллардаги матнларни ёзиш учун қўлланган гупта ёзуви; 2) 7-адан ҳоз. гача бир неча кўринишда ишла-тилган тибет ёзуви; 3) 7—8-а.ларда шаклланган ва 10—11-а.лардаги қўлёмаларда қайд этилган н а г а р и ёзуви; унинг кейинги даврдаги шакли — *деванагари* Шим. Ҳиндистондаги асосий ёзувга айланади, хиндий, маратхий ва б. тилларда, санскритча матнларни ёзиш ва нашр этишда қўлланади; 4) 8-адан Кашмирда ишлатиладиган шарада ёзуви; 5) 12-адан Непалда қўлланган ва ҳоз. кунларда деванагари томонидан сиқиб чиқарилаётган невари ёзуви; 6) 15-а.да шаклланган ва бенгал, ассом, санскрит тилларида қўлланадиган б е н -гал ёзуви; 7) бошқа алифболардан ҳарфлар устидаги горизонтал чизик ўрнига ёй шакли қўлланиши билан фарқ қиладиган о р и я ёзуви; 8) нагарининг курсив шаклидан келиб чиққан ва ҳарфлар устида чизикнинг йўқлиги билан ажралиб турадиган гу-жарот ёзуви; 9) 16-а.да сикхлар томонидан жорий этилган панжоб ёзуви — гурмуқҳи. Булардан ташқари, турли ёзишмаларда, савдо ва иш юритиш соҳаларида ишлатиладиган кайтҳий (хиндий тили тарқалган жойларда), маҳажаний (Ражастҳан штатида ва шу ердан чиққан савдогарлар орасида); ланда (Синд ва Пан-жобда), мўдий (Маҳараштрада) ва б. ёзув турла-

ри мавжуд.

Ҳ.ё.нинг жан. тармогига 5—6-адан шаклланган, бироқ қўлёзмаларда 16-адан бошлаб қайд этилган грантха ёзуви (санскритча матнларни ёзиш учун қўлланган) ҳамда жан. Ҳиндистондаги замонавий 4 адабий тил — каннада, телугу, малаялам ва тамил тилларидаги матнларни ёзишда қўлланадиган алифболар киради. Бу тармоқдаги ёзувлар ҳарфларнинг ду-малок шаклда ёзилиши билан ажралиб туради.

Ҳ.ё.нинг жан.-шарқий тармоги Ҳиндистондан ташқарида ва асосан қад.-пали ёзуви асосида шаклланган син-гал, кхмер, лаос, тай ёзувларини, шунингдек, Ҳиндихитой ва Индонезиядаги эски ёзувларни камраб олади.

Мазкур ёзувларнинг шакли шамойилидаги ўхшашлик улар қўлланадиган тилларнинг фонологик жиҳатдан ўхшашлигини англатмайди. Мас, деванагари ёзуви қиндий тилига нисбатан *ҳарф-товуш ёзуви* ҳисобланса-да, бошқа кўпчилик тилларда фонема ва графема ўртасидаги нисбатнинг у ёки бу даражада бузилганлиги кузатилади.

ХИНД ОКЕАНИ — Дунё океанининг бир қисми. Шим. тропик чизигидан деярли бутунлай жан.да. Океаннинг табиатига унинг атрофини ўраб олган барча материклар, айниқса, Евросиё материги қатта таъсир кўрсатади. Жан. қисмида Ҳ.о. Атлантика ва Тинч океанлари билан қатта масофада туташиб туради. Атлантика океани билан чегараси шарғли равишда Африка жан.даги Игна бурни меридиани (20° шк.у.), Тинч океан билан чегараси Тасмания о.даги Жанубий бурун меридиани (147° шк.у.) орқали ўтказилади. Ҳ.о.нинг шим.-шарқда Тинч океан билан чегараси мураккаб: Малакка я.о.дан Суматра о. шимолий қисмига ўтади, сўнгра Суматранинг жан.-ғарбий, Ява, Сумбава, Тимор о.ларининг жан. қирғоқлари бўйлаб ўтиб, Янги Гвинеянинг ғарбий қирғоғига боргач, оролнинг жан. қирғоғи бўйлаб ўтиб, Австра-

лиянинг Йорк бурни мериди-анига, кейин шу меридиан бўйлаб Австралияга боради. Сўнгра Австрали-янинг шим., ғарбий ва жан. қирғоқлари бўйлаб ўтиб, Тасмания о.га боради. Шим.дан Осиё, ғарбдан Африка ва жан.дан Антарктида ўраб туради. Ҳ.о. Тинч океандан фарқ қилиб Ер пўстининг барқарор материк тузили-шига эга бўлган палахсалари — Гон-двана материги бўлақлари билан ўралган. Фақат шим.-шарқда ёш, тектоник геосинклиналь минтақа билан чегараланган. Бу ерда тектоник ҳаракатлар куч-ли, ер қимирлашлар тез-тез бўлиб туради.

Ҳ.о. майд. 76,17 млн. км², қатталиги жиқатдан 3-ўринда. Сув ҳажми 282,7 млн. км³ ўртача чуқ. 3711 м, энг чуқур жойи 7729 м (Зонд нови). Қирғоқ чизиги анча текис, фақат шим. ва шим.-шарқда эгри-бугри жойлар бор. Бу ерда қўлтиқ (Адан, Уммон, Форс, Бенгалия ва б.) ва денгиз (Қизил, Андаман, Тимор, Арафура ва б.) кўп. Ҳ.о.да орол кам. Энг қатта ороллари — Мадагаскар, Шри Ланка, Сокотра, Тасмания. Океаннинг ўрта қисмида вулкан ороллар: Маскарен, Қамар, Андаман, Никобар, Кергелен ва б. бор. Тропик минтақалардаги сув ости вул-кан тоғларида маржон ороллар кўтарилиб туради: Мальдив, Лаккодив, Чагос ороллари ва б.

Ҳ.о. жуда қатта масофада Антарктида билан туташиб турсада, бошқа океанларга нисбатан анча илик. Чунки жан. тропик чизиги океаннинг деярли ўрта қисмидан кесиб ўтади.

Рельефи ва геологик тузилиши. Ҳ.о. ботиғи анча ёш бўлиб, мезозой эрасида қад. Гондвана материги (куруқлиги)нинг парчаланиши, куруқлик палахсаларини силжиб кети-ши, қад. Тетис ва Тинч океанлари Ер пўстининг парчаланиши натижасида 70—65 млн. йиллар аввал ҳоз. шаклини олган. Ботиқнинг тараққиёт тарихи ҳоз. сув ости рельефида ўз аксини топган. Материкларнинг сув остидаги давоми океан майдонининг 30% га яқинини ташкил этади. Африканинг сув остидаги

давоми шельфнинг эн-сиз эканлигига қарамай, Агульяс саёзлиги, Мозамбик, Мадагаскар сув ости тоғлари ҳисобига анча кенг майлонни эгаллаган. Мадагаскар сув ости дўнглиги ва Мадагаскар о.ни кичик континент дейиш мумкин. Замбези дарёси қуйилиш жойидан Сомали я.о.гача бўлган материк саёзлигида маржон қурилмаси кўп. Евросиё шельфи анча кенг майдонни эгаллаган. Арабистон денгизи ва Бенгалия қўлтигидаги материк саёзлиги, асосан, дарё чўкиндиларидан қосил бўлган. Ҳ.о.да оралиқ минтақа (материқдаи океанга тектоник ўтиш зонаси) унинг шим.-шарқий қисмида нисбатан кичик масофада ифодаланган. Унга Андаман денгизи, Зонд о.лари ёйи (Суматра, Ява, кичик Зонд о.лари), Ява, Тимор, Кай ботиклари кирди. Бу срада 30 дан ортик вулкан мавжуд. кучли зилзилалар бўлиб туради.

Ҳ.о.да океан ўрталиктизмалари майд. 17% ни гашкил этади. Улар океан ўртасидан 3 йўналишда давом этади. Арабистон, Ғарбий Ҳинд, Африка— Ан-тарктика, Арабистон — Ҳиндистон, Марказий Ҳинд, Австралия—Антарктика қўтарилмалари Арабистон, Сомали, Мадагаскар, Мозамбик, Агульяс, Крозе, Африка—Антарктика, Марказий, Жан. Австралия, Австралия— Антарктика сойликларини бир-бирдан ажратиб туради. Океаннинг энг чуқур жойи Ява ботиғидаги Зонд нови, 7729 м.

Океан ости ётқизиклари орасида фораминифера гили кўп. Сойликларнинг чуқур қисмларида чуқур сув қизил гиллари, экваториал минтақада радиоярий гиллари тарқалган. Ҳ.о.да фойдали қазилмалардан Марказий сойликда темир-марганец конкрециялари, Африка жан. ва Арабистон я.о. яқинида фосфорит кўп. Материк саёзлиги кумларидан ильменит, рутил, цирконий, монацит, магнетит ажратиб олинади. Касситеритнинг сочма қонлари бор. Қирғоқларда қурилиш материаллари: чиганокли оҳақтош, шағал, кум, глауконит, доломит, ол-тингугурт олинади. Ҳ.о. қавзаси,

айниқса, Жан.-Ғарбий Осиё нефть ва газга бой. Океан шельф зонасида ҳам нефть ва газ қонлари топилган.

Гидрологик режими. Ҳ.о. жанубий ярмидаги оқимлар Атлантика ва Тинч океанлардагига ўхшаш. Субтропик юқори босим таъсирида соат миллари ҳаракатига тескари йўналишда айланма оқимлар тизими юзага келади: Жан. пассат, Мадагаскар, Мозамбик, Агульяс, Ғарбий Шамоллар, Ғарбий Австралия оқимлари. Океан шим.даги оқимларга муссон шамоллари катта таъсир кўрсатади. Қишда муссон оқимининг энг катта тезлиги 2,1—2,9 км/соатдан ошмайди, ўртача йиллик тезлиги 3,6 км/соатга тенг. Аф-риканинг шим.-шарқий қирғоғи яқинида Сомали оқими вужудга келади. Сув қалқиши ярим суткалик ва нотўғри суткалик хусусиятга эга. Энг катта сув қалқиши Камбей қўлтиғида (бал. 12 м) юзага келади. Ҳ.о.нинг шим.-шарқий чеккалари кучли сейс-мик зона бўлганидан цунами кўп кузатилади.

Ҳ.о.да Жанубий Ҳинд юқори босим маркази, Экваториал паст босим маркази, Осиё материғидаги фаслий ўзга-рувчан босим маркази ҳаво қаракатларини белгиловчи омилдир. Қишда ҳаво босими Евросиёдан океан марказига томон пасайиб боради. Океаннинг шим. қисмида қишки муссон шамоллари эсади. Ёзда Жан. Осиё минимуми маркази таркиб топади. Жанубий Ҳ.о. максимуми кучаяди. Натижада жан.дан шимолга шамол эсади. Ернинг ўз ўқи атро-фида айланиши натижасида бу шамол шим.-шарққа бурилиб, ёзги муссонни ташкил этади. Шамол тезлиги 8—9 м/сек. Жанубий Ҳ.о. юқори босими 30° дан жан.даги кенгликларда бўлади. Антарктика ёни паст босимли марказга йил давомида тезлиги 5 м/сек. бўлган доимий ғарбий шамоллар эсади. Баъзан шамол тезлиги кучайиб, довулга айланади. Кергелен о. ва унинг ён атрофи дунёда довул энг кўп бўладиган жой ҳисобланади. Океанда сув ҳарорати қаво ҳарорати ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгаради. Сувининг т-раси юза қисмида

20°, энг жан.да 0° дан паст. Энг юкори т-ра Қизил денгиз ва Форс қўлтигида кузатилади: 30—32°. Шўрлиги шим.-ғарбий қисмида 35,5— 36‰, Қизил денгиз ва Форс қўлтигида 40—41‰, энг кам шўрлик Бенгалия қўлтиги ва Малайя о.лари агро-фида бўлиб, 30 — 34‰.

Ҳ.о.да музлар ҳосил бўлиши Антарктида яқинида кузатилади ва шамол ҳамда оқимлар таъсирида авгда 55° ж.к. ва фев.да 65—68° ж.к.ларгача етиб боради. Айсберг 40 ва 80° шк.у.ларда айниқса кўп.

Ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси. Ҳ.о. 2 та биогеографик об-ластга киради. Ҳинд—Тинч океан тро-пик области ва Антарктика области. Ҳинд— Тинч океан области планктонга бой. Фитопланктон, асосан, диато-мея ва перидинейя, шунингдек, ҳаворанг-яшил сувўтлардан иборат. Радио-дярий, фораминифера, амфиподалар айниқса кўп. Мўътадил ва антарктика минтақаларида энг кўп тарқалган планктонлар диатомеялардир. Фитобентослардан тропик минтақада саргасслар, турбинарийлар тарқалган. Оҳақтошли сувўтлар маржонлар билан бирга маржон қурилмаларини ҳосил қилади. Ҳ.о.нинг сузиб юрувчи жониворлари ҳам жуда хилма-хил. Балиқлардан сардинелла, анчоус, ставрида, майда тунеплар, кефал, денгиз лакқа балиқлари бор. Тош-бақа, денгиз илонлари яшайди. Сут эмизувчилардан кит, кашалот, дель-фин, тюлень, денгиз филлари мавжуд. Қушлардаи чайка, баклан, альбатрос, жан.да пингвинлар яшайди. Эндемик ҳайвон кўп: игнатериллар, моллюс-калар, маржонларнинг кўп оилалари, балиқнинг 20 та оиласи эндемикдир. Антарктика ўлкасидаги 90% балиқ эп-демик ҳисобланади.

И к т и с о д и й г е о г р а ф и к о ч е р к . Ҳ.о.нинг биологик маҳсулдорлиги турли қисмларида турлича. Океан-пинг кирғоқбўйи қисмлари, айниқса, шим. кирғоқбўйи маҳсулдор бўлиб, суткасига 250—500 мг/м² га тенг. Энг юкори биологик маҳсулдорлик Арабистон денгизида, суткасига 600 мг/

м². Ҳ.о.нинг биологик бойликлари Атлантика ва Тинч океанларникидаи кам эмас. Бироктўлиқфойдаланилмайди. Жаҳопда овланадиган балиқнинг 3— 5%, яъни 3 млн. т си Ҳ.о.га, унинг 1,5 млн. т си Ҳиндистонга тўғри келади. Яқин ва Ўрта Шарқ шельф зонасида нефть ва газнинг йирик конлари топилган. Ҳиндистон, Шарқий Африка, Ғарбий Австралим шельф зоналари истиқболли ҳисобланади. Ҳиндистон, Шри Ланка, Ғарбий Австралиянинг соҳил қисмидаги кумлар ильменит, пиркон, рутил ва монацит социлмаларига бой. Оксаннынг марказий чуқур қисмидаги темир-марганец кон-крециялар жадал равишда қазиб олинмоқда.

Ҳ.о.нинг транспорт аҳамияти катта. Ҳ.о.дан ўтган транзит йўллар Атлантика ва Тинч океан портларида тугайди. асосий денгиз йўллари океаннынг шим. қисмида кенглик бўйлаб, Форс қўлтигидан Африка кирғоқлари орқали Атлантика океанига ўтади. Сувайш канали орқали ўтган сув йўли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳ.о. кирғоқларида Растанура (Саудия Арабистони), Харк (Эрон) ва б. махсус нефть портлари, Адан, Мумбай, Каль-кутта, Карочи, Янгон ва б. универсал портлар жойлашган.

Ҳ.о.нинг асосий экологик муаммоларидан бири океан сувининг турли чиқиндилар билан ифлосланиб бораётганлиги. Бунда нефть ва унинг махсулотлари билан ифлосланиш 1-ўринда. Саноат чиқиндилари билан бирга сувга кўп микдорда мис, рух, маргимуш, сурма, висмут тушади. Улар муҳитнинг физик-кимёвий ҳолатига таъсир кўрсатади. Океан сувини, хусусан, Форс қўлтиги сувини чиқиндилар билан иф-лосланишига қарши курашиш учун 1978 й.да Қувайт протоколи имзоланди. 1981 й.да шундай шартнома Қизил денгиз ва Адан қўлтиги ҳақида ҳам тузилган. 1983 й.да Веллингтонда Антарктика флораси ва фаунасини муҳо-срза қилиш тўғрисида конвенция имзоланди. 1984 й.да Шарқий Африка кирғоқлари яқинидаги сув муҳитини

муҳофаза қилиш режаси тузилди. Буларга мувофиқ океanning турли қисмларида табиат, ҳайвон ва ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида резерв-ватлар ташкил этилган.

Ў р г а н и л и ш т а р и х и . Ҳ.о. ҳақидаги ластлабки тасавурларга унинг сохилларида яшаган халқлар эга бўлганлар. Улар савдо ва ҳарбий мақсадларда Ҳ.о.нинг турли қисмларида сузишган. Мил. ав. 5—4- минг йилликларда Месопотамияда яшаган шумерлар Форс кўлтиги ва Арабистон денгизига сузганлар. Финикияликлар эса мил. ав. 4-а.да Қизил денгиздан чиқиб, Африканинг шарқий ва жан. қирғоқлари бўйлаб айланиб чиққанлар. Ўрта денгиз бўйида яшаган халқлар океанла муссон шамоллардан фойдаланиб сузишган. Юноп ва римликлар Бен-галия кўлиги орқали Жан.-Шарқий Осиё ва Хитой билан алоқалар ўрнатганлар. Араблар I—8-а.ларда океан тўғрисида жуда кўп маълумот тўплашган. 1441 й.ла Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистонга денгиз орқали саёҳат қилган. Ҳ.о. ва унинг сохиллари ва Ҳиндистон тўғрисида гўплаган маълумотларини «Икки саодатли юлдузнинг балқиши ва икки денгизнинг қўшилиши» асарининг 2 бобида баён этган. Ундан 27 й. кейин Ҳ.о.га Афанасий *Никитин*, 56—57 й.дан сўнг португалиялик сайёҳ Васко да Гама борган. *Ибн Можиб* ҳам ўз асарларида Қизил денгиз, Форс кўлтиги, Ҳ.о.да кемаларнинг сузиш йўналишларини тавсиф-лаб берган.

Ҳ.о. қирғоқларини аниқлаш, геогра-фиясини ўрганишга бағишланган денгиз экспедициялари 18-а. охирларидан бошланди. 1772—75 й.ларда Ж.Кук, 1803—06 й.ларда И.Ф.Крузенштерн ва Ю.Ф.Лисянский, 1815-16 ва 1823-26 й.ларда О.Е.Коцебу тадқиқот ишлари олиб боришди. 19—20-а. бошларида Ҳ.о.ни ўрганиш ишлари кенгайди. 1857—69 й.ларда Арабистон денгизи ва Бенгалия кўлтигида сув ости телеграф кабелларини ўтказиш мақсадида океан туби ўрганилди. 1898—99 й.ларда

Германия ташкил этган чуқур сув остини ўрганиш экспедицияси Шарқий Ҳиндистон ва Арабистон — Ҳиндистон сув ости тоғларини кашф этди. 1906 й.да яна бир немис кемасида олиб борилган ўлчаш ишлари натижасида Ява ботиғи кашф этилди. 20-а.да Ҳ.о.ни Халқаро геофизика йили дастури асосида «Обь», «Лена» кемаларида ташкил этилган экспедиция ўрганди. 1959—60 й.ларда АҚШ оке-аншунослари Фарбий Ҳинд сун ости тизма тоғларини кашф этдилар. 1960—65 й.ларда Ҳ.о.да Халқаро экспедиция бўлиб, унинг дастурига океанни ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш киртилди, унда 20 га яқин мамлакат олимлари иштирок этди. Экспедиция 2000 дан ортиқ океанологик ст-я ташкил қилди. Ҳоз. вақтда сув ости аппаратлари ёрдамида ҳам кузатиш ишлари олиб борилмоқда. 2004 й. дек. да рўй берган zilзилалар ва цунамидан кейин оке-анни ўрганиш яна ҳам кучайтирилди.

ҲИНД ПЛАТФОРМАСИ,

Ҳиндистон платформаси — Ҳиндистон я.о., Ҳинд, Ганг ва Браҳмапутра дарёлари ҳавзаси ва Шри Ланка о.ни қамраб олган токембрий даврига мансуб платформа. Чўкинди қопламларида трапп ётқизиклари мавжуд. Плате))орма пойдеворида кўп конлар — темир рудалари (Бихар, Орисса, Майсур ва б.), хромит, марганец ва мис рудалари (Сингхбхум), олтин (Колар коии), юқори сифатли слюдалар, камёб ва қимматбаҳо тошлар; Виндия серияси конгломератларида олмос мавжуд. Гон-двана серияси билан йирик тошкўмир конлари; кайнозой даври нураш пўсти билан кўп сонли боксит конлари боғлиқ. Улардан ташқари нефть ва газ конлари ҳам бор.

ҲИНД ТИЛИ, х и н д и й — *ҳинд тилларити* бири; Ҳиндистоннинг расмий тили ва Ҳиндистонда тарқалган асосий адабий тиллардан бири. Уттар-Прадеш, Мадхйа-Прадеш, Ҳарийана, Бихар, Ражастҳан, Ҳимачал-Прадеш штагла-

рида ҳамда Дехли иттифоқий ҳудудида тарқалган. Унда 250 млн.га яқин киши сўзлашади (ўтган асрнинг охирлари). Ҳ. лаҳжалари структура жиҳатидан фарқланувчи 2 гуруҳга ажралади: кҳари бўли, ҳарийани, браж, канаўжи, бундели лаҳжаларидан иборат ғарбий гуруҳ ва аваҳди, бағхели, чҳат-тисгархи лаҳжаларидан иборат шарқий гуруҳ.

Яқин қариндош тиллар орасида Ҳ.т. ҳам географик, ҳам типологик жиҳатдан марказий ўринни эгаллайди: ғарброкда жойлашган тилларга қараганда Ҳ.т.да эски флектив шаклдар камроқ, айни пайтда унда агглютинация шарқий (мас, *бенгал тили*) тиллардагидек ривожланмаган. Фонетикасида ун-лилларнинг чўзиклиги ва бурунлашу-ви (назализапимси) маъно фарқлаш хусусиятига эга. Ундошлар, аксари \инд-орий тилларидаги каби, 5 локал қатор бўйича тақсимланади. Морфологиясида отларнинг кўмакчилар ёрдамида ясаладиган ва феълларнинг ёрдамчи феъллар билан ҳосил қилинадиган аналитик шакллари кўплаб уч-райди. Ҳ.т.да санскрит тилининг луғавий ва сўз ясовчи воситалари кенг қўлланади. Шу жиҳаги билан арабча ва форсча луғавий ва б. унсурлар қўлла-иладиган *урдулия* фарқ қилади.

Кҳари бўли (хипдистоний) лаҳжасига асосланган ҳоз. Ҳ.т. 19-а.дан шакллана бошлайди. Ҳ.т.даги замонавий наsrнинг асосчиси Бҳаратепаду Ҳаришчандра (1850—85) ҳисобланади; шеърятҳам 19-а. охирида шаклланган. Ҳ.т. *деванигари* ёзувидан (йюдаланади).

Ад.: Катмина Т.Г.. Яшк хинди, М., 1960; Черньши В. А. Диалектм и литс-рагурни хинди, М., 1964; Ҳиндийча-узбекча луғат (О.Шоматои ва б.). Дсхли, 2003.

Ансориiddин Иороҳимов.

ҲИНД ТИЛЛАРИ, хинд-орий т и л л а р и — *хинд-европи тиллари* оиласига мансуб, қал. хинц гилидан келиб чиққан генетик қарипдош тиллар гуруҳи; дарл тиллари ва *эронии тиллар* б-и биргалик-

да мазкур оила таркибидаги хинд-эроний тиллар тармоғи ташкил эгади. Ҳоз. даврда Ҳ. т. Ҳиндистонниш шим. ва марказий хулудларида (хиндий, урлу, бенгал. панжоби, маратхий, гуҷарот, ория. ассом, синдхи ва б. тиллар), Покистонда (урду, панжоби, синдхи ва б.), Бангладешда (бенгал).

Шри Ланка (сингал) ва Мальдив Республикасида (мальдив) тарқалган. Ушбу минтақадан ташқарида тарқалган *лўли тили* ҳам Ҳ. т. гуруҳига мансубдир. Умуман, 90 дан ортиқ жонли тил ва лаҳжаларда 800 млн.га яқин киши сўзлашади (ўтган асрнинг 90-й.лари ўрталари).

Ҳ. т. тарихи асосан 3 даврга бўлинади: энг қад. (тахм. мил. ав. 12-а.дан бошланади), ўрта (мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталаридан) ва янги давр (мил. 10-а.дан кейин бошланган). Ушбу даврлар Ҳ. т.нинг дастлабки синтетик-флектив ҳолатидан аста-секин фонетик-морфологик ўзгаришлар натижасида аналитик воситаларнинг, агглютинатив тизимнинг пайдо бўлиши билан фарқланиб туради.

Замонавий Ҳ. т. 20 дан ортиқ йирик тилларни ва баъзан бир-биридан жиддий фарқ қилувчи кўплаб лаҳжаларни қамраб олади. Бу тилларнинг дастлабки таснифини 19-а.нинг 80-й.ларида немис олими А.Ф.Р.Хёрнле таклиф этган ва 20-а.нинг 20-й.ларида инглиз-ирланд олими Ж.А.Грирсон лисоний нуктаи назардан ишлаб чиққан. Унга кўра, Ҳ. т. «ташки», «ички» ва ораликтилларга фарқланади. Ҳинд тил-шунослари кўпинча хинд олими С.К.Чаттержий таснифига риоя қила-дилар. Ушбу гаснифда Ҳ. т., Ж. А.Грирсон таснифидан моҳияган фарқ қилмаган ҳолда, шим., ғарбий, марказий, шарқий, жан. гуруҳчаларга бўлинади. Ҳиндистондан ташқарида бўлган лўли, пария (Тоҷикистонлаги лаҳжа), сингал, мальдив ва б. тилларга маҳаллий тилларнинг бирмунча таъсири сезилади.

Ҳ. т. лексикасида 3 қатлам: санскритча сўзлар; санскритча бўлмаган,

маҳаллий сўзлар ва араб, форс, инглиз ва б. тиллардан ўзлашган сўзлар қатлами фарқланади.

Ҳ. т. тарихан *браҳми* асосида шаклланган кўплаб алифболардан (мас, *деванагари*, гурмуқҳи ва б.) фойдаланади (қ. *Ҳинд ёчуви*). Ҳиндистоннинг шим. ва шим.-ғарбидаги айрим тиллар (урду, сиидхи) уларга мослаштирилган араб-форс графикасидан фойдаланади. Ҳиндий, урду, бенгал, маратҳий, панжоби, сингал каби Ҳ. т.да бой адабиёт яратилган. Ҳ. т.ни ўрганишда кўплаб рус ва европа олимлари қатори О.Н. Шоматов, Т.Х.Холмирзаев, А.Иброҳимов ва б. ўзбек олимлари ҳам самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Тошкент давлат шарқшунослик ин-ти мазкур тилларни ўрганувчи асосий марказлардан бирига айланди.

Ад.: Зограф Г.А., Язики Инди. пакистана, Цейлона и Непала, М., 1960; Чаттерджи С.К., Введение випдоаринское языкознание, пер. с англ., М., 1977; Зограф Г.А., Язми Южной Азии, М., 1990; шоматов О.Н., Жанубий Осиё тилларига кириш, 1—3-қисмлар, Т., 2002—04.

Озод Шоматов.

ҲИНД ҚОРАЗИРАСИ, зираи кармоний — *зирадошлар* (соябонгулдошлар)нинг ажгон туркумига ман-суб бир ниллик зиравор ўсимлик. Илдизи тугунакли. Вагани — Ҳиндистон. Шим. ва Шарқий Африка, Эрон, Афғонистон, Кичик Осиёда, шунингдек, Ўрта Осиёда ўстирилади. Мевасидаги эфир мойида 50% гача тимол бор.

ҲИНДГАНГ ТЕКИСЛИГИ - Шим да Ҳимолай тоғлари билан жан.да декан яситоглиги оралигидаги аллювиал текислик, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш ҳудудида. Арабистон денгизидан Бенгалия қўлигигача 3000 км га чўзилган. Кенлиги 250— 350 км. Ҳ.-Г.т. альп тоғ олдиди букилмаси бўлиб, усги қад. ва хоз. аллювий жинслар билан тўлган. Ер юзаси текис, сувайиргич қисмидан

(бал. 270 м) Ҳинд ва Ганг дарёлари дельталари томон пасайиб боради. Ҳ.-Г.т.ни баъзи ерларда жарлик ва дарё террасалари парчалаган. Иклими шарқила субэкваториал муссонли, гарбий қисмида тропик. Ўртача т-ралар янв.да 12 20°. июлута 30 — 36°. Йиллик ёғин жап.-шаркида 1500 мм дап жан.-ғарбида 100-150 мм гача камайиб боради. Ёғин, асосан, сз оиларида ёғали. Дарё системаси зич ва серсун, айниқса шаркида. Асосий дарёлари: Ҳинд на Ганг ҳамда уларнинг ирмоқлари. Гзги муссонлар ва қорнинг эриши натижасида сув оқими кўпаяли. Механик таркибди аллювиал туирок кенг тарқалган. Шарқий қисмида, Ганг ва Браһмапутра дарслари дельталарила мангрозорлар ва доим яшил ўрмонлар зич жонлашган. Тскисликнинг марказий қисмида барг тўқувчи ўрмон ва саванналарбор. Ғарбида шўрхок на кумли чўл ландшафти уступ. Хулулининг қағта қисми экинюрларга айлантирилган, пули, буғдой, пахта ва б. экиплар жилади. Ҳ.-Г.т. жаҳон нивелизационнинг қад. марказларидан. Аҳоли зич жойлашган. Ҳ.-Г.т.да йирик шахарларлан Дсхли. Калькутта (Ҳиндистон). Карочи, Лахрр (Покистон) жойлашган.

ҲИНД-ЕВРОПА ТИЛЛАРИ Гвро сиёда мавжуд бўлган, кейинги беп! аср мобайнида эса Шим. ва Жан. Америка, Австралия, қисман Африкада ҳам тарқалган йириктил оилаларидан бири. *Қиёсий-тарихий метод.* шунга мувофиқ равишда *қиёсий-тарихий тилишунослик* ҳам кейинчалик Ҳинд-европа тиллари деб аталган бир қанча тилларни ўрганиш асосида пайдо бўлган. Шу сабабли ҳам Ҳ.-е.т. генетик алоқаларига кўра тилларнинг алоҳида бирлашиш шакли сифатида фараз қилинган дастлабки тил оиласи хисобланади. Одатда фанда бошқа тил оилаларини ажратиш, белгилаш бевосита ёки билвосита Ҳ.-е.т.ни ўрганиш тажрибасига таянади. Шунингдек, бошқа тил гуруҳлари учун қиёсий-тарихий грамматика ва (этимологик) луғатлар тузишда

хам Ҳ.-е.т. учун тузилган ана шундай ишлар тажрибаси ҳисобга олинади.

Ҳ.-е.т.нинг таркиби куйидагилардан иборат: 1) хетт-лувий ёки анатолий гуруҳи (Кичик Осиё-да) 2 хилма-хил хронологик даврга мансуб бир қанча тилларни камраб олади. Булар: мил.ав 18—13-а.лардаги *миххат*|| хетт ёки несит (илк ёдгорлиги — хетт подшоси Аниттаснинг битиклари, кейинроқ — диний маро-сим, мифологик, тарихий, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, эпик ва б. маз-мундаги матнлар), миҳхатли лувий, палай тиллари; оралик давр деб ҳисобланувчи мил. ав. 9—8-а.лардаги иерог-лифик хетт тили; мил.ав. 7—3-а.ларда (антик даврда) мавжуд бўлган ликий, лидий, карий, сидет ва б. қад. тиллар-дир. 19-а. охирлари ва 20-а.да хетт-лувий тиллари материалларининг ўрга-нилиши қадимги Ҳ.-е.т.нинг типи ҳақидаги тасавурларга ҳам, хинд-ев-ропа бобо тилининг қурилиши қандай бўлганлиги ҳақидаги тушунчага ҳам жуда катта ўзгартиришлар киритди; 2) хинд ёки хинд-орий гу-руҳи (Ҳиндистон ярим оролининг шим. қисми, Шри Ланка ороли) 3 даврга мансуб тиллардан иборат. Булар: қад. даврдаги *веда тили* (мил.ав. 2-минг йиллик охири — 1-минг йиллик бошларида яратилган «Ригведа» гимнлар тўплами), мумтоз, эпик ва будда вариантларига эга бўлган *санскрит тили*; ўрта даврга мансуб пракритлар — ўрта хинд тиллари: *пали*, пайшачи, магад-хи, апабхранша ва б. тиллар; янги даврга мансуб хиндий, биҳар, бенгал, ас-сом, ория. маратхий, сингал, синд-хи, ленди, панжоби, ражастхани, гужарот, қҳандеши, пахари, непал, пария (яқинда Ўрта Осиёда аниқланган). лўли (Ҳиндистоннинг ўзида бир неча шева-ларга эга ҳамда жаҳон бўйлаб бир қанча вариантларда тарқалиб кетган) тиллари; 3) эроний гуруҳдаги тиллар ҳам 3 даврга мансуб бўлиб, булар куйидагилардир: қад. даврдаги авесто (муқаддас матнлар тўплами

«Авесто» ёдгорлиги тили), қад. форс (ахоманийлар давридаги, мил.ав. 6—4-а.

ларга мансуб миҳхат ёзувлари тили), мидий, скиф тиллари; ўрта эроний давр (мил.ав. 4—3-а.лар — мил. 8—9-а.лар) га мансуб ўрта форс (ёки пахлавий), парфия, суғд, хоразмий, бақтрия, алан тиллари; янги эроний давр тиллари эса форс (форсий, фор-сийи дари), тожик, пушту (паштў, афгон), ёзувга эга бўлмаган лурий ва бахтиёрий лаҳжалари, балуж (балуч), тот, толиш, гилон ва мазандарон, Марказий ва Ғарбий Эрон лаҳжалари, парачи, ормури, кумзори, мунжон, яғноб, осетин тиллари, шунингдек, кўплаб *помир тиллари*; 4)тохар гу-руҳи «тохар А» (шаркий тохар ёки турфон) ва «тохар Б» (гарбий тохар ёки кучан) тилларидан иборат; 5) арман *тилит* қад. (мил. 5—11-а.лар), ўрта (12—16-а.лар) ва янги (17-а.дан) арман тили ўзаро фаркланади; 6) *фри-зий тили* (Кичик Осиёнинг ғарбий қисми) мил.ав. 8—3-а.ларга мансуб қад. фригий битикларидан маълум ўлик тил; 7) *фракий тили* (Болконнинг шаркий қисми ва Кичик Осиёнинг шим.-ғарбида) — мил.ав. 6—5-а.ларга мансуб бир қанча битиклардан маълум ўлик тил; 8) иллирий гуруҳи (Болконнинг ғарбий қисми ва қисман Италиянинг жан.-шарқида) мил. ав. 6—1-а.ларга мансуб, бир қанча лугавий бирликлар, шахс ва жой номини билдирувчи сўзларда сакланиб қолган ўлик иллирий ва мессап тилларидан иборат; 9) *албан тили* мил. 15-а.га мансуб ёзма ёдгорликлардан бошлаб маълум; 10) *венет тили* (Италиянинг шим.-шарқи-да) мил. ав. 6—1-а.ларга мансуб 250 дан ортиқ битиклар орқали маълум бўлган ўлик тил; II) юнон (грек) гу-руҳи асл юнон (қад. грек. — мил.ав. 15—11-а.лар), Гомер достонлари тили (мил.ав. 10—9-а.лар), ўрта грек тили (мил. 1—15-а.лар) каби ўлик тилларни ҳамда янги, замонавий грек тилини камраб олади; 12) италий гу-руҳи (Апеннин ярим оролида) қад. даврдаги *лотин тилини* (дастлаб Рим шеvasи мақомида бўлиб, кейинчалик бутун Италияга, Европанинг катта қисмига, Шим. Африкага тарқалган, мил.ав. 6-а.га мансуб битиклардан маълум ўлик тил), оск,

фалиск, умбр, сикул тилларини ҳамда янги даврдаги *роман тилларини* камраб олади; роман гуруҳи француз, окситан (провансаль), испан, каталан, гали-си(я), португал, итальян, сард, рето-роман, румин, молдован, арумун (аромун) ва 19-а. дан ўлик ҳисобланадиган далматин тилларидан иборат.

Роман тиллари асосида *эсперанто* каби халқаро сунъий тиллар пайдо бўлган; 13) кельт гуруҳи (Ғарбий Европанинг чекка қисми — Ирландия ва Шотландиядан Пиреней ярим оролигача бўлган ҳудудда) 3 гуруҳчага (галл, бритт, гойдель) бўлинади. Бу гуруҳга галл (ўлик), уэльс, бретон, корн (ўлик), ирланд, шотланд (гэл), кельт, кельтибер, мэн (ўлик) ва б. тиллар киради; 14) герман гуруҳи ўз навбатида 3 гуруҳчага бўлинади: шарқий герман [ўлик тиллар — гот (мил. 4-а.дан маълум), вандал, бургунд ва б.], ғарбий герман [юқори немис, немис, ициш (янги яҳудий), қуйи немис, нидерланд (голланд), фла-манд, африкаанс (бур), қад. инглиз (ўлик), инглиз, фриз тиллари] ва шим. герман [исланд, дан (дат), швед, норвег (бир-биридан фаркланувчи 2 адабий шакли бор), фарер тиллари] гу-руҳчалари; 15) болтиқ гуруҳи одатда ғарбий болтиқ [прус, ятвяж (судав), галинд (голяд), шалав каби ўлик тиллар] ва шарқий болтиқ (лит-ва, латиш — жонли тиллар, курш, селон — ўлик тиллар) гуруҳчаларига ажралади; 16) славян гуруҳи ҳам ўз навбатида 3 гуруҳчага бўлинади: жан. славян [эски славян (10—11-а. ёдгорликларидан маълум ўлик тил) ва жонли тиллар: болгар, македон, серб-хорват, словен тиллари], ғарбий славян (чех, словак, поляк, кашуб каби жонли тиллар ҳамда ўлик полаб тили ва б. бир қанча лаҳжалар) ва шарқий славян (рус, украин, белорус тиллари) гуруҳчалари.

Шубҳасиз, юқоридагилардан бошқа Ҳ.-е.т. ҳам мавжуд бўлган. Уларнинг баъзилари исиз йўқолиб, «ўлиб» кетганлар, баъзилари эса у ёки бу даражада топонимика материалларида ҳамда *субстрат* сўзларда сақланиб қолган. Яна бошқа

бир тилларнинг (мас. этруск тили) эса Ҳ.-е.т.га мансублиги масаласи ҳанузгача ҳал этилмаган.

Ҳ.-е.т.нинг давр ва макон қамрови жуда улкан: давр нуқтаи назаридан Ҳ.-е.т. мавжудлиги мил. ав. 2-минг йиллик аввалидан бошланса, макон нуқтаи назаридан эса ғарбда Атлантика океани қирғоқларидан шарқда Марказий Осиёгача, шим.да Скандинавиядан жан.да Урта денгизгача бўлган улкан ҳудудда мавжуд бўлган; кейинги 500 йил ичида инглиз, испан, француз, португал, нидерланд, рус каби янги Ҳ.-е.т.нинг кенг тарқалиши, ёйилиши бу тилларнинг барча китъаларда пайдо бўлишига, асосий ёки иккинчи, ёрдамчи тил сифатида қўллана бошлашига сабаб бўлди. Ҳ.-е.т.нинг тарқалишида табиий-тарихий тарзда ёки мустамлакачилик сиёсати туфайли рўй берган аҳоли (халқлар, элатлар) миграцияси ҳам катта роль ўйнаган.

Ҳ.-е.т. тармоғининг диалектал бўлиниши хусусиятларидан бири сифатида ҳинд-орий тиллари билан эроний тилларнинг, болтиқ тиллари билан славян тилларининг жуда яқинлигини, италий ва кельт тилларининг эса бир қадар яқинлигини кўрсатиш мумкин. Бундай яқинлик ва ўхшашликлар бошқа тил гуруҳларида ҳам кузатилади.

Ҳинд-европа тилшунослиги тарихининг бир ярим асрдан кўпроқ даври мобайнида Ҳ.-е.т.нинг таркиби ҳақидаги тушунча одатда тилларнинг кўпайиб бориши томон ўзгаргани каби (мас, Ҳ.-е.т.нинг дастлабки ядроси, ўрганилиш объекти санскрит, юнон, лотин, герман тиллари бўлган бўлса, кейинчалик бу доира кельт, болтиқ, славян тиллари, албан ва арман тиллари, 20-а.да эса хетт-лувий ва тохар тиллари ҳисобига кенгайди), бу тушунча ҳозир ҳам унчалик барқарор эмас, чунки ҳали чуқур ўрганилмаган, тўла ўқиш имкони бўлмаган тиллар анчагина. Рус олими В.М.Иллич-Свитич томонидан Ҳ.-е.т.нинг янада қадимийроқ қариндошлик алоқалари ҳақидаги назария илгари сурилган. Унга кўра, Ҳ.-е.т.нинг «ностра-

тик» деб аталувчи ва сом-ҳом (афроосиё), урал, олтой, дравид ва картвел сингари йирик тил оилаларини қамраб олувчи улкан оила билан қариндошлик алоқалари бир қатор фо-нетик ва қисман морфологик мослик (ўхшашлик)лар билан ишботланган. Ҳ.-е.т.-ни ўрганиш, биринчидан, *қиёсий-тарихий методнинг* келиб чиқишига ва *қиёсий-тарихий тилшуносликнинг* пайдо бўлишига, иккинчидан, бу соҳанинг қиёсий-тарихий тилшуносликдаги алоҳида бир бўлим — ҳиндевропашунослик тарзида шаклланишига сабаб бўлди.

ЛЛ.Мейе А., Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков, пер. с англ., М.-Л., 1938; Порциг В., Членение индо-европейской языковой области, пер. с нем., М., 1964; Иванов В.В., Общеиндоевропейская, праславянская и анатолийская яз.-ковмс синтезм, М., 1965; Ил л и ч-С витмч В.М., Опнт сравнения ностратических яз.-ков. Сравнительный словарь [т. 1—3], М., 1971—84; Язмки Азии и Африки, т. 1—2. Ин-доевропейские языки, М., 1976—78; Гамк-релидзе Т.В., Иванов В.В., Индо-европейский язык и индоевропейцы. Рекон-струкция и историко-тиологический анализ праязмка и протокультурн, кн. 1—2, Тбилиси, 1984; Сравнительное яз.-ковзнание и история яз.-ков. Л., 1984.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Илҳом Мадрахимов, Ўроқ Лафасов.

ХИНД-МАЛАЙ ЗООГЕОГРАФИЯ ОБЛАСТИ, Шарқий область-қуруқлик зоогеография области, Осиёнинг жан. қисми, Осиё билан Австралия оралиғидаги кўпчилик ороллари ўз ичига олади. Кўп қисми тропик ўрмон, шим. қисми тоғлик, факат кичик бир қисми чўл ва саванналардан иборат. Фаунаси нисбатан қад., асосан, дарахтларда яшовчи ҳайвонлардан иборат. Ҳайвонот дунёси хил-ма-хил бўлишига қарамадан, йирик систематик гуруҳга мансуб эндемиклар кам. Сутэмизувчиларнинг 4 оиласи: *узунтовонлилар*, *жунқанотлилар*,

тупайялар ва *гиббонлар* эндемик. Ўзига хос ҳашаротхўрлар (мас, типратикан), бир неча тур йирткичлар: мушуклар, веверралар, айиклар; туёқлилар: тапирлар, каркидонлар (3 тур), бугулар, буйволлар (ҳинд ва карлик буйвол, гаур, бантенг, кулранг хўкиз), анти-лопалар (нильгау, 4 шохли ва бурама шох антилопа), фил, маймунларнинг бир неча тури (жумладан, орангутан) бор. Кўршапалаклар ва кемирувчилар айниқса хилма-хил. Кўршапалаклар орасида ўсимликхўрлари (учар итлар) ҳам кенг тарқалган. Айрим дарёларда дарё дельфинлари яшайди.

Қушлар айниқса жуда хилма-хил, эндемик турлари кокилли узунқанот-лилар, шохтумшуклилар оилаларида кўп учрайди. Судралиб юрувчилардан гекконлар, эчкемарлар, ағамалар, сцинклар, илонлар, тошбақалар (жумладан, қатта бошли тошбақа), тимсоҳларнинг бир неча тури (жумладан, гавиаллар, аллигатор) кенг тарқалган. Сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар турлари кўп эмас; думлилар учрамайди; думсизлардан қурбақалар (жумладан, учар бақа, қурилқоқ бақалар) яшайди. Балиқлар фаунаси ҳам хилма-хил: карпсимонлар, лаққанинг бир неча тури кўп учрайди; йирик дарёларда акулалар бўлади.

Ҳ.-м.з.о. фаунаси тарихан эфиопия зоогеография области фаунасига яқин. Каркидонлар, филлар, торбурунли ва одамсимон маймунлар, қалтақесақлар, айрим лемурлар, туёқдиларнинг айрим уруғлари (мас, буғучалар, буйволлар), товуслар, узун бурун қушлар, судралиб юрувчилардан ҳамелеонлар, эчке-марлар ва ағамалар ҳар икки областда ҳам учрайди. Ҳ.-м.з.о.нинг турли қисмида ҳайвонот дунёси кескин фарқ қилади. Бу ҳол область худудининг асосий қисми ороллاردан иборатлиги туфайли ҳайвонлар ареалининг ажралиб қолганлиги билан боғлиқ. Ҳ.-м.з.о. Ҳин-дистон-Ҳиндихитой ва Малай кичик областларига бўлинади.

Ҳ.-м.з.о. худудида қад. маданият ўчоғи бўлган мамлакатлар жойлашган. Бу мамлакатларда қ.х. ҳайвонларининг

бир қанча турлари: буйвол, гаур, бан-тенг, чўчка, товук, товус, хиндистон ари-си хонакилаштирилган.

ХИНД-ЭРОНИЙ ТИЛЛАР, орий т и л л а р — *хинд-европа тиллари* оиласининг бир тармоғи; *хинд тиллари* ва *эроний тилларцзм* иборат. Унинг таркибига, шунингдек, дард тилла-р и (Афғонистон, Покистон ва Хин-дистон шим.даги тоғли ўлкаларда тарқалган кашмирий, шина, пхалура, кхўвар, гавар, дамели, пошойи каби 20 дан ортиқ тиллар — 4 млн.дан ортиқ киши сўзлашади) ва нуристон тиллари (Афғонистоннинг Нуристон тоғли вилоятида тарқалган 10 га яқин тил — 150 мингдан ортиқ киши сўзлашади) ҳам киради. Шундай қилиб, Х.-э.т. тармоғи 150 га яқин жонли ва 20 га яқин ўлик тилларни қамраб олади ва уларда тахм. 900 млн.га яқин киши сўзлашади (ўтган асрнинг охирилари).

Х.-э.т.нинг қад. вакиллари бўлган орийларнинг келиб чиқиши ва асл ватани ҳақида 2 хил фикр мавжуд. Биринчи фикрга кўра, орийлар дастлаб ягона қабила, элаг сифатида Ўрта Осиёда яшаб, кейинчалик уларнинг бир қисми Хиндукуш тоғлари орқали Хиндистонга, бир қисми Эронга бориб ўтrockлашган. Иккинчи тахминга кўра, орийлар ватани жан.рус даштликлари бўлиб, улар Кавказ орқали Эрон ва Хиндистонга кўчиб ўтганлар. Қиёсий-тарихий грамматика ушбу тилларда умумий фонемалар тизими, умумий луғавий таркиб, умумий морфология ва сўз ясалиш тизими ва ҳатто умумий синтактик белгилар бўлганли-гини тасдиқлайди. Орийлар номини билдирувчи «агуа» атамаси ҳам умумий бўлиб, жуда кўп хиндий ва эроний этник терминларда ўз аксини топган (ушбу сўз шаклидан ҳоз. Эрон давлатининг номи келиб чиққан). Қад. хинд ва эрон обидалари «Ригведа» ва «Авес-то» ҳам баъзи жиҳатлари билан ўзаро шунчалик яқинки, уларни бир асос манбанинг 2 варианты деб ўйдаш мумкин. Олимлар орий қабилаларнинг 2 қисмга (хинд-

орий ва эроний шохоб-чаларга) ажралиши мил.ав. 2-минг йилликнинг бошларида рўй берган деб ҳисоблайдилар. Ушбу тармоққа мансуб қад. (ўлик) тиллардан хинд-орий гуру-хидаги веда тили, санскрит, пали тилларини, эроний гурухдаги авесто тили, қад. форс, ўрта форс (пахлавий), парфия, суғд, хоразмий, сак тилларини ва б.ни кўрсатиш мумкин. Хинд-орий гурухидаги тиллар эроний тилларга нисбатан бирмунча консерватив (ўзгармас) бўлиб, уларда хинд-евро-па, хинд-эроний даврларнинг баъзи архаизмлари яхши сақланиб қолган, айни пайтда эроний гурухдаги тиллар фонетика ва морфология соҳасида бир қанча жиддий ўзгаришларга учраган. Ҳоз. Х.-э.т. Хиндистон, Покистон, Бангладеш, Эрон, Непал, Шрилан-ка, Афғонистон, Туркия, Ироқ, тожикистон, Шим. ва Жан. Осетия, Гру-зия ва б. жойларда тарқалган. Бу гармоқдаги тиллар мазкур 2 гурух тиллари тараккиётининг умумий типологиясини кўрсатувчи бир қанча умумий тамой-иллар билан ажралиб туради. Дард тиллари Х.-э.т. тармоғидаги 2 асосий гурух ўртасида алоҳида оралик гурухни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу тилларнинг аниқ ўрни ҳақида ягона фикр йўқ: имглиз олимлари Р.Б.Шоу, Ж.А.-Грирсон ва норвег гилшуноси С.Ко-повлар дард тилларини кўпроқ эроний гилларга яқин деб ҳисобласалар, имглиз олими Р.Л.Тернер ва норвег олими Г.Моргенстерпье уларни бутумлай хинд-орий тилларига мансуб деб топа-дилар. Грирсон (сўгпти ишларида) ва россиялик тилшунос Ж.И.Эдсльманлар эса дард тилларими хинд-орий ва эроний тиллар ўргасидаги оралик ўринга эга бўлган мустақил гурух деб ҳисоблайдилар.

Ад.: ‘Эдсльман Д.И.. Дардскис яш ки, М., 1965: Грюнберг А.Л., Опыт лпшннстической каргь! Нуристана. «Слранм и пародм Востока», М.. 1971: Эдсльман Д. И .. Срапиитсльпая грамматика иосточно иранских яшкои. Фопология, М.. 19Х6.

Анвар Исмоилов. Абдувиҳоб Мадвалиев.

ХИНДАУР, Ҳиндур — Ҳиндистон-пинг марказий қисмидаги шаҳар. Мадхья-Прадеш штатида. Аҳолиси 1,5 млн. киши (2001). Транспорт йўллари чорраҳаси. Муҳим савло маркази. Ип газлама саноати ривожланган. Кимё, машинасозлик ва металлсозлик, озик-овқат (еғ-мой, ун тортиш) саноати корхоналари мавжуд.

ХИНДИСТОН (хиндча Бҳарат), Ҳиндистон Республикаси — Жан. Осиё-лаги давлат. Худуди шим.дан жан.га 3214 км, гарбдан шарққа 2933 км га чўзилган. Шим.да Ҳимолай тоғлари, гарбда Арабистом денгизи, шарқда Бенгалия қўлтиги билан ўралган. Ҳ. таркибига Арабистон денгизидаги Лаккадив ва Аминдив о.лари, Бенгалия қўлтигидаги Андаман ва Никобар о.лари ҳам қиради. Майд. 3,3 млн. км². Аҳолиси 1 млрд. 49,5 млн. киши (2002). Пойтахти — *Дехи* ш. Маъмурий жиҳатдан 28 штат (з(а)е) ва 7 иттифоқ худуд ((егп(огу)га бўлинади.

Давлат тузуми. Ҳ. — федератив республика. Буюк Британия бошчилигидаги *Ҳамдўстлик* таркибига қиради. Амалдаги конституцияси 1950 й. 26 янв.дан кучга кирган; кейинчалик ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиги — президент (2002 й.дан А.П.Ж. Абдул Каллам). У парламентнинг икки паллагаси ва штатларнинг қонун чиқарувчи органлари аъзоларидан иборат сайловчилар ҳайъати томонидан 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент па икки палата — Штатлар кепгаш (Ража сабха) ҳамда Халқ палатаси (Лог сабха)дам иборат парламент, ижроия ҳокимиятни президент ва бош вазир бошчили-гидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ҳ. қирғоқлари кам парчаланган, паст, қумли. Асосан, Ҳиндистон я.о. ва Ҳиндгангтекислигида жойлашган; Ҳимолай ва Қорақурум тоғларининг бир қисмини ўз ичига олали. Ҳ. худудининг 3/4 қисми текислик ва ясситоғлик.

Ҳиндистон я.о.нинг деярли ҳаммасини *Декан ясситоғлиги* эгаллаган (шарққа томон 900 м дан 300 м гача пасайиб боради). Ҳиндис-том я.о. шимолида аллювиал *Ҳиндганг текислиги* жойлашган. Ер шаридаги энг баланд тоғ тизмаси — *Ҳимолай* (Ҳ.да баландлиги 8126 м, Нангапарбат тоғи) ва *Қорақурум* тоғлари Ҳ.ни шим.дан тўсиб туради. Ҳ.да фойдали қазилмалардап тошқўмир, темир рудаси, титам, олтин, табиий газ, марганец, хромит, боксит, олмос, қимматбаҳо тошлар, мис, нефть, слюда, кўрғош-шин конлари бор. Иқлими, асосан, тропик иқлим, шим.да тропик мус-сонли иқлим. Июнь — окт.да иссиқ ва нам, нояб.— фев.да куруқ, салқин, март — майда жуда иссиқ ва куруқ иқлим. Нам мавсумда йиллик ёғиннинг 70—90% ёғади. Йиллик ёғин Фарбий Гат ва Ҳимолай тоғларининг шамолга рўпара ём бағирларида 5000—6000 мм, Шиллонг платосида 12000 мм (Ер юзидаги энг серёгин жой), Ҳиндганг текислигида 100 мм, Ҳиндистон я.о.нинг марказий қисмида 300—500 мм. Январнинг ўртача т-раси текисликларда 15° (шим.да), 27° (жан. да), май ойиники ҳамма жойда 28—35°, айрим вақтларда 48°. Тоғларда ўртача т-ра январда — Г, —8°, июлда 18—23°. Асосий дарёлари: *Ганг*, ирмоғи *Жамна*, *Ҳинд* (ғокори оқими), *Брахма-путра* (куйи оқими), Нармада, *Года-вари*, Кришна. Дарёлари ёзда серсув (муссон ёмғирлари даврида тошади), суғоришда кенг фойдаланилади, айримларида кема қатнайди. Тупроқлари Ҳ. худудининг аксари қисмида қизил, Декан ясситоғлигида қора, Ҳиндганг текислиги ва денгиз бўйи пасттекисликларида жигарранг тупроқ. Ҳимолай тоғлари ём бағрида тоғ-жигар ранг, сарик, тоғ қўнғир-ўрмон. подзол, тоғ-ўтлоқи тупроқлар пастдан юқорига алмашиниб боради. Ўсимликлардан акация, бамбук, кокос ва хурмо пальмаси кенг тарқалган. Мамлакатнинг 25% ўрмон. Ҳимолай тоғлариниш қуйи ён бағирларида терак, юқорида тик, сандал, ҳимолай кедри, қорақарагай, окқарагай ўсади. Фарбий

Гат тоғлари ён бағри, Ганг ва Брахмапутра дель-талари, Шаркий Ҳимолай тоғ олди доим яшил ўрмонлардан иборат. Ҳ.да ўсимликларнинг 21 минг тури тарқалган. Унда Ер юзида мавжуд бўлган барча ўсимликнинг ярмидан кўпини учратиш мумкин.

Ҳайионот дунёси хилма-хил. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг 350 тури, кушларнинг 1600 дан зиёд тури бор. Ҳ. худудида фил, маймун, каркидон, шер, коплон, йўлбарс, мангуст ва б. ҳайвонлар яшайди, иломнинг деярли барча тури мавжуд. Мамлакатда 75 миллий боғ ва 420 дам ортик кўриқхона мавжуд. Иирик миллий боғлари: казиранга, Манас, Дачиган, Дадва, «Гуллар водийси» (Уттар-Прадеш), Сариска ва б.

Аҳолиси. Ҳ. — дунёда энг кўп миллатли мамлакатлардан бири. Ҳ.да турли тилларда сўзлашувчи бир неча юз миллат, элат ва қабила яшайди. Аҳолисининг 72% *ҳинд-европа тилларининг* ҳиндорий тиллари гуруҳида сўзлашувчи халқлар — хиндустонийлар, маратхлар, бенгаллар, бихарлар, гужаротлар, ориялар, ражастхонилар, панжобилар ташкил этади. Кашмирилар дари тил гуруҳига мансуб. Ҳ. жанубида, асосан, дравид тилларида, шим. ва шим.-шарқида тибет-бирма тилларида сўзлашувчи халқлар яшайди. Шаҳар аҳолиси 30%. Расмий тиллар — ҳинд ва инглиз тиллари. Аҳолининг кўпчилиги (83%) хиндуийлик динига эътикод қилади; ислом (10%), христиан (2%), сикхизм (2,5%) ва б. динларга эътикод қилувчилар ҳам бор. Иирик шаҳарлари: Калькутта, Бом-бай, Дехли, Ченнай, Бангалор, Аҳмадобод, Ҳайдаробод, Пуна, Кан-пур, Нагпур, Жайпур, Лакхнау.

Тарихи. Археологик топилмалар Ҳ.да одамлар тош давридаёқ яшаганлигидан далолат беради. Мил. ав. 3-минг йилликнинг 2-ярми — 2-минг йилликнинг 1-ярмида Ҳинд дарёси водийсида юксак даражада ривожланган шаҳар маданияти вужудга келган (қ. *Ҳараппи маданияти*). Мил. ав. 2-минг йилликнинг

2-ярмида шим.-ғарбдан Ҳ.га *орийлар* киб келиб, аввал Пан-жоб, кейинчалик Ганг дарёси нодийсида жойлашдилар. Мил. ав. 6-а.да шимолий Ҳ.нинг шаркий қисмида, Ганг ва Жамна дарёлари ҳавзаларида *Мага-й*» адавлати бўлган. Мил. ав. 6—4-а.ларда иктисодий тараққиёт кад. ҳинд жамиятида турмуш шароитларини анча ўзгартирди. Куллар ва ёлланма ишчиларнинг меҳнатидан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва кончилик ишларида фойдаланилди. Ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши диний-сектантлик ҳаракатини пайдо қилди, оқибатда *буддизм* ва *жайнизм* динлари вужудга келди. Мил. ав. 4-а. ўрталарида Нандалар сулоласи даврида қарийб бутун Ҳинд дарёсининг водийси магадха давлати тасарруфида бўлган. магадха давлати раванқ топган даврда Ҳинд дареси ҳавзасининг бир қис-мини *Ахоманишлар* босиб олди. Мил. ав. 327—325 й.ларда Ҳ.га Искандар Мақдуний бостириб кирди. Магадха давлатининг босқинчилик урушлари Маурийлар империяси даврида ҳам давом этди. Подшо Ашока ҳукмронлигида қарийб бутун Ҳ. ва ҳоз. Афғо-нистоннинг бир қисми Маурийларга қарашли эди. Мил. 1-а.да Ҳ. шим.нинг катта қисми кушонлар қўл остига ўтди (қ. *Кушон подшолиги*). Кушонлар давлати емирилгач, 4-а.да Ҳ. шим.да яна Магадха давлати раванқтопти. Кейинчалик Гупталар сулоласи даврида шимолий Ҳ.нинг талайгина қисми — шарқда Бенгалия қўлтигилан гарбда Панжоб ва Катхиявар я.о.гача бўлган ҳудуд Магадха давлати таркибига кирди. Худди шу даврда Декапда Ваката-ка, Паллавар, Ванга каби давлатлар мавжуд бўлган. 2—4-а.ларда бу ерда кулдорлик тузуми емирила бошлаган. 6—12-а.ларда Ҳ.да бир неча давлат мавжуд бўлган. 7-а.нинг 1-ярмида маҳаллий подшолардан бири Ҳарша Ҳ.шим. даги бир неча давлатларни забт этиб, Ҳарша империясига асос солди. Бу империя 30 й. ҳукм сурди. 8-а. бошларида араблар Синдни босиб олдилар. 11-а. бошларида *Маҳмуд Ғазнавий* Ҳ. шим. га

бир неча марта хужум қилиб, Пан-жобнинг бир қисмини ўз давлати таркибига қўшиб олган. 12-а. охири — 13-а. бошларида Ҳ. шим.ни Ғурийлар давлати ҳукмдори Муҳаммад Ғурий забт этди. Унинг ўлимидан сўнг Ғурий ноибларидан бири Кутбиддин ОйбоқДеҳли султонлигига асос солди. 14—15-а.ларда хинд рожаларининг ҳокимияти сақланган Ражпутана (қ. *Рожастхон*) дан ташқари Ҳ. шим.да мустақил Жаунпур, Бенгалия, Гужарот, Малва ҳамда Деканнинг шим. да Бахмоний султонлиги пайдо бўлди. Афгонларнинг *Лудийлар* сулоласи ҳукмронлиги даври (1451 — 1526)да Ганг дарёси водийсининг талайгина қисми султонликка қўшиб олинди. 15-а. охирида Ҳ.га дастлабки ев-ропалик мустамлакачилар — португаллар кириб келди ва 16-а.нинг 1-ярмида улар денгиз соҳилига жойлашиб олдилар. 1526 й. апр. да Захириддин Муҳаммад *Бобур* панипатдаги жангда Иброҳим Лўдийни енгиб, Деҳли султонлигини эгаллади ва Ҳ.да *Бобурийлар давлатига* асос солди (бу давлат 1858 й.гача мавжуд бўлди). 17-а. бошларида Ҳ.га Англия ва Голландиянинг Ост-Индия компаниялари сукилиб кирди ва португалларни Ҳ. билан олиб бораётган денгиз савдосидан маҳрум қилиб, мамлакатда қатор фактория (савдо-сотик пунктлари) оча бошлади. 1664 й. фран-цузларнинг Ост-Индия компанияси ҳам ташкил этилди. Бобурийлар ўртасидаги ўзаро ички кураш инглиз ва французларнинг Ост-Индия компанияларига Ҳ.да ҳарбий экспансия уюштириш имконини берди. Ҳ.да устунликка эришиш учун бу икки компания ўртасида Жаиубий Ҳ.да бўлиб ўтган жанглар (1756—63) натижасида Англиянинг Ост-Индия компанияси ғолиб чиқиб, Бенгалияни забт этди, Карнатик ва Ауд хонлиқларини ўз вассалларига айлантирди. 1803 й. Деҳли босиб олингач, бобурий подшолар инглизлар Ост-Индия компаниясига мутлақ қарам бўлиб қолди. 1833 й. Ост-Индия компанияси савдоташкилоти сифатида гугатилиб, унга Ҳ.ни му-

стамлакачилик асосида бошқариш вази-фаси юк-латилди. Ҳ. сскин-аста Буюк Британи-яга қ.х. хом ашёси етказиб берадиган базага айланиб қолди. 19-а. ўрталарида мустамлакачиларга қарши халқ кўзго-лонлари бўлиб ўтди. 1857—59 й.ларда бўлиб ўтган машхур сипохийлар кўзго-лони (қ. *Ҳиндистон халқ кўзго-лони*) Ҳ.нинг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатди. 1858 й. Ост-Индия компани-яси тугатилиб, Ҳ.ни бевосита Буюк Британия идора қила бошлади. 19-а.нинг 80-й.ларидан мамлакатда халқнинг норозилик намоишлари, митинглар, иш ташлашлар авж олди. 1885 й. қатор миллии ташкилотлар бирлашиб, *Ҳиндистон миллий конгресси* (ҲМК)га уюшди. 20-а. бошлари унда Б. *Тилак* бошчили-гида сўл демократик оким шаклланди. 1905-08 й.ларда миллий озодлик ҳаракати янада авж олди. Айникса, 1908 й.ги Бомбай иш ташлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буюк Британия ҳукумати миллий озодлик ҳаракатини диний жамоа белгилари бўйича бўлиб ташлашга ҳаракат қилди ва 1906 й. Му-сулмонлар лигаси партиясининг пайдо бўлишига қўмаклашди. Унга қарши хиндуларнинг Ҳинду маҳасабха (хиндуларнинг буюк иттифоқи) сиёсий ташкилоти тузилди. 1-жаҳон уруши даври (1914—18)да Ҳ. метрополия томонида урушда катнашди. 1918 й.дан мустамлакачиликка қарши кураш янада авж олди. Бу даврда ҲМК раҳбарларидан бири бўлган М.К.Ганди мустамлакачиларга қарши курашнинг *сатьяграха* (куч ишлатмасдан қаршилик кўрсатиш) шаклини тарғиб қилди. Ганди таълимоти — *гандизм* ҲМК партиясининг расмий маф-курасига айланди. Инглиз мустамлакачиларининг *Амритсар қирғини* (1919 й. апр.)дан сўнг дек.да ҲМК итоат қилмаслик кампаниясини авж олдирди. 1918—22 й.ларда ишчилар ҳаракати кучайди. 1920 й. Бугун Ҳин-дистоп касаба уюшмалари конгресси ташкил этилди. 1923—27 й.ларда миллий озодлик ҳаракати вақгинча сусайди. 1927 й.

ҲМҚда антиимпериалистик курашни фаоллаштириш тарафдорларини бирлаштирган сўл қанот вужудга келди. Унга Ж. Неру ва С.Ч.Бос раҳбарлик қилдилар. 1929—30 й.лардаги жаҳон иқтисодий бўҳрони антиимпери-алистик ҳаракатни янги босқичга кўтарди. 1930 й. ҲМҚ М.Ганди раҳ-барлигида яна бўйсунмаслик кам-паниясини бошлаб юборди. 1931 й. мартда ҲМҚ раҳ-барлари мустамла-қачи ҳукмрон дои-ралар билан музокара бошлади. Ҳар икки томон келиша олмагач, бўйсун-маслик кампанияси давом эттирилди (1934 й.гача). 1935 й. Англия парла-менти Ҳ.ни бошқариш тўғрисида ҳужжат (қонун) қабул қилди. Бунга кўра, вилоятларнинг мухтор ҳуқуқлари бир оз кенгайтирилди, уларда маҳаллий ҳуқумат тузилди, лекин ҳокимият илгаригидек инглиз мустамла-қачилари қўлида қолаверди. Мамлакатда бу реакцион ҳужжатга қарши намоишлар бўлиб ўтди. 1936 й. ҲМҚ империалистик кучларга қарши ягона фронт тузиш вазифасини илгари сурди. 2-жаҳон уруши (1939—45) даврида Ҳ. антифашистик коалиция томонида бўлди. Уруш сўнггида Ҳ. билан Англия империализми ўртасида иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кескин кучайди. 1946 й. бошида армия, флот ва авиацияда инглизларга қарши оммавий чиқишлар бўлиб ўтди. 1946 й. 18—23 фев.да Бомбайдаги ҳарбий денгизчилар кўзғолони инқилобий ҳаракатнинг юқори чўққиси бўлди. Англия ҳуқу-мати миллий ҳаракат раҳбарлари билан музокара бошлаб, 1946 й. баҳорда Ҳ.га *доминион* мақомини беришга қарор қилганлигини эълон қилди. 1946 й. авг. да *Ж.Неру* бошчилигида муваққат ҳуқу-мат тузилди. Миллий озодлик ҳаракат-тининг авж олиб кетиши натижасида инглиз мустамлақачилари Ҳ.дан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1947 й. 15 авг.да Ҳ. худудида икки мустақил давлат — Ҳ. (асосан, ҳиндулардан иборат) ва *Покистон* (асосан, мусулмонлардан иборат) доминионлари вужудга келди. Ҳ.нинг биринчи бош вазири ҲМҚ етакчиси Ж. Неру бўлди.

1950 й. 26 янв.да Ҳ. суверен республика деб эълон қилинди. Мамла-катда аграр ислохотлар ўтказила бошланди. Саноат-да давлат секторини яратиш ва уни ривожлантириш, қ.х.да заминдорлик ер эгаллигини тугатиш йўллари бел-гиланди. 1964 й. майда Ж. Неру вафотидан сўнг ҲМҚ партисининг аҳволи оғирлашди. 1965 й. кузда Ҳ. — Покистон можароси юз берди. 1966 й. *Тошкент учрашуви*ца имзоланган Тошкент декларацияси икки мамлакат ўртасидаги низоларни ҳал қилинишига асос бўлди. 1966 й. янв.да Л.Б.*Шастри* вафотидан сўнг Ж.Неру-нинг кизи — *И.Ганди* Ҳ. Бош вазири бўлди. 1977 й. мартда парламентга ўтказилган сайловда Жаната парти (партияси) ғолиб чиқди. Бу ҲМҚнинг кейинги 30 й. (1947—77) мобайнидаги биринчи йирик мағ-лубияти эди. Жаната парти етакчиси М.Десаи Ҳ. Республикасининг тўртинчи Бош вазири бўлди. 1977 й. мартдаги мағлубиятдан кейин ҲМҚ партияси инқироз даврини бошидан кечирди. Партиянинг бир қанча кўзга кўринган раҳбарлари Жаната партига ўтиб кетди. 1978 й. янв.да солиқ Бош вазири И.Ганди ва унинг бир қанча тарафдорлари ҲМҚ дан чиқиб, янги партиа — ҲМҚ(И)ни туздилар. 1980-89, 1991-96 й.лар ва 2004 й.дан ҲМҚ [1978 й.дан ҲМҚ (И)] ҳокимият тепасида. Ҳ - 1945 й.дан БМТ аъзоси. 1991 й. 26 дек.да УзР суверенитетини тан олган ва 1992 й. 18 мартда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрамлари: 26 янв. — Республика куни (1950) ва 15 авг. — Мустақиллик куни (1947).

Асосий сиёсий партиа ва касаба уюш-малари. Ҳ. миллий конгресси (И) партияси, ҲМҚ (1885 й. 28 дек.да ташкил этилган)даги бўлинишдан кейин 1978 й. янв.да тузилган; Бхаратия жаната парти, Жаната парти (1977 й. тузилган) нинг бўлиниши натижасида 1980 й. апр.да ташкил этилган; Жаната дал партияси, 1988 й. 11 окт.да тузилган; Ҳ. Коммунистик партияси, 1925 й. 26 дек.да асос солинган; Ҳ. Коммунистик партияси

(марксистик), 1964 й. нояб.да тузилган. Умумхиндистон касаба уюшмалари конгресси, 1920 й. тузилган; Ҳ. касаба уюшмалари миллий конгресси, 1947 й. асос солинган; Ҳинд касаба уюшмалари маркази, 1970 й. ташкил этилган.

Хўжалиги. Ҳ. — аграр-индустриал мамлакат. Саноат и.ч., жалб қилинаётган хориж сармоёси ҳажми жиҳатидан дунёдаги ривожланган ўнта давлат каторига киради. Ялпи ички маҳсулотда қ.х., ўрмон хўжалиги ва балиқ овлаш 25%, саноат 30%, хизмат кўрсатиш тармоғи 45% ни ташкил этади. Иқтисодиёти кўп укладли. Ялпи миллий маҳсулотининг 28% ни ташкил этувчи давлат сектори ҳарбий саноат тармоқлари, атом энергетикаси, транспорт ва алоқада етакчи ўрин эгаллайди.

Кишлоқ хўжалигида майда деҳқон хўжаликлари устунлик қилади. Мамлакатда 8 млн.дан ортиқ фермер хўжалиги бор. Ишланадиган ерлар (165 млн. гектар) мамлакат ҳудудининг 2/3 қисмини ташкил этади; шундан 141 млн. гектари фақат экинзор (35 млн. гектаридан йилига икки марта ҳосил олинади). Қ.х. майдонининг 20% суғорилади. Мамлакатда аҳоли сони кўп бўлишига қарамай, унинг қ.х. маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилибгина қолмай, кўп қисмини экспорт ҳам қилади. Қ.х. деҳқончиликка ихтисослашган. Асосий экинлари — шоли, буғдой, тарик, дук-какли дон экинлари ва мойли ўсимликлар. Ҳ. шакарқамиш, ер ёнғоқ, чой, жут, канақунжут, пахта етиштириш бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Шунингдек, каучук, кофе, маккажўхори, тамаки, қалам-пир, зираворлар (мурч, қардамон, мушк, долчин ва х.к.) етиштирилади. Ҳда кокос пальмаси, банан, цит-рус ва б. мевали дарахтлар ҳам ўсти-рилади. Чорвачилигида қорамол, қўй, эчки, чўчка, йилқи, туя, пар-ранда боқилади. Пиллачилик ривожланган. Балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади. Ўрмон хўжалигида қиммат-баҳо ёғоч тайёрланади.

Саноатида марганец, слюда (ду-нёда

олдинги ўринлардан бирида), тошқўмир, титан, темир рудаси, ол-тин, табиий газ, хромит, нефть, бок-сит ва б. қазиб олинади. Йилига ўртача 380 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади (унинг 4/5 қисми иссиқлик электр ст-яларида, 1/7 қисми ГЭСларда); АЭСлар ҳам бор. Етакчи саноат тармоқлари: тўқимачилик (асо-сан, жут ва ип-газлама), озиқ-овқат (қанд-шакар, тамаки), тери-пойабзал саноати. Нефтни қайта ишлаш, це-мент, қоғоз, шиша-ойна и.ч. корхоналари мавжуд. Қора ва рангли металлургия, кимё саноати, машинасозлик ривожланган. Дунёдаги ахборот технологиялари йўналишидаги корхоналарнинг ярмидан кўпи Ҳ.да жойлашган. Ядровий технологиялар ва коинотни забт этиш бўйича етакчи ўринда. Ҳ.да ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 40% га яқинини майда ва хунармандчилик корхоналари беради.

Транпортида т.й. транспорти муҳим роль ўйнайди. Т.й.лар узунлиги 75 минг км (15% электрлаштирилган). Автомобиль йўллари уз. 3 млн. км дан ортиқ. 1984 й. Калькутта ш.да мет-рополитен ишга тушган. Мамлакатда кемалар қатнайди даражаси йўллари сони 14 та. Мамлакат ташқи савдо айланмасининг 90% денгиз йўллари орқали амалга оширилади. Денгиз савдо флотининг тоннажи 10366 минг т дед-вейт. Йирик денгиз портлари: Бомбай, Калькутта, Кочин, Вишакхапатнам, Ченнай. Ҳ.нинг кўп шаҳарлари жаҳондаги йирик шаҳарлар билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Асосий аэропор-тлари Бомбай, Дехли, Калькутта, Бангалор, Ченнай, Бхубанешвар, мадурай ш.ларида жойлашган. Мамлакат ичкарасида хизмат қиладиган 90 та аэропорт мавжуд.

Ташқи савдоси . Ҳ. четга машина ва жиҳозлар, кийим-кечак, тери ва ундан тайёрланган буюмлар, кимёвий товарлар, ип-газлама матолар, жутдан тайёрланган буюмлар, темир рудаси, чой, кофе, зираворлар, кон-серва, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, бриллиант, қимматбаҳо

тошлар чиқаради. Четдан нефть ва нефть маҳсулотлари, и.ч. воситалари, истеъмол моллари ва б. олади. Ташки савдода АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, БАА, Бельгия, Италия, Россия, Франция, Саудия Арабистони ва б. давлатлар билан ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — Ҳиндистон рупияси.

Тиббий хизмати. Мамлакатда соғлиқни сақлаш амалиётида халқ таъботи ҳам кенг қўлланилади. Тиббиёт ходимлари 100 дан ортиқ тиббиёт олий ўқув юрларида, 16 тиш врачлари коллежларида ва 12 бошқа тиббиёт билим юрларида, ўрта тиббиёт ходимлари 480 тиббиёт мактабида тайёрланади. Мамлакатда кўплаб тиббиёт марказлари, замонавий шифохона ва амбулатория тармоқлари мавжуд. Асосий курорт масканлари: Гужарот штатидаги Титхал, Убхрат, Диу, Даман, Маҳараштра штатидаги Мадҳа, Марв, Карнатакадаги Улал, Удили, Мангамуру ва б.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Ҳ. мустақилликка эришган найтда мамлакат аҳолисининг 96% саводсиз бўлган. 1949 й.да қабул қилинган конституция бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун бепуд мажбурий таълим жорий этилди. 2005 й.да саводхонлик даражаси 52% га етди. Мамлакатда катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш мақсадида маҳсус мактаблар очилган бўлиб, уларда 120 млн. киши шуғулланади. Ҳ.да халқ таъдими тизими мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва кичик асосий мактаб, тўлиқсиз ўрта ва тўлиқ ўрта мактабдан иборат. Мала-кали ишчилар хунар билим юрларида тайёрланади. Олий ўқув юрларида ўқиш муддати 5—6 й. ва ўқиш пулли. Давлат ўқув юрлари билан бирга хусу-сий ўқув юрлари ҳам мавжуд. мамлакатда 219 ун-т ва ин-т ҳамда 7 мингдан зиёд коллеж бор. Йирик ва қад. олий ўқув юрлари: Бомбай ун-ти, Калькутта ун-ти, Ченнай ун-ти ва б. асосий кутубхоналари: Калькуттадаги миллий кутубхона (1902 й. ташкил

этилган), Дехлидаги оммавий кутубхона (1951), Ченнайдаги оммавий марказий кутубхона (1896) ва б. Мамлакатда 460 дан ортиқ музей фаолият юритади. Йириклари: Ченнайдаги давлат музейи (1851 й. ташкил этилган), Дехлидаги хоз. замон санъати миллий галереяси (1954), Янги Дехли (Нью-Дели)даги Миллий музей, Варанаси ш.даги Санъат музейи, Калькуттадаги Ҳиндистон музейи (1814), Бирла Технология музейи, Бомбайдаги Ғарбий Ҳиндистон музейи, Дехлидаги Ж.Неру (1964), М.Ганди (1948) мемориал музейлари.

Ҳ.да илмий тадқиқотлар ун-т ва маҳсус марказлар-да, илмий жамият ва ассоциацияларда, фанлар ака-демияларида олиб борилади. *Ҳиндистон миллий фанлар академияси* энг йирик илмий муассаса ҳисобланади. И.т.ларга Илмий ва саноат тадқиқотлари кенгаши, Атом энергияси бўйича комиссия, Қ.х. тадқиқотлари бўйича Ҳ. кенгаши, Тиббиёт тадқиқотлари бўйича Ҳ. кенгаши, Ун-тларни маблағ билан таъминлаш комиссияси, Мудофаа тадқиқотлари ташкилоти раҳбарлик қилади. Ҳиндистон илмий конгресси ассоциацияси Ҳ.нинг энг оммавий илмий жамиятидир. Ҳ.да 130 маҳсус и.т. муассасаси, 700 дан ортиқ ихтисослашган лаборатория и.т.лар олиб боради. Мамлакатда и.т. билан 2,5 млн. киши шуғулланади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ҳ.да 84 тилда умумий адади 51 млн. нусхадан иборат 19 минг газ., 35 млн. нусхадан иборат 18 минг жур. нашр этилади. Йириклари: «Индиан экспресс» («Ҳинд экспресси», инглиз тилидаги кундалик газ., 1932 й.дан), «Хиндустан таймс» («Ҳиндистон вақти», инглиз тилидаги кундалик газ., 1923 й.дан), «Таймс оф Ин-диа» («Ҳиндистон вақти», инглиз тилидаги кундалик газ., 1838 й.дан), «Стейтсмен» («Давлат арбоби», инглиз тилидаги кундалик газ., 1875 й.дан), «Нэшнл геральд» («Миллий хабарчи», инглиз тилидаги кундалик газ., 1938 й.дан), «Нав бхарат таймс» («Янги

Ҳиндистон вақти», хинд тилидаги кундалик газ., 1947 й.дан), «Ная патх» («Янги йўл», ойлик адабий-бадий ва ижтимоий-сиёсий жур., 1954 й.дан), «Форин афферс рипортс» («Халқаро муносабатлар хабарчиси», инглиз тилидаги ойлик жур., 1952 й.дан), «Ҳаёт» (урду тилидаги ҳафтанома, 1963 й.дан), «Ҳин-ду» (инглиз тилидаги кундалик газ., 1878 й.дан), «Ҳиндустан» (хинд тилидаги кундалик газ., 1933 й.дан), «Блитц» («Чакмоқ», инглиз, урду, хинд, маратхий тилларидаги ҳафталик жур., 1941 й.дан). Пресс Траст оф Индия, Ҳ.даги энг йирик ахборот агентлиги (ПТИ), 1947 й. ташкил этилган; Юнайтед Ньюс оф Индия (ЮНИ), Ҳ. матбуот ахборот агентлиги, 1961 й. тузилган. Умумҳиндистон радиоси 1936 й.дан, Умумҳиндистон телевидениеси 1976 й.дан ишлайди. Радиоэшиттиришлар 1927 й.дан, телекўрсатувлар 1959 й.дан бошланган.

Адабиёти. Ҳинд адабиётининг 3 минг йилдан кўпроқ анъанаси *ведалар* — санскрит тилидаги диний гимнлардан бошланади. Мил. ав. 10—4-а.ларда халқ оғзаки ижодида йирик эпик дос-тонлар — «*Маҳабҳарата*» ва «*Рамая-на*» шаклланди. Қад. хинд адабиёти ёдгорликлари — пуранлар муқаддас матнлари бу достонлар матнларига яқин. Қад. хинд эртаклари тўпламларидан «*Панчатантра*», «*Хитопадеша*», «*Веталапанчавиншати*», «*Шуксапата*» машхур. Муаллифлик адабиёти мил. 1-а. бошларида пайдо бўлди. Санскритадабиётининг буюк шоири ва драматурги *Калидасатр*. Бхаса (3—4-а.) ва Шудрака (5—6-а.) ҳам машхур драматург бўлишган. Санскрит адабиётида Бхо-вабхуги (8-а.) ҳам сезиларли из қолдирди. Дандин (7-а.)нинг «*Ўн шаҳзода сар-гузашти*» романи санскрит бадий насрининг чўккиси ҳисобланади. Мил.нинг дастлабки асрларидан дравид тиллари (қ. *Дравидлар*)да, жумладан, *тамил тишитги* адабиёт (қ. *Тамил адабиёти*) ривожланди. Тахм. 7-а.дан ўрта асрлар адабиётининг тарихи бошланади. Санскрит ва тамил тилидаги адабиёт билан

бир қаторда бошқа тилларда ҳам адабиёт вужудга келди. Янги хинд адабиёти дравид ва янги хинд-ория тилларида 1-минг йиллик охиридан ривожлана бошлади. Кейинроқ эса кашмир ва *синдх адабиёти*, шунингдек пушту тилидаги адабиёт шакллана бошлади. Муслмон давлатларининг пайдо бўлиши ва ислом динининг кенг тарқалиши натижасида Ҳ.нинг форс тилидаги адабиёти юзага келди (*Хусрав Деҳлавий*, Мирзо *Бедил* ва б.). Шоирлардан Вали (17—18-а.), *Мир Тоқий*, *Мирзо Ғолиб* ва б. урду шеърятининг энг яхши намуналарини яратдилар. 19-а.нинг 2-ярмида миллий озодлик ҳара-катининг ривожланиши натижасида адабиётда Ҳинд маърифатпарварлик даври бошланди. Бу давр адабиётида Динобондху Миттро, Премчанд Миттро, Бонкимчондро Чоддопаддқай ва Бенгалиянинг бошқа ёзувчилари самарали ижод қилдилар. Айни вақтда инглиз тилида ижод қилган дастлабки шоирлар (Г.Л.В.Дерозю, К.Г.Л.ош, Т.Датт)нинг шеърларида инглиз романтизмнинг таъсири сезилади. 20-а.нинг 20-й.ларида мустақиллик учун кураш Ҳинд адабиётининг марказий мавзуси бўлиб қолди. Бу даврнинг буюк ёзувчиси бенгалиялик Р. *Тагор* бўлди. Форс ва урду тилларида ижод қилган шоир *М.Иқбол* ўз асарларида юксак бадийликка эришди. 1930-й.ларнинг ўрталарида тараққийпар-нар ёзувчиларнинг Ҳ.ракати вужудга келди. 20-а.нинг 30-й.ларида Ҳ.да инглиз тилидаги наср пайдо бўлди (М.Р.Ананд, Н.К.Нараян, Х.Чаттопа-дхя ва б.). 1936 й. *Иремчанд*, М. Р. Ананд ва Сажжод Зоҳирлар ташаббуси билан Ҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилар ассоциацияси тузилди. *Ган-дизм* адабиётга чуқур таъсир кўрсатди. Инкилобий романтик оқим шакллана бошлади (Жўш Малиҳободий). Шеърят шакллари янгиланди, наср тез ривожлана бошлади. Айни вақтда дека-дентлик оқимлари ҳам пайдо бўлди (И.Жўши, М.Варма). Ҳ.нинг мустақилликка эришиши (1947) илғор адабиётнинг ривожланишига ёрдам берди. Мустамлакачилик қолдиқларини

йўқо-тиш учун кураш ва иқтисодийнинг юксалиши илгари колоқ бўлган бир қатор адабиётларнинг ривожланишига қамда янги адабиётларнинг шаклланишига имконият туғдирди. Ҳ.нинг миллий тилларидаги адабиётлар билан бир қаторда инглиз тилидаги адабиёт ҳам ривожланган. 1940—60 й.ларда Ҳ.да \инд прогрессив адабиёт намо-яндалари А.С.Жафри, С.К.Чоухан, *Хўжа Аҳмад Аббос*, Яшпал, А.Н. Кас-ми, А.Нагар ва б. ўз асарларида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муам-моларни кўтариб чиқиб, жамиятдаги энг долзарб масалаларни \ал этишга даъват этдилар. Миллий адабиёт вакилларида Б.Бхатгачория, М.Р.Ананд, М.Бондопадхай, Т.Бондопадхай, Г.Сингх, Р.В. Десаи, Р.Кришнамур-ти, Р.А.Махадеван, Вшъчатхол ва б. ўз асарларида мамлакатда иқтисодий истиқлолга эришиш, кашшоқликни бар-тараф этиш, саводсизликни тугатиш, халқнинг маънавий даражасини ошириш каби муам-моларни кўтариб чиқ-дилар. Прогрессив ёзувчилар Ш.Чоу-хан, Х.Двидедининг ғоявий эстетик қарашлари мамлакатдаги ижтимоий-сийсий \одиса ва жараён-лар билан чам-барчас боғланган. Ёзувчи И.Жўши \инд адабиётида «психологик адабиёт» вакили сифатида намоён бўлди. Ёзувчи ва драматург В.Прабхакара ўз асарларида мустақил Ҳ.нинг ижтимоий муаммоларини \акқоний тарзда тас-вирлади. 1980—90-й.ларда М.Ракеш, Камлешвар, Б. Сахни, Ж.Кумар, Дуг-гал, А.Притам, К.Азми, Саксена, Вимал ва б. адиблар самарали ижод қилдилар (яна қ. *Х^{III} « адабиёти*).

Меъморлиги. Ҳ.да мил. ав. 3—1-минг йилликлар-даёқ мудофаа, хўжалик ва турар жой бинолари, боғ ва сув \ав-залари бўлган йирик ша\арлар (Санг\ол, Лот\ал, Матхура, Паталипутра) қурилган. Мил. ав. 4—2-а.ларда ул-кан қалъа, саройлар (Патали-путрадаги подшо Ашока саройи), диний ашёлар-га мўлжалланган иншоот — *стуналар*, мемориал устун (стамбха)лар, ғор иба-датхоналари (Карлида, мил. ав. 1-а.;

Ажантат, мил. ав. 2-а. — мил. 7-а.) ва монастирлар, эҳромлар яратилган. Ми-лод бошларида будда ибодатхоналари-нинг янги турлари (Сангида ер устига қурилган тўрт колоннали пешай-вондан иборат куб шаклидаги ибодатхона, 5-а.; Элларда яхлит қоятошни ўйиб ишланган ибодатхона, 8-а.) пайдо бўлди. 6—7-а.ларда ибодатхоналарнинг силлиқ минора шаклидаги шим. (Мадъ-я-Прадеш штати-да жойлашган Кхажурахо ибодатхоналар мажмуасидаги Кандарья Махадео ва Бху-банешвар ш.даги Муктешвара ибодатхо-налари) ва зинасимон минора шаклидаги жан. (Ма-хабалипурамдаги Дхармаража-ратха иба-датхонаси) турлари шаклланди. Шу даврда Банорас ш.да \индулар ибодатхоналари қурилди; шақарда 1500 га яқин ибодатхона бор. 13-а.дан Дехли султонлиги даврида йирик сарой ансам-бллари, масжид, гумбазсимон макбара, миноралар (Дехдидаги *Қутб Минор* деб аталган минорали Қувватул-Ислом мас-жиди, 1 193 й.дан қурила бошланган) \амда муста\кам қалъа деворлари билан ўралган шақарлар (Сири, Жақонпа-но\, Туғлақобод, Ферузобод; \аммаси 14-а.да \оз. Декли худудида) қурилди. *Бобурий-лар давлати* ташкил бўлгач, Ҳ. меъмор-лиги юксак чўққиларга эришди: ша\ар ва қалъа қурилиши санъатининг ажойиб на-муналари яратилди (Агра, Ажмер, Олло\ободдаги қалъалар, «Фате\пур-Секри» ша\ар-қалъаси, 1569—84), куббасимон макбаралар (Де\лидаги Хумоюн макбараси, 1565; Агра ш. яқинидаги *Тоғмаҳал*) қурилди.

Қурилишда мрамар энг кўп ишлати-ладиган қурилиш материалига айланди. Айни пайтда Ҳ.нинг айрим худудларида меъморликда маҳаллий колорит сақланиб қолди (Асарвдаги Дадагарир булоқ па-вильони, 16-а.да., Датиядаги Бир Сингх Део саройи, 17-а. боши). 16-а.да яратил-ган Ҳайдарободдаги Чор Минор Зафар арки, унинг яқинидаги Макка масжиди, Аҳмадободдаги чайқалиб турадиган ми-норалар улкан тарихий обидалардир. 17-а.да «Марварид» номи билан аталган

масжид, Жаҳонгиршоҳнинг мармардан қурилган макбараси, Дехлидаги Ранг Маҳал саройи, дурлар билан безатилган масжид, сикҳларнинг Амритсардаги саждагоҳи — Олтин ибодатхона бунёд этилди. Бароми (Рожа-стхон), Канарак (Орисса), Кажурахо (Мадхья-Прадеш) даги ибодатхоналар хинд меъморлигининг бебаҳо ёдгорликларига айланди. 19-а.да эски шаҳарлар (Калькутта, Мадрас, Бомбай) ривожланди ва Европа меъморлиги услубидаги иншоотлар бунёд этилди. Мустақилликка эришгач, мамлакатни индустриаллаштириш билан боғлиқ бўлган қурилишлар авж олди. Янги шаҳарлар қурилди (Чандигарх, 1951—56, *Ле Корбюзье* бошчилигидаги меъморлар гуруҳи; Бхилаи, 1963 й.дан қурила бошланган, хинд меъморлари гуруҳи). Замонавий бинолардан йириклари: Калькуттадаги банк (1969, меъмор А.Гупта), М.Ганди музейи (1960—63, меъмор Ч.Корреа), Канпур ш.даги Технология ин-ти (1963, меъмор А.Канвинде), Бомбайдаги «Тоҷмаҳал» меҳмонхонаси (1975).

Тасвирий санъати. Ҳ. жанубида тош даврига оид ғорлардаги расмлар, киз-дирилган лойдан тайёрланган буюмлар, заргарлик безаклари сақланган. Моҳенждаро, Хараппа ва Ҳинд дарёси ҳавзасининг марказларида мил. ав. 3—2-минг йилликда илк синфий жамият санъати ривожланди (ҳайвон ва мифологик образлар тасвирланган бўртма муҳр-туморлар, ҳайкалча ва б.). Мил. ав. 4—2-а.ларда тошдан ёдгорликлар тайёрланди (Дидарганждан топилган маъбудалар ҳайкали, Сарнатхдан топилган «Шерали каптель»). Мил. 1—5-а.ларда *Кушон подшолиги* даврида Гандҳара бадий мактабига мансуб буддавий ҳайкаллар яшаш ривожланди. 5—7-а.ларда *деворий рассомлик* гуллаб яшнади (*Ажантат* ғор ибодатхоналар). 10—12-а.ларда бронза ҳайкал-тарошлиги кенг тарқалди [ракс тушаётган Шива (Нагаражан) ҳайкалчаси]. 13-а.дан Дехли султонлиги ва кейинчалик Бобурийлар давлати дав-

рида амалий безак санъати ва китоб мини-атюраси таракқий этди. Ўрта асрларда Ҳ.да миниатюра санъати ривожланди. Дастлабки хинд миниатюра мактабларидан гужарот мактаби машҳур бўлган. 16-а.да миниатюра санъатининг бобурийлар мактаби вужудга келди. Бу мактаб вакиллари тасвирнинг ҳаққоний бўлишига интилди; тарихий рисолаларга безаклар яратиш, портрет ва ани-малистик жанрлар кенг тарқалди. мустамлакачилик даврида Ҳ. профессионал санъати деярли ривожланмади, халқ хунармандчилиги (гилам тўқиш, каш-тачилик, тўқиш, фил суяги ва ёғоч ўймакорлиги, қадама нақш, танга зарб қилиш ва б.) таракқий этди. 19-а. охи-ридан замонавий рассомлик вужудга келди (Р.Р.Варма). 20-а. бошларида, «Бенгалия уйғониш даври»да кўп рас-сомлар миллий анъаналарни сақлаб қолдилар (рангтасвирчилар А.Тагор, Н.Бос, С.Укил; ҳайкалтарош В.П.Кар-маркар ва б.). Ҳ. тасвирий санъатида турли оқим ва мактаблар, жумладан модернистик оқим ривожланган. Рас-сомлар Д.П.Р.Чоудхури, Б.Н.Жижа, С.Н.Банержи, ҳайкалтарошлар К.Сен, Ч.Кар, П.Д.Гупта, графикалар Х.Дас ва б. миллий санъат анъаналарида асарлар яратдилар. Ҳ.да амалий безак санъати ҳам ривожланган.

Мусиқаси 4 минг йиллик тарихга эга бўлиб, дунёда энг кад. ва ўзига хос шакллардан ташкил топган. Унинг илдизлари халқ байрам ва диний маросимлари, *Хараппа маданияти* (айникса, Моҳенждаро таракқиёт даври) билан бевосита боғлиқ. Ҳ.нинг кад. ёзма ёдгорликлари («*Ведалар*» — «Риг-веда», «Самаведа», «Атҳарваведа» ва «Яжур-веда»; мил. ав. 2—1 минг йилликлари)да диний мадҳиялар ўз аксини топган. Мусиқашунослар Ҳ.да мумтоз мусиқанинг юзага келишини бевосита «Самаведа» билан боғлашади. Унинг фалсафий-эстетик ва назарий мезонлари Бхаратанинг санскрит тилида ёзилган «Натъяшастра» рисоласида асослаб берилган (тахм. мил. 3—4-а.лар),

Маганганинг «Брихадеш» рисола-сида (5—7-а.лар) хинд мумтоз мусикаси хақида батафсил маълумотлар берилган. шарангадеванинг «Сангитаратнакар» 7 жилдли тўпламида (13-а.) хинд *рагалари*, уларнинг парда ва ритмик тузилиши, миллий мусиқа созлари ва б. масалалар ёритилган. Рамаматыянинг «Сварамелакаланидхи» (16-а.) ҳамда хинд олимларининг бошқа рисола-ларида мусиқий товушлар (тхатх) тизими коинот қуввати сифатида юзага келган товуш (нада)лар ҳамда олам тараққиёти маҳсули бўлмиш усуллар бирлашуви маъносида талкин этилади. Космологик тасаввурлар асосида Куеш тизимининг 7 та сайёрасига нисбат берилган 7 та асосий парда, улар негизида 22 ярим тондан кам бўлган интервал (шрутилар) тизими юзага келган.

13-адан бошлаб Шим. Ҳ. мусиқа маданияти Марказий ва Урта Осиё халқларининг бадиий аънаналари, мусулмон санъати таъсирида ривожланиб борган. Бунинг натижасида хинд мумтоз мусикасида 2 асосий услуб қарор топди: шим. («хиндустани») ва жан. («карнатак»). Жан. Ҳ. мусиқа услуби (карнатак) асосан аънавий хонан-далиқ санъати билан ажралиб туради, унда рагалар негизида диний қўшиқчилик жанрлари — киртан, пада (бастакорлар Пурандарада-са, 15—16-а.лар; Кшетрайн, 17-а.), крити (мумтоз ашуланинг асосий тури; Шьям Шастри, Муттусвами Дикшитар, Тьягаража ижодида равақ топган, 18—19-а.лар), енгил мумтоз мусиқа жанрлари — тиллана (18-а.), жавалли (19-а.) ва б. кенг ўрин олган.

Шим. Ҳ. мумтоз мусикасида энг муҳим лирик жанрлардан «дхрупад» (Свами Ҳаридас, Мийан Тансен, 16—17-а.лар), хонандалиқда, сўнгра созанда-лиқда ҳам ишқий ва ширин кайфиятни акс эттирувчи, виртуозли «хайал» (манбаларда унинг асосчиси Амир *Хус-рав Дехлавий* ҳисобланади) жанрлари кенг ўрин олган. Мумтоз мусиқа соҳасида «тхумри», «газал», «кавалли», сўфиёна

«калам», шунингдек, «дад-ра», «тапша», «тарана»лар ҳам мавжуд.

Ҳинд мумтоз мусикаси, мусиқий фольклор, рақс санъати шакллари асо-сида аънавий мусиқий театр турлари — жатра, якшагана, тамаша ва б. ташкил топган. Мумтоз рақс турларига бхарат натъям, катҳакали, катҳ-ак, манипури, одисса ва б. кирди.

Ҳинд халқ мусиқа ижоди турлари-нинг бойлиги ва ранг-баранглиги Ҳ.да турли миллат вакилларининг истиқо-мат қилиши, улар кўп тилларда сўзла-шуви билан белгиланади. Халқ мусиқа чолғуларидан урма дхол, дхолак, дамару, удуккаи, пуфлама комбу, сингх, тиручин-нам, карнай, муралли, мохори, нагасар, торли-чертма экта-ра, дутара, тунтуне, жантар, торликамонли камайча, банам, саринда ва б. кенг ўрин олган. Профес-сионал мусиқа созларидан *вина*, *сетор*, сарод, тампура, *саранги*, най, бансури, сур-най, *шоҳнай*, нагасварам, *фисгармо-ния*, пахвоваж, *табла*, мриданга, гха-там ва б. оммалашган.

Ҳиндистонда миллий озодлик хара-кати ва мустамлакачиликка қарши ку-рашнинг кучайиши (19-а.нинг 1-ярми ва 20-а.нинг ўрталари) миллий мусиқа ма-даниятининг ривожланишида муҳим дав-рни бошлаб берди. Рабинд-ранат Тагор-нинг ижоди ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Фаол зиёлилар орасида миллий мусиқа меросини ўрганишга қизиқиш кучайди. Янги ўқув юртлари очилди, жамоа таш-килотлари ташкил этилди: Мадрас (ҳоз. Ченнай)да мусиқа академияси (1928), Ке-рала санъат маркази (1930), Халқ санъати-ни сақлаш Бенгалия жамаияти (1932), Дехлидаги Гандҳарва Махавидьялай мусиқа институти (1939) ва б. Вишну Нарайяна Бхатқханде, Вишну Дигам-бар Палускар, Чиннасвами Мудальяр, Субба-рама Дикшитар каби мусикашунос олим-лар хинд мусиқа маданиятини ривожлан-тиришда ўз илмий асарлари билан катта ҳисса қўшдилар.

Ҳиндистон мустақилликни қўлга киритгач (1947), хинд мусикасининг

ривожланишида янги давр бошланди. Театрларда янги мусиқали спектакллар қўйилди (Шила Ватнинг «Қотган ер», Фулом Ҳайдарнинг «Бўйсунмас Пан-жоб», С.Шанкарнинг «Поезд», Г.Д.Мадгулькарнинг «Рам ҳақида қисса» ва б.). Кино мусиқаси композиторлик ижодини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб қолди, унда миллий ва Ғарбий Европа мактабларининг услубий омиллари уйғунлашган. натижада композиторлар томонидан кино учун халққа манзур куй ва қўшиқлар яратилди. 1960—90 й.ларда А.Вишвас, Ҳ.Кумар, С.Чоудхури, Р.Барман, Рави, Наушад, Хайём, Мадан Моҳан каби композиторлар киномузыка жанрида ижод қилишган, ҳозирги кунда Шанкар ва Жейкишан, Лакшмикант Пьярелал, С.Д.Барман, Ану Малик каби композиторлар бу соҳада фаол ижод қилмоқда. Улар басталаган куй ва қўшиқларни Тальят Маҳмуд, Гита Датт, Шамшод Бегум, Манна Дей, *Лата Мангешкар*, *Муҳам-мад Рафи*, Мукеш, Аша Бхонсле, Уша Мангешкар, шунингдек, Кумар Сану, Алка, Ягник, Анурадха Пауд-вал, Сону Нигам, Удит Нарайян, Б.Субраманиам, Кавита Кришна Муртхи, Ар Раҳмон Ҳариҳаран, Аднан Сами ва б. ижро этишган.

Мумтоз музика ижрочилигида Рави Шанкар (сетор), *Бисмиллоҳ Хон*, Али Акбар Хон, Амжат Али (сарод), Ҳарипрасад Чаурасия (най), Пандит Рам Нарайян (саранги), Пандит С.Р.Вьяс ва Маликаржун Мансур (хонанда-рага), Суббулакшми, Кишори Амонкар, Сандхья Мукержи (хонанда-рага), Мукеш Шарма (сарод), Иршад Хан (сетор ва сурбаҳор), устад Зокир Ҳусейн ва Илмас Ҳусейн Хон (табла), Жагжит Сингх (хонан-да-ғазал), Фулом Али (хонанда-ғазал), Гулфам Аҳмад (сарод ва рабаб) ва б. машҳур.

Ҳиндистонда музика мактаблари ва коллежлари, ун-тларда музика ф-тлари мавжуд. Музика санъати соҳасидаги и.т. ишлари, санъаткорларнинг ижрочилик фаолиятини мувофиқлашти-рувчи ташкилотлар, музика санъатига оид конфе-

ренция, форум, фестивалларни ташкил этувчи идоралар фаолият кўрсатмоқда; булар орасида — Дехли музика, ракс ва драма академияси (Сангит Натак Академи), Бомбай ижрочилик санъати миллий маркази, Ченнай музика академияси машҳур. Миллий музика маданиятининг турли хил шаклларини тарғибот этишда Умумҳиндистон радиоси бош вазифани бажармоқда.

Театри. Ҳ.да халқ театр томошалари қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Улар қабилаларнинг турли урф-одатлари, ўйин ва ракслари асосида вужудга келган. Халқтеатрининг асосий шакллари \озиргача етиб кеяган. Аксарият театр томошаларининг асосини қад. \инд эпик достонлар — *«Рамаяна»* ва *«Ма-ҳабҳарата»*ти олиб ўйналадиган са\налар ташкил қилган. Унинг энг кўп тарқалган сюжети достонлар қаҳрамонлари — Рама ва Кришна ҳаётидан олинган лавҳалардан иборат. Анъанавий театрларнинг ёркин ва таъсирли воситаларидан бири ракснинг бҳарат-натъям, кат\акалий, катҳак, манипурий каби турларидир. Жанубий Ҳ.даги кўп театрларнинг хореографик асосини бҳарат-натъям ва катҳакалий, Шимолий Ҳ.даги тсатрлар хореографик асосини катҳак ва манипурий ташкил қилади. Ғарбий Бенгалия ва Орис-сада жатра лирик драмаси машҳур. Бунда томошалар очик жойда ўтказилган, сахна ва декорациялар бўлмаган. Халқ театрлари Ҳ.нинг бошқа р-нлари — Маҳараштра (томоша), Кашмир (жоши), Рожастхон (сванги) да ҳам бўлган. Ҳинд мумтоз театри тараққиё-тида халқ театрларининг таъсири кучли бўлди. Унинг гуллаган даври Бхаса, *Калидаса* ва Шудрака ижоди билан боғлиқ. 12 — 13-а.ларда Ҳ. мумтоз драмаси таназзулга учради. 16-а.да *Мала-бар* соҳилларида спектакллар тунда байрамларда қўйиладиган диний мавзудаги театр пайдо бўлди. Бу театрнинг содда тури — тулалъ 18-а.гача сақланди. 19-а.нинг 2-ярмида миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши, миллий онгнинг ўсиши Европа типилаги театрни

вужудга келтирди. Бенгал, хинд, маратх тилларида драматургия яратилди. 1872 й. бенгал драматурги Г.Гҳош Миллий театрга асос солди. У хинд театр санъати тараққиётига катта таъсир кўрсатди. 19-а.нинг 2-ярми — 20-а.нинг 1-ярмида хинд театрида янги шаклларнинг пайдо бўлиши хинд ёзувчиси *Р.Тагор* номи билан боғлиқ. 20-а.нинг 40-й.лари профессионал ва ҳаваскор театр жамоалари вужудга келди; улар Халқ театрлари ассоциацияси (1943 й. асос солинган) га бирлашдилар. Мустамлакачилик тузумининг сўнги йиллари мустамлакачиликни кораловчи театр томошаларининг турли шакллари пайдо бўлди. Ҳ. мустақилликка эришгач, миллий маданият, жумладан, театр санъати ривож топди. 1953 й.да Мусиқа, рақс ва драма академиясининг очилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Калькуттада «Бохурूपий», «Стар», «Рангмаҳал», «Ми-нерва», Театр маркази, «Тарун опера», Дехлида «Янги театр», Бомбайда «Драматик Винт» театрлари машхур. Шунингдек, Оллоҳобод, Ченнай, Бано-рас, Пуна ва б. шаҳарларда ҳам доимий театрлар мавжуд. Кўғирчоқ театри ҳам театр томошаларининг энг қад. турларидан биридир. Соя театри кенг тарқалган.

Киноси. Ҳ.да биринчи фильм 1912 й.да ишланган («Рожа Харишчандра», реж. Д.Г.Пхалке). Дастлабки овозли кино 1931 й. экранга чиқди («Дунё нури», реж. А.Ираний). 1930-й.ларда, миллий озодлик ҳаракати авж олган даврда илғор ижтимоий гоёлар билан суғорилган «Девдас» (1935, реж. П.С. Баруат), «Кутмаган эдилар» (1936), «Кўшнилари» (1939, иккаласининг реж. В.Шантарам) каби фильмлар яратилди. 1947 й. Ахборот ва радиоэшиттириш вазирлиги ҳузурида кинематография бўлими ташкил этилди. Халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттирган фильмлар пайдо бўлди («Ер фарзандлари», 1946, реж. Хўжа Аҳмад Аббос; «Маз-лумлар», 1949, реж. Н.Гҳош). 1950-й.ларда замоннинг муҳим ижтимоий масалаларига бағишланган

«Дайди» (1951, реж. Р.Капур), «Икки бигха ер» (1953, реж. Б.Рой), «Йўлдош» (1953, реж. Х.А.Аббос) яратилди. Реж. *С.Рейнинг* «Йўлдаги кўшиқ» (1955), «Енгилмаганлар» (1957), «Апулнинг дунёси» (1959)дан иборат кинотрилогия-

си жаҳон кино санъатида муҳим воқеа бўлди. Уша даврда реж. Г.Датт «Қоғоз гуллар», «Чанқоқлик», «Ой нури» фильмларини яратди. 1960-й.ларда кўнгилоҷар мусикали фильмлар яратилган Бомбай студиясидан фарқли ўлароқ реал воқеаликни акс эттирувчи фильмлар тайёрлайдиган Калькутта кино мактаби вужудга келди («Хор», 1975; «Парашурам», 1978, иккаласининг реж. М.Сен; «Рақиб», 1970; «Узоқ момақалдирик» 1973, иккаласининг реж. С.Рей; «Мантхан», 1977, реж. Ш.Бенегал). 1970-й.ларда реж. Я.Чоп-ранинг «Шўъла», «Қаердадир, қачон-дир», продюсер Р.Капурнинг «Боб-би», реж. Р.Реддининг «Дафн мароси-ми» фильмлари экранга чиқди. 1980-й.ларда реж. М.Кумарнинг «Инқилоб», реж. Б.Р.Чопранинг «Ёнаётган поезд», реж. А.Гопалакришнаннинг «Юзма-юз», реж. Г.Аравиндонинг «Оридад» фильмлари шуҳрат қозонди. 1990-й.ларда реж. А.Чопранинг «Дсвона дил», продюсер М.Кумарнинг «Бе-тоб», «Ярадор» каби ватанпарварлик гоёлари билан суғорилган фильмлари экранга чиқди. Кино актёрларидан Б.Сахни, Д.Ананл, Д.Кумар, М.Ку-мари, Раж, Риши ва Қаришма Капурлар (қ *Капурлар тиаси*), *Ц.Ниргис*, *А.Баччан*, Амирхон, Шохруххон, Сал-манхон, Р.Мукержи, А.Пател, М.Дикшид ва б. машхур. Ҳ.да ҳужжатли фильмлар ҳам чиқарилали. 1960 й. Пуна ш.да Кинематография инти очилган. 1954 й.дан Бомбайда хар йили Бутун Ҳиндистон кинофестивали ўтказилади. Ҳинд кино санъати вакиллари Осие, Африка ва Ло-тин Америкаси мамлакатларининг Тошкентдаги кинофестиналларида фаол қатнашиб, кўплаб мукофотларни қўлга киритганлар. Ҳ.да йилга 1000 дан ортиқ фильм яратилади ва у жаҳонда яратилаётган фильмларнинг

14% ни ташкил этади.

Ўзбекистон — Ҳ. муносабатлари.

Ўзбекистон билан Ҳ. ўртасидаги муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга. 1991 й. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ҳ. Ўзбекистон мустақиллигини тан олиб, 1992 й. дипломатия муносабатлари ўрнатди ва икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар йўлга қўйилди. ЎЗР билан Ҳ. ўртасида муносабатларнинг ҳуқуқий асосини турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни тартибга солиб турувчи давлат, ҳукумат ва муассасалараро ҳужжатлар ташкил этади. 2005 й.гача икки давлат ўртасида 60 га яқин расмий ҳужжат имзоланди. 1992 й. Тошкентда Ҳ.нинг Бош консулхонаси (1988 й. ташкил этилган), 1994 й. Деҳлида ЎЗР консулхонаси (1992 й. ташкил этилган) элчихонага айлантирилди. Шу давр мобайнида ЎЗР Президенти И.Каримов 4 марта (1991, 1994, 2000, 2005) расмий ташриф билан Ҳ.га бўлди. 1993 й. расмий ташриф билан Ҳ. Бош вазири Нарасимхо Рао ЎЗРга келган. Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий асослар-пи ташкил қилган бир қатор иқтисодий битим ва ҳужжатлар, жумладан,

«Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим», «Инвестицияни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш тўғрисидаги битим», «Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битим» билан мувофиқлаштирилади. 1993 й.да икки мамлакат ўртасида тузилган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия доимий фаолият кўрсатиб келмоқда. 1993—2005 й.ларда бу комиссиянинг 5 та йиғилиши бўлиб ўтди. 2003 й. 24—26 мар-тда Тошкентда Ҳиндистон савдо кўргазмаси бўлиб ўтди; унда Ҳ.нинг йирик қорхона ва компаниялари иштирок этди. ЎЗР Президенти И.Каримовнинг 2005 й. апр.даги Ҳ.га ташрифи чоғида Кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик, Таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳуқу-матлараро ҳужжатлар имзоланди. мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси б-н Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида англа-шув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳ. экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳ. экс-порт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, «Ўзсаноатма-шимпекс» давлат акционерлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг «Компетент» компаниялари гуруҳи ўртасида Савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандум, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти билан Ж.Неру ун-ти ҳамда Тошкент шарқшунослик ин-ти билан Мирзо Ғолиб ин-ти ўртасида англашув меморандумлари имзоланди. 2004 й. мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 160 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳ.дан Ўзбекистонга қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуна, органик ва кимёвий бирикмалар келти-рилади. Ўзбекистон Ҳ.га рангли металллар ва улардан ясалган буюмлар, айрим хизмат турлари, полиз маҳсу-лотлари, ипак ва кимёвий толарани юборди. Айни вақтда Ўзбекистонда Ҳ. сармоясини иштирокида тузилган 40 га яқин қўшма қорхона ҳамда Ҳ.даги 4 компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат ўртасида ахборот технологиялари, кон саноати, маданият, фан, техника ва таълим соҳасида ҳамкорлик ривожланмоқда. Икки мамлакат олимлари иштирокида илмий сим-позиум, семинар ва анжуманлар ўтказиш одат тусига

кирган. Мамлакатлар тарихи, мусика, адабиёт, археология, меъморлик, тиббиёт, биол., космик фазони ўрганиш, геол. ва б. кўплаб соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1991 й. Ҳиндистонда буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари ўтказилди. 1992 й. окт.да Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб Дехли ш.да ўзбек маданияти ва санъ-ати фестивали бўлиб ўтди. Шу йил нояб. ойида ўзбекистонлик таниқли расом Акмал Нуриддиновнинг кўргазмаси намойиш этилди. 1993 й. Заҳриддин Муҳаммад Бобур тавал-лудининг 510 йиллиги Ҳ. ва Ўзбекистонда кенг нишонланди. Икки мамлакат ўртасидаги илмий-маданий ҳамкорликнинг ривожланишида 1994 й. Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ҳузурида фаолиятини бошлаган Ҳ. маданий марказининг хиссаси кагта.

Темур Фиёсов.

«**ҲИНДИСТОН**», «Таҳқиқ молил хинд мин маъқула мақ-була фил-ақл ав марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сигмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») — *Берунийнинг* тарихий аса-ри. 1030 й.да Ҳиндистон халқлари тарихининг турли соҳалари (аниқ фанлар, адабиёт, фалсафа, элшунослик, геогр., этн., қонун ва урф-одатлар, дин, дипий ривоятлар, хинд ёзувининг турлари ва б.)га бағишлаб араб тилида ёзилган. Асар 80 бобдан иборат. Беруний ўз асарида бизгача етиб кел-маган санскритда ёзилган кўпгина ман-балардан фойдаланган. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан юксак баҳоланган. «Ҳ.»нинг арабча матни 1887 й.да, унинг инглизча таржимаси 1888 й.да немис олими Э.Захау томонидан Лондонда нашр этилган. 1958 й. «Ҳ.»нинг арабча матни Ҳайдарободда, 1963 й.да рус тилида, 1965 й. ўзбек тилидаги таржимаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида нашр этилган. Асар хинд маданияти тарихини ёри-тиш-

да муҳим манба ҳисобланади (яна қ. *Беруний*).

ЛД.Абу Райҳон Беруний, Ҳиндистон, Т, 1965.

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Ҳиндистондаги жамоат илмий муассасаси. 1970 й. Ҳиндистон Фанлар миллий ин-ти (1935 й. тузилган) негизида ташкил этилган. Дехли ш.да жойлашган. Мамлакатдаги илмий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Академия ўз тадқиқот марказларига эга эмас. Илмий асар ва монографиялар эълон қилади. Бюллетень, йилномалар, Ҳиндистонда фан тарихи, фундаментал ва амалий мат. бўйича жур.лар нашр этади. 650 дан ортиқ аъзоси, 80 фахрий аъзоси бор.

ҲИНДИСТОН МИНИАТЮРА МАКТАБЛАРИ — ўрта асрларда Ҳиндистон *миниатюра* санъатида шаклланган ижодий йўналишлар. Монументал санъат (жумладан, деворий расомлик) тушқунликка учрағач, мамлакатнинг турли ҳудудларида ривож топган (11 — 19-а.лар). Булар *Бобурийлар* даври миниатюра мактаби, Гужарот, Рожастхон ёки Ражпут, Декан, Пахари ва б. мактаблар. Дастлаб палма дарахти баргларига ёзилган китобларга диний мавзулардаги расмлар ишланган, Кришна, Рам, Шива, Дурга каби маъбудалар тасвири туширилган. Шарқий Ҳиндистон миниатюра (1050—1550) мактаби мамла-катнинг Гужарот ва Рожастхон ҳудудларида тараққий этган. Гужарот мини-атюра мактаби вақиллари (11 — 16-а.лар) аввал палма (1050—1400), 1350 й.дан қоғозга битилган китобларни диний мавзулардаги тасвирлар билан безатганлар. Матн «нагари» ёки «жайн нагари» ёзувида бўлиб, чапдан ўнгга қараб ёзилган; матннинг муқаддасли-гини ифодаловчи ўсимлик ва гириҳ услубидаги нақшлар, рамзлар тасвирланган, содда композициялар анча мураккаблашган, заминда меъморий обидалар, инсон қиёфасида унинг

физиологик хусусиятлари акс этган. Гужарот шоҳлари даври (1396—1572) миниатюраларида тасвир жонлилиги, ранглар тиниклиги, безак унсурларининг кўпайганлиги кўзга ташланади. «Калпасутра» ёки «Калакачарякатха», «Гита Говенда» каби диний мавзудаги асарлар расмлар билан зийнатланди. Шарқий хинд миниатюра мактаби анъаналари Ражпут миниатюраларида ўз аксини топган (яна қ. *Ражпут мактаби*).

Бобурийлар миниатюра мактаби (16-а. 2-ярми — 18-а.лар) Бобурийлар саройида шаклланган, асосан, сарой ҳаёти ва подшоҳларнинг шахсий қизиқишлари натижасида ривожланган. Бу мактаб Европада Мўғул миниатюра мактаби номи билан машҳурдир. Марказий Осиё миниатюралари маҳаллий анъ-аналар билан уйғунлаштирилган, европалик рассомларнинг Ҳиндистонга олиб келинган асарларининг айрим хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиргани билан ажралиб туради. *Ҳумоюн саройи* (Кобул)да тўпланган асли термизлик *Мир Саид Али* бошчилигидаги рас-сомлар гуруҳи 1555 й. Ҳин-дистонга келиб янги миниатюра мактабига асос солдилар. Бу мактаб вакиллари Агра, Дехли, Лохур каби пойтахт шаҳарларда яшаб ижод қилган. *Акбар* шоҳ даври (1556—1605)да шаклланган, *Жаҳонгир* (1605-1627) ҳамда *Шоҳ Жаҳон* (1628—58) даврларида ва ундан кейин тараққий этиб, юксак даражага кўтарилган. «Қиссаи Амир «Баҳром сарик қасрда» (Низомийнинг «Ҳафт пайкар») асарига ишланган миниатюра, 17-а.).

Ҳамза» (1557—72, 56 х 71 см ўлчамдаги матога 1400 та расмлар ишланган), «*Бобурнома*», «*Маҳабҳарата*», «*Рамаяна*», «*Жоме ут-таворих*», «*Акбар-нома*», шоирлар Низомий, Амир Хус-рав Дехлавий ҳамда Алишер Навоийнинг «*Хамса*» асарларига кўплаб мўъжаз расмлар ишланган. Аб-дусамад Шерозий («*Ширин қалам*»), Дасвантх, Басован, Фаррухбек, Абул Ҳасан («*Нодир уззамон*»), Устод Ман-сур («*Нодир*

ул-аср») ва б. шу даврларда ижод этган. Портрет санъати ривожланди, инсон, унинг юзи аниқ тасвирлана бошланди, асарларда жонли ўткир характерлар ўз аксини топди. Миниатюра санъати *дастгоҳ санъати*га яқинлашди, алоҳида мустақил мавзуларда асарлар яратилди, юксак даражадаги мукамал лавҳалар ва порт-ретлар юзага келди, ўсимлик, ҳайво-нот ва қушлар акс этган тасвирларда Устоз Мансурнинг юксак маҳорати намоён бўлди. 17-а. охири — 18-а. бошида асарлар мавзудида асосан севги са-налари, учрашувлар алоҳида ўрин тутди; халкчил, турли ижтимоий гуруҳлар ҳаёти ва манфаати ўз ифодасини топди. 18-а. дан бошлаб бу мактаб Ҳин-дистоннинг турли ҳудудларида ривожланди, шу ердаги бошқа маҳаллий миниатюра мактаблари (Декан, Пахари ва б.) ривожига катта таъсир кўрсатди.

Декан мактаби (16—17-а.лар) Ҳиндистоннинг жан.даги маданият марказларида кад. деворий рассомлик анъаналари Марказий Осиё, Эрон ва турк миниатюралари билан ўзаро уйғунлаштирилиши натижасида вужудга келган. Асосан Аҳмаднагар, Бижапур, Бханда каби йирик шаҳарларда тараққий этган, расмларда шу ҳудуд ҳукм-дорлари ва йирик шахслари ҳаёти ўз аксини топган, уларда Бобурийлар миниатюра мактаби анъаналари ўзига хос тарзда давом эттирилган.

Пахари мактаби («пахари» — айнан «тоғли ҳудуд») Ғарбий Ҳимолайдаги Басоли ва б. марказларда юзага келган. Дастлаб Ражпут мактаби услубига эргашилди. Илк даврларида кўлёзма китобларнинг мазмунига асосланилган, тарихий шахсларни реал акс эттириш, воқеаларни ҳаққоний ифодалашга аҳамият берилган. Воқеалар, кўп шаклли композициялар шартли манзара зами-нида ифодаланган. Аста-секин бадий асарларга алоқаси бўлмаган, мустақил расмлар, айниқса, портретлар ишланди, анималис-тика ривожланди. Кетма-кет «Рагама-ла», «Кришналил», «Рамаяна»га

лав-ҳалар яратилди, бу ҳаракатнинг чўққиси Радҳа ва Кришна муҳаббати ва из-тиробларига бағишланган «Гита Говен-да» туркуми бўлди. Манку, Найн-сукх, Сансар Чанд ва б. шу мактаб вакиллари дидир. Расмларда ифодалилӣк йўқолиб борди, аммо портретлар заминдаги манзараларга сингиб кетади.

Ҳ.м.м. ўзининг тараққиёти давомида мавзу ва услубларининг мўллиги билан ажралиб туради, мактаб намоян-далари муҳим лаҳзаларини илғаб олиб, уни абадийга муҳрлай олганлар.

Абдумажид Мадраимов, Равшан Фатхуллаев.

ҲИНДИСТОН ХАЛҚ КЎЗҒОЛНИ,

сипоҳийлар кўзғолони — ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши озодлик ҳаракати (1857—59). Кўзғолоннинг асосий ҳарбий ядроси армия бўлгани боис уни сипоҳийлар кўзғолони деб ҳам аташади. Унда мамлакатнинг турли табақаларига мансуб аҳоли — деҳқонлар, ҳунармандлар ва зодагонлар иштирок этган. Инглиз мустамлакачилари Ҳинд-дистонни забт этгач, унда маҳкам ўрнашиб олиш учун армияга маҳаллий аҳолини жалб қила бошлаганлар. Сипоҳийлар деб аталмиш ҳинд аскарлари таркибида ҳиндулар, мусулмонлар ва сикхлар мавжуд эди. Сипоҳийлар армиясининг асосий вазифаси мус-тамлакачиларнинг манфаатларини кўриқлаш, шунингдек, халқ ҳаракатини бостиришдан иборат эди. Инглизлар сипоҳийлардан қўшни мамлакатларга қарши юришларда фойдаланганлар, бу юришларда кўп ҳинд аскарлари ҳалок бўлган. Инглизлар сипо-ҳийларни моддий, маънавий жиҳатдан камситганлар. Уларнинг маоши инглиз аскарлариникидан анча кам бўлган, арзимаган баҳона билан уларни қаттиқ жазолаганлар. Шу сабабларга кўра, сипоҳийларнинг сабр касаси тўла бошлаган. Ҳинд-дулар сизирни муқаддас деб билиб, унинг гўштини истеъмол қилмас, мусулмонлар учун чўчка ҳаром ҳисобланган. Сипо-ҳийлар ишла-

тадиган мил-тиқ ўқлари сизир ва чўчка ёғи билан мойланган, бу ҳол кўзғолон чикишининг асосий баҳоналаридан бири бўлган. Ҳинд халқи-^{*} нинг деярли барча табақаларида 19-а. ўрталарида инглизларга қарши норозилик кучайган. Сипоҳийларнинг дастлабки чикиши 1857 й. 10 майда Мирут ш.да бошланган. Бенгалия ва Панжоб ўртасидаги ҳудуд кўзғолоннинг маркази бўлган.

Уларнинг 3 полки аҳоли ва маҳаллий сипоҳийлар ёрдамида Деҳли қалъасини эгаллаган. Кўзғолончилар бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги тикланганлигини эълон этган ва Баҳодиршоҳ II ни Ҳиндистоннинг ҳукмдори сифатида мамлакатни озод қилиш учун кураш чақиригига қул қўйишга мажбур қилган. 2 ҳафта ичида бутун Шим. Ҳиндистон кўзғолончилар қўлига ўтган. Канпур ва Лакхнауда кўзғолончилар қатта қўшини йиғилган. Бу 3 кўзғолон марказида алоҳида-алоҳида мустақил ҳукуматлар тузилган. Деҳлида Баҳо-диршоҳ II ҳукуматида ташқари сипоҳийлар ва шаҳарликлардан иборат олий маъмурий кенгаш — жалса тузилган. Деҳлидаги қўшинларга жал-са аъзоси Бахтхон қўмондонлик қилган. Лекин Деҳли ва Лакхнаудаги сарой амалдорларидан тузилган ҳукумат аъзоларининг бири бири билан келиша олмаслиги туфайли, кўзғолончилар ўртасида низолар бўлиб турган. Канпурдаги ҳукумат бошқарув аппаратини тузган, қўшин ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш чораларини кўрган.

Инглизлар Бенгалия ва Панжобни ўз қўлларига сақлаб қолган. Бу ҳудуддаги кўзғолонларни, Декандаги сипо-ҳийларнинг чикишларини тезда бос-тирган. Мадрас ва Бомбейдаги сипо-ҳийлар қўшинларини ўз тобеликларига сақлаб қолган. Калькуттада йирик қўшин тўплаган босқинчилар 1857 й. май охирида Ганг дарёси бўйлаб ҳужумга ўтган; июнда Банорас ва Ол-лоҳободни эгаллаган. Канпурдаги *Нана Соҳиб* қўшинига 15—16 июлда қат-тиқ зарба берган. 4 ой-

лик камалдан кейин 19 сент. да Дехлини кўлга киритган. Баходиршоҳ II ни Рангунга сургун қилган. Лакхнау ҳам 1858 й. 19 мартда таслим бўлган.

Шундан сўнг партизанлик ҳаракати бошланган. *Тантиа Топи* Жҳанси ҳокимаси *Лакими Баи билан* бирга Калпи, Канпур ва Гвалиор агрофларида уруш олиб борган. Англия кироличаси Вик-ториянинг кўзғолонда иштирок этган барча зодагонларни авф этганлиги тўғрисидаги манифести эълон этилган (1858.1.11). Натижала зодагонлар кўзғолондан четлашган. Партизанлар ҳаракати 1859 й. апр.да бостирилган. Кўзғолончилар ваҳшиена жазоланган.

Ҳ.х.к.да инглиз мустамлакачиларининг ҳар томонлама кўли баланд келган. Улар иқтисодий, сиёсий-ижти-моий ва ҳарбий жиҳатдан ҳинд кўшинларидан устунлиги сабабли кўзғолончилар мағлубиятга учраган. Кўзғолон енгилсала, инглизлар Ҳиндистондаги сиёсатларини ўзгар-тиришга мажбур бўлган. Ост-Индия компанияси тугатилган, Ҳиндистон бевосита Англия ҳукуматининг назоратига ўтган.

Ад..Осипов А.М., *Великое восстание в Иплии, 1X57-1859, М.* 1957; Фиссов Т.Ф., *Ҳиндистоннинг янги тарихи, Т.* 1999.

Темур Фиёсов.

ҲИНДИСТОН ЯРИМ ОРОЛИ

Жан. Осиёдаги ярим орол, асосан, Ҳиндистонда. Майдони қарийб 2 млн. км². Ғар-бда Арабистон денгизи, шарқда Ҳинд океанининг Бенгалия кўлтиги билан чегарадош. Шим. чегараси шартли равишда Ҳинд дарёси дельтаси билан Ганг дарёси дельтаси оралиғидан ўтказилган. Қирг-оқлари паст, кам парчаланган. Соҳил қисми камбар аллювиал текислик. Катта майдонни Декан ясситоғлиги эгаллайди. Унинг ғарбий баландроқ қисми — Ғарбий Гат тоғлари Арабистон денгизига тик тушган. Шарқда Шарқий Гат тоғларини ташкил этган алоҳида массивлар учрайди. Ярим

оролнинг энг баланд қисми унинг жан. даги Анаймуди тоғи, 2698 м. Тошкўмир, темир ва марганец рудалари конлари бор. Иқдими тропик, субэкваториал иқлимга ўтиб боради. Шим.да тропик муссонли, ёзи сернам иқлим. Ўртача т-ралар янв.да 21—29°, майда 30—40°. Йиллик ёғин ички р-нларида 500 — 700 мм, шамолга рўпара тоғ ён бағирларида 3000 мм гача. Асосий дарёлари — Нармада, Тапти, Маханади, Годавари, Кришна ва б., ёмғирдан тўйинади, ёз— куз ойларида тўлиб оқади, тез-тез тошади. Сувидан, асосан, суғоришда фойдаланилади. Ғарбий ва Шарқий Гат тоғларининг денгизга қараган ён бағирларида доим яшил сернам ва муссонли барг тўкувчи ўрмонлар, ички ҳудудларда саванна типидеги ўсимликлар ўсади, дарёлар дельтасида мангра ўрмонлари бор. Миллий боғлар ташкил этилган. Катта майдонларни маданий ланд-шафтлар — экин майдонлари (шоли, буғдой, пахтазорлар) ва мевали боғлар эгаллаган.

ҲИНДИСТОНИЙ, хиндавий -ўрта асрларда Дехли, Агра, Маратҳи ҳудудларида мавжуд бўлган кҳари бўли («соф», тоза шева») лаҳжалари асосида шаклланган халқ-сўзлашув тили. Бутун Шим. ва қисман Марказий ва Жан. Ҳиндистонда миллатлараро алоқа тили сифатида ривожланган. Ҳ.да сўзлашувчилар 250 млн. кишига яқин (ўтган асрнинг охири). Жан. Ҳиндистонда бу тил «дакҳиний» ёки «жан. Ҳ.» деб аталади. Ҳ., ўзи адабий тил сифатида шаклланмаган бўлса-да, 2 ёзма адабий тилга — *урду* ва *ҳиндий* (адабий хинд)га асос бўлган.

Ҳ.нинг фонетик ва грамматик қурилиши урду ва хиндий тиллариники б-н ўхшаш; луғат таркиби урдудан эроний ва арабий ўзлашмаларнинг камлиги, хиндийдан эса санскритча ўзлашмаларнинг йўқлиги билан фарқланиб, асл хиндийча сўзлар (ёки «тадб-ҳава»), шунингдек, илк эроний ўзлашмалардан ташкил топган.

Ад.: Зограф Г.А., Хиндустани на ру-беже ХУП1-Х1Х вв., М., 1961; Шаматов А.Н., Классический дакхини (Южный хин-дустани XVIII в.), М., 1974.

ХИНДИХИТОЙ - Осиёнинг жан.-шарқий қисмидаги ярим орол. Майд. 2 млн. км². Ғарбда Бенгалия қўлтиғи, Ан-даман денгизи ва Малакка бўғози, жан. ва шарқда Жан. Хитой денгизи ва унинг Сиам ва Бакбо қўлтиқлари б-н чегараланган. Шим. чегараси шартли равишда Ганг ва Брахмапутра дарёлари дельталари билан Хонгха дарёси дельтасидан ўтказилган. Жан. учи Кра бўйнидан жан. га чўзилган Малакка я.о.дан иборат. Шарқий қирғоқлари кам парчаланган, ғарбида қўлтиқ, орол кўп. Ер юзаси, асосан, тоғли, меридиан бўйлаб чўзилган тизмалардан иборат. Ғарбий қисмидаги Аракан тоғлари (энг баланд жойи 3053 м, Виктория чўққиси), марказидаги Шан тоғлиги ва шарқидаги Аннам тоғлари кенг пасттекислик (Иравади, Менам, Кам-боджа) ва платолар (Корат) билан бўлинган. Карст кенг тарқалган. Пасттекисликлар, асосан, аллювиал ва қўл ётқизикларидан тузилган. Фойдали қазилмалардан қалай ва вольфрамнинг йирик конлари топилган. Иқлими суб-экваториал муссонли, Малакка я.о.да экваториал иқлим. Ўртача т-ра текисликларда 20° дан пастга тушмайди, баҳор ва ёз ойларида 27—30° гача кўта-рилади, тоғларда 15° гача. Шамолга рўпара ғарбий ён бағирларида йиллик ёғин 2500—3000 мм, асосан, ёзда ёғади. Ички р-нларда 1000 мм гача, шарқий соҳилида 2000 мм гача (асо-сан, кишда ёғади). Шим.даги тоғ тепаларида қор ёғади. Дарёлари серсув, ёзда тўлиб оқади. Энг йириклари: меконг, Иравади, Салуин, Менам-Чао-Прая. Сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Энг катта қўли — Тонлесап. Ҳ.нинг сернам тоғли ҳудудларида доим яшил тропик ўрмонлар, денгиз соҳиллари ва дельталарда мангра ўрмонлари, ички р-нларда барг тўкувчи тропик ўрмонлар ва бутазорлар бор.

Текислик қисми экинзорларга айлан-тирилган. Асосий экини — шоли. малакка я.о.да каучукли ўсимликлар плантациялари барпо қилинган.

ХИНДИХИТОЙ ҒЎЗАСИ, дарахт ғўза (Оозауршт агБореит Б.) — маданий ғўза тури. Геноми А₂, хромосо-малар сони 2n=26. Ҳ.ғ.нинг ёввойи шакллари Декан (Ҳиндистон ярим о.)да тарқалган. Асосан, Ҳиндистонда, қисман Афғонистон, Бангладеш, покистон, Бирма, Вьетнам, Хитой, корея, Японияда экилади. Ҳ.ғ. кичикроқ дарахт ёки бута бўлиб, тук (камдан-кам туксиз) ва қора смолали безчалар билан қопланган. Туклари сийрак қаватлар ҳосил қилади (биринчиси- калта ва қалин, иккинчиси— узун). Пояси яшил, турли интенсивликда — тўқ қизилгача антоциан ранг олади. Маданий навларнинг ўсув шохлари сустривожланади, ҳосил шохлари узунлиги ўртача, 4—6 бўғимли. Барглари ўртача, қисман ёки жуда кер-тикли, 3—5—7 бўлмали (кенг ёки тор наштарсимон). Ёнбарглари майда, тўкилиб кетади. Гуллари ўртача; гулбарги оқ, оч сарик, лимонранг, пушти, қизил, асосида йирик антоциан доғлари бор, баъзан ташқи томони қорайиб кўринади. Гул ташқа-рисидида кўпинча шира бези бўлмайди, гул коса остидаги шира бези қизил, учбурчак шаклида. Кўсаклари тухумсимон, думалок, калта учли, 4—5, баъзан 3 чаноқли. Битта кўсакдаги пахта вазни 2 г дан 6 г гача. Ҳар бир чаноғида 3—8 та чигит бор. Чигити туқлари оқ, яшил ёки кўнғир. Толаси оқ, малла ёки кўнғир, дағал, камдан-кам майин. Ҳ.ғ. хиндистон, бен-галия, бирма, нанкин ва б. бир қанча географик хилларга бўлинади. Ҳ.ғ.нинг тропик шакллари фотодавр ўзгаришларига жуда таъсирчан. Кўпчилик шакллари бактериозга чидамли (қ. *Бактериал касалликлар*), шира ва ўргимчаккана билан кам зарарланади. Ҳ.ғ. мустаҳкам, «жунсимон» толали ғўза навлари яратишда генетик фонд бўлиб хизмат қилади.

Абдумавлон Абдуллаев.

ХИНДЛАР, хиндустонийлар — 1) хиндлар — миллати, дини, иркий ва табакавий тафовутларидан қатъи назар Ҳиндистоннинг барча аҳолиси, шунингдек, бошқа мамлакатларда яшовчи хиндистонликларни англатувчи ата-ма; 2) хиндусто-н и й л а р — этник гуруҳ, Ҳиндустон тарихий вилоятининг асосий аҳолиси (245 млн.дан зиёд, 1990-й. лар ўргалари).656 мингдан ортиги Ҳиндистондан ташқарида яшайди. Кўпгина маҳаллий гуруҳлардан иборат. *Ҳинд тилида* сўзлашади. Диндорлари, асосан, хиндуизмга эътиқод қилади. асосий маш-ғулоти — деҳқончилик (буғдой, шоли, шакарқамиш, пахта етиштириш), бир қисми саноат корхоналарида банд, ҳунармандчилик ривожланган.

ХИНДОЛ МИРЗО (1518 - Кобул -1551) — *бобурийлар*нинг. *Бобурнинг* 4-ўғли. Онаси Дилдор бегим. Бобуршоҳ Ҳиндистонни фатҳ қилишга киришган (Бахрани олган) даврида шу фарзанди туғилган, шунинг учун «Ҳиндини ол!» рамзий маъносида Ҳиндол деб исм қўйган. Бобур ҳаётлигида у Бадахшон ҳукмдори эди (1526—30). *Ҳумоюн* тахтга ўтиргач, укаси Ҳ. М.га Меват ва Олур вилоятларининг ҳукмронлигини берган (1530—38). 1538 й. бобурийлар ўртасидаги ички низолардан фойдаланган *Шершоҳ* Бихар, Жунпур ва канаужгача бўлган ерларни босиб олган. Шу аснода Ҳ.М. Ҳумоюншоҳга қарши бош кўтарган ва Агра ш.ни босиб олган ҳамда ўзини подшоҳ деб эълон қилган. Бироқ *Комрон* Мирзо ўз қўшини билан келиб, Аграни Ҳ.М. дан тортиб олган. Аммо тез фурсатда Шершоҳ Агра ва б. шаҳарларни бирин-кетин босиб олгач, Комрон Мирзо билан Ҳ. М.Кобулга қочишган. 1544 й.да Ҳумоюн Эрондан қай-тиб келгач, бошқа укалари қатори Ҳ.М.нинг ҳам гуноҳини кечирган. Ҳ.М. умрининг охиригача Ҳумоюн-шоҳга содик қолган.

Ҳ.М. шеърятга қизиққан, туркий ва форсий тилларда ғазаллар ёзган.

1551 й.даги «хандақ жанги»да Ҳ.М. Комрон Мирзо одамлари томонидан яраланади ва ўша куни оламдан ўтади. Ҳ.М.нинг жасади Кобулда отаси бобурнинг макбараси ёнига дафн этилган. 1607 й.да Жаҳонгиршоҳфармонига биноан Ҳ.М.нинг қабрига лавҳа ўрна-тилган.

Ад.Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995.

ХИНДУИЙЛИК, хиндуизм -дунёда кенг тарқалган динлардан бири. Ҳ.га эътиқод қилувчилар асосан Ҳиндистонда (95% га яқини) яшайди, Покистон, Бангладеш, Непал, Шри Ланкада, шунингдек, Жан. Африкада, Жан.-шарқий Осиёда ҳам учрайди. Ҳ.ка 780 млн. киши эътиқод қилади (2003). Миллдининг 1-минг йиллигида шаклланган. Ҳ. *веда дини* ва *браҳманизм* ривожланиши ва унга кейинчалик халқ эътиқоди, урф-одатлари, маросимлари сингиб кетиши жараёнида пайдо бўлган. Ўрта асрларда ҳукмрон мафку-рага айланган.

Ҳ.нинг асосида жоннинг янги шаклга кириши (сансара) ҳақидаги таълимот ётади. Унга кўра, киши ўлгандан кейин жони (руҳи) янги ўсимлик, ҳайвон ёки инсон танасига кириб олади ва қайта туғилади. Янги руҳнинг қай даражада бўлиши қарма қонунига, яъни кишининг ҳаёт давридаги хулқ-атвори, хатти-харакатига боғлиқ. Ҳ.нинг асосий мақсади — инсонни мана шу қайта туғилиш занжиридан, азоб-укубатидан ҳалос қилиш, яъни мокшага эришиш. Ҳ.даги турли диний-фалсафий таълимотлар мокшага эришишнинг йўллари ва воситаларини ишлаб чиқдилар. Хусусан, *веданта* Ҳ.ка фалсафий асос бўлиб хизмат қилди. Ҳ.ка эътиқод қилувчилар қайси кастага мансублигига қараб диний расм-русумларни бажаришда фарқланади. Улар вафот этганларида ерга кўмилмайди, балки оловда куйдирилади. Ҳ.га кўра шундай қилинса марҳ-ум покланади, гуноҳлари бу дунёда қолади. Олов у дунёга гуноҳлардан холи бўлган жоннинг ўзини олиб кетади. Бу диннинг ақидаларига

жўра, одамзот яратилишидаёқ ижтимоий жиҳатдан тенгсиз яратилган. Шунинг учун бу тенгсизликни реал ҳаётда тугатишнинг иложи йўқ. Чунки унга таъсир этишга қодир бўлган кучнинг ўзи йўқ. Ҳа аждодлар руҳига топиниш алоҳида ўрин тутади. Вафот этган аждод ҳудода тенглаштирилади. Аждодлар руҳи бу дунёда яшаётган қариндош-уруғларини кўриқлайди, уларнинг оиласи ва ҳаётини муҳофаза қилади.

Ҳ.нинг муқаддас китоби *ведалар*, «Маҳобхарата» (айниқса унинг «Баҳа-гавадгита» ва «Рамайна» қисмлари) ва б. Ҳ.да асосий худодлар — *Шива*, *Вишну*, *Брахмага* сиғинилади. Уларнинг кўриниши сифатида кўплаб маҳаллий худодлар эътироф этилади. Ҳ.да тоғлар, дарёлар (хусусан, Ганг), ўсимлик (мас, нилуфар), ҳайвонлар (маймун, фил, илон ва айниқса, сигир) муқаддас саналади ва уларга топинилади. турли ғайритабиий ходисалар ҳам сиғиниш объекти ҳисобланади. Диний маросимлар ибодатхоналарда, уйлардаги меҳроблар ёнида, муқаддас жойларда адо этилади. Ҳозирги Ҳ. 2 оқим — *вишнуизм* ва *шиваизм* шаклида мавжуд.

ҲИНДУКУШ (форс. Ҳиндукўх - хинд тоғи) — Осиёдаги тоғ системаси, асосан, Афғонистон, шунингдек, покистон худудида (жан.-шарқий чекка-си). Уз. 800 км чамасида, эни 350 км гача. Энг баланд жойи 7690 м (Тирич-мир тоғи). Марказий ва шарқий қисмларининг ўртгача бал. 4000 м. Ҳ. жан.-ғарбдан шим.-шарққа чўзилган бўлиб, Амударё, Ҳинд ва Ҳилманд дарёлари ҳавзалари ўртасида сувайиргич вази-фасини, клим ва ландшафт чегарасини бажаради. Асосий тизмалари — Бобо, Пағмон ва б. Тоғлар альп бур-маланиши даврида вуждга келган. Замини қад. метаморфик жинслар (сла-нец, гранит, оҳактош ва б.)дан, шунингдек, мезокайнозойнинг чўкинди қатламларидан таркиб топган. Сейсмик фаол зона. Иқлими қуруқ, континентал. Йиллик ёғин 300—800 мм,

жан.-шарқи ёзги муссонлар таъсирида бўлади. Иқлими ва ландшафти баландлик минтақалари бўйича ўзгариб боради. Дарёлари қор ва муздан тўйинади, баҳор ва ёзда тўлиб оқади. Шим. ва жан. ён бағирлари ландшафти бир-биридан фарқ қилади. Пастдан юқорига шим. қисмидаги бўз тупроқларда кўп йиллик баланд бўйли ўтлар, шувок, pista, тоғ жигарранг ва қизил тупроқларда ксерофит буталар, арча, кам чириндили тоғ чўл тупроқларида тоғ қуруқ дашт ёки чўл ўсимликлари ўсади. Нисбатан сернам жан.-шарқий ён бағирларидаги субтропик жигарранг тупроқларда барг тўқувчи қуруқ ўрмонлар ва буталар, 2500 м гача баландликда хиндҳимолай типидagi кенг баргли ўрмонлар, 2500 — 3300 м да игна баргли ва аралаш ўрмонлар, 3300 — 3700 м ва ундан баландда субальп ва альп ўтлоқлари тарқалган.

ҲИНДУНОСЛИК - Ҳиндистон халқлари тарихи, маданий мероси, ғоявий қарашлари, адабиёти, санъ-ати ва тилларини, шунингдек, янги даврда Ҳиндистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларини ўрганувчи фанлар мажмуи. Ҳ. 19-а. бошида Европада шаклланган, аммо европаликларнинг Ҳиндистонга бўлган қизиқиши антик-даврдан бошланган эди.

Абу Райҳон Беруний Ҳиндистонга сафар қилган чоғида санскритни, ўлқанинг геогр.си, маданияти, адабиё-ти, тарихи, фалсафаси, қонунлари, динлари, урф-одатларини атрофлича ўрганган ва ўз билимларини «*Ҳиндистон*» асарида баён этган. 1442—44 й.ларда Абдураззоқ Самарқандий Шоҳ-рух саройининг элчиси сифатида Ҳин-дистон жан.даги Каликут, Ҳинавар, Мангалур, Билур, Боканур ва Вижая-нагар рожаликларида дипломатик миссияни бажарган. Кейинчалик Хива ва Бухоро хонликларининг элчилари ҳам Ҳиндистонда хизмат сафарларида бўлиб, унга оид маълумотларни келтирганлар. Европада Ҳ. 15-а. охирида Ҳиндистонга очилган денгиз йўли

туфайли юзага келган. Аввалига Шим. Ҳиндистонни тадқиқ этишга эътибор берилган. 18-а. ўрталарида эса Ост-Индия компаниясининг мазкур ҳудудларга келиши туфайли бутун ўлкадаги тиллар ва уларнинг грамматикасини ўрганишга эътибор кучайган. Европалик олимлар У.Керри, Жилкройт, У.Жонс, Колбрук ва б. хинду тили ва б. маҳаллий тиллар грамматикасини ўрганишга салмоқли хисса қўшган. Ҳиндистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси, буюк маънавий ва тарихий кадриятлари, адабиётига бўлган зўр қизиқиш Европа давлатларида қатор шарқшунослик марказларининг шаклланишига туртки бўлди. 19-а. бошида илк бор Парижда санскрит ва кад. Ҳиндистон тилларини ўрганувчи Ҳ. кафедраси очилди. 19-а.нинг 2-чорагидан бошлаб Англия, Франция, Германия, Скандинавия давлатлари, кейинроқ эса Россия ва АҚШда Ҳ. сезиларли даражада ривож топа бошлаган. 19-а.да буддизм ва классик филологияни ўрганишда турли мамлакат олимлари Р.Ротт, М.Мюллер, А.Вебер, А.Берген, А.Людовик ва б. самарали фаолият кўрсатганлар. Россияда Ҳ.ка бўлган қизиқиш рус сайёҳи Афанасий *Никитиннинг* 15-а.да Ҳиндистонга қилган саёҳати туфайли кучайди. У ўз саёҳати тўғрисида «Уч денгиз оша» асарида талайгина қизиқарли маълумотлар берган. Кейинги асрларда юзлаб рус савдогар ва сайёҳлари Ҳиндистонга қўплаб сафарлар қилганлар, секин-аста дипломатик муносабатлар ривожлана бошлаган. 1724 й.да Петербургда Россия ФА ташкил этилиб, Ҳ. борасида ҳам фундаментал тадқиқотлар бошлаб юборилди. 20-а.нинг бошларида Ҳ. борасида тадқиқотлар олиб бориш жонлана бошлади, айниқ-са 2-жаҳон урушидан сўнг Россия шарқшунослигида шаклланган йирик йўналиш сифатида илмий ва сиёсий доираларда талайгина ютуқлари билан ўз мавқеига эга бўлди. Россия ФА Шарқ-шунослик ин-ти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат ун-ти қошидаги Осиё ва Африка ин-ти, Москва давлат

халқаро муносабатлар ин-ти, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар ин-ти, Дипломатик академия, Миср тадқиқотлари маркази, Халқлар дўстлиги ун-ти, Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборотлар ин-ти, хорижий тиллар харбий ин-ти, Плеханов номидаги Иқтисодиёт ун-ти, Санкт-Петербург давлат ун-ти ва б. ўнлаб илмий, олий таълим муассасалари, академиялар ва харбий академияларда Ҳиндистон бўйича кенг қам-ровли и.т. ишлари олиб борилди, улар юзасидан юзлаб рисолалар, илмий монографиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, маълумотномалар чоп этилди. Таниқли рус хиндшунос олимлари Г.М.Бонгард-Левин ва Г.Ф.Иль-ин томонидан «Қадимги Ҳиндистон» (1969), Ю.П.Насенконинг «Жавоҳар-лал Неру ва Ҳиндистон ташқи сиёсати» (1975), В.К.Плешаковнинг «Ҳиндистонда демократия: маҳаллий ўз-ўзини бошқарув» (1992) китобларида Ҳ.нинг долзарб масалалари ёритиб берилди.

Москвада мунтазам равишда чоп этилаётган «Азия и Африка сегодня», «Восток», «Наука и религия», «Мировая экономика и международные отношения», «Индия» ойлик жур. ва «Вестник МГУ» илмий тўпламида Ҳ.ка тааллуқли таҳлилий материаллар чоп этиб келинмоқда. МДҲ миқёсида Душанба ун-ти, Олмаота ун-ти, Боку ун-ти, Киев ун-ти, Қозоғистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик тадқиқотлар ин-ти ва б. илмий, ўқув муассасаларида Ҳ. бир маромда ривожланиб бормоқда. Ҳозирда Париж ун-ти ва унинг тасарруфидидаги и.т. институтлари ва марказларида будда дини, Ҳ.нинг ички ва ташқи сиёсати, давлат тузуми, фалсафаси ўқитилмоқда ва и.т.лар олиб борилмоқда. Буюк Британиянинг (Лондон ун-ти, Кембриж ун-ти, Сафикс ун-ти ва Оксфорд ун-лари), Германиянинг (Гейдельберг Жан. Осиё ин-ти, Тюбинген ун-ти, Мюнстер ун-ти, Берлин ун-ти ва Гамбург ун-ти), Италиянинг (Милан ун-ти) ун-ларида кад. Ҳиндистон, Венеция ун-тида эса

хоз. Ҳиндистоннинг долзарб муаммолари юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Ҳ., шунингдек, Австриядаги Вена ун-тида, Болгариядаги София ун-тида, Польшадаги Краков ун-тида, Норвегия, Руминия ва Испаниянинг олий таълим даргоҳларида ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳ. бўйича АҚШнинг Колумбия ун-ти, Беркли ун-ти, Чикаго ун-тида, Япониянинг Токио ва Осака ун-тида ҳам ривожланмоқда. Ҳ., шунингдек, Мисрнинг Қоҳира ун-ти, Ливиянинг Бенғози ун-ти, Триполи ун-ти, ЖАРнинг Йоханнесбург ун-ти, Австралиянинг Сидней ун-ти, Туркиянинг Истанбул ун-тида малакали ҳиндшунос мутахассислар тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистонда илмий Ҳ.нинг шаклланиш бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. 1947 й. Тошкент Давлат ун-ти Шарқ факультетида ҳинд филологияси кафедраси очилди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида 1950 й. хорижий шарқ мамлакатлари тарихи бўлими, 1957 й.да Ҳиндистон ва Покистон тарихи, иқтисоди ва маданияти сектори ташкил топди. Ўзбек шарқшунос-ҳиндшунос олимларидан А. Ўринбоев («Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси»), С.Азимжонова («Қобул ва Ҳиндистонда Бобур давлати», «Ҳумоюннома»), И. Низомиддинов («Ўрта Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқалари тарихидан»), И.Ҳошимов («Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи салтанати») ва б. Ҳиндистон тарихига оид йирик тадқиқотларни амалга оширдилар.

Ўтган давр мобайнида ҳиндшунос олимларимиз томонидан 50 дан ортиқ илмий монография ва рисолалар чоп қилинди. Ушбу асарларни ёзишда олимларимиздан фан докторлари акад. С.Азимжонова, А.Ўринбоев, И.Низомиддинов, И.Ҳошимов, М.Кутина; фан номзодларидан А.Қосимов, У.Орипов, С.Тансиқбоева, Н.Муҳамедов, Л.Еремян, С.Ермакова, Д.Бекаева, Б.Обидов, М.Тошмухамедов,

А.Саҳиббоев ва б. тайёрлаб нашр этдилар. Бу тадқиқотлар Ҳиндистон тарихи, ички ва ташқи сиёсати, маданияти, адабиёти, Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари ва ҳ.к. масалаларга бағишланган бўлиб, Ҳиндистоннинг ўтмиши ва ҳоз. ҳаёти ҳақида муфассал маълумотлар беради. Ўзбекистонда ҳинд-дий ва урду тилларини ўргатиш яхши йўлга қўйилган. 1990 й.дан алоҳида ин-т бўлиб ташкил топган Тошкент шарқшунослик ин-ти Жан. Осиё халқлари тиллари кафедрасида етуқ ҳинд-шунос мутахассислар талабаларга ҳинд-дий, урду, панжоби, бенгал тилларидан сабоқ бермоқдалар. Шарқ мамлакатлари тарихи, адабиёти кафедраларида Ҳиндистон тарихи, адабиёти фанлари ўқитилади. Ушбу ин-тда фан докторларидан Т.Ғиёсов (тарих), О.Шоматов (филолог), фан номзодлари С. Афғамов, Ҳ. Бегизова, У.Муҳибова, Т.А.Хўжаева, А.Иброҳимов, С.Йўлдошев каби мутахассислар дарс бериш билан бирга и.т.лар ҳам олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ҳиндшуносларининг номлари халқро ва сиёсий доираларда яхши танилган ва улар Ҳиндистоннинг тарихи, ички ва ташқи сиёсати, сиёсий партиялари, дипломатияси, хотин-қизлар ҳаракати, фалсафаси, миллий-озодлик кураши, адабиёти, тиллари масалалари, Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари, маданияти ва б. муҳим жиҳатларини чуқур тадқиқ этиб келмоқдалар. Т.Ғиёсовнинг «Қа-димги Ҳиндистон тарихи» (2000), И.М.Ҳошимов ва М.М.Кутинанинг «Ҳиндистон Миллий Конгресси ва Ҳиндистонда минтақавий жамоат ташкилотларининг фаолияти» (1980), И.Ғ. Низомиддиновнинг «Бобурийлар давлати» (1983), С.М.Афғамова, Б.Обидовнинг «Ҳозирги Ҳиндистон» (1991), О.Н.Шоматовнинг «Жанубий Осиё тилларига кириш» (2003) каби асарлари чоп этилди.

Ўзбекистонда Ҳ.ни ривожлантиришда, асосан, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, Тошкент шарқшунослик ин-ти ва Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар ин-ти олимлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатда чоп этилаётган «Шарқшунослик», «Шарқ машъали», «Востоковедение», «Маяк Востока» илмий жур.ларида Ҳиндистоннинг турли жиҳатларини ёритувчи мақолалар бериб борилмоқда. Тошкентда «Ўзбекистонда — Ҳиндистон дўстлик жамяти» фаолият кўрсатмоқда. Тагор, Премчанд, Кришан Чандр, Жафрий, Аҳмад Аббос ва б. хинд ёзувчи ва шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилиши ҳам республикада Ҳ.ни ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилади.

Ад.: Библиография Иидии, М., 1976.
Бобир Ғиёсов.

ХИРОВУЛ (мўғулча — яккаланмок, узоклашмоқдан) — илғор қисм, авангард. Амир Темур юришларига оид форсийда битилган тарихий манбаларда қайд этилган. Эски ўзбек тили ман-баларида Ҳ.нинг ировул (эравул) фо-нетик варианты ҳам мавжуд бўлиб, у «Бобурнома» ва Абулғозийнинг «Ша-жарайи турк»ида ишлатилган. Ҳ.бир қатор обидаларида бошқа бир мўғулча *манглай* (манғлий) атамаси билан ал-машинган. Жанговар тартибга биноан Ҳ. лашкарнинг пешрави (аванпости) *қоровуллан* кейин, яъни марказ ғулдан олдин, ўнг қанот (баранғар) ва чап қанот (жуванғар) оралғида ҳара-кат қилган. Ҳ.га жанглarda суяги қотган, тажрибали, баҳодир жангчилар жалб этилган, атокли саркардалар қўмондонлик қилган. Соҳибқирон қўшинида асосий, бош Ҳ. қатори ўнг қўл ва сўл қўлнинг ҳам Ҳ.и мавжуд бўлган.

ХИРОТ — Афғонистоннинг шим.ғарбий қисмидаги шаҳар, Ҳерируд дарёсидан суғориладиган воҳада жойлашган. Аҳолиси 167 минг киши (2003). Автомобиль йўллари чорраҳаси. Мамлакат ғарбий қисмидаги муҳим иқтисодий марказ. Пахта тозалаш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд.

Хунармандчилик ривожланган, қўлда турли матолар, гилам тўқилади. Қорақўл тери ва б. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилинади.

Шаҳар номи мил. ав. ҳам маълум бўлган. Сосонийлар даврида йирик шаҳарга айланган. 7-а.дан араблар қўл остида. Бу даврда Ҳ. янада ривожланди. Сомонийлар даврида эса Хуросоннинг асосий шаҳри. 10-а. бошларида Ғурийлар давлати таркибига кирди. 1020 й.дан Ҳ.ни Ғазнавийлар ноиб султон Масъуд бошқарган. 1221 й.да шаҳарни Чингизхоннинг ўғли Тулуй қўшинлари эгаллаб, уни вайрон қилган. 1234 й.да шаҳар Ўқтойхон томонидан қайта тикланган. Мўғуллар босқинчилиги давридаги вайронагарчиликлар натижасида карвон йўллари Ўрта Осиёдан Ҳиндистон ва Хитойга Ҳ. орқали ўтган. Куртлар ҳукмронлиги вақтида шаҳар Хуросоннинг асосий шаҳри сифатида тез ўсди. 1383 й.дан Ҳ. Амир Темур давлати таркибига кирди. Дастлаб Мироншоҳ (1366—1408), кейинчалик Шоҳрух (1377-1447), Абу Саъид (1424-69), Султон Ҳусайн Мирзо (1438 — 1506) ва б. темурийлар давлатининг пойтахти бўлган. Ўша даврда Ҳ. жуда тараккий этган. Ўрта Шарқнинг йирик савдо, хунармандчилик ва маданий марказига айланган. Ҳиндистон, Хи-той ва Европа билан кенг савдо ва маданий алоқалар олиб борилган. Ҳ. ва унинг агрофида йирик мадраса, мас-жид, кўприклар ва б. жамоат бинолари қурилган. 16-а.дан Ҳ. Сафавийлар давлати таркибига киритилди. 1716 й.да мустақил Ҳирот ҳокимлиги тузилган. 1732 й.да шаҳарни Эрон шоҳи — нодиршоҳ эгаллаган. 1747 й.дан Дурронийлар давлати таркибида. 19-а. бошида ярим беклик маркази бўлиб қолган. 1863 й.дан Афғонистон давлати таркибида.

Ҳ.да *Алишер Навоий*, *Жомий*, *Ҳофиз*и *Абру*, *Мирхонд*, *Бехзод* каби олим ва фузалолар яшаб, ижод қилганлар. Ҳ. — ўрта аср миниатюра ва амалий безак санъатининг маркази (қ. *Ҳирот миниатюра мак-*

таби).

Меъморий ёдгорликлардан қалъа (15-а.), Жоме масжиди (13—14-а.лар), Мусалло ансамбли таркибидаги Гавҳаршодбегим масжиди миноралари, Абдулло Ансорий макбараси (15-а.) ва б. сакланган.

ХИРОТ АМИРЛИГИ (1716-32)

-*Хирот қўзғолони* натижасида барпо этилган давлат. Ҳ.а.ни қабила зодагонлари томонидан сайланган амир ва зодагонлар кенгаши бошқарган. Ҳирот амирининг ҳокимияти Мурғоб, Бод-хиз, Қусувия, Ғуриён ва Фарах туманларига тарқалган. *Сафавийларнит*, кейинчалик эса Нодир Қулибекнинг (қ. *Нодиршоҳ*) Ҳ.а.ни бўйсундириш учун бир неча йиллар давомида олиб борган уринишлари самарасиз бўлган. Фақат 1732 й.га келиб Нодиршоҳ амирликни босиб олишга эришган. Абдалларнинг бир неча минг оиласи вилоятдан бадарға қилинган, Нодир-шоҳ саркардаларидан бири Ҳирот ҳокими этиб тайинланган. Ҳ.а.нинг барпо этилиши афғон давлатчилигининг шаклланиш жараёнида муҳим доскич бўлган.

ХИРОТ ЖОМЕ МАСЖИДИ

- Афғонистондаги меъморий ёдгорлик (1200—14-а.лар). Шоҳ Ғиёсиддин мухаммад ибн Сам ҳукмронлиги даври (1193 —1202)да қурила бошланган, ўғли ва вориси томонидан ниҳоясига етказилган. Масжид маҳобати ва кўлами жиҳатидан *Бибихоним жоме масжидидан* ҳам улуғвор бўлган. Масжид ҳовлиси (тарҳи 95x75 м) равокли га-лерейа билан ўралган; масжиднинг ўзига хос томони ҳовли кўлаמידан келиб чиқиб ён равоклари 2 қаватли қилиб кўтарилган. Ҳовлининг шим. томонида Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Самнинг гумбаз билан ёпилган дахмаси (зиё-ратхона) жойлашган; зиёратхона ганчори нақшлар билан безатилган. Зилзи-ладан зарарланган масжид биноси 1498—1500 й.ларда *Алишер Навоий* раҳ-барлигида унинг маблағига

қайта тикланган. 1936—44 й.ларда таъмирланган, шу даврда ёнида миноралари бўлган янги пештоқ қурилган.

ХИРОТ МИНИАТЮРА МАКТАБИ

-15-а.да Ҳиротда шаклланган тасвирий санъат (*миниатюра*)*ши* услуб. 20—30-й.ларда Шохрух саройида қўлёзма китоблар тайёрланадиган устахонаси бўлган китобхона юзага келгач, у ерда адабий ва тарихий мазмундаги қўлёзмаларни безовчи мусаввирлар, хаттотлар, наққош, музаҳҳиб ва б. тўпланди. Уларга шаҳзода *Бойсунғур* Мир-зо ҳомийлик қилган. 15-а. 1-ярмида яратилган миниатюра асарлари бади-ий-тасвирий усулининг нафислиги, бой колорити, тинимсиз изланувчанлиги ва оқибат натижада турғун композициялар ва тасвирий қоидаларининг пухта ишланганлиги билан ажралиб туради. Анъанавий мавзулар орасида мажлис, жанг, ов, севишганлар учрашуви, донолар суҳбати, қаҳрамонлар жасорати ва б. етакчи ўрин тутди. Мир Халил, Ғиёсиддин (Хитойдаги элчихонада ишлаган), Хўжа мусаввир ва б. усталар томонидан яратилган асарлар орасида «Шохнома» (1429/ 30, Техрондаги Гулистон музейида), «Калила ва Димна» (1429, 1430, истанбулдаги Тўпкопу сарой кутубхонасида), Низомийнинг «Хамса» (1431, Эрмитажда; 1445, Тўпкопу сарой кутубхонасида) асарлар қўлёзмалари машхур. 15-а. 2-ярмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳомийлиги туйфайли Ҳ.м.м. ўз тараққиётининг юкори чўкқисига кўтарилди. Бу даврда расм ва ранглар уйғунлиги тузили-шининг моҳир усталари бўлган *мирак Наққош*, Хўжа Муҳаммад наққош, Хўжа Али ал-мусаввир, *Шоҳ Музаф-фар* кабилар ижод қилди; ижодий камолот чўкқиси Камолиддин *Беҳзод* бўлди. Унинг ижодида бу мактабнинг жўшқин, ҳаракат ва деталларга бой композициялардан ҳис-туйғуларни ифодалаш усулига, шунингдек, порт-рет жанрига ўтишдек тараққиёт йўли ўз ифодасини топди. Унинг ҳар бир яратган асари, шоҳ асар

эди; замондошлари унинг асарларини бадий мукамаллиги, ўта ҳаётийлиги ва ҳақ-қонийлиги учун кадрлади. Бехзод раҳ-барлигида шогирдларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди: *Дарвеш Муҳаммад*, Мақсуд, Мулла Юсуф, оригинал композициялари, маҳорати билан устозидан қолишмайдиغان *Қосим Али* ва б. томонидан Навоийнинг «Сабъи сайёр» (1485, Оксфорддаги Бодли кутубхонасида), Саъдийнинг «Гулистон» (1486, Париждаги Ротшильд мажму-асида), Низомийнинг «Хамса» (1494/ 95, Британия музейида), Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» (1496/97, Тўпко-пу сарой кутубхонасида) ва б. бир қатор қўлзмалар безатилди, алоҳида мини-атюралар (Султон Ҳусайн, Шайбонийхон, Жомий, Хатифий ва б. портретлар) яратилди.

Ҳ.м.м.нинг ўзига хослиги — қўлзмаларни безаш учун ажратилган сахналар иштирокчиларининг танлаб олиниши билан боғлиқ. Композицияда иштирокчилар доира шаклида жойлаштирилиши ҳам айнан ушбу мактабга хос анъана. Ҳ.м.м. вакиллари гео-метрия, фалсафа, адабиёт ва б. соҳалардан ҳам хабардор бўлиб, миниатю-раларидаги мейморлик кошнлари, Мейрож» (Амир Хусрав ва Хасан Деҳлавийнинг терма «Девон»ига ишланган, 1551). гилам, кандакорлик, қулоччилик, либосларга ишланган нақшлар аниқ ва ишонарли қилиб тасвирлаган. Маз-кур мактабнинг яна бир хусусияти — Хитой тасвирий санъатининг баъзи ифодавий унсурларидан ижодий фойдаланишдан иборат (Хитой ипақлари-да, миниатюра ва лакланган қутичаларга ишланган «жимжимадор булут» тасвири Ҳирот миниатюраларида кўп учрайди ва х.к.). Рангларни танлаш борасида ҳам бу мактаб К.Бехзод бошлаб берган анъаналарига эга. Ҳиротлик мусаввирлар рангларни рамзий ва ифодавий талқин этили-шида кўпроқ шоир изидан боришга ҳаракат қиладилар.

Ҳ.м.м. бошқа бадий марказлар (жумладан, *Бухоро миниатюра мактаби*, *Самарқанд миниатюра мактаби*, *Табриз*

миниатюра мактаби ва б.)нинг ривожига (жумладан, уларнинг мусав-вирлари ижоди)га катта таъсир этди. Бу мактаб вакиллари яратган асарлар жаҳон бадий меросига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди.

Рашид Фатхуллаев.

ҲИРОТ ҚЎЗГОЛОНИ (1716) —*Сафавишлар* хукмронлигига қарши Ҳирот ва унинг вилоятида кўтарилган қўзғолони. Вилоят аҳолисининг бир қисми афгонларнинг абдал қабиласидан иборат эди. Миллий зулм ва маҳаллий аҳолини сафавий ҳокимлари томонидан диний таъкиб этилиши, шунингдек, йирик афгон қabila бошлиқларининг чет элликлар хукмронлигидан халос бўлишга интилишлари Ҳ.к.га сабаб бўлган. Қўзғолоннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини абдал қабиласи ташкил этган; қабил бошлиқлари ва зодагонлари раҳбарлик қилган. Ҳирот ва вилоятнинг афгон бўлмаган аҳолиси қўзғолончиларга катта ёрдам кўрсатганлар, озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминлаб турган, ҳарбий қисмлар ташкил қилган. Шох қўшинларининг қўзғолонни бостириш учун қилган уринишлари зое кетган. Ҳ.к. натижасида Ҳирот амирлиги барпо этилган.

ҲИСОБ — сонларни ифодалаш ва бел-гилаш усули. Ҳ. тизимларида п та бирлик (мас, ўн) 2-разряднинг бир бирлигига (ўнликка) бирлашади. 2-разрядли шунча сон 3-разряднинг бир бирлигига (юзликка) бирлашади ва х.к. п сони Ҳ. тизимининг асоси, ҳар бир разряддаги бирликларнинг сонини ифодаловчи белгилар рақамлар дейилади. Энг кўп қўлланадиган Ҳ. тизими ўнлик тизим бўлиб, унда 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақамлари ишлатилади (қ. *Ўнли санок тизими*). Баъзи халқлар Ҳ.нинг бешлик тизимидан фойдаланишган. Қад. Бобилда олтмишлик тизим мавжуд бўлиб, бу тизим соат ва градуснинг 60 мин.га, минутнинг 60 сек.га бўлинишида хозиргача сақланиб қолган.

ХИСОБ СТАВКАСИ, ҳисоб фои з и ставкаси, қайта молиялаштириш ставкаси — марказий банкларнинг тижорат банклари резервларини тўлдириш ва уларнинг ўз миқдорларига банк хизматлари кўрсатиш учун берадиган кредитларига белгиладиган фоиз ставкаси; тижорат банклари Марказий банкдан олган кредит ресурслари учун тўлайдиган \ак. Ҳ.с. бозор механизмидаги ғоят муҳим иқтисодий восита, давлатнинг пул сиёсатида қўлланиладиган кучли иқтисодий дастак. Ҳ.с. пул бозоридаги талабга таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Иқтисодиётда ўсишни тезлатиш мақсадларида Ҳ.с. пасайтирилади ёки аксинча иқтисо-днётда ўсиш жадаллашиб, товарларни сотиш қийинлашганда ўсишни секинлаштириш учун Ҳ.с. оширилади. Ҳ.с.га пул бозоридаги талабдан ташқари қўйилган инфляция даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Инфляциядан қўйилган йўқотиш Ҳ.с.ни ошириш орқали қопланади. Мас, мейёрдаги Ҳ.с. 4% бўлиб, инфляция 3% даражасида қўйилса, амалдаги Ҳ.с. 7% ни ташкил этади. Марказий банкнинг Ҳ.с. қанча юқори бўлса тижорат банклари ўзлари тақдим этадиган кредитлар учун оладиган фоизи шу қалар юқори бўлади. 2004 й.да Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ҳ.с. июлда 20% дан 18% гача, дек.да 18% дан 16% гача пасайтирилди ва қайта молиялашнинг йиллик ставкаси 18,8% ни ташкил этди (2003 й.да 27,1%, 2002 й.да 34,5%).

Алишер Ваҳобов.

ХИСОБ ФОИЗИ — 1) банклар *вексель, купон, акция, облигация*, бошқа турдаги қимматли қоғозларни ва қарз мажбуриятларини уларнинг тўлов муддатлари келишига қадар ёки амал қилиш муддатлари тамом бўлишига қадар сотиб олиш (ҳисобга олиш)да аванслаган пул маблағлари учун сотувчидан ундирадиган тўлов. Ҳ.ф. вексель (ёки бошқа қарз мажбуриятлари) номинали билан банк

сотиб олган нарх ўртасидаги фарққа тенг бўлади; 2) банк томонидан банклараро кредит беришда олинадиган ссуда, кредит фоизи.

ХИСОБЛАШ МАТЕМАТИКАСИ - *математиканинг* турли масалаларнинг (аниқ ёки тақрибий) ечимини сонли натижага олиб келадиган усулларни ўрганиш билан шуғулланадиган бўлими. *Иррационал сонларни* ҳисоблаш қонидасининг яратилишини Ҳ.м. боши деб қабул қилиш мумкин. Ҳ.м. таракқиё-ти, умуман, мат. ва *электрон ҳисоблаш* машинаси (ЭҲМ) таракқиёти билан узвий боғлиқ. Кен г маънода Ҳ.м. деганда мат.нинг ЭҲМ дан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларини ўз ичига олган бўлими тушунилади. Ҳ.м.да рақамли усуллар муҳим ўринни эгаллайди. Типик математик масалалар деб қуйидагиларни айтиш мумкин: 1) табиқтарда кенг қўлланадиган алгебра масалалари: чизикли ал-гебраик тенгламалар тизими (жумладан, тартиби катта тизимлар) ни ечиш, *матрицанинг* тескарасини топиш, матрицаларнинг хос сонлари ва хос векторларини топиш (дастлабки бир нечтасининг қийматини топиш — хос сонларнинг хусусий муаммоси, барчасининг қийматини топиш — хос сонларнинг тўлиқ муаммоси) усуллари; 2) *трансцендент функциялар* (бир аргументли ва кўп аргументли)нинг қийматларини ҳисоблаш ва уларни бошқа соддароқ функциялар (мас, кўпхадлар) билан яқинлаштириш усуллари; 3) бир аргументли ва кўп аргументли функцияларни сонли диф-ференциаллаш ва интеграллаш усуллари; 4) оддий дифференциал, интеграл, интегро-дифференциал ва хусусий ҳосилавий дифференциал тенгламаларни сонли ечиш усуллари.

Ҳ.м.да тез ривожланаётган соҳалардан бири — оптималлаштиришнинг сонли усуллари. Оптималлаштириш масаласи мураккаб тузилишли тўпламлар устида аниқланган функционалларнинг оптимал қийматларини ўрганишдан иборат. Бу ерда, биринчи навбатда, иқтисодий

масалалар ва уларга келтириладиган математик (жумладан, чизикли ва динамик) дас-турлаш усуллари кўрилади. Амалларни текшириш ва *ўйинлар назарияси* масалаларини ечишда келиб чиқадиган минимум масалалар ҳам оптималлаштириш масалаларига киради.

Ҳ.м.нинг кўп бўлимларида, хусусан, катта ҳажмдаги масалаларида (мас, ўзгарувчиларнинг сони кўп бўлганда) ечиш усуллари оптималлаш масалалари катта аҳамиятга эга.

ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ - ахборотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш (ҳисоблаш) масалаларини механизациялаш ва автоматлаштириш

учун мўлжалланган қурилма ёки қурилмалар мажмуи. Асосан 3 синфга бўлинади: *аналог ҳисоблаш машинаси, рақамли ҳисоблаш машинаси* ва *гибрид ҳисоблаш машинаси*. Ҳозир асосан рақамли Ҳ.м. кенгроқ қўлланади (яна қ. *Кибернетика, Компьютер, Электрон ҳисоблаш машинаси, Ҳисоблаш техникаси*).

ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ - ҳисоблаш жараёнларини, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва узатиш масалаларини ҳал қилишни механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситалари мажмуи; *техниканинг* ҳисоблаш машиналари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва ишлатиш билан шуғулланадиган тармоғи. Вақтни ҳисоблаш, ер майдонларининг сатҳини аниқлаш, савдотик ҳисоблари ва б. юмушлар билан боғлиқ масалалар қадимдан маълум. Ҳисоблашларни механизациялаштирувчи дастлабки содда қурилмалар — *абак*, хитой чўти ва оддий ҳисоблаш масалаларини ечиш қодалари мил. ав. вужудга келган. Непер шкаласи, логарифмик линейка, Б.Паскалнинг (Франция) арифметик машиналарига ўхшаш ҳисоблаш қурилмалари 17-а.даёқмаълум эди. 18—19-а.лардаги саноат инкилоби Ҳ.т. ривожланишига туртки бўлди. 1833 й.да инглиз

олими Ч.Баббидж арифметик ва хотира қурилмали дастурли бошқариладиган катта арифмометр — «аналитик машина» лойиҳасини ишлаб чиқди, лекин унинг лойиҳаси 100 й. дан кейингина муҳанлислар диққатини ўзига жалб қилди. 1944 й. АК,Ш да электромагнит реледа ишлайдиган «МАРК-1» дастурли бошқариладиган *рақамли ҳисоблаш машинаси* (РХМ) қурилди. 20-а. 40-й.ларида дастурли бошқариладиган электрон РХМнинг яратилиши Ҳ.т. тараққиётида кескин бурилиш ясади. Кейинчалик РХМнинг техник параметрлари такомиллаштирилиб борилди, уларнинг ишлаш тезлиги ва хотира ҳажми бир неча марта орттирилди. 1950 й.да Украина ФА акад. С.А.Лебедев раҳбарлигида биринчи электрон РХМ «МЭСМ» (кичик электрон ҳисоблаш машинаси) қурилди. 1953 й.да С.А.Лебедев раҳбарлигида Аниқ механика ва ҳисоблаш техникаси интида «БЭСМ» (тез ишлайдиган электрон ҳисоблаш машинаси) яратилди. Электрон техникасининг ривожланиши Ҳ.т.нинг тез такомилла-шишига сабаб бўлди. Дастлабки ЭХМ лари лампали бўлган, кейинчалик улар яримўтказгичлардан тайёрлана бошлади. Бундай ЭХМларнинг бир неча авлоди яратилди. Ҳозир асосан *компьютерлар* ишлатилади (қ. *Кибернетика*).

Ахборотларни қайта ишлаш тизимларида, кемалар, самолётлар, космик объектлар ва б.нинг координатларини тез ва аниқ белгилашда, кутубхоналардаги жараёнларни ва библиографик ишларни механизациялашда, банк, омонат кассалар ва б. молия муассасаларининг ишларни марказлаштиришда Ҳ.т.дан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда Ҳ.т.га доир и.т. ишлари *Кибернетика институти*, Ўзбекистон миллий ун-ти, Тошкент техника ун-тида олиб борилади.

ҲИСОБОТ — корхоналар, ташкилотлар, компаниялар томонидан ўз фаолияти тўғрисида даврий (ой, чорак, йил) ва

белгиланган шаклда тузиладиган, давлат, статистика ва молия органларига тақдим этиладиган ахборот, маълумотлар, ҳисоб-китоб ҳужжатлари. Баланс Ҳ., молиявий Ҳ. ва статистик Ҳ., хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Баланс Ҳ.и — компания бухгалтерия ҳисоботининг асосий шакли бўлиб, муайян сана учун капитални шакллантириш манбалари ва капи-тал қўйилмалар йўналишини тавсифлайди. Икки томонлама жадвал шаклида тузилади; унинг чап қисми (актив)да капитал таркиби ва унинг жойлаштирилиши тўғрисида маълумотлар, ўнг қисми (пассив)да капи-тал манбалари кўрсатилади. Активда асосий ва айланма капитал кўрсаткичлари, пассивда ўзиники бўлган ва жалб этилган капитал тузилмаси ва миқдорлари берилди. Жуда батафсил тузиладиган ички баланс компания бошқаруви томонидан компания фаолиятини режалаштириш ва бошқариш-да, филиаллар ишини назорат қилишда фойдаланилади. Ташқи баланс ташқи ҳисоботнинг бошқа шакллари билан бирга компания фаолияти тўғрисида тўлиқ ва очиқ ахборот ҳисобланади. Давлат солиқ ва юқори раҳбарлик органларига, фонд биржаларига тақ-дим этилади, акциядорлар ўртасида тарқатилади, махсус маълумотномаларда эълон қилинади. Тижорат-савдо сирини сақлаш мақсадларида компаниялар балансида расман рухсат этилган модда (банд)ларни гуруҳлаш ва умумлаштиришдан кенг фойдаланилади (қисқа баланс). Компанияларнинг молиявий Ҳ.и. ҳисобот топширишининг мажбурий шакли. Унга қуйида-гилар қиради: компаниянинг умумий баланси; фойда ва кўрилган зарар тўғрисида ҳисобот; пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот ва компания раҳбариятининг умумий мажлисда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун компания пайчилари ёки акциядорлари эътиборига ҳавола этиладиган йиллик доклади.

Корхоналарнинг статистик ҳисоботи иқтисодиётдаги айрим бўғинларнинг иш кўрсаткичларини жамлаш орқали

тармоқлар, минтақалар ва мамлакат иқтисодий фаолиятининг статистик кўрсаткичларини аниқлашга имконият яратади.

Дилдора Саидова.

ҲИСОР (араб. — ўраб олмак, чегараламак) — Ўрта Осиё хонликларида калъа девори, девор билан ўралган шаҳар, тоғли ҳудудлардаги мудофаа истехкоми, тепалик.

ҲИСОР ВОДИЙСИ - Тожикистон Республикасининг ғарбидаги тоғлараро ботик. Ҳисор тизмасининг жан. чек-каси ва Боботоғ билан Қоратоғнинг шим. чеккалари орасида. Уз. 115 км. Энг кенг жойи 20 км. Бал. 700—1000 м. Жан. дан Афғон — Тожикистон ботиғидан деярли меридиан йўналиш бўйлаб чўзилган тизмалар билан ўралган. Ер юзаси водийдан оқиб ўтувчи Кофарниҳон, Варзоб, Душанба, Хонака, Илоқ ва б. дарё террасалари ва ёйилма конусларидан иборат. Водий тектоник ботикда жойлашган бўлиб, мезокайнозой даври чўкинди тоғ жинслари билан тўлган. Ҳ.в. атрофи тоғлар билан ўралганлиги сабабли иклими анча юмшоқ. Ёзи иссиқ ва қуруқ. қиши қисқа ва илик. Январнинг ўртача т-раси —0,7°, Июлники 28°. Йиллик ёғин 500—600 мм. Водийда, асосан, тўк бўз тупроқлар тарқалган; чўл, чалачўл ва дашт ўсимликлари, дарё бўйларида турли дарахтлар ўсади. Ҳ.в. ҳудуди деярли ўзлаштирилган ва бу ерда маданий лан-дшафтлар кенг тарқалган. Дарёларнинг қуйи қисмларидаги ботқоқли тўқайзорлар ҳам қуритилиб, экинзорларга айлантирилган. Водий ер ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида *Камта Ҳисор канали* қурилган. Пахта, кунжут, галла, полиз экинлари етиштирилади, мевали боғлар барпо қилинган, тоғ ён бағирларининг 1200—2000 м баландликлари субтропик даштлардан иборат. Бугазорлар, дарахтзорлар бор. Ўзлаштирилган ерларида галла экинлари экилади, мевали дарахт-

лар ўстирилади, ундан баландда субальп ва альп ўтлоклари уч-райди. Ҳ.в.да Тожикистон Республикаси пойтахти — Душанба, шунингдек, Турсунзода, Вахдат (собик Оржоникидзе) ш.лари жойлашган.

ҲИСОР МАДАНИЯТИ - мил. ав. 6-3-минг йилликларга оид неолит даври археологик мажмуаси. Асосий ёдгорликлари Тожикистоннинг Ёвонсу, Вахш, Қизилсув, Қофарниҳон дарёлари хавзаларида қайд этилган. Ҳ.м.ни 1948 й. А.П.Окладников кашф этган; асосий ёдгорликлари Тутковул, Сайёд, Қози Берди ва б. Бу маданият даврий жиҳатдан Ўзбекистондаги Кал-таминор ва Туркменистондаги Жойтун археологик маданиятлари билан бир вақтга тўғри келади. Топилмалари тош ва суюқдан ясалган қуроллар, қар хил маиший ўчоқлардан иборат. Тош қуроллар ясашда оҳақтош, кварцит, серпантин, яшма каби материаллардан фойдаланилган. Ҳозиргача Ҳ.м. ёдгорликларида сопол буюм намуналарини учрамаслиги тадқиқотчилар учун ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, *Калтаминор маданияти* даврида — Ўрта Осиёда сопол идиш тайёрлангани маълум эди. Ҳ.м. сохибларини хўжалик жиҳатдан эн-дигина ўтроқлашаётган овчилар, теримчилик билан тирикчилик килувчилар ташкил этарди деб ҳисоблаш мумкин. Деҳқончиликнинг илк белгилари фақат Ҳ.м. нинг сўнгги даврида пайдо бўлган.

ҲИСОР ТИЗМАСИ - Ўрта Осиёдаги тоғ тизмаси. Помир-Олай тоғларининг ғарбий қисмида (Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларида), Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё хавзаларининг сувайирғичи. Уз. 200 км. Ўртача бал. 3600 м. Энг баланд жойи 4643 м (Дукдон тоғи). Асосан, палео-зой ва мезозой даври гранит интрузиялари ёриб чиққан кристалли жинслар, гранодиорит, сланец ва кум-тошлар, гипс, конгломерат, доломит ва б.дан ташкил топган.

Ҳ.т.нинг марказий қисмида (2195 м баландликда) хушманзара *Искан-дарқўл* жойлашган. Шим. ён бағри анча тик ва қояли, жан. ён бағри эса қия бўлиб, кенг платолар ва унумдор водийлар бор. Ҳ.т.нинг тузилиши жуда мураккаб бўлиб, унда бир қанча баланд тоғ массивлари, довлар мавжуд.

Рельефи мураккаб, қояли. кўп жойлари парчаланган. Сувайирғич қисми ва ён бағирларида текисланган юзалар тарқалган, зич ва дара шаклидаги дарёлар билан чуқур кесилган. Гипс ва оҳақтошлар тарқалган жойларида карст рельеф шакллари (каррлар, карст воронкалари, ботиклари, қудуқлари, ғорлари) учрайди. Бундай жойларни маҳаллий аҳоли «минг чуқур» деб атайди. Оҳақтошларда тик ва қояли куэс-талар ҳосил бўлган. Ҳ.т.нинг шим. ва ғарбий ён бағирларини Зарафшон, Қашқадарё, жан. ён бағрини Ярхин, Сарбоғ, Қофарниҳон, Варзоб, Хона-ка, Любач, Қоратоғдарё, Ширкент, Тўполондарё ва б. дарёлар чуқур даралар ҳосил қилиб кесиб ўтади. Ҳ.т. да келиб чиқиши ҳар хил (морена, тўғон, карст) кўллар (Искандарқўл, Ҳазор-чашма, Қўликалон, Аловуддин, Зиё-рат ва б.) мавжуд. 180 га яқин музлик бўлиб, майд. 148,4 км² дан ортиқ. Ҳ.т.да сурма, вольфрам, симоб, қалай, флюорит, доломит конлари ва иссиқ булоқлар бор. Ёзи салқин, қиска, қиши совуқ, сернам, 2000 м баландликда июлнинг ўртача т-раси 20° бўлса, 3600 м баландликда 0° га тушиб қолади. Январининг ўртача т-раси 3300 м баландликда —15°. Йиллик ёғин жан.-ғарбий ён бағрида 600—1200 мм, шим.-шарқий ён бағрида 300—400 мм. 1200 м баландликларда тилпик ва тўқ бўз тупроқлар тарқалган. Баҳорда эфемер ва эфемеро-идлар, буғдойик, шувоқ ўсади. Буталардан аччикбодом, қарағат, дўлана ва б. учрайди. Яйловларда чорва боқилади. 1200—2500 м баландликлар орасидаги тоғ жигарранг, тоғ-ўрмонқора тупроқлар, тоғ-ўрмон-кўнгир тупроқларда арчазорлар бор. 2500 м дан юқорида альп ўтлоклари бошланади.

Ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлардан тоғ эчкиси, тоғ қўйи, айиқ, тул-ки, суvsар, бўрсик, қор қоплони, силовсин, кизил суғур, қушлардан тоғ кур-қаси (улар), тасқара, қаклик ва б. яшайди. Тизма ҳудудидаги ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар ҳамда ноёб геологик ёдгорликларни ўрганиш ва уларни муҳо-фаза қилиш мақсадида Ҳисор, Кўкитанг, Китоб палеонтологик-стратиграфик кўриқхоналари ташкил этилган.

Мурод Маматқулов.

ҲИСОР ҚҶРИҚХОНАСИ - Қашқадарё вилоятида, Ҳисор тоғ тизмалари ғарбида (Якқабоғ ва Шаҳрисабз туманлари тоғли ҳудудларида) жойлашган давлат кўриқхонаси. Қизилсув (1975) ва Мироки (1976) кўриқхоналари не-ғизиди ташкил қилинган (1983). Майд. 80986,1 га, шундан 12203 га ўрмонзорлар, 2745 га ўтлоқзор, 17мга сув ҳавзаларидан иборат. Табиий ланд-шафт мажмуалари ва Ҳисор тоғ тизмаси экотизмларини сақлаш мақсадларида ташкил этилган.

Кўриқхонада ўсимликларнинг 870 (Ўзбекистон Қизил китобига киритилган доривор ўсимликларнинг тукли қаррак, эгри тикан қаррак, Бутков ас-трагали, оқ парпи, Ошанин пиёзи, анзур пиёз қабии 35 дан ортик), қушлар ва ҳайвонларнинг 140 дан ортик (қора қоплон, туркистон силовсини, қўнғир айиқ, бургут, оқ бошли қумой, итол-ғи, қора лайлак ва б.) тури мавжуд.

ҲИСОР-ОЛАЙ ТОҒЛАРИ - Ўрта Осиёдаги тоғ системаси. Шим.да Фарғона ботиғи, жан.да Помир тоғлари ва Афғон-Тожикистон ботиғи, ғарбда Қизилқум чўли, шарқда эса Фарғона ва Қақшал тизмаларининг жан.-шарқий қисми билан чегарадош. Таркибига *Олай тизмаси*, *Туркистон тизмаси*, *Нурота тоғлари*, *Зарафшон тизмаси* ва *Ҳисор тизмаси* киради. Улар бир-биридан кичик тектоник ботиқлар ва дарё водийлари билан ажралган ва бир қанча тармоқлардан ташкил топган. Ҳ.-О.т.нинг шарқий қисми

Қирғизистон, ўрта қисми Тожикистон ва ғарбий қисми Ўзбекистон Республикалари ҳудудида жойлашган. Барча тизмалар деярли кен-глик бўйлаб 900 км дан зиёд масофага чўзилган. Ҳ.-О.т. шарқда Олай тизмаси билан бошланади. Тизма шим.дан Фарғона ботиғи, жан.дан Олай ботиғи билан чегараланган ва Сирдарё ва Амударёларнинг сувайирғичидир. Ушбу дарёларнинг кўпгина ирмоқлари (Вахш, кофарнихон, Сурхондарё, Окбура, исфайрам, Хўжабакирғон, Шохимардон ва б.) Олай тизмасидан бошланади.

Ҳ.-О.т. герцин бурмаланиши даврида шаклланган ва ҳоз. баландлигига янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Тизмалар, асосан, палеозой даври чўқинди, метаморфик ва отқинди тоғ жинсларидан (сланец. қумтош, конгломерат, оҳақтош, доломит, гранит, гранодиорит ва б.) ташкил топган. Тизмаларни бир-би-ридан ажратиб турган ботикдар, дарё водийлари ҳамда Ҳисорнинг жан.-ғарбий тармоқдари юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр чўқинди тоғ жинсларидан тузилган.

Тектоник жиҳатдан Ҳ.-О.т. яхлит йирик антиклинорийни ташкил қилса, алоҳида тизмалар антиклинорийга мос келади.

Ҳ.-О.т. тоғли ўлка бўлганлиги сабабли, тизмалар ён бағирларида баландлик иқлим минтақалари ифодаланган. Тизмалар этакларидан юқорига томон иқлим минтақалари алмашилиб боради. Бирок, улар ҳар қайси тизмада ва уларнинг ён бағирлари экспозицияларида ҳар хил баландликларда жойлашган. Тизмаларнинг 350—450 м баландликка бўлган қисмлари (тоғ этаклари), асосан, чўл ва чалачўл иқлим минтақасига мос келади. Бу минтақада ҳаво трасининг сутқалик ва йиллик амплитудаси катта, ёғингарчилик миқдори, нисбий намлик ва булутли кунлар кам. Қиш қисқа, совуқ эмас, ёз узоқ вақт давом этади. Тизмаларнинг 1500 м баландликка бўлган қисмида дашт иқлим минтақаси ўрин олган.

Июлнинг ўртача т-раси 20—25°, энг юқори т-ра 35—40°. Тоғларнинг ғарбида т-ра шарқий қисмига нисбатан юқорирок. Январнинг ўртача т-раси —5°, —7°, энг пас т-ра —25°, —30°. Йиллик ёғин 700 мм. Ўртача 1500 м дан 3500 м гача баландликларда типик тоғ иклими хукм суради. Бу минтақада иқлим анча совуқ ва нам. Йиллик ёғин тиз-маларнинг ғарб ва шим.-ғарбга қараган қисмларида 1000 мм дан зиёд. Ундан юқори қисмида нивалгиациал минтақа жойлашган.

Ҳ.-О.т.дан бошланадиган барча дарё ва сойлар Сирдарё, Амударё, зарафшон дарёлари ҳавзасига мансуб. Олай, Туркистон, Нурота тизмаларининг шим. ён бағирларидан бошланадиган ҳамма дарёлар (Куршаб, Окбу-ра, Аравон, Исфайрам, Шоҳимар-дон, Сўх, Исфара, Хўжабақирғон, Оксув, Зоминсув, Сангзор ва б.) Сирдарё ҳавзасига қарайди. Олай, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тиз-маларининг жан. ён бағирларидан бошланувчи дарёлар (Вахш, Кофарнихон, Сурхондарё, Қашқадарё ва б.) Амударё ҳавзасига мансуб. Ҳ.-О.т.дан бошланувчи дарёлар ҳавзасининг юқори қисмларида кўплаб музликлар ва доимий қор қопламлари мавжуд. Дарёлар ёмғир ва мавсумий қорлар эришидан ҳамда ер ости сувларидан тўйинади.

Ҳ.-О.т.да келиб чиқиши ва катта-кичиклиги турлича бўлган кўллар (Искандаркўл, Молгузар, Яшилкўл, Кўккўл, Кучанди, Шалактама кўл, Оқтоғ, Шахшибайткўл, Ўртадовон, Бақалок, Суйчиқти, Азарчашма, Кўликалон, Гушор, Чалдара, буинкўл, Нежиган, Нофин, Хурдак, Ҳазарчашма ва б.) бор.

Тупроқ ва ўсимликлар баландлик минтақалари бўйлаб тарқалган. Уларнинг тарқалишига тизмалар ён бағирларининг кунгай ёки терскайлигининг ҳам катта таъсири бор. Тизмалар этакларида ҳарорат анча баландлиги ва кам ёғин тушганлиги туфайли чўл ва чалачўл, даштларга хос тупроқ ва ўсимликлар тарқалган. Тизмаларнинг ўртача баланд қисмларида тупроғи кулранг ва жигар-

ранг тупроқлар. Бу тупроқларда кенг баргли ўрмонлар ўсади. Олай ва Туркистон тизмаларининг шим. ён бағирларида 1900—2000 м дан 3000 м гача баландликларда жигарранг, кўнғир тупроқларда арчазор тарқалган. Арчалар остида бетага, юган ва б. дашт ўсимликлари ўсади.

Денгиз сатҳидан 2800—3000 м баландликларда субальп баланд тоғли минтақаси жойлашган бўлиб, у ерларда тоғ-ўтлоқ-дашт тупроқлари тарқалган. Бу минтақада даштларга хос ўсимликлар билан бирга йирик соябон-гуллилардан юган, камол, севчек, баъзи бир жойларда буларга оқ сўхта, кўнғирбошлар аралашиб ўсади. 3000 м дан баландда альп минтақаси жойлашган. Минтақада тоғ-ўтлоқ-дашт ярим торфли тупроқлар учрайди. Ўсимлик қоплами паст бўйли крио-фит даштлидир. Ундан юқорида суб-нивал минтақа жойлашган бўлиб, тупроқ, ўсимликлар баъзи ерларда-гина учрайди. 3600—4000 м баландликлар нивал-гиациал минтақадан иборат. Минтақа катта қисмлари яланг қоя, тошлоқ, қор, музликлар билан қопланган.

Мурод Маматқулов.

ҲИСОРАК СУВ ОМБОРИ - йирик гидротехника иншооти. Қашқадарё вилоятидаги Қашқадарёнинг ирмоғи бўлган Оксув дарёси ўзанида барпо этилган. Шахрисабз тумани Мироки шаҳарчасидан 1,5 км узоқликда жойлашган. 1983—88 й.ларда қурилган. Умумий ҳажми 170 млн. м³ фойдали ҳажми 161,6 млн. м³ Тош-тупроқли тўғони уз. 666 м, бал. 138 м, сув юзаси 4,2 км², сув чиқарувчи иншоотнинг сув ўтказиш имконияти 200 м³/с, сув ташлама иншоотники 130 м³/с. Ҳ.с.о. тўғон, сув чиқариш, сув ташлама ин-шоотлари, сув келтирувчи ва сув чиқарувчи каналлар, дренаж тармоқлари билан жиҳозланган.

ҲИСОРИ ҚЎЙ ЗОТИ - гўшт-ёғ йўналишдаги думбали, дағал жулли қўй зоти. Тожикистоннинг Ҳисор тоғи этакларида халқ селекцияси йўли би-

лан чиқарилган қад. қўй зотларидан бири. Ҳ.қ.з. танасининг уз. ва кенглиги, йирик думбаси, тоғ шароитига ва яйловдан-яйловга кўчишга мослашганлиги, тез етилиши, кенг кўкрак қафаси, бақувват оёқлари билан бошқа думбали қўйлардан фарқ қилади. Кўчқор ва совлиқлари тўқол. Туси малла, қўнғир, қора, камдан-кам оқ. Кўчқорларининг қарчиғай баландлиги ўртача 87 см, уз. 85 см, совлиқлариники 79 ва 75 см. Кўчқорларининг тирик вазни 110—120 кг (160—180 кг), совлиқлариники 80—90 кг (110—115 кг) гача, думбаси ўртача 15—20 кг (30 кг гача), 4,5—5 ойлик эркак қўзиларнинг тирик вазни 50—54 кг, серпуштлиги 110—120%. Ҳ.қ.з. серсут қўйлар ҳисобланади ва совлиқ сути қўзиларини парваришlashга сарфланади. Жун сифати паст. Кўчқорларидан 1,3—1,5 кг, совлиқларидан 1—1,2 кг жун қирқиб олинади. Жуни фақат намат (кигиз) тайёрлашда ишлатилади. Соф ҳолда Тожикистон ва Ўзбекистон («Бойсун» ва «Ҳисор») наслчилик ширкат ҳўжаликлари)да кўпайтирилади. Йил бўйи яйловда боқилади.

Ҳисори қўйлардан бошқа думбали қўйларнинг зот хусусиятларини яхшилашда, янги зотлар чиқаришда фойдаланилади. Ҳ.қ.з. иштирокида *То.жикистон қўй зоти* чиқарилган.

Ад.: *Флрс* нха и он С.И., Гиссарская иорода овец, Душанбе, 1981.

Абдусаттор Амиров.

ҲИССИЁТ — шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган кечинмалари. Шахс тирик мавжудот бўлиши билан бирга жамият аъзоси ҳамдир, шунингдек, якка инсон сифатида тева-рак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга муносабатини холисона акс эттиради. Инсон муносабатларининг миясида ҳис-туйғулар, эмоционал ҳолатлар, юксак ички кечинмалар тарзида акс этиши Ҳ.ни юзага келтиради. Ҳ. тушунчаси кундалик гурмушда ва

илмий манбаларда ҳар хил маъноларда қўлланади. Кун-далик турмушда Ҳ. тушунчаси ўрнига сезгилар, англан-маган майллар, хоҳишлар, тилаклар, талаблар, мақсадлар атамаларидан фойдаланилади. Илмий манбаларда эса, шахснинг эҳтиёжини қондирувчи ва унга монелик қилувчи нарсаларга, кишиларга нисбатан ўз муносабатини миясида акс эттириш маъносиде қўлланади. Ҳ. билан *эмоция* бир хил маънода ишлатилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Киши тана аъзоларида рангларнинг ўзгариши, лабларнинг титраши, кулги, йиғи, ғамгинлик, иккиланиш ва б. эмоция ифодаси ҳисобланиб, ватанпарварлик, жавобгарлик, масъулият. виждон, севги каби юксак ҳислатларни эмоция таркибига киритиш ғайритабиий ҳоди-са ҳисобланар эди. Ушбу ҳиссий кечинмалар ўзининг моҳияти, куч-қуввати, давомийлиги, таъсирчанлиги, йўналганлиги билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу боис уларнинг муҳим фарқи шундаки, биринчиси (Ҳ.) ижтимоий, иккинчиси (эмоция) хусусий аҳамият касб этади. Шахснинг фаллияти, хулқ-атвори, муо-маласи ҳамда жамият учун аҳамиятли ҳисобланган нарса ва ҳодисаларни акс эттирувчи муносабати Ҳ.да мужжасамлашади. Эмоция фақат инсонларга эмас, мавжудотларга ҳам таал-луқли руҳий ҳолатдир. Ҳ. ижтимоий муҳитдаги кишилар томонидан ўзлаштирилган ғоялар, меъёрлар, қонун-қоидалар, низомлар, қадриятларни акс эттирувчи англанилган ҳис-туйғулар, мураккаб кечинмаларнинг вужудга келиши жараёнидир. Ҳ.да юк-сак ҳис-туйғулар онгли ҳаракатларни бажаришнинг мазмуни билан уйғунлашган шахс ҳолатининг мураккаб таркибида кечади. Мас, меҳнатдан лаззатланиш ҳислари, ахлоқий, ақлий, нафосат туйғулари Ҳ.нинг ўзаги бўлиб ҳисобланади. Жониворлар эса бундай имкониятларга эга эмас. Ҳ.нинг физиологик асоси бош мия катта ярим шарлари пўстида ва пўстлоқ ости қисмида юзага келадиган нерв жараёнларидир.

ҲИШМАТ (тахаллуси; исм-шарифи Мир Муҳаммад Сиддиқ ибн Музаффар) (1854 — тахм. 1927)-тарихчи ва тазкиранавис олим, шоир, хаттот. Амир *Музаффарнинг* ўғли. Укаси *Абдулаҳад* тахтага ўтиргач, 35 й. ум-рини уй қамоғида ўтказган. БХСР тузилгач, амир *Олимхоннинг* талаби билан Кобулга юборилган (1923 й. июль). Ҳ. турли жанрларда 30 га яқин асар ёзган. Жумладан, «Девони Ҳишмат», илми нужумга оид «Мажмуаи Зоижа аҳкоми нужум» («Юлдузлар ҳолати асосида толеномалар мажмуи») ва б. Ҳ.нинг «Тазкират ас-Салотин» («Шоҳлар китоби») тарихий тазкираси 15—20-а.ларда шеърлар битган ҳукмдорларга бағишланган. Ҳ. автобиографик харак-терга эга «Дуррат аттож», «Тазкират аш-шуаро» («Шоҳлар тазкираси») таз-кираларини ҳам ёзган. Ҳ. асарлари қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

ҲИҚИЛДОҚ (Бағупх) — нафас йўлининг бурун бўшлиғидан кейинги қисми бўлиб, овоз ҳосил қилиш вазифасини ҳам бажаради. Ҳ. ҳавонинг трахеяга ўтишини таъминлайди ва унга қаттиқ, суюқ моддалар тушишига тўсқинлик қилади. Ҳаво бурун бўшлиғидан ўтганда исийди, тозаланади, намланади, аввал ҳалқумнинг бурун-ҳалқум қисмига, кейин оғиз қисмига ва ниҳоят, Ҳ.қа етиб боради. Лекин оғиз билан нафас олганда ҳам ҳаво оғиз бўшлиғидан Ҳ.қа етиб боради, бунда ҳаво исимайди ва тозаланмайди, шунинг учун бурундан нафас олиш тўғри ва фойдали.

Ҳ. бўйиннинг олд томонида жойлашганидан Ҳ. дўнги айникса озғин эркаларда аниқ кўриниб туради, уни кекирдак олмаси дейилади.

Одам гапирганда, йўталганда, ашула айтганда Ҳ. осон ҳаракатланади. Ҳ. ток, (узуксимон, қалқонсимон) ва жуфт (чўмичсимон, шохсимон) тоғайларнинг бойламлар, мускуллар ёрдамида ўзаро

бирикишидан вужудга келади.

Ҳ.да овоз бойламлари жойлашган бўлиб, улар нафас олганда қаттиқёки секин гапирганда муайян ҳолатни эгаллайди, бунда овоз ёриғи гоҳ кен-гайиб, гоҳ тораяди. Ҳ.нинг жинсий фарқи жуда барвақт маълум бўлади; 3—7 яшар қизларнинг ҳиқилдоғи шу ёшдаги ўғил болаларниқига қараганда кичик ва калта, бу фарқ айникса балоғат ёшига етганда яққол кўзга ташланади. Ҳ.нинг шакли ва тузилиши ички секреция безларининг фаолияти таъсирида ўзгаради.

ҲИҚИЧОҚ ТУТИШИ - одам нафас олганда, диафрагма рефлектор қисқа-риб нафас йўлидан ўзига хос товуш чиқиши, бу диафрагманинг тортишиб қисқариши натижасида рўй беради. Ҳ.т. мутлақо соғлом кишиларда ҳеч қандай сабабсиз пайдо бўлиб, одатда, беза-рар ва тез ўтиб кетади. Чуқур нафас олганда, бир оз вақт нафас олмай турганда, бир-икки қултум совуқ сув ичганда Ҳ.т. бирмунча енгиллашади ёки тўхтайти. Ҳ.т. айрим касалликлар белгиси бўлиши ҳам мумкин.

Замонавий тиббиёт бу касаллиқнинг келиб чиқшини қорин бўшлиғидаги баъзи бир касалликлар, хусусан яллиғланиш, шунингдек, бош ва орқа миyaning шикастланиши, асабнинг бузилиши билан боғлайди. Шарқ халқ табибати Ҳ.т.нинг асосида шамоллаш ётади деб таъкидлайди. табиатан бу дард ҳўл-совуқ мизожли одамларда пайдо бўлади. Ҳ.т.нинг нафас йўллари, қизилўнғач, меъда деворларининг шамоллаши билан боғ-лиқлиги бор, унинг келиб чиқишига шамоллашдан ташқари, пала-партиш овқатланиш, узоқ вақт ҳаммомга тушмаслик ва ҳ.к. ҳам сабаб бўлади. Ҳ.т., айникса, унинг хуружи юракка, меъдага нохуш таъсир қилади, бу бошқа ички аъзоларнинг ўзаро мунтазам иш фаолиятини издан чиқаради. Ҳ.т. тўхтамасдан узоқ давом этса, унинг сабабини аниқлаш учун врачга мурожаат этиш ва зарур бўлганда тегишли даволаниш курсини олиш керак. Даво Ҳ.т.га сабаб

бўлган омилни баргараф этишдан иборат; офтобда тобланиш, ҳаммомга тушиб терлаш, \ар куни ётишдан олдин оёқ тагига асал суртиш (оёққа асал суркалгач целлофан ёпиштириб, устидан оддий пайпоқ кийиб ётиш), иси-рик жом қилиш каби халқ табобати усуллари қўллаш яхши наф беради.

ХОВЛИ — меъморликда атрофи девор билан ўралган уй-жойли саҳн, майдон; оила яшайдиган уй, шу уйга қарашли саҳн ва майдон ҳам Ҳ. деб аталади. *Турар жойини партбмй* қис-мини ташкил этади. Жумладан, мусулмонлар дунёсида Ҳ. ички (*ичқари*) ва ташқи (*ташқари*) қисмлардан иборат; айрим хонадонларда тандирхонали, ўтинхонали, молхонали орқа Ҳ.лар ҳам бўлади.

ХОВЛИ ТҮЙИ — хонадоннинг янги турар жойга кўчиб ўтишини нишонлаш маросими. Қадимий анъаналардан ҳисобланган. Ҳ.т. оиланинг уйли-жойли бўлиши, янги кўни-кўшнилар билан яқиндан танишиш шарафига ташкил қилинади. Ҳ.т.га қариндошлар, дўстлар ва маҳалла аҳли (баъзан иморат қурган усталар ҳам) таклиф этилади. Меҳмонларга зиёфат берилади.

ХОВОНЧА — рўзгор буюми. Асосан, қуруқ озиқ-овқат маҳсулотлари, доривор ва ҳ.к.ни майдалаш, толқон қилиш учун ишлатилади. Кўпинча чўян, алюминий ва жездан ясалган.

ХОВУЗ — сув йиғиш ва сақлаш учун қазилган чуқур жой; ичимлик суви сақланилган сунъий *сув ҳавзаси*. Ҳ.нинг тўртбурчак, айлана, кўп (6— 8) қиррали кўринишга эга турлари мавжуд. Урта Осиё ва Яқин Шарқнинг айрим мамлакатларида кенг тарқалган; асосан масжидлар ёнида шаҳарлар майдонлари, боғлар, чорбоғлар, сарой ҳовлиси ва б.да бунёд этилган; атрофи тошлар билан қоплаб ёки дарахтлар экиб мустаҳкамланган. Ҳ.лар *фавворалар билан* боғлиқ бўлган.

Ҳ.нинг қадимдан меъморликда аҳамияти катта бўлган. Қад. Мисрда тўғри тўртбурчак шаклидаги Ҳ. йўлканинг 2 томо-нида бунёд этилган. Кейинчалик меъ-морий мажмуалар мужассамотида Ҳ.дан унумли фойдаланила бошланган: Аградаги Тожмаҳал, Бухородаги Ситораи Мохи Хоса, Лабиҳовуз, болоҳовуз ва б. шулар жумласидан. 18-а.га оид ёзма манбаларда қайд этилишича, Тошкентнинг марказий май-дони — Регистон ва Шайхонтоҳурда энг катта Ҳ.лар бўлган, унинг атрофида тут, чинор дарахтлари ўсган, қўлёзмаларга ишланган миниатюраларда ҳам Ҳ. ўз ифодасини топган. Туркия меъморлигида уй деворларига тақаб ярим айлана шаклида бунёд этилган Ҳ.лар ҳам учрайди. Мармар қоплаб ишланган Ҳ. бежирим кўринишга эга бўлган, сиртлари равоқлар, гулдасталар, жез панжаралар билан безатилган.

Бухоро шаҳрида 300 дан ортик Ҳ. бўлганлиги 19-а. ҳужжатларида қайд қилинган. 20-а.да эса санитария талаблари баҳонаси билан аксари Ҳ.лар қуришиб ўрнига бинолар қурилган. Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Ҳ. (сув ҳавза)лар бунёд этилади, улар фавворалар билан уйғунликда ажойиб манзара, сўлим маканлар ҳосил қилади. Шунингдек, сузишга мўлжалланган Ҳ.нинг усти очиқ ва ёпиқ турлари кўплаб қурилади.

ХОВУЗ БАЛИҚЧИЛИК ХҲЖАЛИГИ — балиқларни ҳовузларда (сунъий ҳавзаларда) урчитиш, боқиш, табиий сув ҳавзалари учун балиқ чавоқлари ҳамда халқ истеъмоли учун товар балиқ етказиб бериш билан шу-ғулланадиган хўжалик (қ. *Балиқчилик*).

ХОВУЗАК, ҳавзак — хона, айвон шифтидаги чуқурча; меъморий шакл. Ўзбек меъморлигида 19-а. охири — 20-а. бошларидан кенг қўллана бошланган. Бино шифти бўлак (кессон)ларга бўлиниб Ҳ. ишланган. Ҳ. айлана, тўртбурчак, юлдуз ва кўп қиррали шаклларда бўлиб,

бўяма нақшлар б-н, баъзан муқарнаслар билан зийнатланган. *Ҳ. васса, шарафа, тўсин, устун, бошалар* билан бирга шифтнинг жозибадор кўринишини ҳосил қилади. Тошкент (ҳоз. Амалий санъат музейи ва б.), Фарғона (Кўкондаги *Худодёрхон ўрдаси* ва б.), Бухоро (Болоҳовуз меъморий мажмуи ва б.)нинг меъморий ёдгорликларида Ҳ. кенг қўлланган. 20-а. — 21-а. бошлари ўзбек меъморлигида усталар жамоат ва турар жой бинолари (айниқса, фанерли шифтлар)да Ҳ.ларни қўллаб биноларнинг ички кўркамлигини бойитмоқда. Жумладан, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида уста *А.Абдуллаев* ишлаган Ҳ.лар бинога янада кўрк бағишлаган.

ҲОДИ ТОҚТОШ (тахаллуси; асл номи Тоқтошев Ҳоди Хайруллаевич) (1900.20.12, Тамбов губернияси Спасское қишлоғи — 1931.8.12, Қозон)— татар шоири. Тирикчилик ташвиши билан 1915 й.да Бухорога кўчиб келиб, 1917 й. воқеаларига қадар шу ерда яшаган. 1921 й. Туркистон қўшинлари таркибида Тошкентда хизмат қилган, аини пайтда қисқа муддат Коммунистик ун-тда татар тили ва адабиётидан дарс берган. 1922 й.да Оренбургга бориб, «Йўқсиллар сўзи» газ.да ишлаган. Сўнгра Қозонга кўчиб борган ва кизгин адабий фаолият билан машғул бўлган.

Ижоди 1918 й.да бошланган. У Шарқ романтик шеърляти анъаналари руҳида «Азроиллар» (1916), «Ўлдирилган пайғамбар» (1918), «Унутилган қасам» (1921) сингари шеърлар, «Ер ўғлонлари» (1922) шеърлий трагедиясини ёзган. Ҳ.Т.нинг «Сиркида овули», «Довулдан сўнг» (1924), «Мукамай» (1929) достонлари, «Тонг шабадаси» (1928—29) тугалланмаган романи ва б. асарларида 20-й. лардаги инкилобий воқеалар ўз аксини топган. Шоирнинг «Муҳаббат тавбаси» (1927), «Алсу» (1929) дос-тонлари ва «Йўқолган гўзаллик» (1928) драмасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Татаристонда жамоалаштириш кампаниясининг ўтказилиши мавзусига бағишланган «Комил» (1930) драмаси ўз даврида татар драматургиясининг тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Ҳ.Т. татар шеърлятига янги мавзулар билан бирга янги оҳанглари олиб кирган, қофия имкониятларини кенгайтириб, татар адабиётини янги шеърлий шакллари билан бойитган.

Ҳ.Т. Ғафур Ғулум, Ғайратий, Амин Умарий, Шокир Сулаймон ва б. ўзбек шоирлари билан ижодий алоқада бўлган. Унинг «Келажакка хатлар» (1931) достони ва бир неча шеърляри ўзбек тилига таржима қилинган.

ҲОДИ ФАЙЗИ (1895, Авлиёта — 1937) — маърифатпарвар. Бошланғич таълимни қишлоқ мактабида олган, сўнгра Уфадаги Ғолия янги усул мадрасасида ўқиган. 1910 й. Туркистонга келиб маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланган. Туркистон ўлкаси қишлоқ ва шаҳарларида ўқитувчилар тайёрлаш курсларини очган. 1917 й.гача «Озод» газ. муҳаррири. Маҳаллий миллат вакилларида ўқитувчилар тайёрлайдиган Кўкон халқ ун-тини ташкил этишда қатнашган (1918), шу ун-т ўқитувчиси, «Халқ газетаси» муҳаррири. Скобелев (Фарғона) ш.да вилоят ўқитувчилар курсларини ташкил этган, мат.дан дарс берган (1919). Маориф ин-тида мат. ўқитувчиси (1920). 1921—22 й.ларда партия ишларида. Москвадаги ўзбек талабалари ўқийдиган «Бухоро маориф уйи» директори. Ҳ.Ф. Ўзбекистонда наشريёт иши тараққиётида фаол қатнашган. 1937 й. дек.да қагағон қилинган. Иқтисодий назарияси ва тарихга оид асарлар ёзган. 1956 й. оқланган. Самарқанд ш.даги кўчалардан бирига номи берилган.

ҲОДИЕВ Сайфуддин (1950.4.8, китоб тумани) — спортчи, самбо бўйича 2 карра жаҳон чемпиони (1974, Улан-Батор; 1975, Минск), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий (1983), Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (1992). Ҳ. сам-бонинг 48 ва 52 кг вазн тоифаларида бир неча марта Ўзбекистон чемпиони (1968 — 72), шунингдек, эркин кураш бўйича спорт устаси (1968), Ўзбекистон чемпиони (1968—72), дзюдо бўйича спорт устаси (1973), халқаро мусобақа ғолиби (1983, Ол-малик). Ҳ. Ўзбекистон жисмоний тарбия инти (1972), Тошкент ун-тининг юридик ф-тини (1983) тугатган. Ҳ. Китоб туманида спорт мураббийси (1972—73), ҳарбий хизматчи (1973—80), Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида бош мураббий (1980—89), Тошкент ш. адвокатурасида адвокат (1994 й.дан).

ҲОДИСА — қ. *Моҳият ва ҳодиса*.

ҲОЖИ — ҳаж маросимларини тўлатўқис бажарган шахснинг унвони. Ҳажга борган кишилар номига Ҳ. сўзини қўшиб айтиш одат бўлган (мас, Аҳмад хожи, хожи бува, хожи ота, хожи она х.к.). Айрим ҳолларда Ҳ. сўзи исм олдидан айтилади. Ҳ. — бирор имтиёз берадиган мансаб ёки ла-возим эмас. У кишига жамоада кам-тарин, такводор, хусни хулқ бўлиб юриш масъулиятини юклайди. Яна қ. *Ҳаж*.

ҲОЖИ БАРЛОС (? - 1361) - Соҳибқирон *Амир Темурнинг* амакиси. мовароуннаҳрнинг нуфузли ва йирик бек(амир)ларидан. Амир Қазағоннинг ўғли амир Абдуллоҳ ўз қароргоҳини Самарқандга кўчирмоқчи бўлганда норози беклар томонидан ўлдирилгач, амир Баён Сулдуз ва амир Ҳ. Б. мамлакатни ўз қўлларига олиб, идора этиш ва халқ осойишталигини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Кеш ш. илгаридан Соҳибқирон ва амир Ҳ.Б. аждодлари тасарруфида бўлган. Ҳ.Б. нуфузи баланд бек бўлишига қарамай нисбатан журъатсиз ва кўрқоқ шахс эди. 1360 й. у Жете сипоҳининг бостириб келишидан кўрқувга тушади ва қадим юртини эътиборсиз қолдириб, Хуро-сон томон юзланади. Хуросондан қайтган Ҳ.Б. амир Бо-

язид билан иттифок тузиб Амир Темурга қарши Оқёр мавзесида жангга киради ва мағлубиятга учраб, Самарқандга қочади. Маълум муддатдан сўнг Ҳ.Б. Соҳибқирон билан ярашади ва улар амир Хизр устига юриш қилиб, ғалаба қозонишади. 1361 й. Жете ҳукмдори Туғлук Темурхон иккинчи бор Мовароуннаҳрга черик тортиб келганда Ҳ.Б. ваҳима ва кўрқувга тушиб Кеш томонга, у ердан Жайхунни кечиб ўтишга жазм қилади. Сабзавор вилоятининг Жўян туманидаги Хўроша кишлоғига етган чоғида шу жойнинг бир тўда исёнқорлари уни биродари Идику билан тутиб олиб, қатл этадилар.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Шарафуддин Али Яз-дий, Зафарнома, Т., 1997.

ҲОЖИ ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ - Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги кон. Газли ш.дан 50 км жан.да 1969 й. топилган ва ишга туширилган. Кон Чоржўй тектоник поғонасидаги Чоржўй кўтарилмасининг шим. қисмида жойлашган, ғарбий қисмида 4 та кичик куббасимон структура мавжуд. Ҳ.г.-к.к.да палеозой эраси, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр жинсларида жами 14 та бурғи қудуғи қазилган. Саноат микёсидаги газлилик юқори юра даврининг кар-бонат жинсларидаги горизонтларда аниқланган.

15—1горизонтнинг ўрта қисмида маҳсулдор қат жойлашган бўлиб, 2151—2177 м чуқурликда очилган, карбопат, гил ва ангидритлардан таркиб топган. Газ уюмининг ўлчами 8х6,3 км, бал. 30 м. 15—2горизонт 2175—2203 чуқурликда очилган, кар-бонат ётқизикларининг қуйи қисмида жойлашган. Газ уюмининг ўлчами 7х6 км, бал. 26 м.

Газ уюмлари типи қатламли, гум-базли. Иккала горизонтдаги газларнинг кимёвий таркиби бир-бирига ўхшаш. Газ зичлиги 0,630 г/см³ куруқ, ўртача конденсатли, юқори олтингугуртгли, кам азотли. Конденсат оғир (0,82 г/см³), олтингугуртли, кам азотли. Ҳоз. кунда кон саноат

микёсида фойдаланишга тайёрланган.

ХОЖИ ГАРАЙ, Давлат Ҳожи Гарай (? — 1466, Бокчасарой) — *Крим хонлиги* ва *гарайлар* сулоласи асосчиси. Дастлаб *Олтин Ўрдага* тобе бўлган Қрим хонлигини бошқарган (1428 й.дан). Ўзаро урушлар натижасида тахтдан айрилган. Сўнгра Қримга қайтиб (1432), генуяликларнинг қўшинини тор-мор қилган ва тахтни қайта эгаллаган (1434). Бироқ *Қозон хонлиги* асосчиси *Улуғ Мухаммад* қўшини томонидан мағлубиятга уч-раб, Литвага қочган ва князь Сигизмунд Кейстutowичдан Лиду ш.ни мулк сифатида олган (1435). Кейинчалик Ҳ. Г. Буюк Литва князи Казимир IV ёрдамида Қрим хони деб эълон қилинган (1443). У Усмонли турк султонлари билан ҳарбий иттифоқ тузиб (1454), генуяликларга қарши муваффақиятли уруш ҳаракатларини олиб борган. 1461 й.да *Аҳмад билан* биргаликда Саид Аҳмадга қарши курашган. 1465 й.да Олтин Ўрда қўшинига ҳужум қилиб, уларнинг Москвага қилмоқчи бўлган ҳарбий юришига халақит берган.

Ҳ.Г. вафотидан сўнг унинг тўнғич фарзандлари Нур Давлат ва Ҳайдар билан кичик ўғли *Менгли Гарай* ўртасида ҳокимият учун кураш бошланган ва бу курашда Менгли Гарай ғолиб чиққан.

ЛЛ.Ту н ман н , Крмское ханство (Пере-вод с немецкого), Симферополь, 1991; Гре-ков Б.Д., Якубовский А.Ю., Олтин Ўрда ва унинг қулаши, Т., 1964.

ХОЖИ МУИН Шукрулло ўғли (1883.15.3, Самарқанд - 1942.27.7, Россия, Пермь вилояти Соликамск ш.) — маърифатпарвар, шоир. 1901 й.да ҳаж сафаридан қайтгач, мактаб очиб, болаларни ўқитган. Аввал эски усулда, 1903—16 й.лар янги усулда муаллимлик қилган. Илгор жадид муаллими сифатида танилган. «Раҳна-мой савод» алифбе дарслигини ёзган (1908). «Самарқанд» газ. ва «Ойна» жур.ида ишлаган (1913—15). Россияда мардикорликда бўлган (1916—

17). самарқандга қайтгач, «Хуррият» (1917— 18), «Меҳнаткашлар ўқи», «Меҳнат-кашлар товуши» (1918—22), «Зараф-шон» (1922—26), «Овози тожик» (1926—29) газ.лари, «Таёқ» (1919), «Машраб» (1922—26), «Мушфиқий» (1926—29) жур.ларида ишлаган. 1929 й.нинг 29 сент.дан 3 йил Сибирда сургунда бўлган. Сургундан қайтгач, Ўзбекистон давлат нашриётининг тожик бўлимида адабий ходим (1932— 34), «Қизил Юлдуз» газ. муҳбири (1934—37). 1938 й. 24 янв.да ноҳақ ҳибсга олиниб, НКВД қошидаги учлик ҳукми билан 10 йилга қамалган. Ҳукми ўташ чоғида ҳалок бўлган.

Ҳ.М.нинг ижоди 1900 й.лардан шеърлар ёзиш билан бошланган. «На-ҳиф» (Ожиз), «Меҳрий» таҳаллуслари билан анъанавий мавзуларда шеърлар ёзган. 1908 й.да ижодий қарашларида кескин бурилиш бўлиб, М.Бех-будий таъсирида маърифатпарварлик руҳида шеърлар ва публицистик мақолалар ёза бошлаган. «Гуддастаи адабиёт» (1914), «Янги адабиёт» (1915) шеърий тўпламларини чоп эттирган. Фитратнинг «Мунозара» асарини ўзбек тилига таржима қилган (1913). туркистон матбуотида публицистик мақолалари билан фаол қатнашган. 1914 й.да Нусратулло Қудратулло ўғли билан «Тўй» пьесасини ёзган ва чоп эттирган. «Тўй» М.Бехбудийнинг «Падаркуш»идан кейин саҳналаштирилган 2-ўзбек пьесасидир. «Эски мактаб — янги мактаб», «Кўкнори», «Мазлума хотин» пьесаларини ёзиб, уларни алоҳида китоб ҳолида чоп эттирган (1915).

Ас.; Танланган асарлар, Т., 2005.

Ад.: Зиё Саид, Ўзбек вақтли матбуот тарихига материаллар [Танланган асарлар], Т, 1974.

Рустам Тожибоев.

ХОЖИ ТАМ-ТАМ (аслида Ҳомидов Ҳожи Қурбон, 1888 — Самарқанд — 1964.24.1) — халқ кизиқчиси, Эски мактабда савод чиқарган. Ёшлигидан халқ сайилларида ҳофизлар, машшоқлар, назм ахли орасида бўлиб, ашула йўлларини,

муқаллид қилишни ўрганadi. Машхур хонанда *Ҳожиабдулазиз* Абдурасулов билан ҳамкорлик қилган. Ҳ.т-т аския тури — ширинкорликнинг, шунингдек, доира чалиш, чўп ва қайроқ билан ижро этиладиган ўйинларнинг устаси бўлган. Одатда у кўшиқ айтганда, ўзига ўзи соз билан эмас, балки «там-там» деб рубобнинг жарангига қилинадиган тақтидий оҳанги билан жўр бўлган. Шу боис халқ уни Ҳ.т-т. деб кетган. 1937 й. Москвада ўтган ўзбек санъати декадасида, Каттакўрган сув омбори ва Катта Фарғона канали қурилишларида қатнашган. Самарқанддаги Ёш томошабинлар театри (1942—43), Мусиқали драма ва комедия театрида (1943—47) ишлаган. Унинг репертуарида ўзбек, тожик, озарбайжон, уйғур, рус халқ кўшиқлари, лапар ва латифалари, муқаллидлари катта ўрин тутган. Ҳ.т-т. айтган «Карима кўйлак кияди», «Колхозга кирдим», «Ялли-ялли», «Бор-бора бормайман», «Омон-омон», «Биё як», «Меравам», «Ука, чилим чекманг», «Ехал из яр-марки ухарь» каби кўшиқлар оммалашган. Шунингдек, у Ҳожиабдула-зиз, Леви Бобохонов, Домла Ҳалим Ибодов ва б.га тақлид-пародия ҳам қилган. Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Шариф Ақромов каби бастакорлар ундан кўшиқлар ўрганишган.

ҲОЖИ ХАЛИФА - қ. *Котиб Чалабий*.

ҲОЖИ ЮСУФ ҲАЙЪАТИЙ (Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўгли) (1842 — Хўжанд — 1924) — маърифатчи, сайёҳ. Диний мактабда ўқиган бўлса-да, астро-номия, табиёт, геогр. фанларига қизиққан. Арабистон ва Европа мамлакатларига саёҳат қилган. Ўша мамлакатлар тўғрисида маълумотлар тўплаган. Ҳ.Ю.Ҳ. 11 та катта-кичик *глобус* ясаган. 19-а.нинг 80-й.ларида ясаган энг катта глобуси (бўйи 117 см, шарининг айланаси 160 см, масштаби I см да 250 км) Самарқанддаги *Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейида* сақланади. Гло-

бусга белбоғ тарзида 12 бурж доираси ўрнатилган, қарийб мингта жой номи ёзилган. Сайёҳнинг Кўхистон харитасини чизгани, «Фалакиёт» аса-рини ёзгани маълум.

ҲОЖИАБДУЛАЗИЗ Абдурасулов (Ра-сулов; 1852 — Самарқанд — 1936) — хонанда, созанда (танбур, дутор), бастакор, Ўзбекистон халқартисти (1932). Танбур ижрочилиги ва *Шайхмақомнинг* чолгу йўлларини Ҳожи Раҳим-бердидан, хофизлик санъати сирларини ҳамда *Навр* шўъбаларини самарқандлик Борух хофиз, кейинчалик *Ота Жалоллан* ўрганган. Ҳаж сафарларини қилиб (1887-88 ва 1907-08), Эрон, Арабистон, Ҳиндистон, Афғо-нистон халқлари мусиқа маданияти, ижрочилик услублари билан танишган, ўз санъатини ҳам намойиш этган. 1920- й.лари концерт гуруҳларида қатнашган, мусиқа тўғарақларини ташкил этган. Самарқандда Мусиқа ва хореография ин-тида ўқитувчи (1928 — 31); М.Ашрафий, Т.Содиқов, Ю. ва Р.Ражабийлар, И.Иқромов, М.Бурҳонов, Д.Зокиров, М.Левиёв, Н.Ҳа-санов каби санъаткорлар Ҳ.дан таълим олишган.

Ҳ. мураккаб ашула йўлларини ўз овозида мослаб, ижодий ёндошган ҳолда ўзбек ва тожик тилларида маҳорат билан айтган. У *«Гулдзорим»* турк, *«Бозургоний»*га Зебо пари, *«Бе-бокна»* ва *«Ушшоқ»* йўлларига Намуди Уззол, *«Абду-раҳмонбеги»*га намуди Наво авжларини боғлаб, уларнинг таъсирчанлик ва ёқимлилиқ кучини орттирган. «Ушшоқ» шу тўфайли ҳам «Уш-шоқи Ҳожи» ва «Самарқанд Уш-шоғи» номлари б-н машхур. Хонанда репертуарида 200 дан ортиқ халқ ашулалари ва мақом йўллари булиб, улар ичида мумтоз мусиқа асарлари асосий ўрин тутади. Жумладан, «Ушшоқ», унинг таронаси, қашқарчаси ва уфари, «Рости Панжгоҳ», «Ирок» ва «Наво» мақомлари йўли, «Абдураҳмонбеги-1», унинг уфари, «Насруллоий», «Ирок»нинг қашқарчаси ва уфари, «Гулёр», «Орази Гулёр», «Уфар»,

«Арзимни айттай», «Курбон ўлам» ва ҳ.к. куй ва ашула йўллари алоҳида ажралиб туради. Уларни Ҳ. Шарқ мумтоз шоирлари — Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Зебун-нисо, Амирий, Фазлий кабиларнинг ғазаллари билан айтган. Ҳ. мохир созанда сифатида ҳам танилган бўлиб, мақом йўлларини танбур ва дуторда ижро этган. Ижросидаги кўпгина ашулалар 1909 йилдан бошлаб грампластинка ва фонографларга ёзиб олинган. Самарқанд мусиқа коллсига Ҳ. номи берилган. 1997 й.дан Самарқандда Ҳ. номидаги хонандалар танлови ўтказилмоқда. Ҳ. вафотида сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2001).

ҲОЖИБ (араб. — хизматкор) — 1) Сомонийлар, Қорахонийлар, Сал-жуқийлар каби ўрта аср салтанатларида ҳукмдор қабулхонаси бошлиғи, ЭПИК оға. Сарой котиблари. хазиначи ва б. унга бево-сита бўйсунганлар. Хорижий юртлардан келган элчилар ҳукмдор қабулига киришдан олдин Ҳ. билан учрашган. Ҳ.дан давлат ишларида хушёр бўлиш, сир сақлаш, мамлакат ғанимлари, мухолифлари билан музо-каралар юрита олиш қобилияти талаб қилинган. Салтанат, ҳукмдор олдидаги салмоқли хизмати эвазига Ҳ.га хос Ҳ. ёки улуғ Ҳ. унвонлари берилган. Манбалар зарурат туғилганда Ҳ.нинг ҳарбий ҳаракатларда ҳам иштирок этганлигидан шаҳодат беради. Мўгуллар давридан эътиборан Ҳ. вазифасини бажарувчи шахс «шиға-вул» атамаси билан аталган.

Абулфазл Байҳакийнинг «Таърихи Масъудий» асирида ёзилишича, Ҳ.лар улуғ Ҳ., сарой Ҳ., навбатчи Ҳ. Ҳ.-жомадор каби турли даражадаги ман-сабларни эгаллашган. Расмий маросимларда улуғ Ҳ. олий ҳукмдорга энг яқин жойни эгаллаган. Жанглarda улуғ Ҳ. кўшиннинг масъулиятли қисмларидан бири — чап қанотга қўмондонлик қилган. Ҳ.лар одадда қора чакмон ва 2 учли кулоҳ кийиб юрганлар; 2) Ўрта Осиё хонликларида дарвозабон.

ҲОЖИБЕКОВ Узеир Абдул Ҳусайн ўғли (1885.17.9, Тоғли-Қорабоғдаги Шуша ш. яқинидаги Агжабеда қиш-лоғи — 1948.23.11, Боку) — озарбай-жон композитори, драматург, қашунос, педагог, Халқ артисти (1938), Озарбай-жонФА-акад. (1945). Озарбайжонда замонавий профессори-онал мусиқа санъати ва таълими асосчиси. Москвада мусиқа курси (1911) ва Петер-бург консерваторияси (1914)да ўқиётган. Озарбайжонда мусиқа мактаби (1922), консерватория (1938—48 й.лар проф. ва директори; 1949 йилдан Ҳ. номида), Озарбайжон халқ чолғу асбоблари оркестри (1931), Озарбайжон Давлат хори (1936) ташкилотчиси; 1945 йилдан Озарбайжон ФАнинг Озарбай-жон Санъати ин-ти директори. Биринчи миллий операси — «Лайли ва Мажнун» (1907) билан озарбайжон мусиқасида *мутмга* асосланган жанр йўналишини бошлаб берган. У жами 7 опера — «Рустам ва Сухроб» (1910), «Асли ва карам» (1912) ва б., 3 мусиқали комедия [энг машҳури «Аршин мол олон» (1913; фильми мусиқаси учун Давлат мукофоти, 1946) ва б.], 2 фаптазия, кантата, оммавий кўшиқ, романслар, Озарбай-жон Давлат гимни (1945), шунингдек, адабий асарлар, «Озарбайжон халқ мусиқаси асослари» (1945) ва б. китоблар муаллифи. «Кўр ўғли» қахрамонлик операси (1937; Давлат мукофоти, 1941) ижодининг чўққиси ҳисобланади. Ҳ. асарлари хаётийлиги, халқчиллиги, куйларга бойлиги, ёрқин миллийлиги, мусиқий воситалар ифодавийлиги билан ажралиб туради.

Ижоди ўзбек мусиқали театрининг юзага келиши ва ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Ўзбекистонда озарбай-жон санъаткорлари гастролларида «У бўлмаса, бу бўлсин», «Лайли ва Мажнун», «Аршин мол олон» каби асарлари намойиш қилинган. «Аршин мол олон» ва «Лайли ва Мажнун» асарлари 1920 й.лардан бошлаб дастлаб Тошкент («Туррон», «Шарқ саҳнаси», «Колизей» ва б.) театрларида, кейинчалик кўпгина ўзбек

муסיқали театрларида қўйилди (жумладан, Ўзбек давлат муסיқали театри, 1929, 1937); «Кўр ўғли» операси Навоий театрида сахналаштирилган (1950—56). Ҳ.нинг уй-музейлари Боку (1975 й.дан) ва Шуша (1965) да фаолият кўрсатади.

Ас: Основы азербайджанской народной музыки, 3-издание, Баку, 1985.

ҲОЖИЕВ Азим (1933.18.12, Тошкент вилояти Тошкент тумани) — тилшунос. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (2000), филол. фанлари д-ри (1968), проф. (1977). Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1956). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик, катга илмий ходим (1959—69), бўлим мудир (1969-90), ди-ректорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1969—73; 1985-90), бош илмий ходим (1998 й.дан). Ўзбекистон ФА Тилшунослик ин-тининг директори (1991—98), айна пайтда «Ўзбек тили ва адабиёти» жур.нинг бош муҳаррири. Ҳ.нинг илмий ишлари ўзбек тили графикаси ва имлоси, морфологияси (хусусан феъл туркуми) ва сўз ясалиши, лексикологияси ва лексикографияси, терминологиясига, ҳоз. ўзбек тилининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига бағишланган. Ўзбек тилшунослиги тарихида алоҳида ўрин тутадиган «Ўзбек тили грамматикаси» (1—2 ж.лар, 1975—76), «Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм» (1980), 2 ж.ли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981), «Ўзбек тили лексикологияси» (1981) ва б. илмий асар, дарслик, луғатлар Ҳ. иштирокида тайёрланган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги, «Ло-тин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунларини амалга ошириш мақсадида янги алифбо асосида яратилган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» ва «Ўзбек тилининг имло луғати» (1995) ҳам Ҳ. раҳбарлиги ва иштирокида тузилган. Ҳ. ҳоз. қунда нашрга тайёрланаётган 4 ж.ли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг асосий тузувчиларидан.

Ас: Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Т., 1963; Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати, Т., 1963; Ўзбек тилида қўмакчи феъллар. Т., 1966; Тўлиқсиз феъл, Т., 1970; Ўзбек тили синонимлари-нинг изоҳли луғати, Т., 1974; Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши, Т, 1979; Ўзбек тилида сўз ясалиши, Т, 1989; Термин танлаш мезонлари, Т., 1996; Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, Т., 2002.

ҲОЖИЕВ Жовват (1938.4.7, Тошкент) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), физика-мат. фанлари д-ри (1977), проф. (1979). Моск-ва ун-тининг механика-математика ф-тини (1962) ва аспирантурасини (1965) тугатган. 1965 й.дан Тошкент ун-тида ассистент (1965—67), катга ўқитувчи (1967—69), доцент (1969-78), проф. (1978-98), мат. ф-ти декани (1971—85), алгебра ва сонлар назарияси кафедраси мудир (1985—98). Илмий ишлари ин-вариантлар назарияси ва унинг тат-биклари (хусусан эгри чизиклар ва сиртлар дифференциал геометрияси) га, /-группоидлар назарияси ва уларнинг татбиклари (хусусан, қатор алгебраик системаларнинг туб ради-калининг хоссаларини ўрганиш)га ҳамда функционал анализ топологик ярим майдонлар назариясига, локал-компакт группаларнинг локал қабарик фазолардаги тасвирлар назарияларига оид. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1995).

Ас: Теория инвариантов бинарных форм, Т., 1978; Приложение теории инвариантов к дифференциальной геометрии кривых, Т, 1988; Алгебра ва сонлар назарияси курси (дарслик) (хамкорликда), Т., 2001.

ҲОЖИЕВ Расул (1934.10.1, Ховос тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). Қ.х. фанлари номзоди (1981). Тошкент пед. институ-тини ту-

гатган (1965). 1965 й.дан Янги-ер ш.даги 1-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси, 1966 й.дан Янгиер гид-ромелиорация техникумида кимё-биол. ўқитувчиси ва сиртки бўлим мудир, 1968 й.дан директор ўринбосари, 1971—80 ва 1984—92 й.ларда Гулистон коммунал қурилиш техникуми, 1980 й.дан Жиззах политехника техникуми, 1992 й.дан Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат касб-хунар коллежи директори. Ҳ. раҳбарлиги даврида коллежнинг информатика, электротехника, кимё, физика, астрономия ва б. хоналари лаб. жиҳозлари ва ҳаракатланувчи макетлар билан жиҳозланди. Қурилиш касб-хунар коллежлари учун «Кимё» дарслиги ва бир қанча илмий мақолалар муаллифи.

ҲОЖИЕВА Ойдин [1942.22.4, Бухоро (ҳоз. Навоий) вилояти Қизилтепа тумани Бўстон қишлоғи] — Ўзбекистон халқ шоири (1992). ТошДУнинг филология ф-тини тугатган (1965). «Шарқ юлдузи» жур.да адабий ходим (1965), бўлим бошлиғи (1971 — 76), «Саодат» жур.да бўлим мудир (1976-85), «Гулхан» жур. бош муҳаррири (1985—94), «Миллий ва ижтимоий барқарорлик» жамғармаси раиси (1993—95). «Саодат» жур. ва унинг иловаси «Гулчехралар» газ. Да бош муҳаррир (1994 й.дан).

Илк китоби — «Шабнам» (1970). «Манзиллар» (1971), «Мен севган кўшик» (1972), «Орзу гули» (1974), «Тароват» (1976), «Достонлар» (1980), «Хушxabар» (1983), «Мушфиқ онажон» (1983), «Чашмаларни излайман» (1986), «Тамал тоши» (1988), «Ишонч юлдузлари» (1989), «Кўзимнинг оку қораси» (1996), «Паноҳим» (1998) каби шеърӣ тўпламлар муаллифи. Ижодида инсон қалби кечинмалари халқона оҳангларда ўзига хос талқи-нини топган («Наво», 1977). Ватанга муҳаббат, маънавий поклик, тил билан дил ростлиги, ҳаётнинг абадий ва уну-тилмас орзу-армонлари, инсон матонати, халқнинг бекиёс гўзал, олижа-ноб қалбини куйлаш, одамларга мунис, меҳрибон дардқаш бўлмоқ истаги

Ҳ. ижодининг бош мавзуси ҳисобланади. Ҳ. 90-й.ларда ҳам ватан-парварлик мавзуида туркум шеър ва достонлар ёзди («Дард», «Озод сўз ёлқинлари», «Зиёрат» ва б.). Бадий ижодни ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб борган шоиранинг «Рухимизга ёнгин тушмасин», «Мени изтиробга солар бу ўйлар», «Миллатнинг кай-ғуси нима?» каби публицистик асарларида тил масалалари, ўзбсж хотин-қизларининг оғир дала меҳнати муаммолари акс этди. Ш.Петефи, А.Мицкевич, Р.Қазакова, М.Дилбозий, Гулружор, М.Абдулқосимова, Ф.Унгарсинова ва б. шоирларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. Шеърлари рус, украин, козоқ, қирғиз, тожик, белорус, француз, инглиз ва урду тилларида нашр этилган. «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланган (1999).

Ас: Кўзимнинг оку қораси [Шеърлар], Т., 1996; Паноҳим [Шеърлар, \икоялар], Т., 1998.

ҲОЖИМУРОД (18-а. охири -1852.23.4) — Кавказ халқларининг подшо Россиясига қарши кўтарган мяллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири, Шомилнинг ноиби.

Авар хонларига яқин хонадонда туғилган ва тарбияланган. Имом Ҳамзатбекка қарши чоризм томонидан уюштирилган суикасда фаол қатнашган (1834). Ҳамзатбекнинг ўлимидан сўнг, чор Россиясининг ишончли одами Аҳмадхон Мехтулин б-н бир-галикда Авар хонлигини бошқарган. А. Мехтулин юбориб турган маълумот-ларга асосан, Ҳ. махфий равишда Шомил б-н алоқа боғлаганликда айб-ланган ва рус маъмурлари томонидан қамокқа олинган (1836). У қамокдан қочиб, Цельмес овулига ўрнашган. Тоғлиқларнинг озодлик кураши (қ.Кавказ урушлари)га кўшилиб, шомилнинг энг яқин сафдошлари ва ноибларидан бирига айланган. жасур ва қатъиятли шахс сифатида подшо кўшинларига қарши кўплаб жангларда қатнашиб, шуҳрат қозонган ва

партизан урушида ўзининг бутун ҳарбий қобилиятини намо-йиш қилган. *Имомлик* ичидаги баъзи тартиблар, русларга қарши уруш тактикаси ва стратегияси масалаларидаги ихтилофлар, шунингдек, Ҳ. характерида мавжуд такаббурлик ва манманлик нагижасида у билан шомил ўртасидаги муносабатлар бузилган. 1851 й. 23 нояб.да Ҳ. руслар томонига ўтган, бироқ 1852 й. апр. да улардан қочиб, тоққа кетган ва Нуха ш.даги отишмалар пайтида ўлдирилган. Ҳ.нинг фожиали ўлими рус ёзувчиси Л. Н. *Толстойнинг* «Ҳожимурод» (1896—1904) киссасида ўз аксини топган.

ЛЛ.Дегаев В.В., Имом Шамиль: пророк, властитель, воин, М., 2001; Казиев Ш., Имам Шамиль, М., 2001.

ХОЖИМУҚОН (асл исм-шарифи Муқон Мунгайтпасов) (1871, ҳоз. Оқмўла вилояти Қораэтгел қишлоғи — 1948.12.8, Жан. Қозоғистон вилояти Арис қишлоғи) — қозоқ полвони, юнон-рум кураши бўйича про-фесионал курашчилар ўртасида жаҳон чемпиони (1909, Рига; 1911, Варшава). Тўй курашларида чиникқан Ҳ. 1901 й.да Омск циркида илк бор профессионал курашчи билан беллашган. Петербургга таклиф этилган. 2 й. давомида юнон-рум кураши усталари билан бирга шуғулланган. 1904 й. парижда ўтказилган халқаро мусобақада голиб чиқиб, халқаро майдонда танилган. У Европа мамлакатларида асосан Венгрия, германия, Польша, Франция, Афғонистон, Хитой каби мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, 48 та медални қўлга киритган. Ҳ. Ўзбекистонда ҳам бўлган, 1926 й. Тошкентда рус полвони К.Бульдни енган. Ҳ. «Қозоқ ўлкасининг қаҳрамони» фахрий ун-вонини олган (1927). 2-жаҳон уруши даврида Ҳ. шаҳар-қишлоқларда полвонлик томошалари кўрсатиб тўплаган маблағини ҳарбий самолёт яшаш учун топширган. Ўрдабоши тумани марказида Ҳ. музейи бор (2001 й. очилган).

ҲОЖИНОВА Мақсуда Аъзамовна (1912.8.7 - Тошкент - 1981.4.11) - механика соҳасидаги олима, Ўзбекистон ФА акад. (1966), техника фанлари д-ри (1958), проф. (1959). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964). Тошкент иктисод-саноат техникумини тугатган (1929), Г.В.Плеханов номидаги Халқ хўжалиги ин-тини (Москва) тугатган (1936). Ўзбекистон савдо вазириликда ишлаган (1936—37). Тошкент тўқимачилик ин-тида ўқитувчи (1944—52), шу ин-т ректори (1957—73). Айни вақтда тўқимачилик материалшунослиги кафедраси мудири (1957 й.дан). Илмий ишлари пахта, каноф (зиғир) толаларининг механик хоссаларини ўрганишга оид. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Ҳ. калта каноф толасидан тўқимачилик ипи олиш технологиясини ишлаб чиқди ва саноатга тат-артисти (1У8«). Андижон ғижжақчилик мактабининг йирик вакили. Илк мусиқа сабоқларини тоғаси Эргаш Аб-дурахмоновдан, миллий мумтоз мусиқа намуналари ва созандалик санъатини Ю.Ра-жабий, К.Жаббо-ров, С.Калонов лардан ўргаиган. *Янгийўл театри* созанда (1942—45), Андижонда чолғу ансамбли (1946—49), *Андижон театри* (1949—90) да созанда ва мусиқа раҳбари, бош дирижер (1990-2003). 1995 й.дан ўғли Равшанбек Ҳ. билан «Мерос» мақом ан-самбли раҳбари. 1998 й.дан Андижон ун-тида педагог, фахрий проф. (2001). Чолғу куйлар, ашулалар («Жафо қил-ма», Саккокий ғазали; «Хиром этгил», Дилафкор; «Лола сайли», Э.Во-ҳидов; «Нозима», «Гул узатган», П.Мўмин; «Кўз қорайгунча», Ҳофиз ва б.), спектакллар (М.Бобоевнинг «Ваган мадхи», А.Қодирийнинг «Ме\`-робдан чаён» ва б.)га мусиқа басталаган. Нозик таъб созанда Ҳ. репертуаридан «Мискин», «Ажам», «Насру-лойи 1-4», «Насри Сегоҳ 1—3», «Сар-парда», «Рок», «Қурбон қайтарма» каби чолғу куй (туркум)лар ўрин олган. Ҳ. ўзига хос, жозибали овозида «Ушшоқ», «Гиря

1—2», «Азим дарё», «Баёт», «Дугох» каби мумтоз ашула ва маком йўлларини талкин этган. Ҳ. А.Исмоилов, Ў.Охунова, К.Раҳимов, Н.Ҳамроқулов, А.Дадаев, Ў.Нуралиевларга устозлик қилган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фонотекасига ёзилган. «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1999).

ҲОЖИҚУРБОНОВ Турдали (1940.10.6, Олтиариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Фарғона пед. институтини тугатган (1965). 1965 й.дан Олтиариқ туманидаги 16-мактабда ўқув бўлими мудири, биол. ўқитувчиси, 32-мактабда ўқув бўлими мудири, 19-мактабда директор ўринбо-сари, 1977—2002 й.ларда директор. Мактабга раҳбарлик қилган йиллари мактаб моддий-техника базаси мустаҳ-камланди, вилоятда биринчилардан бўлиб табақалаштирилган таълимни ташкил этган.

ҲОЗИҚ (тахаллуси; асл исм-шарифи Жунайдулло Ислоншайх ўғли) (18-а.нинг охири, Ҳирот — 1843, Шах-рисабз) — шоир, таржимон. 19-а. ўзбек адабиёти намояндаларидан бири. 1793—1800 й.ларда Бухорога келган ва мад-расада таҳсил кўрган, тиб илмини ўрганган, шеърлар машқ қилган. «Ҳозик» тахаллусини ҳам шу ерда олган. Мадрасани тугатгач, шу мад-расада имомлик қилган ва Амир Ҳайдар саройига яқинлашган. 1818 й. сарой аёнлари билан келиша олмай, Кўконга кетган. Умархон уни яхши кутиб олган. Ҳ. Бухорода бошлаган «Юсуф ва Зулайҳо» достонини тугаллаб, хонга тортиқ қилган. Бу ерда ҳам хон агрофидаги сарой аҳли билан келиша олмай, 1825 й.да Бухорога қайтган, сўнг Хоразмга борган ва мунис, *Огаҳий* бошчилигидаги адабий гуруҳ таъсирида бўлган. Мунис вафот этгач, Оллоқулихон (1825—42) топ-шириги билан «Равзат усафо» асарининг 1-жилди таржимасини нихоясига етказган. Сўнгяна Кўконга қайтган. *Насруллахон* 1842 й. Кўконни босиб ол-

гач, Ҳ. унинг таъкибидан Шаҳри-сабзга кочган ва у ерда амирнинг ёлланган одамлари томонидан ўлди-рилган.

Ҳ. ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Навоий, Фузулий, Бедил, Зебуннисо шеърларига мухаммаслар боғлаган. Лирикаси мавзуи ранг-баранг, унда замон норасоликлари, жо-ил ва одил хукмдорлар ҳақида муло-ҳазалар билдирилган, севги ва муҳаб-бат таран-нум этилган. Шеърларида замонасидаги хукмдорларни адолатга ундаган.

«Юсуф ва Зулайҳо» достонида ўзининг ижтимоий-фалсафий мулоҳазаларини, замон ва хукмдор ҳақидаги фикрларини баён этган. «Воқеоти исломий» ва «Авлодлар шажараси» рисолалари тарихий-биографик харак-терда. Макмуд Чағминий (Н-а.)нинг тиббиётга оид араб тилида ёзган «Қо-нунча» асарига форс тилида «Таҳқиқ ул-кавоид» («Табобат асарларини ўрганиш», 1822) номли шарҳ ёзган.

Ҳ.нинг ўзбекча ва форсча шеърларидан тузилган девони Россия ФА Шарқшунослик ин-ти Санкт-Петербург бўлимида, «Юсуф ва Зулайҳо» нинг 7 қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида, 2 девони Хўжандда, Конибодом ш.дан топилган куллиёти эса хўжандлик адабиёт-шунос Э. Шодиев қўлида, айрим шеърлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тидаги қўлёзма баёз ва мажмуаларда сақланади.

Ад.: Қаюмов А., Ҳозик, Т., 1957; Ирисов А., Носирова А., Низомидинов И., Ўрта осиелик қирқолим.Т., 1961; Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.ли], 4-ж., Т., 1978; Қайюмов П., Тазкираи Қайюмий [3ж.ли], *Бегали Қосимов*

ҲОКИМ (ЎзРда) — вилоят, туман, шаҳарда олий мансабдор шахс. У маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Ҳ. лавозимининг жорий этилиши ўзбек миллий давлатчилиги аънаналари ва тарихий тажрибаларга асослангандир. Искандар Макдуний за-

монида маҳаллий аҳоли вакилларидан Артабоз — Бактрияда, Оксиарт ва Хориен — Сўғдиёна ҳудудларида Ҳ.лик қилганлар. Амир Темур ва темурийлар даврида давлат бошқаруви олий даражадаги амалдорлардан ташкил топган марказий бошқарув ва вилоят Ҳ.лари кўлидаги маҳаллий бошқарувдан иборат бўлган. Ҳ.лар мамлакатнинг амалдаги ҳақиқий эгалари эдилар. Ўрта Осиё хонликларида муайян бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан раҳбарликини амалда ошириш учун бел-гилаб кўйилган амалдорлар Ҳ. деб аталган.

Мустақилликнинг илк кунларида-ноқ Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини кучай-тириш мақсадида Ҳ. лавозими таъсис этилди. «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Олий Кен-гаш томонидан қабул қилинган қонун (1992 й. 4 янв.) Ҳ. ва ҳокимлик тузилмасининг асосий вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига биноан, «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг ман-фаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар». Халқ депутатлари Кенгашлари ва Ҳ.ларнинг ваколат муддати — 5 йил. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлигига қараб вилоят, туман ва шаҳар Ҳ.лари бошқаради. Вилоятлар Ҳ.лари ва Тошкент шаҳри Ҳ.и Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг Ҳ.лари тегишли шаҳар Ҳ.и томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга

бўйсунадиган шаҳарларнинг Ҳ.лари туман Ҳ.и томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ҳ.лар яккабошчилик принципида иш олиб боради ва уларнинг чиқарган ҳужжатлари шу ҳудудда бажарилиши шарт. Ҳ. ўзининг қарорларига эмас, ўзи раҳ-барлик қиладиган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун ҳам шахсан жавобгардир. Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Ҳ.ларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доираси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1993 й. 2 сент.)да белгиланган.

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ — қ. *Мансабдорлик жиноятлари. Хизмат мансабини суиистеъмол қилиши.*

ҲОКИМЛИК, ҳокимият - Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижроия органи (қ. *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари*).

ҲОЛ (тилшунослиқда) — гапнинг иккинчи даражали бўлақларидан бири бўлиб, ишҳаракатнинг белги-сифатини, унинг бажарилиш усулини, шу бажарилиш билан боғлиқ бўлган ўрин, пайт, сабаб, мақсад, шарт-шароит, миқдор-даража каби хусусиятларини кўрсатади. Ҳ. равиш, феъл, от, сифат, сон, олмош каби сўз туркумлари б-н, шунингдек, таклидий сўзлар билан ифодаланади: Одил уялганидан қизариб кетди (Ойбек); Сулаймонов тантанали равишда кнопкани босди (Абдулла Қаҳҳор); Етти ўлчаб, бир кес (Мақол). Равишнинг барча турлари Ҳ. вазифасида кела олади. Феълнинг равишдош, сифатдош шакллари

Ҳ. вазифасида келади. Мас, Саида кулиб сўзлади. Анвар жилмайган ҳолда кириб келди. Ўзбек тилида Ҳ. мазмун жиҳатдан 8 хил бўлади: Тарз Ҳ. — ишҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, усули ва сифатини билдиради, одатда феълга боғланади: Улар жуда секин юришди (Ойбек). Микдор-даража Ҳ.и — ишҳаракатнинг бажарилиш даражасини, шу бажарилиш билан бирга боғлиқ бўлган микдорни билдиради: Кўп ўйла, оз сўзла (Мақол). Сабаб Ҳ.и — ҳаракат, ҳолат ёки белгининг рўй бериш сабаб-бини билдиради. Бундай Ҳ.лар феъл билан ифодаланган бўлакка ҳам, от билан (кенг маънода) ифодаланган бўлакка ҳам боғлана олади: Қолаверса, к е н -жаукамизга жонимиз куйга-нидан келдик (О.Ёкубов). Уша оқшом мен андак шароб ичганим учун кайфиятим яхши эди (Р.Тагор). Мақсад Ҳ.и — ҳаракат, ҳолат ёки белгининг рўй беришидаги мақсадни анг-латади: Сизни деб бу ерга келдим, Йўлчи ака (Ойбек). Шарт Ҳ.и — ҳаракат, ҳолатнинг бирор шарт асосида рўй беришини билдиради: Иш н-ласа, тишлайди. Тўсиқсизлик Ҳ.и — ҳаракат, ҳолатнинг рўй беришига тўсиқ бўла олмаган шартни билдиради: У кўрса ҳам ўзини кўрмасликка солади. Ўрин Ҳ.и — ҳаракат ва ҳолатнинг рўй бериши, бошланиш, йўналиш ўрнини ва бу йўналишдаги сўнгги нуқтани билдиради: Станциядан темирйўлчилар, шаҳардан хашарчилар етиб келди (А.Мух-тор). Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу (Мақол). Пайт Ҳ.и — ҳаракат, ҳолатнинг рўй бериш вақтини англатади: Эртаиндин бу срлар қам чамандек яшнайдим (Ш.Рашидов).

Сўнгги йилларда Ҳ. бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари Ҳ.нинг маъно (мазмун) турлари керагича тақлил қилинган бўлса-да, унинг грамматик табиати чуқур ва атрофлича тавсиф этилмаганлигини кўрсатади. Амалга оширилган тадқиқотлар ҳам Ҳ.нинг фақат нутқий кўламдаги ташқи белгилари, маъноси, вазифаси ҳамда ифодаланиш хусусиятларини талқин қилишга

бағишланган.

Ад.Убаева Ф., Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси, Т., 1971; Ўзбек тили грамматикаси, 2-ж., Синтаксис, Т., 1976. *Илҳомжон Мадраҳимов*,

ҲОЛАТ ДИАГРАММАСИ, мувозанат диаграммаси, фазовий диаграмма — физик-кимёвий системанинг таркиби ва ҳолат параметрлари орасидаги муносабатнинг геометрик ифодаси. Ҳолат параметрлари — термодинамик система ҳолатини ифо-далайдиган физик катталиклар (т-ра, босим, солиштирма ҳажм, магнитланганлик, электр қутбланиш ва х.к.). Ҳ.д. бир ёки кўп компонентли модданинг мувозанат ҳолатини геометрик тарзда ифодалайди. Бу ҳолат бир фазали, икки фазали ва кўп фазали бўлади. Фазалар газсимон, суюқ, қаттиқ, ўта ўтказувчан, сегнетоэлектрик ва б. бўлиши мумкин.

Агар система битта компонентдан иборат бўлса (энг содда ҳол), Ҳ.д. тўғри бурчакли уч координата ўкига (бу ўқлар бўйича т-ра T босим P ва моль қажм V кўйилади) қурилган 3 ўлчовли фазовий шакл кўринишини олади.

Икки фазали мувозанат ҳолат эгри чизиклар, 3 фазалиси эса нуқта билан тасвирланади. Ҳар қандай модда қат-тиқ, суюқ ва газсимон фазасининг мувозанатига мос келувчи 0 нуқта *унлама нуқта* дейилади. Кўп компонентли системаларнинг Ҳ.д. мураккаб бўлади. Ҳ.д.ни экспериментал қуришда физик-кимёвий, термик ва рентгенографик анализ, оптик ва электрон микроскопия, дилатометрия ва б. усуллардан фойдаланилади. Ҳ.д. амал-да, металлшунослик, металлургия ва кимёнинг турли соҳаларида кенг қўлланади. Қотишмаларнинг эриш соҳаси, т-раси термик ишлов режимлари Ҳ.д.га кўра аниқланади.

ҲОЛАТ ТЕНГЛАМАСИ - системанинг мувозанатли ҳолатини ифодаловчи параметрларнинг ўзаро боғланишини кўрсатувчи математик тенглик. Мас,

аниқ *m* массага эга бўлган идеал газнинг мувозанатли ҳолати *P* босим, *V* ҳажм, *T* т-радан иборат макроскопик параметрлар орқали тўла ифодаланади. Параметрлардан бири, мас, ҳажмнинг ўзгариши, албатта босим ва т-ра ёки улардан бирининг ўзгаришига олиб келади. Ҳ.т.га мисол тарзида идеал газ учун Клапейрон — Менделеев тенгламасини келтириш мумкин:

бунда *M* — газнинг моляр массаси, *Y* — газ доимийси.

Суюқликлар ва қаттиқ жисмлар Ҳ.т.ларини олиш учун уларни ташкил этувчи молекулаларнинг илгарилама, айланма ва тебранма ҳаракатлари ҳамда молекулалар орасидаги ўзаро таъсирлари тўла ўрганилган бўлиши керак. *Гук қонунидат эластиклик модулитт т-ра* ва босимга боғлиқлиги қаттиқ жисмлар учун Ҳ.т. ҳисобланади.

ҲОЛВА — ширинлик тури. Қанд ёки асалдан қайнатилган қиёмга ёғ, кунжут, ёнғоқ мағзи, бодом мағзи, ун ҳамда бошқа масалликлар солиб тай-ёрланади. Таъмини яхшилаш учун Ҳ.га какао ва какао кукуни, майиз, цукатлар, ванилин, лимон кислота ва б. қўшилади. Солинадиган масалликқа кўра, Ҳ.нинг бодрок Ҳ., мағиз Ҳ., ёнғоқ Ҳ. кунгабоқар Ҳ., кунжут Ҳ., ерёнғоқ Ҳ., пашмак Ҳ. каби турлари мавжуд. Ҳар бир Ҳ. тури ўз навбатида қўшилган ёрдамчи масаллигига қараб ванилин, шоколадли, витаминлаштирилган ва б. номлар билан аталади. Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда қадимдан қолвапазлик (ҳолвачилик) касби мавжуд бўлган. Йирик шакарларда ҳолва-пазлар узум ёки тут шинниси, ун, ёғ, кунжут, ўрик ва б.дан, кейинчалик шакар ва қанддан фойдаланиб турли-туман Ҳ.ларни тай-ёрлашга ихтисослашганлар.

Бодрок Ҳ. тай-ёрлаш учун бодрок билан қовурилган ёнғоқ мағзи гўшткий-малагичдан ўтказилади (ёки янчила-ди). Маҳсулот ёғланган лаганчага солинади, устидан эритилган асал ёки қиём қуйиб, яхшилаб аралаштирилади, сўнг 1 см

қалинликда ёйиб пресслаб, тўртбурчак ёки ромб шаклида кесилади.

Мағиз Ҳ. тай-ёрлаш учун ўрик ёки бодом, pista, ёнғоқнинг мағзи кову-рилиб, ёғ суртилган газ патнисга 1 см қалинликда ёйиб терилади. Қозонга шакар солиб, меъёридан ўтказиб қиём пиширилади. Қиём патнисдаги ковурилган мағизлар устига бир текисда қилиб қуйилади. Маҳсулот совигач, ўткир пичоқ ёрдамида катталиги 4x10 см келадиган бўлакчаларга бўлинади.

Айрим Ҳ.лар таркибида ёғ кўп (30%) бўлгани сабабли тез бузилиши мумкин, намлиги 4%. «Лавз» ва «Тўй», «Совунак» каби Ҳ. турларига қўй ва ўсимлик ёғи, ун, шакар қиём, кўпиртирилган тухум оқи ва совунак илдизи қайнатмаси қўшилади (яна қ. *Қандолатчилик*).

Умид Аҳоров.

ҲОЛВАЙТАР — ширинлик тури. Ҳ. учун қозонда ёғ яхшилаб доғланади ва бир оз совутилгач, ун солиб аралаштирилади. Сўнг қозонни оловга қўйиб, ун жигарранг тусга киргунча ковурилади. Бошқа бир идишда қай-натилган сувда шакардан шарбат тай-ёрланади. Тайёрланган шарбат қозондаги кизартириб ковурилган ун устига қуйилади. Аралашма қайнагач, оло-ви пасайтирилиб, 20—25 мин. давомида қовлаб-қовлаб пиширилади. Ҳ. тўқ кизил тусга киргач, қозон оловдан олинади. Тайёр Ҳ. ликопчаларга сузилади ва совигандан сўнг дастурхонга нон билан тортилади. Ҳ.нинг гаъмини яхшилаш учун шакар ёки қандни эритаётганда озроқ ванилин қўшиш мумкин. Ҳ., асосан мотам ва диний маросимларда, шунингдек, айрим оилаларда «арвоҳлар йўқланадиган» пайшанба кунлари тайёрланади.

ҲОМИДОВ Абдураим (1943.20.10, Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғи) — уста деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони (2004). Меҳнат фаолиятини 1960 й.да Тўрақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида механизаторлик-

дан бошлаган. 1974 й.дан шу хўжаликда бригада бошлиғи, бош пуд-ратчи. Ҳ. пахтачиликда кенг культивация, чуқур эгат олиш, ўғитлаш сонини кўпайтириш каби янги агротехнологияларни яратди ва кўлади, ғалладан 67,6, пахтадан 45 ц/га (2003) ҳосил етиштиришга, шартномавий режаларни мунтазам ошириб бажаришга эришди. Кўплаб шоғирдлар етиштирди. «Мехнат шухрати» ордени билан мукофотланган (2001).

ҲОМИДХОНОВ Музаффар Зоҳидхонovich (1916.26.7 — Тошкент — 1972.25.6) — энергетика соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА акад. (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966), техника фанлари доктори (1961), проф. (1962). Ўрта Осиё индустриал ин-тини тугатган (1940), шу ин-тда ўқитувчи, аспирант, Чирчиқ электромеханика комбинатида синовчи-муҳандис (1941—45), Тошкент политехника ин-ти (ТошПИ) да доцент, кафедра мудири (1946—62), Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-ти директори (1956—62), Ўзбекистон ФА Президиуми Бош илмий котиби (1962—70), ТошПИ ректори (1971—72). «Фан ва турмуш» журн. бош муҳаррири (1972).

Асосий илмий ишлари янги самарали автоматлаштирилган ўзгарувчан ва ўзгармас ток электр асбоблари назариясини, ҳисоблаш усуллари ва рационал схемаларини ишлаб чиқишга, ток ва кучланиш ўзгартиргичлари, уларни бошқариш ва ҳимоялаш қурилмаларини татбиқ этишга бағишланган. Вентилли ўзгартиргичлар орқали таъминланган ва автоматик тарзда бошқариладиган частотали созловчи электр юритмаларни ишлаб чиққан. Илмий ишланмалари бир неча корхона (мас, Чирчиқ электромеханика комбинати, Чирчиқ—Бўзсув ГЭСлари каскади, «Тошқишхўжмаш» з-ди) га татбиқ қилинган. Бруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). *Тошкент техника универси-тети* биносига едгорлик лавҳаси ўрна-тилган.

Тошкент ш. кўчаларидан бири Ҳ. номи билан аталган.

Ас: Частотное управление асинхронным электроприводом, Т., 1959; Электрик юритма ва уни бошқариш асослари (дарслик), Т., 1970 (ҳамкорликда); Компенционные втягиватели, Т., 1973 (в соавторстве).

ҲОМИЙЛИК — фуқароларнинг шах-сий ва мулкий ҳуқуқ камда манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий шакли. Ҳ. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан бел-гиланади. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва маж-буриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан Ҳ. шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин. Ҳомийнинг асосий вазифаси Ҳ.ка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилишдан, Ҳ.ка олинувчининг манфаатларини кўриқлашдан иборат. Бинобарин, Ҳ.ка олувчи ўзига ишонилган мулкдан ўзи учун ҳеч қандай фойда олмаслиги лозим. У Ҳ.ка олинган шахсни асраш ва унинг мулк-ини идора этиш ҳаракатининггина ун-диришга ҳақли. Умумий қоида бўйича Ҳ. иши текин бажарилади. Ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар. Ҳ. органи қуйидагилардир: ёш болаларга нисбатан — халқ таълими бўлимлари; руҳий касал ва ақли заифларга нисба-тан — соғлиқни сақлаш бўлимлари; ижтимоий кам таъминланган фуқароларга нисба-тан — ижтимоий таъми-нот бўлимлари. Вояга етмаган болаларга Ҳ. уларнинг ота-онаси, фарзан-длиКка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонилан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақ-дирда, шунингдек, бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она

химоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади. Ҳ. ҳомий тай-инлашга мухтож бўлган шахс яшаётган жойда, туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Қрнунчиликка кўра, қуйидагилар ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонунда белгиланган гартибда муо-малага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; собиқфарзандликка олувчилар ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётганлиги, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётганлиги, фарзандликка олинув-чиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлаётганлиги, ичкилик-бозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги туфайли фарзандликка олиш бекор қилинган бўлса; руҳий ёки нарकोлогик муассасаларда рўйхатда турганлар; қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар. Ҳ. билан боғлиқ барча ҳуқуқий жиҳатлар Ўзбекистон Республикасининг ФК, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 12 апр.даги 171-сонли қарори билан тас-диқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом»да ўз ифодасини топган.

Миродил Баратов.

ХОМИЛА — она қорнида 2-ойнинг охиридан (9-ҳафта) бошлаб туғилиш вақтигача (40-ҳафта) ривожланаётган пушт (эмбрион). 9-ҳафтада Ҳ. инсон киёфасига қиради (бу даврда Ҳ.нинг боши, кўзи, бурни, оғзи, танаси, кўл-оёқлари аниқ бўлади). Бир акушер оёи (28-кун)да ҳомила тухумидан пушт ва унинг пардаси ривожланиб, Ҳ. шакллана бошлайди. 2-ойнинг охирида Ҳ. бўйи 3,5

см, вазни 4 г; 3-ойнинг сўнгида Ҳ. бўйи 8—9 см, вазни 40 г ча бўлиб, боши катталашади, жинси шаклланади, кўл-оёқ ҳаракатлари сушт бўлади. 4-ой охирига келиб Ҳ. бўйи 16 см, вазни 120 г га етади, кўл-оёқ ҳаракатлари фаоллашади (лекин ҳали онага сезилмайди), жинси аниқлашади. Ҳ. 5 ойлик бўлга-нида бўйи 24—26 см, вазни 280—300 г, териси нозик, қип-қизил бадани майин туклар билан қопланади; хара-катлари онага сезила бошлайди. Она қорпига қулқ тутилганда Ҳ. юраги ураётгани биллинади. 6-ойнинг охирида Ҳ. серҳаракат бўлиб, бўйи 30 см, вазни 600—700 г га етади. 7-ойнинг сўнгида Ҳ. бўйи 35 см, вазни 1000—1200 г га етади (расм); бу даврда Ҳ. тирик туғилиши мумкин, лекин чала ҳисобланади, бироқ махсус парвариш қилинса, яшаб кетади (қ. *Чизи туғилган бола*); 8 ойликда Ҳ.нинг бўйи 40 см, вазни 1500—1600 г ча келади. 9-ойнинг охирида Ҳ. бўйи 45 см, вазни 2400—2500 г га етади, тери ости ёғ қавати қалинлашади, баданидаги туклар камаяди, териси силлиқлашиб, пушти ранга қиради, сочлари узаяди. 10-ой охирида (9 календарь ойига тўғри келади) Ҳ. етилиб туғилади; бўйи 50 см, вазни 3200—3500 г бўлади. Ҳ. таракқётининг ўзига хослиги унинг она қорнида бўлиши билан ифо-даланади; унда бош мия пўстлоғи тўла-тўқис таракқий этмаган бўлиб, асосий ҳаётий функциялар (озикланиш, нафас олиш, ажратиш) *пла-цента билан* узвий боғланган орқа мия орқали бошқарилади; плацента Ҳ. билан киндик орқали боғланади. Ҳ. она организмидан ўзининг ўсиши ва ривожланиши учун зарур озиқ моддалар (оксил, ёғ, углеводлар), туз, сув, витаминлар, шунингдек, кислородни қон томирлар орқали олиб, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни чиқаради ва х.к. Шунинг учун айрим касалликлар (юррак пороклари, гипертония, қандли диабет, инфекцион касалликлар), нотўғри овқатланиш, режим бузилиши, атроф-муҳитдаги зарарли омиллар (ишлаб чиқаришдаги захарли моддалар,

вибрация, нурланиш), ич-килик ичиш, чекиш ва б. натижасида плацента функциясининг бузилиши Х.нинг ўсишига, айниқса, ҳомила-дорликнинг дастлабки 3-ойида, ҳомила аъзоларининг тараққиёт даврида ёмон таъсир кўрсатади. Бу даврда Х.нинг ўсишида қатор ўзгариш ва нуксонлар пайдо бўлиши, жумладан, Х. тўла етилмаслиги, у мажруҳ бўлиши, ўлик туғилиши ёки ўз-ўзидан тушиши, шунингдек, *асфиксия*, калла суягининг шикастланиб туғилиш ҳоллари учраши мумкин. Ҳомиладорликнинг 4-ойидан Х.нинг турли таъсиротларга нисбатан сезгирлиги бир қадар пасаяди. Гигиена коидаларига риоя қилиш — овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри уюштириш Х.нинг нормал ўсишини таъминлайди, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган нохушликларни (ўлик туғиш, чилла даврида ўлиш ва ҳ.к.) олдини олади.

ҲОМИЛАДОРЛИК, оғир оёқлик — уруғланган тухумхужайранинг она организмда ривожланиб, етук ҳомилага айланишидан иборат физиологик жараён. Аёл тухумдонидида етилиб чиққан тухумхужайранинг эркак жинсий хужайраси билан қўшилиши (уруғланиши)дан бошланади ва ўрта ҳисобда 280 кун, яъни 10 камарий ой давом этади.

Уруғланиш бачадон найида рўй беради. Уруғланган тухумхужайра бачадон найининг чувалчангсимон қисқариши туфайли бачадон бўшлиғига қараб сурилиб боради, шу вақтда у майин туклар (ворсинкалар) билан копланиб, кўп хужайрали эмбрионга айланади, ўша туклар ёрдамида бачадон шиллик пардасига пайвандланиб олади. Шу вақтдан бошлаб *ҳомила* шакллана бошлайди ва аёл организмдаги баъзи системалар функцияси тегишлича ўзгариб боради. Эмбрионнинг бачадонга пайвандланган жойида туклар жуда ўсиб кетади ва улардан *плацента*, яъни йўлдошининг таркибий қисми — бола ўрни ҳосил бўлади, у киндик орқали ҳомила билан туташади.

Киндик қон томирлари бўйлаб плацента орқали она организмдан ҳомилага озиқ моддалар, қис-лород келиб туради ва ҳомиладан келади алмашинув маҳсулотлари чиқиб кетади.

Бачадон найларининг турли касалликларида тухумхужайранинг бачадонга қараб сурилиб келишига тўсқинлик қиладиган ўзгаришлар оқибатида тухумхужайра бачадон найига пайвандланиб қолиши мумкин (қ. *Банадондан ташқари ҳомиладорлик*).

Х. даврида аёл организмда ҳар хил функционал ўзгаришлар рўй бериб, ҳомиланинг яхши ривожланиб бориши учун қулай шароитлар юзага келади. Бу даврда марказий нерв системаси функцияси бир қадар ўзгариб, натижада орқамиянинг кўзга-лувчанлиги пасаяди, бу — бачадон мускулларининг бўшашиши ва унинг тинч ҳолатда бўлишига олиб келади.

Х. пайтида ҳосил бўладиган сарик тана ва плацента ҳомиланинг ой-куни етиб туғилиши учун зарур гормонлар ишлаб чиқаради; плацентадан ишланиб чиқадиган ва б. гормонлар таъсирида сут безлари катталаниб, Х. охирига борганда, ундан *оғиз сuti*, чилла даврида эса сут кела бошлайди. Бачадонда ҳам талайгина ўзгаришлар рўй беради: у ҳам бўйига, ҳам энига қараб ўсиб, плацентага қон олиб келадиган йирик ва майда қон томирлари ниҳоятда кўпаяди. Аёл чуқурроқ нафас оладиган бўлиб қолади, бу — қоннинг қислород билан кўпроқ тўйинишини таъминлайди. Юракнинг қис-қариш хусусияти сезиларли даражада кучаяди, натижада қислород билан тўйинган қон аёлнинг ҳаёт учун муҳим аъзоларига, жумладан бачадонига тезроқ етказиб берилади. Буйрақлар ҳам зўр бериб ишлаб, она организмдагина эмас, балки ҳомилада ҳам пайдо бўлган алмашинув маҳсулотларини ажратиб чиқариб туради. Кўмиқда эритроцитлар ҳосил бўлиши тезлашади, яъни қон миқдори кўпаяди, қон томирлари кенгайиб, газ алма-шинуви кучаяди. Шу боис ҳомиладор

организмидаги аъзо ва системаларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш ҳамда ҳомила ривожланидиган қулай шароит вужудга келтириш учун озик моддалар ва кислород кўп бўлиши керак. Ҳомиладорнинг аҳволи ва ўзини қандай тутиши кўп жиҳатдан Ҳ.нинг нормал кечиши, ҳо-миланинг кейин қандай ривожланиб бориши ва бўлғуси боланинг соғли-ғини белгилаб беради. Ҳомиладор аёлнинг бирор касаллик (грипп, сил, рев-матизм, ангина, қандли диабет, кам-конлик, жигар, буйрак, юрак касал-ликлари ва б.) билан оғриши, ногўгри овқатланиш, кун тартибини бузиши, врач буюрмаган дориларни ичиши ҳомила тараққиётига ёмон таъсир қилиши мум-кин.

Ҳ. чоғида турли асоратлар бўлмаслиги учун мумкин қадар барвақт (ҳайз тўхташи б-н) аёллар маслаҳатхонасига бориб, текширувдан ўтиш ва керакли маслаҳатлар, зарур бўлса, тегишли даво олиш лозим. Ҳ. даврида аёл ўз бадани ва кийим-кечаклари тозалигига алоҳида эъ-тибор бериши керак.

Ҳ. нормал ўтаётган бўлса, аёл одат-даги турмуш тарзини ўзгартириши шарт эмас, у ўз юмушларини дам олиб-дам олиб бажаравериши мумкин. Фақат оғир нарса кўтармаслик, қал-тис, ке-скин ҳаракатлар қилмаслик мақ-садга мувофиқ.

Тиникиб ухлашнинг аҳамияти бор, аёл камида 8 соат ухлаши, кечкурун ётишдан олдин очиқ ҳавода бир оз сайр қилиши ва хонани шамоллатиши тавсия этилади. Соғлом ҳомила-дорларнинг врач тавсиясига кўра *ҳаво ва қуёш ванна-лари* қабул қилишига рўхсат этилади. Ҳ. нормал ўтаётган бўлсагина аёл дарё ва анҳорларда чўмилиши мумкин. Ҳ.нинг биринчи кунларидан бошлабоқ очиқ ҳавода имкони борича кўпроқ бўлишга ҳаракат қилиш лозим, чунки одам уй ичида ўтираверса кислородга ёлчимай қоли-ши, натижада ҳар хил асоратлар юз бериши мумкин.

Ҳ.нинг эсон-омон ўтиши ва

ҳомиланинг яхши ривожланиб бори-ши учун асосий шартлардан бири яхши овқатланишдир; овқат тўйимли, хил-ма-хил, оқсиллар ва витаминлар (ай-никса С витамини) га бой бўлиши керак. Ҳ.нинг охирги ойларида ёғлик ва ҳамир овқатларни кўп тановул қилиш ярамай-ди, чунки бундай овқат ҳомиланинг анча катталаниб кетиши ва туғишнинг кийинлашиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Соғлиқ ўзгарган баъзи ҳолларда, мас, баданга шиш келганида врач одатда туз-сиз парҳез буюради. Ҳоми-ладор аёл энгил бадан тарбия машқларини қилиб туриши лозим. Ҳ. даврларига қараб мах-сус гимнастика машқлари комплекси тавсия этилади (буни фақат врач буюра-ди). Мунтазам бадан тарбия машқларини қилиб турувчи аёлларнинг тез ва эсон-омон кўзи ёрийди.

ҲОМИЛАДОРЛИК ТОКСИКОЗ-ЛАРИ — ҳомиладорлик даврида учрай-диган касаллик ҳолати; нерв, юрак-то-мир, эндокрин системалар ва моддалар алмашинувининг ўзгариши туфайли ке-либ чиқиб, туғруқдан сўнг ўтиб кетади. Ҳ.т.га ҳомиладор аёл организмида мав-жуд хасталиклар сабаб бўлади. Шунинг учун бўйида бўлган аёл эртароқ (2 ойга-ча) аёллар масла-ҳатхонасига бориб, врач маслаҳатларидан фойдаланиши керак. Маълумки, ҳомиладорлик бошланишида кўпчилик аёллар бошқоронғи бўлади (к. *Бошқоронғилик*).

Бу ҳолатлар баъзи аёлларда эртароқ, баъзиларида эса кечроқ бошланиб, ўтиб кетади. Аммо баъзи ҳоми-ладор аёл-ларда бу аломатлар йўқолмай, зўрайиб боради, натижада Ҳ.т. пайдо бўлади. Ҳомиладорликнинг биринчи (илк) ва иккинчи ярми (кеч) токсикозла-ри фарқ қилинади. Илк ток-сикозлар ҳомиладорликнинг дастлабки 12 ҳафтасида рўй беради. Аёлнинг умумий аҳволи ўзгаради, дилгир бўлиб қолади, кўнгли айнийди, сўлаги оқади (кўп), қусади. Баъзан аёл ҳадеб қайт қилаверади,

дармонсизланади, оза бошлайди, уйқучан ва сержаҳл бўлиб қолади. Лекин Ҳ.т.да кузатиладиган тўхтовсиз (суткасига 20 мартагача) қусиш организмнинг сувсизланиши ва аёлнинг ҳолсизланишига олиб келади. Унинг қон босими пасаяди, гавда т-раси кўтарилади, пульси тезлашади, териси қуруқшайди, оғзидан нохуш хид келади. Бундай ҳолларда даволаш тадбирлари ёрдам бермаса, баъзан аборт қилиб, ҳомилани олиб ташлашга тўғри келади. Илк токсикозларда ҳомиладор аёл маслаҳатхонага қатнаб даволаниши мумкин; ҳаддан ташқари кўп қусиш аёлни касалхонага ётқизишни талаб этади.

Кеч токсикозлар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида, кўпинча сўнгги ойларида вужудга келади. Буларга ҳомиладорлар истисқоси, *нефропатия*, преэклампсия ва *эклампсия* киради. Кеч токсикозларнинг барчаси кетма-кет келиб, касаллик босқичма-босқич кечади. Ҳомиладорлар истис-қосида шиш пайдо бўлади. Одатда, у тўпикдан бошланиб, тизза, сон, қорин ва ташқи жинсий аъзоларга ўтади, сўнгра аста-секин бутун танага тарқалади. Аёлнинг юзи кўпчиди. Шиш аёл гавдасининг ҳамма қисмига тарқалган бўлса ҳам унинг умумий аҳволи унчалик ўзгармайди, нормал ҳолатда вазни ортади (ҳомиладорлик даврида 10 кг ортади). Аёл оғирлигини тарозида тортиб туриш йўли билан ҳам шишни аниқлаш мумкин. Ҳомиладор истисқосида мунтазам даволаниш зарур. Ҳомиладор аёл ойда икки марта маслаҳатхонага бориши, шунингдек, врач кўрсатмаларига ва шах-сий гигиена қоидаларига риоя қилиши, ҳафтада бир марта тарозида торт-гириб туриши лозим. Суяклик (суткада 1 л гача рухсат этилади) ва тузни чеклаш, сервитамин овқатлар, сабза-вотлар, ҳўл мевалар, творог, кефир истеъмол қилиш тавсия этилади. Аёл ўз вақтида даволаниб истисқонинг олдини олмаса, парҳезга, дам олиш ва меҳнат режими-га риоя қилмаса, истис-қо нефропатияга ўтиб кетади. Ҳомиладорлар нефропатияси одатда истисқодан кейин вужудга

келади. Нефропатиянинг асосий белгиси шиш ва сийдикда оксил бўлишидан иборат. Нефропатияда ҳомиланинг ривожланиши бузилади, у чала ёки ўлик туғилиши мумкин. Нефропатияда аёл касалхонада даволанади; олди олинмаса, у осонликча преэклампсияга ўтиб кетади. Преэклампсияда ҳам нефропатиядаги каби шиш, қон босимининг ошиши, сийдикда оксил бўлиши билан бирга беморнинг боши қаттиқ оғрийди, кўзи хиралашади, кўз олдида чивин учаётганга ўхшаб кўринади; кўкрак остида оғрик пайдо бўлади. Бош оғриб, кўз хиралашуви мияда қон айланишининг жиддий бузилганлигидан далолат беради. Бемор вақтида даволанмаса, пре-эклампсия янада оғирроқ касаллик — *эклампсия*га айланиб кетади.

Ҳ.т.га касалликнинг шаклига қараб даво қилинади. Олдини олиш учун ҳомиладорлик даврида гигиенага риоя қилиш (тўғри дам олиш ва меҳнат қилиш, бекаму кўст овқатланиш), аёллар маслаҳатхонаси назоратида бўлиш, Ҳ.т.га олиб келадиган касалликни ўз вақтида даволатиш лозим.

ҲОМИЛАДОРЛИҚДАН САҚЛАНИШ, бўйида бўлишдан сақланиш — исталмаган ҳомиладорликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари. Ҳ.с.нинг табиий ва сунъий усуллари мавжуд.

Лактацион аменорея усули (ЛАУ) — бу ҳомиладорликни олдини олишнинг табиий усули, уни аёллар туғруқдан сўнг дастлабки 6 ой ичида фақат кўкрак сути билан эмизishi даврида қўллашлари мумкин.

Симпотермал усул — бунда аёл ўзини ҳайз кунларини назорат қилиши ва ҳомиладор бўлиб қолиш эҳтимоли бор, яъни «хавфли» кунларида жинсий алоқада бўлмаслиги керак.

Контрацептив воситалар: таблеткалар, презерватив, бачадон ичи спиралли ва б. Таблеткалар таркибида эстроген ва гестаген гормонлари бўлиб, уларнинг

микдори жуда кам ва организм учун зарарсиз (логест, марвелон, диане—35, новинет, фемоден), шу сабабли жигарга салбий таъсири йўқ. Ҳайз даврида оғриқ ва қон кўп кетишини камайтиради. Жинсий аъзоларнинг ўткир яллиғланиши, кин, бачадон ва тухумдон рақининг айрим турларини олдини олади, лекин жинсий йўл билан юқадиган касалликлардан сақламайди. Аёл ўзи истаган пайтда таблетка ичишни тўхтатиб, ҳомиладор бўлиши мумкин.

Презерватив — бу юпқа резинадан тайёрланган жуда самарали восита бўлиб, ОИТС (СПИД), захм (сифилис), сўзақ (гонорея) ва б. жин-сий алоқа орқали юқадиган касалликлардан сақлайди.

БИВ (бачадон ичи воситаси) — пласт-массадан тайёрланган кичкина мослама, унинг атрофи ингичка мис ип билан ўралган, пастки учиди 2 та кичкина ипла-ри бор. БИВ юқори самарадор ва оддий муолажа бўлиб, уни махсус ўргатилган мутахассис-шифокор бажаради.

ДМПА (депо—медроксипрогестерон ацетат ёки Депо-Провера) инъекция ёрдамида юбориладиган контрацептив модда; сунъий гормондан таркиб топган бўлиб, табиий гормон — прогес-терон хусусиятига эга, у тухумҳу-жайранинг етилишига тўсқинлик қилади. Ҳар 3 ойда бир марта юбориладиган инъекция ҳомиладорликдан сақланишни таъмин-лайди.

Ҳомиладорликдан сақланиш воситаларининг ўта афзалликлари билан бир қаторда, учраши мумкин бўлган салбий оқибатлари ҳам бор. Ҳар бир аёл организмиди ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бир организм учун фойдали нар-са бошқасига зарарли бўлиши ҳам мум-кин. Шунинг учун Ҳ.с.ни аҳд қилган аёл ўзига беэён контрацептив воситалардан фойдаланиши ва бунинг учун албатта до-имий тиббий кўригида бўладиган ўз ши-фокори билан маслаҳатлашиб олиши ке-рак. Ҳоз. контрацепция воситалари аввал мавжуд бўлган усуллардан хавфсиз ва юқори самарали, уларни қўллаш тез-тез

аборт қилдиришдан кўра афзалроқ. Ҳ.с. усулларини қўллаш — ҳомиладор бўлиш қобилиятини йўқотмаган ҳолда, аёл са-ломатлигини сақлаб қолишда энг мақбул йўл ҳисобланади.

ҲОМУЗА, эснаш — рефлектор акт; организм толиққанда, юрак-томир систе-маси фаолияти ёмонлашганда, жисмоний ҳаракат қилинмаганда, дим, кўп тамаки чекилган хоналарда бўлганда ва мудроқ босганда рўй беради. Ҳ. оғиз, томоқ, овоз йўли кенг очилган ҳолда чуқур ва узок нафас олиш ҳамда нисбаган тез на-фас чикариш ва ўзига хос товуш билан ифодаланади. Эснаётган кишига тақлид қилинганда у жуда осон содир бўлади. Ҳ.нинг муайян касалликларни аниқлашда клиник аҳамияти катта эмас. Узок давом этадиган Ҳ. мияда кислород етишмасли-ги ва тиббий ёрдам кўрсатилишини та-лаб қилувчи баъзи касалликлар бел-гиси бўлиши ҳам мумкин.

ҲОР, Ал-Ҳор, Гҳор — Ғарбий Осиё-даги тектоник ботиқ. Исроил, Сурия ва Иордания ҳудудларида. Шим.да Бакао грабени билан жан.да ал-Араба водийси оралиғида жойлашган. Узунлиги (шим. дан жанубга) 300 км га яқин, сербар жойи 25 км. Тоғлар (бал. 1000—1400 м) билан ўралган берк ҳавза. Ҳ.да Иордан дарёси, Ҳуло, Табария кўллари ва Улик денгиз (Ер юзидаги энг паст жой, —395 м) жой-лашган. Иклими қуруқ ва иссиқ. Чала чўл ўсимликлари ўсади.

ҲОРИС ибн СУРАЙЖ (? - 746.21.4) — араб саркардаси, Мовароуннаҳрда ума-вийларга қарши халқ ҳаракати раҳ-бари. Хуросондаги хорижийлар раҳ-намоси. Мовароуннаҳрни араблар томонидан бо-сиб олинишида фаол катнашган. Ҳ. ибн С. умавийларни танқид қилиб, Қуръон оятларига риоя қилмаётганликлари ва пайғамбар сун-нати бўйича иш тутмаёт-ганликлари учун уларни қоралади. У зим-мийлар билан тузилган шартномага риоя қили-ши, мусулмонлардан (шу жумла-

дан, мусулмонликни қабул қилганлардан) хирож олмасликни ваъда қилди. Ҳорис Мовароуннаҳрда жойлашган мусулмон гарнизонларини ўз тарафига оғди-риб, Тохаристонда (Балх вилояти) ўрнашиб олган эди. Самарқанд шоҳи Ғурак, дехқонлар ва Турк ҳокони Абу Музаҳҳим Ҳ. ибн С.ни Хуросонни эгаллаш учун юборганлар. 734—735 й.ларда у бу ерда кўзғолон кўтарган, бироқ Хуросон ноиб *Асад ибн Аб-дуллоҳ* томонидан кўзғолон бостирилган. Ҳорис Самарқандга қайтиб келган. 739 й. Хуросоннинг янги ноиб *Наср ибн Сайёр* бошлиқ умавийлар қўшини Самарқандга юриш қилган, бироқ у муваффақиятсиз чикқан. Наср солиқ тизимини ўзгартиришга қарор қилган. У юқори табақа вакилларини ўз томонига оғдириб олган тақдирда-гина кўзғолонни бостириш мумкин деб ҳисоблаган. Бунинг учун у исломни қабул қилган маҳаллий аҳолини араблар билан тенглаштирган, уларни жузъядан озод қилган. Наср 739 й. Самарқандга юриш бошлаган. Ҳ. ибн С. ўз хорижийлари билан шу ерда жойлашган эди. Наср шаҳар аҳолисини сувдан маҳрум қилиб, уни таслим қилишга уринди, Самарқанд зодагон дехқонларининг бир қисмини ўз томонига ағдариб, уларни Ҳ. ибн С.га шаҳарни бўшатиб чиқиб кетишни таклиф қилишга мажбур қилди. Ҳ. ибн С. ўз сафдошлари билан Шошга кетишга мажбур бўлган. Наср шаҳарни эгаллаб Марвга қайтмоқчи эди, лекин Ироқ ноиб Юсуф ибн Умар ундан Ҳ. ибн С.га бошпана берган Шошга хужум қилишни талаб қилгани учун катта қўшин (20 минг) билан Шошга юриш қилади. Турк ҳокони амакиваччаси Курсул Ҳ. ибн С. ва Шош ҳокими Қодир ибн Бадрни қувватлаб 15 минг кишилиқ ёлланма қўшин билан Сирдарё бўйида Насрнинг йўлини тўсади ва тунда мусулмонлар қароргоҳига тез-тез хужум қилиб туради. Ана шундай хужумлардан бирида Курсул асир олиниб, ўтда куйдирилади. Шош ҳокими ва Ҳ. ибн С. Шош қалъасига қоча-дилар. Наср аввал *Фаргонага*, сўнг Шошга

хужум қилади. Ҳориснинг ўзи мансуб бўлган тамим қабиласи Наср томонида туриб уруш қилади, шу туфайли Ҳорис тамимийларга қарши урушдан бош тортади. Шош ҳокими Насрга сулҳ таклиф этади. Унга кўра, Ҳ. ибн С. Шошни тарк этади, Форёб қишлоғига жўнайди. Марвдаги жангда ҳалок бўлган, хочга тортилган.

Маҳфуза Алимова.

ҲОРУН — Қуръонда зикри келган пайғамбарлардан бири. Мусонинг акаси. Аллоҳ Мусони пайғамбар этиб, унга Фиръавни хидоятга даъват қилиш масъулиятини юклайди. Фиръ-авнга рўбарў бўлиб уни имонга, тўғри йўлга даъват этиш кишидан шижоат ва кучли ирода талаб қилар эди. Мусо биров тезроқ ва дудукланиб гапирар эди. Шу боис, Мусо Парвардигордан бу масъулиятли ва оғир вазифани адо этишда ўзига акаси Ҳ.ни ёрдамчи қилиб беришни сўрайди. Қуръонда ёзилишича, ниҳоятда фасоҳатли ва таъсирли сўзлаш қобилиятига эга бўлган Ҳ. Мусога ёрдамчи қилиб берилади (Тоҳо сураси, 25—36-оятлар). Ака-ука Фиръавни хидоят йўлига даъват эта-дилар. Аммо Фиръавн Аллоҳнинг бирлиги ва борлигини эътироф қилмай, залолатдан қайтмайди. Ўзини худо деб билган Фиръавни Аллоҳ сувга ғарқ этиб, ҳалок қилади.

ҲОРУН ар-РАШИД (763 ёхуд 766-809.24.3) — *аббосийлар* сулоласидан бўлган халифа (786 й.дан). Эрон зодагонлари манфаатини ифода этувчи *бармакийлар* хонадонидан чиққан вазиралар ёрдамида ҳокимиятни идора қилган, 803 й. бармакийларни қирғин қилгач, давлатни яқка ўзи бошқарган. Ҳ. арР. даврида мамлакатда к.х., хунармандчилик, савдо ва маданият (асосан, адабиёт) анча ривожланган. Лекин шу билан бирга давлатнинг таназзулга юз туганлигининг белгилари ҳам намоён бўла бошлаган (Дайлам, Сурия ва б. вилоятлардаги кўзғо-лонлар). Ҳ. арР. Византия билан

ўтмишдошлари бошлаган урушни давом эттирган. Ҳ. арРашид шахси ҳақида кўплаб ривоятлар, бадий асарлар яратилган. «Минг бир кеча» эртакларида у олижаноб, адолатли ҳукмдор сифатида тасвирланган. Мовароуннаҳрдаги *Рофи ибн Лайс қўзғолонини* бос-тириш учун харбий сафарга чиққанда вафот этган.

Ад.: Бартольд В.В., Карл Великий и Харун арРашид, Сочинения, т.6, М., 1966; Мен А., Мусульманский Ренессанс, М., 1972.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ - қ.х. ходимларининг анъанавий байрами (Ўзбекистонда 1972 й.гача «Пахта байрами» деб аталган). Хўжаликлар, туманлар, вилоятлар миқёсида ўтказилади. Кўпгина жойларда Ҳ.б. кеч кузда қ.х. экинлари ҳосили йиғим-терими тамомланишига қараб нишонланади. Байрам кунлари кўргазмалар, қ.х. маҳсулотлари ярмаркалари уюштирилади; бадий ва спорт ўйинлари, от спорти мусобақалари, оммавий сайиллар ўтказилади. Меҳнат илғорларига мукофотлар топширилади. Ҳ.б.да қ.х. ходимлари билан бирга шаҳар аҳолиси, кенг жамоатчилик ҳам иштирок этади.

ҲОСИЛА — дифференциал ҳисобнинг асосий тушунчаси. У функция ўзгариши тезлигини ифодалайди. x_0 нуктанинг атрофида берилган $f(x)$ нукта учун мавжуд бўлса, у функциянинг x_0 нуктадаги ҳосиласи дейилади ва $f'(x_0)$ каби белгиланади. Ушбу миқдорлар функциянинг x_0 нуктадаги ўнг ва чап ҳосилалари дейилади ва $f'(x_0+0)$, $f'(x_0-0)$ каби белгиланади. Мас, $f(x)=|x|$ функциянинг $x_0=0$ нуктадаги ўнг ва чап ҳосилалари мос равишда $f'(0+0)=1$, $f'(0-0)=-1$ бўлади. $f(x)$ функция x_0 нуктада ҳосиллага эга бўлиши учун $f'(x_0+0)$ ва $f'(x_0-0)$ функциялар мавжуд бўлиб, улар ўзаро тенг бўлиши зарур ва етарли. Комплекс ўзгарувчи функцияларда ҳам ҳосила тушунчаси шунга ўхшаш киритилади (яна қ. *Дифференциал ҳисоб*).

«ҲОСИЛДОР» — эртапишар, маҳаллий хўраки олма нави. Халқ селекцияси йўли билан чиқарилган. Дарахти ўртача бўйли, шох-шаббаси бақувват, шарсимон, бал. 4,9 м. Гули ўртача, икки жинсли, ўзидан чангланади, шунингдек, Тошкент боровинкаси, Самарқанд >р|;ип олмаси навлари яхши чанглатувчи ҳисобланади. Ҳосилдорли ги ўртача, йилига 15 ёшли дарахти 260 кг гача мева беради. Меваси июнь охири — июль бошларида пишади. Мевасининг оғирлиги 130—160 г, думалок, учи чўзикрок. Пўсти ўртача қалинликда, сарғимтир оч-яшил, қизғиш йўллари бор. Эти оқ, ўртача тигиз, ўртача серсув, ширин-нордон. Кўчати ўтказилгандан сўнг 2—3 йили ҳосилга киради, 5—6-йили тўлик ҳосил бера бошлайди.

Янгилигида ейлади, қоқи солинади, консерва қилинади, узоқ жойларга юборишга яроқли. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Туркменистон ва Жан. Қозоғистонда р-нлаштирилган.

ҲОСИЛДОРЛИК - экин майдони бирлигидан олинадиган деҳқончилик маҳсулоти миқдори; ц/га билан ҳисобланади. Ҳ. бир неча турга бўлинади: потенциал Ҳ., режали Ҳ., кутилаётган Ҳ., тупдаги Ҳ., 1 га дан олинган ҳақиқий Ҳ. Потенциал Ҳ. — экин навида мавжуд ҳосил бериш имкониятларини юзага чиқариш зарур бўлган барча шарт-шароитлар таъминланганда 1 га экинзордан олинishi мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал миқ-дори. Уни и.т. муассасалари (нав ори-гинаторлари), давлат нав синаш тармоғи, илғор ширкат, фермер хўжаликлари мутахассислари идеал ҳамда одатдаги агрофонга татбиқан ҳисоб-лаб чиқадилар. Бу эса навлар таркиби ҳамда хўжалик, вилоят, минтақа ва х.к.даги деҳқончилик тармоқларининг тузилмасини белгилашга ёрдам беради. Режали Ҳ. — хўжалик шароитларида 1 га ердан олинishi мумкин бўлган маҳсулот миқдори; Ҳ.да эри-шилган даража

тупроқ унумдорлиги, техника воситалари, ўғитлар ва ҳ.к. билан таъминланганликни ҳисобга олган ҳолда экин экилгунга қадар бел-гиланади. Кутилаётган Ҳ. (ҳосилга қараб мўлжалланадиган Ҳ.) — 1 га ердан олиниши мўлжалланаётган маҳсулот. Экинзорларнинг умумий ҳола-тини баҳолаш асосида ҳўжалиklar томонидан ҳисобланади. Кутилаётган ҳосил кўрсаткичлари шароитга қараб ўзгариши мумкин. Кутилаётган Ҳ. ҳар 1 га дан ц ҳисобида ёки тахминий ҳисобда (юкори, ўрта, паст, ўтган йилги даражада) аниқланади. Тупдаги Ҳ. (биол. Ҳ.) — ўз вақтида бошланадиган йғим-терим олдидан далада етилган тайёр маҳсулот микдори. Ҳақиқий Ҳ. — 1 га дан олинган ҳақиқий ҳосил (омбор Ҳ.) — йғилган ва кириш қилинган маҳсулот. турли усулларда: дастлабки кириш ёки ҳар 1 га экин, баҳорги маҳсулдор май-дон ҳисобида тўғри келадиган соф масса ва б. билан қайд этилади.

Ҳ. даражаси иқлим, географик, тупроқ, микробиологик, биологик, агротехник, ташкилий-икгисодий ва б. шароитлар билан белгиланади. Деҳқончиликнинг интенсив системаларини жорий қилиш билан экинлар Ҳ.и, асосан и.ч.ни интенсивлаш омиллари ҳисобида ортиб боради.

Дилдора Саидова.

ХОТАМИ ТОЙ (тўлик номи Абу сафона Ҳотам ибни Абдуллоҳ ибни Саъди Тойи) (тахм. 6-а. охири — Яман — 7-а. боши) — сахийлиги ва олижаноблиги билан Шарқ мамлакатларида донг таратган шахс. Ямандаги Той қабиласининг бошлиғи, машхур лашкар-боши ва шоир бўлган. Адлу инсо-фи, сахийлиги ва яхшилиги билан дастлаб атрофдаги қабилалар, кейин бутун Арабистон ва Шарқ халқлари орасида Ҳотами Той — Той (қабила-си)дан бўлган Ҳотам номи билан шуҳ-рат қозонган. Унинг саховат ва ҳим-матиға қойил қолган Муҳаммад пай-ғамбар (сав) ҳам Той шарофатидан унинг авлодини эъзозда тутишни буюр-

ган.

Шарқ халқлари оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида Ҳ.Т. ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар, қисса ва дос-тонлар, ҳатто «Ҳотамнома» китоби яратилган. «Ҳотамнома» дастлаб араб тилида яратилиб, кейин форсча нус-хаси Ўрта Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган. Ўрта асрлардаёқ китоб холида тарқалган бу асар 18—19-а.ларда хинд, урду, ўзбек, туркман, инглиз ва қисман рус тиллариға таржима қилинган. 19-а.да Оксудда муҳаммадҳасан Олим форсчадан туркийға таржима қилган ва у 1900 й.да Тошкентда «Ҳотамномаи туркий» номи билан чоп этилган. Мазкур кўлёма ва тошбосма асосида проф. А.Матғо-зиев 1988 й.да уни ҳоз. ёзувда нашр эттирган.

Ҳ. Т. шоир сифатида ҳам машхур. Сақланиб қолган шеърлари араб адиби ва ҳатот Ризқуллоҳ Ҳасун томонидан 1872 й.да Лондонда чоп қилинган.

Шарқ халқлари тилларида Ҳотам, Ҳотамтой номлари «сахий», «қўли очик» маъноларини ифодалайдиган сифатга айланиб кетган. И.В.Гёме «Ғар-бу Шарқ девони»да ўзини Ҳотам, маъшуқасини Зулайҳоға нисбат бериб, қатор шеърлар яратган.

Ад.: Ҳотамнома, Т., 1988.

ХОТАМОВ Орифхон (1927.10.10, Жиззах — 2002.25.9, Тошкент) — хонанда, созанда (танбур, гижжак), бастакор. Ўзбекистон халқ хофизи (1993). Миллий мумтоз мусика (ма-қом, ашула, катта ашула, бастакорлик) санъатининг йирик вакили. Тошкент мусика билим юртини гижжак ихтисослиги бўйича тугатган (1954). Ҳофизлик ва танбур чалиш йўлларини устози Ж.Султоновдан ўзлаштирган. Муқимий театри (1944), Ўзбек давлат филармони-яси (1945-50), Ўзбек радиосининг халқ чолғулари оркестри (1956—59), этнографик ансамбли (1959-76), **Ма-қом» ансамбли* (1976-89) да созан-да, айни пайтда М.Уйғур номидаги Санъат ин-ти (1989—99), Тошкент консерваторияси (1999 й.дан) да педа-гог.

Репертуаридан катга ашула («Оҳким», «Дайди Танавор», «Бўлмиш» ва б.), мумтоз ашула («Фе-руз», «Абдурахмонбеги», «Ҳануз», «Кўшчинор», «Сувора» ва б.) ва маком йўллари («Дугоҳ Хусайн», «Баёт» каби), 20-а. бастакорлари («Содирхон Ушшоғи», С.Бобошарипов; «Ул кун жонон», Ж.Султонов; «Доғман», К.Отаниёзов ва б.) ҳамда ўзбек мумтоз ва замонавий шоирлар ғазалларига ўзи басталаган («Найлайн», «Қоши ёсин-му дейин», «Қора бўлиб-дур», Навоий; «Сенсан севарим», Лутфий; «Ёр ўтдим», С.Зуннунова; «Ҳолимини сўрмайсан», Саодий; «Охиста-охиста», Т.Тўла; «Субҳидам», П.Мўмин; «Ватандир», «Пайдо бўлибдур», Чустий ва б.) асарлари ўрин олган. Ҳ. кучли, кўлами кенг, ширадор ва дардли овоз соҳиби. Ҳ.нинг ўзига хос ижро ва ижодий услуги нозик дид, теран маз-мундорлиги билан ажралиб туради. Кўп йиллар давомида Ҳакимжон Файзиев, кейинчалик ўғиллари Ахрорхон ва Исмоилхонлар билан ҳамнафаслик қилиб, овозлар равлони ва мутаносиблиги, танбур-дуторнинг дил-каш Мулоқотига асосланган жўровоз йўлида ижод қилган. Ижролари ва бастакорлик асарлари Ўзтелерадио-компанияси фоно-текасига, бир неча грампластинка ва компакт дискга ёзилган. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1997).

Ад.: Бегматов С, Орифхон Ҳотамов, Т., 2000.

Рустам Абдуллаев.

ҲОТАМОВ Ҳамиджон Олимжонович (1959.20.6, Навбахор тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. инсти-тутини тугатган (1985). 1985 й.дан Навбахор туманидаги 14-мактабда тарих ўқитувчиси. 1996 й.дан «Учтут» нафис санъат лицейи директори, 2000 й.дан тарих-ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси.

ҲОТАМОВА Ёркиной (1941.23.2, Фарғона ш.) — актриса, хонанда (лирик сопрано). Ўзбекистон халқартисти

(1991). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1970). 1958—60 й.лар Фарғона театрида, 1960—70 й.лар Ўш театрида, 1971 й.дан яна Фарғона театрида актриса. Фарғона ун-тининг доценти (2001 й.дан). Зулхумор («Равшан ва Зулхумор») унинг сахнада яратган биринчи образидир. Кейинчалик Зухра («То-хир ва Зухра»), Кумуш («Ўтган кунлар»), Дездемона («Отелло»), Раъно («Мехробдан чаён»), Алиман («Момо ер»), Ойхон («Майсаранинг иши»), Кимё («Нурхон»), Ойпарча («Ноди-ра»), Барчиной («Алломиш»), Қумри («Темир хотин»), Момо («Чимилдик»), Дилором («Дилором»), Хол-пошша («Кўш каптар»), Зумрад («Тан-бур ноласи») каби ролларни ижро этди. Ҳ. ижоди кўпроқ драматик об-разлар яратишга мойиллиги, қахрамонлари характерининг ижтимоий ва психологик асосларини чуқур очиб бериши, уларни руҳий гўзаллик ва ҳаётбахш рух ила таъминлаши билан ажралиб туради. Ҳ. фильмларда ҳам суратга тушган (Улғай она «Боғ» телесе-риали, Меҳринисо момо «Увайсий» телесериали ва б.). Ҳ. ижросидаги «Ёзган хатинг кўлимда», «Фарғонадан қарайман», «Сен кетдинг, фироқ колди», «Тонг шамоли», «Сўзласа», «Замонам менинг», «Самарқанд ушшоғи» ва б. кўшиқлари машхур.

ҲОТАМОВА Масуда Турдибоевна (1947.19.5, Уйчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган пед. институтини тугатган (1972). 1968—2000 й.ларда Уйчи туманидаги 38-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. 1985—90 й.ларда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати.

ҲОФИЗ (араб. — ёддан билувчи, сакловчи) — 7-а.дан арабларда Қуръон сураларини ёддан кироат билан ўқувчи киши, *қори*. 11-а.дан мусулмон Шарқ мамлакатлари (жумладан, Ўрта Осиё ва Хуросон)да мумтоз ғазал ва дostonларни ёддан айтган кишилар, шунингдек, ўзи

хам ижодкорлик қобилиятига эга, куй-оҳанглари эса сақлаш қувва (ҳофиза) си ўткир бўлган, юқори малакали ашулчи, хонанда (мас, *Тўйчи ҳофиз, Левича ҳофиз, Мадумар ҳофиз* ва б.). Айни пайтда, ўз ғазалларини оҳангли ўқиган ҳассос шоирларга ҳам Х. даражаси нисбат берилган (*Ҳофиз Шерозий, Ҳофиз Хоразмий* ва б.). Халқ орасида «Х.и намудор» (ном қозонган Х.), «Х.и нусрат» (ғалаба қозонган, ҳофизлар беллашувида ғолиб чиққан Х.), «Х.и меҳробхон» (Қуръон сураларини, «Наът» каби диний айтимларини ўта ёқимли овоз билан ўқийдиган Х.; мас, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида тилга олинган Ҳофиз Жалолиддин Маҳмуд ва б.), «Х.и Қуръон» (бутун Қуръонни ёд билган қори) каби атамалар ҳам қўлланган.

Ўрта Осиёда Х. ва ҳофизлик санъ-ати «жирчи», «окин», «гирчи», «гиранда» деб аталган ўзига хос хонан-далиқ анъаналари негизда ривож топган (қ. *Борбад, Жиров*). Ўзбекистонда 1920 й.ларда «Туркистон Республикаси халқ ҳофизини» унвони *М.Қориёқубов*, Тўйчи ҳофизларга берилган. 1940—60 й.ларда ва 1990 й.дан «Ўзбекистон халқ ҳофизини» ун-вони жорий этилган.

Бахриддин Насриддинов.

ҲОФИЗ, Хожа Ҳофиз Шерозий (тахаллуслари; асл исм-шарифи Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳам-мад) (1326 - Шероз - 1389) — форс шоири. Отаси бевақт оламдан ўтгач, Х. тирикчилик учун новвойлик билан шуғулланган. Зеҳни ўткир бўлганли-гидан тез орада фикх, ҳадис, араб тили ва адабиёти, Қуръони карим ва унинг тафсирини мукамал ўзлаштирган. У, хусусан, Қуръон қироатида юксак маҳоратга эришиб, уни 14 усулда тиловат қилган. Маърака-йи-гинларда Қуръонни, қиссахонлик кечаларида халқ китобларини ёқимли овозда ўқиб бериб, рўзгор тебратган. Шунинг учун ҳам уни *ҳофиз* деб улуғлашган ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий таҳаллусига айланиб кетган. Яхши хаттот ҳам бўлган. Турли китоблар-

ни кўчирган, Қуръонни китобат қилган [Хусрав Дехлавийнинг «Хамса»сидан Х. кўчирган 2—4-достоннинг қўлёзма нусхалари (1355) ҳоз.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик интида (инв. №2179) сақланади]. Х. вақт-вакти билан шоҳлар саройида хизмат қилган. Шоҳ Шужоъ Музаффарийнинг (1358—84) тахтга чиқишини қутлаган, Шоҳ Мансурни (1388—92) улуглаб, унга 6 ғазал, 1 қасида ҳамда соқийнома бағишлаган, лекин ҳаёти ҳамиша йўқчиликда ўтган. Баъзи асарларида ўзининг қувгинга учраганини ёзган.

Адабий мероси битта лирик шеърлар девонидан иборат. «Девон»ни ше-розлик адабиётшунос Муҳаммад Гуландом (14-а. охири — 15-а. бошлари) тузган ва у 19-а.да Европада нашр этилган бошқа нусхалар учун асос бўлган.

Х. бир умр Шерозда яшаган. 14-а.нинг 70-й.лари бошида қисқа муддат Исфаҳон ва Яздда бўлган. Шоирнинг шеърлари Шероздан ташқарида ҳам машҳур бўлганлигидан Бан-гола ҳукмдори Султон Гиёсиддин, Дакан подшоҳи Шоҳ Маҳмуд Баҳманийлар Х.ни ўз саройларига даъват қилиб, совға-саломлар юборганлар. Султон Аҳмад билан Увайс Жалойирий уни Бағдодга ҳам таклиф қилишган, лекин у бу таклифни рад этган. У асосан меҳнаткаш ва ҳуқуқсиз халқ томонида туриб, унинг қувончу ташвишлари, дарду аламларини ота-шин мисраларда куйлагани учун юқори табақаларга унчалик ёқмаган. Х. комил мусулмон бўлиб, ижоди Қуръони карим ва Ҳадиси шариф чашмасидан сув ичган.

Х. мўғуллар ҳукмронлиги инқирозга учраб, майда хонликлар ўртасидаги ўзаро тожу тахт талашлари авж олган, бундан халқнинг аҳволи хароб бўлган бир даврда яшаб ижод этган. Унинг даврида Шероз 5 марта ана шундай жанглار гирдобига тортилиб, ўзи вайрон, халқи қатлиом қилинган. Маърифатпарвар ва шеърят мухлиси бўлган шайх Абуисҳоқ Инжу (1342—53) Х.ни қўллаб, унга хомийлик

килган. Маъшуқа таъриф-тавси-фи, висол лаззатию хижрон хасратини тараннум этиш воситаси бўлган ғазалга у ижтимоий мавзулар, фал-сафий фикр-мулоҳазаларни омухта килган. Ўз даврининг сиёсий манза-раларини, маънавий кифёсини ҳаққоний гавдалантирган. У ишқ мавзуига олам ва одам дардини, жамият муаммоларини олиб кирган. Шоир инсоннинг орзу-интилишлари, қувончу қайғуси, дарду ташвишлари, муҳаббати, фикру ўйларини авж пардаларда куйлаш билан адабиётнинг асосий объекти инсон эканлигини амалда исботлаган.

Ҳ. ғазаллари, аввало, жозибали ва ёқимли оҳанги билан ҳар қандай ўқув-чини ўзига тортади: ҳассос ва исёнкор руҳи билан унинг қалбини тўлқинлантиради; ранг-баранг тимсолу ташбеҳлари, юксак бадиияти, кенг ва чуқур маънолари билан ақлини банд этади. Қават-қават рамзу тимсоллар пардасига ўралган шеърлари бир неча маъно қирраларига эга бўлганлиги учун ҳам ҳар бир тоифа уни ўзича талқин этади, ўз мақсадига хизмат қилдиради. Чунончи, тасаввуф олимлари Ҳ. ижодини илоҳий ишқ куйчиси сифатида ўргансалар, Ғарб ва шўро адабиётшунослари дунёвий нуқтаи назардан таҳлил этадилар. Аслида шоир ижодида илоҳийлик ва дунёвийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. У еру кўкнинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳни таъриф-тавсиф этиш, унга бўлган ҳассос муҳаббатини куйлаш билан бирга, инсон ҳақида ҳам фикр юритади. Ҳ. девони мадрасаларда маҳсус дарсликлар қаторида ўқитилган. Ҳ. шеърлари табиийлиги, самимийлиги ва юксак бадииятга йўғрилганлиги, мазмунан теранлиги ва серқатламли-ги, фалсафасининг қуюқлиги, нозик ишораларга бойлиги, услубининг мураккаблиги учун ҳам унга «лисон ул-ғайб» — «ғойибнинг тили» сифатини берганлар. Фирдавсий — маснавийни, Умар Хайём — рубоийни қан-чалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳ. ҳам ғазални шунчалик юксак мақомга кўтарган.

Ўз ижодида май ва у билан боғлиқ тимсоллардан кўп фойдалангани учун Ҳ. ринд ва майпараст сифатида ҳам машхур. Тасаввуф адабиётида суфиёна истилоҳ-тимсолларни энг кўп қўллаган ва уларга энг кўп маъно юклаган ҳам Ҳ. ҳисобланади.

Ҳ. ўзбек адабиётига ҳам кучли таъсир ўтказган. Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий, навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Амирий, Мунис, Огаҳий каби барча давр шоирлари Ҳ.ни ўзларига устоз билганлар, ундан таъсирланиб, шеърлар битганлар. Навоий «Девони Фоний»да Ҳ. ғазаллари та-таббуъида 220 дан ортиқ ғазал ёзган.

18-а. охири — 19-а. бошларида эъти-боран Ҳ. Ғарб дунёсини ҳам ўзига қаратди. 1812 й.да Йозеф фон Ҳаммер шоир девонини тўлалигича таржима қилиб, немис тилида нашр эттирган. Шундан сўнг Германияда Ҳ.га эргашиб ёзилган шеърлар кўпайган, ҳатто немис адабиётида шарқона шаклдаги шеърлар, ғазаллар пайдо бўлган. И. Гёте «Ғарбу Шарқдевоини»ни яратган. Ҳ.ни «ноёб услуб даҳо-си», «муқаддас Ҳофиз», «Шарқнинг Вольтери» деб улуғлашган. Умуман, Ғарбда Ҳ.ни Гейне, Гёте, Шелли, Вольтер, Байрон каби улуғ ёзувчилар қаторида тилга олишган. Рус адабиётида ҳам Ҳ. катта шухрат қозонган. А.Фет, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Жуковский, С.Есенин, П.Гнедич, В.Брюсов каби рус шоирлари Ҳ. таъсирида шеърлар ёзганлар, унинг ижодини юксак баҳолаганлар.

Ўзбекистонда Ш.Шомухамедов, А.Ҳайитметов, Н.Комилов, Ҳ.Ҳомидий ва б. Ҳ. ҳақида тадқиқот олиб борганлар. Шоир шеърлари А.Авлоний, Хуршид, Чустий, Муинзода, Васфий, Ш.Шомухамедов, Ж.Жаб-боров, Э.Воҳидов, Ж.Қувноқ, М.Кенжабек томонидан таржима қилинган.

Ҳ. ўзи севган Мусалло боғида дафн этилган ва унинг шарофати билан кейинчалик бу боғ «Ҳофизия» номини олиб, жаҳон илму адаб аҳлининг зиёратгоҳига

айланган. Темурийлардан Абулқосим Бобур шоир қабрини обод қилдирган. Сўнг Эрон ҳукмдорларидан Каримхон Занд хоз. сағанани қурдирган (18.11).

Ас: Ғазаллар, Т., 1958; Куллиёт, Душанба, 1983; Ҳофиз Шерозий шеърятидан, Т., 1985; Ишқдафтари, Т., 2000.

Ад.: Шомухамедов Ш., Ҳофиз Шерозий, Т., 1965; Навоий ва алабий таъсир масалалари, Т., 1968; Брагинский И.С., Из истории персидско-таджикской литературы, М., 1972; Саломов Ғ., Комилов Н., Дўстлик кўприқлари, Т., 1979.

Эргаши Очилов.

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ - қ. *Кўҳакий*.

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ МАЖМУАСИ

- Тошкентнинг Сағбон кўчасидаги меъморий ёдгорлик (16-а.). Ҳофиз *Кўҳа-кий* маблағига унинг раҳбарлигида қурилган. Қадимда бу мажмуа сало-батли ва жозибадор илм маскани бўлган. Алломанинг ўзи мадрасада илми толибларга, маҳалла ёшларига дарс берган. Бинонинг меъморий ечими, ташки кўриниши, қурилиш хом ашёлари унинг 16-а.га мансублигини кўрсатади. Мажмуа тўғри тўртбурчак тарҳли, бош тарзи пештоқли, 1 қаватли; ёзги масжид, мадраса, дарвозахона орқали ичкари (кенг ҳовли)га кирилади. Кенг ҳовли ўртасида ҳовуз бўлиб, агрофи чинорлар экиб сўлим масканга айланттирилган. Ғарбий қисмида мезанали баланд минора, шифти анъанавий нақшлар билан безатилган кўп устунли айвон (ёзги мас-жид), кўп гумбазли хонақоҳ (қишки масжид), равоқли қатор хужралар бўлган.

Мажмуадан ёзги масжид, хонақоҳнинг тенг ярми, ҳовлининг бир қис-ми, бир неча хужрагина сақланиб қолган.

ҲОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙ ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Мавлоно Нахлий (тахм. 1540 — Бухоро — 1589) — тарихчи олим ва шоир. Отаси Мир Муҳаммад Бухорий *Убайдуллахоннит* энг яқин кишиларидан саналган. Ҳ.Т.Б. Бухоро мадра-саларида таҳсил олган.

Қулбобо Кўкалдошнит тавсияси билан Ҳ.Т.Б. *Абдуллахон II* саройига хизматга Ц қабул қилинган ва хоннинг шахсий Ц воқеанависи (тарихчиси) қилиб тайинланган (1570 й.дан). У умрининг 1 охиригача шу лавозимда хизмат 1 қилган.

Ҳ.Т.Б. ўз даврининг етук шоири 1 бўлиб, у «Мавлоно Нахлий» тахаллу- 1 си билан шеърлар ёзган. 1560й.дау#с-кандархон тахтга ўтирганида унга қасида бағишлаган. Унинг шеърлари кўплаб тазкиралар ва баёзларда учрайди.

Ҳ.Т.Б. ўзининг шоҳ китоби — «Аб- : дуллонома» («Шарафномаи шоҳий») 1 асари билан танилган. Асар шайбонийлардан Абдуллахон II га бағишланган бўлиб, 1584—88 й.ларда Бухорода форс тилида ёзилган. Муаллифнинг режасига кўра, асар муқаддима, 2 қисм (мақола) ва хотимадан иборат бўлиши мўлжалланган. Бироқ асарни ёзиш жараёнида режа ўзгарган. 1-ва 2-мақолалар кўшиб ёзилган, хотима эса муаллифнинг вафоти туфайли ёзилмай қолган. Мутрибийнинг гувоҳлик беришича, «Абдуллонома» асарининг охириги қисмини Абдуллахон II нинг топшириғи билан қози Поянда Зоминий (1602 й.в.э.) ёзган.

«Абдуллонома» асари шарқшунос олим Содиқ Мирзаев томонидан ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинган. Бу асар *Б.Аҳмедов* сўз бошиси ва изоҳлари билан биргаликда 2 марта нашр этилган. Асарнинг рус тилидаги таржимаси М. Салоҳиддинова томонидан амалга оширилиб, унинг фақат I—II қисмлари факсимилеси билан чиқарилган. Асарнинг кўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондларида сақланади (инв. №2207, 3781). Санкт-Петербургда асарнинг учта кўлёмаси мавжуд.

Ас: Абдуллонома, 1-ж., Т., 1966; 2-ж., Т., 1969; Абдуллонома (тулиқ нашри), 1-китоб, Т., 1999; 2-китоб, Т., 2000; Шарафнома-йи шаҳи, часть 1, М., 1983; часть 2, М., 1989.

Ад.: Аҳмедов Б., Муниров Қ., Ҳофиз Таниш Бухорий, Т., 1963; Ҳасанов Ҳ.,

Сайеҳ олимлар, Т., 1981; Аҳмедов Б., Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари, Т, 2003.

Қаҳрамон Ражабов.

ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ (тахаллуси; исми Абдурахим) (14-а.нинг 2-ярми, Хоразм — 15-а.нинг 30—40-й.лари, Шероз) — шоир. Эски ўзбек тили ривожига катта ҳисса қўшган. Ёшлиги Хоразмда кечган. Бу ердаги нотинчликлар туфайли 14-а. охирларида ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Ироқ, Кирмон, Исфаҳон, Табризда бўлиб, Шерозда турғун яшаб қолган. Иброҳим Султон саройига яқин бўлган. *Ҳофиз* Шерозий ижодига ҳурмат билан қараб, унинг анъаналарини ўзбек шеър-иятига олиб кирган, ўзбек халқини Шерозийники каби етук ишқий-фалсафий шеър-иятдан баҳраманд қилиш ниётида «Ҳофиз» таҳаллусини танлаган.

Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,

Гар келди эса форсда ул Ҳофизни Шероз.

Ҳ.Х. ҳам ўз замонасининг инсон-парвар, маърифатпарвар вакили сифатида Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоийлар сингари диний-гасаввуфий дунёқараш вакилидир. Шеърларида Мансур Ҳалложники чуккур ҳурмат билан тилга олган.

Ҳ.Х. туркий тилда бой адабий мерос қолдирган. Шеърларидан девон тузган. Девонида 1052 ғазал, 9 қасида ва қатор мухаммас, таржеъбанд, таркиббанд, рубоий, китъалардан иборат 37264 мисра шеър бор. Уларда ин-сон бахт-саодати, эркинлиги, дунёвий севги-мухаббат мадҳ этилган, замонасидаги турли ижтимоий иллатлар очик кўрсатилган. Шеърлари мазмун-мундарижасининг кенглиги, фалсафий теранлиги, инсон-парварлик руҳи, юксак бадиияти билан ажралиб туради. Тили содда, равон, халқ тилига яқин, Хоразм шеvasига хос унсурлар кўп учрайди. Девонининг 15-а.нинг 30-й.ларида кўчирилган ягона қўлёзмаси Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод ша.даги Салоржанг музейи

кутубхонасида, фотонусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ас: Шеърлар, Т., 1980; девон, 1-2-китоб, Т., 1981; Ҳаёт васфи, Т., 1988.

Ад. Сулаймонов Ҳ. Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдарободдан топилган девони. «Адабий мерос», Т., 1976.

ҲОФИЗИ АБРУ, Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофий (1361/62, Ҳирот - 1430, Зан-жон) — тарихчи ва географ. *Амир темир* ва *Шохрух* саройларида тарихнавис бўлган. Тарихий ва тарихий-географик асарлар («Зайли Зафарномаи Шомий», «Зайли Жомий ут-таворих», «Тарихи Ҳофизии Абру», «Мажмуа аттаворихи султония», «Зубдат ут-таворихи Бой-сунқурий») муаллифи. «Зайли Зафарномаи Шомий» асари *Низомиддин Шомийнинг* «Зафарнома»сига илова бўлиб, асардаги тарихий воқеалар баёнини 1405 й.гача давом эттирган. «Зайли Жомий ут-таворих» *Рашидуддин Фазлул-лоднинг* «Жомий ут-таворих» асарининг давоми бўлиб, унда Эроннинг 1304—70 й.лардаги тарихи акс эттирилган (1417). «Тарихи Ҳофизии Абру» номи билан машҳур тарихий-географик асарида дунёнинг доира шаклидаги харитаси ва б. хариталар берилган. Бу хаританинг муҳим томонларидан бири — градус тўри чизилганидир, уни географлар Ҳ.А.нинг шоҳ асари деб ҳисоблайдилар. Бу асарда ер юзидаги сувлар, тоғ-тошлар, мамлакатлар ва улардаги шаҳар-кишлоқлар, шунингдек, Форс, Кирмон, Хуросоннинг батафсил географияси ва тарихи, Мовароуннаҳр геоф. си баён этилган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Термиз каби шаҳарлар ҳамда Жайхун, Сай-хун, Мурғоб ва б. дарёлар, мамлакатлар, вилоятларнинг кенглик ва узунликлари кўрсатиб ўтилган ва масофалар ҳамда майдонларни изохловчи (фарсанг, ойлик йўл, кунлик йўл) анчагина сатрлар бор. 1423—27 й.ларда ёзилган «Мажмуа» («Тўплам») асари Шохрух

салтанати тарихини 1417 йилги воқеалар билан тугатади. Унинг 4-жилди «Зубдат ут-таворихи Бойсун-қурий»да тарихий воқеалар 1417 й.га қадар етказилган. Ҳ. А.нинг асарларида ижтимоий-иқтисодий маълумотлар, бизгача етиб келмаган асарлардан парчалар ва муаллифнинг ўз даврига оид хабарлари кенг ўрин олган. Ҳ.А. асарларининг қўлёзмалари Санкт-Петербург, Оксфорд ва Тошкентда сақланади.

Ад.: Бартольд В.В., Сочинения, т.8, М., 1973; Ҳасанов Ҳ., Сайёҳолимлар, Т., 1981.

ҲОШИМИЙЛАР, бану ҳошим — 1) Муҳаммад (сав) бобоқалонлари Ҳошим ибн Абдуманноф авлодлари; Расулulloҳ (сав) мансуб бўлган уруғхонадон. Ҳ. Муҳаммад (сав) ҳаётлари-да, ул зот вафотидан сўнг эса араб-мусулмон тарихи-да муҳим роль ўйнаган; 2) Ҳ. бир қанча мусулмон ҳукм-дорлари сулоласини шакллантирганлар. Чунончи, 10-а.дан 1924 й.гача Макка шарифлари, унинг ҳоқимлари. Бу сулола вакиллари (ал-Ҳавошим-Ҳошимийлар) 20-а. бошида Ҳижозда (1908— 25) ва Ироқда (1921— 58) давлатни идора этишган. 1921 й.дан Иордания Ҳошимийлар қироллигида, Ҳ.нинг бошқа бир тармоғи эса Мароккаш Қироллигида (10-а.дан) ҳокимиятни бошқариб келмоқда.

ҲОШИМОВ Абдулла Ҳошимович (1908.20.9, Тошкент - 1976.21.6) -физиолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1963), тиббиёт фанлари д-ри (1956), проф. (1957), Ўрта Осиё тиббиёт ин-ти даволаш ф-тини тугатгач (1933), нормал физиология кафедрасида катта лаборант, аспирант (1933 — 35), ассистент (1935—38), доцент (1938— 41). Уруш қатнашчиси (1941— 45). ТошТИ нормал физиология кафедрасида доцент (1945—56), айни вақтда Рига тиббиёт ин-ти нормал физиология кафедрасида докторант (1953—56). 1957 й.дан ТошТИнинг нормал физиология

кафедрасида проф. ва Тошкент фармацевтика ин-ти физиология кафедраси мудири (1956—73). Илмий ишлари, асосан, соғлом организмда ҳамда ташқи муҳитнинг организмга таъсири натижасида қон айланишининг ўзгаришига оид.

Ас: Влияние корн больших полушарий на теплорегуляию (Условнше рефлексм), Т., 1940; Кровообращение при пишеварении, Т., 1958.

ҲОШИМОВ Насим (1920.12.3, Самарқанд — 2000.4.11, Тошкент) — ашулачи, опера хонандаси (лирик баритон), педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1959). Москва ўзбек опера студияси (1941) ва Тошкент кон-серваторияси (1961)ни тугатган. Миллий ижро услубларини ўзлаштиришда Ҳожиаб-дулазиз, Тўйчи хофизлар таъсир кўрсатган. Самарқанд театрида хормейстер ва артист (1941—44), 1944 й.дан Навоий теат-рининг яккахони, 1959 й.дан Тошкент консерваториясида педагог, проф. (1979), 1972—77 й.лар хонандалик кафедраси мудири. Ўзбек операларида Бўрон (С.Василенко, М.Ашрафий, «Бўрон»), Иброҳим (Т.Содиқов, Р.Глиэр, «Гулсара»), Нуъмон (М.Ашрафий, «Дилором»), чет эл классик операларида Эскамильо (Ж.Бизе, «Кармен»), Онегин, Елецкий (П.Чайковский, «Евгений Онегин»), «Қарға моткаси»), Фигаро (Ж.Россини, «Севилья сартароши») каби бош ролларни ижро этган. Кон-церт репертуаридан, асосан, Ҳамза кўшиқлари ҳамда бошқа ўзбек бастакор ва композиторларининг асарлари (М.Левиевнинг «Қаҳрамон кизлар», Т.Содиқовнинг «Жонон кўринур», М.Бурҳоновнинг «Табассум қилмадинг ҳеч») ўрин олган.

ҲОШИМОВ Ўткир (1941.5.8, Тошкент) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991). ТошДУ нингфилол. ф-ти журналистика бўлимини тугатган (1964). «Қизил Ўзбекистон» (1959—62), «Тошкент ҳақиқати» (1963 — 66), «Тошкент

оқшоми» (1966—82) газ.ларида адабий ходим, бўлим муди-ри. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир (1982-85). «Шарқ юлдузи» (1985-95), «Театр» (2005 й.дан) жур.ларида бош муҳаррир.

Илк китоби — «Пўлат чавандоз» (1962, очерklar тўплами). Биринчи йирик насрий асари — «Чўл ҳавоси» (1963). «Одамлар нима деркин» (1965), «Шамол эсаверади» (1966), «Қалбингга кулоқ сол» (1973) қиссалари эълон қилинган. «Баҳор қайтмайди» (1970), «Дунёнинг ишлари» (1982) қиссалари ёзувчига шуҳрат келтирган. «Баҳор қайтмайди» қиссасида истеъдодли бир йигитнинг шуҳрат илинжида ҳазон бўлган умри, рухий-маънавий инқи-рози санъаткорона ифодаланган. Ҳазин ва нузли туйғулар билан йўғрилган автобиографик характердаги «Дунёнинг ишлари» асарида муаллиф ўз онаси тимсолида ўзбек оналарига хос улкан меҳр-мурувватни тараннум этган. Ёзувчининг «Му-ҳаббат», «Дехқоннинг бир куни», «Урушнинг сўнги қурбони», «Ўзбек иши» каби новеллалари ўзбек ҳикоячилигида муҳим ҳодиса бўлди. Илк романи «Нур борки, соя бор» (1976) да Ҳ. ўзига замондош-тенгдош жур-налист Шерзоднинг кечинмалари орқали ҳаяжонли маънавий-ахлоқий масалалар билан бирга ўткир ижтимоий муаммоларни кўтарган. «Икки эшик ораси» (1986), «Тушда кечган умрлар» (1994) романларида Ҳ. замондош-асрдош одамлар такцирини 20-а.нинг энг кескин фожиавий ҳодисалари — 2-жаҳон уруши ҳамда мустақил тузумнинг жинояткорона сиё-сати оқибатлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил ва талкин этиш йўлидан борган. «Икки эшик ораси»даги деярли барча персонажлар уруш даврида уруш жафосини чеккан одамлардир. Асар пер-сонажлари тимсолида ўзбек халқи табиатига, миллат менталитетига хос бағрикенглик, бардош ва матонат каби фазилатлар очиб берилган. «Тушда кечган умрлар» романидаги Рустамнинг фожиавий қисмати орқали Ҳ.

афғон урушининг маъносиз моҳиятини теран ва таъсирчан ифода этган. Бутун умри давомида тоталитар режим сиё-сатининг қалқони ва қиличи сифатида иш кўрган, неча минглаб ҳалол одамлар дилини жароҳатлаган, ёстигини курутган Комиссар ҳам ўзига хос фожиавий образ. Бу кимсанинг фожиаси шундаки, у ўзи олиб борган қора ишларни ҳақ деб билган.

Ҳ.нинг бир қанча асарлари экранлаштирилган. «Ҳазон бўлган баҳор», «Инсон садокати» (1975), «Виждон дориси», «Тўйлар муборак» (1979), «Қатағон» каби драма, комедия, бир қатор киносценарийлар муаллифи. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» (2001) китоби ижтимоий-маънавий ҳаётда муайян из қолдирган. Асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

1-, 2-чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. Олий Мажлис Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси (1995—2004). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1986). «Меҳнат шуҳрати» (1996), «Буюк хизматлари учун» (2001) орденлари билан мукофотланган.

Ас: Сайланма [2 ж.ли], Т., 1993.

Ад.: Шарафиддинов О., Ўткир Ҳошимов [«XX аср ўзбек адабиёти тарихи» китоби-да], Т., 1999; Норматов У., Рухият манзиллари, Т., 2001; Расулов А., Ардоқли адиб, Т., 2001.

Умарали Норматов.

ҲОШИМОВ Ҳоқимжон (1915.23.3, Тошкент ш.) — Халқ ўқитувчиси (1991), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1959). Тошкент пед. ин-ститутини тугатган (1939). 1936 й.дан «Ўқитувчилар газетаси»да адабий ходим, масъул котиб, 1947 й.дан Тошкент ш. Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, 1948—2001 й.ларда мактаб директори. Ҳ. ҳақида Ўзбекистон телевидениеси томонидан «Умр мазмуни» ҳужжатли фильми тайёрланган. «Шуҳрат» медаллари билан мукофотланган

(1994).

ХОШИЯ — нақш мужассамотида асосий қисмлардан; бирор нарсанинг асосий қисмидан ажралиб турадиган чети, атрофи, зеҳи. Амалий безак санъатида нақш мужассамоти тузилишидаги муҳим қисм, бўлак; марказий май-дон ва уни ўраб турадиган Ҳ. нақшдан иборат мужассамот кенг тарқалган; баъ-зан безак фақат Ҳ. нақшдан иборат бўлади. Безатилаётган майдон (перс-пектива, нисбатлар)га қараб Ҳ. турлича (ингичка, йўғон каби) кенгликда бўлади; баъзан 2 параллел чизиклар орасига ҳам нақшлар ишланади. Ҳ. нақшларни бир-биридан ажратиб туриш учун уларнинг орасига чизиладиган параллел тўғри чизикдан бошлаб то мураккаб нақшларгача таркиб топади.

ХУБАЛ — кад. араб мифологиясида *курайш* қабиласининг худоси. Авлод-аждодлар, ой ёки одмон худоси, қабиланинг ҳомийси ҳисобланган. Ҳ. Каъ-банинг бош худоси деб эътироф этилган, у ўнг кўли олтиндан, қолган аъзолари тошдан қилинган одам қиёфасидаги ҳайкал шаклида тасвирланган. Ислом пайдо бўлганидан кейин мушриклар Ҳ.ни Макканинг бош худоси сифатида *Аллоҳга* қарши қўйишган. Макка фатҳидан сўнг Ҳ. санами Каъбадан чиқарилиб, парчалаб ташланган.

ХУВАЙДО (тахаллуси; асл номи Хўжаназар Ғойибназар ўғли) (? — Ўш ш. — 1780/81, Фарғона вилояти Чимён қишлоғи) — шоир, тасаввуф шеърятининг йирик вакили. Қўкон мадрасаларида ўқиган. Қишлоғида мактаб очиб, узоқ вақт мактабдорлик қилган, қосиблик билан ҳам шуғулланган. Отаси Ғойибназар сўфи Қаш-қардаги Офокхўжа эшоннинг муридларидан бўлган, Чимёнда масжид ва хонақола қурдириб, эшонлик қилган. Ҳ. девонида келтирилган бир нақлга кўра, Ҳ.га «Хўжаназар» исмининг қўйилиши ҳам Офокхўжа билан

боғлиқ. Ҳ. мумтоз шеърятнинг деярли барча жанрларида ўзгоч қилган. Шеърлари халқ орасида жуда машҳур бўлган. Ҳ. ахлоқий-дидактик йўналишдаги мазмунан теран, услубий гўзал асарлари билан адабий мактаб ярата олган шоир-дир. Ҳ. ижоди ва дунёқарашининг шаклланишида Яссавий, Навоий, Сўфи Оллоёр, Машрабларнинг тасав-вувфий, фалсафий фикрлари ва асарларининг таъсири катта бўлган. Ҳ. мажозий ва ҳақиқий ишқ ҳақидаги ори-фона, дунёвий шеърларидан ташқари золимлик ва мазлумлик, камолот ва ахлоқий тубанлик ҳақидаги шеърларида ҳам мазкур шоирлар анъаналарини давом эттирган ва янги фикрлар билан бойитган.

Ҳ. шеърлари вафотидан сўнг наби-ралари томонидан девон ҳолига келтирилган. Унга шоирнинг 351 ғазал, 28 рубоий, 41 тўртлик, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 мустазод, 3 маснавий ҳамда ахлоқий-дидактик мазмундаги «Рохати дил» манзумаси кирган. Девондаги илк шеърларида рўза, намоз, закот, ҳаж, жаннат ва дўзах билан боғлиқ мавзулар ёритилган, ғурур, манманликни танқид қилув-чи, тавозеъ, қардошлиқ ва тўғрисўзликни улуғловчи ҳикматларга кенг ўрин берилган («Дариғо, хайф, одам...», «Куйгай», «Кимга бориб дод этай...» ва б.). Ҳ.нинг шеърларида тасаввуфий унсурлар — нафсни жиловлаш ва дунёдан ўзни узоқ тутиш бош ғоялардан бири. Дунё лаззатининг ин-сонни бахтли эта олмаслигига ишонган шоир Аллоҳга, абадий бахтга эришмоқ учун инсон ўзлигидан кеч-моғи кераклигини англайди (мас, «Анго», «Қилдинг») радибли шеърлари ва б.). Шоирнинг «Рохати дил» ахлоқий манзумаси панднома турининг гўзал намунаси. Унда очкўзлик, таъмагирлик, вафо, боқийлик, фонийлик, яхшиликнинг фойдаси, ёмонликнинг зарари, гўзаллик ва меҳнатсеварлик, моддий ва маънавий поклик каби хилма-хил ахлоқий мавзулардаги ибратли ҳикоялар келтирилган. Ҳ. диний-ахлоқий мазмундаги «Иброҳим Адҳам» номли

шеърий дoston ҳам ёзган. Ҳ. вафотиға бағишлаб унинг шоғирдлари, мухлислари томонидан марсиялар, таърихлар ёзилган. У ҳақда ибратомуз ривоятлар, ёдномалар пайдо бўлган. Шоирнинг отаси Ғойибназар Эшон шажараси даҳмаси ҳозир ҳам зиёратгоҳ жойлардан ҳисобланади.

«Девони Ҳувайдо»нинг бир қанча қўлёзма нусхалари ва литографик нашрлари бўлиб, улардан чевараси Салоҳиддин Соқиб (1838—1910) ва Мирза Ҳаким ибн Мирза Умид Марғилонийлар кўчирган нусхаси СамДУ кутубхонасида сақланади (инв. №3903).

Ҳ.нинг набираси Сирожий (1877 й. в. э.), чеваралари Самарбону (1837—1891), Салоҳиддин Соқиб, *Ғарибий* девон тузган шоирлар бўлиб, Ҳ. анъ-аналарини давом эттирганлар. Ҳ. номида кўча, маҳалла ва мактаблар бор.

Ас: Танланган асарлар, Т., 1960; Роҳати дил, Т., 1993; Иброҳим Адҳам, Самарқанд, 1995.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.ли], 5-ж., Т., 1978; Қайюмов П., Тазкираи Қайюмий, Т., 1999.

Бегали Қосимов.

ҲУД — Қуръонда зикр қилинган пайғамбарлардан бири. Қуръонга кўра, у Од қавмидан бўлиб, ўз қавмини ҳидоятга бошлаш учун пайғамбар қилиб юборилган. Бу қавм гавдали, жисмонан бақувват кишилар бўлиб, Яман ва Уммон ўртасидаги Аҳқоф деган жойда яшаган. Улар бутларга сиғинган, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъ-ват этган Ҳ.ни таҳқиқлаб, ёлғончи ва ақли заиф деб аташган. Ҳ. ўз қавмини агарда ёлғиз Аллоҳга ибодат қил-масалар аввалда ўтган сарқаш қавмларга бўлгани каби, буларга ҳам Аллоҳнинг азоби нозил бўлишидан огоҳлантиради. Аммо Од қавми бари бир ўз залолатида давом этаверди ва Ҳ.га итоат этмади. Шундан сўнг Аллоҳ 3 й. ёмғир ёдирмай, қурғоқчиликка гирифторм этса ҳам, бу қавм тавба-тазарру қилмаган. Ўз қавмининг имон келтири-

шидан умидини узган Ҳ. ўзига имон келтирган мўминлар билан Маккага кетиб ўша ерда вафот этган. Ҳидоятга юрмаган қавм устига эса Аллоҳ кучли бўрон юбориб, ҳаммаларини ҳалок қилди («Ал-ҳокқа» сураси, 6—7-оятлар).

ҲУДАЙДА — Яман Араб Республикасидаги шаҳар. Аҳолиси 360 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Мамлакатнинг Қизил денгиз бўйидаги муҳим порт-ти: четга кофе, қуруқ мевалар, тери, пахта чиқарилади. Аэропорт халқро аҳамиятга эга. Механика устaxonалари, пахта тозалаш, озиқ-овқат, тамаки, ёғочсозлик корхоналари, ип газлама ф-каси мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан Ҳ.нинг эски шаҳар қисмида Боб ал-Мушриф дарвозаси, Катта масжид сақланган.

ҲУДАЙЧИ, удайчи (араб. — бошқармоқ, йўл кўрсатмоқ) — Урта Осиёда амир ёки хон саройидаги мансаб. Ҳ. 2 даражага бўлинган: «ҳудайчийи дасти рост» («ўнг қўл худайчи») ва «ҳудайчийи дасти чап» («чап қўл худайчи»). Улар олий ҳукмдорнинг ўнг ва чап ёнида туриб, саройда ўтказиладиган турли маросим ва тантаналарни бошқарган. Ёсининг ҳақ-ҳуқуқлари Ёсиникидан бир оз кенгрок бўлган. Ҳар иккиси ҳам бошқа амалдорлардан фарқ қилиш учун қизил ҳасса (асо) тутган.

«**ҲУДУД ул-ОЛАМ**» («Олам чеғаралари»), «Китоби ҳудуд ал-олам минал машриқ илал мағ-р и б» — тарихий-географик асар. номаълум муаллиф томонидан форс тилида 982—83 й.ларда Жузжон вилоятида ёзилган бўлиб, шу вилоят ҳокими амир Абул Хорис Муҳаммад ибн Аҳмадга бағишланган. Бу асар ўз замонасида ҳам, 19-а. охиригача ҳам шу ном билан ҳеч қайси манбада қайд этилмаган; 1258 й. қайта кўчирилган. Асар бошқа ном билан машхур бўлганлиги тахмин этилади. Асар жами 60 боб (мақола)дан иборат бўлиб, муқад-•димадан кейин

курукликларнинг чегаралари, денгиз ва кўлтиқлар, ороллар, тоғлар, конлар, дарёлар, чўллар ва қумлар, сўнгра жаҳондаги вилоятлар таърифи берилган, шунингдек кўплаб этнографик ва иқтисодий маълумотлар келтирилган. Муаллиф ернинг обод қисмини 51 вилоятга бўлган ва унинг 45 таси экватордан шим.да 1 таси экватор устида, 5 таси экватордан жан. да деган. У китъалар ҳақида фикр юритиб юнонлар замо-нидаёқ дунё 3 қисмга: Осиёи Акбар (Катта Осиё), Либия (Африка) ва Урупо (Европа)га бўлинганини айтиб, ҳар бирининг чегарасини кўрсатиб берган. Асарда Ўрта Осиё, хусусан,

Ўзбекистонга доир географик, этн. маълумотлар кўплаб учрайди. Хусусан, Бухоро, Пойкенд, Суғд, Таво-вис, Кармана, Кушония, Самарқ-анд, Кеш, Термиз, Кот, Фарғона, Шош ва б. шаҳар ва вилоятлар таърифи келтирилган.

Асарнинг ягона кўл ёзма нусхасини Абдулфозил Гулпойгоний 1892 й. Бухородан топган. 1893 й.дан шарқ-шунос А.Г.Туманскийнинг шахсий кутубхонасида сақланиб, 1924 й. Осиё музейи фондига берилган. В.В.Бар-тольд «Х.ул-О.» матнини сўзбоши ва изоҳлар билан рус тилида (1930), В.Ф.Минорский инглиз тилида (1937) нашр эттирган.

Ад.Ҳасанов Х., Сайёҳолимлар, Т., 1981.

ХУДУДИЙ БЮДЖЕТ - қ. *Махаллий бюджетлар*.

ХУЖАЙРА (лот. cellula, cyli\$ — катакча) — барча тирик организмларнинг тузилиши ва функционал бирлиги, элементар тирик система. алоҳида организм сифатида ҳаёт кечириши (бактериялар, энг содда ҳайвонлар, айрим сувўтлар ва замбу-руғлар) ёки кўп хужайрали организмлар тўқималари таркибига кириши мумкин. Генетик аппарат эукариотларда *ци-топлазмаан* мембрана билан ажралган ядрода; *прокариотлар*ва эса нуклеоидда жойлашади. Жинсий Х. *мейоз* нагижасида ҳосил бўлади.

Х. ўлчами 0,1—0,25 мкм дан (айрим бактериялар) 155 мм гача (туяқуш тухуми). Х.нинг хилма-хил функци-ясини ихтисослашган ички структу-ралар — *органонидлар* бажаради. Х.нинг универсал органоидлари: ядрода — *хромосомалар*, цитоплазмада — *рибо-сомалар*, *митохондриялар*, эндоплазматик тўр, *Гольжи комплекси*, *лизо-сомалгр*. Айрим манбаларда Х. мемб-ранаси ҳам органоидлар қаторига киритилади. Кўпчилик Х.да бўладиган мембрана структуралари — микронай-чалар, микрофибриллалар Х. шаклининг; Х. киритмалари Х. таркибининг доимийлигини таъминлаш вази-фасини бажаради.

Х. ичида ва организмнинг ички суюқ мухитида бўладиган оксиллар, жумладан, ферментлар ҳам Х.да син-тезланади. Х.нинг ҳар қайси органо-иди фақат унга хос вазифани бажаради. Мас, эукариотларда Х.нинг нафас олиши фақат митохондриялар мем-браналарида, оксил синтези — рибо-сомаларда кечади. Ферментларнинг концентрациялиниши ва уларнинг Х.

структурасида муайян тартибда жойлашуви кимёвий реакцияларни тезлаштириб, кетма-кет бориши (кон-вейер принципи)ни таъминлайди. Х.га хос микрогетерогенлик хусусияти бир хилдаги компонентдан бир вақтнинг ўзида ҳар хил моддаларни жуда оз миқдор (микроҳажм)да синтезлаш имконини беради. Ихчамлик принци-пи айниқса ДН К структураси учун хос. Мас, одам тухумхужайрасининг 610^{12} г келадиган ДНК си организм учун хос бўлган барча оксилларни кодлайди. Х. ичида ионларнинг муай-ян концентрацияси сақланади. Х. мухитдан йирик молекулалар, жумладан, оксиллар, ҳатто вирусларни *пи-ноцитоз*, айрим майда хужайралар ва улар фрагментларини *фагоцитоз* орқали ютиш хусусиятига эга.

Ўсимлик Х.си хужайра мембра-наси сиргидан қаттиқ қобиқб-н қопланган (қобиқ жинсий Х.да бўлмай-ди). Х. қобиғида тешикчалар бор. Бу тешикча-

лардан ўтадиган цитоплазма ўсимталари орқали кўшни Х. ўзаро боғланган. Ўсишдан тўхтаган Х. қобиғига лигнин, кремнезем ёки б. моддалар шимилиши натижасида анча пишқ ва қаттиқ бўлиб қолади. Ўсимлик ёғочининг пишқлиги ана шу моддаларга боғлиқ. Айрим ўсимликлар тўқимаси Х.лари айниқса жуда пишқХ. деворига эга бўлиб, Х. ҳалок бўлгандан сўнг ҳам ўзининг таянч скелетлик функциясини сақлаб қолади. Ихтисослашган ўсимлик Х.сининг бир неча ёки битта марказий вакуоласи бор; уларда ҳар хил тузлар эритмаси, угле-водлар, органик кислоталар, алка-лоидлар, аминокислоталар, оксиллар, ҳатто захира сув бўлади. Ўсимлик Х.лари цитоплазма-сида махсус органоидлар — пластидалар бор; Гольжи комплекси эса цитоплазмада тарқалган диктиосомалардан иборат.

Барча эукариотлар Х.си бир хилдаги органоидлар ва метаболизмни бошқариш механизмларига эга. Улар прокариотлар сингари метаболизмни бошқариш, энергияни жамғариш ва сақлаш, оқсил синтезида генетик коддан фойдаланиш хусусиятига эга. Барча Х. мембранасининг функцияси ҳам ўхшаш. Х. тузилиши ва функциясининг ўхшашлиги улар келиб чиқишидаги умумийликдан далолат беради. Бирок организмдаги Х. ўлчами ва шакли, у ёки бу органоидлари сони, ферментлар мажмуи билан бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқ организмдаги Х.нинг ўзаро кооперацияси ва уларнинг функционал ихтисослашуви билан боғлиқ. Бир ҳужайралилар Х.сининг тузилиши ва функцияси ўртасидаги тафовутни кўп жиҳатдан уларнинг яшаш муҳитига мосланиши билан тушунтирилади. Генетик аппарат тузилишидаги ўхшашлик прокариот ва эукариотлар келиб чиқишидаги умумийликни тушунтириш учун далил бўлади. Аммо бир ҳужайралиларнинг аждоди ҳар хил прокариотлар бўлиши ҳам мумкин. Симбиогенез назариясига биноан бир хил прокариотлар ҳужайин Х. митохон-дрияларига, бошқалари — хлоропластларга айланган ва органо-

ид тарзида ўз-ўзидан кўпая бошлаган. Бошқа назарияга биноан эса прокариот Х.нинг структуралари аста-секин ривожланиб, эукариотга айланган.

Бир организмнинг барча Х.лари ге-номи потенциал ахборот ҳажми жиҳатдан уруғланган тухумҳужайра геномидан фарқ қилмайди. Ихтисослашган Х. ядросини ядроси олиб ташланган Х.га кўчириб ўтказилганда нормал организм ривожланиши буни исботлайди. Кўп ҳужайрали организмда Х. ҳоссалари ўртасидаги фарқ генлар фаоллигининг бир хил бўлмаслиги туфайли келиб чиқади. Х.нинг ҳар хил ихтисослашуви натижасида бир хил Х.лар (нерв) кўзгалувчанлик; бошқалари (мускул) миофибриллалар ҳосил қилувчи оқсилларга эга бўлиши туфайли қисқариш, учинчи хиллари (безли Х.) ҳазм қилиш ферментлари ва гормонларни синтезлаш хусусиятига эга бўлади. Кўпчилик Х. кўп функцияли, мас, жигар Х.си қон плазмаси ва ўт суюклиги оқсилларини син-тезлайди; гликоген тўплайди ва уни глюкозага айлантиради; ёт моддалар (жумладан, дорилар)ни парчалайди. Барча Х.да умумий функцияга эга бўлган генлар фаол бўлади. Шундай қилиб, ҳар хил Х.лар ўртасидаги ўхшашлик белгилари уларни бир-би-ридан фарқ қилувчи белгиларга нис-батан кўпроқ бўлиб, келиб чиқиши ва функциясига кўра ўхшаш Х. тўқималарни ҳосил қилади (қ. *Тўқима*).

Метаболитлар ва ионлар — Х.даги жараёнларни бошқарувчи омиллар. Улар генларга таъсир этиш орқали ферментлар синтезини ёки бевосита ферментларнинг ўзига таъсир кўрс-атиб, улар фаоллигини ўзгартириши мумкин. Бундай ўз-ўзини бошқариш механизмлари туфайли Х.да ҳаёт учун муҳим бўлган кўп жараёнлар оптимал (энг қулай) ҳолда сақланиб туради.

Х.ларнинг ўзаро таъсири, нерв ва гормонларнинг Х. фаоллигини ўзгаришига олиб келадиган хусусиятлари ташқаридан бошқарадиган омилларга қиради. Бундай омиллар Х.нинг ўзига хос хусусиятлари-

ни сақлаб туриш учун зарур. Ҳ, культура-сига хос сунъий шароитда Ҳ,нинг ўзига хос кўпгина хусусиятлари йўқолади.

Эукариот Ҳ, митоз орқали ўз-ўзидан кўпаяди. Одам организмидаги Ҳ, сони 10^{14} . Айрим тўқималарда Ҳ, сони ҳаёт давомида доимий бўлиб қолади; фақат кам ихтисослашган Ҳ, бўлинади. Мас, одам организмида сутка давомида 70 млрд. га яқин ичак эпи-телиysi Ҳ,си, 2 млрд. эритроцит нобуд бўлиб туради. Бир қанча тўқи-маларда Ҳ, тўлиқ ихтисослашган ҳолда Ҳ, циклига киради. Бундай ҳолларда митоз Ҳ, бўлинмасдан хро-мосомаларнинг 2 ҳисса ортиши билан тугайди (қ. *Полипloidия*) ёки митоз бошланмасдан хроматидлар сони 2 ҳисса ошади. Айрим ихтисослашган Ҳ, ядроси умуман Ҳ, циклига киришмайди (мас, нейронлар, скелет мус-куллари толаси). Бундай ҳолларда Ҳ, ҳаёти организм умрининг узоклигига тенг бўлади. Одам Ҳ,си ўрғача 1 — 2 кун (ичак эпителий-си) яшайди. Барча Ҳ,ларда моддалар ва структура элементлари фаол янгиланиб туради. Тўқималарни ҳосил қилувчи бекиёс кўп сонли Ҳ,лардаги метабо-литик ва бошқарув жараёнларининг ўзаро боғланганлиги, улар таркибининг доимо янгиланиб туриши кўп хужайрали орга-низм органларининг нуксонсиз ишлаб туришини таъминлайди. Ҳ,ни *цитология* фани ўрганайди. Яна қ. *Хужайра назария-си*, *Хужайра цикли*.

Ад.: Захаров В.Б., Маматов С.Г., Со-н и и В.И., *Общая биология*. М., 2002; Ч е н -цов Ю.С., *Общая цитология*, М., 1984; Грин Н., Стаут У., Тейлор Д., *Биология*, т. 1—3. М., 1990; М авлонов О., *Биология* (Маълумотнома), Т., 2003.

Кураш Нишонбоев, Очил Мавлонов.

ХУЖАЙРА ДЕВОРИ, ўсимликлар хужайраси пўсти (тетъгапа cellulae) — хужайра мембранаси сир-тидаги тузил-ма; хужайрани мустаҳкам қилиб туради; унга шакл беради; про-топластни химоя қилади. Кўпчилик ўсимликларнинг Ҳ,д. ёғочланиб, таянч функциясини бажа-

радиган ўзига хос ўсимлик скелетини ҳосил қилади. Юкори молекулали угле-водлар — цел-люлоза молекулалари Ҳ,д.нинг асосини ташкил этади. Бу моле-кулалар мураккаб бойлам (фибриллалар) га тўпланиб, Ҳ,д. учун синч вазифасини бажаради. Ҳ,д. таркибида гемицеллюло-за, пёктин бўлади. Тўқиманинг хилига қараб, унинг хужайраси девори таркиби-да бошқа органик (лигнин, кутин, субе-рин, мум оксил) ва аорганик моддалар (кальций тузлари, кум) бўлиши мумкин. Ҳ,д.нинг барча моддалари, одатда, про-топластда синтез қилинади. Углеводлар-ни, асосан, Гольжи аппарати синтезлай-ди. Ҳ,д. бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи Ҳ,д. юпқа, гемицеллюлоза ва пек-тинга бой бўлиб, меристема ва ўса-ётган, баъзан доимий хужайралар учун хос. Бирламчи Ҳ,д. матриксида целлю-лоза фибриллари тартибсиз ўрнашган. Бирламчи Ҳ,д.нинг айрим қисмлари жуда юпқа бўлиб, уларда найчалар жойлаш-ган. Найчалар орқали плазмодесмалар (кўшни хужай-ралар протопластларини туташтириб турувчи цитоплазматик ип-чалар) ўтади.

Иккиламчи Ҳ,д., одатда, хужайранинг ўсиши даври охирида ҳосил бўлади ва қават-қават бўлиб прото-пласт томон-дан бирламчи Ҳ,д. устида тахланиб ту-ради. Иккиламчи Ҳ,д.да целлюлоза кўп; унинг фибриллалари кучли ва тартиб билан бирмунча парал-лел жойлаша-ди. Ҳар бир қаватда фиб-рилларнинг турли йўналишда жойлашганлиги Ҳ,д. мустаҳкамлигини оширади. Иккилам-чи Ҳ,д.да поралар деб аталадиган туташ бўлмаган жойлар бўлади.

Бир хужайрали ва кўп хужайрали ҳайвонлар хужайраларида Ҳ,д. бўлмаслиги мумкин. Ҳайвонлар Ҳ,д. хилма-хил бўлиб, ташқи хужайра ске-лети (бир хужайралар пелликуласи, бўғимоёқлиларнинг хитин кутикула-си), химоя (тухумхужайранинг кўп қаватли пўсти, циста қобиғи) вази-фасини бажа-ради. Ҳайвонлар Ҳ,д., асосан, углеводлар ва уларнинг оксиллар билан бирикмаси-

дан, шунингдек, липидлар ва анорганик моддалардан иборат.

ХУЖАИРА ИНЖЕНЕРИЯСИ - озуқали муҳитда хужайра ўстириш (хужайра культураси), дурагайи ва реконс-трукциясига асосланиб, янги хужайра типини яратиш усули. Ҳ.и. ягона хужайра ва тўқималарни махсус сунъий озуқали муҳитда ўстириш билан боғ-лик. Ўсимлик хужайра культураси мураккаб тажриба йўли билан ташкил қилинган биологик система — қайта дифференциацияланган соматик хужайра бўлиб, айрим шароитларда ўсимликни қайта тўлик тиклаш қобилятига эга. Ҳ.и. ёрдамида ҳар хил турга (ҳатто ҳар хил типларга) мансуб геномларни бирлаштириш мумкин. Ҳ.и. биол., шунингдек, биотехнологияда, мас, дурагайлар ёрдамида тиббиёт ва фаннинг бошқа соҳалари ҳамда и.ч.да фойдаланиладиган моно-клонал (бир хил хусусиятга эга) ан-тителолар олишнинг кўпгина назарий муаммоларини ҳал қилишда қўлланади. Тор маънода «Ҳ.и.» деганда про-топластлар (хужайра қобиғи йўқ ўсимлик хужайраси)ни қўшиш тушунилади. Ҳ.и.да дурагайлаш учун ота-она жинсий хужайралари (гаметалар) эмас, балки ўсимликнинг тана (сома-тик) хужайралари олинадилар ва тукго шароити (организмдан ташқари) да қўшилади. Бунинг учун махсус ферментлар ёрдамида хужайранинг қаттиқ полисахарид пўстлоғи ажратилади ва ҳосил бўлган «очик» хужайралар (протопластлар) электр майдони таъси-рида ёки ёпиштирувчи юқори моле-кулали полисахаридлар ёрдамида бириктирилади.

Протопластларни бириктириб соматик дурагайлар олишда ўсимлик хужайралари ва тўқималарини сунъий шароитда, шунингдек, алоҳида про-топластларни ўстириш усулларидан фойдаланилади. Биринчи усул юксак ўсимликлардан ажратиб олинган хужайра ёки хужайраларнинг маълум шароит ҳамда махсус озуқали муҳитда қайта дифференциацияланиб

(тўқимага хос хусусиятларини йўқо-тиб) бир хужайрали организм каби яшаб, кўпайишига асосланган. Мана шундай 1п У1(го шароитида, уюшмаган ҳолда ўаиш ва кўпайиш бир неча ўн йиллаб давом этиши мумкин. Бироқ ўстириш шароитини ўзгартириш б-н, мас, озуқали муҳитдаги фитогормонлар миқдорини ўзгартириб, хужайраларнинг уюшган ҳолда ўси-шига эришиш ва улардан етук ўсимликолиш мумкин. Бу усулларнинг аф-заллиги шундаки, пробиркада муайян организмдан олинган кўп милли-

онлаб хужайралар билан бир вақтнинг ўзида и.т. ишлари олиб борилади. муаммони ҳал қилишда хужайра ўрнида ўсимликдан фойдаланиш эса узоқ муд-дат, кўп ишчи кучи ва катта майдон талаб қилади. Кейинги йилларда алоҳида протопластлар ўстириш усули кенг ривожланмоқда. Бунда ферментатив гидролиз йўли билан хужайра қобиғи ажратилади ва жуда кўп миқдорда ўсимликнинг «очик» хужайралари олинадилар. Юқори молекуляр массага эга генлар ҳамда вектор молекуларлар (хўжайин хужайрада мустақил қайта тиклана олиш хусусиятига эга ДНК молекуласи) озуқали эритмадан аста-секин «очик» хужайра ичига шимилади ва протопластлар ёт генларга эга бўлади. Протопластларни маълум шароитда ўстириб, хужайра қобиғини қайта тиклаш ва *m* ||*l*ю шароитида ўсаётган хужайралар сингари ўстириб, кўпайтириб колониялар, шунингдек, етук ўсимлик ҳосил қилинадилар.

Ҳ.и.нинг асосий усуллари: соматик дурагайлаш ёрдамида табиатда жин-сий чагишмайдиган, филогенетик жиҳатдан бир-биридан узоқ ўсимлик турларини ча-тиштириш; бир ота ёки онага тааллуқли бутун генлар тўплами ҳамда бошқа ота ё онадан ўтган бир нечта хромосомага эга ассим-метрик дурагайлар олиш; бир пайтнинг ўзида уч ва ундан кўп ота-она хужайраларини қўшиб, дурагайлаш системасини тузиш; генетик жиҳатдан ота-онанинг жами идиотипларига эга дура-

гайлар олиш; ядродан ташқарида, яъни цитоплазмада жойлашган генлар бўйича гетерозигот дура-гайлар олиш; генератив системадаги биологик номувофикликни баргараф қилиш; ота-оналардаги морфогенетик ва гаметогенетик аномалия туфайли чагишмайдиган формаларни чагиштириш; ҳар хил эпигенетик программага эга хужайраларни ду-рагайлаш ва б. Протопластларни қўшиб, кейин дурагай хужайраларни регенерациялаш билан етук ўсимликлар олиш мумкинлиги исботланди. Мас, биринчи марта (1972) тамаки ўсимлигининг соматик хужайралари чагиштирилган; шундан бери бошқа ўсимликларда ҳам соматик дурагайлаш (хаммаси бўлиб 70 дан зиёд) ишлари амалга оширилди. соматик дурагайлашда бошланғич ота-она материали сифатида барг мезо-филл хужайралари протопласти ёки ўсимликиннинг 1п У1Г шароитида ўсти-риладиган каллус тўқималаридан олинган протопластдан фойдаланилади. Мақсадга мувофиқ комбинацияларни оддий жинсий чагиштириш йўли билан олиш жуда мураккаб бўлган ҳолда соматик дурагайлаш билан юксак ўсимликлар ота-она генларининг янги ком-бинацияларини амалга ошириш имкониятлари кенг.

1п уЛГ шароитида суюқ озукали муҳитда ўсадиган хужайраларни суспензион хужайралар деб қараш ва уларни морфологик, физиологик, биокимёвий ва генетик жиҳатдан тавсифлаш мумкин. Суспензион хужайралар куль-тураси кимматбаҳо биологик фаол моддалар олиш учун манба ҳисобланади.

Хужайралар культураси қишлоқ хўжалик биотехнологиясида кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда Ҳ.и. бўйича Ўзбекистон ФА Ўсимликлар генети-каси ва экспериментал биологияси институтининг молекуляр генетика ва биотехнология бўлимида илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Ад.: Си доров В.А., Биотехнология рас-теий. Клеточная селекция, Киев, 1990; раҳимбаев И.Р., Колумбаева

С.К., Джо-кебае ва С.А., Культура клеток и клеточная инженерия растений, Алмата, 1992; Л ут -ва Л.А., Биотехнология высших растений, СПб, 2003.

Сотволди Жатаев.

ХУЖАЙРА МАРКАЗИ, центриол (лот. сепспит, юн. кепГгоп — ўрта нукта, марказ) — ҳайвонлар ва айрим ўсимликлар хужайраси органоиди. асосий вазифаси бўлинаётган хужайра кутбларини белгилаш. Ҳ.м. цилинр шаклидаги 2 та кичик бўлакчадан ташкил топган; бири иккинчисига нис-баган тўғри бурчак ҳосил қилиб жойлашади. Ҳ.м. ҳар бири 3 та микронай-чадан иборат 9 та боғламни ўз ичига олади. Ҳ.м. — цитоплазманинг ўзидан-ўзи кўпаядиган органоиди. Кўпайиши оқсил кичик бўлакчаларининг ўзи-ўзини йиғиш жараёни орқали амалга ошади. Ҳ.м. хужайранинг бўлинишида муҳим аҳамиятга эга. Ундан бўлиниш дуклари ўса бошлайди.

Организмнинг ривожланиш жараёнида Ҳ.м.нинг жойлашиши ва шакли ўзгариб туради. Хужайранинг бўлиниши тамом бўлгач ҳосил бўлган ҳар бир янги хужайра бир жуфтдан Ҳ.м.га эга бўлади. Ҳ.м.нинг нотўғри бўлиниши патологик ҳолатга сабаб бўлади. Ҳ.м. гулли ўсимликларда бўлмайди.

ХУЖАЙРА МЕМБРАНАСИ - к. *Плазматик мембрана.*

ХУЖАЙРА НАЗАРИЯСИ - барча организмларнинг тузилиши, ривожланиши ва келиб чиқишидаги умумийликни кўрсатувчи йирик биологик назариялардан бири. Ҳ.н.га бино-ан хужайра бактериялар, замбуруғлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг энг кичик тузилиш бирлиги. Ҳ.н. тириклик оламининг бирлиги ва унинг тарихий ривожланиши ҳақидаги эволюцион тасаввурни тасдиқлайди. Ҳ.н. Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти ва энергиянинг ўзгариши қонуни билан бир қаторда 19-а.да табиатшунослик

соҳасида қилинган 3 буюк кашфиётдан биридир.

Хужайраларнинг кашф этилиши ва хужайра назариясининг яратилиши тарихан бир даврга тўғри келмайди. Ўсимлик хужайраси тузилишини дастлаб тирик ўсимлик пояси ва пўкаклардан тайёрланган кесмада инглиз олими Роберт Гук ўзи ясаган микро-скоп орқали кузатган ва тадқиқот хулосаларини «Микрография» номли аса-рида баён этган (1665). Инглиз бота-ниги Н.Грю хужайра қобиғи худди мато (газлама)га ўхшаш толарадан ташкил топганлигини тахмин қилган.

18-а. фалсафий ғоялар таъсирида фанда тирик табиатнинг бирлиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўла бошлади. *К.Вольф* ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилишидаги қандайдир умумийликни аниқлашга ҳаракат қилди. Унинг «хужайра», «доначалар» ва «пу-факчалар» каби тушунчалари, шунингдек, немис олими Л.Океннинг организмлар «пуфакчалар» ёки «инфузориялар» дан ташкил топган, деган фикрлари фанда хужайра назарияси тўғрисидаги дастлабки тушунчалар бўлган.

19-а. бошларида ўсимликларни микроскоп ёрдамида ўрганиш борасида эришилган ютуқлар туфайли хужайра — ўсимлик моддалари умумий массасининг бўшлиқ қисми эмас, балки ўз қобиғига эга бўлган ва бир-бирдан ажралиб турадиган структуравий тузилма эканлиги аниқланди. 19-а.нинг 30-й.лари охирида ўсимликларнинг деярли барча органлари хужайравий тузилишга эга эканлиги аниқланди ва немис олими Ф.Мейеннинг «Ботаника» (1830) китобида хужайра ўсимлик тўқималарининг умумий тузилиш бирлиги сифатида эътироф этилди. Лекин шундан кейин ҳам хужайра бу бир бўшлиқ, асосий қисмини қобиқ ташкил қилади; унинг ичидаги нарсалар эса иккинчи даражали аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги тушунча узок вақт сақланиб қолди. Ўсимлик хужайраси ядроси инглиз олими Р.Браун томонидан кашф этилган (1831), аммо немис олими М.Шлейден

ядрони хужайрани ҳосил қилувчи, яъни ци-тобласт деб ҳисоблаган. Шлейден таъбирича донатор субстанциядан ядро-ча ҳосил бўлиб, унинг атрофида эса хужайра вужудга келади; кейинчалик хужайранинг ҳосил бўлиши жараёнида ядро йўқ бўлиб кетади. 19-а.нинг 2-чораги бошларида чех олими Я.Пур-кине мактабининг тадқиқотлари ҳайвон организми тўқималарининг мик-роскопик тузилиши бўйича жуда кўп маълумотлар берди. Лекин Я.Пуркине ўзининг «доначалар назарияси»да «доначалар» (у хужайрани шундай деб атаган эди), ядро ва б. қисмлардан ташкил топганлигини ёзади. Хужайра назариясини расмийлаштиришда Т.Шванн (1839) хизматлари жуда катта. У ўзи олган маълумотлар, Шлейден ва Я. Пуркине мактаби ва б. олимларнинг тадқиқотларига асосланиб, хужайра назариясини яратди; ўсимлик ва ҳайвон тўқималари тузилишини таққос-лаб улар учун умумий ҳисобланган хужайравий тузилиш тамойилларини кўрсатиб берди. Аммо Шванн ҳам худди Шлейден сингари хужайранинг асосий қисми унинг пўсти ва хужайра структурасиз ширадан ҳосил бўлади, деб ҳисоблаган. Хужайра назариясининг бундан кейинги ривожланиши протоплазма ва хужайра бўлинишининг кашф этилиши билан боғлиқ. Немис олими Р.Вирхов (1958) «Хужайра патологияси» аса-рида хужайра назариясини патологик ҳодисаларга татбиқ этиб, ядро хужайрада етакчи аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди ва хужайранинг бўлиниш йўли билан кўпайиш тамойилни (ҳар бир хужайра хужайрадан ҳосил бўлади) асослаб берди. 19-а.нинг 70—80-й.ларида барча хужайравий тузилишга эга бўлган организмлар учун универ-сал ҳисобланган хужайранинг бўлиниш усули. яъни митоз, аср охирида эса хужайра органоидлари кашф этилади; хужайра протоплазманинг оддий йиғиндиси эмаслиги тан олинади.

Хужайравий тузилиш ҳақидаги тушунчалар ривожланишининг дастлабки даврлариданоқ хужайра билан ор-

ганизмнинг бир бутунлиги ҳақидаги муаммо пайдо бўлган. Бу муаммонинг ечими 2 йўналишда ривожланди. механистик тушунчаларга кўра индивиднинг ҳаёт фаолияти ўз вазифасини бажарувчи хужайралар йиғиндисидан иборат. Виталистик концепция нуктаи назаридан эса организмнинг мақсадга мувофиқ яшаши сифат жиҳатидан ўзгача («яхлитлик қисмларнинг йиғиндисига тенг эмас») ва «ҳаётий куч» га боғлиқ деб тушунтирилган.

Хужайранинг митотик бўлинишини, хужайра органоидларининг кашф этилиши, кейинчалик эса биокимё ва молекуляр биол.нинг ривожланиши туфайли хужайранинг структураси ва функцияси тирик табиат иерархиясида хужайравий погонанинг мавжудлиги ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишига олиб келди. Замонавий Ҳ.н. кўп хужайрали организмларни муайян вазифани бажарадиган ва бир-бирига таъсир кўрсатиб турадиган хужайралардан ташкил топган мураккаб, интегр-рациялашган система сифатида эъти-роф этади.

Организм қанча мураккаб тузилган бўлса, унинг бир бутунлиги шунча аниқ намоён бўлади. Хужайранинг асосий структуравий элементлари шаклланган ядрога эга бўлган эукариот организмлар ҳамда ядросиз прокариотлар учун ҳам тегишли. Мустақил ҳаёт кечиришга мослашмаган хужайра паразитлари ҳисобланган вирусларнинг мавжудлиги тирик организмларнинг хужайравий тузилиши универсал эканлигини кўрсатади. Тирик организмлар хужайравий тузилишининг муштараклиги хужайраларнинг кимёвий таркиби ва метаболитик жараёнларнинг ўхшашлиги билан ҳам тасдиқланади. Нуклеин кислоталар ва оксиллар каби муҳим ҳаётий компонентлар, уларнинг ҳосил бўлиши ва алмашилиб туриши барча тирик организмлар хужайралари учун универсал характерга эга.

Кейинги 150 й.дан ортиқроқ давр мобайнида хужайрани ўрганиш янада

чуқурлашиб борди. Хужайрадаги барча асосий органоидларнинг маълум вазифани бажаришга мослашганлиги аниқланди; электрон микроскоп ёрдамида хужайранинг янада нозикроқ бўлган ультраструктуралари ўрганилди; уларнинг молекуляр тузилиши очиб берилди.

Абдукарим Зукирёев.

ХУЖАЙРА ПОПУЛЯЦИЯСИ -

муайян хусусиятларига кўра бир хил бўлган хужайралар гуруҳи. Мас, янгиланиш қобилиятига биноан Ҳ.п. 3 типга ажратилади. Турғун Ҳ.п. янгиланиш қобилиятига эга бўлмайди (мас, сут эмизувчилар нейронлари). Бундай тўқималарда хужайралар сони улар ихтисослашуви бошланишидаёқ доимий бўлиб қолади ва бўлиниш қобилиятини йўқотади. Организм ҳаётининг охирида эса хужайралар сони бирмунча камайган бўлади. Ўсувчи Ҳ.п. янгиланиш ва ўсиш, хужайралар сонининг ортиши ва улар полиплоидизацияси (мас, жигар ва айрим бошқа безлар хужайрасида) ҳисобидан тўқима массасини ошириш хусусиятига эга. Янгиланадиган Ҳ.п. эскириб ўлган хужайралар ўрнига кам ихтисослашган ўзақ хужайраларнинг бўлиниши ва ихтисослашуви натижасида янги хужайралар ҳосил қилиб туриш хусусиятига эга (мас, ичак эпителийси, қон хужайралари). Ҳ.п.ни функциясига кўра ҳам тасниф қилиш мумкин.

ХУЖАЙРА ЦИКЛИ, хужайра

нинг ҳаётий цикли — хужай-ранинг бўлинишидан сўнг яна бўлин-гунчаёки ўлгунча ўтган ҳаёт даври. Бир хужайралилар Ҳ.ц. уларнинг ҳаёт даврига тўғри келади. Тўхтовсиз бўлинадиган хужайралар Ҳ.ц. *митоз* циклига тўғри келиб, кетма-кет алмашилиб турадиган 4 давр: постмитоз ёки син-тездан олдинги (О, инглизча §*ro*\у — ўсиш, йирикла-шиш), синтез (8, ин-глизча 8уМпe518 — синтез), митоздан олдинги ёки синтездан кейинги (С₂) ва митоз (М) дан иборат. С₁ даврда транскрипция содир бўлади;

синтезланган оксиллар тўпланади; ДНК син-тезига тайёргарлик кўрилади. 5 даврда ДНК репликацияланади, хромосомалар материали 2 хисса ортади. S_2 даврда хужайралар бўлинишга тайёрланади; бўлиниш дукини ҳосил қиладиган оксиллар синтезланади. М и т о з — X_2 .нинг якуний даври бўлиб, унда редупликацияланган хромосомалар хужайранинг ҳар хил кутбларига тарқалади.

X_2 . ва унинг даврларининг давомийлиги кўпайдиган хужайраларнинг хили, ёши, организмдаги гормонлар балансига боғлиқ. Вақтга нисбатан S_1 ва S_2 даврлари ўзгарувчан бўлади; тиним даврлари бўлган X_2 . айниқса узоқ давом этади. Бундай ҳолларда O_0 ёки тиним даври (инглизча *җар* — ора-лиқ, интервал) алоҳида ажратилади. Агар тиним даври ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда X_2 . ҳафталаб, ҳатто ойлаб давом этиши мумкин (мас, жигар хужайралари). Нейронларда X_2 . организм умрига тенг бўлади.

ХУЖАЙРА ШИРАСИ - ўсимликнинг тирик хужайрасидаги цитоплазма ажратадиган суюқлик; *вакуолалар* ичида бўлади. X_2 . сув ва коллоид эритма кўринишидаги турли моддалардан иборат. X_2 .нинг ёпишқоқлиги сувниқидан 2 мартача ортқ. Ўсимликнинг унмаётган уруғ ва спораларидаги X_2 . сувсиз, уна бошлаганда эса у яна сувга тўйинади. Ёш хужай-раларда X_2 . кам. Таркиби ўсимлик турининг ўсиш шароити, ёши ва хужай-ралари хилига боғлиқ. X_2 .да углеводлар, ошловчи моддалар, аминокис-лоталар, органик ҳамда анорганик кислоталар ва б. бор. X_2 .ш. хужайранинг осмотик босими ва *тургор* ҳолатига шароит яратади.

ХУЖЖАТ — кенг маънода — маълумотлар қайд этилган моддий буюмлар (қоғоз, киноплёнка, фотоплёнка, магнитофон лентаси, перфокарта ва б.). X_2 . матн, тасвир, товуш ва б.дан иборат бўлиши мумкин.

Мазмунига кўра, X_2 . илмий-техника X_2 .лари (мақолалар, китоблар, патентлар, чизмалар, жадваллар ва х.к.), ҳуқуқий X_2 .лар (қарорлар, фармонлар, шартномалар ва х.к.), бошқарув X_2 .лари (буйруқлар, кўрсатмалар, қарорлар ва х.к.)га бўлинади. Шаклланиш манбаига кўра, бирламчи ва иккиламчи (рефератлар, аннотациялар ва х.к.) X_2 .лар фарқланади. Идора X_2 .лари тўплами, одатда, кириш, чиқиш ва ички (хизматда фойдаланиш учун) X_2 .ларига бўлинади. Мас, банк муассасаси X_2 .лари ичидаги мижозлар банкка тақдим этадиган хужжатлар: тўлов топшириқномалари, чек ва б. кириш X_2 .лари; банк иштирокида расмийлаштирилдиган ва мижозларга берилдиган X_2 .лар чиқиш X_2 .лари ҳисобланади.

Хуқуқ фанида X_2 . деганда, одатда, қонунда белгиланган шаклда тузилган ва юридик аҳамиятга эга бўлган (шахснинг туғилганлик, маълумот олганлик, никоҳдан ўтганлик, меҳнат стажи каби) фактларни тасдиқловчи, ёзма актлар тушунилади. X_2 . суд ишларини юриштишда фактларни аниқлаш воситаси сифатида қатга аҳамиятга эга. X_2 .ларни қалбакилаштириш жиноят ҳисобланади (қ. *Хужжатларни қалба-килаштириш*).

ХУЖЖАТ ал-ИСЛОМ (араб. - ислом хужжати, ислом далили) — ўрта асрларда баъзи йирик илоҳиётчиларга берилган диний унвон. Суннийларда кейинчалик қўлланилмай кетган, лекин шиа уламолари ўртасида расмий унвон сифатида баъзи мамлакатлар (Эрон, Ироқ)да сақланиб келмоқда. Бу унвон *оятulloх* унвонидан қуйи мавқеда туради. Унга илк бор имом *Ғаз-золий* сазовор бўлган. Сафавийлар даврида Эронда X_2 . ал-и. унвонини энг машҳур мужтахидлар олган. X_2 . ал-и. сохиблари одатда шиаларнинг муқад-дас шахарлари (Қарбало, Нажаф ва б.)да яшаган.

Х У Ж Ж А Т Л А Р Н И ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ — муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбурият-

лардан озод этадиган расмий ҳужжатлар, штамп, муҳр, бланкалар тайёрлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ жинойт. Асл ҳужжатларнинг шакли ва мазмунини ўзгартириш ҳам Ҳ.қ. ҳисобланади. қонунда бу хилдаги ҳаракатлар учун жинойт ҳуқуқий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 228-моддасида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ жинойт содир этган шахлар энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқб-н жазоланиши кўрса-тилган. Бундай ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса жазо янада қучайтирилади.

Ўзбекистон Республикасида олдин мавжуд бўлмаган ҳужжатлар юзасидан қонунлар қабул қилинмоқда. Булар жумласига «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири (2003 й. 11 дек.), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун (2003 й. 11 дек.), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (2004 й. 29 апр.) қонунлар қиради. Бу қонунларда ҳам Ҳ.қ. га алоқадор жавобгарлик кўрсатиб ўтилган.

Файрат Эрматов.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ - кино санъати тури. Унда ҳақиқий воқеалар киносураги материал бўлиб хизмат қилади. 1-ҳужжатли киносураглари ака-ука Льюмьерлар 1895 й. (Францияда) олишган. Ўзбекистонда 1-Ҳ.ф.ни Худойберган *Девон* суратга олган. Овозсиз кино даврига мансуб Ҳ.ф.ларда асосан тасвир ҳал этувчи роль ўйнаган, воқеалар мазмуни титр (ёзув)ларда изоҳланган, ғоявий йўналишда воқеа об-рази ҳукмронлик қилган. Овозли кинога ўтилгач, фильм воқеалари дик-

торлар томонидан шарҳланган (яна қ.

Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси).

ҲУЖРА — анъанавий ўзбек меъморлигидаги энг кичик хона; бир ёки бир неча кишига мўлжалланган ётоқхона. Жамоат бинолари (мадраса, масжид, мақбара ва б. зиёратгоҳлар)да, турар жойларнинг *ташқари* қисмида қурилган. Йирик иншоотлар (мадраса ва б.)да бош пештоқ — ён томонларидан бошлаб ҳовлини ўраб қуриладиган мужас-самот кенг тарқалган; бундай иншоотлардаги Ҳ.лар кўпинча бир хил ҳажмда бўлади; баъзан бурчак Ҳ.лар бир мунча» қаттароқ бўлиб, улардан дарсхона сифатида фойдаланилган.

ҲУКМ, муҳокама (мантиқда) — предметга маълум бир белги (хосса, муносабат) ҳослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шакли. Ҳ. нисбатан тугал фикр бўлиб, унда предмет билан унинг аниқ белгиси ҳақидаги билим ифодаланади. Ҳ.лар тўғри (чин) ёки хато (ёлғон) ёхуд ноаниқ (тахминий) бўлиши мумкин. Ҳ.лар объектив воқеликка мос келса тўғри (чин), мос келмаса хато (ёлғон) ҳисобланади. Айни вақтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳ.лар ноаниқ Ҳ.лар дейилади. Ҳ.лар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Ҳ.лар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий Ҳ. деб таркибидан яна бир Ҳ.ни ажратиб бўлмайдиган мулоҳазага айтилади. Оддий Ҳ. таркиби 3 бўлак: мантикий эга — субъект (S), мантикий кесим — предикат (P) ва мантикий боғловчидан иборат. Мантикий эга фикр қили-наётган предмет ва ходисани, ман-тикий кесим предметга хос хусусиятни билдиради. Мантикий боғловчи («...дир», «эмас») предметдаги хусусиятни тасдиқлайди ёки инкор этади. Оддий қатъий Ҳ.нинг формуласи: 8— P (эмас). Оддий Ҳ.лар сифатига кўра тасдиқловчи ва инкор этувчи, ҳаж-мига кўра яқка, умумий ва жузъий Ҳ.ларга бўлинади. Оддий қатъий Ҳ.лар сифати

ва ҳажмига кўра 4 турга бўлинади: 1) умумий тасдиқ Х. (А) «ҳамма 5—Р дир»; 2) умумий инкор Х. (Е) «ҳеч бир 8—Р эмас»; 3) жузъий тас-диқ Х. (I) «баъзи 5—Р дир»; 4) жузъий инкор Х. (O) «баъзи 3—Р эмас» формуласи орқали ифодаланади. Предикатнинг мазмунига кўра атрибутив, мавжудлик ва муносабат Х.лари фаркланади. Мураккаб Х. деб таркибида 2 ёки ундан ортик оддий Х. бўлган мулоҳазаларга айтилади. Мураккаб Х.лар «ва», «ёки», «агар... унда» каби мантикий боғловчилар, инкор қилиш ва модал терминларни қўллаш орқали 2 ва ундан ортик оддий Х.ларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантикий боғловчининг мазмунига кўра мураккаб Х.ларнинг қуйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: 1) бирлаштирувчи (конъюнк-тив) Х. — а л в. Мас, ўз тилини ва маданиятини йўқотган миллат ўзлигидан жудо бўлади; 2) аириувчи (дизъюнктив) Х. — а V в. Мас, ўсимликлар бир йиллик ёки кўп йиллик бўлади; 3) шартли (имплекатив) Х. — а —> в. Мас, агар инсон мақсад сари интилса, у албатта мақсадига эришади; 4) эквивалентлик Х.и — а=в. Мас, агар бу геометрик фигура уч-бурчак бўлса, унда унинг бурчакларининг йиғиндиси 180 бўлади.

Х.лар модаллигига кўра алетик (зарурий), эпистемик (ишончли билим), деонтик (мажбурийлик), аксиологик (баҳолаш) ва вақт модаллигини ифодаловчи турларга бўлинади. Х. тафак-кур шакли сифатида хулоса чиқаришининг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади.

Дилбар Файзихўжаева.

ХУКМ (хуқукда) — жиноят процессида судланувчининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ҳақида суднинг чиқарган қарори. Ўзбекистон Республикаси судлари Х.ни Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради. Х. қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Суд Х.ни фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди. Суднинг Х.да ифодаланган барча хулоса-

лари асослангирилган бўлиши ло-зим. Х. фақат маслаҳатхонада яқка судья ёки хайъат томонидан қабул қилинади ва барча ҳолатда ҳам ошкора эълон этилади. Х.нинг 2 тури мавжуд: айб-лов Х.и ва оклов Х.и. Айблов Х.и, ўз навбатида, 3 турга бўлинади: жазо белгилайдиган, жазо белгиламайдиган, жазодан озод қиладиган айблов Х.и. Жазо белгилайдиган айблов Х.и судланувчининг жиноятни содир этишдаги айби суд муҳокамаси давомида ишончли далиллар билан исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Фақат айблов Х.и билан судланувчи айбдор деб топилади ва жазога тортилади. Суд қунидаги ҳолларда жазо белгиламайдиган, яъни жазо тайинламасдан айблов Х.и чиқаради: маҳкум содир этган жинояти учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса; мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса; Х. чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотса; маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар таъсир чораларини ёки маъмурий жазо чораларини қўллаши билан эришиш мумкин бўлса; Х. чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса. Жазодан озод қиладиган айблов Х.ини чиқариш учун қуйидагилар асос бўлади: судланувчини жазодан озод қилувчи амнистия акти эълон қилин-са; шахснинг Х. чиққунга қадар қамокда бўлган вақти тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортик бўлса. Оклов Х.и: жинойий ҳодиса юз бер-маган бўлса; судланувчи томонидан содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса; жиноятни содир этишда судланувчининг иштироки исботланмаса чиқарилади.

Судда иш қайси тилда кўрилган бўлса, Х. шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда баён қилинади ва 3 қисмдан: кириш, тавсиф ва қарор қисмларидан иборат бўлади. Айблов Х.и 10 кун муддат ичида, оклов Х.и эълон қилинган вақтдан

бошлаб кучга киради. Ҳ. устидан апелляция, кас-сация, назорат тартибида шикоят ва протест келтирилиши мумкин.

Зумрад Иноғомжорова.

ҲУКУМАТ — давлатнинг олий коллегияли ижроия органи. Ҳ. турли мамлакатларда турлича ном билан аталади: Вазирлар Кенгаши (Франция, Италия, Польша), Вазирлар Маҳкамаси (Буюк Британия, Ўзбекистон), давлат кенгаши (ХХР) ва ҳ.к. Ҳ. партия-сиз, бир партияли ва коалицион бўлиши мумкин. Ҳ. тузиш тартиби бошқарув шаклига боғлиқ бўлади. Парламент-тар мамлакатларда Ҳ.ни давлат бошлиғининг топшириғига кўра бир палатали парламентда ёки икки палатали парламентнинг қуйи палатасида кўпчилик ўринга эга бўлган партиянинг етакчиси (коалицион Ҳ.да — партиялар етакчиларидан бири) — томонидан шакллантирилади. Президентлик республикаларида Ҳ. президент томонидан шакллантирилади, бунда бир қатор мамлакатларда (Белоруссия, Қозғоғистон, Қирғизистон ва б.) президент томонидан тайинланган Ҳ. аъзоларининг ҳар бири парламент томонидан тасдиқланиши керак. Ҳ. аъзолари (вазирлар, давлат котиблари ва б.) давлат бошқарувининг муайян марказий идораларига бошчилик қиладилар. Парламентар мамлакатларда улар, одатда, парламент аъзолари бўлиши керак, президентлик республикаларида ва қоидага кўра, ярим президентлик республикаларида ҳам вазирлик лавозими ва депутатлик ман-датини бирга қўшиб олиб бориш мумкин эмаслиги қоидаси амал қилади. Парламентар давлатларда Ҳ. парламент олдида (икки палатали парламентда — қуйи палата олдида) коллегияли тарзда жавобгар бўлади. Парламентдаги кўпчилик тарқалиб кетганда (мас, ҳукумат коалицияси бўлганда) Ҳ. истеъ-фога кетиши керак ёкл парламент тарқатиб юборилиб, муддатидан илгари сайловлар ўтказиш лозим бўлади. федератив давлатларда марказий Ҳ. ва федерация таркибига кирувчи давлат ту-

зилмалари (штатлар, вилоятлар) Ҳ.и мавжуд бўлади. Ҳ.ё тўлиқ таркибда ишлаши мумкин, ёки Ҳ. бошлиғи бир мунча тор коллегия (Буюк Британия, Ҳиндистон ва б. мамлакатларда — кабинет) — тузади. Ҳ. ўз таркибидан ёрдамчи ҳукумат кўмиталари ташкил этиши мумкин. Ҳ. қарорлари сиё-сий директивалар тусида ҳам, норма-тив ҳужжатлар ёки қонун лойиҳалари кўринишида ҳам расмийлаштирилади (одатда алоҳида вазирликлар томонидан ишлаб чиқилади), кейин парла-мент тасдиғига киритилади.

Ўзбекистонда Ҳ. Вазирлар Маҳкамаси деб номланади. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига раҳбарлик қилади. Ҳ. таркиби Президент томонидан шакллантирилади (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси*).

ҲУЛБУК — Хутталон вилоятининг ўрта асрлардаги марказий шаҳри (6—16-а.лар). Юнон-Бактрия манбаларида Хулбисса, Хитой манбаларида («Тан-шу») «Ко-ло-кян» номи билан қайд этилган. Қизилсув дарёсининг сўл соҳили (Тожикистон)да жойлашган. Мир-затепа ўрнида бўлган деган тахминлар мавжуд. 10-а.да Ҳ. гавжум шаҳар бўлиб, кўплаб рустокларга эга эди. Ҳ.да Хут-талон ҳокими қароргоҳи бўлсада у Сағонийн марказидан кичик эди. шаҳардаги турар жойлар пахсадан қурилган. Жоме масжиди шаҳар ўртасида жойлашган. Ҳ.да 9—12-а.ларда қумуш дирхамлар чиқарадиган зарбхона бўлган. 16-а.да Хутталон Кўлоб деб аталган, Ҳ. ўрнида эса Қалъаи Замм жойлашган.

ИА.Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ҲУЛКАР — *Савр* юлдуз туркумида жойлашган тарқоқ юлдуз тўдаси. Оддий кўз билан 6—9 та энг ёруғ юлдузини кўриш мумкин. Тўдада тахм. 540 та юлдуз бор. Энг ёруғ юлдузи — Альциона ёки Саврнинг α си В спектрал синфга

кирувчи қайноқ юлдузлар. Равшанлиги 2,9. Бутун тўдани қоплаб олган чангли туманлик мавжуд. Ҳ.нинг диаметри 15 парсек (-49 ёруғлик йили). Барча юлдузлари фазода деярли бир томонга параллел ҳаракат қилади. 19-а. охирларидаёқ Тошкент расадхонасида Ҳ.нинг ноёб фотосуратлари олинган эди.

ҲУЛОКУ, Ҳулагу, Ҳулокухон, Ҳалокухон (1217, Мўғулистон — 1265.8.2, Мароға, Эрон) — *Ҳулоқуийлар давлати* ва сулоласи асосчиси. *Чингизхоннинг* набираси, *Тулихоннинг* 4-ўғли. Мўғулистонда туғилган. Ёшлигидан ҳарбий юришларда қатнашган. Ҳ. Улуғ қурултойнинг қарори билан Амударёдан кечиб ўтиб (1256), қисқа вақт ичида ҳоз. Афғонистоннинг бир қис-мини, Эрон, Ироқ, Закавказье, кичик Осиё ерларини босиб олган (1256—58). 1256 й. ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилган; Ҳ. номигагина улуғ коонга бўйсунган, ундан элхон унвонини олган. Ҳ. шомонийликка эътиқод қилса-да, бошқа динларни таъкиб этмаган. *Исмо-лийлар давлатини* (1256) ва Аббосийлар халифалигини (1258) бутунлай тор-мор қилган. Сўнгги халифа — Мустаъсимни қатл этган. 1260 й. мўғул кўшинлари Сурияга бостириб кирган, лекин Фаластинда бўлган жангда Миср кўшинлари (мамлуқлар) тарафидан енгилган. 1262 й. *Олтин Ўрда билан* уруш олиб борган.

ҲУЛОКУИЙЛАР, ҳалоқуийлар -Эрон ва Ироқда *Ҳулоқуийлар давлатини* бошқарган сулола. Сулоланинг энг йирик намояндалари: *Ҳулоку* (1256-65), *Абакахон* (1265-82), *Тўқудор Аҳмад* (1282 — 84), *Арғун* (1284-91), *Кайхотухон* (1291-95), *Бойдухон* (1295), *Ғозонхон* (1271 — 1304), *Ўлжойтухон* (1304-17), *Абу Саид* (1216-35).

ҲУЛОКУИЙЛАР ДАВЛАТИ, Эл хонлар давлати — Яқин ва Ўрта Шарқда *Мўғуллар давлати* таназзулга учраётган пайтда тузилган давлат (1256—1353).

Асосчиси *Чингизхоннинг* невараси *Ҳулоку*. Ҳ.д.га Эрон, Афғо-нистон ва Туркменистоннинг кўп қисми, Закавказье-нинг ярмидан кўпи, Ироқ ва Кичик Осиёнинг шарқий қисми (Қизил Ирмоқ дарёсигача) кирган. Ҳ.д. ҳукмдорлари элхон унвонига эга бўлишган. *Грузия, Трапезунд империяси, Кўния султонлиги,* Киликия арман подшолиги, Кипр киролиги, *Қуртлар давлати* Ҳ.д.нинг вассали ҳисобланган. Пойтахти дастлаб *Мароға*, сўнг *Табриз*, кейинчалик *Султония* бўлган. Ҳ.д. *Чигатой улуси, Олтин Ўрда, мамлуқлар ва салибчилар билан* уруш олиб борган. Ҳ.д. Рим папаси, Генуя, Франция ва Англия кироллари билан иттифоқ тузиб Мисрга қарши урушган, лекин мағлубиятга учраган.

Ҳ.д.да мўғул ва турк кўчманчи қабила зодагонлари ҳукмрон сиёсий куч бўлган. Дастлабки элхонлар бут-параст бўлишган. Ҳ.д.га кирган мамлакатлар иқтисоди мўғуллар тажовузи даврида бутунлай барбод бўлган.

Ҳ.д. ҳукмдорларидан *Ғозонхон* даврида мамлакат ахволини яхшилаш мақсадида маъмурий ва иқтисодий ислохотлар ўтказилган. Ғозонхон ислохотлари Ҳ.д. хўжалигини бирмунча яхшилаган, лекин мамлакатда товар и.ч.нинг камайиши, шаҳарларнинг таназзулга учраши ва жуда катта иқтоъ ерига эга бўлган зодагонларнинг солиқлардан озодлиги, мустақил хара-катлари нагужасида марказий ҳуку-мат кучсизланган. *Абу Саид* вафотидан сўнг Ҳ.д.да ягона ҳукмдор қолмаган. Турли вилоятларда алоҳида-алоҳида элхонлар ҳукмронлик қилган. Улар ўртасидаги кураш, сарбадорлар кўзго-лонлари нагужасида Ҳ.д. бир неча мус-тақил давлатлар (*Музаффарийлар, жалойирийлар* ва б.)га бўлиниб кетган. Ҳ.д.нинг ўз ўрдаси билан Гўргонда кўчиб юрган сўнгги элхони сарбадорлар ҳужумига дуч келиб ҳалок бўлган (1353 й.дек.).

ҲУМАЙНИЙ Рухулло Мусовий (1900, бошқа маълумотларга кўра 1898

ёки 1903—1989) — дин ва давлат арбоби. Эроннинг Арок ш. яқинидаги Хумайн кишлоғида рухоний оилада туғилган. Аввал Арокда, кейин Қум ш.да ўқиган, ўша ерда мадрасада дарс берган. 50-й.лар охирида *оятulloҳ* деб атала бошлаган. Эронда шох ҳокимияга қарши кураш олиб боргани учун шох жандармерияси томонидан 1963 й.да қамалган, 1964 й.да Туркияга бадарға қилинган. 1965 й.да Ирокка бориб, шиаликнинг муқаддас маркази ҳисобланган Нажафда мадрасада дарс берган. Шох ҳукуматининг талаби билан 1978 й.да Ҳ. Ирокдан ҳам бадарға қилинган. Кувайт ҳукумати унга мамлакатга келишга ижозат бермагандан кейин, Парижда жойлашган. У ердан туриб, шох ҳокимиятига қарши курашни ва Эронда бошланган инқилобий ҳаракатга йўлланма беришни давом эттирган. Шох ҳокимияти ағдарилгандан сўнг 1979 й. фев.да Эронга қайтиб келган. Эрон Ислом Республикаси ташкил этилгандан кейин Ҳ. расман давлат раҳбари (вилояти фақиҳ) деб конституцияда эътироф этилган. Диний раҳнамо сифатида у «мар-жаи тақлид» ҳисобланиб, *имом* деб юритилган.

ҲУМО — афсонавий қуш; бахт-саодат, давлат рамзи. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликларда, амалий безак санъати буюмларида Ҳ. тас-вири қад.дан кўп учрайди. Ўзбекистон Республикаси гербида ҳам Ҳ. тасвири туширилган (қ. *Семурғ*).

ҲУМОЮН (1508.6.3 - 1556.27.1) -*Бобурийлар давлати* ҳукмдори (1530— 40, 1555—56). 1530 й. Ҳ. отаси Бобурнинг Ҳиндистондаги мулкларига эга бўлган. Секин-аста Гужарот, Ражпу-тан, Малвани ўз давлатига қўшиб олган. Лекин ўсиб бораётган ички ни-золар ва укалари Мирзо *Комрон*, Мир-зо Феруз, *Аскарӣй Мирзо* ва *Ҳиндол Мирзоларнинг* мустақилликка интилишлари давлатни заифлаштирган. Бундан фойдаланган афгонларнинг сурийлар сулоласидан *Шершоҳ* Сурий Чау-

са ш. (1539) ва Қановуж ш. (1540) яқинида Ҳ. қўшинини енгиб, Дехлини эгаллаган. Ҳ. Эронга қочиб ўтган. Эроннинг ҳарбий ёрдами билан Афғо-нистонни ўз тасарруфига олган. 1541 й. укаси Ҳиндолнинг пири бўлмиш Мир Али Акбар Жомийнинг кизи Ҳамида Бонуга уйланган. 1542 й. *Акбар* туғилган. Шершоҳ ўлимидан кейин (1545) Шим. Ҳиндистонда бошланган низолар мамлакатни сиёсий жиҳатдан парчалаб ташлаган. Шароитдан фойдаланиб Ҳ. Ҳиндистонга юриш бошлаган ва 1555 й. 27 май куни Сирхиндда бўлиб ўтган шиддатли жангда афгонлар енгилганлар. Бу ғалаба Шим. Ҳиндистонда 2-марта бобурийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатили-шини таъминлаган. Ҳ. ўз кутубхонаси зинасидан тушиб кетаётганда вафот этган. Ҳ. Ҳиндистонда бир неча маъмурий ислохотлар ўтказган. Унинг даврида Мир Сайид Али бошчилигида миниатюра мактаби юзага келган. Ҳ. форс ва туркий тилларда шеърлар ёзган. Акбар томонидан Дехли ш.да Ҳ. мақбараси қурилган. *Гулбадан бегим* Бобур ва акаси Ҳ. хақида «Ҳумоюнно-ма» асарини ёзган.

Лй..Гулбадан бегим . Ҳумоюннома, Т., 1959; 1977; 1997.

ҲУМОЮН МАҚБАРАСИ - Ҳинди стондаги меъморий ёдгорлик (16-а. 2-ярми); Дехли ш.да *Ҳумоюннинг* ўғли *Акбаршо* томонидан қурилган. Мақбара мурабба тарҳли (47x47 м; умумий бал. 37,5 м), қизил қумтош ва оқ мрамрдан бунёд этилган; 2 қаватли. Пастки қавати (пойдевори, бал. 7 м)га равоқлар қатори ишланган. 2-қавати — асосий бино 3 қисмдан иборат бўлиб, бош тарзи пештоқ-равоқ-ли, марказий хона қўш гумбазли, унинг ёнидаги доира-қўшк шаклидаги хоналар тепасига гумбазли қафа-салар ишланган. Мақбаранинг ўзи атрофи девор билан ўралган *чорбоғнинг* марказида жойлашган; чорбоғ ҳудуди ариқлар билан бўлақларга бўлинган чорчамонлар, кўкаламзорлардан ташкил топган. Мақбара чорбоғ кенлиги

билан ўзаро уйгун; аниқ ва гўзал ечимини топганлиги билан диққатга сазовор. Мақбаранинг марказий гум-базли мужасамотида Ўрта Осиё ва Эрон меъморлигининг таъсири сезилади. Ҳ.м. кейинчалик бунёд этилган *Тоғмаҳал* учун намуна вазифасини ўтаган.

«**ҲУМОЮННОМА**» - *Гулбадан бег*лининг *Ҳумоюн* ҳақида форс тилида ёзган асари.

ХУНАРМАНД — 1) хунар устаси; бинокор, дурадгор ва б.; уйда ёки ўз дўкониди бирор маҳсулот и.ч. билан шу-гулланувчи уста, косиб; 2) бир ишни осон ва тез уддалай оладиган тadbиркор; ўз ишининг устаси.

ХУНАРМАНДЧИЛИК, хунармандлик — миллий-анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат куроллари ёрдамида якка тартибда ва кўл меҳнатига асосланган саноат тури; шундай маҳсулотлар тайёрланадиган касбларнинг умумий номи. Йирик саноат и.ч.и вужудга келишига қадар кенг тарқалган, айрим соҳалари кейин ҳам сақланган. Кам ривожланган мамлакатларнинг халқ хўжалигида ҳозир ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳ. инсоннинг и.ч. фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин *деҳқончилик* ва *чорвачилиққан* ажралиб чиқди, турли ижтимоий-тарихий даврлар доирасида техника ривожини билан алоқадор ҳолда такомиллашди борди, турли ихтисосликлар (кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўкувчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, кемасозлик, тунукасоzлик ва б.)га ажралди. Ҳ. қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб, мас, пахта ва пилла бор ерда тўқимачилик, сифатли хом ашё бор ерда (мас, Риштон-да) кулолчилик, жун ва тери кўп ерда тўқимачилик ва кўнчилик,

шунга қараб косибчилик, ўрмонлар кўп ерда ёғочсоzлик, маъданларга бой ерларда металл и.ч. ва темирчилик, денгиз ва дарё бўйларида кемасозлик ва б. ривож топган. Жамият тараққиёти бос-қичлари, меҳнат тақсимоти билан алоқадор ҳолда Ҳ.нинг 3 тури шаклланди: 1) уй хунармандчилиги; 2) буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган Ҳ.; 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган Ҳ. Уй хунармандчилиги капитализмга қадар бўлган даврларда Ҳ.нинг энг кўп тарқалган тури бўлди. Ҳ.нинг бу тури натурал хўжаликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шаҳарлар ривожини буюртма билан Ҳ. маҳсулотлари тайёрлаш ва бозорга Ҳ. маҳсулотлари и.ч.нинг жадал ўсиши билан узвий боғ-лик. Натижада Ҳ. маҳсулотлари товарга айланди, товар айирбошлаш учун ишлаб чиқарилди. Давр тақозосини билан Ҳ.нинг янги-янги турлари вужудга келди. Хунармандлар ҳам турли маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ихтисослашди бордилар. Шаҳарлардаги маҳаллалар хунармандларнинг касбкорига қараб шаклланди (мас, 20-а.нинг бошларида Тошкентда кўнчилар, кулоллар, эгарчилар, бешикчилар, ўқчилар, косиблар маҳаллалари бўлган). Айрим маҳалла, квартал, шаҳар, ўлкалар Ҳ.нинг маълум маҳсулотлари билан шуҳрат қозона бошладилар.

Ҳ. товар — пул муносабатларига кенгроқ ва чуқурроқ тортилганлиги сари табақалашди. Удабурон ва серҳаракат хунармандлар бойиб дастлабки капитал жамғарилиши туфайли капитал соҳибига айланди ва уларнинг устаконалари негизда кичик 3-д ва ф-калар вужудга келди, бу корхоналарда камбағаллашган хунармандлар ёлланиб ишлай бошладилар. Натижада Ҳ.нинг ривожини бозор иқтисодиётининг капиталистик шаклини юзага келтирди. Ҳ. Европа шаҳарларида *саноат* ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшди (тўқиш дастгоҳлари такомиллашди, 14-а. ўрталарида Германияда домна печларининг пайдо бўлиши *металлургияна* жиддий ўзгаришларга олиб

келди. 14—15-а.ларда ўқ отар қуроллар ишлаб чиқарила бошланди). Капиталистик и.ч. муносабатлари Ҳ.нинг кейинги тараққиётига зарба берди, Ҳ.нинг кўпгина соҳалари туш-қунликка учради. *Саноат тўнтарыши* оқибатида тез ва арзон оммавий ишлаб чиқарила бошлаган ф-ка, 3-д маҳсулотлари Ҳ. маҳсулотларини бозордан сиқиб чиқарди.

Ривожланган мамлакатларда якка буюртмалар ва қимматбахо бадиий буюмлар тайёрлайдиган Ҳ. соҳалари-гина (тикувчилик, этикдўзлик, гиламчилик, заргарлик, ўймакорлик ва б.) сақланиб қолди.

20-а. бошларида эса машиналашган и.ч. кенг йўлга қўйилиши билан Ҳ. маҳсулотларининг тур таркиби ва и.ч. ҳажми кескин камайди. 20-а. давомид ва 21-а. бошларига келиб йирик индустриал и.ч. қарор топган бўлса-да, Ҳ.нинг мавқеи сақланиб қолди. Ҳ.нинг бозорда сегменти кичик бўлганидан йирик и.ч. эгаллай олмайдиган, талаб индивидуаллашган ўз ўрни бор. Мини технологиянинг пайдо бўлиши Ҳ.да товарларни якка тартибда ва сифатли и.ч. имконини беради. Бунга миллий уст-бошлар, миллий чолғу асбоблари, майда асбоб-ускуналар, турли ёдгорлик буюмлари и.ч. ва хизмат кўрсатишни киритиш мумкин. Ҳозирги Ҳ. кичик бизнес таркибидаги якка меҳнат фаолияти ва оилавий корхоналардан иборат.

Ўзбекистон ҳудудид а неолит давридаёқ Ҳ.нинг дастлабки муҳим тармоғи ҳисобланган сопол буюмлар и.ч. ва тўқимачилик вужудга келди (Хоразм воҳасидаги *Калтаминор маданияти*, Сурхондарёдаги *Сополитена* ва б). Мил. ав. 2-а.дан бошлаб Ҳ. маҳсулотлари савдосида *Буюк ипак йўли* муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (Араб халифалигида пўлат, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда шойи, чинни, қоғоз) Европа бозорларида қадрланди. Ҳиндистонда пахтадан нафис мато, Хитойда ипак мато тўқийдиган дастгоҳлар вужудга келди,

Хитой ва Ўрта Осиёда шиша тайёрлаш технологияси такомиллаша борди.

9—10-а.ларда Ўрта Осиёда йирик Ҳ. марказлари пайдо бўлди. Ип мато, гилам (Урганч, Шош), шойи (Марв), мис ва темирдан яроғ-аслаҳа, пичоқ тайёрлаш (Фарғона), шойи матолар, шиша маҳсулотлари тайёрлаш (Бухоро) авж олди. 13-а.да мўғуллар босқини Ҳ. ривожига зарба берди. Темурийлар давлатининг вужудга келиши Ҳ. ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиёда Ҳ.нинг барча турлари 20-а.нинг 20-й.ларигача сақланди. бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг и.ч. муноса-батларида хунармандлик катта роль ўйнади (мас, 19-а.нинг 60-й.ларида Хивада Ҳ.нинг 27 тури ривож топган, шаҳардаги бозорларда хунармандларнинг 556 дўкони бўлган, 80-й.ларда шаҳарда 2528 хўжалик Ҳ. билан шуғулланган).

Ўзбекистондаги Ҳ. чуқур ихтисослашган бўлиб, ўзида хилма-хил касб-корларни бирлаштирган. Мас, тери-ни қайта ишлаш соҳасида кўнчилар, этикдўзлар, махсидўзлар, ковушчилар, эгар-жабдукчилар, телпакчилар, пўстинчилар, камарчилар; тўқимачилик соҳасида бўзчилар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва наMATчилар; металлни ишлаш соҳасида темирчилар, тақачилар, мисгарлар, чилангарлар, заргарлар каби касблар бўлган. Булар Ҳ.нинг тармок структурасини белгиланган.

Шарқдаги мусулмон устахоналарида бўлгани каби Ўзбекистонда чеварлик, каштачилик билан аёллар уйда ўти-риб шуғулланишган (қ. *Касаначилик*). Ҳ.нинг ижтимоий структурасида уста, халфа ва шогирд каби ижтимоий тои-фалар мавжуд бўлган. Ҳ.нинг ички тартиб ва қоидаларини унинг низоми сифатидаги «Рисолалар» белгилаб берган. Ҳар бир касбнинг ўз раҳнамоси, яъни пири ва «Рисоласи» бўлган, авлоддан-авлодга ўтувчи одағлари ва удумларига риоя этилган. Мас, иш бошлашдан олдин уста ўз пирини ёдга олиб ундан мадад сўраш,

шоғирдига фотиҳа бериш каби одатларга амал қилинган.

Ўзбекистон Россия мустамлакасига айлангач, Ҳ. метрополия саноатининг рақобатига дуч келиб, ўзининг илга-риги мавқеини йўқотган бўлишига қарамай, унинг кўп тармоқлари сақланиб қолди, чунки у миллий эҳтиёжни қондирадиган товарларни, чунон-чи, кийим-кечак, идиш-товоқ, турли уй-рўзғор буюмлари, майда меҳнат курунларини яратиб, уларни маҳаллий бозорга етказиб берди. Ҳ.нинг яшовчанлигини таъминлашда чет элдан келтирилган хом ашё, материаллар, кичик ускуналар муҳим роль ўйнади. Мас, АҚШдан келтирилган тери бўёғидан фойдаланиб кўнчилар амиркон деб номланган юпка чарм ишлаб чиқара бошлади. Шу муносабат билан амиркон этик, маҳси ва ковушлар пайдо бўлди. Германиядан «Зингер» фирмасининг тикув машиналари келтирилиши билан тикувчилик (чеварлик) кенг ёйилди.

20-а.нинг 20-й.ларида шўролар ҳокимияти қарор топиши билан хунармандларнинг асосий қисми дастлаб артелларга, кейинчалик, 3-д, ф-каларга, бадий буюмлар корхоналарига жалб қилинди. Уларга хом ашё, материал, асбоб-ускуналар давлат томонидан етказиб бериладиган, яратилган маҳсулотлар дўконлар ва мағлубот кооперацияси орқали сотиладиган бўлди. Истеъдодли хунармандлар ижодий ташкилотларга қабул қилинди, амалий безак санъати ривожлантирилди (мас, 30-й.ларда Тошкентда ўқув- и.ч. комбинати ташкил этилиб, ёш хунармандлар унда таълим олдидлар, 1968 й.да Бухорода қандакорлар мактаб устaxonаси, 1978 й.да Қўқонда ёғоч ўймақорлиги мактаб устaxonаси ташкил топди).

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг Ҳ. ривожиди янги давр бошланди, халқ хунармандчилиги бозор қойдалари замирида қайтадан тикланди. Ўзбекистонда *маҳаллий саноат* корхоналарининг биринчилар қатори хусусийлаштирилиши натижасида майда

давлат корхоналари хунар-мандларнинг хусусий корхоналарига айлантирилди, янги Ҳ. корхоналари очилди. Ҳ. фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади. Ҳ.нинг ташкилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оилавий корхона, якка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ривожлана борди. 1995 й. 24—25 окт. да Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва хунармандлари 1-Республика ярмаркаси ўтказилди. 1997 й.да республика халқ амалий санъати ва хунармандлари усталарининг «Усто» ижодий и.ч. бирлашмаси ташкил топди. Республика Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва бошқа тадбирлар Ўзбекистонда Ҳ.нинг тикланиши ва янада ривожланишида, унинг унутилган баъзи турларини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хунармандлар дастлаб Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар палатасига, сўнгра Савдо-саноат палатасига кирдилар. Улар махсус ташкилот — «Хунарманд» Республика уюшмасига бирлаштирилди. Ҳ. субъектлари Ўзбекистонда тадбиркорлар, хунармандлар ва фермер хўжалиklarининг хар йили ўтказиладиган «Гашаббус» республика кўрик-танло-вида иштирок этадилар. 1996—2005 й.лар мобайнида 10 нафар хунарманд халқ Ҳ.ида эришган ютуқлари учун «Гашаббус» танловининг ғолиби деб топилди.

Лд.: Гаврилов М.Ф., Росоля сартовских ремесленников, Т., 1912; Развадовский В.Н., Огшт исследования кустарных промыслов в Туркестанском крае, Т., 1916; Турсун-нов И.О., Из истории городского ремесла Северного Таджикистана, Душанбе, 1974; Кастельская З.Д., Из истории Туркестанского края (1865—1917), М., 1980; Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати, Т., 1991; Аскарлов

А., Ўзбекистон тарихи [энг қадимги даврлардан 5-а.гача] Т., 1994; Жаб-боров И., Антик маданият ва маънавият хазинаси, Т., 1999.

Ахмаджон Ўлмасов, Нуриддин Мусавев, Ойбек Остонов.

ХУНЛАР, хуннулар — қадимда Марказий Осиёда шаклланган кўчманчи халқ. Ҳ. бундан 4 минг йил муқад-дам мавжуд бўлган *дилар* таркибига кирган. Хитой манбаларида Ҳ. турли даврларда 32 хил номда (квей, куй, куйфан, куйрунг, хунйи, ху, шю-нюн, сюнну ва б.) келтирилган. Баъ-зан улар бэйди (шим. турк) деб ҳам аталган. Олимлар ўртасида Ҳ. этноними кун (қуёш) сўзидан келиб чиққан, деган фикр мавжуд. Япония олимларининг фикрича, «шюнну» — «кун» сўзининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у тангри фарзанди, кунга (қуёшга) топинган одам, халқ каби маъноларга эга бўлган. Аммо хи-тойлар шюнну атамасини ёзишда «дахшатли кул» маъносини англатадиган 2 иероглифни қўллашган. Хитой манбаларида *Хун хоқонлиги* ҳам Шюнну деб номланади. Ҳ. сялар (қад. хитойлар) нинг шим.да-ги ғарбий қўшнилари бўлиб, мил. ав. 2—1-минг йилликда ҳоз. Хэси йўла-ги, Ордос яйловларида яшаганлар. Мил. ав. 3-а. охирида Ҳ. *Модехоқон бошчилигида* дунху, юечжи, гяньгун (киргиз), усунларни тор-мор қилиб Хитойга бостириб кирганлар ва император Лю Банни ўлпон тўлашга мажбур қилганлар.

Мил. ав. 1-а.да Ҳ. орасида ўзаро низолар келиб чиққан, натижада тобе эттирилган барча қабилалар улардан ажраб чиққан ва Хухань тангрикут Хитойга номига вассал бўлиб қолган (мил. ав. 51 й.). Мил. 1-а. бошида Хи-тойнинг заифлашуви Ҳ.га мустақилликни қайтариб олиш имконини берган, аммо 48 й. саккизта хун уруғлари қайтадан Хитойга тобе бўлиб қолган; Жанубий Ҳ. улардан тарқалган. Шимолий Ҳ. 87—93 й.ларда хитойлар, сянь-билар ва динлинлар иттифоқидан мағ-лубиятга учраганлар, лекин 93 й.дан кейин ҳам уларнинг бир қисми Мўғу-

листон чўлларида кўчманчилик қилиб юришган. Шимолий Ҳ.нинг бошқа қисми Ғарбга чекиниб, маҳаллий халқлар билан чагишиб Европада *гуннлар* номини олган янги халққа асос солган. Шимолий Ҳ.нинг яна бир қисми Юебань (Яйпан) номи билан Еттисув ва Тарбағатайда ўтроқлашган. Уларнинг давлати 5-а. охирида теле қабилалари томонидан вайрон этилган. Ўрта Осиё Ҳ.ининг қолдиқлари — чуюе, чуми, чумугун ва чубанлар 6-а. да Ғарбий турк хоқонлиги туркийларига тобе бўлишган. Чуюе ва чумиларнинг тармоғи — шато қабиласининг тарихий тақдири алоҳида кечган. Мил. 3-а. бошида сафларини ўз қабиладошлари билан тўлдирган Жанубий Ҳ. 304 й. кўзғолон кўтариб Лю-хань империясига (304—318) асос солганлар; бу давлат Катта Чжао ва Кичик Чжаога пар-чаланиб кетган. Кичик Чжао 329 й. Катта Чжаони тобе этиб, бутун Шим. Хитойни ўзига бўйсундирган, бироқ ёшлигида Ҳ. хоқони томонидан ўғил қилиб олинган хитойлик Жянь Минь ҳокимиятни эгаллаб олиб, Кичик Чжао салтанатидаги барча Ҳ.ни қат-лиом этишга буйруқ берган. Фақат ордос ва Наньшань тоғ ён бағирларида (ҳоз. Ганьсу вилояти) яшаётган Ҳ. омон қолишган. Ордослик хун Хэлян Бобо Ся подшолигига асос солган (401—431), наньшанлик қабила сар-дори Мэн Сунь — Бэй Лян хонлигини тузган (397—439). Бу ҳар икки давлат табғач (тоба) халқи томонидан тугатилган. Ҳ.нинг қолдиқлари Турфонга чекиниб, у ерда 460 й.гача, яъни жужанлар томонидан тор-мор этилма-гунларигача яшаганлар.

Ҳ. европеоид ирққа мансуб бўлиб, тарихчилар орасида Ҳ.нинг тили мўғул тили гуруҳига қиради деган фикр ҳам мавжуд. Хитой манбаларидаги маълумотлар бундай фикрнинг нотўғрилигини кўрсатади. Ҳ. терига хат ёзиб китоб қилишган. Ҳ.нинг урф-одатларига кўра, бир уруғ доирасида қиз олиш ва қиз бериш қатъиян ман этилган. Узатилган қиз келин қилган уруғнинг аъзоси хисобланиши билан бирга, у меросхўрлик

хукукига ҳам эга бўлган. Шунинг учун мабодо келин бева қолса, у қайнота ва қайнона уруғи доирасидан чиқиб, бошқа уруққа келин бўла олмаган. Мерос бўлиб қолган мулкни уруғ доирасида саклаб қолиш мақсадида бундай бевалар марҳум эрнинг ака-укаларига хотин бўлиши одатга кирган. Одатда улар ўзаро ва ўзгалар билан бўлган келишувларни оғзаки битим қилишган ва берилган ваъдага хиёнат қилишмаган. Ўликни сар-қофага солиб тепаликка дафн этишган. Қасддан одам ўлдирилганга ўлим жазоси берилган, майда ўғирлик қилганларни қўлини кесишган, катта ўғирлик қилганларни ўлимга маҳкум этишган. Қамокжазоси 10 кундан орт-маган. Ҳ. *тангрчиликка* эътиқод қилганлар, *Тангрини* худо деб билганлар. Ваъдага вафо қилишмаганлар Танг-рининг қаҳрига учрайди деб билишган. Тангрининг неъматини сифатида қуёш ва ойга сажда қилганлар. Ҳ. қўшиқ айтиш ва ўйинга тушишни яхши кўришган. Чолғу асбоблари ичида най, сурнай, кубус, пипа (ги-тарага ўхшаган), чанг кабилар бўлган. Рассомчилик ва ҳайкалтарошлик санъати ҳам Ҳ.да яхши ривожланган. Нефрит, олтин, темир ва мисдан ҳайвонларнинг ҳайкалларини ҳамда турли идиш-товоклар ясаш санъати кенг ривожланган. Эгар-жабдуқ ясаш ва уларга нақш бериш санъати юксак даражада бўлган. Пўлатдан ясалган қилич ва ханжарлар Хитойга элтиб сотилган. Ҳ. ҳаётида чорвачилик билан бирга деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдогарлик муҳим ўрин эгаллайди. Ҳунармандчилик соҳасида темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кўнчилик, қулоччилик, дурадгорлик, тўқимачилик, айниқса, гилам тўқиш умумий и.ч.нинг муҳим йўналишлари бўлган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижий мамлакатларга, жумладан, Хитойга ҳам олиб кетилган.

Ад.: Гумилев Л.Н., Хунну, М., 1960; Руденко С.И., Культура хуннов и ноинулинские курганы, М.-Л., 1962.

Абдулахад Хўжаев.

ҲУН ХОҚОНЛИГИ, Улуғ хун хоқонлиги, Хунлар давлати — Марказий Мўғулистон, Байкалор-ти, Хэси йўлаги, Шим. Хитойда қадимда мавжуд бўлган давлат (мил. ав. 240 — мил. 216). Хитой манбаларида «шюнну» номи билан қайд этилган. Мил. ав. 3-а. охирида (214 й.) биринчи Хи-той империяси — Цинь (Чин) давлати хунларга ҳужум қилиб, уларга тегишли баъзи ҳудудларни босиб олган. Шундан сўнг, улар ўртасида узок муддатли уруш бошланган. Цинь империяси мудофаа девори куриб хунларнинг отлик қўшинлари ҳужумига қарши тўсиқ яратишга киришган (к. *Буюк Хитой девори*). Шунга қарамай, мил. ав. 209 й. янги ташкил этилган Ғарбий Ханьнинг дастлабки даврида хунлар илгари йўқотган ҳудудларни қайтариб олишга эришганлар. Мил. ав. 209 й. Моде Рузие давлатидаги тутқунликдан қочиб қутулиб отасидан ҳокимиятни тортиб олган. У чорак аср давомида атрофдаги барча туркий қабилаларни тобе этиб, мустақил Ҳ.х.ни ташкил этган. Мил. ав. 177—176 й.ларда хунлар ғарб томонга юриш қилиб, Шарқий Туркистон ва унинг ғарбидаги 26 давлатни, жумладан, Крурона, Усун, Хужис (Ўғуз) каби хонликларни бўйсундирган. *Қанг* (Қангкия, Кангюй) *давлати* ҳам хунлар хоқонига тобелик изҳор этиб, у билан қудалашган. Хитой билан Ҳ.х. ўртасидаги чегара Буюк Хитой деворидан ўтган. Ғарб билан Хитойни боғлаб турувчи барча савдо йўллари Ҳ.х. назоратига ўтган. Хитой ҳукмдорлари Ҳ.х. билан қуда-андачилик қилиш ва уларга ўлпон тариқасида совға-саломлар юбориб туриш эвазига ўзларини химоя қилишга мажбур бўлишган. Хунлар тобе мамлакатларда давлатни идора этиш усулини саклаб қолишган. Шу туфайли айрим олимлар Ҳ.х.ни конфедерация тузумига қиёслашади.

Ҳ.х.нинг олий ҳукмдори «Тангрикут» (Хитой манбаларида таний, шангюй, шаньюй) деб аталган бўлиб, у «Тангри фарзанди» деган маънони англатган.

Ундан кейинги ўринда сўл қўл хони ва ўнг қўл хони каби кичик хонлар лавозими жорий этилган. Ҳарбий ишлар бўйича сўл қўл қўмондон ва ўнг қўл қўмондон каби 2 бош қўмондонлик лавозимлари таъсис этилган. Ҳ.х.га тобе ўлкаларни Марказий ҳокимият томонидан қўйилган 14 та кичик хон бошқарган. Мамлакат худуди ҳар бири 10 минг оиладан иборат туманларга бўлинган. Туман бошликлари кичик хонлар назоратида бўлган. Мил. ав. 2-а.нинг 2-ярмида Ғарбий Хань империяси кучайиб, Ҳ.х.га қарши уруш бошлаган (мил. ав. 129 й.). Хитойликлар Ҳ.х.га қарам давлатлар билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилган. *Чжан Цзяннинг Даван* (Фарғона) давлатига юборилиши мазкур сиёсат билан боғлиқ бўлган. Ҳ.х.нинг ташқи сиёсати Ғарбий Хань империясининг тажовузига қарши ўзини мудофаа этишга қаратилган, ғалаба гоҳ у томон, гоҳ бу томонда бўлиб турган.

Мил. ав. 73—48 й.ларда 5 та хун ёбғуси (ҳокими) ўртасида бошланган уруш хунларни заифлаштирган. Бундан фойдаланган Хань ҳукмдори Сюанди (мил. ав. 73—48) Шим. хунлар тангрикутини Қанг давлатига чекинишга мажбур этган. Мил. ав. 38 й. Ғарбий Хань ҳукм-дори Юанди Қанг давлатига уруш эълон қилган. Қанг хони Хитой билан келишишга ва ўғлини Хитой пойтахти Чангъанга гаров тарикасида юборишга мажбур бўлган. Бироқ Хитойдаги ички сиёсий ва ижтимоий вазият кес-кинлашган, натижада Ғарбий Хань сулоласи қулаган. Шундан сўнг Ҳ.х. яна кучайган.

Мил. 25 й. Шарқий Хань империяси ташкил топган, хитойлар билан хунлар ўртасидаги кураш яна авж олган. Натижада мил. 48 й. Ҳ.х. жанубий ва шим. қисмга ажралиб кетган. Жан. хунлар хитойлар билан тил топишиб, ўзаро тинчлик муносабатлари ўрна-тишга мажбур бўлганлар. Шарқий Хань давлати бундан фойдаланиб, Шим. хунларга қарши курашни давом эттирган. 89—134 й.лардаги уруш хитойликларга ғалаба келтирган. тарим воҳасидаги асосий

шаҳарлар хунлардан тортиб олинган. Хунлар Қанг давлати худудига чекиниб, 2 а.га яқин мазкур давлат ерларида яшаганлар. 5-а.нинг бошида Иссиқкўлнинг ғарбида хунлар *Юебань* (Яйпан) давлатини ташкил этган. Бу давлат кейинчалик Или водийси ва унинг жан. даги ерларни ўз назорати остига олган.

Шим. хунларнинг бошқа қисми Ғарбга чекиниб, у ердаги маҳаллий халқлар билан аралашиб кетган ва Европада *гуннлар* номи билан машхур бўлган янги халққа асос солишган.

Абдулаҳад Хўжаев.

ҲУРЛАР (араб. — шахло кўз) — ислом анъанаси ва Куръонга кўра, тақводорлар билан биргаликда жаннатда яшайдиган қизлар. Куръон (2: 23; 3:13; 4:60)да улар жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи бўлган, одам ҳам, жин ҳам тегмаган (55:56, 74), бир-бирига тенг, бокира, гўзал кизлар деб тасвирланади.

ҲУРЛИМОН (1861 - Мўйноқ тумани Қозоқдарё овули — 1906) — қора-қалпоқ шоира-бахшиси, халқ орасида «бахши киз» лақаби билан машхур бўлган. *Бердақнит* кизи. Адабиёт ва санъатга ёшлигидан қизиққан. Отасидан кўплаб кўшиқ ва дostonлар ўрганган. Наво-ий, Маҳтумқули ва б.нинг асарларини мутолаа қилиб, уларга эргашиб, шеърлар ёзган. Ҳ. «Бозиргон», «Ошиқ Нансаб», «Давлатёрбек» каби дostonларни Хоразм воҳасида куйлаб юрган. «Бет очар», «Ёр-ёр» каби маросим кўшиқларини маҳорат билан ижро этган. Ҳ.нинг кўшиқ ва дostonлари қорақалпоқлар ва Хоразм аҳолиси орасида кенг тарқалган. Унинг ижоди Қ.Айимбетов ва Қ.Мақсетов томонидан тадқиқ қилинган.

«ҲУРЛИҚО ВА ҲАМРО» - туркий халқлар орасида кенг тарқалган ишқий-романтик дoston; муаллифи номаълум, Форс халқ эртаги «Хурлиқо» ва унинг *Сайқалий* томонидан ўзбек тилида шеърга солинган «Қиссаи Ҳам-

роҳ ва Хурлиқо» варианты асосида яратилган, деб тахмин қилинади. Достон ўзбек (1908), туркман (1971, 1978) тилларида нашр этилган. Буларда Ҳамро ва унинг акалари бошидан кечирган турли саргузаштлар ҳикоя қилинади; соф севги, дўстлик, ватанпарварлик ғоялари тараннум этилади. Достон воқеалари «Булбулигёё», «Чўлоқ бўри» каби ўзбек халқ эртакларидаги мазмунга мос келади. «Х. ва «Х.» хоз. манғитлик Турсун бахши репертуарида мавжуд.

ХУРМУЗД — *зардўштилик*т олий худо. Ўзидан эзгуликни мужассамлаштирган (к. *Ахурамазда*).

«ХУРРИЯТ» - 1917 й. 16 апрдан Самарқанд жадидлари томонидан нашр қилина бошлаган газета. Газ. адабий, иктисодий-сиёсий йўналишда бўлиб, ҳафтада 2 марта чиқиб турган. «Х.»га Ақобир Шомансуров, Мардонкул Шомухаммедов, Абдурауф Фитрат, Ҳожи Муин Шукрулло муҳаррирлик қилишган. Самарқанд жадидлари томонидан ташкил этилган «Зарафшон» ширкати кутубхонасининг асосий сармоёси шу газ.га сарф қилинган. «Х.» 1917—18-й.ларда Туркистон ўлкасидаги, жумладан Тошкент, Самарқанд ва б. шаҳарлардаги сиёсий жараёнларни ёритишда асосий манбалардан бири ҳисобланган. «Х.»да Махмудхўжа Бехбудий («Бухоро воқеалари», «Иттифоқ керак» ва б.), Абдурауф Фитрат («Орт қайғуси», «Мусулмонлар ғафлатда қолманг» ва б.), Ҳожи Муин («Шўрои Исломия ва сайлов», «Ёрдам керак»), Саидризо Ализода, Саидахмад Сиддиқий, Хўканбой Аб-дуҳолик ўғли ва б. зиёлилар ўз мақолалари билан мунтазам қатнашиб турганлар.

Газ. миллий ишлар комиссарлиги томонидан 1918 й. апр.да тўхтатилиб, унинг ўрнига «Меҳнатқашлар ўқи» номи большевиклар мафқурасига мос янги газ. нашр қилина бошлаган. Синфий қураш ва большевиклар ғояларини тарғиб

этадиган бу газ. кейинчалик (1918—21) «Меҳнатқашлар товуши», «Камбағаллар товуши» номларида чоп этилган.

«ХУРРИЯТ» — ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий йўналишдаги мустақил га-зета. 1997 й. янвдан Тошкент ш.да ҳафтада 1 марта чоп этилади. Муассиси: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Газ.нинг «Журна-лист текшируви», «Текширув», «Ҳимоя», «Хуқуқ», «Фикр», «Му-лоҳаза», «Муносабат», «Жавоб», «Тафаккур», «Маърифат» каби рукнларида энг сара ва ўқишли мақолалар бериб борилади. Ижтимоий-сиёсий мавзуларда В.Алимасов, З.Исомидинов, Х.Дўстмуҳаммад, Ў.Ҳайитов; ҳуқуқий мавзуда Ҳ.Олимжонов, А.Жонузоқов; маънавий-маърифий мавзуда О.Жўрабоев, Н.Ҳасанов, И.Убайдуллаевалар қизиқарли мақолалар билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Адади 5000 нусха (2005).

ХУРРИЯТ — Сурхондарё вилояти *Қумқўрғон тумани*аги шаҳарча (1992 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Элбаён (7 км). Туман маркази (Қумқўрғон ш.)дан 6 км. Аҳолиси 4 минг кишидан зиёд (2004). Ҳ.да умумий таълим мактаби, кутубхона, маданият уйи, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, алоқа бўли-ми, дорихона, тиббий муассасалар ва б. бор.

ХУРУФИЙЛАР - 14-15 -а.ларда Эронда вужудга келган ислом таълимотидан йироқлашиб кетган шиа фирқаларидан бирининг тарафдорлари. Фирқага Фазлуллоҳ Астрободий (тахм. 1340—тахм. 1401) асос солган. 1386—87 й.ларда у ўз таълимотини тарғиб қилиб чиққан. У араб ҳарфлари сирли мазмунга эга деган таълимотни илгари сургани учун алхуруфий (луғавий маъноси «ҳарфчи») тахаллусини олган, фирқанинг номи шундан келиб чиққан. Тарихий маълумотлар бўйича, уни Амир Темур Ширвонга бадарға қилган, шу сабабли

Ҳ.Темур ва унинг хонадонидан бўлган хукмдорларга нафрат билан қараган. Темурнинг Эрон ва Озарбайжон ерларида хукмрон бўлган ўгли Мироншоҳни улар даж-жол деб таърифлаган. Ҳ. тез вақт ичида Эрон, Озарбайжон, Туркия ва Сурияда тарқалган. Ҳ. олам абадий, инсонда худонинг қиёфаси акс этган, олам тараққиётининг ҳар бир босқичида худо қиёфаси инсонда мужассамланиб намоён бўлади, ана шунда инсоннинг ўзи худо бўлади, охирги пайғамбар — Мухаммад, авлиёларнинг биринчиси Али, ўн биринчи имом Ҳасан ал-Ас-қарий эса имомларнинг охиргиси, Фазлуллоҳ Астрободий — худо мужас-самлашган биринчи инсон, деган таълимотни илгари суради. Тез орада ерга *Маҳдий* келиб, илоҳий адолат ўрнатади, барчани тенг қилади, инсоннинг инсонга зулм қилиши тугайди, деб кутади. Улар мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли кураш тарафдори бўлган, 1426—27 й.ларда Ҳиротда темурийлардан бўлган хукмдор Шохрухга қарши суиқасд уюштириб, уни ярадор қилди, лекин у тирик қолди. Қўлга олинган Ҳ. маҳфий ташкилотининг аъзолари беаёв жазоланди ва жасадлари оловда ёндирилди. Ҳ. қаттиқ таъқиб остига олинди ва кейинчалик Эронда тугаб кетди.

ҲУСАЙН АЛИ (18-а.нинг 2-ярми -19-а. бошлари) — тарихчи олим. *Дурронийлардан* Темуршоҳ (1777—93), Замоншоҳ (1793—1801), Маҳмуд (1801-03, 1809—18) даврларида яшаб, ижод этган. Замоншоҳнинг акаси шаҳзода Ҳумоюн ҳузурида хизмат қилган. Ҳ.А.нинг «Зеби тарихҳо» («Тарихлар безағи») асари (1803) *Дурронийлар давлатиши* сиёсий тарихига оид. Асарда Афғонистондаги тарқоқлик, ички низолар, Балх ҳокимлари Қубод ўзбек ва Худона-зархон ўзбек бошчилигида дурронийларга қарши кўтарилган кўзғолонлар ва б. бағафсил ёритилган. Асар шарқшунос Г.А.Волошина томонидан рус тилига таржима қилиниб, Тошкентда нашр этилган (1965). Асар қўлёзмаси

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида (Инв. №1626) сақланади.

ҲУСАЙН БИРЖОНИЙ - қ. *Биржоний*.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО, Ҳусайний (тўлиқ номи Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро) (1438—Ҳирот — 1506) — *Хуросон* хукмдори (1469—1506), шоир. 15-а. ўзбек мумтоз адабиётининг намояндаларидан. Темурийлардан Умаршайх мирзонинг эвараси. Онаси Ферузабегим темурийлардан Мироншоҳнинг набираси. Ҳ.Б., Бобур таърифлаганидек, икки томонлама улуғ («қарим ут-тарафайн») бўлган.

14 ёшда *Абулқосим Бобур* саройига хизматга кирган. 1454 й. Абулқосим Бобурнинг Самарқандга — *Абу Саид Мирзога* қарши юришида қатнашган. Абулқосим Бобур энгилгач, сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтган. Ҳ.Б. эса онасининг тавсияси билан Абу Саид Мирзо саройида қолган. Кўп ўтмай, қамоққа олинган. Ферузабегим уни қутқариб, Ҳиротга олиб келган. Шоҳ вафот этгач, Ҳ.Б. Марв хукмдори Султон Сан-жар хизматида кирган ва унинг кизи

Бека Султонбегимга уйланган. Султон Санжар Ҳ.Б.ни ўз ўрнига қўйиб, Машҳадга юриш қилган. Бу орада Марвда Ҳ.Б.га қарши фитна уюштирилиб, у овга чикқанда, шаҳар дарвозалари бер-китиб олинган. Ҳ.Б. 1457 й. кишни Марв билан Хива оралиғидаги биёбонда ўтказган. 1458 й.да 300 кишилиқ қўшин билан Султон Санжарнинг яқинларидан Бобо Ҳасан қўшинини энгиб, Нисо вилояти, сўнг Астрободни эгаллаган. 1459 й.да Ҳ.Б. хузурига Абду-раззоқ Самарқандий элчи бўлиб келган. 1460 й.да вазият тақозоси билан Ҳ.Б. Астрободни ташлаб чиқишга мажбур бўлган. Аммо 1461 й. шаҳарни қайта-риб олган. Шу йил ёз охирларида Ҳиротга юриш қилган. Бирок Абу Саид Мирзога бас келолмай, орқага чекинган, бунинг устига, Астрободдан ҳам маҳрум бўлган. Амударё орқали Хо-

размга ўтиб, Вазир ш.га — Мус-тафохон хузурига элчи юбориб, Абу Саидга қарши биргаликда курашишга даъват этган. Лекин элчи келгунча, унинг оғаси Пир Будог билан келишиб, Мустафохонга қарши юриш қилишган, лекин Вазир ш.ни ололмай, битим тузганлар. Ҳ.Б. Адоққа бориб, 1461 й. охирларигача ўша ерда қолган. Адоқда туриб, Астробод, Гургон ва Эроннинг бошқа туманларига хужумлар уюштирган, мағлубиятга учраганида, шу ердан паноҳ топган. Мустафо зул-мига қарши кўтарилган исёндан фойдаланиб, аввал Вазирни, 1462 й.да Урганч ва Хивани қўлга киритган. Орадан 1 йил ўтмай, Абу Саид уни хоразмдан суриб чиқарган. 1463—64 й.ларда Урганч, Хива, Ҳазорасп, Тир-сакни қўлга киритган. Шу ерда куч тўплаб, яна Хуросонга хужум қилган. Аммо Абу Саид кўшинлари Хивани эгаллайди. Ҳ.Б. уни қайтариб олади. 1467 й.да яна Урганчни эгаллайди. Шу йили у ўзбеклар хони Абулхайрондан ёрдам сўраб, Дашти Қипчоққа боради. Хон ёрдам ваъда қилади, лекин бетоб бўлиб қолганлиги туфайли, бу ваъда амалга ошмайди. 1469 й. мартигача Хоразм ва Бухоро ўртасида сарсон-саргардон юрган Ҳ.Б., Абу Саид вафот этгач, Ҳиротни эгаллаб, Самарқанддан дўсти *Алишер Навоий*ни махсус ёрлик билан чақириб олади ва муҳрдорлик вазифасига тайинлайди. Навоий дўстини тахтга чиқиши билан қутлаб, унга «Ҳилолия» касидасини тақдим этган.

1469—70 й.лар Шохрух мирзонинг авлодларидан Ёдгор Муҳаммад Мирзо ва Абу Саид Мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд Мирзо тахт даъвогарлари сифатида майдонга чиқадилар. Ёдгор Мирзонинг тарафдорлари, хусусан, онаси Поянда Султонбегим Ҳирот ичкарасида зимдан иш олиб борган. 1470 й.нинг июлида Ҳ.Б. кўшин билан душманга қарши жангга кетганда, пойтахтда соткин бек ва амалдорлар Ёдгор Мирзо номига хутба ўқитганлар. Ҳ.Б. 1 ойдан сўнг Навоийнинг тад-биркорлиги билан Ёдгор Мирзони қўлга олиб, тахтни қайта эгаллаган

ва ум-рининг охиригача ҳукмдорлик қилган. Салтанатига Хоразм, Сейистон, Қан-дахор, Балх, Ғазнадан Домғонгача бўлган ерлар кирган. Юрак хасталигидан вафот этган Ҳ.Б. ўзи қурдирган мадраса ичидаги мақбарага дафн этилган. Ҳозир мақбара вайрон бўлган, қабр ва унинг устига ўрна-тилган «Санги ҳафт қалам» сақланиб қолган.

Ҳ.Б. теурийлар орасида анча шижоатли ва маърифатли, шариатга қатъий амал қилган ҳукмдор бўлган. Ҳ.Б. Хуросонда ҳокимиятни эгаллагач, асосий эътиборни мамлакатда тинчлик, осойишталикни қарор топ-тириш, ички ҳудудий низолар, зид-диятларни бартараф этиш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратган. У ўлкада маданий-маърифий ва ободончилик ишларини ривожлантиришга алоҳида рағбат кўрсатган: иктисодий ҳаёт юксалиб, савдо-сотик ривожланган, юзлаб қарвонса-ройлар, работ, кўприк, мактаб, мад-раса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, табобатхона, етимхона, сув ҳавзалари қурилган, каналлар қазилган, боғлар барпо этилган.

Ҳ.Б. даврида Ҳирот Шарқнинг фан, маданият, хунармандчилик ривожланган йирик марказига айланган: турли мамлакатлардан истеъдод соҳиблари Ҳиротга паноҳ ахтариб келганлар. Тил, адабиёт, тарих, тасвирий санъат, хаттотлик, китобат санъ-ати, табобат, ҳандаса, мусиқа, қоғоз тайёрлаш, томоша санъати ва б. соҳалар ривожланган. Ҳирот, Машҳад, Марв, Нишопур сингари шаҳарларда кўплаб ноёб обидалар барпо этилган. Маҳаллий хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар Хуросондан ташқарида ҳам машхур бўлган. Ҳ.Б., Навоий ва Жомий кўплаб истеъдодларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар; ўз даврининг забардаст шоир, олим, муаррих, мусиқачи, хаттот, наққошлари худди шу замонда етишиб чиққанлар ва фаол ижод қилганлар.

Ҳ.Б. туркий тилда ёзишни рағбатлантирган ва шунга даъват қилган. Ўзи ҳам бадийий ижод билан шуғулланиб,

«Хусайний» тахаллуси билан шеърлар ёзган, шеърят мажлислари ташкил этиб, шоирларга раҳнамолик қилган. Ундан бизгача шеърлар девони ва навоийга бағишланган «Рисола» асари етиб келган. «Рисола» асари 1945 й.да турк олими Исмоил Ҳикмат томонидан топилиб, илмий муомалага кири-тилган. Шоҳ шоирнинг хозиргача 202 ғазал, Навоий газалига боғланган 3 мухаммас, 6 рубоий, шунингдек, форс-тожикча 2 ғазал. 1 рубоий ва бир неча байтлари маълум. Ғазалларининг барчаси рамал баҳрида. Лекин улар Ҳ.Б.нинг таби баланд, диди нозик шоир бўлганлигини кўрсатади. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 8-мажлисини тўлиқ Ҳ.Б. ижодига бағишлаб, унинг девонидаги 164 ғазалнинг матлабини келтиради ва у қўллаган бадий тимсоллар, шеърӣ санъатлар, нозик маъно ва оҳорли ташбеҳлар хусусида фикр юритади. Ҳ.Б. ғазаллари тилининг мусиқийлиги ва жанрдорлиги билан ажралиб туради.

Ҳ.Б.дан 14 ўғил, 11 қиз қолган. баддиузмон Мирзо, Шоҳғариб Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн, Иброҳим Ҳусайн каби ўғиллари баддий ижод билан ҳам шуғулланишган. Кейинчалик ўзоро

ички урушлар, Ҳ.Б. ва сарой амалдорларининг маишатга берилиб кетиши оқибатида Хуросон давлати заифлашган. Унинг вафотидан сўнг Ҳирот шайбонийлар томонидан забт этилган (1507).

Ас..Девон [Рисола], Т., 1968; Ҳусайн Бой-қаро [Рисола], Т., 1991; Жамолиндин кўзум равшан [Шеърлар], Т., 1991; Девон, Т., 1995.

Ад. Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис [Мукамал асарлар тўплами], 13-ж., Т., 1998; Заҳириддин Муҳаммад бобур, Бобурнома, Т., 1989; Ўзбек адабиёти тарихи, 2-ж., Т., 1977; Аҳмедов Б., тарих сабоқлари, Т., 1994; Буюк сиймолар, алломалар, 2-китоб, Т., 1996; Ҳомидий Ҳ., Кўхна Шарқ дарғалари, Т., 1999.

Беғали Қосимов

номи Ҳусайн Расизода) (1884.24.10, Нахичеван — 1944) — озарбайжон шоири, драматург. Озарбайжон ро-мантизмининг йирик вакили ва асос-чиларидан бири. Истанбул ун-тида ўқиган (1905—09). «Ўтган кунлар» (1913), «Баҳор шабнамлари» (1917) шеърӣ тўпламлари ва «Шайдо» драмаси (1917)да халқнинг адолатсизлик, зулмга қарши исёни акс этган. «Она» (1910), «Марал» (1912), «Шайх Санъон» (1912—14) драмаларида ва «Иблис» трагедияси (1918)да гуманизм ва инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган. «Пайғамбар» (1922), «Тўпол Темур» (1926), «Князь» (1929), «Сиёвуш» (1933), «Хайём» (1936), «Иблиснинг интиқоми» (1936) каби тарихий ва фалсафӣ драмалар ёзган. «Марал», «Иблис», «Шайх Санъон», «Тўпол Темур» 20-й.ларда *Хуриш* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. «Шайх Санъ-он» драмаси Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма. театрида сахналаштирилган.

ҲУСАЙН ибн Али (626-680) - Али ибн Абу Толибнинг (Фотимадан туғилган) кичик ўғли, Муҳаммад (сав) нинг набираси, 3-шиа имоми. 669 й.да Ҳасан вафот этгандан кейин Али тарафдорлари уни ўз раҳбари деб эълон қилган. 680 й. халифа Муовия ўлгандан кейин Ироқда умавийларга қарши ҳаракат фаоллашган. Ҳ. Язидга байъат қилишдан бош тортган. Куфа шиалари Ҳ.ни ўзларининг имоми деб тан олиб, Куфага таклиф этган ва халифа Язидга қарши кўзғолонга бош бўлишни сўраган. Ҳ.Маккадан Куфага жўнайди. 70 жангчиси билан Куфага яқин Карбало даштига етиб келганида 4 минг кишилик халифа Язид кўшинлари унга қарши чиққан. 680 й. 10 окт. куни Ҳ. жангда шаҳид бўлган, жасади ўша ерга дафн этилган. Шу муносабат билан Карбало шиаларнинг асосий муқаддас зиёратгоҳига айланган. Ҳ. ҳалок бўлган сана шиаларда мотам куни сифатида нишонланади (қ. *Ашуро*).

ҲУСАЙН ЖОВИД (тахаллуси; асл

ҲУСАЙН ибн МУСАЛЛАБ, Амир

Ҳусайн (?— 1370) — Амир *Каза*-/окнинг набираси. Балх, Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятлари ҳукмдо-ри. Аждоллари ҳукмронлик қилган Мовароуннаҳр тахтига даъвогарлик қилган. Аввалига *Амир Темур билан* ит-тифоктузган ва синглиси Ўлжой туркон оғони Соҳибкиронга никохлаб берган. Ҳ. ибн М. ва Амир Темур 1363—64 й. *Илӛсхожа* бошлиқ Жете лашкарини Қамаши туманидаги Тош-кўрғон кишлоғи яқинида бўлган жангда мағлуб этади. Аммо 1365 й. Тошкент ва Чиноз оралиғида Жете лашкари билан бўлган *Жанид* лойдаги муваффақиятсизликдан сўнг Ҳ. ибн М. ва Соҳибкирон ўртасида муносабат бузилади. 1370 й.га қадар Амир темурнинг Мовароуннаҳрни марказлаштирилган давлатга айлантириш йўлидаги саъй ҳаракатларида асосий тўсиқ бўлган. 1370 й. Балх ш. бўсағасида бўлган жангда Соҳибкирон Ҳ. ибн М.нинг қўшинини тор-мор этади ва уни асирга олиб қатл этади. Ҳ. ибн М.Балх ш.нинг шарқий томонидаги Хожа Уккоша қабристонига дафн қилинган.

Ад.: Низомиддин Шомий. Зафаргюма, Т., 1996; Шарафуддин Али Яз-дий, Зафарнома, Т., 1997.

ҲУСАЙН КОШИФИЙ - қ. *Кошифий*.

ҲУСАЙН САРАХСИЙ (16-17-а.лар) — тарихчи, мутасаввиф. *Жўйбор хожаларининг* муриди бўлган. Ҳ.С.нинг форсча «Манокиби Саъдия» («Хожа Муҳаммад Саъднинг манокиблари») асари Жўйбор хожаларига бағишланган бўлиб, 7 бобдан иборат. Унда муҳаммад *Шайбонийхон* вафотидан сўнг Мовароуннаҳрдаги ички вазият, қизилбошлилар хуружи, шайбоний хонлари *Убайдуллоҳон*, *Абдуллоҳон* [*билан* вилоят ҳокимлари ўртасидаги муносабатлар, *Хожа Муҳаммад Исломининг* салтанатдаги мавқеи кенг акс этган. Асар шарқшунос Ҳ.Тўраев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Манокиби Саъдия. Бухоро, 1997.

Ад.: Аҳмедов Б., Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. Т., 2003.

ҲУСАЙН ТОҲА (1889.14.11, Юқори Миср, Магага ш. яқинидаги Килу кишлоғи — 1973.28.10, Қоҳира) — араб ёзувчиси, адабиётшунос ва тарихчи (Миср), проф. (1919). Қоҳирадаги Араб тили академияси президенти (1965 й.дан). «Вафд» партияси аъзоси (1932). Искандария ун-ти ректори (1943-46), Маориф вазири (1950—52), 1956 й.дан Миср Ёзувчилари иттифоқи раиси. Тўрт ёшида кўр бўлиб қолган. Араб шоири ва файласуфи Абул-аъло ал-Мааррий ижоди бўйича илмий тад-қиқотлар олиб борган. «Қунлар» (1—2-китоб, 1929—39; 3-китоб, 1972), «Қақлик нидоси» (1934), «Адиб» (1935), «Бахтсизлик дарахти» (1944), «Ер зах-маткашлари» (1948) ва б. асарлар муал-лифи. Ҳ.Т.нинг адабиётшуносликка оид «Шеърят ва наср ҳақида суҳбатлар» (1936), «Ҳозирги замон адабиётимиздан» (1958) каби асарлари ҳам бор. «Мемуарлар»и 1967 й. нашр этилган. Миср Давлат мукофоти (1959) ва «Ни-луфар» жур. мукофоти (1971) лауреати.

ЛЛ: Халидов А.Б., Художественная проза Таха Хусейна, Л., 1954; Коцарев Н. К., Писатели Египта. XX век, М., 1975.

ҲУСАЙНИ — халқ селекциясида етиштирилган ўртапишар хўраки узум нави. Вагани Ўрта Осиё. Шарқий эко-логик-географик навлар гуруҳига киради. Ўзбекистон, Тожикистон, Турк-манистон, Россиянинг Ставрополь ўлкаси ва б. жойларда тарқалган. Ғу-жумларининг шаклига қараб бир неча хилларга бўлинад. Мўрчамийён Ҳ., келинбармоқ Ҳ., қизил Ҳ., лўнда Ҳ. (каду Ҳ.) хиллари, айниқса кўп тарқалган. Тупи кучли ўсади. Барги ўрта-ча, тўгарак, 3—5 бўлмали. ўртча кер-тикли, усти силлиқ, майин. Гули икки жинсли. Узуми авг-сент.да пишади. Узум боши йирик, конуссимон, сершингил, ҳавол, оғирлиги ўртча 300 — 350 г (айримлари 1 кг гача). Ғужуми ўртча ва

йирик, тухумсимон ёки пилиндрсимон, пўсти юпка, сарғиш-яшил, карсиллайди, сершира. Таркибида 18 — 20% қанд бор, нордонлиги 2—3%. Ўсув даври 153 кун. Ҳосилдорлиги 170—180 ц/га. Совуққа ва қурғоқчиликка чидамсизроқ. Янгилигида ейилади, майиз солинади. Саклашга, узоқ жойларга юборишга чидамли. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида р-нлаштирилган.

ХУСАЙНИЙ, Атоуллоҳ (тўлик исми Амир Бурхониддин Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний Нишопурий) (тахм. 15-а.нинг 40-й.лари, Нишопур — 1513, Машҳад) — форс адабиётшуноси, шоир. Ҳ. Шарқ шеърятини маса-лалари билан шуғулланиб, «адабиёт билим-до-ни» сифатида танилган, муаммо санъатида ўз даврининг яғонасига айланган. Ҳиротнинг машҳур Ихлосия, Султония ва б. мадрасаларида дарс берган. Илми бадеъ бўйича кенг ва чуқур билимга эгаллиги туфайли Алишер Навоий эътирофига сазовор бўлган. Навоий унга давлат ҳисобидан маош ажратган; ўз хузурига чорлаб, адабиётшунослик масалалари бўйича суҳбатлар қурган, бадиий санъатларга доир асар ёзишга даъват қилган. «Бадойиъ уссанойиъ» («Бадиий санъаглар») асари ана шу даъватлар натижасида вужудга келган (1493) ва Алишер Навоийга бағишланган. Шунингдек, унинг «Рисолаи қофия» («Қофия ҳақида рисола») асари ҳам мавжуд. Бу асарларда ўзигача ўтган адабиётшуносларнинг фикрларини умумлаштирган ва ривожлантирган. «Ато», «Атоий», «Атоуллоҳ» тахаллуслари билан шеърлар ёзган.

Навоийнинг ҳам, бошқа замона фозилларининг ҳам эътирофу олқи-шига сазовор бўлган «Бадойиъ усса-нойиъ» асари билан Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси ривожига улкан ҳисса қўшган. Бу асар дебеча, муқаддима, 3 санъат тури ва хотимадан иборат: дебеча китобнинг ёзилиш сабаби, муқаддима аруз вазни ва зихофлари хусусида бўлиб, 1-бобда 60 та лафзий санъат, 2-бобда 63 та маънавий

санъат, 3-бобда 23 та лафзий маънавий санъат тўғрисида маълумот берилган. Хотима 2 қисмдан иборат: биринчисида шеърнинг маъно билан боғлиқ иллатлари ҳақида фикр юритилиб, 2-бобда 15 та атамага изоҳ берилган. Ҳ. санъатларни лафзий. маънавий ва лафзий маънавийга ажратадики, бу олдинги адабиётшунослар китобларида учрамайди.

Бадиий санъатларга мисол қилиб 50 га яқин шоир ижодидан намуналар берилган, ўз ижодидан эса тахм. 700 байт шеър келтирилган. Ҳ. китобида 147 та санъат берилган ва шундан 32 тасини олимнинг ўзи кашф этган. У турли муносабат билан асарда Навоий номини тез-тез тилга олган, унга атаб ёзган шеърларини илова қилган.

«Бадойиъ уссанойиъ»ни ўзбек тилига Алибек Рустамов аслиятига мос ҳолда мукамал таржима қилиб, шарҳу изоҳлар билан нашр эттирган.

Ас: Бадойиъ уссанойиъ, Т., 1981.

ЛЛ.Алишер Навоий, Мажолис уйнафоис [Мукамал асарлар тўплами] 13-ж., Т., 1998; Хондамир, Мақорим ул-ахлоқ, Т., 1967; Зай ни ддин Восифий, Бадоеъ ул-вақоеъ, Т. 1979; Олимов С, Навоийнинг шеършунос шогирди, Т., 1990; Ҳай -итметов А., Адабий меросимизуфклари, Т., 1997; Ҳомидий Ҳ., Кўхна Шарқ дар-ғалари, Т., 1999.

Эрғаш Очилов.

ХУСАЙНИЙ — Ўн икки мақом тизимидаги мақом. Унинг таркибида Ҳусайний Ажам номли мураккабот ҳам бўлган. Шашмақомда Наво мақомининг Мушқилот бўлимида Муҳаммаси Ҳусайний, Наво ва Дугоҳ мақомларининг Наср шўъбаларида Ҳусайний Наво ва Ҳусайний Дугоҳ, Фарғона—Тошкент мақом йўлларида Дугоҳи Ҳусайний 7 қисмли туркуми мавжуд. Уларнинг куй мавзулари бир хил бўлиб, муайян мақом пардаларига мослаштирилган. Шунингдек, Дугоҳи Ҳ. асосида авж ва намудлар таркиби деярли ўзгармаган 3 қисмдан иборат сур-най йўллари яратилган.

ХУСАЙНХОН НИЁЗИЙ (тахал-луси; асл фамилияси Ниёзов) (1895, Анди-жон — 1947.29.4, Магадан) — ўқитув-чи, рационализатор, шоир. Эски мактаб ва мадрасада таҳсил олган (1905—17). Физикага кизиқиб, сирка, мис ва рух пластинкаларидан гальваник бата-реялар ясаб, электр қўнғироклари ва чироқларини ишга солган. Гальваник элементлар тузиш ва мушаклар ясаб, олов билан ўйнаш ҳаваси унинг амалий кимё билан ҳам шуғулланишига сабабчи бўлган. 1916 й.дан Андижондаги мактаблар ва қисқа муддатли таълим-тарбия курсларида физика ва табиёт фанларидан дарс берган (1917—23). 1923 й. охирида Тошкентга кўчиб келиб, Марказий табиёт лаб.нинг физика кабинети раҳбари (1924—35), музофот пед. техникуми (1925 — 26), ўлка хотин-қизлар билим юрти (1926—30), Наримонов номидаги таълим ва тарбия техникуми (1928) ҳамда саноат педагогика техникумида (1930—32) физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Тошкент хотин-қизлар пед. технику-ми, кечки таълим-тарбия ин-ти ва Покровский номидаги кечки ишчилар ф-тининг асос гуруҳларида физика ва кимё фанларидан дарс берган (1932—36). «Ҳикмат ва кимё дарсли-ги» (1922), «Кимё дарслиги» (1926), «Физикадан бошланғич мусохабалар» (1927), «Кимё» (1929), «Физика тер-минлари» (1931) дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи («Тупроқ ва ўғит», «Физика луғати» китоблари қўлёзма ҳолида бўлиб, эълон қилинмай қолган).

Ҳ.Н. ўзбек мумтоз шоирларига эргашиб, ғазаллар ёзган. Унинг эрксе-варлик ва ватанпарварлик руҳидаги ашуласи Андижондаги «миллий итти-ходчилар»нинг мадҳияси бўлган.

Ҳ.Н. 1919 й.да Андижонда тузилган «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлиб кирган, кейин эса ташкилотга раҳбар бўлиб қолган. Ташкилот 1922 й.да тор-мор этилгач, Ҳ.Н. ташкилот-нинг бошқа фаоллари билан бирга 1923

й.да қамокқа олинган ва совет давлатига қарши амалий ҳаракат олиб бормаганли-ги сабабли 10 ойдан кейин озод этилган. Аммо Ҳ.Н. 1938 й. 8 авг. да ўша «айблар»и учун яна қамокқа олиниб, олий жа-зога ҳукм қилинган. Маҳбуснинг ўлим камерасидан афв сўраб ёзган ари-засига 1942 й. 31 янв.да рад жавоби берилган. Бироқ, кейинчалик маҳбус жазо муддати-ни ўташ учун Магадандаги лагерлардан бирига юборилган ва ўша ерда вафот эт-ган.

Ад.: Хусайнхон Ниёзий — халқ про-фессори, Т., 2001; Шамсутд и нов Р., Истик-лол йўлида шаҳид кетганлар, Т., 2001.

Наим Каримов.

ХУСАМ ОТА МАЖМУАСИ - Каш-қадарёдаги меъморий ёдгорлик (11 — 19-а.лар); Косон туманидаги Пудина қишлоғида. Мажмуа мақбара, масжид, зиёратхона, таҳоратхона, 3 дарвозахона, катта-кичик бир неча мақбарадан иборат (умумий тарҳи 60х60 м). Маж-муа мар-казида Хусам ота мақбараси (11 —12-а. лар, бир неча марта қайта тикланган), зиёратхона (6,5х6,5 м) ва 2 кичик дахма (бу дахмаларда Хусам отанинг ўғиллари дафн этилган), унинг шим. томонида 9 гумбазли мас-жид жойлашган (16—17-а. лар, 20-а. бошида таъмирланган). Мас-жид ёнидаги тор йўлак орқали маж-муанинг энг кад. биноси — Исҳоқ ота мақбараси (5,5х6 м)га ўтилади (11-а.); мақбара пештоқ-гумбаз-ли, бурчакла-рига гулдасталар ишланган. Исҳоқ ота мақ-барасининг бир томонида 1 хонали дахма (ривоятларга кўра Исҳоқ отанинг кизи дафн этилган, 12-а.), бошқа томо-нида Мансур Муҳаммад деган кимса-нинг 2 хонали мақбараси жойлашган. Ҳовли ўртасида ҳовуз бўлиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Иккала гуруҳ бинолар асиммет-рик бўлиб ягона кўп гумбазли, тор ҳовлили мужассамотни ташкил қилган. 19—20-а. бошларида кад. пойдевор устига устунли айвон, гум-базли масжид қурилган.

ХУСАНОВ Зиямат Усмонович (1921. 9.5, Чимкент вилояти, Сайрам — 1986. 18.1) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, сержант. 1942 й.дан фронт-да. 228-гвардиячи ўқчи полки (Жан.-Ғарбий фронт 57-армиянинг 78-гвардиячи ўқчи дивизияси)нинг пу-лемёт расчёти командири. 1943 й. июлда Белгород вилоятининг Даль-ние Пески аҳоли пунктида бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қаҳ-рамон унвони берилган (1944.22.2). Сайрам кишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Белгород ш. нинг фахрий фуқароси.

ХУСАНОВ Маманазар (1943.20.12, Хатирчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1992). бухоро пед. институтини тугатган (1969). 1963 й.дан Хатирчи туманидаги 9-мак-табда бошланғич синф ўқитувчиси.

ХУСАНОВ Шерзод Алимович (1980. 27.1, Фарғона ш.) — боксчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2001), «Ўзбекистон ифтихори» (2002). Ҳ. 69 кг вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони (2000, 2001, 2005), Осиё чемпионатининг кумуш, (2004, Пуэрто-Принсеса) ва бронза (2002, Серембан), Осиё ўйинларининг бронза (2002, Пусан), жаҳон чемпионатининг кумуш (2003, Банг-кок) ва бронза (2001, Белфаст) медаллари совриндори. Ҳ. Фарғона ун-тини тугатган (2005). 2000 й.дан Марказий ҳарбий спорт клубида бокс бўйича йўриқчи.

ХУСНБУЗАР — ёғ безлари фаолиятининг бузилиши натижасида терига турли хил тошмалар тошиши. Бир неча хил Ҳ. бор. Оддий Ҳ. (йигит гули) кўпинча йигит-қизлар балоғатга етиш даврида юз, кўкрак ва энса терисида пайдо бўлади. Бу даврда ёғ безлари зўр бериб ишлайди. Юз, кўкрак ва елкаларда ёғли себорея аломатлари кузатилиб, тери ялтираб туради, ундаги майда тешиklar кенгай-

иб, кўзга ташланадиган бўлиб қолади, баъзи ерларда тери апельсин пўстига ўхшаб кўринади. Шу тешиklarга ва соч халтачаларига ёғ йиғилиб қолиши натижасида қора нуқталар пайдо бўлади, улар ситилса, йиғилиб қолган ёғ чувалчангга ўхшаб буралиб чиқади. Агар шу ёғга йиринг пайдо қилувчи микроблар тушса, яллиғланиш жараёни ривожланади. Тери қиза-риб шишади ва сизлоғич пайдо бўлиб, катталашади, оғрийди, ўртасидан соч чиқиб туради, мадда бойлайди, кейинчалик у ёрилиб, ичидан йиринг чиқади. Бора-бора ўрнида қорамтир доғ колдириб, йўқолиб кетади.

Баъзан терининг чуқур қаватида ёғ йиғилиб, шиш пайдо бўлади ва йиринг бойлайди, кейинчалик пишиб ёрилади, охири чандиқ ҳосил қилиб, битиб кетади. Эркаларда кўпинча йиғилган Ҳ. учрайди ва узок вақт туради, яллиғланиш аломатлари унча кучли бўлмайди. У бир ерда битиб, бошка ердан чиқаверади; 30—35 ёшда анча камаяди.

Ёғ безидан кўплаб ажралиб чиқаётган ёғ тери юзасига чиқиб кетолмай, безнинг бирон ерида йиғилиб қолади. Шу без яқинидаги тери мугуз қаватининг хужайралари ҳам қўшилиб, ёғ беzi йўлини бутунлай беркитиб қўяди ва мошдек, баъзан эса ундан каттароқ оқ тугунча ҳосил қилади, бу оқ Ҳ. деб аталади.

Оқ Ҳ., одагда, яллиғланмайди, кишига азоб бермайди, фақат юз хус-нини бузади; у кўпинча пешанада уч-райди. Нефть махсулотлари ва ёнилғилар билан ишловчи ишчилар тирсаги-да, баъзан терининг бошка очиқ жо-йида ёғ безларининг коваклари очиладиган тешиklarга нефть, ёнилғи, кўмир чанглари йиғилиб, ёғ безлари йўлини бекитиб қўяди ва Ҳ. пайдо қилади. Бу касбга алоқадор Ҳ.дир.

Нерв системаси, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, сил, меъда-ичак касалликлари туфайли ҳам Ҳ. тошиши мумкин.

Одагда Ҳ. қишда совуқда кўп тошади; бунга совуқда ёғ қотиб қолиб, ёғ безлари ковакларидан равон чиқиб кетолмаслиги

сабаб бўлиши мумкин.

Баъзан Ҳ. тошишига кази, сур гўшт, тузланган балиқ, икра, шоколад ейиш, шунингдек, кабзият сабаб бўлади. Ҳ. тошишига мойил кишилар мумкин қадар шу таомлардан парhez қилишлари зарур. Врач маслаҳати билан куёш нурида тобланиш, денгизда чўмилиш, спорт билан шуғулланиш, очик ҳавода сайр қилиш, организмни чиниқтириш Ҳ. тошининг олдини олади.

Терини тўғри парвариш қилиш ҳам мумкин аҳамиятга эга. Яллиланган тошмалардаги қора нуқталарни ситиш ярамайди, акс ҳолда дард улғайиб кетади. Врач рухсатисиз ҳар хил кремлар суртмаслик керак.

ҲУСНИХАТ (чиройли ёзув) -чиройли ёзиш санъати. Араб хати турлари (куфий, насх, сулс, настаълик ва б.) мусулмон Шарқининг йирик маданий марказларида кенг тарқалди ҳамда тараққий этди. Ҳ.ни ўрганиш асосида 2 — «назарий» (машҳур хат-тотларнинг ёзувларидан нусха кўчириш) ҳамда «жаёлий» (турли ёзувларни ўрганиш ва қиёслаш) услуги ётади. Хаттотнинг асосий иш куруллари — қора ва рангли сиёх, қоғоз, камиш-қалам, мистар, давот (қаламдон), жузгир ва қаламнинг учини текислаш учун пичоқ. Хаттотлар матн билан бирга меъморий ёдгорликлар (китобалар), қоғоз, мато ва х.к.га безаклар ҳам яратганлар. 19-а. охирларига қслиб *итографиянинг* пайдо бўлиши билан Ҳ.нинг аҳамияти пасая бошлади. 20-а. 2-ярмидан *китобат санъатини* қайта тиклашга уринишлар Ҳ.нинг қайта жонланишини таъминлади (яна қ. *Хаттотлик*).

ҲУТ (лот. P15ce5) — *Зодиак* юлдуз туркумларидан бири; балиқ лар ҳам Ҳ. дейилади. Энг ёруғ юлдузлари 3, 6; 3,7 ва 3.8 юлдуз катталигида. Ҳ.да баҳорги тенгкунлик нуқтаси Т жойлашган. Ўзбекистонда сент. — октябрь ойларида жуда яхши кўринади.

ҲУФУФ, ал-Ҳуфуф — Саудия Арабистонининг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Аҳолиси 100 минг кишидан зиёд. Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси: Жидда — арРиёд — Растанура автомагистраль йўлидаги транспорт манзили. Т.й. станцияси. Цемент 3-ди бор. Хурмога ишлов берилади. Хунармандчилик ривожланган: ҳажга борувчилар учун махсус кийим-бош (ихром кийими) тикилади, мовут тўқилади, кумуш ва олтин буюмлар тайёрланади. Ҳ.нинг ғарбида йирик Гавар нефть конлари бор (мам-лақатда казиб олинадиган нефтнинг 1/2 қисмини беради).

ҲУШСИЗЛИК, ҳушдан кетиш — миянинг қон билан таъминланиши бузилиши натижасида қисқа муддат рўй берадиган ҳолат. Рухий изтироб (кўрқиш, ҳаяжонланиш), оғриқ (буй-рак, жигар оғриғи), ичак санчиғи, офтоб уриши таъсирида, баъзида горизонтал ҳолатдан тик ҳолатга ўтганда ва б.да учрайди. Кўпинча ўта толиққан, оч қолган, инфекцияни касалликлар билан оғриган кишиларда кузатилади. Ҳ. марказий нерв системаси ёки юрак фаолияти бузилганлик белгиси бўлиши мумкин. Ҳ. олдидан беморнинг боши айланади, бўшашади, кўзи тинади, қулоғи шанғиллайди, қўл-оёқлари увушади; баъзан Ҳ. ҳолати шу белгилар билан ўтиб кетиши, бемор ҳушини бутунлай йўқотмаслиги ҳам мумкин. Ҳ.да беморнинг нафас олиши сустлашиб, кўз қорачиғи тораяди, сўнг кенгайди ва ёруғликдан таъсирланмайди, пульси заифлашади, танасини муздек тер босади, ранги оқариб, тўсатдан йиқилади. Ҳ. бир неча сек. дан 1—2 мин. гача, баъзан ундан кўпроқ давом этиши мумкин. Юрактомир системасида жиддий ўзгаришлар бўлмаса, Ҳ. тезда ўтиб кетади; беморнинг эс-ҳуши, ранги ўзига келиб, пульси ва нафас олиши нормаллашгани билан бош оғриғи, қувватсизлик, ҳорғинлик аломатлари анчагача давом этиб туради. Ҳ.да беморни ҳушига келтириш учун у ётган хона соф ҳаво билан шамолла-

тилади, сиқиб турадиган кийимлари бўшатилади, бош томо-нини пастрок қилиб ётқизилади; юзи ва кўкрагига совуқ сув пуркалади ёки сочиқ хўллаб босилади; нашатир спирти ҳидлатилади ва чаккасига суртилади (сирка ёки одёколон суртса ҳам бўлади), оёғига иссиқ грелка қўйилади ёки дағалроқ нарса билан ишқаланади. Бемор хушига келгач иссиқ ширин чой ёки кофе ичирилади. Ҳ. рўй берганда, албатта, врач чақириш керак.

ХУҚНА, клизма — тўғри ичакка ақудан махсус асбоб ёрдамида суюқлик (кўпинча сув) юборишдан иборат тиббий муолажа. Тозаловчи Ҳ. (ичакдаги нарсаларни чиқариб ташлаш учун қўлланади), дори Ҳ. ва озик Ҳ. фарқ қилади. Ҳ. фақат врач кўрсатмасига мувофиқ қилинади, чунки баъзи ҳолларда (аппендицит, ичак буралиб қолиши ва х.к.) у оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳ. учун махсус ноксимон резина баллон (баъзан махсус қаттиқ учликли қисқичи ёки жўм-раги ҳамда учлиги бор резина найчалар воронка) қўлланади, шунингдек, Эсмарх кружкасида фойдаланилади, унга суюқлик бир меъёрга бориши учун жўмракча, бириктириш найчасига эса учлик ўрнатилган.

Тозаловчи Ҳ. *қабзията*, озик-овқатдан захарланганда, меъда-ичак йўлини ва кичик чанок аъзоларини рентгенологик текширишдан, операциядан, туғишдан, дори ва озик Ҳ.дан олдин қўлланади. Баъзи бир даво Ҳ.си айни вақтда тозаловчи Ҳ. функциясини ҳам ўтайди (мас, мойчечак-ли, гипертоник, ёғли ва б.). Ҳ.нинг таъсири суюқлик миқдорига, унинг тезлик билан босим остида юборилишига боғлиқ. Катта ёшдагилар учун ўртача 1 л га яқин тоза илиқ сув керак бўлади. Сув юбориб қилинадиган тозаловчи Ҳ. қабзиятда ичак шил-лик пардасини таъсирлаб, ичакнинг тўлқинсимон ҳаракати (перистальтикаси)ни кучайтиради, натижада беморнинг ичи келади. Агар беморнинг кимирлаши

мумкин бўлмаса уни чал-қанча ётқизиб Ҳ. қилинади, беморнинг остига тувак қўйилади. Қорип мускуллари хаддан ташқари таранг бўлса, Ҳ. қилинаётганда бемор тизза ва тирсакларига таяниб туриши керак. Ҳ. қилишдан олдин учликка вазелин ёки глицерин суртилади. беморни клеёнка солинган ўрин четига чап ёнбоши билан ётқизилади. Чап қўлнинг биринчи ва иккинчи бармоқлари ёрдамида думба керилиб. ўнг қўл ёрдамида учлик айланма ҳаракат билан тўғри ичакка 10—12 см киргизилади. Ҳ.дан сўнг мумкин қадар 5—10 мин. ҳожатга чиқмай турган маъқул.

Ёғли Ҳ. учун ўсимлик мойини 200 мл (болаларга 30 — 50 мл) ҳажмида кечқурун юборилади. Бунда ноксимон резина баллон ишлатилади.

Дори Ҳ. дори моддаларининг ичак шиллик пардасига таъсир этиши ва дорининг организмга ичак орқали сўрилиши мақсадида қўлланади. Дори моддалари 10 мл ва ундан оз миқдорда юборилганда яхши сўрилади. Дори Ҳ. қилишдан олдин албатта тозаловчи Ҳ. ўтказиш керак.

О з и қ. Ҳ. — сунъий овқатлантиришнинг бир тури. У организмнинг суюқликка, ош тузига ва оз миқдорда бўлса-да, озик моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қўлланади. Озик Ҳ. учун ош тузининг физиологик (изотоник) эритмаси, 5% ли глюкоза эритмаси ва аминокисло-талар эритмаларидан фойдаланилади. Бундай Ҳ. тозаловчи Ҳ.дан кейин қилинади. Озик Ҳ. фақат врач кўрсатмасига биноан даволаш муассасаларида қўлланади.

ХУҚУҚ — давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий мажбурий ижтимоий нормалар тизими. У *ҳуқуқий муносабатлар* ва фуқаронинг давлат томонидан мустаҳкамланадиган, кафолатланадиган ва муҳофаза этиладиган асосий ҳуқуқларини ўз ичига олади. Ҳ. давлат бўлиб уюшган жамиятда пайдо бўлади ва мулкчилик муносабатларини, хўжалик алоқалари ме-

ханизмини мустаҳкамлайди, меҳнат ва унинг маҳсулотларини жамият аъзолари ўртасида муайян ўлчов ва шаклларда тақсимлаб турувчи вазифасини ўтайди (фуқаролик Х.и, меҳнат Х.и); ваколатли органлар, давлат бошқару-ви органлари шаклланиши, тартиби, фаолиятини белгилаб беради, низоларни қай йўсинда ҳал қилиш кераклигини, мавжуд ижтимоий муносабатларни бузишга қарши кураш чораларини (жиноят Х.и, процессуал Х.) белгилайди, шахслар ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хил шаклларига таъсир кўрсатади (оилавий Х.). Х. нормалари бошқа ижтимоий тартибга солувчи нормалар (дин, ахлоқ, одат ва б.)дан ўзининг мажбурийлиги билан ажралиб туради.

Х.нинг 2 ёки ундан ортиқ давлатларнинг хоҳиш-иродаси, истаклари билан вужудга келтирилаётган *халқаро ҳуқуқ* ҳамда фақат бир давлат доирасида бўлган миллий Х. кўринишлари бор. Фанда Х.ни «географик» жиҳатдан бўлиб талқин қилиш ҳам мавжуд. Унга кўра қуйидаги ҳуқуқий тизимлар («ҳуқуқ оилалари») фарқланади: континентал (ёки роман-герман), ан-глосаксон (ёки инглиз-америка), ин-дейс, *мусулмон ҳуқуқи*. Қиёсий ҳуқуқ-шунослик намояндалари «социалистик давлат»лар деб аталган давлатлар Х.ини ҳам алоҳида тизимга киритишни таклиф этадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи континентал Х. тизимига мансуб.

Х.нинг ўзига хос умумий ва махсус белгилари мавжуд. Х.нинг ижтимоийлиги, норматив кўрсатмалардан иборатлиги, адолат ва эркинлик ғояларини ифода-лаши, умуммажбурий ва иродавий хусусиятлари, қонуний аниқлиги, расман белгиланганлиги, тизимлиги ва жўшқинлиги, давлат томонидан муҳофаза этилиши шулар жумласидандир. Х. тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш бўйича 3 асосий ёндашув бор: а) Х.га мутлақ юридик нормалар тизими сифатида қаровчи норматив ёндашув (буни Х.ни тор маънода тушуниш ҳам дейилади); б) Х.ни у тартибга

солувчи ижтимоий муносабатлар билан тенглаштирувчи социологик ёндашув; в) Х.ни эркинлик ва адолат мезони билан боғловчи фалсафий ёндашув (кейинги икки ёндашувни Х.ни кенг маънода тушуниш ҳам дейилади). Шу билан бирга *ҳуқуқшунослик* фанида қад. ҳисобланган ва пухта ишлаб чиқилган Х.нинг *табиий ҳуқуқ* ва позитив ҳуқуққа бўлиниш ғояси мавжуд. Позитив Х. давлат ҳуқуқий ижодкорлик фаолиятининг натижаси, маҳсули ҳисобланади. У давлат қабул қилган нормаларда, яъни қонунчилик-да, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ман-баларда ифодаланган Х.дир. Юрисп-руденцияда Х. тизими 2 га ажратила-ди: хусусий Х. ва оммавий Х. Фуқа-ролик Х.и (ашё Х.и, мажбурият Х.и, савдо Х.и, оила Х.и, мерос Х.и, тижорат Х.и) хусусий Х.қа тегишли-дир. Оммавий Х.қа эса давлат, молия, жиноят, процессуал ва халқаро Х. киритилади.

Х. жамият ҳаётининг турли соҳалари — иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тарика иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий функцияларни бажаради. Юридик нуқтаи назардан бу функцияларни 2 турга: регулятив (тартибга солувчи) ва негатив (кўриқловчи) функцияларга ажратиш мумкин. Х.нинг регулятив функцияси жамият аъзолари юриш-туриши ва хулқ-атворининг ижобий, барчага мақбул қоидаларини ўрнатишдан, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий асосга қўйишдан, инсонлар ўртасидаги ижтимоий алоқаларни уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришдан иборат. Х.нинг негатив функцияси унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик иқтисодий, сиёсий, маънавий ва б. ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга ва шу билан бирга, жамиятга ёт, зарарли муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади. Х.нинг бу функциясига хос хусусиятлар уни давлатнинг Х.ни муҳофаза этиш фаолияти

билан қиёслаганда аниқ намоён бўлади. Тегишли давлат идоралари Ҳ. соҳиблари томонидан қонун талаблари қатъий ба-жарилишини таъминлайди, жамиятда қонунийлик мухитини вужудга келти-ради. Бу иш Ҳ. бузилишлари фактини аниқлаш, уларни тергов қилиш ва айб-дорларни юридик жавобгарликка тортиш билан таъминланади.

Ҳ.нинг назарий масалаларини Ғарб-да, жумладан, Европада ижтимоий фан соҳа олимлари, айниқса ҳуқуқшунослари теран ва изчил ёритиб келмоқдалар. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ҳам бу борадаги уринишлар ва саъй-ҳаракатлар, изланиш ва тадқиқот ишлари бирмунча кучайди. Ўзбек ҳуқуқшунослик фани вужудга келди. Бу фан намояндалари миллий давлатчилик тарихини, ҳуқуқ ва давлат умумназарий масалаларини ўрганиш борасида миллий кадриятларни, илмий меросни замонавий умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу соҳага миллий истиқ-лолни мустақамлаш ишининг бир қисми сифатида қарамоқдалар.

Баҳодир Тураев.

ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ - ҳуқуқий му-носабат иштирокчиларининг маълум ҳуқуқларга эга бўлиш ва шунга яра-ша мажбурият (бурч) ола билиш ла-ёқати. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш фуқаролик Ҳ.л. демакдир. Барча фуқаролар, шунингдек, юридик шахслар Ҳ.л.да тенгдирлар.

Ҳ.л. ҳуқуқнинг фуқаролик ҳуқуқи соҳасида кўп учрайди. Фуқаронинг Ҳ.л. одатда, у тузилганида вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Баъзан Ҳ.л. бола туғилмасдан ҳам вужудга ке-лади. Мерос ҳуқуқига кўра, очилажак меросда ҳомиланинг ҳам Ҳ.л. ётади. Фуқаролик қонунчилиги бўйича, фу-қароларнинг Ҳ.л. мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиш; мулкни мерос қилиб олиш ва васият қилиб қолдириш; банкда жамғармага эга бўлиш; тадбир-корлик, дехкон, фермер хўжалиги билан

ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шу-ғулланиш; ёл-ланма меҳнатдан фойдаланиш, мустақил равишда ёки бошқа фуқаролар ва юридик шахслар б-н биргаликда юридик шахслар ташкил этиш; қонунга зид бўлмаган ҳар қандай битимлар тузиш ва мажбурият-ларда қатнашиш; бошқа шахслар томо-нидан етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилиш; машғулот турини ва яшаш жойини танлаш; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтироларнинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллекту-ал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишда ўз ифодасини то-пади.

Юридик шахслар ўз таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фао-лият мақ-садларига мувофиқ Ҳ.л.га эга бўладилар. Юридик шахснинг Ҳ.л. у тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан вужудга келади ва у туга-тилган пайдан эътиборан та-мом бўлади. Юридик шахснинг махсус Ҳ.л. унинг ўз устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Миродил Баратов.

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ — ҳуқуқий нор-маларнинг ифода этилиш шаклла-ри. Ҳуқуқнинг бирламчи манбаи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нор-малари ва қоидалари ҳисобланади. Бу-ларга БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948) ва б. киради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқнинг асосий манбалари қаторига киради. Ўзбекистон Республикаси-да нор-магив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг Консти-туция-яси; Ўзбекистон Республикасининг кон-ституциявий қонунлари; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ҳуқуқнинг энг қад. манбаларидан бири ҳуқуқий одатдир. Ҳуқуқий одат узоқ давр мобайнида амалда бўлиши натижасида шаклланган, жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган ҳулқ-атвор қоидаси.

Ҳуқуқий прецедент ҳам ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Ҳуқуқий прецедент суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёхуд оғзаки қарори бўлиб, бу қарор келгусида барча шунга ўхшаш ишларни қўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна нормадир. Ҳуқуқий прецедентнинг суд ва маъмурий пре-цедент шакллари мавжуд. Суд преце-денти АҚШ, Австралия, Буюк Бри-тания, Канада ва Янги Зеландия каби умумий ҳуқуқ амалда бўлган давлатларда ҳуқуқнинг манбаи сифатида кенг қўлланади.

Норматив шартномалар ҳам ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Икки ёки ундан ортик мустақил ҳуқуқ субъектлари ўртасида тузиладиган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган битимларга норматив шартно-малар дейилади. Норматив шартномалар айниқса халқаро ҳуқуқда катта аҳамиятга эга. Норматив шартномалар қаторига кирувчи халқаро шартномалар субъектларига кўра — икки томонлама ва кўп томонлама, хусусиятига кўра — норма ўрнатувчи ва таъсис этувчи шартномаларга бўлинади.

Ҳуқуқнинг тарихий ривожланиш даврида ҳуқуқий ақида ва ғоялар ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланган. *Мусулмон ҳуқуқини* Қуръон, сунна, ижмо ва киёс ҳуқуқнинг асосий манбаини ташкил этади.

Олим Ҳусанбоев.

ҲУҚУҚ НОРМАСИ - давлат томони-

дан белгиланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш-туриш қоидаси. Ҳ.н. тегишли *норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар*, шунингдек, ҳуқуқ манбаининг бошқа турлари шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқ тармоқларига боғлиқ ҳолда маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҲУҚУҚИЙ ҳуқуқ нормалари, меҳнат, экология, халқаро, конституциявий, хўжалик ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқларига оид ҳуқуқ нормалари фарқланади. Амал қилиш вақтига кўра, доимий (расмий бекор қилингунга қадар амал қиладиган) ва вақтинчалик (фақат муайян вақт оралиғида амалда бўлувчи) Ҳ.н. бўлади. Ҳ.н. амал қилиш ҳудудига қараб, умумий ва маҳаллий нормаларга бўлинади, бунда биринчиси бутун мамлакат ҳудудида амал қилса, иккинчисига қирадиган нормалар маълум ҳудудларда амал қилиши мумкин. Ҳ.н. субъектларига қараб, умумий ва махсус нормаларга ажралади, бунда биринчиси ҳамма ҳуқуқ субъектлари учун, иккинчиси эса, аҳолининг муайян гуруҳи ёки аниқ белгиланган доирадаги субъектлар (пензионерлар, ногиронлар, ички ишлар ходимлари ва ш.к.) учун тааллуқли бўлади. Булардан ташқари, Ҳ.н.ни бошқа қатор мезонлар асосида таснифлашлар ҳам мавжуд.

Ҳ.н. ўз ички тузилишига эга бўлиб, 3 қисмдан иборатдир: гипотеза, диспозиция, санкция. Гипотезада Ҳ.н.да белгиланадиган қоида қандай шароитда ва ҳолатда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатилади. Диспозицияда гипотезада кўрсатилган ҳоллардаги муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодаланади. Санкция диспозицияда кўрса-тилган қоидани бузган шахсга нисбатан давлат органи қўллаши мумкин бўлган таъсир чорасини белгилайди. Конституциявий нормалар 3 қисмдан эмас, асосан гипотеза ва диспозициядан иборат бўлади. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни кўзда тутувчи нормалар эса — асосан диспозиция ва

санкциядан иборат бўлади (мас, Жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисми нормалари).
Маҳмуд Нажимов.

ХУҚУҚ ОБЪЕКТИ - ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган субъектларнинг диккат-эътибори, манфаати, ҳатти-ҳаракати қаратилган тайин неъмат, нарса, жараёнлар. Мас, уй-жой олди-сотди шартномавий муносабатининг жонбағи уй-жой ташкил этади; одам жонига қасд қилиш жиноятининг объекти — инсоннинг ҳаёти ва ш.к. Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳаёт ҳодисалари, ижтимоий воқеалар каби турли-туман-дир. Уларни асосан қуйидагича таснифлаш мумкин: буюмлар, ашёлар, моддий олам неъматлари; маънавий ижод маҳсулотлари; инсон фаолияти, ҳуқуқ-атвори; шахсий номулкий неъматлар. Табиат неъматлари ва одамнинг меҳнат фаолияти жараёнида яратилган нарсалар юридик маънода буюм (ашё) лар бўлиб, улар асосида ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Моддий олам неъматлари объект бўлувчи ҳуқуқий муносабатларга олди-сотди, маҳсулот айирбошлаш, ҳадя, мерос каби муносабатлар киритилади. Интеллектуал-аклий фаолият натижаси маънавий ижод маҳсулотлари бўлиб, улар юзасидан ҳам турли ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Инсон фаолияти, ҳуқуқ-атвори ҳам ҳуқуқий муносабатлар воситасида тартибга солинувчи объект сифатида кўрилади. Ҳуқуқий муносабатнинг шахсий номулкий объекти деганда инсоннинг бевосита шахсияти билан боғлиқ нарсалар — унинг ҳаёти, кадр-қиммати, шаъни, соғлиғи қабилар тушунилади. Булар жиноят қонуни, фуқаролик, маъмурий, никоҳ ва оила ҳамда бошқа қонунчилик соҳалари томонидан муҳофаза этилади.

ХУҚУҚ СУБЪЕКТИ - қонунга бино-ан ҳуқуққа эга бўлиш ва зиммасига юридик мажбуриятлар олиш лаёқатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Ҳ.с. ҳуқуқнинг барча соҳаларида *ҳуқуқий муносабатларнинг* зарурий белгиси бўлиб, уларнинг ҳар бирида субъектларнинг мавқеи муайян ўзига хосликка эга. Мас, фуқаровий ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар жисмоний шахс сифати-да; тижорат ва нотижорат ташкилотлари юридик шахс сифатида қатнаша-дилар; фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг учинчи турини давлатнинг ўзи, давлат ва маҳаллий тузилмалар ташкил этади. Маъмурий ҳуқуқий муносабатларда асосан давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва айрим ҳоллардагина ташкилотлар (юридик шахслар) Ҳ.с. бўла олади. Қонун бирор шахс ёки тузилмани Ҳ.с сифатида тан олар экан, унинг давлат, давлат ташкилотлари, бошқа шахсларга нисбатан тутган ўрнини тавсифловчи ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

ХУҚУҚБУЗАРЛИК - ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш. Ўз хусусиятига кўра, Ҳ. *жиноят*, ноҳўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда Ҳ. қонунбузарлик сўзи билан бир хилда ишлатилади. Фуқаровий Ҳ. (шахсга, фуқаро ёки ташкилотнинг мулкига зиён етказиш), маъмурий Ҳ. (мас, майда безорилик, йўл ҳаракати қондасини бузиш), интизомий Ҳ. (ноҳўя ҳаракат, мас, ишга келмаслик, кеч қолиш) фарқланади. Ҳ.нинг энг хавфли кўриниши жиноятдир. Ҳ. учун қонунда тегишлича фуқаровий, маъмурий, интизомий ва жинорий жавобгарлик белгиланган.

ХУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК - ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши. Ҳ.в.нинг умумий (универсал) ва хусусий (сингуляр) тури бор.

Умумий Ҳ.в.да ворисга барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтади (мас, мерос колдиришда, ёки бир неча ташкилотлар, яъни юридик шахслар қўшилган-да). Хусусий (шахсий) Ҳ.в.да бирон-бир алоҳида ҳуқуқ бир шахсдан бошқасига ўтади (мас, дастлабки креди-тор ҳуқуқининг бошқа шахсга ҳуқуқ ўтиш пайтидаги ҳажмда ва шартларда берилиши). Шу билан бирга бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлмайдиган ҳуқуқлар ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ФК алимент талаб қилиш, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишига йўл қўймади.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ - давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқ^к асосланганлиги. Ҳ.д. ғоясини антик мутафак-кирлар илгари сурган эдилар. *И.Кант* эса унга илмий-фалсафий таъриф берган. Ҳ.д.да давлатнинг қуйидаги принциплар асосида фаолият юргизиши ва амал қилиши шарт ҳисобланади: халқ суверенитети; шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳар қандай ҳодда бузилмаслиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилиш; судларнинг мустақиллиги, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устун бўлиши.

Ҳ.д.да энг олий кадрият инсон ҳисобланади. Давлат фақат ҳуқуқ нормаларини яратиб қолмай, ўзи ҳам уларга амал қилиши Ҳ.д.нинг энг муҳим хусусиятидир. Ҳ.д. *демократиянинг* ажралмас белгисидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ин-сонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўзлаб ўзининг мухтор вакиллари сиймосида давлатимизнинг асосий қонунини қабул қилиши таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистоннинг мус-тақил давлатчилиги даврида консти-туция ва қонунларнинг устунлиги ғояси халқ ижтимоий онгининг таркибий қисмига айланди.

Қонунни чет-лаб ўтиш эмас, аксинча, қонун талаблари асосида, унга мос ва мувофиқ равишда яшаш лозимлиги кишилар онгига тобора сингиб бормоқда. давлат инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг изчил ҳуқуқий механизмини яратиш тадбирларини амалга оширди (яна қ. *Қрнун устуворлиги*).

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ - фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга, ташкилотларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга қўмаклашиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қафолатланганлиги, фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган. Ушбу конституцион норманинг моҳияти шундан иборатки, фуқаролар ҳамда ташкилотлар ўзлари

амалга ошираётган ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида тўлиқ ва етарли маълумотга эга бўлгандагина фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла равишда амалга оширилади, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятида эса қонунийлик таъминланади. Авваллари Ҳ.ё. асосан *ҳуқуқий маслаҳатчилар* ҳамда адвокатлар томонидан амалга оширилди. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда ушбу ёрдам уларга турли давлат бошқаруви органлари (мас, адлия органлари), нодавлат нотижорат ташкилотлари (Савдо-саноат палатаси), жамоат бирлашмалари ва ҳатто турли тижоратчи ташкилотлар томонидан ҳам кўрсатилапти.

Ҳ.ё. ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш; ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва б. ҳужжатларни тузиш; судда ва б. давлат

органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакили сифатида ишти-рок этиш; жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш орқали амалга оширилади. Ҳ.ё. ҳақ эвазига ёки текинга амалга оширилиши мумкин. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда турли жамоат бирлашмалари асосан текинга юридик ёрдам кўрса-тишади. Адвокатнинг ҳуқуқий ёрдами учун ҳақ тўлаш адвокат билан миждо ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади. Шахс тўловга қобилият-сизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилган-да, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун давлат ҳисобидан ҳақ тўланади.

ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК, юридик жавобгарлик — ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш. Бу чоралар шахсий (озодликдан маҳрум этиш), мулкӣ (жарима), ташкилий (муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ишдан бўшатиш) тусда бўлиши мумкин. Ҳ.ж. ўз хусусиятига кўра, сиёсий, ахлоқӣ ва б. жавобгарликлардан фарқ қилади. Ҳ.ж. *ҳуқуқбузарликнинг* турларига мувофиқ куйидагиларга бўлинади: жиноий-ҳуқуқӣ, фуқаролик-ҳуқуқӣ, маъмурий-ҳуқуқӣ, инти-зомий-ҳуқуқӣ жавобгарлик. Ҳ.ж.да адолатлилик, инсонпарварлик, қонунийлик асослантирилганлик, ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқар-рарлиги, индивидуаллик (фақат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик), мақсадга мувофиқлик каби тамойилларга амал қилинади. Зарурий мудофаа (шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиқиб, зарар етказувчига нисбатан зарурий мудофаа

доирасида қаршилик кўрсатиш ёки зарар етказиш); охириги зарурат (шахс жамият, давлат манфаатларига хавф тугдирадиган ҳолатларда, бу хавфнинг олдини олишга қаратилган чоралар доирасидаги ҳаракатлар); касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик; муомалага лаёқатсизлик; казус (тасодифлар) ва ш.к. юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар ҳисобланади. Юридик жавобгарликни амалга ошириш учун ваколатли органнинг ҳуқуқни қўллаш акти зарур бўлади. Бундай актлар суднинг қарори, маъмурият буйруғи бўлиши мумкин.

Нурмат Сабуров, Шаҳзод Сайдуллоев.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ - адвокатнинг ёки юридик маслаҳатчининг жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлари ва тунтиришлари. Ҳ.м. оғзаки ёки ёзма шаклда, ҳақ эвазига ёки текинга берилиши мумкин (қ. *Ҳуқуқӣ ёрдам, Ҳуқуқӣ маслаҳатчи*).

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЧИ, юридик маслаҳатчи (ЎЗРда) — ташкилотнинг ҳуқуқӣ хизмат ходими. У давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг, республика ҳамда маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юридик (ҳуқуқӣ) хизматини амалга оширади. Ҳ.м. зиммасига маъмурият томонидан чиқариладиган буйруқ, фармойишларнинг ҳамда бошқа ҳуқуқӣ мазмундаги ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилиш; бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома ва битимлар тузишда иштирок этиш; ходимлар ҳамда хизматчиларга амалдаги қонунчилик тўғрисида ахборот бериш, уларга ҳуқуқӣ ёрдам кўрсатиш; судларга даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этаётган ташкилот (муассаса)

ларнинг ишини юритиш; ташкилот (муассаса) ходими судланувчи ёки жабланувчи тариқасида жалб қилинган ҳолларда дастлабки тергов ва судда жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиш юкла-тилган. Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс бошқарув органларида ва мулкчилик шаклларида қатъи назар корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда юридик маслаҳатчи бўлиб ишлаши мумкин. Вазирлик, давлат кўмитаси, идора ва республиканинг бошқа бошқарув органи юридик бўлинмасининг бошлиғи ёки юридик маслаҳатчиси ла-возимини эгаллаш учун камида 5 йиллик юридик маслаҳатчи иш тажрибасига эга бўлиш зарур. Юридик маслаҳатчилар 5 йилда 1 марта Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент ш. адлия бошқармаларида қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтадилар. Ёш мутахассислар ва ҳомиладор аёллар аттестациядан ўтказилмайди. Ҳ.м. аттестациядан ўта олмаса, у 6 ой муддатдан сўнг яна қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиш учун юборилиши мумкин. Юридик маслаҳатчига ҳуқуқий ишларга тааллуқли бўлмаган бошқа ишларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди. Мансабдор шахслар томо-нидан юридик маслаҳатчига юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга қаршилиқ кўрсатилса ва бу қонунчиликнинг бузилишига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфа-атларига зарар етказилишига олиб келса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдирномаси бўйича айбдор мансабдор шахслар юридик жавобгарликка тортиладилар.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

-ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар. Бундай муносабатлар иштирокчилари тегишли юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Мас, ишга кириш билан

боғ-лиқ ҳуқуқий муносабатда ишга қабул қилинган ходимда муайян меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурия-ти, корхона маъмуриятида эса тегишли иш ҳақи тўлаш мажбурияти пайдо бўлади. Айни пайтда, иккала томон ҳам қонунда белги-ланган қатор ҳуқуқлардан фойдаланади. Ҳ.м. юзага келиши учун моддий асослар (томонларнинг хоҳиш-истаги, манфаати) ва юридик асослар (шу ижтимоий муносабатни тартибга соладиган тегишли ҳуқуқ нормасининг мавжудлиги, томонларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлиги, юридик фактнинг мавжудлиги) бўлиши лозим.

Ҳ.м.нинг мазмунини ташкил этув-чи, уларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган таркибий қисмлари бор. Булар Ҳ.м.нинг субъекти, объекти, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлардир (қ. *Ҳуқуқ субъекти*, *Ҳуқуқ объекти*). Субъектив ҳуқуқ ҳуқуқдор шахсининг ҳуқуқ нормалари доирасида ҳамда конкрет юридик фактлар асосида вужудга келувчи хатти-ҳаракати, феъл-атворининг меъёридир. Субъектив ҳуқуқ ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ нормасига асосан унда кўзда тутилган ҳаракатни содир қилишга ҳақли эканликларини ёки маълум ҳаракатларни амалга оширилишини талаб қилиш ва-колатига эга эканликларини билди-ради. Юридик мажбурият — ҲУҚУҚИЙ муносабат иштирокчиларнинг тегишли ҳуқуқий нормага асосан ўзларининг бурчи (мажбурияти) бўлган ҳаракатни амалга оширишлари ёки муайян ҳаракатни содир этишдан ўзларини тийишларидир. Юридик мажбуриятни бажармаслик юри-дик жавобгарликка олиб келади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият ўзаро боғ-лиқдир. Ҳуқуқ мажбуриятсиз мавжуд бўлмайди. Айтايлик, иш вақтидан ташқари ишлаганлик туфайли оши-рилган ҳақ тўлаш — маъмурият учун мажбурият, ходим учун — ҳуқуқдир. Ҳ.м. ҳуқуқ тармоқларига кўра қон-ституциявий, маъмурий, фуқаролик-ҲУҚУҚИЙ, жиноий-ҳуқуқий, меҳнат, оилавий ва б.

турларга бўлинади. Ўзининг вазифаси, мазмунига кўра, умумий тартибга солувчи (регулятив) ва кўриқловчи (негатив) Ҳ.м.га ажратилади. Ҳ.м. умумий ва конкрет, мутлақ ва нисбий турларга ҳам бўлинади. Умумий Ҳ.м. деганда, аввало, фу-қароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини мустаҳкамловчи конституциявий нормалар асосида вужудга келувчи муносабатлар тушунилади. Фуқаролар қонунда назарда тутилган ваколатларга эга бўлгач, барча ҲУҚУҚ субъектлари билан ҳуқуқий алоқадорликка ҳисобланадилар. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилса конкрет Ҳ.м. вужудга келади. Мут-лақ Ҳ.м.да бир тараф аниқ маълум бўлади — бу субъектив ҳуқуқ эгаси-дир. Қолган барча субъектлар мажбурият ўтовчи мақомида бўладилар. Бундай Ҳ.м.га мисол тарзида мулкчилик муносабатларини кўрсатиш мумкин. Нисбий Ҳ.м.да барча иштирокчилар аниқ белгиланади, яъни ҳуқуқ эгаси ҳам, мажбурият ўтовчи томон ҳам (мас, сотувчи ва харидор, буюртмачи ва пудратчи, корхона раҳбари ва ходим) маълум бўлади.

Маҳмуд Нажимов.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ - ижтимоий онг шакли; жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқни тушуниши, ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги тасаввурида ўз аксини топади. Ҳ.о. нафақат амалдаги ҳуқуқ, балки унинг тарихи, шунингдек бошқа жамиятлардаги воқеликларни билишни ҳам ўз ичига олади. Алоҳида шахс, гуруҳ ва жамиятнинг Ҳ.о.и ажратиб кўрсатилади. Ҳ.о. ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан ташкил топган. Ҳуқуқий мафкура — ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушун-ча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат. Ҳ.о.нинг ҳуқуқий мафкура қисмида аксини топган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади. Бундай

илмий асарларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига аниқ ҳуқуқий билимларни, мулоҳазаларни, эътиқод ва кай-фиятни олиб киради. Ҳуқуқий мафкура — шахсининг Ҳ.о.ини илмий асосда шакллантира бориб, ҳуқуққа, одамнинг ҳуқуққа бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир қилади. Ҳуқуқий пси-хология — ҳуқуқий ҳодисаларни ҳис-сиёт билан англашдир. Одам ижтимоий ҳодисаларни, жумладан, ҳуқуқий муносабатларни нафақат ақл б-н, балки сезги билан ҳам тушуниб етади.

Ҳ.о. даражаси жамият аъзоларининг ҳуқуқий маълумотларига ҳам боғлиқдир. Шунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасини кўтаришга кўмак берадиган ҳуқуқий ах-борот тизимини ташкил қилишнинг аҳамияти катта. Ҳуқуқий маданиятнинг даражасига қараб, Ҳ.о. 3 турга ажратилади: оддий, илмий ва касбий. Оддий Ҳ.о., одатда, ўз-ўзидан вужудга келади ва одамнинг шахсий тажрибаси, ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ҳаётини вазиятлар ҳақидаги тушунчаси билан белгиланади. Бунга одамнинг ишга жойлашувидаги ёки олий ўқув юртига кириш қоидалари ё бўлмаса йўл қоидасини бузганлиги учун жавобгарлиги ҳақидаги билимлар мисол бўла олади. Ҳ.о. борлик ҳақидаги оддий тушунчалар чегарасида қолиб кетмайди, доимо ривожлана бориб, назарий, илмий тушунчага айланади. Илмий Ҳ.о. ижтимоий ҳуқуқий ҳақиқатни у ё бу даражада тўғри акс эттирувчи билимлар тизимини ўз ичига олади. Касбий Ҳ.о. эса юридик олий ўқув юртларида

ўқиш натижасида шаклланади, сўнгра, ҳуқуқий амалиёт жараёнида сайқалланади. Ҳуқуқий фанлар вакиллари, ҳуқуқшунос амалиётчилар унинг субъектлари ҳисобланади.

Ҳ.о. жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий шароитлари, унинг маданий-ҲУҚУҚИЙ, демократик ёки авторитар анъаналари билан белгиланади.

Нурали Жавлев.

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ — қонунийлик ва ҳуқуқ-

тартиботни муҳофаза қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, жиноятчилик ва б. ҳуқуқбузарликларга қарши кураш билан шуғулланувчи идоралар. Ўзбекистонда уларнинг фаолияти тегишли қонунлар асосида тартибга солинган («Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун, «Судлар тўғрисида»ги қонун, «Про-куратура тўғрисида»ги қонун, «Адво-катура тўғрисида»ги қонун ва ш.к.). Ўзбекистон Республикасида Х.м.к.о.га қуйидагилар киради: судлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий судга бўйсунувчи умумий юрисдикциядаги судлар, хўжалик судлари); судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашни амалга оширадиган органлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси; Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий, техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти) прокуратура; жиноятларни фош этиш ва тергов қилишга жалб қилинган органлар (суриштирув ва дастлабки тергов органлари), нотариал фаолиятни амалга оширувчи органлар (нотариат ва б.); адвокатура.

ХУҚУҚШУНОСЛИК, юриспруденция — *ҳуқуқши* ижтимоий нор-маларнинг алоҳида тизими сифатида, ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларини, давлат ва ҳуқуқ тарихини, давлат ва умуман сиёсий тизимнинг фаолиятини ўрганувчи фан. Х. — энг кад. ижти-мой фанлардан бири. Унинг тарихан вужудга келиши ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ-дир. Юнон фалсафасидаёқ Х.нинг энг муҳим назарий муаммолари ўртага ташланган, рим ҳуқуқшунослари эса ҳуқуқий тушунча ва

тузилмаларни ишлаб чиққан эдилар, бу тушунча ва тузилмалар хоз. даврда ҳам ўз аҳамия-тини сақлаб қолган. Ҳуқуқ муаммолари хоз. демократик жамиятда ва *ҳуқуқий давлат*га ғоят муҳим аҳамият касб этади, Х. тузилиш жиҳатдан бир қанча тармоқларга бўлинган: *давлат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ*, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий билимлар тарихи. давлат ва ҳуқуқ моҳиятини, Х.нинг бошқа умумий масалаларини ўрганувчи умумий давлат ва ҳуқуқ назарияси фани алоҳида ўринда туради.

Х. умумий назарий фангина бўлиб қолмай, шу билан бирга амалий фан ҳам ҳисобланади. Суд тиббиёти, суд психиатрияси, криминалистика, криминология, юридик психология ва б. юриспруденциянинг амалий тури ҳисобланади.

Х. фани инсон дунёқараши, унинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги тасавури, тушунча ва билимлари шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Х.нинг ғоявий таъсири инсоннинг ҳуқуқий маданияти ривожланишига, ҳуқуқ талабаларини кадрлаб, унга риоя этишига ёрдам қилади. Бу билан жамиятда ҳуқуқий ахлоқ ва ҳуқуқ-тартибот қарор топишига имкон яратади.

Ғалия Тансиқбоева.

ХЎКИЗ — иш хайвони; 2 ёшдан ошган, *қўшта* ярайдиган бичилган эркек қорамол. Мустаҳкам ва дағал конституцияли новвослар бир ёшдан ошганда ахталаниб, иш хайвони сифатида 18— 24 ойлигидан бошлаб турли хўжалик ишларини бажаришда фойдаланилган. Омоч билан ер ҳайдаш, ғалла янчиш (хўп), араваларга қўшиб юк ташиш ишларида асосий улов бўлган. Осиё, Африканинг айрим мамлакатларида Х.лар асосий иш ва миниладиган (транспорт) хайвон сифатида ҳозир ҳам кўп ишлатилади. Ўзбекистонда Х.лардан хўжалик ишларида 20-а.нинг 50-й.лари бошига қадар фойдаланилган.

ҲЎКИЗБОҚАР — осмоннинг Шим. ярим шаригадаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузи — Арктур (0,1 визуал юлдуз катталигида). Алрель — май ойларида яхши кўринади. Ўзбекистон ҳудудида ҳам кузатиш мумкин.

ҲЎШПОЗ — қ. *Карбункул*.

ҲЎРМУЗ БЎҒОЗИ (кад. номи Ҳармиз бўғози) — Ҳинд океанининг шим.-ғарбий қисмидаги бўғоз, Ара-бистон денгизининг Форс ва Уммон кўлтиқларини бирлаштириб туради. Уз. 195 км, энг камбар жойининг эни 54 км, чуқурлиги фарватерида 27,5 м. Бан-дар-Аббос порти бор.